
O'ZBEKISTON
TASAVVUFGA
KIRISH
DARSLIK


O'ZBEKISTON
ТАСАВВУФГА
КИРИШ
ДАРСЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

И.Усмонов, З.Фахриддинов, Ҳ.Юлдашходжаев,
Г.Саидова, Л.Асророва

ТАСАВВУФГА КИРИШ

дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

«Ёш куч»
ТОШКЕНТ-2019

УЎК: 141.33
ББК: 86.4
Т 25

Тузувчилар: И.Усмонов, т.ф.н., доц.,
З.Фахриддинов,
Ҳ.Юлдашхолжаев, т.ф.н.
Г.Саидова
Л.Асророва
Масъул муҳаррир: З.Исломов, фил. ф. д., проф.
Тақризчилар: У.Уватов, т.ф.д., проф.
Ш.Зиёдов, т.ф.н., доц.

Мазкур дарсликда тасаввуф тарихи, таълимоти ва ғоялари, тариқатларнинг қадимдаги ва ҳозирги ҳолатлари, минтақавий хусусиятлари, глобаллашув шароитида тариқатлар фаоллашуви, сохта суфийлик, тариқатчилик ва бошқа кўплаб мавзулар ёритилган. Мазкур дарсликни тузишда манба ва адабиётлардан кенг фойдаланилган. Дарслик тавсия этилган адабиётлар рўйхати, глоссарий, мавзуга оид саволлар, таянч иборалар, мустақил иш топшириқлари билан таъминланган.

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган № ПЗ-20170930192-рақамли амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги №1186-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган

Рўйхатга олиш рақами №1186-011

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3311-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-5738-9-5

© И. Усмонов, 2019.
© «Ёш куч», 2019.

КИРИШ

Тасаввуф тарихига назар солинса, суфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма хиллиги таъсир этиб турганини кўрамиз. Тариқатларнинг ривожига Марказий Осиёдан етишиб чиққан Ҳаким Термизий (820-932), Аҳмад Яссавий (1105- 1166/67), Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Хожа Муҳаммад Порсо (1345-1420), Хожа Убайдулло Аҳрор (1404-1490), Алишер Навоий (1441-1501), Махдуми Аъзам Косоний-Ҳанафий (ваф. 1542 й.) каби мутафаккирларнинг хизмати алоҳида эътиборга моликдир. Улар томонидан бойитилган тасаввуф таълимоти халқни жипслаштириб, жамиятнинг турли қатламлари орасида дўстлик, ҳамжихатлик ришталари илдиз отишига замин ҳозирлаган. Тасаввуф ўзига хос санъати, адабиёт ва шеърияти, мусиқасига эга бир тизимни ташкил эта бошлаган. Тасаввуфга ҳамоҳанг бўлган адабиёт ва санъат аҳли ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолатпешалик, мурувват ва жасорат каби умуминсоний қадриятларни мадх этганлар.

Тасаввуф (араб. суфийлик билан шуғулланиш) ислмдаги инсоннинг руҳий оламига боғлиқ, қараш ва амалиётлар мажмуидир. Бу атаманинг пайдо бўлиши ҳақида турли тахминлар мавжуд. Лекин аксарият олимлар назарида тасаввуф «суф» – «жун», «мовут» сўзидан келиб чиққан. Чунки таркидунё қилган зоҳид, «ўзини Худога бағишлаган одам» одатда дағал жундан тўкилган кийим кийиб юрган. Тасаввуфга асос солган таркидунёчилик кайфиятлари ислом дини билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Пайғамбар (а.с.) атрофидаги Абу Дардо ва унинг аёли Умму Дардо, Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ибн Ямоний, Салмон Форсий каби айрим саҳобийларда зоҳидона қараш ва турмуш тарзи «тасаввуф» деган тушунча хали пайдо бўлмасдан илгари намоён бўлган эди. Зеро, «тасаввуф» атама сифатида IX асрнинг бошларидагина Ироқ ва Суриядаги зоҳидларга нисбат

тан қўллана бошлаган. Манбаларда «нуссок», «зуҳҳод», «уббод» каби номлар билан келтирилган бу тоифага муҳаддислар, олйёр қиссачилар ва пасиҳаттуй воизлар (қуссос), қорилар, Византия билан чегара урушларида қатнашаётган жангчилар, тақводор ҳунармандлар ва савдогарлар, шунингдек, ислом динини қабул қилган насронийларнинг бир қисми киритилган.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатлари ривожида Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор каби намояндаларнинг хизматлари катта бўлган. Тасаввуф ғоялари кўплаб шеърий асарларда ҳам ўз ифодасини топди. Суфийликнинг рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Саноий, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Аттор, Низомий), шунингдек, маълум даражада араб шеърияти ҳамда туркий халқларнинг (Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёр, Алишер Навоий), Болқон ярим ороли, шимолий Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фольклорига сингиб улгурди.

Яна таъкидлаш лозимки, давр ўтиши билан тасаввуфнинг махсус атамалари, рамз ва тимсолларини ифодалайдиган шеърий адабиёт шаклланди. Натижада суфиёна яширин маъноларни ифодаловчи махсус тил шаклланиб, бу тилда ёзилган ғазал ва рубоийлар адабиётни фақатгина «хос кишилар» англайдиган бўлиб қолди. Иккинчи томондан эса, Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёр каби суфийлар томонидан суфиёна панд-насиҳатлар жуда содда ва халқчил усулда ифода этилган тасаввуфий шеърлар ҳам битилди.

XX аср бошларида тасаввуф мусулмон давлатлари сиёсий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнашда давом этди. Шарқда жамиятнинг ёппасига дунёвийлашишга юз тутиши, иқтисод ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар томон юзланиши тасаввуфнинг мавқеига қаттиқ зарба берди. Кўпчилик араб давлатлари, айниқса кўпфаз мамлакатларида тасаввуф салафийликка мойил бўлган диний-сиёсий доиралар томонидан кескин танқид ва таъқибга учради. Улар ислом динини замон талабларига мувофиқ мослаштиришга

ёхуд суфийлик таълимотларидан холи бўлган илк исломнинг «соф кўриниши»ни ортга қайтаришни талаб қилиб чиқар эдилар. XX аср ўрталарида араб-ислом социализми тарафдорлари ҳам ўз мамлакатининг қолоқлигида бир жиҳатдан тасаввуфни ҳам айблаб, уни тараққиёт ва юрт гуллаб-яшнаши йўлидаги тов, деб билди. Бир қатор мусулмон мамлакатларида тариқатлар фаолияти қисман ёки бутунлай ман қилинди. Шунга қарамай, тасаввуф ўзининг аввалги мавқеини анча йўқотган бўлса-да, у шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг муайян қатламлари орасида ўз таъсирини сақлаб қола олди. Аммо XX аср охирларидан эътиборан тасаввуф тариқатлари янги куч билан жаҳон миқёсида фаолият юрита бошладилар.

Умуман олганда, тариқатларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг тарихий фаолиятини ўрганиш бизга ўрта асрлар мусулмон шарқи маданияти, санъати ва ижтимоий муносабатлари ривожини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Тариқатларнинг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш эса диншунослик ва исломшунослик нуқтаи назаридан қараганда истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Негаки, бир қатор европалик олимлар неча замонлар давомида бу соҳани ўрганишга кўп куч ва ғайрат сарф этганлари ҳолда тасаввуф вужудга келган Шарқ ўлкаларида тасаввуфшуносликни ривожлантириш ҳамон долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, юртимизда ҳам тасаввуфшунослик мустақиллик йилларидагина янги босқичга кўтарилди. Аждодларимиздан қолган бой тасаввуфий меросни кенг қаровли тадқиқ этиш лозимлигини эътироф этган ҳолда, тариқатлар тарихи ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатини ҳам чуқур ўрганиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Зеро, эскича қарашлардан фарқли равишда ҳар қандай диний жараёнлар каби тариқатлар фаолияти ҳам динамик хусусиятга эга бўлиб, уларнинг фаолиятини кузатиб бориш тобора янги хулосаларга олиб келмоқда. Айниқса, глобаллашув шароитида Интернет тармоғи ривожи тариқатлар фаолиятида ўзига хос ўрин тутмоқда. Бунинг учун аввало, тариқатлар ривожини атрофлича ўрганиб, илмий асосланган билимларни чуқурлаштириш даркор.

Мазкур дарсликда тасаввуф тарихи, таълимотлари, маросимлари, тариқатларнинг глобаллашув шароитидаги фаолияти, тасаввуфнинг миллатқавий хусусиятлари каби мавзуларнинг илмий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, тариқатлардаги лорий бўлган амалиётлар, асарлар, тариқатлардаги бир-биридан фарқланувчи зикр турлари, либослари, санъат ва маданиятга муносабати, суфийларнинг кундалик турмуш тарзи, тариқатлар касб этган маҳаллий хусусиятларига доир қизиқарли маълумотлар берилган. Дарслик тарихий манбалар билан бир қаторда, юртимизда ва хорижда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан унумли фойдаланилган ҳолда тайёрланган. Шунингдек, дарсликнинг айрим бўлимларини тайёрлашда аллома аждодимиз Ҳаким Термизий асарларидан кенг фойдаланилди. Ўйлаймизки, дарслик барча истифода этувчилар учун манфаатли бўлади.

1-БОБ. ТАСАВВУФНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Илк ислом даврида тасаввуфий қарашлар: саҳобийлар ва тобеийлар ҳаётида зуҳд

Дарснинг мақсади:

Талабаларга тасаввуфнинг юзага келиши, илк ислом давридаги тасаввуфий қарашлар ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Тасаввуф таълимотини ўрганиш зарурати ва тарбиявий аҳамияти.

2. Қуръон оятлари ва ҳадисларда зоҳидона тушунчалар акс этиши

3. Тобеийлар ва табаа тобеийлар даврида тасаввуфий қарашлар шаклланиши

Таянч иборалар: *зуҳд, ахлоқ, ҳушу', суф.*

1. Тасаввуф таълимотини ўрганиш зарурати ва тарбиявий аҳамияти. Тасаввуф ислом ахлоқи сифатида илк ислом даврида ўзига хос тарзда шаклана бошлаган. Тасаввуф таълимоти тарихини ўрганиш ислом динининг рухий-маънавий ва ахлоқий тамойилларини, аждодларимизнинг комилликка интилиши ва комил инсонни тарбиялаш борасидаги асрий изланишларини тўлақонли англаб етиш учун хизмат қилади. Бунинг учун эса, энг аввало исломнинг илк даврларидаёқ тасаввуфий ахлоқ шаклланиши учун замин бўлганини кўрсатиб бера оладиган далилларга таяниш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳозирги ёшларимизда аждодлар меросига ҳурмат, маънавий-ахлоқий тарбия меъёрларига мос авлодни вояга етказишда ислом динининг маърифатпарвар ва бағрикенг моҳиятидан унумли фойдаланишни ҳам тасаввуфий билимларсиз тўлақонли тасаввур қилиб бўлмайди.

Пайғамбар (а.с.) даврида эҳсон ва зуҳд. Тасаввуф сўзи атама сифатида илк ислом даврида учрамасада, кейинчалик суфийлик

ёки тасаввуфий ҳаёт деб номланган зоҳидона турмуш тарзи илк мусулмонларга ёт эмас эди. Машҳур ҳадисда «Исломда роҳиблик йўқ» дейилган, аммо ҳадисларда тасвирланадиган Пайғамбар (а.с.) ва атрофидаги яқин гафдошларининг ҳаёт тарзи дунёга берилмаслик намунаси ўлароқ гавдаланади. Амалларнинг руҳияти, маънавий юксалиш сари моддиятдан узоклашиш кўпгилик саҳобийларнинг тутумига айланган эди. Абу Дардонинг ҳаддан ортиқ таркидунёчилик кайфиятини танқид қилган Салмон Форсий ўзи учун белгиланган нафақани муҳтожларга тарқатиб юбориб, қўл меҳнати ҳисобига кун кечиришни афзал биларди. «Жаброил ҳадиси» деб номланган машҳур ҳадисда динининг учта таркибий қисмлари яъни ислом (шариат), имон (ақоид) билан бир қаторда «эҳсон» (Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш) ҳам зикр қилиниши исломдаги илк руҳий-маънавий изланишларга йўл очди, дейиш мумкин. Кейинчалик изланишлар натижаси ўзаро йиғилиб умумий бир таълимот ўлароқ тасаввуф деб номлана бошлади.

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинадики, «Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в) одамлар орасидаликларида олдиларига Жаброил келиб: «Имон нима?», деди. «Имон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, У билан учрашишингга (охират кунига), пайғамбарларига ва қайта тирилишга имон келтиришинг», дедилар. «Ислом нима?», деди. «Ислом – «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай ибодат қилишинг, намоз ўқишинг, фарз бўлган закотни беришинг, Рамазонда рўза тутишинг, ҳаж қилишинг», дедилар. «Эҳсон нима?», деди. «Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, гарчи сен Уни кўрмасанг ҳам, шубҳасиз, У сени кўриб туради», дедилар... Сўнгра у кетди. У зот: «Уни қайтаринглар», дедилар. (Ортидан чиққанлар) ҳеч нарсани кўрмадилар. Шунда у зот: «Бу Жаброил, одамларга динларини ўргатгани келди», дедилар» (Бухорий ривояти).

Юқорида келтирилган ҳадисда келган «эҳсон» тушунчаси саҳобийларнинг ибодатларида катта ўрин тута бошлагани ривоятлардан маълум. Гапнинг мазмунидан кўриниб турибдики, «эҳсон» бу ташқи амаллар ёки эътиқодий тушунчалардан фарқли равишда, руҳият ва ҳиссиётлар, инсоннинг ибодат вақтидаги

руҳий-маънавий кечинмалари билан боғлиқ тушунчадир. «Эҳсон» саҳобийлар томонидан ибодатнинг руҳияти сифатида қабул қилинганига гувоҳ бўламиз.

Юқоридаги каби ҳадислар Имом Бухорий ва Имом Термизийларнинг ҳадис тўпламларида келтирилиб, уларда ҳиссий билим, руҳий-маънавий кечинмалар тарбинси акс этаётганини, инсон қалби билан боғлиқ тушунчалар бирламчи эканини англаб етиш мумкин.

2. Қуръон оятлари ва ҳадисларда зоҳидона тушунчалар акс этиши. Тасаввуфий асарларда келтирилган фикрларни умумлаштирилса, исломий тасаввуф – Пайғамбар (а.с.) яшаган ҳаёт тарзи ва шариатнинг ҳаётга татбиқ этилиши, эзгулик истаги, диний вазифаларнинг самимият билан адо этилиши, имон асосларининг қалбга сингдирилиши – исломнинг эсли, руҳи ва ўзагидир; ибодатда эҳсон мақоми, сўз эмас, амалдаги ҳол, гафлат, жоҳилият ва хурофот эмас, илм-у маърифат ва ҳушёрликдир. Муҳаммад (а.с.) атрофидаги Абу Дардо, унинг аёли Умму Дардо, Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ибн Ямоний, Салмон Форсий каби айрим саҳобийларда зоҳидона қараш ва турмуш тарзи «тасаввуф» деган тушунчанинг ўзи ҳали пайдо бўлмасидан илгари намоён бўлган эди. Бир қанча саҳобийларнинг илк ислом даврида ночорликдан масжид саҳнидаги супада ҳаёт кечиргани – «аҳли суффа» – кейинги даврлардаги таркидунёчилик кайфиятига катта таъсир ўтказган. Зоҳид сўзи Қуръонда бир маротаба – Юсуф сураси 20-оятда кўплик шаклда учрайди ва «моддий тарафга қизиқмаслик, моддий манфаатга беэътиборлик» деган маънони англатади. Илк ислом даврида «зуҳд» тушунчаси мусулмон жамиятида кенг ёйилган ва бу ҳадисларда ҳам акс этган эди.

«Саҳл ибн Саъд Соъидийдан (р.а.) ривоят қилинади: «Пайғамбарнинг (а.с.) ҳузурларига бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг элчиси, менга бажарсам, Аллоҳга ҳам, одамларга ҳам ёқадиган бир ишни кўрсатинг», деди. Шунда у зот: «Дунёдан зуҳд қил, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамларнинг қўлидаги нарсалардан зуҳд қил, шунда улар сени яхши кўрадилар», дедилар» (Ибн Можа ривояти).

Хулафои рошидин даврида саҳобийлар орасида зоҳидона кайфият сақланиб турди. Лйникса, Умар ибн Хаттоб (р.а.) зукколга қаттиқ эътибор бериб, мусулмон жамияти турмуш фаровонлашган даврда ҳам одамларни бойликка ружу қўймаслик, дунёга берилиб кетмасликка чақириб турган, мулозимликда ишлаётган саҳобийларнинг фаолнятини алоҳида назоратга олган. Усмон ибн Аффон (р.а.) даврида маиший ҳаётда нисбатан енгилликлар юзага келгани ҳолда, аксар саҳобийлар ўзларига зуҳдни лозим кўрган ҳолда яшаганлар. Айрим манбаларда бу давр мусулмонлар орасида бойликка ружу қўйиш кучайиб кетган деб тасвирланганда, аслида бу ўша даврдаги содда турмуш тарзидан бошқа нарсани кўрмаган араб жамияти ўлчовларида шундай баҳоланган. Ҳазрат Усмоннинг ўзи ҳамма қатори оддий ҳовлида яшаган. Ҳазрат Умар эса зоҳидлик ва валийликнинг ёркин сиймоси сифатида гавдаланган. Унинг кўпчилик ўгитлари кейинчалик тасаввуфий қарашларнинг, хоссатан «муҳосабату-н-нафс» (ўзини бошқариш) илмининг туб ғояларига асос бўлди.

Масалан мана бу ҳадисга эътибор қаратсак, «Собит ибн Ҳажжож ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб: «(Қиёматда) ҳисоб қилингунингизгача ўзларингизни ҳисоб қилиб юрингиар, (амаллар тарозусида) ўлчангунингизга кадар ўлчаб юрингиар. Чиндан ҳам, бугун ҳисобингизни қилмасангиз, эртага хисобда сизларга қийин бўлади. «Катта майдон» (маҳшаргоҳ) учун «нсанингиар». У кунда ҳамма нарса кўрсатилади ва хавфсиранган ҳеч нарса яширин қолмайди», дедилар». (Ибн Абу Дунё ривояти)

Зоҳидларнинг ташқи кўриниши одатда энг камхарж кийим-кечаклар билан чекланиш, турмушда эса ов нарсага каноат қилиш орқали ажралиб турган. Арабистон ярим оролида пахта, зиғир ва ипак етиштирилмагани боис, булар ташқаридан кириб келувчи қиммат матолар қаторига кирар, бош устига ўта қиммат ипак кийимни мусулмон эркаклар кийиши исроф юзасидан нозоия эди. Ҳолининг кенг қатламлари одатда туя юнгидан иқлимга қараб калин ёки юпқароқ тўқилган мовут матодан кийинар, бундай кийим иссиқ вақтларда покулай бўлсада ом-

мабоп ва кўпчиликнинг имконнятига мос эди. Зоҳидлар одатда энг кам кулайликлар билан чекланганлари учун содда ва оммалашган юнг матодан кийим кийиб, ортган маблағларини бошқа мухтожларга уланиб юборар одилар. Араблар ҳар қандай юнгдан тўқилган матони «суф» деб атаганлари сабабли, зоҳидлар ташқи кўринишга қараб «суфийлар» – яъни «юнг мато киювчилар», «мовут кийимлилар» деб ном чиқарганлар. Ҳасан Басрийнинг гувоҳлик беришича, у етмишдан ортиқ Бадр қатнашчиларини, яъни саҳобийларни ўз кўзи билан кўрган ва уларнинг барчаси юнг кийим кияр эди. Бунинг устига, «суфий» сўзи ўша даврда араблар орасида ҳам машҳур бўлган юнонча «софія» (софия) яъни донишмандлик, ҳикмат сўзлари билан оҳангдош бўлиб, кейинги даврларда бу ҳол ўзгача жозибадорлик касб этган. Аммо айтиб ўтиш жоизки, саҳобийлардан бирортаси бошқалардан ажралиб туриш учун атай юнг либос киймаган. Қайтага, юнг либос кийган одам ўша даврдаги асосий кўпчиликдан мутлақо ажралиб кўринмаган, чунки бу юнг оммаиинг; таъбир жоиз бўлса, фуқаронинг либоси бўлган. Кейинги даврларда пахта ва зиғир толали кийимлар арзон ҳудудларда тақлидан ёки суфий бўлиб кўриниш учун юнг кийим (либосу с-суф) кийиш риё деб баҳоланган.

Тасаввуфда етакчи ғоялардан бири ҳисобланган "ал-фақр" – фақирликда ҳаёт кечириш тушунчаси ҳам аслида илк ислом даврига бориб тақалади. Қуръони каримда икки марта "Аллоҳнинг юзини истаб эртаю кеч дуо қилувчилар" зикр қилинади. Хусусан Анъом сураси 52-оятда "Парвардигорларига Унинг юзини истаб эртаю кеч дуо қилаётганларни қайдама. Сенинг зиммангда уларнинг ҳисобидан бирор нарса йўқ, сенинг ҳисобингдан ҳам уларнинг зиммасида бирор нарса йўқ. Уларни қайдаб золимлардан бўлиб қолма!", дейилган бўлса, Каҳф сурасининг 28-оятида улар билан бирга бўлиш буюрилади: "Ўзингни Парвардигорларига Унинг юзини истаб эртаю кеч дуо қилаётганлар бирга сабр ила тут. Дунё ҳаёти зийнатини истаб улардан кўзларингни бурма. Зикримиздан қалбини ғафлатда қолдирганимиз ва ҳавои нафсига эргашиб, иши пачава бўлганларга итоат этма!" дейилади. Имом Пасафий "Мадорик"да "эртаю кеч" ибораси бардавомликни ифода этишини келтириб, оятларда васфи келган зотлар

Билол Ҳабаший, Суҳайб Румий, Аммор ибн Ёсир каби камбағал саҳобийлар эканини қайд этади. Мушрикларнинг бойлари даъват тинглаш учун келганларида камбағаллар билан бирга ўтиришдан ор қилиб, Пайғамбардан улардан юз ўгиришни сўрашди, у зот мўминлардан юз ўгирмасликларини айтганларида, бир кун улар билан, бир кун эса камбағаллар билан суҳбат ўтказишни таклиф қилишгач, ушбу оят нозил бўлгани ривоят қилинади[1]. Яъни оятда очиқчасига бу инсонлар фақир экани айтилмаса ҳам, жумланинг сиёқидан ва мўътабар тафсирлардан ҳам уларнинг камбағалликда ҳаёт кечирганлари маълум. Бундан ташқари "Фақирлик фахримдир, у билан фахрланаман" (Табароний ва Дайламий ривояти) мазмунидаги ҳадис ҳам ривоят қилинган. Ушбу ҳадиснинг санади заиф деб топилган бўлсада, тасаввуф аҳли уни кўп бор далил сифатида келтирганлар. Аслида ҳам, айрим саҳобийларни истисно қилганда, уларнинг аксари доимий фақирликда кун кечирмаганлар. Бу ночорликдан келиб чиққан ҳолат бўлиб, ҳадислардаги "фақр" атамасини "Аллохга муҳтожлик изҳори" деб қабул қилмоқ тўғри бўлади. Зеро, Муҳаммад (а.с.) сураси 38-оятдаги жумлани "Аллоҳ бой, сизлар камбағалсиз" эмас, "Аллоҳ беҳожатдир, сизлар эса муҳтожсизлар", деб тушуниш тўғри бўлади. Пайғамбаримиз эса ихтиёрий "фақр"ни назарда тутганлар дейиш тўғри. У зот бир кун оч, бир кун тўқ бўлишни, оч кунлари Аллоҳдан ёлвориб ризқ тилаш, тўқ кунлари Аллоҳга ҳамд ва шукр қилишга қулай эканини таъкидлаганлари машҳур. Бу эса нафс тарбиясида ўта кучли восита ҳисобланади. Ночорликдан эмас, ўз ихтиёри билан дунёдан воз кечолган банда бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам аҳамиятсиз ҳолга келади. Дунё унинг қалбига кириб боришдан тўсилади.

Шунингдек, Нур сурасида "Нур ояти"нинг узлуксиз давоми бўлган 36-37 оятда "Аллоҳ барпо этишга ва ичида Исми ёд этилишига изн берган уйларда эртаю кеч унга тасбеҳ айтарлар. Тижорат ва савдо уларни Аллоҳнинг зикридан ва намоз ўқишдан ҳамда закот беришдан тўсмайдиган, қалблар ва нигоҳлар ларзага тушувчи кундан кўрқадиган кишилар", васфида зоҳидона

[1] Ан-Насафий, Абу-л-Барокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд. Тафсиру-н-Насафий. 1988. Т.2. Б. 13.

кайфият ва ибодатга берилишдан ташқари ижтимоий масъулият ҳам қайд этилган. Зотан, рух ва тан ибодатлари бўлган зикр, тасбеҳ ва намоздан кейин молиявий ибодат бўлмиш закотнинг келтирилиши, ибодат билан бир қаторда тирикчилик ташвишини ҳам унутмаслик лозимлигига ишора қилади. Зеро, закот бериш учун аввало ишлаб пул топиш ва эҳтиёжидан кўпроқ маблағ орттириш керак бўлади. Хусусан, ўз даврида пакшбандийлар ушбу оятни узлатда эмас ижтимоий фаол меҳнатда бўлиш лозимлигига далил қилиб келтирганлар. Қуръони каримнинг Қасас сураси 77-оятда эса бу таъкид янада кучаяди: "Аллоҳ сенга берган нарса билан Охират диёрига интил ва дунёдан насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга эзгулик қилганидек сен ҳам эзгулик қил. Ер юзида бузғунчиликка интилма, албатта Аллоҳ бузғунчиларни севмас". Ушбу оятлардан дунёвийлик ва диний-лик ўртасидаги мувозанатни барқарор ушлаб туриш, таркидунёчилик кайфиятига берилиб кетмаслик тушунилади.

Бундан ташқари тасаввуфий қарашларга далил сифатида келтирилувчи бир қанча бошқа бир қанча оят ва ҳадислар ҳам мавжуд. Бундай оят ва ҳадислар одатда тасаввуф вакиллари томонидан чуқур ва ҳар тарафлама шарҳланган. Вақт ўтиши билан бутун бошли тасаввуфий тафсирлар вужудга келган. Масалан Зуннун Мисрийнинг баъзи оятларга берган тафсири мана шундай тафсирларга киради. Бу асарда Қуръони карим тасаввуфий руҳда тафсир қилинган. Бошқа мутасаввифлар ҳам Қуръон тафсирига алоҳида эътибор берганлар. Масалан Яъқуб Чархий Қуръоннинг охирги икки порасини, Абдурахмон Жомий Фотиҳа сурасини тафсирига бағишлаб асар ёзганлар. Бундай асарлар тасаввуфни исломий манбавий асосларини кўрсатиб бериш учун хизмат қилган.

Тобеийлар ва табаа тобеийлар даврида тасаввуфий қарашлар шаклланиши. Тобеийлар ва табаа тобеийлар даврида Ҳасан Басрий, Зуннун Мисрий, Жобир ибн Ҳайён, Робиа Адавия, кейинроқ Саҳл Тустарий, Маъруф Кархий, Сарий Сақатий, Жунайд Бағдодий каби шахсиятлар тасаввуф ривожига катта хисса қўшдилар. Айниқса, Робиа Адавиянга қадар суфийлар орасида тақво ва зуҳд устунлик қилган бўлса, Робиа Адавия ўзи-

нинг шеърий асарларида Аллоҳга муҳаббат ҳар нарсадан устун эканини таъкидлай бошлади. Аста-секин бу тамойил тасаввуф аҳлининг шиорига айланди.

Баъзи адабиётларида, айниқса турк тилидаги айрим диний-оимабоп нашрларда мазҳаббошиларни ҳам суфий ёки тасаввуф вакили сифатида кўриш кенг тарқалган. Бунинг исботи учун турли ривоятларни келтирадилар[4]. Аслида мазҳаббошиларни зоҳидлар, деса тўғри бўлар эди. Зуҳд мактаби тасаввуфнинг таркибий қисмига айлангани ҳолда бутқул йўқолиб кетгани йўқ. Муэтазилийлар мутлақлар даврида ҳам зуҳд тамойиллари ҳукмрон эди. Имом Аъзам ва Имом Моликларнинг зуҳд ва тақволари жуда машҳур бўлиб, кўплаб "тарожим" асарларда алоҳида зикр қилинган. Илк суфийлар эса уларнинг барча эзгу сифатлари ва карематларини васф этган ҳолда ўзларини асло суфий деб эътироф этмаганлар. Жумладан, Имом Газзолийнинг замондоши Ҳаким Саноий ўзининг девонида шундай дейди:

Ишқро Абу Ҳанифа дарс накард,
Шофеиро дар у ривоят нест.

(Абу Ҳанифа ишқдан дарс бермаган, Шофеийдан у ҳақда ривоят йўқ)[5].

Ҳаким Саноий "Ҳадиқату-л-ҳақиқат" деб номланган бошқа бир асарида Имом Аъзам ва Имом Шофеийни мадҳ этувчи мисраларни келтириб, Имом Шофеийни суфий деб атайди, аммо Имом Аъзамни зоҳид дейди:

Ин Қурайший ба асли в-он Куфий,
Ин бо ҳиммат фақих-у в-он суфий.
Он имом-у мударрис-у зоҳид,

[4] Одатда, Имом Малик "тасаввуф" сўзини истилоҳий маънода қўлланган, Имом Аъзам эса ундарининг охирги икки йилда тасаввуфга берилиб "лав ло саатони ла-ҳалака Нўъмон" – "агар икки йил бўлмаганида Нўъмон ҳалок бўлар эди", деганлари ривоят қилинади. Аслида бу ривоятларнинг ҳеч қандай асоси йўқ, биронта ишончли манбада зикр қилинмаган. У даврларда "тасаввуф" сўзи истилоҳий маънода қўлланилмаган. Имом Аъзамга нисбат берилган сўзлар эса, "лав лока, ла-ма халақту-л-афлока" мазмунидаги машҳур ҳадис қолипидаги гап бўлиб, турли даврлар, жумладан шиалар орасида ўзгача талқинларга эга.

[5] Саноий, Ҳаким Абу-л-Маждуд ибн Одам. Девон. Литография. – Б. 240.

Ин дигар бо диёнату обид.

(Бу (Шофеий) асли Қурайший у (Имом Аъзам) Куфий, бу ҳиммат билан фақих, униси суфий. У (Имом Аъзам) имом, мударрис ва зоҳид, бу (Шофеий) эса диёнатли обид). Куфий ва суфий қофиядош бўлгани учун иккинчи мисрада ўрин алмашган, чунки "фақих" аслида Имом Аъзамга нисбат берилувчи сифат, у зот Абдуллоҳ ибн Муборак таърифи билан айттанда "афқаҳу-н-пос" – одамларнинг энг фақиҳи эдилар. "Суфий" деганда эса Имом Шофеий назарда тутилган бўлиб, у киши мовутдан ридо кийиб юрганларига ишора.

Бундан кўриш мумкинки, дастлабки суфийлар асарларида Имом Аъзам суфий эмас, балки фақиҳ ва зоҳид деб таърифланган. Суфий атамаси бироз кейинги даврдаги шахсларга, масалан Имом Шофеийга нисбатан ишлатилган, аммо аввалгиларга эмас. Шу билан бирга, Саноий суфийларнинг хирқаси ва оёғи Имом Аъзамнинг йўлидалиги ва у зот тариқатда умматни бўйин сундирувчи эканини таъкидлайди, у зотнинг илмини улуғлайди[6].

Имом Маликка нисбат бериб айтилган сўзлар эса[7] аслида Ҳаким Термизийнинг шогирди ва Абу Иса Термизийнинг жияни бўлмиш Ҳаким Абу Бакр Варроққинг гапи бўлиб, у ерда ҳам тасаввуф эмас зуҳд сўзи ишлатилган, асл матни эса қуйидаги мазмунда:

"Ким зуҳдсиз Калом илмининг ўзи билан кифояланса, зиндиқлик қилибди. Ким Калом илми ва фиқҳсиз зуҳднинг ўзи билан кифояланса, бидъатчилик қилибди. Ким зуҳд ва пархезкорликсиз фиқҳнинг ўзи билан кифояланса, фосиқлик қилибди. Ким ушбу ишларнинг барчасини қойиллатса, ихлосли бўлибди"[8].

[6] Саноий, Ҳаким Абу-л-Маждуд ибн Одам. Ҳадиқату-л-ҳақиқат ва тариқату-ш-шариат. Литография. – Б. 141-144.

[7] Имом Малик: Ким фиқҳ билан шуғулланса-ю тасаввуф билан шуғулланмаса, фосиқлик қилибди. Ким тасаввуф билан шуғулланса-ю фиқҳ билан шуғулланмаса зиндиқлик қилибди. Ким иккисининг ўртасини жамласа ҳақиқатга етибди, - деб айттанлари айрим асарларнинг ҳошияларини учрайди ва кейинчалик бу жумлага шарҳлар ҳам ёзилган. Лекин муҳаққиқ олимлар бу жумла Имом Маликка тегишли эмаслигини исботлаб берганлар.

[8] Ал-Исфаҳоний, Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ. Ҳиляту-л-авлиё ва табақоту-л-асфиё. Т.-10. Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1988. – Б. 236.

Шундай қилиб, илк ислом давридаги «эҳсон», «хушуʼ», «зуҳд», «муҳосаба», «зикр», «фақр», «муҳаббат» тушунчалари кейинчалик тасаввуф яъни суфийлик билан шуғулланишнинг асос ғояларига айланди. Шунга кўра, тасаввуф ҳам тафсир, ҳадис, калом, ақоид ва фиқҳ илмлари каби исломий таълимот ҳисобланади. Қуръон ва ҳадисдан олинган зоҳирий фиққа мукобил ботиний фиқҳ илми, қалб аҳволи илми, нафсни поклаш илми дейилади. Тасаввуф нафсни тарбиялаш: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амалдир. Тасаввуф ялқовлик, лоқайдлик, мискинлик эмас. Қуйида тасаввуф ҳақида бир қанча фикрлар билан танишиб чиқиш мумкин.

Тасаввуфий манбаларда таъкидланишича, инсоннинг маънавий комилликка етишиши, Аллоҳ розилигига эришиши учун маълум бир босқичларни босиб ўтиши лозим бўлади. Биринчиси – шариат; иккинчиси – тариқат; учинчиси – маърифат; тўртинчиси – ҳақиқат деб аталган. Нажмиддин Кубро эса: «Шариат – бир дарахт, тариқат – унинг мевалари. Дарахт бўлмаса, нова ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди. Шунинг учун суфийлар шариатни тамал, яъни пойдевор, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни шу пойдевор устида юксалган уч қаватли бир иморат шаклида тасаввур қилганлар ва «Иморатсиз пойдевор бўлур, аммо пойдеворсиз иморат бўлмас» деган тушунчада собит турганлар».

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида келтирилган таърифда шариатнинг моҳияти аниқ ифодалаб берилган. Кўринадики, шариат инсон хатти-ҳаракати, амалларининг зоҳирий томонларини маълум бир тартибга солиб, назорат қилиб турса тасаввуф инсоннинг кўнгли, ички дунёси, руҳияти билан боғлиқ жиҳатлар тўғрисида сўз юритади. Бошқача айтганда, «Фиқҳ – инсон амалининг ташқи қиёфасигагина алоқадор, амалнинг тўғри ёки нотўғри бажарилишинигина белгилаб берсада, руҳий ҳолатига аҳамият бермайди. Руҳиятга алоқадор бўлган, унинг ҳолатини белгилайдиган соҳа эса тасаввуфдир. Айтайлик, фиқҳ тахоратнинг шариатга мувофиқ ёки номувофиқ холда олинганини, намознинг Масжидул Ҳарам тарафга юланиб ўқилгани, унинг барча рукнлари бажарилгани ёки бажарилмаганини текширади. Агар намознинг барча туркумларини тўла адо этсангиз,

намозингиз фиқҳ жиҳатидан комил бўлади. Тасаввуф руҳиятнинг намоз пайтидаги ҳолатини текширади». Шундай қилиб, тасаввуф бу руҳий-маънавий кечинмалар, ахлоқий принциплар, тарбиявий тамойилларни ўзида жамлаган диний-фалсафий таълимот сифатида бўй кўрсата борди.

Мавзу бўйича саволлар

- Илк ислом даврида тасаввуфий қарашлар нималарда намоён бўлди?
- Эҳсон ва хушуʼ атамаси нимани англатади?
- Зуҳд қандай кўринишларда намоён бўлган?
- Тасаввуф сўзининг луғавий ва атамавий маъноларини нима?

Мустақил иш топшириқлари: *Тасаввуфий қарашларга асос бўлган оят ва ҳадислар таҳлили.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Отв. ред. А.Н.Болдырев, Сост. М.Н.Османов. - Москва: Наука, 1965.
2. Гольдциher И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912.
3. Khanam Farida. Sufism an Introduction. – New Delhi: Goodword books. 2009.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
5. Жўжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
6. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
7. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
8. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2014.

Мен уни яхши кўраман. Мен агар бирор бандамни яхши кўриб қолсам, унинг эшитмоғи учун қулоқ, кўрмоғи учун кўз, ишламоғи учун қўл, юрмоғи учун оёқ бўламан, у Мендан бирор нарса тиласа, тилагини раво қиламан, Мендан панох тиласа, панох бераман. Мен ҳеч қайси ишда мўъмин бандамни жонини олишда иккилангандек иккиланмайман, у ўлимни ёқтирмайди, Мен эса унинг қийналишини ёқтирмаймаи[12]».

Тасаввуф манбаларида «авлиё» сўзига маълодош бўлган аҳли кўнгил, аҳли дил, аҳли дард, ориф, мажзуб, ишқ эли, валиюллоҳ, хос қуллар, эранлар, азизлар, худонинг халқи, марди худо, мардон, аҳлуллоҳ, дарвеш каби бир қанча сўз ва иборалар ҳам ишлатилади[14]. Ҳаким Термизий пайғамбарларда бўлгани каби авлиёларнинг муҳри (хатм ал-авлиё) ҳақида фикр юритади. Авлиёлик ҳақидаги қарашлар тараққиёти натижасида тасаввуфда "рижолу-л-ғайб" тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча кўзга кўринмайдиган авлиёлар иерархиясини ўз ичига олган.

Валий сўзига тасаввуфий тафсирларда қуйидагича таъриф берилади: «Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса, дейдилар: «Унга имон келтирдик... [13]» оятига мувофиқ, валийлар – «илмда мустаҳкам бўлган ҳаққоний олимлардир»[16]. Тасаввуфга оид асарларда таъкидланишича, валий Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, Унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирувчи ва шу сабаб Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қибил, камтар кишилардир.

Набийлар «маъсум» (гуноҳлардан пок), валийлар эса «маҳфуз» (илоҳий муҳофазада) бўладилар[17]. Валийларнинг ахлоқлари энг гўзал ахлоқдир, шубҳасизки, бутун ҳаракатлари, зоҳирлари ва ботинларида Пайғамбар (с.а.в) ахлоқига мувофиқ келишга ҳаракат қиладилар[18]. Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида: «Ул Ҳазрат (с.а.в) шабнёнинг хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди»[19], деб ёзиши Муҳаммад (с.а.в)нинг пайғамбарларнинг улуғи экани, нубувватнинг охирига етгани, авлиёлар набийларнинг ўринбосари ва ҳақиқат йўлини кўрсатувчи зотлар экани таъкидланган.

Тасаввуф тарихига назар ташлайдиган бўлсак, валоят (валийлик) мавзуси илк бор Зуннун Мисрий (ваф.860 й) қарашларида таҳлил қилинади. Абдуллоҳ Тустарий (вафБ98 й), Абу Саид Харроз (вафБ 890 й) каби суфийларнинг қарашларида кўзга ташланган ва илоҳиёт илмининг таркибий қисмига айланган бу тушунчани Ҳаким Термизий кенг таҳлил қилиб, ишлаб ривожлантирди[20].

Ҳаким Термизий (вафБ 932 й.) хос авлиёларнинг табақавий босқичлари мавзуси (рижолу-л-ғайб)га биринчилардан бўлиб батафсил тўхталиб ўтган. Ўзининг «Илму-л-авлиё», «Хатму-л-авлиё», «Мавозилу-л-ибод», «Маърифату-л-асрор», «Ғавру-л-умур» ва бошқа бир қанча асарларида валийликнинг таърифи, сифатлари, валий инсон хусусиятлари ва даражаларини баён қилиб беради[21]. Мазкур табақавий босқичларнинг юқори нуқтасида қутб туради, ундан қуйида уч нақиб, кейин эса, тўрт автод, етти аброр, кирқ абдол, уч юз ахёр ва яна тўрт минг кўз илғамас авлиёлар ўрин туради. Валийлик маънавий-ахлоқий баркамоллик тимсоли бўлиб, шариатнинг барча буйруқларини бажариш баробарида сулукнинг талабларини ҳам адо этган ҳар қандай ихлосли киши эришиши мумкин бўлган мартаба ҳисобланади. Ҳаким Термизий авлиёлар ҳақидаги билимларни тизимлаштир-

[12] Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳ Бухорий: Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишончли тўплам): 2 китоб / (Рақам) Латиф сўзлар китоби (6502). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 449.

[13] Қаранг: Муҳаммад Гиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туркистон валийлар / И.Ҳотамқулов нашрга тайёрлаган. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. - Б. 114.

[14] Оли Имрон сураси, 7-оят.

[15] Абдулкаримал-Хифний. Ал-Мавсуа ас-суфийя. – Қоҳира: Мактаба ал-булий. – Б. 1345.

[16] Оташ Сулаймон. Işârî tefsir Okulu. – Истанбул: YeniUfuklar 1998. – Б. 286.

[17] Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. – Т.: Моварауннаҳр, 2000. - Б. 27.

[18] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Т. 17. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирвалиходжаева. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – Б. 14.

[19] Қаранг: Исламская энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 45.

[20] Қаранг: Жуковский М.И. Хаким Термизийнинг «Ал - Масоил ал - макнуна» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира: Дор ан-нахда ал-арабийя, 1988. – Б. 27.

ган биринчи олим ҳисобланади. Термизий пайғамбарларда бўлгани каби авлиёларнинг муҳри (хатму-л-авлиё) ҳақида фикр юритади. Валийларнинг хатми бу уларнинг сўнггиси эмас, балки ўз лавридаги энг улуғи қутбидир. Валийларнинг каромат лари эса, Муҳаммад (а.с.) келтирган дин Ҳақ дин эканининг замонлар ошса исботидир. Авлиёлик ҳақидаги қарашлар тараққиёти пати жасида тасаввуфда "рижолу-л-ғайб" тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча кўзга кўринмайдиган авлиёлар иерархиясини ўз ичига олган.

Ҳаким Термизий Аллоҳнинг валийлиги ато этиладиган 10та шарт хусусида тўхталади. Аллоҳ таоло бандасига бажариши лозим бўлган ушбу шартлари билан мартаба ато этади:

1) Қачонки банда бу шартни билгач, аммо унинг амалини етказмагач, Аллоҳ таоло унинг нафсини тийиб, итоатгўй бўлиши учун жабр маконига йўллаб, Ўзининг Султони йўлиқтиради;

2) Кейин уни ўз-ўзини яхшилаб, нафсида азалдан бор бўлган шаҳватни ўлдириши учун Султон мулкига йўллайди;

3) Кейин бандасини одоб ўрганиши учун Улуғворлик мулкига йўллайди;

4) Кейин, бандасига нафс тегиши учун Жамол (гўзаллик) мулкига йўллайди;

5) Кейин Ўз улуғворлиги, буюклигини кўрсатиш учун Буюклик маконига йўллайди;

6) Кейин ақл-заковат соҳибига айланиши учун бошқа қалбига илоҳий кўрқув ҳиссини жойлайдиган Ҳайбат маконига йўллайди;

7) Кейин қалбини кенгайтириш учун Раҳмат маконига йўллайди;

8) Кейин тарбияланиш учун Шавкат маконига йўллайди;

9) Кейин қалби яхшиланиши учун кўз қамаштирувчи хушнудлик маконига йўллайди;

10) Кейин уни ягонага айлантириш учун Фардонийят (ёлғизлик) маконига йўллайди[22].

Ҳаким Термизийнинг юқоридаги валийлик ҳақидаги қарашлари икки асрдан сўнг яшаган Абдулкарим Жилий ва Ибн

[22] Хаким Термизий. Хатм ал-авлиё / Жамол Язжи нашрга тайёрлаган. –Байрут: ал-Матбаа ал-кохуликкийа, 1965. –Б. 336-337.

Арабийнинг «комил инсон» ҳақидаги қарашларига мувофиқ келади. Жумладан унда айтилишича, борлиқлар орасида Аллоҳни идрок этиш ҳам фақат инсонларга берилган. Аммо, инсоннинг бу қобилияти турли пардалар билан тўсиб қўйилган бўлиб, инсон дунёда қилган ибодати, зикри ва солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсиридан ва ҳасадидан қуткариб, пардалар очилиб бораверибу қобилиятини юзага чиқаради.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашлари мукаммалроқ очиб берилган асарлари орасида «Манозилу-л-ибод мина-л-ибода» асарини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу асар икки бобдан иборат бўлиб, бандачилик (Ҳаққа бандалик) қилишда, яъни, сайру сулук йўлида солиқнинг босиб ўтиши керак бўлган маънавий манзиллари ҳақидадир. Тасаввуф таълимотида бундай манзиллар ҳол ва мақомлар деб ҳам айтилади. Асарнинг биринчи бобида келтирилган манзилларнинг қисқа изоҳлари иккинчи бобида тўлиқроқ очиб берилади. Ҳаким Термизий манзиллар ҳақида гапирар экан, Қуръони каримдан ва ҳадислардан далиллар асосида етти манзилни келтириб ўтади. Биринчиси тавба манзили, иккинчиси дунёда зоҳидлик манзили, учинчиси нафс душманлиги манзили, тўртинчиси муҳаббат манзили, бешинчиси ҳою ҳавасни улиб ташлаш ва ундан покланиш манзили, олтинчиси қўрқув манзили ва ниҳоят еттинчиси қурбат манзилларидир.

Шунингдек, Ҳаким Термизий ўзининг «Наводиру-л-усул» ёки бошқа бир номи «Салвату-л-орифин ва бўстону-л-муваҳҳидин» номли асарида ҳам «валоят», «валийлик», «илҳом», «фаросат» каби тасаввуфга оид мавзуларни кенг шарҳлайди. Бу асарда Аллоҳ авлиёларининг аломатлари ҳақида тўхталиб, шу мавзуга доир қуйидаги ҳадисларни келтиради:

«Ибн Аббос (р.а) ривоят қиладилар: Расулуллоҳдан (с.а.в) : «Аллоҳнинг дўстлари кимлар?» деб сўрадилар, Расули акрам жавоб бердилар: «Кўрганда Аллоҳнинг зикри ёдга тушадиган бандалардир». Бошқа бир ривоятда эса: Расулуллоҳдан (с.а.в) сўрадилар: «Кимлар билан ўтириб ҳамсуҳбат бўлганимиз хайрли, эй Расулуллоҳ?» Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар: «Кўрганда Аллоҳнинг зикрини ёдга туширадиган, сўзлари хайрли ишларингизни

кўпайтирадиган, амали билан сизларга охиратни эслатадиган бандалар билан». Ҳаким Термизий бу ҳадисларни қуйидагича таҳлил қилади: Ҳадисда келтирилган сифатларга эга бўлган кишилар валийлар бўлиб, уларда Аллоҳга қурбат кўрки, улуғворлигининг нури, ҳайбатининг ҳашамати, виқорининг шукуҳи мужассам бўлган.

Тасаввуф агиографик манбаларининг асосий мавзуларидан бири ҳам авлиёларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳамда уларнинг кўрсатган каромат[1]ларидир. Авлиёларнинг сув юзасида юриш, ҳавода учиш, узоқ масофаларга бир зумда кучиб ўтиш, ўз муридлари ичидаги фикрларни ўқий олиш, касалларни бир назарининг ўзи билан даволаш, муридларининг оғирларини масофадан туриб енгиллаштириш, уларнинг машаққатларига узоқдан туриб шерик бўлиш, егуликнинг ғойибдан пайдо бўлиб қолиши каби кўрсатган кароматлари тасаввуфий адабиётнинг доимий диққат назарида турган мавзулардир. Исломда қабрлар устига сағаналар барпо этиш кўп ҳам маъқулланмасада, ўрта асрлардан бошлаб авлиёлар қабрлари устига мақбаралар қуриш кенг тарқалди. Кейинчалик баъзи мақбаралар атрофида хонақоҳ, зовия, такя, чиллахона ва зикрхоналар пайдо бўлган. XII асрдан кейин агиографик манбаларда авлиёларнинг кароматлари ҳақидаги ривоятлар кўпайгани кузатилади. Бу айрим мурид лар ўз шайхларини улуғлаш ва ўз ваъзларини таъсирчан қилиш нуқтаи назаридан баъзан муболага билан келтирган ривоятлардир. Халқ орасида эса авлиёларнинг кароматлари ҳақидаги баъзи ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб келиб, муболағали тафсилотлар билан бойитилиб, фольклор намунасига айланиб қолган. Авлиёнинг кароматлари ҳақидаги ривоятлар ўз навбатида улиғ қабрининг бошқаларга нисбатан "фазилатлиқ" бўлишига, натижада эса кўпроқ зиёрат қилинишига сабаб бўлган. Ислом таълимотига кўра авлиёларнинг каромати ҳақ ҳисобланади. Бу мавзу ҳатто ақида китобларида ҳам ўз аксини топган.

Валийлар – Аллоҳнинг дўстлари бўлиб, Аллоҳнинг назарига тушган, алоҳида ҳурматга сазовар бўлган, каромат[1]лари зоҳир

[1] Каромат – «юқорилик», «шараф» маъноларини англатади. Ислом эти-

бўлган, халқ томонидан авлиё деб тан олинган кишиларнинг аксарияти тариқат аҳлларидан бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби бўйича валийлар ва уларнинг кароматларини ҳақ деб эътиқод қилинади. Каромат эса Аллоҳнинг инояти бўлиб, илму амали, тақвоси, хайру эҳсони, марҳамат-шафқати, ихлос-самимийлиги ва эътиқоди кучли бўлган кишиларга берилган. Валий инсон ахлоқида аҳл ва ахлоқ, маърифат ва руҳоният кучи акс этган бўлиб, «Аллоҳнинг гўзал сифатлари билан сифатланинг» ҳадисини ҳаёт мазмунига айлантиришган.

2. Каромат ва унинг турлари. Каромат – (араб. сийлаш, устунлик бериш) ислом илоҳиёти мавзуларидан бири. Қуръонда Аллоҳ ўз бандалари орасидан хоҳлаганини устун қилиб қўйиши, ўз фазлидан ато этиши кўп маротаба зикр этилади. Бир неча оятларда фаринталар (Ли ъом, 26; Зориёт, 24), жаннат аҳли (Ёсин, 27; Соффот, 42; Маориж, 35) сийланган бандалар, Қуръон саҳифалари (Абаса, 13) эса мукаррам битиклар сифатида васф қилинган. Одатда, имон-эътиқоди ҳамда тақводорлиги эътироф этилган кишилардан (валий) содир бўладиган ғайритабиий ҳолатлар ва хусусиятларга каромат дейилади. Бундай ҳодисалар Аллоҳ ўз бандасининг тақвоси ва тоат-ибодатидан рози бўлганининг аломати ўлароқ, У тарафидан бандага сийлов сифатида амалга оширади, деб эътиқод қилинади. Каромат ҳақиқатда ҳам содир бўлишига ишонч ақидавий манбаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ғайритабиий ҳодисалар каромат деб ҳисобланиши учун унинг соҳиби имони мустаҳкам, ўзи тақводор бўлиши шарт қилинади, акс ҳолда бу каромат бўлмайди.

Ислом ақидасига кўра каромат икки турга бўлинади:

1) аслий ёки жибиллий каромат – башариятнинг барчасига тегишли бўлиб, инсонларнинг тур сифатида бошқа жонзотлардан устунлиги назарда тутилган. Бу Қуръонда «Батаҳқиқ, биз Бани Одамни мукаррам қилдик. Уларни қуруқлик ва денгизда кўтардик. Уларни пок ризқлар ила ризқлантирдик» (Исро, 70)

доҳира кўра, ақлни лол қолдирадиган ғайритабиий ҳодисадир. Шу ҳодисалар пайғамбарлардан содир бўлса, мўъжиза, авлиёлардан содир бўлса, каромат дейилади. Каромат 2 хил – аслий ва касбий каромат.

оятида акс этади. Яъни инсон зоти унинг эътиқоди ва турмуш тарзидан қатъи назар онгли мавжудот сифатида Ер юзидаги ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар, судралиб юрувчилардан устун; улардан баъзилари инсондан бир неча баробар катта, кучли ва кўп бўлишига қарамай уларни ўз измига сола олади. Жисмонан катта куч-қудратга эга бўлмаса ҳам табиат кучларидан ўз манфаатлари йўлида фойдалана олади; қуруқликда улов, денгизда кема каби мосламалардан фойдаланиб, ўзининг чекланган куч-қувватини асрай билади ва ҳ.

2) касбий каромат – инсониятнинг фақатгина имон-эътиқод да ва тақвода пешқадам бўлган қисмигагина хос бўлиб, Қуръон оятларида бу хусусда «Аллоҳ нинг наздида энг мукаррамингиз – энг тақводорингизлир» (Ҳужурот, 13) дейилган. Шунингдек, Қуръонда имон келтириб, тақводорликни лозим тутган кишилар – Аллоҳнинг дўстлари (валий, кўпл. авлиё) деб таърифланган. Уларга бу дунё ва охират ҳаётида хушхабар борлиги ҳамда бу улкан ютуқ экани зикр этилган (Юнус, 64). Бундай каромат соҳибида бир қарашда табиат қонунларига зид, ноодатий ҳолатлар рўёбга чиқиши кузатилади. Қуръонда Марям (Оли Имрон, 37; Марям,16-26), Асҳоби Каҳф (Каҳф, 9-25) каби пайғамбар бўлмаган шахслардан тақволари ва фазилатлари туфайли ғайриодатий ишлар содир бўлгани зикр этилган. Бу валий деб танилган кишиларнинг узоқ масофани ҳеч қандай воситасиз қисқа муддатда босиб ўтиши, сув юзасида юра олиши, ҳавога кўтарилиши, дуоларнинг зудлик билан мустажоб бўлиши ва ҳ.лар намоён бўлади. Бу каби каромат лар ҳар қандай кишининг ҳам қўлидан келмайди, фақат Аллоҳ сийлаган бандаларгина бунинг уддасидан чиқа олади ва уларнинг Аллоҳ наздидаги устунлик жиҳати ҳам шунда кўринади.

Пайғамбарлардан содир этилган ғайритабиий ҳодисалар каромат эмас мўъжиза деб аталади. Ислом ақидасига кўра, Пайғамбарларнинг энг кичик мўъжизаси ҳам ҳар қандай каромат дан устун ҳисобланади. Чунки каромат одатда бирор воситани ишга солса амалга ошиши мумкин бўлган, аммо бевосита бажарилган иш бўлади. Масалан, кема орқали сув юзидан кесиб ўтиш, замонавий транспорт воситалари орқали қисқа муддатда

узоқ масофани босиб ўтиш ёки осмонда учиш каби. Аммо мўъжизани воситани ишга солиш орқали ҳам амалга ошириб бўлмайди. Масалан, ҳеч қандай восита билан Исо (а.с.) каби ўликни тирилтириш, қушнинг ҳайкалчасини пуфлаб жонлантириб юборишнинг (Оли Имрон, 49) ёки Муҳаммад (а.с.) каби бармоқ ишораси билан Ойни иккига бўлиш (Қамар, 1-2) ёхуд Меърожга чиқишнинг ҳам (Шўро, 51;Нажм, 13-18) бирор восита орқали бажариш имконияти мавжуд эмас. Айрим юмса ва ҳикоятларда пайғамбар бўлмаган шахслар томонидан шу каби ишлар амалга оширилгани ҳақидаги маълумотлар ҳеч қандай жиддий асосга таянмаган, ортиқча муболағага берилиб, бўрттириб юборилган ёки мутлақо тўқима, уйдирма гаплардан иборат экани ақидавий манбаларда ҳам қайд этилган.

Каромат масаласи тасаввуфий манбаларнинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Муршидлар, тариқат шайхларидан содир бўлган ғайритабиий ҳолатлар муридлар ҳамда маноқиб ва тазкира ёзувчи адиб-шоирларнинг нигоҳидан четда қолмаган. XII асрдан кейин агиографик манбаларда авлиёларнинг каромат лари ҳақидаги ривоятлар кўпайгани кузатилади. Бунинг сабаби сифатида айрим тариқат вакилларининг баъзан ўз шайхларини улуғлаш ёки ваъзларини таъсирчан қилиш мақсадида муболағали ҳикоятларни кўп қўлланларининг оқибатида юзага келган, деб изоҳланади. Аслида чин тариқат пешволари каромат зоҳир бўлишидан эҳтиётда бўлишган. Тасаввуфий манбаларда каромат соҳиби уни яшириши ва ошкор қилмаслиги керак деган шартлар мавжуд. Айниқса, муридлар бирор-бир каромат зоҳир бўлса унга эътибор қаратмаслиги ва ўз устида ишлашда давом этиши лозимлиги таъкидланган.

Тасаввуфий адабиётларда таъкидланишича, инсоннинг маънавий комилликни эгаллашидаги навбатдаги босқич тариқат ҳисобланади. Тариқат сўзи ҳам луғавий жиҳатдан шариат сўзи каби йўл маъносини англатади. Шариат ислом динидаги ҳамма кишилар учун бирдай амал қилиниши лозим бўлган тартиб-қоидаларни ўзида жамланган бўлса, тариқат бевосита инсон руҳияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳам ўзига хос талаб ва қоидалари мавжуд бўлиб, улар шариат тартиб-қоидаларидан фарқланиб

туради. Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160дан зиёд тариқат тармоқлари бўлган.

3. Тасаввуфда маънавий тараққиёт босқичлари. Тариқатда мақом ва ҳол тушунчалари энг асосий тушунчалар ҳисобланади. Тасаввуфшунос олим П.Комиловнинг кўрсатишича Абу Наср Саррож тариқатда тавба, варъ, зуҳд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо каби мақомлар мавжудлигини қайд этган.

Тасаввуфда тавба дейилганда инсоннинг ўз ҳаёт тарзи, дунёқарашини тубдан ўзгартириши, жисмоний ва маънавий гуноҳга етакловчи ҳаракатлардан юз ўгириш, Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланиш, Пайғамбар хулқи билан ахлоқланиши тушунилади. Варъ мақомида эса инсон вужуди аъзоларини (кўл, оёқ, кўз, тил, қулоқ) ва қалбни гуноҳдан сақлаш, зуҳдда эса истеъмол қилинадиган нарсаларга ҳалол ва харом тушунчалари нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши кўзда тутилади. Шунинг учун зуҳд вараънинг давоми ҳисобланади. Луғавий жиҳатдан камбағаллик маъносини билдирувчи фақр мақомида эса, суфий бирор бандадан умидвор бўлмай, ўзини туproқ янглиғ ҳис қилади. Унинг ҳар бир қийинчилик, машаққатларга бардош бериши, асосий душмани бўлган нафсни жиловлаши сабр мақомида янада мустаҳкамланади. У бу мақомидан ўтгач, шайтон васвасаларидан, нафснинг макр ва ҳийлаларига алданиб қолишдан қўрқиб юради. Бу мақом хавф деб юритилади. Дилдаги қўрқувни енгиб, Аллоҳ марҳаматидан умидвор бўлиш, суфийнинг Аллоҳга бўлган сотинчи ражо мақомининг асосини ташкил этади. Суфий қалбининг нурланиш ва тозаланиши, ҳар бир ишни Аллоҳдан деб билиб, розилигига Кириши тариқатнинг охирги мақоми бўлган ризо мақомида акс этади.

Юқорида қайд этиб ўтилган мақомларни ҳар бир киши типимсиз ҳаракат, ўз билимини мунтазам равишда ошириш учун тиришиш ва бунинг учун пир томонидан белгилаб қўйилган қоидаларга қатъий амал қилиш орқали эгаллаши мумкин. Лекин тариқатнинг асосини ташкил қилувчи ҳолга эришиш, унинг қурб, муҳаббат, шавқ, унс, мушоҳада, мукошафа каби мақомларини ўрганиш ёки соъй-ҳаракат қилиш билан

қўлга киритиб бўлмайди. У суфийга Аллоҳ томонидан бериладиган илоҳий туҳфа, насиба ҳисобланади. Бу мақомларга шундай таъриф беради:

Қурб (яқинлик) – солик ўзини Аллоҳ тапло унинг шоҳтомиридан ҳам яқин эканини ҳис этиш ҳолати;

Муҳаббат – қалбда кутли туйғунинг туйилиши, бетокат ва бесавга бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талпинишидир.

Шавқ – муҳаббатнинг кучайиши;

Унс – (дўстлашув) эса одатий ҳолга ўтиш;

Мушоҳада – нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, танага машаққатни раво кўриб, маънавий жангга кириш ва ғалаба қилиш, дейилади. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солик тасаввуфий илмларининг кашф этилишига йўл очилади – мукошафа мартабаси хосил бўлади».

Комилликка етишишнинг кейинги босқичи маърифат ҳисобланади. Маърифат «ақли дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегишли илм – ирфон. Тасаввуф йўлига кирган, шариат ва тариқат мақомларини босиб ўтган солик, яъни суфий дастлаб ўзини танийди ва шу орқали ҳол сирлари, яратилиш ҳақиқатлари моҳияти унга аён бўлади. Маърифат босқичи адаб, кўрқув, парҳезкорлик, сабр-қаноат, ҳаё, мардлик, илм, сокинлик, маърифат ўзни англаш каби 10та мақоми мавжудлигини қайд этиб ўтади.

Тасаввуфнинг энг сўнгги босқичи бу – ҳақиқат босқичидир. Тасаввуфда унга шундай таъриф берилади: «Ҳақиқат чиндан мавжуд бўлган нарса, унинг асл моҳияти Аллоҳни танийш, борлиқ сирларини тўғри ва теран идрок этишдир. Ҳақиқат – шариатнинг пировард мақсадидир».

Кўриб ўтилган босқичлар инсонни комиллик даражасига етишишни таъминловчи асосий йўл бўлиб, мавжуд адабиётларда уларнинг мақомлари сони ва номланишида турфа хилликлар мавжуд бўлса-да, уларда бир мақсад – инсонни жисмоний ва маънавий покликка ундаш, нафсни жиловлаш, ислом дини қоида-қоидалари ва Қуръон ғояларига амал қилиш, Муҳаммад

(а.с.) хулқи билан ахлоқланти.иш ҳамда шу орқали Аллоҳ ризолигига эриштириш ётади.

Инсон ислом шариати қоидаларига амал қилган ҳолда маънавий жиҳатдан юксала боради. У қанчалик юксала борган сари руҳонияти ҳам турли хил ўзгаришларга учрайди. Руҳнинг турли холларга тушиши тасаввуфий адабиётларда хол, мақом, манзил, работ каби тушунчалар остида ҳар хил номлар билан аталади.

Хулоса қиладиган бўлсак, тасаввуф таълимотининг асл моҳияти инсонни покланга қаратилган бўлиб, инсон ўзлигини англаш орқали Ҳақни танийди, нафсини саъйи-ҳаракат килиш, риёзат чекиш орқали жиловлайди, мурид буларнинг хаммасига шариат қонун-қоидаларига амал қилиш орқали, устоз томонидан белгиланган вазифаларни ҳам бажариб тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларига кўтарилади. Ҳақ йўлидаги кишиларнинг ўз тоат ибодатлари натижасида кўнгилларида ҳосил бўлган турли хил руҳий ҳолатлари, завқ ва важдлари тўғрисидаги фикрнинг ҳосиласи тасаввуф илмининг халқ орасида кенг ёйилиши, алохида халкчил таълимот сифатида асрлар давомида яшаб келиши ва жамият тарбиясида етакчи ўринлардан бирини эгаллаш учун асос бўлади.

Мавзу бўйича саволлар

- Валийликнинг моҳияти нималардан иборат?
- Карамат нима ва унинг қандай турлари бор?
- Тасаввуфдаги мақомлар нимани англатади?
- Ҳол ва мақом ўртасидаги фарқ нималан иборат?

Мустакил иш топшириқлари: Тасаввуф мақомлари ва уларга берилган таърифлар.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Отв. ред. А.Н.Болдырев. Сост. М.П.О.Османов. - Москва: Наука, 1965.

2. ал-Калободий, Абу Бакр Муҳаммад. ат-Таарруф ли-мазҳаби аҳл ат-тасаввуф. Дор Содир, 2005.

3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

4. Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.

5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

6. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.

7. Тасаввуф атамалари изохли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.

3-§. Тасаввуфнинг таълимот сифатида шаклланиши

Дарснинг мақсади:

Талабаларда тасаввуфнинг мустақил таълимот сифатида шаклланиши ҳақида умумий билимларни ҳосил қилиш.

Режа:

1. **Тасаввуфнинг мусулмон жамиятида тобора ривожланиб бориши**
2. **Дастлабки тасаввуфий асарларнинг ёзилиши.**
3. **Тасаввуфда турли фалсафий қарашларнинг вужудга келиши**

Таянч иборалар: *муроқаба, муҳосиба, вақдат, тажаллий*

1. Тасаввуфнинг мусулмон жамиятида тобора ривожланиб бориши. Исломда зоҳидлик анъаналари ривожланишининг сабабларини орасида мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, чуқур ички ва маънавий изланишлар билан давом этган диний ҳаётнинг умумий мураккаблашуви, исломни қабул қилган бошқа дин вакилларининг қисман таъсирини ҳам кўриш мумкин. Илк суфийлар, яъни зоҳидларнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлган: Қуръон оятлари мазмуни устида узоқ муддат мушоҳада қилиш, кундалик ҳаётда бу илоҳий Китоб ва Пайғамбар (а.с.) ҳадисларидаги кўрсатмаларга қатъий риоя этиш, кўп нафл ибодатлар қилиш, тунги бедорлик, нафл рўзалар тутиш, таркидунёчилик, ҳар ишда тақводор бўлиш, ҳалол ва ҳаромни қатъий ажратиш, дунёга берилганлар билан ҳамкорлик қилмаслик, тавакқул қилиб, ўз тақдирини Аллоҳга топшириш кабилар бўлган. Шунингдек, фақирликни улуғлаш, охиратни ўйлаш ва доимий тавба қилиш кайфияти, берганига шукр қилиш, азоб-уқубатларга сабр-тоқатли бўлишдан иборат эди. Улар ўз навбатида, Аллоҳдан ҳақиқий маънода қўрқадиган банда ўткинчи дунёдан, унинг барча гуноҳ ва маъсиятларидан воз кечиш кераклигини таъкидлар эдилар. Ўз таркидунёчиликларининг ташқи ифодаси сифатида кўпинча дағал юнг матодан кийим (суф) кия бошладилар. Бу билан улар ўзларини бошқа матолардан ишланган кийимлар киядиган олдий одамлардан ажралиб турардилар. Бироқ илк даврлардаги мусулмон олимлар ва йирик мутасаввифлар суф кийиш христиан роҳибларининг одати эканига ишора қилиб, бу кўринишга салбий муносабатларини билдирганлар. «Ўзини фақир қилиб кўрсатиш – Аллоҳ ўзининг тақводор бандаларини етарли даражада таъминламаган», дея даъво қилиш билан баробар деб, ҳисоблаб суф кийишни қоралаганлар. Аммо шунга қарамай, Сурия ва Ироқда таркидунёчилик кайфиятидаги кишилар орасида суф кийиш одати кенг тарқалди.

Аста-секин суфийлик таълимоти асосий эътибори инсон қалби, унинг руҳияти, кўнгил ҳоллари, нафс тарбияси, комил инсон, юксак маънавият, гўзал одоб-ахлоқ, руҳий камолот каби мавзуларга қарата боғлади. Тасаввуфнинг дастлабки даврида илм сифатида шаклланиш жараёнини тобеий Ҳасан Басрий (642-768) шахсияти билан боғлайдилар. Манбаларда у инсон қалбининг нозик жиҳатларини англай оладиган рухшунос сифатида гавдаланади. Унинг айтган қимматли сўзлари кейинги даор тасаввуфий адабиётига катта таъсир кўрсатган. Тарикат силсилаларининг аксариятида Ҳасан Басрий исмининг учраши одатий ҳолга айланган. VIII аср охири – IX аср бошиларида Ҳасан Басрийнинг издошлари Робоқ ибн Амр, Абдураҳмон Дарпийлар (Ибн Атийя) тарғиботларида Худога муҳаббат ва илоҳий ишқ мавзулари намоён бўла бошлади. Бу мавзу тасаввуфга янги шакл ва мазмун бера боплади. IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда бир қанча суфийлик мактаблари пайдо бўлиб, улар орасида Басра мактаби билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон мактаблари кўзга ташлана бошлади. Бу тарикат вакиллари асосий эътиборни кўпроқ соликнинг ички ҳолатига, яъни унинг ботиний мақом ва манзилларига қаратар эдилар. Ҳар бир амалда «сидқ» ва «ихлос»ни биринчи ўринга қўйилди. Бу эса ўз навбатида Ҳорис Муҳосибий (781-857) томонидан ўз-ўзини назорат қилиш – «муроқаба» ва «муҳосаба» усулларини ишлаб чиқишига замин яратди. Бу усуллар энг аввало кишидаги ният ва қалбдаги

нозик ўзгаришларга қаратилган эди. Зеро, улар охир-оқибатда инсон фаолиятини белгилаб берадиган омиллар ҳисобланади. Муҳосибийнинг «муҳосаба» ҳақидаги таълимоти Мовароуннаҳр ва Хуросонда маломатийлик йўналиши шаклланишига туртки бўлди. Маломатийлик гоялари кўплаб тариқатларга, жумладан, нақшбандийликка ҳам таъсир кўрсатган. Баъзан «хослар» учун мўлжалланган қарашларнинг кенг омма орасига тарқаб кетиши, бу қарашлар муаллифларининг таъқибга учрашига сабаб бўлган. Нуфузли уламоларнинг бундай суфийларга нисбатан муносабатда бўлиши суфийларни ахтиёткорликка, муросали йўллар излашга йўналтирди. Суфийлар ҳеч вақт Қуръон ва сунна кўрсатмаларидан ташқарига чиқмаслик, кескин ва шаклан «тутуриқсиз» кўринган қарашларни ошкор этмаслик лозимлиги таъкидлар, турли йўл ва усуллар билан ўз масалаклари шариат меъёрларига мувофиқ эканини кўрсатар эдилар. Шундай мавқени эгаллаган суфийлардан бири Жунайд Бағдодий (вафт. 910 й.) эди. Айнан у Боязид Бистомий томонидан «сукр»га асосланган жазавали суфийликка зид ўлароқ мўътадил «сахв» суфийлик анъанасини бошлаб берди.

Илк тасаввуфнинг ижтимоий асосини асосан шаҳарликлар – майда савдогарлар, ҳунармандлар ва ҳ.к. ташкил этган эди. Тасаввуфнинг илк босқичидаёқ мурид-шайх (муршид, пир) робитаси барчасида суфийлик назарияти ва амалиётини эгаллаш муҳим ҳисобланган. Муридлар шайхга барча диний ва дунёвий масалаларда бутунлай бўйсуниши шарт эди. Ўзининг тақводорлиги, илми билан танилган йирик суфий муршидларни эса, вақт ўтиши билан «валий», баъзан эса «қутб» деб ҳам атай бошладилар. Авом халқ эса уларнинг «маъсумлиги», ғайриоддий қудратлар кўрсатиши, «яширин» маъносини изоҳлаб беришга қодирлиги ва бошқа бир қатор ислом таълимотига зид бўлган турли уйдирмаларни гапира бошладилар. Булар ҳам ўз навбатида, халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳамда баъзи тасаввуф назариётчиларининг асарларида ифодасини топа бошлади. Тасаввуфий билимлар ва барака шайхлар муридга учоқ муддатли таълим жараёни орқали ўтади, деб ҳисобланган. Сабоқ бериш тугагач, шайх шогирдига ўзига хос «ғувоҳнома» вазифасини ўтовчи суфийлик хирқасини кийдирган. Бу эса, ўз навбатида муридга мустақил тарғибот олиб бориш ҳуқуқини берган. Ислом оламининг турли чеккаларидан келган муридлар, рухсат олганларидан сўнг ўз юртларига қайтиб бориб, у ерда зовия, хонақоҳ ва суфийлик халқаларини ташкил қилиб, ўзлари ҳам шогирд етиштира бошлаганлар. Бу жараён тасаввуфнинг тез тарқалишига олиб келган.

2. Дастлабки тасаввуфий асарларнинг ёзилиши. X-XI асрларда тасаввуфий ҳаёт ва тафаккур тарзи жамиятнинг кенг қатламларини қамраб олди. Тасаввуф тарафдорлари сони доимий равишда ортиб борди. Бу даврда суфийлик анъаналари шаклланиб, тасаввуф асосларини ёритиб берган илк ёзма манбалар вужудга келди. Мазкур китобларнинг асосий мақсади тасаввуф ўз назариёти ва амалиёти билан ислом таълимотларига батамом мувофиқ эканини кўрсатиб бериш ҳамда тасаввуфнинг оғзаки тарзда етиб келган меросини таснифлашдан иборат бўлган.

X аср охири XI аср бошларида тасаввуфнинг мумтоз йўриқнома асарлари ёзилди. Бундан Тусийнинг (вафт. 988 й.) «ал-Лумаъ», Калободийнинг (вафт. 990 ёки 995 й.) «ат-Таъарруф», Абу Толиб Маккийнинг (вафт. 998 й.) «Қутул-қулуб», Суламийнинг (вафт. 1021 й.) «Табақоту-с-суфия», Қушайрийнинг (вафт. 1072 й.) «ар-Рисола», Ҳужвирийнинг форс тилидаги (вафт.1072 ёки 1076-77 й.) «Кашфу-л-маҳжуб», Ансорийнинг (вафт.1089й.) «Манозилу-с-соирийн», Абу Нуайм Исфаҳонийнинг (вафт. 1038 й.) «Ҳилятул-авлиё» асарлари бизгача етиб келган. Бу даврда яратилган Суламийнинг «Ҳақоиқу-т-тафсир» асари Қуръоннинг илк тасаввуфий тафсирлари орасида алоҳида ўрин эгаллаб, тасаввуфий талқин анъаналарини намоён этади. Бу муаллифлар тасаввуфга доир билимларни тартибга солдилар, суфийлик атамаларини тушунтириб бердилар ҳамда тасаввуфни ислом таълимотларига зид эмаслигини кўрсатиб бера олдилар.

XII-XIII асрлар мусулмон жамиятларида тасаввуфнинг мавқеи омма орасида кучайиши билан белгиланади. Бу даврда тасаввуфнинг расмий таълимот сифатида эътироф этилишида Ғаззолийнинг (вафт. 1111 й.) ўрни беқиёс бўлиб, «ал-Мунқиз мина-з-залол» асарида тасаввуф аҳлоқи охират учун асосий захира

экани, «Иҳёу улуми-д-дин»да барча илмларни зикр этиб туриб, хотимада тасаввуфий билимни юқори қўйишини айтиб ўтади. Унинг ислом оламидаги нуфузи тасаввуфнинг шариат аҳли томонидан батамом ижобий қабул қилинишига сабаб бўлди. Ҳанбалий мазҳабига мансуб бўлган Абдулқодир Жилоний (вафт. 1161 й.) фаолияти тасаввуфий ғояларнинг оммалашувида катта таъсирга эга бўлган. Унинг маърузалари турли мураккаб ва зиддиятли масалалардан холи бўлиб, аҳоли орасида кенг шуҳрат қозонди. Умуман, тасаввуф жамиятда ўз таъсир доирасини тобора кенгайтириб борган сари, ҳукмрон табақалар, зодагонлар ҳам у билан ҳисоблаша бориб, улар ҳам пирларнинг маслаҳатларига қулоқ осадиган бўлдилар. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу даврларда ислом дини жаҳонгаштa каландар-дарвешлар орқали турли минтақаларга ёйила бошлади. Улар ўзлари борган жойларда хонақоҳ ва зовиялар ташкил этиб, кейинчалик бундай жойлар тарғибот-ташвиқот ва диний турмуш тарзи марказларига айланиб борди.

XII аср ўрталари XIII аср бошларида суфийлар ташкил этган зовиялар атрофида, хусусан, шаҳарларда тариқатлар шаклланa бошлади. Дастлаб, Багдодда пайдо бўлган суҳравардия ва қодирия тариқатлари бутун мусулмон оламига тарқалди. Тариқатларнинг шаклланиши тасаввуфнинг таъсири янада кучайишига олиб келди. Умуман олганда, суфийлар халқ оммаси билан яқинлашиб, уларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга юз тутган эди. Ҳунармандчилик уюшмаларининг қарашларида ҳам суфийлик тамойиллари – ўзига хос «футувват» кўринишида ўз аксини тоца бошлади.

3. Тасаввуфда турли фалсафий қарашларнинг вужудга келиши. XII-XIII асрларда тасаввуф ғояларининг мусулмон жамиятининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида кенг тарқалиши натижасида ундаги ички фарқланишлар яққол намоён бўла бошлади. Асосан омманинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган «амалий» тасаввуф билан бир қаторда тасаввуф таълимотининг зиёли табақаларга қаратилган эзотерик жиҳати янада ривожланди. Мазкур «фалсафий» тасаввуфнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишда Мақтул Суҳравардий

(вафт. 1191 й.), Ибн Арабий (вафт. 1240 й.), Ибн Сабъин (вафт. 1268 ёки 1271 й.), Абдурраззоқ Қошоний (вафт. 1329 й.), Абдулкарим Жилий (вафт. 1428 й.) каби тасаввуф намояндалари фаол иштирок этиб, илгариги фалсафий қарашларни тасаввуф руҳида талқин эта бошладилар. Буларнинг орасида Ибн Арабий «вахдату-л-вужуд» деб номланган назарияга асос солгани билан ажралиб туради. Ибн Арабий ўзидан аввалги суфийларнинг тавҳид ва бошқа мавзуларга оид қарашларини тартибга солиб, тизимли фалсафа ҳолига келтирган. Бу фалсафа тасаввуф муҳитида кенг миқёсда қабул қилинган. Вахдату-л-вужудни кескин ташқил қилиб, унга қарши чиққан Алоуддавла Симноний (1261-1336) ва нақшбандийлик пайки Имом Раббоний номи билан машҳур Ахмад Сирҳиндий (1564-1624) «зоҳдату-ш-шуҳуд» назариясини илгари сурдилар. Аммо «вахдату-ш-шуҳуд» асосан нақшбандия тариқатига таъсир кўрсатди. «Фалсафий» тасаввуф XIII-XIV асрларда юксак чўққиларга кўтарилгач, аста-секин ўзининг ижодкорлик салоҳиятини йўқота борди. «Комил инсон», «борлиқнинг бирлиги» («вахдату-л-вужуд), «тажаллий» каби ғоялар баҳс ва мунозаралар манбаига айланиб, бу баҳслар ҳам кўпинча бесамарлигича қолиб кетди.

Вахдатул-вужуд (араб. борликнинг бир бутунлиги) – абадий ягона Аллоҳгина бор, моддий олам эса рўё деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам ва нарсалар дунёси ҳақиқий эмас. Ҳақиқат фақат Аллоҳ бўлиб, моддий олам Аллоҳнинг тажаллиси, шуъласи ҳисобланади. Ушбу таълимот тасаввуфдаги энг мунозарали мавзулардандир. Вахдатул-вужуд тасаввуф атамаси сифатида тўлқин, сув устидаги кўпик, сув гирдоби, жала ва томчининг барини фақат сув деб фараз қилиш каби, барча мавжудотни яратувчи вужуди билан бир, деб билиш ва ундан (Худодан) бошқа барча борликни фақат тасаввур ва хаёл деб ҳисобланадир. Вахдатул-вужудга ҳамоҳанг қарашлар гарчи илк суфийларда учраган бўлсада, аммо бу таълимот тарзидаги яхлит қоид уларда мавжуд эмасди. Ғарб ва Шарқ файласуфларининг асарлари таржималари билан танишган суфийлар неоплатоник фалсафаларлан таъсирлана бошлаганлар. Улардан Ибн Арабий юнон ва ҳинд фалсафаларини тизим-

лаштириб, вахдатул-вужуд таълимотига асос солди. Ибн Арабийнинг таълимоти шу пом билан номланса-да, унинг ўзи бу атамани қўлламаган.

Ибн Арабий тарафдорлари фикрича «ҳақиқий мавжудлик фақат Аллоҳга хос, ундан бошқа нарсаларнинг мавжудлиги эса Унинг мавжудлигидан нисбийлиги билан фарқланади. Зеро, нарсаларнинг мавжуд бўлиши мустақил ҳолда кетмайди, яъни Аллоҳ хоҳласагина бор бўлади». Бобурий шаҳзодалар даврида бу таълимот асосида динлар универсализми ғояси ишлаб чиқилгач, вахдатул-вужуд фалсафаси баъзи суфийлар томонидан танқидга ҳам учраган. Вахдатул вужуд назарияси тарафдори бўлган Абдураззоқ Кошонийга қарши ўлароқ, унинг замондоши, машҳур муфассир ва мутасаввиф Алоуддавла Симноний бу назарияни «куфр» деб қабул қилган ва тасаввуфда охирги марталба – бандаликдир, деган. Ибн Арабийнинг вахдатул вужуд фалсафасини энг жиддий ва тизимли равишда танқид қилган Имом Раббоний номи билан танилган Аҳмад Сирҳиндий (ваф. 1624 й.) эди. Сирҳиндий замондоши бобурий шоҳ Жалолиддин Акбар вахдатул-вужул ғоясига таянган ҳолда мамлакатдаги мавжуд динлар асосида синкретик дин – «дини илоҳий»ни шакллантириб, пировард натижада динларни бир-бирига яқинлаштиришни мақсад қилади. Нақшбандий Сирҳиндий эса бунга жуда кескин қарши чиқади ҳамда вахдатул-вужуд назариясига қарши Симнонийнинг вахдатуш шуҳуд ғоясини илгари суради. Аҳмад Сирҳиндийдан ташқари Мулла Али Қори каби илоҳиётчилар ҳамда Ибн Халдун ва бошқа уламолар ҳам мазкур таълимотни танқид қилганлар. Вахдатул-вужуд таълимоти адабиёт, фалсафа ва тасаввуфда янги йўналиш очиб берди. Тасаввуфий адабиёт янги образлар билан бойиди. Шулардан энг муҳими комил инсон тушунчаси бўлди. Ибн Арабийнинг таълимоти мусулмон мамлакатларида мўғуллар ҳукмронлик қилаётган бир вақтда асосан форс ва туркий-забон ҳудудларда жуда тезлик билан ёйилди. Ушбу ғояларнинг оммалашишида тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, икки назарий асарнинг ўрни катта бўлди: Шабистарийнинг «Гулшани роз», Абдулкарим Жилийнинг «Инсони комил» асарлари. Мазкур икки асарда ҳам комил инсон тушунчаси ҳақида сўз борган.

Вахдату-л-мавжуд (араб. мавжудот бирлиги). Пантеистик ва панентеистик таълимотлар синтези. Милодий биринчи асрлардан бошлаб, турли даврларда турфа диний-фалсафий таълимотлар таркибида мавжуд бўлган қарашлар мажмуаси. Ҳинд диний эътикодий қарашларида «адвайта-веданта» таълимоти сифатида намоён бўлади.

«Вахдату-л-мавжуд» моддий олам Худо вужудида мавжуд, бироқ Худо оламга сингиб кетган эмас (панентеизм) деган ғояни илгари суради. Унга кўра Худо коинот қамраб олган барча нарсаларда (ажзо) мавжуд, бироқ, шу билан бирга улардан ташқари мавжуддир. Худо коинотни қамраб олган, аммо коинот Худони қамраб ола олмайди. Аъзо эгаси аъзони англай олгани ҳолда, аъзо ўз эгасини англай олмагани каби. Худо коинотни англайди аммо коинот уни англай олмайди.

Одатда «вахдату л мавжуд» қарашлари «вахдату л вужуд» таълимотига яқин тургани учун, унинг ғоялари ҳатто ушбу таълимот назариётчилари томонидан доимий равишда чалкаштириб келинган. Вахдату л вужуд»дан асосий фарқи Худонинг моддий оламдан ташқарида ҳам мавжуд экани тўғрисидаги қарашлар ҳисобланади. Бироқ «тажаллий» ва «ал-аъёну-с-собита» каби ғоялар «вахдату-л-вужуд» ҳам моддий борликдан ташқари олам мавжудлигини тасдиқлашини кўрсатади. Кейинчалик икки таълимот уйғунлашиб кетганини кузатиш мумкин. «Вахдату-л-мавжуд» таълимотидаги «хулул» ғояси вахдату-л-вужуднинг таянч таълимотларидан бирига айланган. Ўрта аср манбаларида «вахдату-л-мавжуд»ни «хулулия», «вахдату-л-вужуд»ни эса «нужудия» деб аҳратилади. Ўрта асрларда шиаларнинг эътиқодий қарашлари ва ботиний таълимотлари (ирфон) ҳамда тасаввуфий фалсафий қарашларга катта таъсир кўрсатган. Жумладан, Ҳайдар Омулий ва Мулла Садра қарашлари асосида Ибн Арабий ғоялари остида шаклланган бўлсада, уларда «вахдату-л-мавжуд» ғоялари кўпроқ акс этади.

Тасаввуфга асосан, Ҳаллож ихлосмандлари ва «вахдату-л-вужуд» ғоялари кенг тарқалишни орқали кириб келган. Ибн Арабийнинг кўплаб издошлари вахдату-л-мавжуднинг ҳулул ва иттиҳод каби асосий ғоялари куйчиси сифатида ўрин тутиб, бу

ҳол ижоси таълимот синкретизациясига олиб келган. XVII аср охирларига келиб (Раббоний ислоҳоти) тасаввуфий доираларда таълимотга қизиқиш пасайган. Ҳозирда бектошия ва Ипоят Хон асос солган «Универсал суфийлик» тариқатлари ғояларига яқин.

Вахдату-ш-шуҳуд (араб. гувоҳликлар бирлиги). Ҳаллож, Жийлий ва Симноний каби мутасаввифлар томонидан илгари сурилган бир-бирини тақозо этмайдиган, мустақил ғояларнинг номи бўлиб, матнларда учрайдиган атаманинг маънолари турли даврларда турлича маъноларни англатиб келган. Шу жиҳатдан, биринчи навбатда мазкур атама қайси даврга оид ва кимнинг асарида тилга олинаётганига кўра таъриф бериш лозим.

1) Ҳаллож ва унинг издошлари асарларида учрайдиган «вахдату-ш-шуҳуд» Ҳаллож томонидан илгари сурилган Лоҳут ва Носутнинг бирлиги ҳақидаги таълимот бўлиб, унга кўра Илоҳ суфийнинг қалбида ўзини мушоҳада қилади (кузатади) ва ўз навбатида суфий ҳам ўзида Илоҳни мушоҳада қилади, аммо бу билан суфийда «жавҳар» ўзгаришни содир бўлмайди, яъни суфий ўз ҳолича қолгани ҳолда, унда Илоҳнинг моддий оламдаги Ўзлиги намоён бўла бошлайди.

2) Тасаввуфий «комил инсон» ғояси ҳақида илк бор фикр билдирган Абдулкарим Жилий (1365-1428) талқинидаги «вахдату-ш-шуҳуд» Ҳаллож ғояларига ҳамоҳанг бўлиб, унга кўра инсон мукаммал тизим – «оламу-л-сағар» (кичик олам) сифатида намоён бўлади. Илоҳнинг моддий олам – «оламу-л-акбар»га тажаллийси тарқоқ (мунфасил) ҳолда бўлиб, фақатгина «комил инсон»дагина тажаллий батамом рўёбга чиқади. Шундагина мушоҳада яхлит ҳолат касб этади.

Кейинчалик ушбу ғоялар Ибн Арабий томонидан тизимлаштирилиб, «Вахдату-л-вужуд» номини олган. Шу сабабли, баъзи классик адабиётларда учрайдиган вахдату-ш-шуҳуд таърифи билан «вахдату-л-вужуд» айнан бир хил келади.

3) Алоуддавла Симноний номи билан машҳур Аҳмад ибн Муҳаммад Баёбанакий (1261-1336) Ибн Арабий ғояларини қатъий инкор қилиб, «вахдату-ш-шуҳуд» деб номланган янги таълимотни илгари сурди. Бу таълимотга кўра, суфий Вужуди

Мутлақ (Худо) ибодатни мушоҳада қилишга қодир эмас. Симноний фақатгина Илоҳ томонидан ато этилган калб мусаффолиги сифати билангина уни англаш мумкин эканини таъкидлайди. Суфийнинг мақсади қалбни тозалаш орқали унинг англаш қобилиятини оширишдан иборат. Тавҳид – «Илоҳга қўшилиб кетиш» (ҳулул) «бирлашиш» эмас, Унинг қудратини мушоҳада қилиш, Ундан бошқа ҳеч ким ҳеч нарсага қодир эмаслигини англаб етиш ва шу ақидада мустаҳкам қолишдир. Ҳақиқий билимга фақат шариат меъёрларига қатъий амал қилган ҳолда етишиш мумкин, руҳий амалиётлар эса шариатга зид бўлмаслиги керак. Шу сабабдан Симноний мақомларнинг ўрнини алмаштириб – ҳақиқат-тариқат-шариат – тартиба талқин этади. Яъни ҳақиқатни топган одамгина тўғри йўлга киради, унинг ниҳоявий мақсади эса шариатга тўлиқ амал қилиш даражасига етишдир.

Симноний таълимоти Эрон (XVI аср ўрталаригача), Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистондаги тасаввуфий қарашларга салмоқли таъсир ўтказди. Унинг таълимотини якуний кўринишга келтириб, тизимлаштирган шахс Имом Раббоний номи билан машҳур Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624) бўлиб, у аввалига Ибн Арабий ғоялари тарафдори бўлган, бироқ кейинчалик уларнинг ашаддий танқидчисига айланди. Имом Раббоний Симноний ғояларини Ҳиндистон ва Афғонистондаги нақшбандия жамоалари орасида тарқалишига ҳисса қўшиб, тариқатларда соф эътиқод ўрнатилишига интилди.

Имом Раббоний ўша даврда кенг тарқалган «Барча нарса У» тамойилини инкор этиб, унинг ўрнига «Барча нарса Ундан» тамойилини киритди. Инсон Илоҳда йўқ бўлиб кетмайди, балки, Унинг борлигини ҳис эта бошлайди ва унинг Танҳолигининг гувоҳи бўлади. Ҳулулга етакловчи барча ботиний ҳол ва рўёлар васваса ва саробдан бошқа нарса эмас. Агар суфий жазавада илоҳий сифатларга эга бўлдим ёки Илоҳнинг намоёнига айландим, деб ҳисоблай бошласа – бидъатчи бўлади. Суфийнинг ниҳоявий мақсади Илоҳга бандалик қилишдир. Агар у шариатга қатъий амал қилиб борсагина, унга каромат лар ниҳоя бўлиши мумкин. Имом Раббоний жазавага тушиш амалиётини қаттиқ қоралади, турли ботиний таълимотларни рад этди ва ақлий да-

лишлаш усулларига катта аҳамият қаратди. Унинг талқинидаги «ваҳлату-ш-шуҳуд» таълимоти англанаётган мусулмонларнинг эътирозига учрамади. Ҳозирда «ваҳлату-ш-шуҳуд» деганда асосан, Симноний ва Имом Раббоний тизимлаштирган таълимот тушунилади. Бироқ тасаввуфий матнларда учрайдиган мазкур атамани изоҳлашда лаврийликка эътибор қаратиш муҳим.

VIII–IX асрларда Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож сингари йирик суфийлар ижоди билан бошланган суфий шеърият, X–XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образ ва тимсоллар, рамзлар ва усуллар олами пайдо бўлди. Тасаввуф адабиёт билан бир қаторда бошқа бадиий ижод йўналишларига таъсир кўрсатди. Зеро, тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини, хаттоки ўз суфий театрини ҳам вужудга келтирди. Чунончи, самоъ мажлислари кўпинча саҳналаштирилган томошага айланиб кетар, уларни томоша қилгани аёллар ҳам йиғилар эди. Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги муштараклик жиҳатларини суфийлар ва ижод аҳлининг руҳий яқинлигидан излаш даркор бўлса керак. Зеро, ижод завқи ва суфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан умумийликка эгадек гўё. Тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урган соликлар кўпроқ муваффақиятга эришганлар. Ибн Арабий ҳам суфий шоир бўлиб, машҳур «Фусусу-л-ҳикам» ва «ал-Футуҳоту-л-Маккия» асарларида баъзи жойларни бадиий безак бериш учун назмда ифода этган. Чунки, тасаввуфнинг нозик масалаларини ақлий-назарий усуллардан кўра ҳиссий-образли тафаккур воситаси билан ифода этиш самаралироқ бўлиб туюлади. Шеър ва мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир кучини сезган тасаввуф шайхлари ҳонақолардаги йиғинларда улардан кенг фойдаланганлар. Айниқса, самоъ йиғинларида рақс билан бир қаторда шеър ва мусиқа соликларни ўзини йўқотиб атроф-муҳитни англай олмай қоладиган даражага бориб қолишида аҳамияти катта эди.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожида ўлкадан етишиб чиққан Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор каби намояндаларининг хизматлари катта бўлган. Тасаввуф ғоялари кўплаб шеърий асарларда ҳам ўз ифодасини

топди. Суфийлик рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари бутун диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Саноий, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий, Ансорий, Низомий ва б.), шунингдек, маълум даражада араб шеърияти ҳамда туркий халқларнинг (Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёр, Алишер Навоий), Болқон ярим ороли, шимолий Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фольклорига сингиб кетди.

Лавр ўғини билан тасаввуф махсус атамалари, рамз ва тимсолларини ифодалайдиган шеърий адабиёт пайдо бўлди. Натижада суфиёна ширин маъноларни ифодаловчи махсус тил шаклланиб, бу тилда ёзилган ғазал ва рубоийлар адабиётни мураккаблаштириб, уни фақатгина «хос кишилар» англайдиган бўлиб қолди. Иккинчи томондан эса, Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёр каби суфийлар томонидан суфиёна панд-насиҳатлар жуда содда тил ва халқчил усулда ифода этилган тасаввуфий шеърлар ҳам битилди.

XIX–XX асрлар бошида тасаввуф мусулмон давлатлари сиёсий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнашда давом этди. Мусулмон оламининг у ёки бу минтақасидаги муайян вазиятга қараб бу ҳолат ҳам реакцион, ҳам нисбатан илғор бўлиши мумкин эди. Шарқда жамиятнинг ёппасига секулярлашувга юз тутиши, иқтисод ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар томон юзланиш тасаввуфнинг мавқеига қаттиқ зарба берди. Кўпчилик араб мамлакатларида тасаввуф диний-сиёсий доиралар томонидан кескин танқидга учради. Улар ислом динини замон талабларига мувофиқ мослаштиришга ёхуд суфийлик таълимотларидан холи бўлган илк исломнинг «соф қуриниши»ни ортга қайтаришни талаб қилиб чиқар эдилар. XX асрда араб-ислом социализми тарафдорлари ҳамда прогрессив ёш авлод ўз мамлакатининг қолоқлигида бир жиҳатдан тасаввуфни ҳам айблаб, уни тараққиёт ва юрт гуллаб-яшнаши йўлидаги тов, деб билди. Бир қанча мусулмон мамлакатларида тариқатлар фаолияти қисман ёки бутунлай ман қилинди. Аммо XXI асрга келиб ҳам тасаввуф шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг муайян қатламлари орасида ўз

таъсирини сақлаб келмоқда. Улар руҳий таскин ва мадад излаб, суфийлик тариқатлари сафига кирмоқда.

XX ва XXI асрларда ҳам кўп тариқатлар фаолиятларини давом эттирдилар. Шарқдаги мусулмон давлатлари ҳамда айрим Европа давлатларида XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, тариқатларнинг сиёсий ҳаётда фаоллашуви, тасаввуфнинг тобора кучайиб бориши кўзга ташланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб давлатларида мусулмон муҳожирлари ҳисобига тасаввуф тарқала борди. Айрим Шарқ давлатларида тариқатлар ўз манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий партиялар орқали сиёсий жараёнларда иштирок эта бошлади. Салафийлик, ваҳҳобийлик ғоялари кенг тарқалган кўрфаз мамлакатларида тасаввуфга нисбатан салбий муносабат шаклланганига қарамай, у ерларда ҳам турли омиллар туфайли тариқатларнинг жонланиши сезилди. Хатто, суфий йиғилишлари ўтказишга расмий рухсат ҳам берилди. Европа давлатларида эса тасаввуфий анъаналар ўзига хос шаклда тарқалди. Бу ерда тариқатлар замонавий ахборот коммуникация воситалари – интернет, фазовий каналлар, оммавий ахборот воситаларини қўллаган ҳолда европалик туб аҳоли ва муҳожирлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйдилар. Натижада, ғарб давлатларида янги тариқатлар шаклланиши ва Европанинг туб аҳолиси орасида ёйилиши жараёнлари тезлашиб кетди.

Мавзу бўйича саволлар

- Зуҳд ва илоҳий муҳаббат ғояларининг фарқи?
- Тасаввуфнинг илк намоёндаларидан кимларни биласиз?
- Ибн Арабийнинг илмий-назарий қарашлари?
- «Ваҳдату-л-вужуд» назариясининг моҳияти нима?

Мустақил иш топшириқлари: *Ибн Арабийнинг «ваҳдату-л-вужуд» назарияси таҳлили.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Энигма, 2000.

2. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

3. Wainwright W. Concepts of God. The Stanford Encyclopedia of Philosophy // ed. Edward N. Zalta 2010.

4. Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.

5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

6. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.

7. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.

4-§. Марказий Осиё тасаввуфи ва мотуридия эътиқоди

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Марказий Осиё тасаввуфи мотуридия эътиқоди билан боғлиқ экани тўғрисида маълумот бериш.

Режа:

1. Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаби қарор топиши ва дастлабки мутасаввифларга таъсири.

2. Илк тариқатларда мотуридийлик анъаналари.

3. Мовароуннаҳр суфийлари асарларида ҳанафий ақида-си ёритилиши.

Таянч иборалар: *ҳанафийлик, мотуридия, аҳли раъй,ақида*

1. Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаби қарор топиши ва дастлабки мутасаввифларга таъсири. Мовароуннаҳрга ҳанафийлик таълимоти Абу Ҳанифа ҳаётлик давридаёқ Хуросон орқали кириб кела бошлаган. Илк аббосийлар даврида Хуросоннинг Мовароуннаҳр ҳудудига яқин шаҳарларида ҳанафийлар устун бўлгани манбаларда қайд этилади. Хусусан, Балх шаҳри эса ҳанафийлик мазҳабини халифаликнинг шарқий ҳудудларида тарқалишида муҳим ўрин тутган[24]. IX-X асрларга келиб минтақада ҳанафийлик мазҳаби устувор бўлди. «Асҳобу Аби Ҳанифа» номи билан ҳанафийлик доирасида фаолият олиб борган фақиҳ ва мутакаллимлар танилдилар. Айтиш жоизки, ҳанафийлик таълимоти нафақат фиқҳий балки ақидавий масалаларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу билан бир қаторда линдаги руҳий йўналиш, яъни тасаввуф ҳам Мовароуннаҳрда ҳанафийлик таъсирида бўлди.

Мовароуннаҳрдаги илк тасаввуф даври Ҳаким Термизий, Абу Бакр Калободий, Юсуф Ҳамадоний каби шахсиятлар номлари билан боғлиқдир. Юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг асарларида ақида масаласида ҳанафийлик анъаналари нққол акс этади.

[24] Радтке Б. Теологи и мистики в Хорасане и Трансоксиании // Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – С-Пб: 2001, – С. 11-76.

Гарчи юқорида номи келтирилган олимлар Абу Мансур Мотуридийнинг асарлари билан таниш бўлганлари ҳақида маълумотлар учрамасада, аммо уларнинг йўналиши ҳанафийлик-мотуридийлик тамойилларига мутлақ тўғри келади. Зеро, сўнгги тадқиқотлар Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда Абу Мансур Мотуридий вафотидан кейин мотуридия таълимоти ривожи бир қадар тўхтаб қолгани, мотуридия кўпроқ чекка шаҳарлар хусусан, Насафда тарқала бошлагани, фақатгина Қорахонийлар даврига келиб XI асрда Самарқандда насафлик уламолар – Абулмуин Насафий ва Абулюср Пазdавий томонидан мотуридия тиклана бошлаганини шаҳоён этди[25].

Нажмиддин Умар Насафий «Китобу-л-қанд» асарида бухоролик ва самарқандлик машҳур ҳанафий уламоларнинг ичида кўплари тасаввуф йўлини тутганини қайд қилган. Масалан, Бухоро ва Самарқандда машҳур зоҳид ва суфий Фузайл ибн Иёз (ваф. 803 й.)нинг обрўси жуда юқори бўлган. Ҳаттоки нуфузли бухоролик фақиҳ Абу Ҳафс Кабир (ваф. 832 й.)га «унинг Фузайл ибн Иёз билан кам мулоқот қилиши» нисбатан танқид қилингани манбаларда қайд этилган. Ҳанафийлик доирасида фаолият юритган зоҳид ва суфийлар орасида ҳакимлар ва музаккирлар ажралиб турган. Ҳакимлар ҳар масалада илоҳий ҳикмат излаб, илму-л-ботин (нашрий илм) мавзусига катта эътибор қаратишган. Ҳакимлардан Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.), Абу Бакр Варроқ Термизий ҳамда Шақиқ Балхий (ваф. 810 й.)ни келтириш мумкин. Музаккирлар (ёдга солувчилар) эса омма ичида турли масалаларда руҳий ёндашувга эътибор берган ҳолда маърузалар қилганлар. Ҳанафий фақиҳ, зоҳид Занданистий (вафтахм. 1459 й.) «Равза» китобида қайд этишича, музаккирлар асосан маҳаллий тилда ташвиқот олиб борганлар. «Равза» китобида тасаввуфга доир масалалар фиқҳ билан бирга ёритиб берилган. Яна бир ҳанафий фақиҳ суфий Абу Бакр Калободий тасаввуф мавзусига оид «ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳли-т-тасаввуф» асарини ҳамда ҳалифлар ва уларнинг шарҳига бағишланган «Маони-л-ахбор» (ҳадисларнинг маънолари) асарини ёзади. Қорахонийлар даврига

[25] Қаранг: Мукинов А. Абу Мансур ал-Матуридк в Самарканде // Ulug bir chinar Maturidi: халқаро конференцияси материаллари, Туркия, Эскишахар, 28-30-апрель 2014 йил. –Б. 39-44.

мансуб машҳур суфий Исмоил Мустамлий (вафо. 1043 й.) «ат-Таъарруф»га суфиёна шарҳ ёзади[26].

Тасаввуф вакиллари Мовароуннаҳрлик ҳанафий фақиҳлар билан яхши муносабатда бўлганлар. Зеро, аксар мовароуннаҳрлик суфийлар фиқҳда ҳанафийлик мазҳабига эргашганлар.

Мовароуннаҳрнинг дастлабки энг кўзга кўринган ҳамда минтақа тасаввуфий таълимотлари асослари яратилишига муҳим ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (вафо. 932 й.) яшаган даврда фиқҳий нуқтаи назардан ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган эди. Чунончи, Абу Бакр Бо'ия Балхийнинг (вафо. XIII аср) «Фазо'илу-л-Балх» китобига кўра Термиздан 80 км. масофадаги Балхда илк аббосийлар давридаги барча қози ва уламолар ёки Абу Ҳанифанинг ёхуд унинг шогирдлари Шайбоний, Абу Юсуф ва Зуфарнинг бевосита шогирдлари бўлганлар. Демак, Балх ушбу минтақада ҳанафий мазҳабининг тарқалишида етакчи ўрин тутган[27]. Ҳаким Термизий ҳам ҳанафий мазҳабида бўлган. Бу ҳақда Абулҳасан Жуллабий Али Ҳужвирий (вафо. 466/1073 ёки 470/1077 й.) ўзининг «Кашфу-л-маҳжуб» асарида: «Ал-Ҳаким фиқҳни Абу Ханифанинг хос асхобларидан бирининг қўлида ўрганди»[28], – деб ёзади. Ибн Арабий (560-638/1165-1240) ҳам ўзининг «ал-Футуҳоту-л-Маккийя» асарида Термизийнинг ҳанафий мазҳабида эканини зикр қилиб, Ҳужвирийнинг ушбу маълумотини тасдиқлайди[29]. Ҳаким Термизийнинг ҳанафий мазҳабида бўлганини унинг «Баёпу-л-фарқ» асарида имон ҳақида келтирган қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Чунончи у шундай ёзади: «Имон жумҳур уламолар наздида ва шариатга кўра Ҳақни тасдиқ этиш, қалб билан қабул қилиш ва тил билан

[26] Қаранг: Мумжнов А. Роль и место ханафитских улама в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIIIвв.) Диссертац. доктор ист. наук. Ташкент, 2003. – С.205-208.

[27] Радлов В. Теология и мистика в Хорасане и Трансоксании // Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург, 2001. – С.56.

[28] Саййид Жамилий, Ахмад Сайид. Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари нашрининг кириш қисми.–Қоҳира: Дор ар-райён ли-т-турос,1988. – Б.25.

[29] Қаранг: Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг Ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Ижод ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 185-186.

тасдиқлашдир[30]. Имон ўз зотига кўра қуёш каби нақис бўлмайди (камаймайди), лекин худди қуёш нурининг тафти ҳавода булут, туман, каттиқ иссиқ ёки каттиқ совуқ турганда камроқ бўлгани каби имон нурининг тафти ҳам баъзи сабабларга кўра камаяди»[31]. Ушбу қарашлар Абу Ханифанинг «ал-Фиқҳу-л-акбар» асаридаги энг асосий мавзулардан ҳисобланган имон ҳақидаги фикрларига тўлиқ мувофиқ келади[32]. Шунингдек, Ҳаким Термизийнинг энг яқин шогирди Абу Бакр Варроқ Термизий (вафо. 906-907 й.) ҳанафий уламолари табақот асарида зикр этилиши[33] ҳам ушбу маълумотларни яна бир бор тасдиқлайди. Юқорида келтирилган ушбу маълумотлар Ҳаким Термизийнинг ҳанафий мазҳабида бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Лекин шу билан бирга Тожуддин Субкий (вафо. 1370 й.) Ҳаким Термизийни нима учундир шофеий уламолар сирасида зикр этади ва уни аҳли ҳадислардан ҳисоблайди[34].

Минтақадан ҳадис аҳлининг энг таниқли вакиллари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Доримий ва бошқа бир қанча буюк муҳаддислар етишиб чиққанига қарамасдан, бу ерда аҳли раъйнинг мавқеи анча баланд эди. Буни сиёсий-ижтимоий вазият билан бирга албатта минтақадаги ҳанафий мазҳаби уламоларининг самарали фаолиятининг натижаси, деб баҳолаш мумкин.

Аҳли раъй вакили сифатида Ҳаким Термизий аҳли ҳадис амал қилган анъанавий услубдан тубдан фарқ қилувчи ҳадисларга муносабати минтақада мавжуд икки кучли йўналиш ўртасидаги услубий зиддиятларни акс эттирган. Ҳаким Термизий ҳадисларга аҳли ҳадис нуқтаи назаридан эмас, балки аҳли раъй нуқтаи на-

30 Ҳаким Термизий. Баён ал-фарқ байн ас-садр ва-л-қалб ва-л-фу'ад ва-л-лубб. – Б. 41.

31 Ҳаким Термизий. Байон ал-фарқ байн ас-садр ва-л-қалб ва-л-фу'ад ва-л-лубб. – Б. 60.

32 Қаранг: Абу Ханифа Нуъмон. Ал-Фиқҳ ал-акбар / С.М.Оятхонхон Тура таржимаси. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 52.

33 Қаранг: Макнасий. Фаво'ид ал-бахийя фи тарожум ал-ханафийя. – Байрут: Дор ал-Арқум, 1998. – Б. 52-53.

34 Қаранг: Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофи'иййа ал-кубро. 6 томлик / Мустафо Ахмад Ато текшириб тайёрлаган. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-'илмиййа, 1999. Т.1. – Б. 449.

ларидан мурожаат этади. Чунончи, у аҳли ҳадис ровийлари каби фақат ҳадисни ривоят қилиш билан чекланмасдан, ҳадиснинг асл маъзига етиб боришга, уни тўлиқ идрок этишга ҳаракат қилади. Жумладан, Ҳаким Термизий исноларини ёдлаш билан чекланиб, маънога эътибор бермайдиганлар ҳақида: «Улар исноларини, ривоят йўлларини ёлайдилар, ровийларни таҳлил қилиш, уларнинг иллатларини топишга зўр берадилар. Лекин ҳадисларнинг маъноларини, лафзларини уларнинг диққат эътиборидан четда қолди. Қанчалаб ҳадислар сўзлари ўзгариб кетиши окибатида мазмунидан узоқлашиб кетди. Улар бунга эътибор ҳам бермадилар, бу нарсаларни тадқиқ этишдан кўра ровийларнинг танқиди билан овора бўлдилар»[35], – деб ёзади. Бу танқид Ҳаким Термизий билан деярли замондош бўлган аҳли ҳадис вакилларига қаратилган бўлса керак. Зеро, аҳли ҳадиснинг саҳих ҳадисга қўйган шартларда сандга катта эътибор каратилади

Ҳаким Термизий ҳадисларни фақат ривоят қилиш билан чекланмасликка чақириб, ҳадисларни талқин қилиш, шарҳлаш ва уни ҳаётга қандай татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эканини изоҳлаб беради.

Шунингдек, Ҳаким Термизий муʼаттила ва мўътазилийларнинг баъзи масалалардаги ҳукмларига «Наводиру-л-усул»да ҳанафийлик доирасида раддиялар беради, жумладан, муаллиф шундай ёзади: «Гулувга кетган муʼаттилалар Аллоҳ таоло бу дунёда ҳам охиратда ҳам кўринмайди, дейдилар. Улар Қуръондаги «Кўзлар уни идрок этмас»[36] оятини далил қилиб олиб, бу Аллоҳнинг сифати, у бекор ҳам бўлмайди, ўзгармайди ҳам, бу дунёда Унинг сифати қандай бўлса охиратда ҳам шундай бўлади (яъни У кўринмайди) деб даъво қилдилар. Уларга айтилдики, «агар кимки Аллоҳнинг сифатларидан бирини бекор қилса (ʼаттала), яъни, рад этса, у тавҳиддан чиқади. Чунки бандалар унинг барча сифатлари билан ягона Парвардигор деб билганлар. Мусо (а.с.) Аллоҳдан ўзини кўрсатишни сўраганда, Унинг Ўз сифатини бекор қилишни сўраган эканда?! Улар бу сўзлардан талвасага ту-

[35] Кокил Анайза. Ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақиҳ ал-ноқид. – Б. 52.

[36] Қуръони карим. 6: 103. Маъноси: Кўзлар уни идрок этмас. Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / А. Мансур тарж. – Т: ТИУ, 2004. – Б. 141.

шиб қолдилар[37]». Бу раддия «Аллоҳни кўриб бўлмайди», – деб даъво қилувчи мўътазилаларга ҳам қаратилгандир. Мотуридиянинг мўътабар манбаси – «Ақийлу-н-Насафийя»да эса: «Мўминларнинг охиратда Аллоҳ таолони кўришлари хусусида қатъий хабарлар эшитилган», дейилади[38]. Кейинги давр мотуридия олими Абулюср Паздавий (1030-1100) ҳам «Усулу-л-дин» асарида «Аллоҳни кўриш» бобида ёзади: «Аллоҳ таоло охиратда рўпарадан эмас, кайфиятсиз, ҳеч қандай чегарасиз кўрилади. Қандай билинган бўлса, ана шундай кўрилади», деб қайд этган[39].

Умуман олганда, Ҳаким Термизий жуда сермаҳсул аллома бўлган. Унинг 60га яқин асари ҳамда савол билан мурожаат қилган замондошларига ёзган 200дан зиёд рисола ва мактублари бизгача етиб келган. Ундан кўплаб Мовароуннаҳр суфийлари таъсирланганлар. Айниқса, нақшбандия тариқати учун унинг асарлари катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳаким Термизийнинг асарларида ханафийлик таъсири яққол сезилиб турсада, аммо баъзи асарларида ҳанафийликдаги айрим услубларни танқид қилиб кетган ўринлар ҳам учрайди[40]. Бундай ўринларни эҳтирий фиқҳий ва ботиний суфий қарашларнинг номутаносиблиги, деб ҳам баҳолаш мумкин. Ҳозирги кун ислом уламолари асарларида «тасаввуфий фиқҳ» атамаси қўлланилмоқда. Айнан Ҳаким Термизий шу масалани ўз даврида биринчилардан бўлиб илмий асослаб чиққан эди. Жумладан, миср муфтийси Али Жумъа ўз маърузаларида эҳтирий фиқҳ ва суфий фиқҳни фарқлаган. Суфий фиқҳ ўз навбатида ботиний фиқҳдан бошқа эканини кўрсатиб беради. Масалан «таҳорат» фиқҳий жиҳатдан муайян аъзоларни юваш бўлса, суфиёна фиқҳ нуқтаи назаридан гуноҳлардан покланиш босқичидан бошланади[41]. Суфий фиқҳ,

[37] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. Т. II. Б. 342.

[38] Ақоиди Насафия // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи А.Мансур. –Т: ТИУ НМБТ, 2006. –Б. 14.

[39] Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Х.Петерлинс нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактаба ал-Аҳзарийя ли-т-турос, 2003. –Б.83.

[40] Қаранг: Барака А. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назарийятуҳу фи-л-вилайя. – Қоҳира: Мажмаʼ ал-буҳус ал-исломиййа, 1971. – Б. 84-103.

[41] Али Жумъа. Мухаддарат фи-л-фиқҳ ас-суфий ли-л-аҳкам аш-шаръиййа ал-амалиййа. –Қоҳира: Академия ашшайх Муҳаммад, 2006. – Б.50-58.

яъни шаръий аҳкомларнинг суфиёна талқини ҳақида Имом Газзолий «Иҳё» асарида, ундан олдинроқ Ҳаким Термизий «ал-Акёс ва-л-муғтаррун» асарида, Имом Каттолоний «Асрор-с-сиём» асарида мухокама қилганлар. Улардан кейингилар эса шу мазмунда уларнинг йўлини тутганлар. Хусусан, Ҳаким Термизий «ал-Акёс ва-л-муғтаррун» (Зийраклар ва ўзига ром бўлганлар) асарида таҳорат олиш мисолида бу мавзуни батафсил очиб беради: «Ўзига ром бўлган киши таҳоратида сувни кўп сарфлаб ҳаммаёғини кўл қилиб олиб, шу иши билан таҳоратини улуғламоқчи бўлади. Аллоҳнинг буйругини тўлиқ бажарганлик ҳисси уни эгаллаб олади, ўз ичида гурурлана бошлайди. Ваҳоланки, у таҳорат одобларини четга суриб қўйиб, сув қуйишга кўпроқ аҳамият қаратади. Унинг эсҳни таҳоратнинг ҳикмати, унинг мазмун-моҳияти, шаръий мақсадларидан холи. Зийрак киши эса, Аллоҳнинг муроди ва шариат мақсадларини кўзлайди».

Тасаввуфнинг минтақадаги кейинги ривожида бухоролик Абу Бакр Муҳаммад Калободий (ваф. 990/995 й.) ўрни муҳим. Тасаввуф анъанасини тизимлаштириш мақсадида Калободий томонидан ёзилган «Таарруф ли-мазҳаб аҳли-т-тасаввуф» асарида Мовароуннаҳр ва бошқа минтақа суфийларининг ақидавий масалалар бўйича қарашлари очиб берилган. Асарда исломнинг илк уч асрида тасаввуфдаги кўтарилган мавзулар, суфийларнинг қарашлари, ихтилофли масалалар жамланган. Асар 75 бобдан иборат бўлиб, унинг 26 таси айнан ақидавий масалаларга бағишланган. «Таарруф»да 10 асрга қадар минтақа суфийларининг фиқҳий, ақидавий ва тасаввуфий масалаларга қаратилган қарашлари жамланган. Калободий китобдаги услубига кўра, аввал бир масала бўйича аксарият суфийларнинг фикрларини, бу хусусда нима деганларини зикр қилади, сўнгра масалага оид барча фикрларни келтиради. Кўп ўринларида шахсий муносабатини ҳам билдириб ўтади[42].

Ғарб тадқиқотчиларининг хулосасига кўра, Калободий «Таарруф»да Мовароуннаҳрнинг барча кўзга кўринган шайхлари Абу Ҳанифа издошлари бўлганини исботлашга уринган[43]. Шу-

[42] Калободий. Таарруф. –Байрут: Дор ал-кутуб ил-илмий, 1993.

[43] Кнышь А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Дилъ, 2004. – С.138.

нингдек, Калободий таълимотининг ўзига хос хусусияти ҳам шундаки, у шофеий-ашъарий ва ҳанафий-мотуридийларни илоҳиёт-ақида масалаларида бир хил кўришга интилади. Мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотларини тенг кўриш анъанаси кейинчалик ҳам бир қатор олимлар асарларида ўз аксини топган. Шулардан энг кўзга кўрингани, Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 1390 й.)нинг «Ақоиду-н-Насафийя» асарига ёзган шарҳи ҳисобланади.

«Таарруф»нинг 7-бобида Абу Бакр Калободий ҳанафийлик ақидасига мувофиқ ҳолда Аллоҳнинг яратиш (холқ), таквин ва феъл сифатлари азалий эканини айтади. Асарнинг 13-бобида ёзади: «Аллоҳ таоло бандаларнинг барча феъллари ҳамда бандаларнинг ўзларининг ҳам холиқи. Бандаларнинг феъллари нарса – «шайъ» экан, демак Аллоҳ уларнинг яратувчисидир. Агар феъллар (Аллоҳ томонидан) яратилмаган бўлса, унда Аллоҳ баъзи нарсаларнигина яратувчиси бўлиб қолади. Бу эса Қуръондаги «Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир» (Раъд, 16) деган оятга зид келади». «Уларнинг қилаётган яхши ёки ёмон ишлари Аллоҳнинг тақдири, қазою-қадари, иродаси ва хоҳишига кўра бўлади». «Аллоҳ таоло ёмон инсонни яратиши жоиз бўлганидек, ёмон феълни ҳам яратиши жоиздир[44]. Бу гаплар айнан ҳанафийлик-мотуридийлик анъанаси доирасида айтилгандир.

«Таарруф»даги Аллоҳнинг исмлари, сифати, иститоат, жабр каби ақидавий масалаларда ҳанафийлик тамойилини қўллаб турган Калободий имон масаласига бағишланган 27-бобда аҳли ҳадис томонига мойил бўлгандек туюлади: «Уларнинг (суфийларнинг) аксарияти наздида имон сўз, амал ва ният, ният эса тасдиқдир. Жаъфар ибн Муҳаммад ўз боболаридан қилган ривоятига кўра, Расулуллоҳ (а.с.) марҳамат қилдилар: Имон – тил билан айтиш (икрор), дил билан тасдиқ қилиш ва (шариат) арконларига амал қилишдир». Улар (суфийлар) яна айтдиларки, имоннинг асли тил билан айтиш (икрор) ва дил билан тасдиқдир, унинг шохобчаси эса фарзларни адо этишдир.

«Амал имондан эмас» лейдиганлар наздида ислом ва имон

[44] Калободий. Таарруф. –Байрут: Дор ал-кутуб ил-илмийя, 1993. – Б.48-50.

бирдир. Бошқалар эса имон – эътиқод, ислом – хулқ ва бўйсунишдир дедилар». «Уларнинг баъзилари имоннинг зиёда ва ноқис бўлиши хусусида, имоннинг сифати зиёда ва ноқис бўлади, унинг ўзи эмас,» дедилар.

«Барча мўминларнинг имонлари ички қувват ва ишонч билан кўпаяди, фарзларни ado этмаслик ва манъ этилган нарсаларни содир этиш билан камаяди»[45].

Калободий имон ҳақида суфийлар келтирган барча гапларни келтириб, амал ҳам имондан экани, имон зиёда ва ноқис бўлиши ҳақидаги қарашига мойил бўлади. Яъни бу масалада Калободий аҳли ҳадис қарашларига яқин бўлади. Умуман олганда, у юқорида айтилганидек, у шофеий/ашъарий ва ҳанафий/мотуридийларни айрим илоҳиёт-ақида масалаларида мувофиқлаштиришга, улар ўртасида деярли ихтилоф йўқ, эканини асослаб беришга интилган.

Лекин шунга қарамай, ҳанафийлик таълимотининг энг ёркин тарғиботчиси Хожа Муҳаммад Порсо «Фаслу-л-хитоб» асаридаги кўплаб ақидавий масалалар бўйича (Аллоҳнинг каломи 101 б., Аллоҳнинг исм ва сифатлари 100 б., Тавҳид 196 б. ва бошқа ўринлар) Калободийнинг «Таарруф» асарига мурожаат қилади. Порсо Калободийни ҳурмат билан «Шайхи бузруквор олим ва ориф» (211 б.), «Имом, ориф, зоҳид, кибору-л-машойих ва офтобу-с-соликийн» (358 б.) деб атаб, ҳатто унга бағишлаб китобида алоҳида фасл ҳам ажратади[46].

Шунингдек, Калободий Имом Мотуридийнинг маслакдоши Абулқосим ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самаркандийни Ҳорис Муҳосибий, Ҳаким Термизий, Яҳё ибн Муоз Розий каби машҳур суфийлар билан қаторда зикр этиб, улар тасаввуфда Муҳаммалот мавзусида асар ёзганлар қаторида қайд этади. Мутахассислар Калободий фаолиятини мумтоз тасаввуф даври билан боғлаб, ундан кейинги даврда эса Мовароуннаҳр ҳудудида, хусусан Бухорода ишқий тасаввуф аломатлари намоён бўла бошлаганини қайд этадилар. Жумладан, Бухорода Калободийдан бир неча аср ўтиб фаолият кўрсатган Сайфиддин Бохарзий ижодида

[45] Калободий. Таарруф. –Байрут: Дор ал-кутуб ил-илмийя, 1993. – Б.88-94

[46] Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-Хитоб.(Тошбосма). –Н.: Ғулом Ҳасан Арифжонов. – 528 б.

айниқса форсий шеъриятга йўғрилган ишқий тасаввуф нуқтаи назаридан ташланади[47].

2. **Илк тариқатларда мотуридийлик анъаналари.** Мовароуннаҳрда хожагон ва несавия тариқатлари шаклланишида муҳим ўрин тутган машҳур суфий Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) ҳам мотуридийлик анъанасининг давомчиси сифатида намоён бўлади. Несавия тариқати эпоними – Аҳмад Яссавий ва хожагон шайхи Абдулхолиқ Ғиждувонийни тарбиялаган Юсуф Ҳамадонийнинг Марказий Осиё тариқатлари, хусусан нақшбандия шаклланишидаги ўрни жуда муҳим. Юсуф Ҳамадоний ҳақида унинг шогирди Абдулхолиқ Ғиждувоний ёзган ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган «Рисолаи сифибия» асарида шундай ёзади: «Яхши ёки ёмон ортидан намоз ўқир эдилар, қибла аҳлидан ҳеч кимни кофир демас эдилар. «Яхшилик ҳам ёмонлик ҳам тақдири Худодан»дер эдилар. Гўр азоби, Мункар-Накир савол-жавоби ҳақ, Расул шафоати, меърожи ҳақ, ашараи мубашшара жаннатийдир, дийдори Ҳақ таоло ҳақ, анбиёлар авлиёлардан афзалдир, имон ҳақиқатдир мажоз эмас <...> Имон камаймайди ҳам кўпаймайди ҳам, дер эдилар»[48]. «Рутбату-л-ҳаёт» асарида эса Ҳамадоний «имон ва ислом бир нарсами?» деб берилган саволга ҳам жавоби унинг ақидада ҳанафийлик йўлини тутганини исботлайди. Жумладан, у шундай дейди: «Юнус» сурасидаги оятда ислом ва имон калималари бир хил маънода қўлланган: «Мусо деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга имон келтирган экансиз, бас, Унга таваккул ҳам қилингиз, агар мусулмон бўлсангиз, албатта». Саҳиҳ ҳадиси шарифда пайғамбар (а.с.) «имон етмишдан ортиқ бўлимдан иборат», бошқа бир ҳадисда «ислом етмишдан зиёд бўлимдир» деб ривоят қилинган. Бу эса имоннинг ислом, исломнинг эса имон эканига далилдир»[49]. Яъни, Юсуф Ҳамадоний ўз йўли – хожагон

[47] Қаранг: Пурджавади Н. Коранические пайшества на собраниях Сайф ад-дина Бохарзи // Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург, 2001. – С. 77 – 93

[48] Ғиждувоний А. Рисолаи сифибия / Зиёри қалб султони. И.Раҳимова нашрга тайёрлаган. Бухоро: Бухоро, 2007. 169-185.

[49] Юсуф Ҳамадоний. Ҳаст мезони (Рутбат ул-ҳаёт). Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 22-25.

асосини ханафий-мотуридий акидаси тамойиллари устига барпо қилиш тавсиясини шогирдларига берган эди.

Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат» асарида тасаввуфий мавзулар билан уйғун ҳолда ақидавий масалаларни ҳам муҳокама қилади. Жумладан, 18-ҳикматда ёзади:

Ожиз бўлиб ётқанда, фариштлар киранда
«Ман Роббук» (Роббинг ким) деб сўранда на қилгаймон Худоё?

Элтиб гўрга қўйганда, етти қадам ёнганда
Сўрғувчилар киранда, на қилгаймон Худоё?

83-ҳикматда
Малоку-л-мавт фармон бирлар жоним олса,
Ога ани барча йиғлаб куюб-ёнса,

Бетти қадам босқандин сўнг хибар берса
Мункар-Накир кириб савол сўрур эрмиш.

Мункар-Накир кириб савол сўрур бўлса,
Ул ўтлиг амуд бирла урур бўлса,

Яшин ёшнаб жонум танин ўтқа ёнса
Қийнаб жоним тор лаҳадда кўёр эрмиш.

Бу хусусда Абу Ханифа «ал-Фиққу-л-акбар» асарида «Қабрда Мункар ва Накир исмли фаришталарнинг кириб, марҳумдан савол сўрашлари ҳақ ва ростдир. Қабрда бандага руҳнинг қайтарилиши, қабрнинг кофирлар ва баъзи гуноҳкор мусулмонларни сиқиши, уларнинг қабр азобини тортишлари ҳақ ва ростдир»[30], деб ёзган.

30-ҳикматда эса Жаннат ва дўзах ўртасидаги мавқеий тортишув баён қилинган. Дўзах: менда Фиръавн, Ҳомон, золим, мунофиқ, беномоз, диёнатсиз кишилар бор деб, шунинг учун «мен ортиқ (афзал)», деса. Беҳишт: «мен ортиқ (афзал)», чунки менда

[30] Абу Ханифа. Фиққи акбар // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров. – Т.: ТИУ НМБ, 2006. – 20-29.

Юсуф (а.с.), бошқа пайғамбарлар, мўмин бандалар, пирлар, зокир қуллар бор, дейди. Аммо қачонки беҳишт:

Беҳишт айтур: «Мен ортиқ, дийдор кўрмак менда бор,
Дийдорин кўрсатарга Раҳим отлиғ Раҳмон бор!» деб айтса,
Шунда дўзах:
Дўзах анда тек турди, беҳишт(га) узрини айтди.
Қул Хожи Аҳмад ни билди, билдиргувчи Яздон (Худо) бор[31].

Яъни «Аллоҳни кўриш» мавзуси ўртага қўйилганда, дўзах ўзини пастга олди.

Абу Ханифа «Аллоҳни кўриш» мавзусида шундай деган: «Аллоҳ таоло охиратда кўринади. Мўминлар Уни жаннатда ўз кўзлари билан ташбеҳсиз, кайфиятсиз (бирор ҳолатсиз), кўрувчи билан Унинг ўртасида масофа бўлмаган ҳолда кўрурлар[32]. Ханафийлик ақидасининг энг кўзга кўринган намояндаси Абу Жаъфар Таҳовийнинг (858-933) «ал-Ақидату-т-Таҳовийя» асарида «Жаннат аҳли Аллоҳнинг дийдорини кўрурлар, лекин макон ва кайфиятсиз»... «Аллоҳнинг дийдорини кўриш хусусида келган хабарларга бешак ишонамиз, лекин ўзимизча таъвил ёки шарҳ қилмаймиз» – деб ёзади[33]. Маълумки, мўътазилий, жаҳмий ва бошқа тоифалар «Аллоҳни кўриш мумкин эмас», деб ихтилоф қилганлар.

24-25-ҳикматда
Ҳар ким умматман деса, Расул ишин кўймаса
Шафоат куни бўлси, маҳрум кўймас Муҳаммад.

Ёлғончу очликка қоғиштинг Муҳаммад,
Осий, жафий умматга шафоатлиғ Муҳаммад.

Пайғамбар шафоати масаласида аҳли сунна ва оқимлар ўртасида ихтилоф мавжуд. Таҳовий бу хусусда «Пайғамбаримизнинг

[31] Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров. – Т.: Ғулом, 1992. – 208.

[32] Абу Ханифа. Фиққи акбар // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров. – Т.: ТИУ НМБ, 2006. – Б. 26.

[33] Абу Жаъфар Таҳовий. Ақида Таҳовийя // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи А.Мансур. – Т.: ТИУ НМБ, 2006. – Б. 33

гунохкор умматларига шафоат қилиб, мағфират сўраганлари ҳам ҳақдир», деб ёзади[54].

Пайғамбарлардан кейин одамларнинг энг афзали – Абу Бакр Сиддиқ, сўнгра Умар ибн Хаттоб, сўнгра Усмон ибн Аффон, сўнгра Али ибн Абу Толиб (р.а.)дирлар. Улар ҳақ узра яшаб, ҳақ билан бирга ўтганлар[55], деб Абу Ҳанифа ёзган бўлса, ундан кейин Абу Жаъфар Таҳовий, Имом Мотуридий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Али ибн Усмон Ўшний (вафо. 1173 й.)ларнинг бари ақида ҳақидаги рисолаларига бу мавзуни киритганлар. Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»да 58, 59, 60,61-ҳикматларни айнан ҳулафои рошидинларни алоҳида мадҳ этишга бағишлаб ёзган.

Юсуф Ҳамадонийдан кейин ҳам нақшбандияда ханафийлик-мотуридийлик анъаналари давом этди. Айниқса, нақшбандия тариқатининг назарий тамойилларини тартибга келтирган машҳур нақшбандий шайхи Хожа Муҳаммад Порсо (1345-1419) нинг ижоди ҳам нақшбандия тариқатида мотуридия таълимотининг ўрни нақадар муҳим бўлганини кўрсатиб беради. Маълумки, Баҳоуддин Нақшбандинг халифаларидан Яъқуб Чархий ва айниқса, Хожа Муҳаммад Порсо жуда сермаҳсул ижод қилиб, Ўзларининг асарлари билан нақшбандиянинг тариқат сифатида шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Порсонинг нақшбандия тариқати учун дастур бўлиб хизмат қилган «Фаслу-л-хитоб» асарида ҳам Имом Мотуридий ҳақида ҳамда унинг таълимотига асосланган ақидавий масалалар очимини кўриш мумкин. Маълумки, «Фаслу-л-хитоб» асари нақшбандийликда энциклопедик аҳамиятга эга бўлиб, унда 500 га яқин ақида, шариат, тариқат, диний фирқаларга оид масалалар ҳанафийлик нуқтаи назаридан муҳокама қилинган.

Жумладан, Порсо «Фаслу-л-хитоб»да «Мукаллиднинг имони» ҳақидаги бобда Абу Ҳанифа, Абулҳасан Рустуғфаний ҳамда Абулҳасан Ашъарий ва мўътазилийларнинг ихтилофли гапларини келтириб ўтгандан сўнг, бу масалада мотуридинга мувофиқ равишда

[54] Абу Жаъфар Таҳовий. Ақида Таҳовийя // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи А.Мансур. – Т.: ТИУ НМБ, 2006. – Б. 33

[55] Абу Ҳанифа. Фиққи акбар // Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи А.Мансур. – Т.: ТИУ НМБ, 2006. – Б. 25.

«мукаллиднинг имони саҳиҳ», деган хулоса қилади: «Имон Аллоҳнинг ягоналиги ва бошқа сифатларини қатъий тасдиқ этишдир. Қатъий тасдиқ яхши маргабадир. Албатта ориф банда мукаллиддан юқори даражада. Мукаллид ҳар йўлда бўлса, у мўмин ҳисобланади»[56]. Мотуридийликда шаҳодат калимасини таклидан айтган киши ҳам мўмин ҳисобланади. Уларнинг имони эохиран эътиборга олинади, қалбларининг ҳолати Аллоҳга ҳавола қилинади. Ашъарийлик таълимотида эса, мукаллиднинг имони «диний ақидалар учун етарли эмас» деб баҳоланади. Жумладан, ҳанафий уламо Абдураҳим ибн Али Шайхзода (вафо. 1538 й.) ўзининг «Назму-л-фаровид»[57]асарининг «Мукаллиднинг имони саҳиҳми ёки йўқ?» деб номланган 26-фаслида ёзади: «Жумҳур ҳанафий олимлари тавҳид, нубувват каби дин арконларига тақлидан имон келтирган кишининг имони саҳиҳ бўлишига иттифоқ қилганлар. <...> Жумҳур ашъарий машойихлари эса, диний арконларга тегишли масалаларда тақлидий имон етарли эмас (адаму-л-иктифа') эканини айтганлар. <...> Шайх Ашъарий тақлидчининг имони саҳиҳлигига унинг барча масалаларда қатъий ақлий далилларни билишини шарт қилиб қўйган»[58].

Порсо «Фаслу-л-хитоб»да алоҳида фаслни Имом Мотуридий ва Ҳаким Самарқандий мавзусига бағишлайди:

«Шайх Абу Мансур Мотуридий ва шайх Абулқосим (Самарқандий) зикри. «Тасаввуф шайхлари» китобида келишича, шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандий ўз даврида ҳидоят илми шайхи, аҳли сунна ва жамоа раиси бўлган. Шайх Абу Мансур 333 йил вафот этган ва Чокардизда қабристонига дафн этилган. Унинг қабри зиёратгилар кўп келиши билан машҳур. Худди шу даврда шайх Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд Ҳаким Самарқандий ва бошқа уламо шайхлар яшаганлар. Шайх

[56] Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб (Тошбосма). –Т.: Ғулом Ҳасан Арифжонов. – Б. 90-91.

[57] Китобнинг тўлиқ номи таржимаси: «Мотуридия ва ашъария ўртасида ақидадаги ихтилофли масалалар бобида марворидлар тизмаси ва фоидалар жамланмаси».

[58] Абурраҳим ибн Али. Назм ал-фаровид (тошбосма). – Қоҳира: Матбаа адабия, 1318 х. – Б. 40-42.

Абулқосим ва шайх Абу Мансур бир-бирлари билан то ўлим ажратмагунча дўст бўлганлар». (Матндавомида шайх Абулқосим Самарқандий ҳақида сўз боради)[59].

Юқоридаги матндан Порсонинг Имом Мотуридий ва Ҳаким Самарқандийга эҳтиромли муносабатини илғаб олиш қийин эмас. Шу билан бирга Порсо «Фаслу-л-хитоб»да имон, Аллоҳнинг сифатлари, бандага тоқати етмайдиган нарсани юклат, қазо ва қадар, пайғамбарлик ва боқия илоҳиёт масалаларида ҳам мотуридийлик йўлини тутади.

Шу билан бирга Порсо айнан эътиқодий масалаларга бағишланган махсус «Эътиқодот» асарини ҳам таълиф этиб, унда ақидавий масалаларни ҳанафийлик-мотуридийлик асосида кўриб чиқади. Ушбу асарнинг қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №3844/3 рақами остида сақланади. Асарда шундай сатрлар келтирилган: «Бир жамоа Абу Бакр ва Умар (р.а.)ни сўкиб, биз Али тарафдорларимиз деса, алдаган бўлади. Улар Иблис тарафдорлари ва Али (р.а.) улардан безордирлар» (38а). Бу гап мутлассиб шиаларга қаратилган. Рисолада аҳли сунна ва жамоанинг хулафои рошидинни дўст деб билиши зарурлиги таъкидланади. Имон ҳақида рисолада шундай ёзилган: «Мўминнинг имонида шубҳа бўлмаслиги керак. Зеро, имондаги шубҳа куфр бўлади». Яъни мотуридийликда истисно қилиб «мен иншааллоҳ мўминман» дейилмайди, ашъарийликка хилоф равишда. Балки «мен ҳақиқатда мўминман» дейилади. Порсо, бу ўринда шу хилофли масалага ишора қилган. «Феъл – бандадан бўлиб, тавфиқ Аллоҳдан. Имон Аллоҳнинг иғъоми, тасдиқ қилиш ва иқрор бўлиш банданинг феълидир. Қуръон – Аллоҳнинг каломи бўлиб, махлуқ эмас. Бандани ўқиши махлуқ». (39б) «Эътиқодотда шу мавзулар билан бирга банданинг амаллари, қабр азоби, Мункар Накир сўроғи, Пайғамбар (а.с.)нинг шафоатлари, Меърож, Жаннатда мўминлар Аллоҳ таолони кўришлари каби мавзулар ёритилган[60], Порсонинг яна

[59] Ҳамза Муҳаммад Порсо. Фасл ал-Хитоб.(Тошбосма). –Т.: Ғулом Ҳасан Апфоқонов. –Б. 127.

[60] Қаранг: Порсо. Эътиқодот. Қўлёзма. ЎзРФА ШҚМда №3844/3. 35б-56б варақлар.

энг бир муҳим асари Абу Ҳанифанинг «ал-фиқҳу-л-акбар» асарига ёзган шарҳи ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбандинг яна бир халифаси Яъқуб Чархийнинг нақшбандийлар орасида энг кўп тарқалган, асрлар давомида қайта-қайта нашр этилган «Тафсири Чархий» асарида ҳам мотуридий ва унинг таълимоти асосида ақидавий масалалар муҳокама қилинган. Тафсири Чархийда Имом Мотуридийни «Ҳазрати раиси миллат», «аҳли сунна ва жамоанинг пешвоси» деб келтирилиб, «Инфитор», «Шамс» суралари тафсирида ундан иқтибослар келтиради. Шунингдек, унинг издоши Абулмуин Насафий (ваф. 1114 й.)нинг «Табсиратул-адилла» асаридан ҳам иқтибослар келтирилган. «Фотиҳа» сурасидан кейин айтиладиган «Омин» ҳақида: куфаликларнинг ривоятларига кўра «Омин» – Қуръондан эмас. Шунинг учун ҳам у мусҳафларда ёзилмайди[61], деб ҳанафийларга тааллуқли яна бир бор тасдиқлайди. «Қиёмат» сурасидаги: «У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи, Парвардигорларига боқувчидир» 22-23-оятлари шарҳида «мўътазилалардан фарқли равишда Ҳудойи таолонинг дийдори ҳақдир», деб келтиради.

Мовароуннаҳрда нақшбандийлик назарияси ва амалиётининг кейинги ривожида Маҳдуми Аъзам (1463-1542) шахсиятининг ўрни муҳим. Маҳдуми Аъзам – Хожа Аҳрорнинг шогирди Мукаммад Қозининг шогирди ҳисобланади. Унинг 30дан ортиқ асарлари халқ ичида кенг тарқалган. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинаси бўлимида ҳам унинг 15га яқин қўлёзма асарлари сақланади. Маҳдуми Аъзамнинг Самарқанд шаҳри яқинидаги мақбараси ҳозирга қадар зиёратчилар билан гавжум. Маҳдуми Аъзам «Вужудия» асарида эътиқодий масалалар бўйича шундай ёзади: «Билки, банда томонидан содир этилган ҳамр ичиш, зино, ғийбат шариатга кўра гуноҳ бўлади. Бу банда ўз нафсини тия олмаганидан содир бўлади. Аммо тавба қилса, Аллоҳ таоло кечиради»[62]. Пайғамбарлардан мўъжиза содир бўлади, авлиёлардан эса карамат. Ким пайғамбарлар мўъ-

[61] Қаранг: Яъқуб Чархий. Тафсири Чархий. ЎзҲИА қўлёзмалар хазинаси. № 80. (тошбосма) –Б.10.

[62] Қаранг: Маҳдуми Аъзам. «Рисола-и вужудия» асари қўлёзмаси, ЎзҲИА Манбалар хазинаси фонди №. 206а–206б варақлар.

жизасига шубҳаланиб, шак келтирса, кофир бўлади. Авлиёлар карорматига ҳам шак келтириб бўлмайди[63]. Пайғамбарлар ва авлиёлар охиратда шафоат қила оладилар. Уларнинг шафоати туфайли Аллоҳ бандаларини кечириб, жаннатга киритади[64]. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Маҳдуми Аъзам ўз асарларида жаҳрий зикрнинг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилган. Жумладан, «Рисолаи Бобурия»да ёзади: «Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло истиғфор савтини севаман деганмиш». Савт – зикри жаҳрдир[65].

3. Мавароуннаҳр суфийлари асарларида ҳанафий ақидаси ёритилиши. Мовароуннаҳр минтақасида тасаввуфнинг кейинги ривожи нақшбандия-мужаддидия тариқати билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Мужаддидиянинг Бухорода тарқалиши эса Ҳожи Ҳабибуллоҳ Бухорий (ваф. 1700 й.) номи билан боғлланади. Ҳожи Ҳабибуллоҳ ҳиндистонлик Аҳмад Сирҳиндийнинг учинчи ўғли ва халифаси Муҳаммад Маъсум Сирҳиндийнинг шогирди ҳисобланади. Ўрта Осиёлик машҳур шоир Сўфи Аллоҳёр ҳам Ҳожи Ҳабибуллоҳ Бухорийнинг шогирди бўлган. Илк бухоролик мужаддидийлар ҳинд ўлкаларида ўқиб қайтган бўлсалар, кейинги даврда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари мужаддидия таълим марказларига айланиб, Волга-Урал, Балх, Маймана, Фарғона, Кашмир ва Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидан толиби илмлар келиб таҳсил ола бошладилар. Бухоро ва Самарқанднинг мадраса ва хонақоҳларида таълимини тугатган талабалар ўз диёрларига қайтиб, у ерда мужаддидия тарғиботчилари сифатида фаолият олиб борлилар[66].

Маълумки, нақшбандия-мужаддидиянинг асосчиси ҳиндистонлик Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624) ҳам ҳанафий мазҳаби таълимотининг ҳимоячиси сифатида намоён бўлган. Машҳур «Мактубот» асарида ҳанафий мазҳаби таълимотини бошқа

[63] Маҳдуми Аъзам. «Рисолаи вужудия» асари қўлёзмаси. ЎзҲИА Манбалар хазинаси фонди №. 2086-209а варақлар.

[64] Маҳдуми Аъзам. «Рисолаи вужудия» асари қўлёзмаси. ЎзҲИА Манбалар хазинаси фонди №. 2186-219а варақлар.

[65] Жўжаноий А. Тасаввуф ва инсон. –Т.: Адолат, 2001. Б. 137.

[66] Кюгельген А. Ризоет Накшбандийа-Муджаддидийа в Средней Трансоксании с XVIII до начала XIX вв.: опыт генетического расследования// Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – С-Пб: 2001, – С. 320-326.

мазҳаблардан устун қўйгани учун ҳам асосан бошқа мазҳаб уламолари адабиётларида унга таъналар билдирилган. Нақшбандия-мужаддидиянинг Марказий Осиё минтақасидаги энг ёркин вакили Мусохон Дахбедий асарларида ҳам айнан мотуридийлик тамойиллари устувор экани кўзга ташланади. XVIII асрга келиб Бухорода ҳукмронлик қилган Манғитлар сулоласи даврида тариқатлар ва шайхларининг фаоллиги бирмунча сусайди. Айни вақтда илдизи хожагон-нақшбандия тариқатига бориб тақаладиган мужаддидия тариқати Марказий Осиёда кенг ёйила бошлади. Бу сулукнинг мазкур ҳудудда етакчи тариқатга айланиши бевосита XVIII асрда яшаб ўтган тариқат пешвоси ҳамда Маҳдуми Аъзамнинг ўттизинчи авлоди Муҳаммад Мусохонхўжа ибн Исохўжа Дахбедий (ваф. 1776 й.) билан боғланади. Тахминан 1756 йилларда Мусохон Дахбедий ва унинг издошлари Ҳиндистондан Самарқандга кўчиб келганлар. Шу тариқа нақшбандия маркази Ҳиндистондан Мовароуннаҳрга қайта олиб келинган. Мусохон Дахбедийнинг фаолият доираси бутун Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ўлкаларини ўз ичига қамраб олган эди. Мусохон Дахбедий нақшбандия мужаддидия сулукининг назарий ривожига катта ҳисса қўшди, нақшбандия тариқатини эътиқод ва амалиёт борасидаги турли хурофотлардан тозалади, асарларида тариқат таълимотини Қуръон ва сунна асосида қайта ишлаб чиқди. Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳрда ташкил топиб, ривожланган бўлса-да, лекин XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, унинг маркази Ҳинд диёрига кўчган эди. Мусохон Дахбедий бу тариқатни ўз диёри – Мовароуннаҳрга қайтариб олиб келди ва ривожлантирди. Мусохон Дахбедий фаолиятининг муҳим жиҳати ҳам айнан шунда намоён бўлади[67]. Мусохон Дахбедийнинг бизга қадар етиб келган 10га яқин асари ичида «ад-Дурру л-мақнун» асарида тавҳид масаласини батафсил кўриб чиққан. Асар қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида № 542/2 шифр остида сақланади. Унга кўра тавҳид – Аллоҳни ягона деб

[67] Қаранг: Юлдашходжаев Х. Мусохон Дахбедийнинг нақшбандия-мужаддидия тариқати ривожида тутган ўрни (XVIII аср). Тарих.н. диссер.. автореф. – Тошкент, 2008.

билмоқ, шунга дил билан эътиқод қилмоқ ва уни тил билан айтмоқдир. Кўриниб турибдики, Даҳбедий амални имонга қўшмаган. Тасаввуфни Ҳиндистондан Ўрта Осиёга қайта олиб келган бу шахснинг эътиқодий масалалар бўйича ёзган ишлари мотуридийликка асосланган, дейиш мумкин.

Нақшбандийликнинг яна бир йирик намояндаси Сўфи Аллоҳёр (1614 (ёки 1634). Каттақўрғон беклигида туғилган, Минглар қипчоғи – 1724 (ёки 1721)йил, Вахшивордa вафот этган) – туркий тасаввуф адабиётининг йирик вакили ва нақшбандия тариқати арбоби, суфий шоир. Бухоро хони Абдулазизхон томонидан бошқонага маъмур этиб тайинланган. Суфиёна фазли, тоирона табиати туфайли бу лавозимдан истеъфога чиқиб, машҳур шайх Наврўзга мурид тушган, унинг қўлида ўн икки йил тарбия топиб, пайғамбар мартабасига етишган. Мансабдорлик пайтидаги қаттиққўллиги ва ўзгаларга етказган зулмларидан қаттиқ пушаймонлигини байтларида ҳамда ўғлига қилган насиҳатларида акс эттирган. Сўфи Аллоҳёр туркий ва форсий тилларда ижод қилиб, унда асосан диний савияси пасайиб кетаётган, ақидавий масалаларда оми бўлиб, турли сохта таълимотлар кетидан кўр-кўрона эргашиб кетаётган, руҳий-маънавий озуқага муҳтож кенг халқ орасида ислом маърифатини ёйиш ва тасаввуфдаги инсон маънавий камолоти билан боғлиқ ғояларни тарғиб этди. Сўфи Аллоёҳрнинг шоҳ асари «Маслаку-л-муттақин» 12 минг байт, 135та катта-кичик боблардан иборат. Бу китобнинг ёзилиш сабабларидан бири шоир яшаган даврларда ислом динининг одамлар ҳаётидаги ўрни заифлашуви, юзлаб сохта шайх ва эшонларнинг саҳнага чиқиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши эди. Форс тилида ёзилган мазкур асар эл орасида машҳур бўлиб, яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир кўлланма ёзишни илтимос қиладилар. Бунга жавобан, у «Маслаку-л-муттақин»ни бирмунча қисқартириб, туркий тилда назмий асар битади ва унга «Саботу-л-ожизин» деб ном беради. Бу китоб ақида, шариат ва тасаввуф таълимотлари ҳақида сўз юритувчи туркий фалсафий-дидактик адабиётининг етук намунасидир. Сўфи Аллоҳёр биринчи навбатда йирик илоҳиётчи ва фақих, Абу Ҳанифа ақъаналарини омма орасида тарқатишда

фаол иштирок этган суфий эди. Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Шу билан бирга Сўфи Аллоҳёр ўз асарларида ҳанафийлик-мотуридийлик анъанаси давомчиси ва фаол тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. «Маслаку-л-муттақин»да тожик тилида, бир оздан кейин «Саботу-л-ожизин»да туркийда ўша даврда Афғонистондан кириб келаётган ва аҳоли орасида кенг тарқала бошлаган ботил оқим – равшанийларнинг ёт ақидаси ислом таълимотига зид эканини асослаб беради. Сўфи Аллоҳёрнинг асарлари ўзининг содда шеърий тили билан халқ ичига кириб кетди. Буни халқ ичида худди Бедилхонлик каби, Сўфи Аллоҳёр асарларини ўқиш кечалари ўтказиб келингани ҳам тасдиқлайди.

Юқорида қайд этилганидек, Сўфи Аллоҳёр нақшбандия тариқати марказ Мовароуннаҳрда заифлашиб, унинг марказлари Ҳинд минтақасига кўчган даврларда дунёга келган. Бунга Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нотинчлик, беқарорлик муҳити, тариқат пешволарининг сиёсий жараёнларга тортилиши, халқни маънавий тарбияси масаласи четда қолиб кетгани сабаб бўлган эди. Айни шу даврда эътиқоди бузуқ тоифалар суфийлик ниқоби остида маънавий таназзулга қаратилган ғояларни тарғиб қилар эдилар. Сўфи Аллоҳёрнинг «Саботу-л-ожизин» асарида ақида, тасаввуф илми, ҳушёрлик, руҳий камолот масалалари муҳокама қилинади. Асарда аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодий қарашлари туркий тилида назмий услубда баён этилган. Шу сабабли далиллар келтирилмасдан улардан келиб чиққан хулосалар назмга терилган. Бу ҳақида муаллифнинг ўзи қуйидагича ёзган:

«Ақийда сўзларин қалдим исбот,
Анга қўйдим «Саботу-л-ожизин» от»[29]

Яъни ушбу китобда ақоид масалаларини туркий тилида баён қилдим ва унга «Саботу-л-ожизин (ожизлар матонати)» деб ном қўйдим.

Асарда ақоид илмини ўрганиш зарурлиги шундай баён қилинган:

«Ақийда билмаган шайтона эрдур,

[29] Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Ғулом, 1993. – Б. 12.

Агар минг йил амал деб қилса елдур[69]». Яъни зарурий ақоидни билмаган кишилар ҳар қанча ибодат қилсалар ҳам соф ақийдани билмаганлари сабабли қилган ибодатлари уларга наф бермайди.

Асардаги ақидавий масалаларни Сўфи Аллоҳёр айнан мотуридийлик тамойиллари асосида очиб беради.

Эрур жаннату дўзах ҳоло маъжуд
Яратибдур ани халқига Маъбуд.

Мўътазилийларга кўра дўзах ва жаннат ҳали яратилган эмас.

Қуйида ашъарийлар ва мотуридийлар ўртасидаги ихтилофли ҳисобланган масалаларда Сўфи Аллоҳёр ёнган нарсалар кайд этилади:

Худодин ҳар не келди рост билгил
Тилинг бирла яна иқрор қилгил

Мусулмонлиг ўлида будур имон
Муни билмай киши тонгла пушаймон

Яқин билгилки, имон бўлмагай кам
Эрур бирдек, зиёда бўлмагай ҳам.

Ашъарийларга кўра, имон – тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва шариат рукнларини бажаришдир. Шундан келиб чиқиб, имон зиёда ва нуқсонли бўлади.

Яна бир ўрнида:
Эрур бир маънода имону ислом
Буни билса керак ҳар хосу ҳар ом.

Ашъарийларга кўра, имон ва ислом алоҳида тушунчалардир.

Шунингдек, имон махлуқ ё махлуқ эмаслиги тўғрисидаги масала ҳам мотуридия таълимотига кўра баён қилинган:

«Яна имонда айди аҳли таҳқиқ,
Худодиндур ҳидоят бирла тавфиқ.

Худонинг феъли ул махлуқ эмасдур,
Киши ҳаргиз ани махлуқ демасдур»[70]

[69] Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 8.
[70] Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 15.

Етакчи ақида уламоларининг айтадилар: «Ҳидоят ва тавфиқ бериш – Аллоҳнинг Ўзидандир. Бу икки нарсани бандалар касб қилиб топа олмайдилар. Булар Худонинг фаълидандир. Худойи таолонинг феъли махлуқ эмасдир. Шунинг учун тавфиқ ва ҳидоят махлуқ бўлмайди»[71]. Мотуридия ва ашъария таълимотлари орасидаги мазкур масаладаги фарқ имонга икки хил таъриф берилишидан келиб чиққан, дейиш мумкин. Зеро, мотуридия таълимотига кўра имон махлуқ эмас, ашъарийларда эса – махлуқ ҳисобланади.

Таквин сифати ҳақида ҳам мотуридин ва ашъария таълимоти орасида ихтилофли қарашлар бор. Бу ҳақида мотуридия таълимотидаги энг мўътабар китоблардан бири бўлган «ал-Ақоиду-н-насафийя» асарида шундай дейилган:

«Таквин Аллоҳ таолонинг азалий сифатидир[72]».

Ашъария таълимотида эса «Таквин» (бор қилиш) ҳодис (кейин пайдо қилинган) деб эътиқод қилинади.

Мотуридийлар:«Агар феълий сифатлар ҳодис бўлганида, Аллоҳ таолонинг зоти азалда бу сифатлардан холи бўлиб, сўнгра улар билан сифатланган бўлар эди. Бу барча эса, У зотда ўзгариш бўлганига далолат қилиб қолади. У зотда ўзгариш бўлиши эса мумкин эмасдир. Шунинг учун «таквин» қадимдир, мукавван эса ҳодисдир», деб эътиқод қиладилар. Аллоҳнинг қудрат, ирода, илм, ҳаёт, басор, самъ ва калом зотий сифатларига мотуридийлар «таквин»ни саккизинчи сифат қилиб қўшганлар. Имом Раббоний Аҳмад Сирҳиндий ҳам 294-мактубида Аллоҳнинг ҳақиқий саккизта сифати борлигини ёзади[73]. Ашъарий ва мотуридийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар бўйича таълиф этилган «Наъму-л-фароид» асарининг «Таквин сифати баёни» номли 10-фаслида шундай дейилади: «Ҳанафий мазҳаби олимлари таквин Аллоҳнинг азалий сифатидир дейдилар. Бу ҳақида Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилот» асарида келтирилган. Ашъарий олимлар эса уни Аллоҳнинг сифати

[71] Тожуддин Ёчиқул ўғли. Рисолаи аснаи шарҳу саботул ожизин. – Тошкент: 2000. – Б. 39.
[72] Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ақоид ан-Насафий. – Қоҳира: Мактаба ал-Азҳарийя лит-турос,2000. – Б. 68.
[73] Аҳмад Сирҳиндий.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2004. Т.2. –Б. 199.

эмас, балки ақлда ҳосил бўладиган эътиборий амрдир дейдилар»[74].

«Саботу-л-ожизин»да «Таквин» сифати борасидаги ушбу ихтилофли масала шундай баён қилинган:

«Субутидур анинг саккиз сифоти
Сифоти зоти эрмас, на ғойри зоти
Ҳаёту, илму, қудрат ҳам басар, самъ,
Иродаву, калом, таквиндур, эй шамъ[75]».

Яъни саккизта сифат субутий бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг зотининг айни ҳам эмас, зотидан бошқа ҳам эмасдир. Кейинги байтда мазкур саккизта сифат бирма-бир саналган. Байт охирида келган «эй шамъ» сўзи «эй чироғим» яъни «эй болагинам» маъносида ишлатилган.

Бу байтнинг маъноси мотуридия таълимотидаги мўътабар асарлардан бири бўлган «Балъу-л-амолий» (муаллифи Али ибн Усмон Сирожиддин Ўший ваф. 1173 й.) матни билан деярли бир хилдир:

«Аллоҳнинг сифатлари зотининг айни эмас, ҳамда ундан ажраладиган бошқа ҳам эмас[76]».

Уч минг мисрадан ортиқ ҳажмдаги «Саботул ожизин» асари бутун туркий халқлар адабиётида ўзига хос ўрин тутишидан ташқари мотуридия таълимотини талқин этувчи мўътабар манзумадир. Сўфи Аллоҳёр «Саботу-л-ожизин»да ақидавий масалаларни алоҳида эмас, балки сунъиёна дунёқараш билан михрона омихталаштирилган ҳолда ўқувчига тақдим этади[77].

Сўфи Аллоҳёр форс-тожик тилидаги «Маслаку-л-муттақийн» назмий асарида ҳам ақидага оид бўлган – имон, Аллоҳнинг сифатлари, авлиёлар каромати, қабр азоби, Мункар-Накир саволи, шафоат, вафот этган гўдакларнинг охиратдаги ҳолати масалалари ҳанафийлик анъанасида талқин қилинади.

Мовароуннаҳрдаги тариқатлар шаклланиш даврини кўра-

[74] Қаранг: Абурақиқ ибн Али. Пайғом ал-фароид (тошбосма). – Қокира: Матбаа адабия, 1318 ҳ. – Б. 40-42.

[75] Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 9.

[76] Шиҳобиддин Аҳмад ибн Иброҳим Туниси. Нашрул лаъалий биттарқи бадъил амалий. – Байрут, 2007. – С. 33.

[77] Сирожиддинов Ш. Сўфи Аллоҳёр ижодиёти. - Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 57.

диган бўлсак бу жараёнлар ҳам айнан мотуридийлик таъсири остида кечгани аён бўлади. Яссавий ва хожагон шайхлари айнан ҳанафийлик-мотуридийликнинг энг кучли тарғиботчилари сифатида фаолият юритдилар. Аста-секин тасаввуфий ғояларнинг Мовароуннаҳр илмий ва бадиий адабиётига кириб бориши асносида Яъқуб Чархий, Хожа Муҳаммад Порсо, Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машраб асарларида мотуридийлик руҳини яққол кўзга ташланиб борди. Гарчи, Бобораҳим Машраб (1640-1711) «Мабдаи нур» асарида шундай ёзгада:

Бу суханни Шофеийдин сурмагич,
Молики ҳайдин яна билсун яқин
Ханбалий билмас буни, эй хушёр
Бир «балю» деди, бало бўлмас дучор
Ҳазрати Нўъмон яна топмастур фаръ
Аҳли ботинни на билсун аҳли шаръ[78].

Яъни, фақиҳлар суфийларни англай олмаслигига ишора қилсада, бошқа ўринларда:

Кўрунг бир себи [олма] учун Абу Ҳанифа йиғлади кирқ йил[79], деб Абу Ҳанифани улуғловчи машҳур ривоятга ишорат қилиб кетади.

Буюк мутасаввиф шоир Алишер Навоий эса суфий ва авлиё зотлар ҳаёт йўлларига бағишлаган «Насоимул муҳаббат» асарида Абу Мансур Мотуридийни авлиё сифатида васф этади.

Алишер Навоий «Сирожу-л-муслимин» асарида мотуридийлик анъанасининг ёркин тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. Шоир моҳирона тарзда ақидавий масалаларни назмда баён қилади:

ИМОН КОНДАСИНИНГ КИСКАЧА БАЙНИ[80]
Бурун ул нимакким, фарз этти Ҳаздон,
Эрур оқилға болиғ бўлғач имон.

[78] Бобраҳим Машраб. Мабдаи Нур / И.Абдуллоҳ нашрга тайёрлаган. –Т.: Фан, 1994. – Б. 116.

[79] Бобраҳим Машраб. Мабдаи Нур / И.Абдуллоҳ нашрга тайёрлаган. –Т.: Фан, 1994. – Б. 212.

[80] Абдураҳмонов Ҳ., Абдураҳмонов Ҳ. Навоийдан чу топқайлар павоз. – Т: Hilol-Nashr,2014.-131-139 б.

Анинг маъносидур тил бирла иқрор,
Кўнгул бирла шоҳмоғлиғ дағи бор.

Тилар тўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага имон кетурмак.

АЛЛОҲНИНГ САККИЗ СИФАТИ ҲАҚИДА, УЛАР ҲАМ АҚИЙДАГА ДОХИЛДИР

Яна секкиз сифатқи мўътақид бўл,
Алардин ҳар бирига кўргугай йўл.

Ким, ул секкиз эрур Ҳақнинг сифоти
Ки, боридин муназзаҳ келди зоти.

Эрур Ҳайёу Алиму яна Қодир,
Мурид ҳам Самиъ бўлдию Нозир

Тикаллум васфиға дағи мувофиқ,
Яна убқод афъолиға Холиқ.

Не бор Элиға шарики, не вазири,
Не бор Элиға саҳими, не назири.

Не живқар, не ораздур, не маконда,
Не воқедур жиҳатда, не замонда.

Чу эрмас анга ҳеч ашё мушобиҳ,
Анинг шаънидидур: «Лайса ка мислиҳ».

Қадим ўлди каломи дағи, олам
Эрур ҳодис, дедим бу сўзни, шафҳам.

НЕЧА ИШКИМ ҲАҚ БИЛМАКИ АҚИДАЛИНДУР ҲАҚ ДЕБ БИЛИШ АҚИДАДАН ҲИСОБЛАНГАН БИР НЕЧА НАРСАЛАР ҲУСУСИДА

Яна билким, ақойид ичра мутлақ
Неча иш келдиким, билмак керак ҳақ.

Азоби қабр эрур куфр аҳли хосий,
Яна дин аҳли баъзи, бўлса осий.

Яна икки малакнингдур саволи,
Яна ҳам руъятуллоҳ эҳтимоли.

Яна ҳақ бир сироту, яна мезон,
Яна дўзах, яна Фирдавси ризвон.

Шафоат анбиёдин ҳам эрур ҳақ,
Муҳаммад барчанинг сархайли мутлақ.

Яна ҳақ келди эожоз анбиёға,
Аниңдекким, карамат авлиёға.

Яна билгил ақойид ичра маҳсуб
Ки, бўлмас элдин амру наҳйи маслуб.

Яна куфр англагил тасдиқи коҳин,
Нечукким, Тенгридин маюсу эмиш.

Юқорида кўрилган эътиқодий масалалар айнан ҳанафийлик-мотуридийлик анъанаси доирасида талқин килинган.

Марказий Осиёда ташкил топган яна бир тариқат – кубровияда ҳам ақидага оид масалалар аҳли сунна ва жамоа эътиқодига мувофиқ баён қилинган. Нажмиддин Кубронинг «Фавойиҳу-л-жамол» асарида «Калийнинг аломатлари» бўлимида валийларга хос бўлган «каромат», «Рисола илал ҳоим»да қазо-қадар, «Усули ашара»даги тавба ҳақидаги матнларда ҳам «ҳанафийлик-мотуридийлик» анъанаси кўзга ташланади[81].

Тасаввуф Совет Иттифоқи даврида Ўрта Осиёда яширин ҳолатда тор доирада тарқалган бўлсада, баъзи суфийлар яширин

81 Қаранг: Кубро. Тасаввуфий қаёт // Тарж. ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Боқтош. Т.: Movarounnahr, 2004.

ҳолда адабиётлар тайёрлаб уни ўз ишончли якинларигагина тарқатишга муваффақ бўлганлар. Шулардан бири Совет даврида яширин ижод қилган шақшақадий олим – Пазрулоҳхон Эшон Ғарибий (1908-1986)нинг Сирожиддин Али ибн Усмон Ўшний Ҳанафийнинг (вафо. 1179 й.) «Қасидаи амолий» асарига ёзган назмий шарҳида ҳам айнан мотуридийлик тамойилларини ҳимоя қилиб чиқади. Масалан:

(Мукаллиднинг имони эътиборли)
(қиличнинг кескир жийидек далиллар билан) деб келтирилган ўринни шундай шарҳлаган:

Мукаллидни эрур имони мақбул
Муҳаққиқларни айгон сўзлари шул.

Дилинда жазм эриб айтса шаҳодат,
Қабул этгай Худойи бо иноят[32].

Яна бир ўринда:
(Яхши ва ёмонга ирода қилади
Ёмон ишларга зинҳор розимас)

Ирода айлагор Ҳақ хайру шарри,
Қилоққа ол бу қавли мўътабарни
Худо афъолимиз некиға хушнуд,
Ёмониға эмасдур рози Маъбуд[33].

Яъни мотуридийликка кўра Аллоҳ таоло бандаларининг феъллари яхшисию, ёмонию барчасининг холиқидир. Яхши амаллар Унинг буйруғи, яхши кўриши, ризоси билан содир бўлади, ёмон амаллар – гуноҳ-маъсиятлар Унинг илми, тақдир ва қазоси билан содир бўлсада, аммо яхши кўриши, ризоси ва буйруғи билан амалга ошмайди[34]. Бу ўринда мўътазилаларнинг «яхши иш Аллоҳдан, ёмон иш банда томонидан бўлади», деган эътиқодига

[32] Ғарибий Н. «Қиссаи амолий» шарҳи ва тавҳид мавзуаси. – Т.: ТИУ НМБ, 2008. – Б. 36.

[33] Ғарибий Н. «Қиссаи амолий» шарҳи ва тавҳид мавзуаси. – Т.: ТИУ НМБ, 2008. – Б. 14.

[34] Абдураҳим А. Эътиқод дурдоналари. «Бадъул амолий» шарҳи. – Т.: ТИУ НМБ, 2012. – Б.10-11.

раддия берилган. Ашъарийларда эса ҳар қандай иш Аллиҳнинг розилиги ва муҳаббати билан бўлади[35].

Яна бир ўринда:
(Зотий ва феълий сифатлар бари баркамол)
(Қадимийдир доим безавол)

Яратгучи эрур, ял йлдирувчи
Ҳажа халқини ризқини берувчи
Булар бўлди сифоти феълидин бил,
Бўлик ҳам кўп эдур бе қолу бе қийл
Сифати Ҳақда бўлмасдур зоволи
Қадимдур, барчасидодур камоли[36].

Ашъарийлар феълий сифатлар қадим эмас, деб эътиқод қиладилар.

Асосан Фарғона водийсида тарқалган қодирия тариқати намояндалари ҳам ақида ва фиқҳий мазҳабда ҳанафийлик-мотуридийлик анъанасига эргашганлар. Вақтларки, бу тариқатнинг бошқа минтақалардаги аксарият вакиллари шофеий-ашъарийлар ёки ҳанбалийлардир. Фарғонада қодирия тариқатининг кенг ёйилишини Қўқон хонлари даври билан боғлиқ; ҳисобланади. Қўқон хонлари қодирий шайхларга катта эътибор кўрсатганлар. Қодирия тариқати XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Фарғона адабий муҳитига сезиларли таъсир кўрсатиб, натижада ўз даврининг машҳур ижодкорлари етишиб чиқди[37]. Масалан, Фарғоналик адиблардан Корий Хўқандий (1828-1906), Муҳаммад Сиддиқ Рушдий Ҳазиний (1867-1923), Фурқат Хоний (1884-1967) ва бошқа машҳур шоирларнинг қодирия тариқатига мансуб эканликларини ўз асарларида айтиб ўтганлар. Масалан, Корий Хўқандий ўзи учун Абдулқодир Жилоний – Ғавсу-л-аъзамни маънавий пир деб билади[38]:

[35] Абдураҳим ибн Али Шайхзода.Нузум фароид ва жамъ фавоид. – Қўқон: Матбаа адабийя, 1317 ҳ. – Б. 10.

[36] Ғарибий Н. «Қиссаи амолий» шарҳи ва тавҳид мавзуаси. – Т.: ТИУ НМБ, 2008. – Б. 17.

[37] Абдураҳимов Н. ва бошқ. Ҳазиний юрти. –Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 130.

[38] Қаранг: Сулаймонов И. Корий Хўқандий адабий мероси. – Т.: Тамаддун, 2014. – Б. 21-23.

Бу дунё уқбосидин ихтиёрим ўтолмайдур,
Ҳидоят этгали Ғавси замон бир авлиё даркор.

Замона ошносига кўнгулни бермагил Қорий,
Ўзин олуда қилмой соҳлоғон соҳибдуо даркор.

Қорийнинг бошқа кўплаб байтлари ҳам унинг қодирияга мансублигини намоён этади:

Тариқи шайх Абдуқодир уалаб тожи сар қилғон,
Ўтуб қўйида Қорий дарбадар бўлғон қаландарман.

Фурқат эса:

Ё ғуломи шайхи ғавси қодирив, раҳбарим
Бўлдингиз шаҳри Наманганда фано, айланг мадад...
Фурқатий бўлларда қолди Ғавси Аъзам дастгир,
Қўл тутарга йўқ эрур бир рэхнимо, айланг мадад.

Ҳазиийнинг Девонида шундай сатрлар учрайди:

Сулуким – қодирия, раҳбаримдур пиру-пйроним,
Саҳарлар зикри илаллоҳни одат қилмасам бўлмас[29].

Шу билан бирга Ҳазиний Имом Аъзамга эргашишига ишора қилиб ёзади:

Ишқ дарсини ўқурга бир муаллим топмадим,
Кимга айтсам, айтадур: «Кўфада Нўъмонинг керак»[30].

XVIII аср иккинчи ярми Кўқон адабий муҳитида шаклланган истеъдодли нақшбандий суфий шоирларидан бири Азимхўжа Эшон ўзининг ўша давр учун янгича дунёқараши ва тасаввуфий ғояларининг кенг кўлами билан ўзбек тасаввуф адабиёти тарихида маълум из қолдирган ижодкор ҳисобланади. Гарчи нақшбандий тариқатига мансуб бўлсада, Азимий тахаллуси билан танилган бу шахснинг ижоди юқорида зикр этилган фарғона адабий муҳитида шаклланган қодирий шоирларга таъсир кўрсатган[31]. Унинг 4000

[29] Ҳазиний. Девон. / Нашрга тайёрловчи О.Жўрабоев. – Т.: Тамаддун, 2010. – Б.82.

[30] Жўрабоев О. Ҳазиний ва унинг девони хусусида / Ҳазиний. Девон. Нашрининг муқаддимаси. Т.: Тамаддун, 2010. Б.31.

[31] Қаранг: Ҳасанов Б. Азимий ва унинг «Мурод ал-ошиқин» девони //Азимхожа Эшон. Мурод ал-ошиқин асарининг кирил ҳисоби. – Тошкент: А.Навоий Давлат музейи, 2009. – Б. 3-40.

мисрадан зиёд адабий мерос ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ ва мустаҳзод жанридаги шеърларни ўз ичига олиб, шоир уларда ўзининг ҳанафийлик мазҳаби ва нақшбандийлик йўлини тутганини бот-бот айтиб ўтади. Хусусан, «Мурод ал-ошиқин» девонидаги «Кулмиа» радифли ғазалида ёзади:

Эрурмиз Абу Ҳанифа мизҳаб, Нақшбандий нисбат ҳам,
Шариат пахлидан топган самар, тотган мазо кулмиа.

Наът мусаддасда эса яна шундай ёзади:

Расулни ваъдасидин дохили шафоатмиз,
Сулуки хуфядамиз Нақшбандий чисботмиз[32].

Азимхўжа Эшон ақидавий масалаларни, хусусан Аллоҳнинг сифатлари мавзусини ўз шеърларида айнан ҳанафийлик-мотуридийлик тамойиллари асосида ёритиб беради.

Юқоридаги фикрлар Мовароуннаҳр суфийлари ва мутасаввифлари тариқатлари қайдайлигидан қатъи назар, ақидада ҳанафийлик-мотуридийлик анъанасига эргашганини намоён этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жаҳондаги барча нақшбандийлар ҳанафий мазҳабида бўлиб, мотуридий таълимотига эргашганлар, деб бўлмайди. Масал тариқасида нақшбандиянинг холидия тармоғи асосчиси Холид Нақшбандий (1779-1826) манбаларда шофеийлик мазҳабида эканини кўрсатувчи нисба билан келтирилади: Абулбаҳр Зиёуддин Холид ибн Аҳмад ибн Ҳусайн аш-Шаҳразурий ас-Салафий аш Шофеий ан-Нақшбандий ал-Мужаддидий. Наҳотанки, кейинги давр ҳанафийларининг энг кўзга кўринган олимларидан Ибн Обидин унинг шогирди ҳисобланади.

Холид Нақшбандийнинг ақидага оид асарларида унинг ашъарийликка мойил бўлгани намоён бўлади. Жумладан, Холид Нақшбандий ўзининг «ал Иқду-л-жавҳарий фи-л-фарқ байна қудрати-л-абд ва касбихи инда л-Матуридий ва-л-Ашъарий» асарининг кўп ўринларида Ашъарийни мақтайди, жумладан «ушбу ақидага оид китоблари қатъий далиллар ва равшан

[32] Азимхожа Эшон. Мурод ал-ошиқин. – Тошкент: А.Навоий Давлат музейи, 2009. – Б. 65-66.

исботлар билан тўла, масалалар чуқур тадқиқ қилингани ва шарҳланган»ини таъкидлайди. Зеро, у яшаган муҳитида таниқли мўътазила ва бидъатчи тоифалар билан кўп мунозара қилгани боис шунга эҳтиёж бўлганини, Имом Мотуридий эса бидъатчи тоифалардан узоқда тургани туфайли салаф солиҳларнинг йўлидан бориб, баъзи ақидавий масалаларга чуқур кирилмаган, зеро бунга эҳтиёж бўлмаганини айтиб ўтади[24]. Сўнгра ўзининг ақидада тутган йўли ҳақида шундай ёзади: «Ушбу мискин бандасининг мазҳаби салафи солиҳлар мазҳаби бўлгани, тутган йўли айни саҳобийлар ва собиқун тобеийлар йўли сиддиқия тариқати бўлгани боис, у зотлар қайтарган (ақидавий) масалалардан шўпигинимда қийинчилик бўлди. Аммо бу масала муҳим диний масалалардан экани (уммаҳату-л-масаил) ҳамда аксарият эътиқодий масалаларнинг асоси экани, унда мавжуд мавҳумлик ва чалкашлик ҳолати ҳамда масалаларнинг ёйилиб кетиб, аниқлик йўқлиги туфайли бу борада Имом Ашъарий ва икки мазҳаб мутааххир уламоларига эргаша бошладим[25]».

Асарда ҳанафийларнинг мўътазилийлар билан мувофиқ жиҳатлари ҳам кўрсатиб ўтилган, масалан, бандасининг тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилинмаслиги ва бошқа[26]. Бундан кўриш мумкинки, жамоадаги ҳамма нақшбандийлар ҳам ҳанафий эмас.

Нақшбандия-холидия уламолар ўртасида тезда нуфузга эга бўлиб, унинг тақлари усмонийлар империяси бўйлаб тарқалиб кетган. Нақшбандия-холидия Ҳиндистон орқали Индонезия (1840 й.), Малайзия, Цейлон, Мозамбикка, Шимолий Туркия орқали Кавказга ёйилди.

[24] Холид Нақшбандий. Ал-иқд ал-жавҳарий фи-л-фарқ байна қудрат ал-абд ва касбиҳи инда ал-Матуридий ва-л-Ашъарий / Аш-Шайх Холид Нақшбандий – ал-аълим ва-л-муҳаддиҳ. Низор Абаза тадқиқи. Байрут, Дамашқ – Дор ал-фикр ал-муосир, 1994. – Б. 36.

[25] Холид Нақшбандий. Ал-иқд ал-жавҳарий фи-л-фарқ байна қудрат ал-абд ва касбиҳи инда ал-Матуридий ва-л-Ашъарий / Аш-Шайх Холид Нақшбандий – ал-аълим ва-л-муҳаддиҳ. Низор Абаза тадқиқи. Байрут, Дамашқ – Дор ал-фикр ал-муосир, 1994. – Б.37.

[26] Холид Нақшбандий. Ал-иқд ал-жавҳарий фи-л-фарқ байна қудрат ал-абд ва касбиҳи инда ал-Матуридий ва-л-Ашъарий / Аш-Шайх Холид Нақшбандий – ал-аълим ва-л-муҳаддиҳ. Низор Абаза тадқиқи. Байрут, Дамашқ – Дор ал-фикр ал-муосир, 1994. – Б.40.

Кавказда нақшбандия-холидия Имом Шомил бошчилик қилган «муридчилик» ҳаракатига асосий асос бўлиб хизмат қилган[27].

Ҳозирги кун Ўзбекистон тасаввуфи ҳақида тўхталадиган бўлсак, у илмийдан кўра кўпроқ тақлидий кўринишга эга. Марказий Осиё республикаларида диний қадриятларнинг тикланиш бошланиши «қайта қуриш даврида»ги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тўлқинида Марказий Осиё давлатлари ва хусусан, Ўзбекистонда ноанъанавий тариқатлар фаолияти ҳам куртак ёза бошлаган эди. Ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тўлқинида Марказий Осиё давлатлари ва хусусан, Ўзбекистонда ашъанавий ва ноанъанавий тариқатлар фаолияти ҳам куртак ёза бошлаган эди, дейиш мумкин. Тариқатларнинг фаоллашуви 2000 йиллардан бошлаб кўзга ташлана бошлади. Ўша даврда кўплаб «эшон», «пайр», «ҳазрат»лар пайдо бўлиб, уларнинг атрофида «мурид»лар жамлана борди. Аммо маҳаллий пир-эшонларнинг диний саводи етарли бўлмагани боис, «янги» суфийлар ташқаридан, аксар ҳолда Туркиядаги тариқат намояндаларидан таъсирланмоқда. Туркия тасаввуфи адабиётлари кўплаб таржима қилинди, айрим суфийлар Туркиядаги пирларга байъат қилиб келди, Туркия нақшбандий жамоаларининг Ўзбекистонда шўъбаларини очишга ҳаракатлар бўлди.

Айрим етакчи ғарб мутахассислар қайд этганидек, Марказий Осиё тарихи кўп жиҳатдан минтақадаги фаол суфий жамоалар тарихидир[28]. Ушбу қараш маълум маънода ўз асосларига эга экан, Марказий Осиё тасаввуфи тарихи ва истиқболига оид чуқур, қамровли ва изчил тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Movароуннаҳр минтақасида ҳанафий мазҳаби кенг тарқалгани боис, унга монанд бўлган мотуридийлик таълимоти асосида ақидавий масалалар мухокама қилинган. Шу сабабли минтақа тасаввуфи ҳам ақидавий масалаларда мотуридийликка асосланган. Тасаввуф Movароуннаҳр аҳолиси ҳаётида катта ўрин эгаллаган. Айниқса, мўғуллар

[27] Акимушкин О. Накшбандия / Ислам энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – С.187-188.

[28] Қаранг: Пауль Ю. Доктрина и организацияХваджаган-Накшбандийа в первомполовине после Бакы' ад-дина // Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург, 2001. – С. 115.

босқини ҳамда ундан кейинги даврларда, яъни XIII асрдан кейин Мовароуннаҳрда фақиҳларнинг жамиятга таъсири камайиб, суфийларнинг таъсир доираси кенгайгани кузатилади. Айнан суфийлар ҳанафийлик таълимотининг давомчиси, ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиб саҳнага чиқдилар. Улар ҳаттоки ҳукмдорлардан шариат талабларини бажаришни талаб қила оладиган даражага етдилар. Умуман олганда, Мовароуннаҳрнинг аксар суфийлари фиқҳда – ҳанафий, ақидада – мотуридий, тариқатда – яссавий, нақшбандий бўлганлар.

Мавзу бўйича саволлар

- Мотуридия ақидаси ва маҳаллий тасаввуф орасида боғлиқлик нималарда кўринади?
- Марказий Осиё тариқатларида ҳанафийлик мазҳаби талаблари қарор топиши сабаблари нима?
- Ҳанафий ақидасини ёритгувчи кандай тасаввуфий асарлар бор?
- Нақшбандия тариқатининг ҳанафий мазҳабига муносабати қандай?

Мустақил иш топшириқлари: *Сўфи Аллоҳёрнинг "Саботу-л ожизин" асарида мотуридия ақидаси мавзулари ёритилиши*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Ҳанифа Нуъмон. Ал-Фиқҳ ал-акбар / С.М.Олтинхон Тўра таржимаси. – Т.: Адолат, 2003.
2. Лакнавий, Абдулҳай. Фаво'ид ал-баҳиййа фи тарожум ал-ҳанафиййа. – Байрут: Дор ал-Арқум, 1998.
3. Барака А. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариййатуҳу фи-л-вилойа. – Қоҳира: Мажма' ал-буҳус ал-исламиййа, 1971.
4. Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1993.
5. Холид Нақшбандий. Ал-иқд ал жавҳарий фи-л-фарқ байна қудрат ал-абд ва касбиҳи инда ал-Матуридий ва-л-Ашъарий / Аш-Шайх Холид Нақшбандий – ал-алим ва-л-мужаддид.

Низор Абоза тадқиқи. Байрут, Дамашқ: – Дор ал-фикр ал-муосир, 1994.
6. Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ақоид ан-Насафий. – Қоҳира: Мактаба ал-Азҳарийя ли-т-турос, 2000.
7. Пауль Ю. Доктрина и организацияХваджаган-Накшбандийа в первомпоколении после Баха' ад-дина // Суфизм в Центр. Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург, 2001.

5-§. Тасаввуфга оид муҳим тушунчалар: зикр ва унинг турлари, силсила, хонақоҳ, ҳалқа, пир ва бошқалар

Дарснинг мақсади:

Талабаларда тасаввуфга оид муҳим тушунчалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш

Режа:

1. Тариқат силсиласи тушунчаси ва унинг шажарадан фарқи.

2. Зикрнинг тасаввуф амалиётидаги ўрни.

3. Хонақоҳ тузилиши ва унга боғлиқ масалалар.

Таянч иборалар: *зикр, силсила, ҳалқа, шажара*

1. Тариқат силсиласи тушунчаси ва унинг шажарадан фарқи. Силсила (араб. занжир, ҳалқалар) – маънавий ворисийлик шажараси; тариқатдаги ўзига хос таълим ва амалиёт (зикр турлари), турмуш тарзини кейингиларга етказувчи шахсларнинг маънавий-узвий занжири. Силсила тариқатнинг маънавий санади ҳисобланади. Тариқат пирлари унинг ҳалқаларини ташкил этади ва тариқат асосчисининг маънавий ворислари, деб эътиборга олинади. Ҳадислардаги иснод тизими ҳам силсилага бевосита таъсир ўтказган. Тариқатларда силсила муҳим аҳамият касб этади, зеро у тариқатларнинг шариатга мувофиқлигини ва ишончли эканини кўрсатувчи ҳужжат-далил ҳисобланади.

Пир-мурид институтининг тизимга солиниши ва мустаҳкамланиб бориши жараёнида силсиланинг ҳам аҳамияти ошиб боравверди. XII-XIII асрларга келиб силсила тариқатларининг муҳим қисмларидан бирига айланди. Бир неча шохобчаларга эга тариқатларда шохобча шайхи ўз силсиласини шохобчага асос солган шайх орқали силсилату-л-барака орқали тариқат асосчисига боғлайди. Тариқат асосчиси эса ўз силсиласини машҳур суфийлар орқали Муҳаммад (а.с.)нинг яқин саҳобийларига боғлайдилар. Тариқат силсилалари асосан Жунайд Бағдодийда, қисман Боязид Бистомийда бирлашади. Ундан кейин эса «Мен илмнинг

шаҳриман, Али унинг эшигидир», «Мен илмнинг шаҳриман, Абу Бакр унинг асосидир» каби набавий ҳадисларга таянган ҳолда деярли барча тариқат силсилалари Али ёки Абу Бакр (р.а.) орқали Муҳаммад (а.с.)га, кейин эса Жаброил (а.с.) воситасида Аллоҳга боғланади. Ушбу силсила «силсилатул вирд» деб аталади. Айрим тариқатлар, масалан кубравия Умар (р.а.) орқали, яна бошқалари Увайс Қараний орқали ҳам Муҳаммад Пайғамбар билан боғланади. Нақшбандия тариқатида тариқат асосчисигача бўлган қисм «силсилату-т-тарбия», Муҳаммад (а.с.)гача бўлган қисм эса «силсилату-з-заҳаб» деб юритилади. Баъзи манбаларда "силсилату-з-заҳаб"га бошқача таърифлар ҳам берилган. Умуман бу атама аслида ҳадис истилоҳи бўлиб, "ўта ишончли" деган маънода қўлланилган. Силсилага боғланган тариқат шайхи орқали тариқат аъзоларига файз оқиб келади, деб ҳисобланади.

Нақшбандия тариқатининг холидия тармоғи силсиласи:

1. Муҳаммад (с.а.в)
2. Абу Бакр Сиддиқ (р.а)
3. Салмони Форсий (р.а.)
4. Қосим ибн Муҳаммад (р.а.)
5. Жаъфари Содиқ (р.а.)
6. Боязид Бистомий (қ.с.)
7. Абул Ҳасан Харақоний (қ.с.)
8. Абу Али Фармадий (қ.с.)
9. Хожа Юсуф Ҳамадоний (қ.с.)
10. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (қ.с.)
11. Хожа Ориф Ревгарий (қ.с.)
12. Хожа Маҳмуд Анжир-Фағнавий (қ.с.)
13. Хожа Али Ромитаний (қ.с.)
14. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий (қ.с.)
15. Хожа Саид Амир Кулол (қ.с.)
16. Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд Бухорий-Увайсий (қ.с.)
17. Хожа Алоуддин Аттор (қ.с.)
18. Мавлоно Яъқуб Чархий (қ.с.)
19. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (қ.с.)
20. Муҳаммад Зоҳид (қ.с.)
21. Муҳаммад Дарвеш (қ.с.)

22. Хожагий Имкангий (қ.с.)
23. Муҳаммад Бокийбиллоҳ (қ.с.)
24. Имом Раббоний Аҳмад Форуқий-Сирҳиндий (қ.с.)
25. Муҳаммад Маъсум (қ.с.)
26. Шайх Сайфуддин (қ.с.)
27. Сайиид Нур Муҳаммад Бадвоний (қ.с.)
28. Шамсулдин Мирэп – Жони Жонон Мазҳар (қ.с.)
29. Абдуллоҳ Деҳлавий (қ.с.)
30. Маъсюм Холид Боғдодий (қ.с.)

Шажаранинг силсиладан фарқи шажараларда одатда устоз шогирд боғлиқлиги эмас, балки аждодлар кетма-кетлиги акс эттирилган. Тасаввуфий манбаларда тариқат пирларининг шажаралари келтирилиб, уларнинг «сайиид» табақасидан экани, ёки бирор бир аввал ўтган авлиёга тақалиши кўрсатиб берилган. Тариқатлар обрўси ва нуфузини сақлаб туришда пирларнинг силсила билан бир қаторда шажарага эга бўлиши ҳам муҳим ўрин тута бошлаган. Бунинг натижасида жуда кўплаб шажаралар вужудга кела бошлаган. Уларни текшириб козилар томонидан тасдиқлаб мухрлар босилган. Ҳозирга қадар етиб келган бундай шажара ҳужжатлар турли кўлёзма фондларида сақланади.

Баҳоуддин Нақшбандинг аждодлари шажараси:
1. Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд
2. ибн Муҳаммад Жалолиддин
3. ибн Бурҳониддин
4. ибн Шаъбон
5. ибн Абдуллоҳ
6. ибн Зайнулобидин
7. ибн Шаъбон
8. ибн Сайиид Бурҳон
9. ибн Сайиид Маҳмуд Румий
10. ибн Сайиид Исҳоқ
11. ибн Сайиид Тақий
12. ибн Сайиид Маҳмуд Жоме
13. ибн Сайиид Али Акбар
14. ибн Имом Али Тақий
15. ибн Имом Муҳаммад Тақий

16. ибн Имом Али Мусо ар-Ризо
17. ибн Зайнулобидин
18. ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб.

Шундай йўсинда тариқат пирларининг шажаралари гоҳида бир-бирига бирикиб, гоҳ бир-биридан ажралиб чиққан.

2. Зикрнинг тасаввуф амалиётидаги ўрни. Зикр (араб. ёдга олиш, эслаш) амалиёти – тасаввуфда Худони ёдга олиш билан боғлиқ асосий маросим тури. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида ҳамда кўплаб ҳадисларда мусулмонлар Аллоҳни мудом зикр килишга чақириладилар: «Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг» (Муззаммил, 8), «Бас, Мени эсланглз, Мен ҳам сизларни эслайман» (Бақара, 152), ҳадисда «Йўлларда кезиб, зикр аҳлини излаб юрувчи Аллоҳнинг фаришталари бор, улар Аллоҳнинг зикри билан банд бўлганларни кўрганларида, бир-бирларига «биз излаётганлар бу ерда экан» дейдилар» (Имом Аҳмад ривояти). Тасаввуф шаклланиши босқичида нисбатан оддий кўринишга эга зикр, тариқат босқичига келганда (XII-XIV асрлар) мураккаблашиб борди. Тариқатларда зикр адо этиш бўйича махсус қўлланмалар яратилди, суфийлар зикрда тана ҳаракатлари, махсус ўтириш коидалари (ҳалса), зикрда ўкиладиган дуоларга мувофиқ тарзда нафас олиш ва чиқаришни назорат килиш (хабсу-н-нафас, ҳабси дам), тананинг муайян қисмларига дам уриш каби амалиётлар қўшиб борилди. Натижада тариқатлар зикр кўринишларига кўра бир-биридан фарқланадиган бўлди: а) қиёмий: тик турган ҳолда зикр тушадиган тариқатлар – қодирия; б) қ'удий – ўтириб зикр қиладиган тариқатлар – нақшбандия; в) хафий – овоз чиқармай зикр қилувчи тариқатлар – нақшбандия; г) жаҳрий – овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар – халватия.

Зикр тариқатларда муршид кўрсатмаси ёхуд тариқат одобига кўра муайян лафзларни ва Асмоул-ҳуснодан бирини белгиланган сапокларга риоя қилиб, такрор этган ҳолда амалга оширилади. Хар бир тариқатда ўзига хос зикр турлари, уларни бажариш қонун-қоида ва одоблари шаклланган. Зикр ёлғиз қилингандек, жамоа бўлиб ҳам қилинади. Мурид ёлғиз ҳолда зикрни пирининг кўрсатмаларига мувофиқ адо этади. Пир (шайх)

муридининг кечинмалари, ўй-фикрлари, кўраётган тушларига мувофиқ зикр вазифаларини белгилайди. Мурид қиладиган зикрга «вирд», «аврод» дейилади. Тариқатлар шаклланиб бориши жараёнида жамоавий зикрларга эътибор кучайди. Бу зикрлар ўз бажарилишига кўра бир-биридан фарқланиб, турли номлар билан атала бошлади: а) само' – мусиқа жўрлигида, тик ҳолда айланиб ado этилади. Мавлавияда кўпроқ тарқалган бу зикрда суфийлар ўз ҳаракатлари билан турли тасаввуфий мавзуларни тамсил этадилар; б) хатми хожагон – нақшбандия тариқатида бажарилади. Истиғфор билан бошланадиган бу зикрда «Фотиҳа», «Шарҳ», «Иxлос» сураларн, салаватлар муайян саноқларда ўқилади; в) зарби асмо – халватийлар зикри бўлиб, қалқа шаклида ўтирган ҳолда енгил тебраниб, Аллоҳнинг 99 исм ва сифатларини қайтариб бажарилади; г) зикри қиём – рифоийлар тик ҳолда овоз чиқариб ижро қилади; д) даврон – кодирийларнинг тик туриб ва айланиб бажарадиган зикри; е) зикри арра – яссавийлар ўтириб ва тик туриб қиладиган зикр. Жамоавий зикрлар кафтанинг муайян кунлари, диний байрам кечаларида ижро этилади. Жамоавий зикрлардан «само'» ва «даврон» уламоларнинг ташқидларига учраган.

Тариқатларда зикр овоз чиқариб (жаҳрий) ва овоз чиқармасдан (хафий) айтилади. Овоз чиқариб зикр тушиш Ўрта Осиёда яссавийлик, кодирийлик тариқатларида тарқалган. Жаҳрий зикрда бир гуруҳ суфийлар аввал даврa қуриб ўтиради, бир киши (қаввол) муайян ибораларни маълум оҳангда ўқийди, унга айрим мусиқа асбоблари жўр бўлади, бора-бора кишилар ўрнидан туриб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайдилар. Зикр вақтида суфий ва дарвешлар «Аллоҳ ҳайй» (Аллоҳ тирик): «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ), «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ – энг улуғ), «ал-ҳамду лиллоҳ» (Аллоҳга ҳамду санолар) ва бошқа сўзларни такрорлайди. Узоқ вақт такрорланган сўзлар, мусиқа ва рақс натижасида зикр тушаётганлар ўзлигини унутади, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдига келтирмай қўяди. Зикр мавлуд ва бошқа диний маросимларнинг таркибий қисмига айланган. Нақшбандия тариқатида хафий зикр қилинади. Хафий зикр икки кўринишда бўлади: тил билан ва калб билан. Зикр-

нинг хафий ёки жаҳрийси афзаллиги борасида тариқатлар ўртасидаги мунозаралар кечган. Тасаввуфий манбаларда тариқатга янги кирганларга ва қалби қаттиқликка мойилларга жаҳрий зикр, сулукда маълум муддат юрганларга хафий зикр афзал, деб тавсия берилган.

Само' – (араб. тинглаш, эшитиш.) деганда тасаввуф атамасида зикр амалиёти давомида мусиқа, қўшиқ, шеър ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни эшитиш назарда тутилади. У ҳам ўз навбатида, мусиқа жўрлигидаги ҳамда мусиқасиз само'ларга бўлинади. Яъни само' деганда, бир ёки бир неча кишиларнинг чолғу асбобисиз ўқиган нарсалари, мавлид қасидаси ва шеърларни тинглаши, чиройли оҳангда ўқилган тасаввуфий шеър ва ғазалларни тинглаши тушунилади.

Само' Ўрта ва Яқин Шарқда кенг тарқалган қодирия, мавлавия, рифоия, байюмия, ийсавия, бадавия, чиштия, суҳравардия, саъдия каби тариқатларда зикрнинг асосий кўриниши сифатида намоён бўлади.

Само' тасаввуф атамаси сифатида IX асрдан илгари қўлланилмаган. 1183-1185 йилларда Дамашқда бўлган сайёҳ Ибн Жубайр само'ни бундай ҳодисага худди илк бора дуч келган кишидек тасвирлайди. Бу атама хусусан, Жунайд Бағдодий атрофида жамланган Ироқ суфийлари амалиётини ёритувчи, одатда танқидий манбаларда эсга олинади. Ислом дунёсида само'нинг келиб чиқишини катта жамоатларда Қуръон қироат қилиш одати билан боғлаб кўрсатишади. Аксарият ҳолларда, бундай қироатлар давомида тингловчилар кучли руҳий таъсирланишга (ҳатто жазавага) тушарди. Бундан ташқари, само'нинг суфийлар ўртасида ривожланиб кетишига Бағдод халифалари ва уларнинг Исфаҳон, Шероз, Хуросондаги нойиблари томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланган дунёвий мусиқа йиғинларга (тароб) ҳамда одатда ишқий мазмундаги шеърий матнларнинг катта таъсир кўрсатди.

Аввалига само' амалиёти Абул Хусайн Нурий, Жунайд Бағдодий каби бағдодлик суфийларидан таълим олган эронлик намоёндалар томонидан фаол ташвиқ этилган, хисобланган, «эроний» тушунча-ҳодиса эди. Бунинг устига, само' тўғрисида ёзган муаллифларнинг ҳаммаси, Ироқнинг қуйи қисмида яшаган Абу

Толиб Муҳаммад Маккийни истисно қилганда, келиб чиқиши Эрондан эди. Салжуқий султонлар даврида форсий хонақоҳлар жуда оммавийлашган эди. Айюбийлар даврида уларнинг шуҳрати янада ошди. Мақризийнинг келтиришича, Салоҳиддин Айюбий ва унинг издошлари эронлик суфийларни Мисрга таклиф қилар, кўплаб хонақоҳ, работ ва зовияларни молиялаштирар эди. Само'нинг оммалашувида Салоҳиддининг куёви Музаффариддин Кўкбўрининг (ваф. 1233 й.) ўрни катта. У Ирбилда ниҳоятда кўп одам сиғдира оладиган иккита хонақоҳ қурдириб, илк бора ташида ва қасидалар ижро этиладиган мавлид маросимини ўтказдирди. Уламолар буни қувватлаб фатво чиқаришди. Ибн Халликон 1207 йили Ирбилдаги хонақоҳда мавлид маросимининг нишонланиши, унда тупи билан само' тинглаб чиққанини ҳикоя қилган. Кўкбўри шунингдек, Ҳалабда ҳам битта хонақоҳ қурдирган. Кўкбўри тез-тез у ерларда бўлиб турар ва само'ларда иштирок этар эди.

Само'нинг шаръий ҳукми борасида турли даврларда турлича фикрлар билдирилган ва одатда унда юзага келадиган ҳолатлар (жазава, йиғи, рақс, ваҳ) қораланган. Само' у ёки бу кўринишда барча тариқатларда мавжуд бўлиб келган. Айрим тариқатлар кейинчалик само'га нисбатан муросасиз мавқеда бўлган. Ҳозирда Туркия, Миср каби давлатлардаги само' йиғинлари томошалаштирилган тадбирларга айланиб кетган бўлиб, туристларни жалб қилишда фойдаланилмоқда.

Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатига ҳам эга бўлди, ҳатто, суфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина само'нинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам қўшиқ,мусиқа иштирок этади. Кўпгина само' мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат суфийларнинг ўзи эмас, атрофдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, «Нафаҳот ул-унс» асарида Шайх Абу Саид Абул Хайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.

Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни суфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади. Жазба тушунчаси дарвешлик билан шоирликни, ишқ маънода эса, тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради.

Суфийлар даврасининг ўз шоирлари, ҳикоячи латифагўйлари, созанда-ю мутриблари бўлган. Шеър ва мусиқанинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақоҳлардаги йиғинларда бундан фойдаланишга интилганлар. Айниқса, само' йиғинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда қўл келарди. Маълумки, жамоа тоифа бўлиб яшаш, пир-мурид лик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар қуриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон Шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақоҳ ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоҳларда «само'» мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базмини ташкил этиш одат тусига кирган. Хусусан, сукр – бехудлик концепциясини ёқлаган суфийлар бунга ўч эдилар. Улар: суфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, само' шу руҳий иштиёқни кучайтиради, деб ҳисоблардилар. Сус шаҳри суфийлари мажлисида иштирок этган тарихчи Мақдисий ёзишича: «Баъзан суфийларга қўшилиб қичқирардим, баъзан уларга қасидалар ўқиб берардим». Хонақоҳлардаги куй-қўшиқ садолари атрофга таралиб, одамларни ўзига жалб этган. Муқаддасийнинг айтишича, хотин-халаж уйларнинг томига чиқиб, суфийлар базмини томоша этганлар.

Ҳадра – (араб. ҳозир бўлмоқ,) жаҳрий зикрга асосланган бир қатор тариқатлар, томонидан қабул қилинган зикр тури бўлиб, бир неча босқичларда амалга оширилади. Бунда қатнашувчилар аввалига Қуръон қироати, кейин салавот айтишади, сўнгра тик турган ҳолда, доира шаклида айлана бошлайдилар (даврон). Доиранинг ўртасида ёки бошқа ерда шайхнинг ўзи зикрни бошқариб туради. Мусиқачилар алоҳида гуруҳни ташкил қилиб, уларнинг вазифаси – шайхнинг ишорасига кўра, маълум вақтда мусиқа чалишни бошлаб юборадилар.

Ҳадра – оммавий зикр маросими бўлиб, ниҳоятда катта жамоат бўлиб йиғилиши туфайли кичик жамоавий зикр "ҳалқа"дан ажралиб туради. Зикр мажлисларида баъзан мингга яқин ёки ундан кўп киши иштирок этади. Шунингдек, мавлавия тариқати рақс йиғинлари ҳам ҳадрага киради.

Ҳадра одатда жума (пайшанба куни кеч тунда) кунлари, мавлид, махсус тонфа тақвими бўйича белгиланган кунлари зовия ёки тонфа аъзоларидан бирининг уйида мунтазам ўтказилиб туради. Мавлавийларда бегона-томошабинларнинг киришига ҳар доим ҳам рухсат берилади.

3. Хонақоҳ тузилиши ва унга боғлиқ масалалар. Хонақоҳ (форс-суғд. уй; араб. дарвешлар, қаландарлар, шунингдек, ғариб ва ишмискинлар истиқомат қиладиган уй – қаландархона, дарвешхона. Мусулмон мамлакатларида зовия, такя, работ номлари билан ҳам юритилади. XII аср бошларида тариқатлар шаклланиш арафасида суфийлар йиғилиб тўпланадиган жой сифатида хизмат қилган муваққат манзиллар талабга жавоб бера олмай қолди. Бу пайтда тасаввуфга қизиқиш ортиб бориши, муридларнинг сони ўсиб, ихлосмандларнинг тобора кўпайиб бориши туфайли бу жараённи тизимга солиш эҳтиёжи туғилди. Ана шу жараёнлар таъсири ўлароқ, суфий марказлари – хонақоҳлар пайдо бўлди. Хонақоҳ биноларининг кўпинча алоҳида мустақил бино сифатида аҳоли яшайдиган ҳудудлардан узоқроқ жойларда ёки баъзан масжидга туташган ҳолда барпо этилган. Одатда хонақоҳ мажмуа сифатида фаолият олиб бориб, ошхона, ҳамда мурид ва ихлосмандларнинг тингловчилар учун меҳмонхона, зикр тушиш хоналари, чиллахона, баъзан эса мактабларни ҳам ўз ичига олган. Аксар ҳолларда мажмуа ҳовлисида тариқатга асос солган шайх, ёки бирон-бир авлиё мақбараси ҳам бўлган. Маълумотларга қараганда, энг биринчи хонақоҳ Фаластиндаги Рамла шаҳрида VIII аср охирларида бунёд этилган. Ҳамма суфийлар ҳам хонақоҳ тизимини маъқулламаган. Машҳур суфий Абу Туроб Нахшабий (ваф. 859й.) бу тизимни танқид қилиб, уни тиланчиликка қиёс қилган: «Кимки, мураққа' (ямоқли кийим) кийса, у тиланчилик қилибди, кимки, хонақоҳда ёки масжидда ўтирмб олса, у тиланчилик қилибди, кимки одамларга ёқиш учун Қуръон тиловат қилса, у тиланчилик қилибди».

Ўрта аср хонақоҳлари фақатгина зоҳидлар, дарвеш ва қаландарлар тўхтайдиган жой эмас, балки аксар ҳолларда диний таълим мактаблари вазифасини ҳам бажарган. Зеро, хонақоҳлар ҳузурида кутубхона ва ўқув хоналари бўлиб, у ерда ўқитувчилар ҳам фаолият олиб боришган. Хонақоҳлар давр ўтиши билан

бориб тобора такомиллашиб бориб, муайян кўринишдаги тизимли мажмуага айланиб борган. Кейинги давр хонақоҳларида ўзига хос меъморий тизимни ҳам кўришимиз мумкин. Ҳар бир хонақоҳда шайх, имом, вақф ишлари нозири, муаззин, кутубхоначи, «келди-кетди»ни қайд қилувчи мирза, ҳаммом масъули, ошхона масъули, ҳажжом (қон олувчи), сувчи, гўлах, фаррош, хизматкорлар, бепул овқат ва кийим ҳамда ювиниш учун совун тарқатувчи ходимлар фаолият олиб борган. Бундай хонақоҳлар саҳий ҳомийларнинг эҳсонлари, вақф қилинган мулклардан тушадиган даромадларга таяниб фаолият олиб борган. Самаркандаги Кусам ибн Аббос мақбараси ёнидаги хонақоҳ ҳам тахминан ана шундай кўринишга эга бўлган. Султонлар ҳам хонақоҳ барпо этишга алоҳида эътибор билан қараганлар. Султон Салоҳиддин Айюбий Миср да 1173 йил «Саид Суъдо» номи билан танилган «Салоҳия хонақоҳи»га асос солган. Манбаларда айтилишича, ушбу хонақоҳда яшаган уч юз дарвеш жума намозига йўл олганда, уларни кўриш ва барака тилаш учун кўчаларда одамлар тиқилиб кетган. XV-XVII асрларда суфийлар ҳукмрон табақалар билан яқинлашиб, улардан катта миқдорларда молиявий ёрдам ола бошладилар. Бу жараён хонақоҳларнинг бинокорлик соҳасида ҳам ўз аксини топди. Энди хонақоҳлар ҳашаматли иморатлар мажмуаси кўринишида барпо этилиб, «хонақоҳ» сўзи ушбу мажмуадаги зикрхонага нисбатангина қўлланма бошлади.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда хонақоҳларнинг пайдо бўлиши Ибн Карром (806-869) ва у асос солган карромийлар фаолияти билан боғлиқ. Карромийлар минтақада биринчилардан бўлиб ўз таълимотларини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун хонақоҳ тизимидан унумли фойдаландилар. Мазкур тизим туфайли ўз ғояларини омма ўртасида кенг тарқалишига ва маълум бир муддат издошлари сони кескин равишда ортиб кетишига эришдилар. Мовароуннаҳр хонақоҳларида турли даврлар учун хос бўлган меъморий очимларни кўриш мумкин. XVII асрга келиб эса пештоқли, гумбазли, ўртада зикрхона ва атрофида ҳужралар бино қилинган шаклдаги хонақоҳлар кенг тарқалди. Мовароуннаҳрдаги машҳур хонақоҳлар: Самарқандаги Абдулларун, Улуғбек хонақоҳлари (XV аср), Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамблидаги Но-

дир Девонбеги хонақоҳи (XVII аср), Термиздаги Кокилдор ота, Ҳаким Термизий мақбараси олдидаги хонақоҳ, Бухородаги Хожа Порсо (XV аср), Хожа Зайниддин, Чор Бакр (XVI аср), Ёрмуҳаммад Оталик (XVII аср), Шайх Худойдод, Баҳоуддин Нақшбанд хонақоҳлари, Ғиждувондаги Леккон Бобо, Тошкентдаги Ҳазрати Имом хонақоҳлари.

Зовия (араб. бурчак, ҳужра) – суфийлар, дарвешлар тушадиган ва яшайдиган маскан. Араб мамлакатларининг баъзиларида работ, баъзиларида зовия деб аталган. Эрон ва Афғонистондаги такя, Ўрта Осиёдаги хонақоҳга тўғри келиб, суфийлар, дарвешлар, мусофирлар, фақирлар тўхтаб, истиқомат қиладиган манзил. Баъзан зовия деб, жоме бўлмаган, яъни минбарсиз кичик масжидга ҳам айтилади. Қадимда зовиялар кўп бўлиб, улар ислом оламида тасаввуфнинг кенг тарқалишига хизмат қилган. Зовия маълум бир шайхнинг тасарруфида бўлган ҳамда аксар ҳолларда муайян бир тариқатнинг таълим, тарғибот ва ташвикот маркази вазифасини ҳам ўтаган. Зовиялар ислом дунёсида асосан Шимолий Африка ва Андалусияда кенг тарқалган. Бу минтақаларда зовиялар ислом дини ва хусусан тасаввуф тарғиботи билан шуғулланган. Зовияда шайх қўлида таҳсил олган мурид, ўз юртига қайтиб у ерда ҳам шундай зовия ташкил қилган. XII-XIV асрларда тариқатлар шаклланиши билан зовияларнинг аҳамияти янада ортиб, улар айрим тариқатларнинг ташкилий ва иқтисодий марказларига айланди. Зовияларнинг архитектураси ҳам ўзгариб бориб, улар мажмуа шаклини касб эта бошлади. Мажмуа таркибига тариқат асосчиси мақбараси (у одатда қуббали қилиб қурилган), масжид, тариқат шайхи яшаш манзили, кироатхона, муридлар таълим оладиган хоналар, муридлар узлатгоҳлари, мусофирхоналардан иборат бўлган. Зовия яқинида кўпинча мозор ҳам жойлашган. Шимолий Африкадаги зовиялар зарур ҳолатларда мудофаа истеҳкомларига айланган. Зовиялар эҳсонлар, вақф мулклари даромадлари ҳисобига фаолият кўрсатган. Тарикатлар даврига келиб, зовиялар тариқатнинг шайхи жойлашган марказий зовияга тобе бўлган. Тариқат шайхи зовия раҳбарларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Кичик зовиялар марказий зовияга ўз даромадларининг қисмини

юборганлар. Европалик тадқиқотчилар зовияларнинг аҳолини саводли қилишдаги аҳамиятини юқори баҳолаганлар.

Ўрта асрларда зовиялар Мовароуннаҳрда кенг тарқалган бўлиб, улар мусофирхона вазифасини ҳам бажарган. Жумладан, ўрта асрлар машҳур араб сайёҳи ибн Баттута (1304-1377) ўзининг «Сафарнома» номи билан танилган «Туҳфату-н-нуззор» асарида Мовароуннаҳрга қилган саёҳати давомида эллликдан ортиқ зовияга тушгани, уларнинг ҳар бирида мусофирлар учун барча қулай шарт-шароитлар муҳайё қилингани, буларнинг эвазига эса ҳеч нарса талаб қилинмаслиги ҳақида тўлқинланиб ёзади. Жумладан, Ибн Баттута Шоҳи Зиндадаги Қусам ибн Аббос қабри ёнидаги зовиянинг тилга олади. Шунингдек, Ибн Баттута Бухорода авлиё шайх Сайфиддин Бохарзий мақбараси ёнида жойлашган зовияга тушгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу зовиянинг вақф мулклари жуда кўплиги, зовия шайхи Сайфиддин Бохарзий зурриётларидан экани ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур шайх уни зовияга катта эҳтиром билан чақиргани, бу меҳмондорчиликда шаҳарнинг энг таниқли зотлари иштирок этгани, бу ерда чиройли овоз билан Қуръон тиловати, мавъизалар қилингани сўнгра буларнинг кетидан турқий ва форсий тиллардаги қўшиқлар ажойиб тарзда ижро этилганини зикр этади.

Зовия хонақоҳ ва риботлардан ҳажмининг кичикроқ бўлиши ва аксар ҳолларда узлатни ихтиёр қилган шайхлар ҳузурида бўлиши билан фарқланиб турган. Зовия одатда умумий катта хона, атрофида кичик ҳужралардан иборат бино. Катта хона – ибодатхона, қироатхона, кундузлари таълим маскани вазифасини бажарган бўлса, ҳужралари зикр тушадиган маскан вазифасини ўтаган. Аммо баъзи манбаларда "зовия" ва "хонақоҳ" сўзлари синоним сифатида ҳам қўлланилган.

Хирқа (араб. – жуллур, қўпқа) – эскирган кийим. Кийган одамнинг тариқат йўлида эканини ифода этган. Тариқатларда хирқа, қулоҳ, камар, шадд, або, юнг кийим, ташпура каби либослар кийилиши одат бўлган. Мазкур либослар ҳам ўз ўрнида маълум бир тасаввуфий маънони ифодалайди. Хирқа одатда суфийликда пирдан шогирдга ўтиб, узоқ вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қурок ва ямоқлардан, жун, пахта, палос ва

теридан тикилган. Хирқа «жанда» номи билан ҳам юритилади. У тариқат аҳли кийган кенг, узун, олди очиқ, ёқасиз, енги узун бўлган либос. Хирқа кийиш шайхга байъат қилиш ва таслим бўлишни ифода этади. Хирқа икки хил мазмунни англатган: муридни сулукка олиб кириш ва тариқат ишини ёйишга рухсат бериш. Шунга кўра Суҳравардий «Авориф-ул-маориф»да икки хил хирқани ажратади: табаррук хирқа ва ирода хирқаси. Табаррук хирқа тариқатга киришга мойил бўлган, зикр мажлислари, шайх суҳбатларида иштирок этадиган, аммо ҳали тариқатга кирмаган кишининг ўз истагига кўра унда тариқатга меҳр пайдо қилиш, пирга қўл беришга ундаш мақсадида кийдирилади. Иродат хирқаси эса тариқатда муайян босқичларни босиб ўтган муридга тариқат шайхи томонидан кийдирилиб, у ўзига хос ижозат сифатида талқин қилинади. Шайх мурилдан хирқа шартларига вафо қилиш аҳдини олади ва унга хирқанинг ҳақларини ўргатади. Хирқани солик бутун ҳаёти давомида кийиб юриши тавсия этилади. Хирқанинг турига кўра уни кийдириш учун белгиланган синов муддати қирқ кундан уч йилгача, ёки ундан ҳам кўпроқ вақтни талаб қилган. Хирқанинг ранги ҳақидаги мунозаралардан аён бўладики, тўқ рангли хирқа кир кўтариши ва суфий унинг тозалигини сақлаши учун кўп вақтини олмаслиги нуқтаи назаридан қулай ҳисобланган. Тасаввуф пиримлари пирсиз юқори даражаларга эришган суфийлар учун «хирқаи Хизрий» тушунчасини киритиб, уларнинг пири Хизр (а.с.) бўлган, деган маънони ифода этганлар. Кейинги давр адабиётида хирқанинг турлари деталлаштирилган: хирқаи ирода ёки хирқаи асл; хирқаи табаррук ёки хирқаи ташаббуҳ; хирқаи тарбия ёки хирқаи хидоя (мурилларга таълим бера оладиган, уларнинг руҳий ҳолатларини изоҳлаб тўғри йўл кўрсата оладиган мурилларга берилган); хирқаи суҳбат (тариқатда ўзи мустақил фаолият юритиши мумкин бўлган мурилга берилган); хирқаи таълим (китоб ва шайхларнинг ўгити асосида таълим беришга қодир мурилларга берилган, бу мурилар фақат китобий таълим бериш билан чекланган). Аммо аксарият кўзга кўринган уламолар хирқани умумлаштириб, хирқаи тасаввуф номи билан атаб келганлар. Хирқани дунёвий манфаат қозо-

ниш учун восита қилишдан сақланиш, уни нафс ва қалб тарбияси учун кийиш тавсия этилган. Тасаввуфий манбаларда, хусусан Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарида хирқа мавзуси батафсил изоҳланган: хирқа шарти, тури, мақсади, кийиш ва кийдириш одоблари, сири, сунъати, ҳарфларининг мазмуни, ранглари бағни, тикилиш матолари ва бошқа жиҳатлари.

Хулоса қиладиган бўлсак, тасаввуф ўзига хос тизимлаштирилган назарий ва амалий қўникмаларнинг шаклантирувчи, ўзига хос кўриниш, кийиниш ва тузилмаларни юзага келтира олди.

Мавзу бўйича саволлар

- Зикр ва унинг қандай турлари мавжуд?
- Ҳинақоҳ ва зовияларнинг функцияси қандай?
- Хирқа кийишнинг моҳияти?
- Зикрнинг тасаввуфий амалиётдаги ўрни?

Мустақил иш топшириқлари: *Зикр мароқимлари турлари ва миниатюравий кўринишлари.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. ал-Калободий, Абу Бакр Муҳаммад. ат-Таарруф ли-мазҳаби аҳл ат-тасаввуф. Дор Содир, 2005.

2. Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.

3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

4. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Даля, 2004.

5. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат: Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2014.

6. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Энигма, 2000.

2-БОБ. ТАРИҚАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА ТАСАВВУФДА ТУТГАН ЎРНИ

1-§. Тариқатларнинг вужудга келиши

Дарснинг мақсади:

Талабаларга тариқатларнинг вужудга келиши тарихи ва тузилиши тўғрисида маълумот бериш.

Режа:

1. Тариқатнинг мазмун моҳияти

2. Дастлабки тариқат бирлашмалари

3. Айрим илк вужудга келган тариқатлар тарихи ва таърифи

Таянч иборалар: тариқат, волий тариқатлар, иерархия, пири соний

1. Тариқатнинг мазмун моҳияти. Тариқат (араб. – йўл, йўналиш) – суфийлик атамасига кўра солики Аллоҳ томон элтадиган, турли руҳий-маънавий мақом ва мақомларни босиб ўтишни ўз ичига олган махсус йўл. Абу Нажиб Суҳравардий ўз асарларида «мазҳаб» атамасини ҳам суфийлик йўли мазмунида қўллаган. Шунингдек, бу атама қадимдан мазҳаб ва ақидавий йўналиш маъносида ҳам ишлатилган[1]. Ўрта Осиёда асрлар оша нақшбандийлик, кубровийлик, яссавийлик ва кейинчалик қодирийлик тариқатлари тарқалган. Шариат сингари тариқат ҳам мақсадга элтувчи йўлдир, аммо тариқат қисқароқ бўлиб, у шариат ҳамда инсон руҳияти, риёзат каби йўналишларни ҳам қамраб олади.

Суфийликка хос тушунча сифатида тариқат – пир-шайхлар ўз муридларини Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришмоқ мақсадида жорий этган қоида ва русумлар мажмуасидир. Ҳар бир тариқатда мурид олий мақсадга эришиши учун ўзига хос ва бир-биридан фарқланувчи услуб ва йўллар ишлаб

[1] Абул Мукн Насафий тариқат сўзини яқинлашиш маъносида қўллаган бўлса, Абул Барокот Насафий Ҳақ йўли маъносида қўллаган.

чиқилган. «Тариқат» сўзи тарихий жиҳатдан қуйидаги тадрижий босқичларни босиб ўтган. IX-X асрларда тасаввуф пазариётчилари (Муҳосибий, Жунайд Бағдодий, Калабодий, Саррож, Ҳужвирий, Суламий) тариқатни муайян уюшган жамоа эмас, одоб-ахлоқ ва маънавий-руҳий қўлланмалар мажмуи, деб ҳисоблаганлар. Унинг воситасида руҳий покланишни мақсад қилган ҳақиқатни чуқур тафаккур ҳамда руҳий ва жисмоний машқлар йўлига кириб, улар орқали илоҳий ҳақиқатни англашга интилади. Бу босқичда тариқат тасаввуф моҳиятини англаш усули сифатида ўзига хос аҳамият касб этган.

XI-XII аср ўрталарида Хуросонда суфий йиғилишлар асосида пир-мурид тартиботи (институти) шаклланди ва бутун мусулмон оламига кенг тарқалди. Ушбу тузилманинг асосий фигураси пир бўлиб, барча муридлар сулукдаги йўлбошчи сифатида унга сўзсиз итоат қилишлари лозим бўлган. Мазкур босқичда тариқат сулук йўлининг таълим бериш масканига айланди. Тариқат ўз ичига жисмоний, маънавий-руҳий, аскетик машқлар, ўзига хос маросимлар мажмуаси (хилват, чилла, зикр, самоъ, рўза) ни қамраб олган ҳаёт тарзига айланди. Бу даврда тасаввуф хос кишилар тасаввуфидан омма тасаввуфига айланди.

XII аср охирларига келиб тариқатларнинг силсила институти – узлуксиз маънавий ворислик занжири шаклланиб, сулуклаги хусусий услубларнинг жамиятда «конунийлаштириш» жараёнлари асосий ўрин тутди. Силсила тариқатнинг ҳаётий ўзаги сифатида эътироф этилиб, ҳар доим унга эътибор юқори бўлган. Айниқса, пирга байъат қилиб, тариқатга кирган ҳар бир мурид силсиладан маънавий мадад олган. Бу институтнинг пайдо бўлиши сулук таълимига асосланган мактабларнинг ташкилий тизими ва иерархик тузилмасининг мустаҳкамланиш жараёнларини тезлаштириб юборди. Бу жараён эса тасаввуфий тариқатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тариқат – унга асос солган пирнинг силсила орқали етиб келган сулукдаги ўзига хос йўлини татбиқ қилувчи, муайян интизом ва қоидаларга асосланган, марказлашган иерархик тузилмани ташкил этувчи суфийларнинг ихтиёрий жамоасига айланди. Шундай қилиб, тариқат ягона услуб, ягона силсила ва ташкилий тузилма тусини олди.

Тариқатларнинг ташкил топиши ва ислом оламида кенг тарқалишига тарихий ҳодисалар ҳам туртки бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мўғуллар босқини, аббосий халифаларнинг заифлашуви, уламолардан кўра тариқат шайхларининг обрўси ошиб бориши, ислом оламидаги умумий тушкунлик даврида биродарлик ҳисси билан бирлаштирувчи тариқатларнинг олдий мусулмонлар назарида аҳамияти ошиб борди.

XII-XIV асрларда тасаввуфда илк тариқатларшаклдага келди, дейилади. Бу тариқатлар кейинчалик пайдо бўлган барча тариқат тармоқлари ёки алоҳида тариқатларнинг узаги ҳисобланади. Абдулқодир Жилоний (ваф. 1166 й.) издошлари таъсис этган қодирия тариқати дастлабки тариқатлардан бири ҳисобланади. Кейинги ўринда вужудга келган тариқатлардан бири Аҳмад Рифоий (1106-1183) асос солган рифоия тариқати дейилади. Мазкур тариқат ўз асосчисининг хаётлик пайтида тўлақонли тариқат сифатида эътироф этиб бўлинган эди. Суҳравардия каби баъзи тариқатлар эса ташкилий тузилмаси йўқлиги туфайли том маънодаги ташкилот сифатидатариқатга айлана олмади. Тариқатларни бир-биридан фарқланишида зикр катта аҳамият касб этади. Тариқатларнинг асосий хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: силсила орқали ўтадиган барака меросхўри сифатида тариқат пайхига тўлиқ итоат этиш тамойили; иерархик итоат асосига қурилган ягона ташкилот тизимининг мавжудлиги; тариқат шайхига байъат бериш; жисмоний, аскетик ва руҳий машқлар (узлат, зикр, нафл рўза, бедорлик ва ҳк.)ни бажаришда ички тартиб-қоидаларнинг мавжудлиги; жамоавий зикрнинг маросим сифатидаги аҳамияти; тариқатда авлиёлар қабри билан боғлиқ эътиқодшинг мавжудлиги.

2. Дастлабки тариқат бирлашмалари. Тасаввуф анъанасида дастлаб вужудга келган тариқатларнинг сони ўн иккита (12та), деган тушунча мавжуд. Шундан бошқа тариқатлар ё уларнинг тармоқлари, ёки улардан ажраб чиққан ҳисобланади. Тасаввуфий манбаларда учрайдиган ўн икки тариқат номлари турли даврларда вужудга келган ёки тўлиқ шаклланган даври турлича бўлган тариқатлар бўлиб, улар муайян бир тарихий муҳитда пайдо бўлмаган. Жумладан, 12 рақами ҳам ўзига хос рамзийликка эга бўлиб, Осмонлар ва Ер яратилган пайтдан йилнинг 12 ойга бўлиниши (Тавба, 36), Юсуф пайғамбарнинг 12 акаси, Исо пайғамбарнинг 12 ҳаворийси, шиаларнинг 12 имом тўғрисидаги қарашлари ва бошқалар рамзий маънода тариқатларнинг 12 каммаслак биродарлар тарзида тасаввур қилинишига сабаб бўлса керак. Аммо бу масала ҳали узил-кесил ўз жавобини топган, дейиш қийин. Бунинг сабаблари аслида жуда олдий бўлиб, рамзий маънога эга рақам танлаб олиниб, сўнг турли тариқатлардан рўйхат тузилгани эҳтимолдан холи эмас.

Ўн икки «аслий тариқатлар» рўйхати одатда қуйидагича:

1. Рифоия,
2. Яссавия,
3. Шозилия,
4. Суҳравардия,
5. Чиштия,
6. Кубравия,
7. Бадавия,
8. Қодирия,
9. Мавлавия,
10. Бектошия,
11. Халватия,
12. Нақшбандия

Айрим манбаларда эса кубравия ўрнига байрамия, бектошия ўрнига алавия тариқатлари номлари келтирилган. Умуман олганда, бу каби рўйхатлардаги фарқлар тариқатлар тарихидаги айрим босқичларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Чунончи, бектошия ва халватия тариқатлари «аслий тариқат»лар қаторига киритилиши бирмунча баҳс-мунозара уйғотади. Бектошия тариқати келиб чиқишига кўра Аҳмад Яссавийнинг издоши бўлмиш Хожи Бектоши валий томонидан асос солинган. Бошқа фикрга кўра бу тариқат рўйхатдан жой олмаган рафоия тариқатидан ажраб чиққан. Демак, бектошия тариқати ўзидан аввалги тариқатлар таъсирида вужудга келган ва «аслий тариқат» бўлиши мумкин эмас. Ҳар икки тариқат ҳам шиалик унсурлари билан тўйинган – бектошия дастлаб суннийлик тариқати бўлиб, кейинчалик шиаликка ўтган; халватия дастлаб шиа тариқати бўл-

тан. Айнан шиа тариқатларида 12 тариқат тушунчаси ўн икки имом билан боғлиқ рамзийлик, деб изоҳланади. Рўйхатдан бошқа тариқатлар ҳам аслида тадрижий тарзда ҳозирги кўринишга келган. Уларнинг айримлари турли даврларда турлича номланиб,аксарияти «аслий тариқат» номига даъво ҳам қилмаган. Шундан келиб чиқиб, 12 тариқат тушунчаси ва ушбу рўйхатдан жой олган айрим тариқатларни ўрганиб чиқиш фойдадан холи эмас.

3. Айрим илк вужудга келган тариқатлар тарихи ва таърифи. *Рифоия тариқати.* Рифоийлар Яқин Шарқда, хусусан, Эронда кенг тарқалган дарвешлардан иборат бўлиб, ўрта асрларда вужудга келган. Бу тариқатга «ақтоби арбаа» (тўрт қутб)дан бири ҳисобланган басралик Саййид Аҳмад ибн Али Рифоий (ваф. 1183 й.) асос солган. Етти ёшида отасидан етим қолгач, ўз қарамоғига олган тоғаси суфий шайх Мансур Ботаниқий уни шофеий фақиҳ Абулфазл Али Воситий ҳамда Рифоийнинг яна бир тоғаси суфий шайх Абу Бакр Воситийнинг қўлида тарбияланиши учун Восит шаҳрига юборади. 27 ёшига қадар Аҳмад Рифоий уларнинг қўлида таҳсил олиб, Абулфазл Али Воситийнинг қўлидан ижозат олади, тоғаси Мансур эса унга хирқа кийдириб ҳамда ўз суфий жамоасига раҳбар қилиб қолдиради. Ушбу тариқат силсиласи Али (р.а.)га бориб тақалади. Рифоийлар тариқатнинг асл моҳиятидан узоқлашиб, ноанъанавий хатти-ҳаракатлари билан ажралиб турганлар: тер миниш, тирик илонларни ютиш, баданларига пайза санчиш, қилични ўзига босиш, олов устида юриш, чўғ темирни ялаш ва бошқа. Бу каби амалиётларни тариқатда жорий қилиш, томошалар кўрсатиш оқибатида кўплаб суфийларнинг танқидига учраганлар. Ибн Баттута 1327 йили Воситда Аҳмад Рифоийнинг мақбарасига борганда, у ердаги гаройиб хатти-ҳаракат қилаётган суфийларни тасвирлайди. Уларнинг чўғ устида юришлари, олов ютишларини Ҳиндистонда ҳайдария тариқатига мансуб қаландарларда кўрганини қайд этади. Рифоия тариқати ўз фаолиятини карвонсаройларда олиб бориб сайёр дарвешларга катта таъсир кўрсатди. Уларнинг айримлари кейинчалик бадавия, дасуқия, шозилия тариқатларини шакллантирдилар.

Рифоийларнинг карвонсаройлари кўплаб зовияларга намуна бўлиб хизмат қилди. Рифоия Миср ва Сурияда жуда тез тарқалди. Сурияда тариқатнинг таниқли намояндаси Абу Муҳаммад Али Ҳаририй бўлиб, тариқатнинг бир тармоғи айнан ҳаририя деб аталди. XIII-XIV асрларда рифоийлик турк ерларида ёйила бошлади. Ибн Баттута Анатолияда «аҳмадий» зовияларда турганини зикр қилган. Шу билан бирга, машҳур саййҳ рифоийларни Малдив оролларида ҳам кўрганини келтириб ўтган. XV асрда рифоия машҳурликда қодирийликдан кейинги жуда кенг тарқалган тариқатга айланди. XVIII асрда эса Қоҳирада Аҳмад Рифоийнинг туғилган куни 12-Жумодиc-соний обида жуда кенг нишонланар эди. XIX асрга келиб рифоийлар усмонийларнинг тазйиқига учрадилар. Муфтийлар уларнинг фаолиятини бидъат деб баҳоладилар. Шудан кейин рифоийлар анча инқирозга учраганларига қарамай, кўп жойларда, айниқса Қоҳирада ўз мавқеларини XX асрда ҳам сақлаб қола олдилар.

Рифоия силуки турли қудуқларга тарқалиб кетгач, айрим жойларда футувват ва айримларида бектошийлик билан қўшилиб кетган. «Ҳар рифоий шайхининг қулоҳи остидан бир бектоший қулоҳи чиқади» деган гап ҳам рифоий-бектоший якинлигини ифода этади. Рифоия тариқати – ҳаририя, каёлия, саййдия, азизия, жандалия, ажлония, катнония, фазлия, восития, жабартия, зайния, нурия, маъруфия шохобчаларига бўлиниб кетган.

Рифоийлар жаҳрий зикр тушиб, само мажлисларини ўтказганлар. Ушбу мажлисларда чиқарадиган ноодатий товушлари туфайли ғарбда «увиллайдиган дарвешлар» номини олган эдилар. XX аср бошида рифоийликда тариқат халифасини тайинлаш маросими «Истанбул кечалари» китобида қайд этилган. Унга кўра, тариқатнинг барча аъзолари бир жойга таклиф этилган, шамчироқлар ёқилган, Қуръон тиловати, суфиёна қўшиқлар тингланган. Халифаликка номзод юриши тариқат шайхининг қўлини ўпади, сўнгра тўрт нафар рифоий дарвеш икковини йиғилганлардан парда билан тўсиб туради. Шайх унга бу вазифанинг моҳияти ва сирларини очлазади. Тун Қуръон тиловати, қўшиқлар тингланиб ва ибодат билан ўтказилади.

Бадавия тариқати. Бадавия (ёхуд аҳмадия) тариқатига Мисрда Аҳмад Бадавий асос солган. Бадавия амалиётда қодирийлар ва рифоийларга яқин туради. Айрим манбаларда эса, бадавия тариқати рифоия ёки шозилиянинг шохобчаси сифатида қайд этилади. Бадавия тариқати Миср диний ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Тарқалиши жиҳатидан шозилиядан кейинги ўринда турадиган ушбу тариқат Мисрдан ташқарида оммалашмади. Истамбулдагина бир неча бадавий текяхонаси сақланиб қолган. Бадавиянинг бошқарувчиларини аниқ четаралаштирмаган. Жойлардаги маҳаллий элчи ва жамоа раҳбарлари номигагина тариқат раҳбарига итоат этиб, камдан-кам ҳолларда ундан фатво олганлар. Тариқат қароргоҳи асосий зиёратгоҳ – Танта шаҳрида жойлашган. 1333 йили тариқат асосчисининг вориси Солиҳ Абду-л-Ол вафотидан сўнг бадавияга раҳбарлик қилиш мерос бўлиб ўта бошлаган. XIV-XV асрларда айрим мамлук султонлари бадавия билан алоқада бўлганлар. Бадавия узоқ вақт мобайнида (XX асрнинг 50-йилларигача) Миср халқи орасида ўз таъсирини сақлаб келган. Бадавиядан камида 15та тармоқ ажралиб чиққан, уларнинг айримлари (мас., дасуқия-бурҳония) мустақил тариқатга айланган. Бадавияга Миср халқининг қадимий ислом ва христианликдан аввалги диний эътиқодлари ва урф-одатлари аралашиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак, Абдулваҳҳоб Шаъроний (1493-1565) бадавияни шариат йўлидан оғаётганликда айблаган. Бадавия тарафдорлари ўзига хос қизил рангли кийим кийиб, хирқа ва 12 шокилали узун қалпоқлари, шунингдек байроқлари ҳам қизил бўлган. Улар одатда пайшанба кунлари Тантадаги марказий зиёратгоҳда, махсус ҳовлиларда ва Қоҳирадаги Ҳусайн масжидида жамоа бўлиб махсус қўшиқчи хонанда ва ноғора садоси остида давра бўлиб зикр тушганлар. Давра бўйлаб айланаётган зикр иштирокчилари вақти-вақти билан чуқур таъзим бажо келтириб, шу ҳолатда қўлларини олдинга чўзганлар. Тариқатда уч байрам кенг нишонланган. Байрам саналари қадимий қибтий қуёш тақвимига қараб белгиланган. Биринчи байрам санаси «илоҳий чўқинтириш» кунига тўғри келади, қолган икки сана Нил дарёси сувининг кўтарилиши муддати билан боғлиқ (ҳосилдорликка бағишланган маросим). Байрам-

лар вақтидаги тартиб устидан бадавия аъзоларидан тузилган махсус кўриқчилар – Нуҳ авлодлари назорат юргизишган. Уларнинг белида ёғоч қилич, қўлларида арқон қамчин, бўйинларида турли рангдаги мунчоқ шодаси бўлиб, у кўкракка тушиб турган; бош кийимларининг тепасида рангли тизимчалардан қилинган тутама (ўрам) бўлган. Бадавия тариқатининг асосида Аллоҳни доимо қалбда ёд этиш тамойили турган бўлсада, аммо вақт ўтиши билан тариқат аъзолари тик турган ёки ўтирган ҳолда жаҳрий зикр тушиш амалиётини жорий қилганлар. Бадавиядан қуйидаги шохобчалар ажралиб чиққан: саламия, иббания, мунавия, сутухия ва байюмия, матлубия ва бошқа.

Бектошия тариқати. Бектошийлар асосан Туркияда тарқалган тасаввуф тариқати издошлари бўлиб, Кичик Осиёда XII а. охири – XIV а. бошида маҳаллий турк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси орасида пайдо бўлган. Тариқатнинг номи Хожа Бектош Румийдан олинганиб,бектошия тариқатининг ҳақиқий асосчиси ваъзхон ва қаландар Хожа Бектош Валий Нишопурий Хуросоний (1208-1270) хисобланади. Унинг силсиласи эса, туркистонлик шайх Аҳмад Яссавийга, ундан эса, шиа имоми Мусо Козимга тақалади. Бектошия аъзолари шиалардек ҳазрати Али ва 12 имомга, айниқса, 6-имом Жаъфар Содиққа алоҳида эҳтиром кўрсатадилар. Хожа Бектош Кичик Осиёда тез шуҳрат козонди. Бу тариқат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида қўллаб-қувватланган. Вақти келиб бектошия кенг тармоқ ёйган ташкилотга айланиб, ўзининг белгиси ва махсус кийимига эга бўлган. Бектошия тариқатининг қатъий уюшган жамоага айланишида «Улуғ пир» Балим Султоннинг (вафт. 1516 й.) таъсири катта бўлган. Илмий адабиётда уни «Иккинчи пир» («Пири сониий») деб аташади. Балим Султон ўзини ХожаБектош Румийнинг авлоди, деб эълон қилган ва тариқат тузилишига алоқадор бир қатор ислоҳотларни амалга оширган. Янги ислоҳотлар айрим бектошийларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Оқибатда тарикат ўзаро низоли икки йўналишга бўлиниб кетди: 1. Чалабий, улар ўз тажараларини Бектош Валига боғлар эдилар. Бу йўналиш кўпроқ Онадўлида тарқалган эди. 2. Бобогон, улар ислоҳотларга қарши бўлиб, Бектош Валининг оиласи бўлмагани ва шу сабабли

унинг авлоди қолиши мумкин эмаслигини таъкидлар эдилар. Бу йўналиш асосан усмонийлар империясининг Европа қисмида тарқалган эди. Ушбу икки йўналиш ўртасида очиқ низолар кўп бўлиб турар эди. Бектошия айниқса Балим Султон замонида кенг тарқалиб, яничарлар (Туркиядаги имтиёзли махсус аскарлар) орасида ёйилган, улар орқали давлат ишларига ўз таъсирини ўтказган. 1826 йилда Султон Маҳмуд II яничарлар корпусини тугатгач, бектошия фаолияти тақиқланди. Унинг йирик раҳбарлари қатл этилди. Бектошин тарафдорлари эса, Болқонга ва Албанияга тарқалиб кетди. Бектошийларга тегишли мулклар асосан нақшбандийларга тақдим этилди. Султон Абдулмажид (1839-1861) даврида бектошийлар ўзларининг олдинги мақомларини қисман қайтариб олишга муваффақ бўлсаларда, аммо аҳоли эътиборидаги олдинги шуҳратларинижайтара олмадилар. Шу билан бирга бектошийликдаги ички низолар туфайли тариқатнинг турли шўъбаларга бўлиниб кетиши унинг обрўси янада тушишини юзага келтирди. 1925 йилда бектошийлик Туркияда расман тақиқланди. Улар 1967 йилгача Албанияда ўз фаолиятларини олиб бордилар. Ҳозирги Туркияда кам сонли издошлари сақланиб қолган.

Тариқатнинг раҳбари «дада»нинг қароргоҳи Хожа Бектош Вали мақбараси жойлашган қишлоқда (Қиршаҳир ва Қайсари ўртасида) жойлашган. Одатда унинг ўринбосари – чалабий ҳам шу ерда истиқомат қилади. Тариқат муридлари тадрижий юксалиш бўйича беш тоифага бўлинган: 1. Муҳиб – тариқатга кабул килинган киши. Бунинг учун у икки бектошийдан тавсия олиши лозим бўлган. 2. Ларвош – тариқатга хизмати сингган, байъат берган, кирка ва тож кийишга рухсат берилган киши. 3. Бобо – тариқат халифаси томонидан тайинланган бўлиб, текхонани бошқарган. У мухиб ва дарвешларни тарбиялаш ҳуқуқига эга бўлган. 4. Мужаррад – халифага энг яқин мақом ҳисобланган. Бу мақомга оила қурмаган ва уйланмаслик аҳдини олган тариқат аъзоси тариқатнинг асосий текхонаси ёки Карбало ва Опадўлидаги Балим-Султон текхонасида ўтказилган махсус ёпиқ маросимда тайинланган. Маросимда мужаррадликка ўтган дарвешнинг ўнг қулоғи махсус кумуш ёки мис сирға тақиш учун

тешиб қўйилган. 5. Халифа –минтакавий текхонани бошқариш учун боболар орасидан тайинланадиган чалабийнинг ўринбосари. Халифа тайинланиши учун бир бобо ва уч мужаррадининг тавсияси лозим бўлган.

Бектошийлар тўрт ёки ўн икки бурмали оқ бош кийим кийганлар. Тўрт сони тўрт йўлни билдирган: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Шу билан бирга тўрт тур одамларга ишора қилган: обид, зоҳид, ориф, муҳиб. Ўн икки бурама эса ўн икки имомга ишора қилган.

Бектошийлик синкретик таълимот ҳисобланиб, исломдаги турли оқим ва ҳатто бошқа динлардан ҳам кўп парсани ўзлаштирган: христианлик, ламаизм, турк шаманизми. Аслида сунний тариқат ҳисобланган бектошийликда шиалик ва ҳуруфийликнинг таъсири сезилиб туради: Али (р.а.)ни мукаддаслаштириш, муҳаррам ойида ўтказиладиган шиаликка хос маросимларни ўтказиш, ўн икки имомни улуғлаш, Фазлуллоҳ Астрободийнинг ҳарф ва сонларнинг сирлари ҳақидаги қарашларига каттиқ эътибор бериш ва бошқа. Бектошийлик ўз таълимотини содда турк тилида тарғиб қилгани учун туркlар орасида катта шуҳрат қозонди. Бектошийликнинг синкретик табиати Венгрия ва Болкон ярим оролидаги христиан аҳоли учун ҳам мақбул бўлган эди. Ҳозир ҳам бектошия тарафдорларини Европада учратиш мумкин. Бектошия турк халқи диний-мистик дунёқарашининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг маданияти, мусиқаси ва айниқса адабиётининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Хожа Бектошнинг энг машҳур ва диққатга молик асари – «Мақолот» китобидир. Асар ўн бир бўлимдан иборат бўлиб, уларда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомлари, тасаввуфий маслакнинг етакчи хусусиятлари, комилликни қўлга киритиш сирлари, илоҳий ишқ каби масалалар ўрин олган. «Мақолот» асари ўзбек тилига таржима қилинган (2000).

Чиштия тариқати. Шарқий Хуросонда XII-XIII асрларда чиштия тариқати юзага келди, аммо бу тариқат асосан Ҳиндистонда тараққий этди. «Чиштия» сўзи Ҳиротдаги «Чишт» қишлоғи номига мансуб бўлиб, бу тариқат асосчиси Ҳазрат

Каримиддин шайх Муҳаммад Аловий Диноварийнинг шогирди Шарифуддин Абу Исҳоқ Шомий (ваф. 1097 й.) дир. У суфийлар орасида «Шарифуддин» номи билан машҳур эди, аммо кейинчалик у Абу Исҳоқ Шомий Чиштий номи билан элга танилди. Ушбу тариқатга Хожа Аҳмад Аблол томонидан асос солинган деган, фикр ҳам мавжуд.

Ҳиндия ибн шайх Абдураҳим ибн Ҳаким ибн Чиштий Усмонийнинг «Сияру-л-ақтоб» асарида чиштия тариқатига оид муҳим маълумотлар мавжуд. «Сияру-л-актоб» асари хижрий 1036 (мил. 1626) йилда форс тилида ёзилган бўлиб, сўнгра Хоразмшоҳ Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1844-1910)нинг фармони билан мулла Худойберган оҳун Хивакий томонидан XVII асрда туркий тилга таржима қилинган. Мазкур асарда ёзилишича, Абу Исҳоқ Шомий Чиштийдан сўнг бу тариқатни у кишининг шогирдларидан бўлмиш Ҳазрат Абу Аҳмад Чиштий (873-966),у кишининг мурида ва ўғли Хожа Абу Муҳаммад ибн Хожа Абу Аҳмад Чиштий (ваф. 1013 й.), у кишидан кейин Носириддин Хожа Абу Юсуф Чиштий (985-1066) ва унинг мурид Ҳазрат қутбиддин Хожа Мавдуд Чиштий (ваф. 1132 й.)лар ҳамда уларнинг авлодлари давом эттиришган. Ҳазрат Хожа Муиниддин Ҳусайний Ҳасан Сажзарий Чиштий Ажмирий (1142-1236) кейинчалик чиштия тариқатини Ҳиндистонга бориб тараққий эттирган. XII асрнинг иккинчи ярмига келиб чиштия тариқати Гужарот, Уттар-Прадеш ва Бихарда кенг тарқалади. Бу ерларда ҳам чиштия тариқати катта нуфузга эга бўлади. Чиштия тариқатини Ҳиндистонда нафақат мусулмонлар, балки ҳиндлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Чиштия тариқати шайх Низомиддин Авлиё (1325 йилда Деҳлида вафот этган) даврида ўз тараққиётининг юкори чўққисига чиқиб, Ҳиндистоннинг шарқи ва гарбида ҳам ёйилган эди. Бу даврга келиб шайх Низомиддин Авлиё чиштия тариқатининг тармоқларидан бўлмиш «низомин» тариқатига асос солади. Кейинчалик бу тариқат мустақил бўлиб ажралиб, ўзининг бошқа тармоқларига ҳам эга бўлди.

Низомиддин Авлиёнинг вафотидан сўнг туғлуқлар сулоласининг асосчиси бўлмиш Гиёсиддин Туғлуқ шоҳ I ўғли – Деҳли султони Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Туғлуқ шоҳ II (1325-1351)

чиштия тариқатига кучли таъйиқ ўтказиб уларни вилоятларга тарқатиб юборади ва ислом таълимотини сиёсий соҳаларда тарғибот этиш, уни четда тарқатиш учун ўзларини бағишлашга буюради. Шундай қилиб, чиштийлик тарикатининг энг муҳим босқичи унинг 1325 йилда вилоятларга тарқалиб кетиши билан тугади.

XV асрга келиб Уттар-Прадешда чиштия тариқатининг бир тармоғи ҳисобланган Алоуддин Али ибн Ахмад Собир асос солган «собирия» тариқати кенг тарқалиб кетади. Ўз навбатида шуни қайд этиш ўтиш жоизки, бу тариқат чиштия тариқатининг замирида юзага келган тариқатлар орасида энг умрбоқий тариқатлардан бўлиб қолгандир. Бу тариқатнинг машҳурларидан шайх Абдулқуддус (ваф. 1537 й.) ва Муҳаммад Илёс Кандеҳлавий (ваф. 1944 й.) тилга олинади.

XVIII асрнинг бошларига келиб шайх Калимуллоҳ Жаҳонободий (1660-1729) чиштия тариқати асосида юзага келган низомия тариқатини янгилаб юзага олиб чиқади. Унинг тарғиботи анчагина муваффақият қозонади ва унинг муридлари Панжоб, Уттар-Прадеш, Синд ва Деканлардаги чиштия тариқатининг хонақоҳларини тиклашади. Қайта тузилган низомия тариқатининг вакилларидан Ғуломхайдар Али шоҳни (ваф. 1908 й.) келтириш мумкин.

Чиштия тариқати Ҳиндистонда фаолият кўрсатган бўлса-да, Афғонистонда, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса Эронниг Исфаҳон шаҳрида ҳам фаолият кўрсатган бир қанча жамоалар пайдо бўлди.XVIII асрга келиб чиштия тариқати Маккада ҳам ўз хонақоҳига эга бўлди. Аммо Маккадаги чиштия тариқатига фақатгина ибодат учун келган ҳиндларгина аъзо бўлдилар, бошқа миллатлар орасида чиштия тариқати бу ерда муваффақият қозонмади.

Чиштийларнинг дунёқараши Ибн Арабий томонидан асос солинган «вахдату-л-вужуд» назариясига асосланган эди. Уларнинг одоби бошқа тариқатлар одобига ўхшаш зикр, забти нафс (нафсни гажлаб тўхтатиш), мурокаба ва бир ҳиндий русумдаги чилла мавжуд бўлиб, унда солик қирқ кун ўзини ғорга ёки хужрага ёсарди.

Ҳиндистонда ташкил топган ҳар қайси тариқат шу минтақада аввалдан мавжуд бўлган диний расм-русмлар таъсиридан четда қолмади. Бу ерда тараққий этган чиштия тариқати йўлбошларининг машқларини, оила қурмасдан тоқ ўтиш ғоясини ва бошқа бир қатор маҳаллий урф одатларни ўзлаштириб олдилар. XIII асрга келиб ҳинд урф одатларидан бўлмиш ҳурматли инсоннинг ҳоки пойини кўзига суртиш одати ҳам чиштийлар томонидан ўзлаштириб олинди ва мурид муршидининг ҳоки пойини кўзига суртиши шарт, деб қарала бошланди. Чиштияда мақомат ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Тариқатда соликнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатувчи мақом (турок, бекат)лар мавжуд.«Сияру-л-ақтоб» асарида чиштия тариқатининг қуйидаги 12 мақоми қайд этилган:

1. Тоййиблар мақоми. Бу мақом Одам (а.с.) мақомидир.
2. Обидлар мақоми. Бу мақом Идрис (а.с.) мақомидир.
3. Зоҳидлар мақоми. Бу мақом Исо (а.с.)мақомидир.
4. Розилар мақоми. Бу мақом Айюб (а.с.) мақомидир.
5. Жобирлар мақоми. Бу мақом Юнус (а.с.) мақомидир.
6. Содиқлар мақоми. Бу мақом Юсуф (а.с.) мақомидир.
7. Мутафаккирлар мақоми. Бу мақом Шуайб (а.с.) мақомидир.
8. Солиҳлар мақоми. Бу мақом Довуд (а.с.) мақомидир.
9. Мухлислар мақоми. Бу мақом Нуҳ (а.с.) мақомидир.
10. Орифлар мақоми. Бу мақом Хизр (а.с.) мақомидир.
11. Шокирлар мақоми. Бу мақом Иброҳим (а.с.) мақомидир.
12. Муҳиббилар мақоми. Бу мақом Муҳаммад (а.с.) мақомидир.

Юқоридаги қоида ва мақомлар «Сияру л-ақтоб» асарининг ЎзҲИАдаги қўлёзмаси 84б,85а,85б,104б саҳифаларида батафсил ёритилган.

Халватия тариқати. XIV аср охирида шимоли-ғарбий Эронда шаклланган халватия тариқати силсиласи Жунайд Бағдодий орқали Али ибн Абу Толибга боғланади. Тариқат дастлаб туркий аҳоли ўртасида вужудга келиб, Аҳмад Яссавий, маломатия ва қаландариядан таъсирланган. Гарчи халватия илк фаолиятида шиалик билан нқиндан боғлиқ бўлсада, аммо у сунний тариқат ҳисобланган. Тариқатлар довси номини олган халватия ўттиздан зиёд мустақил сулук ва тарикатларни бошлаб берган. Мазкур тариқат аввалида қуйидаги тўрт бош шаҳобчага бўлинган, улардан эса кўплаб шўъбалар ажралиб чиққан: рашания, жамолия, аҳмадия, шамсия. Халватиянинг асосчиси гилонлик Абу Абдуллоҳ Сирожиддин Умар Халватий (ваф. 1397 й.) бўлган. Унинг шайхи Каримуддин Халватий ўз навбатида Иброҳим Зоҳид Жилонийнинг (ваф. 1300 й.) халифаси бўлган. Демак, бир жихатдан халватия зоҳидия тариқатининг тармоғи деб ҳисобланиши ҳам мумкин. Умар Халватий халватга катта аҳамият берган. Манбаларда унинг пешма-пеш қирқ марта қирқ кунлик халватда ўтирганлиги зикр этилган. У ўз мидоплари учун зухд ва чиллада ўтиришнинг кескин талабларини ишлаб чиққан. 12 имомга мослаб, 12 кунлик рўзани татбиқ қилган. Умар Халватийдан сўнг уч шайхдан кейин тариқат раҳбарлигини қўлга олган озарбайжонлик Яҳё Ширвоний Бокувийни (ваф. 1464 й.) гарб тадқиқотчилари тариқат асосчиси, деб ҳисоблайдилар. Халватийлар эса унн «пири соний» деб эътиборга оладилар. Унинг тариқат зикр амалиётига киритган «Вирду-с-саттор» дуолар тўплами ҳамон амалиётда жорий қилинади. Халватия XV асрнинг бошида Туркияда мустаккам ўрнаша борди. Эроний асосга эга экапига қарамай, халватин турклар ўртасида кенг тарқалди. Кейин эса турклар орқали араб ўлкалари ва Болқонда ёйилди. Усмонийлар империясида Сулаймон I (1520-1566) Салим II (1566-1564) даврида халватийлар ўз фаолиятининг чўққисига эриша олганлар. Зеро, бу даврда сарой аъёнларининг аксарияти халватийларга мойиллик билдирган эдилар. Халватияга усмонийлар раҳнамолик қила бошлагач, тариқат таълимотида ўзгаришлар содир бўлиб, у суннийлик тариқатига айланди. Тариқатдаги шиалик унсурлари деярли тугатилди.

Эронда сафавийлар ҳокимият тепасига келгандан сўнг, халватийларни юртдан сиқиб чиқара бошладилар. XVII асрда ганаззулга юз тутган халватийликнинг XVIII асрда янги тармоқлари пайдо бўлиб, усмонийлар империяси ҳудудларида XIX-XX асрларда ҳам тарқала бошлади. 1925 йил тариқат Туркинда тарқатиб юборилди. Халватийлар Миср, Жазоир, Сурия, Албания, Судан, Тунис, Эфиопия ва Ливанда фаолиятларини давом эттирдилар. Халватия таълимоти асосини қуйидагилар ташкил қилади: жу

(ихтиёрий пчлик), самт (сукут сақлаш), саҳар (бедор бўлмоқ), эътизол (узлат), зикр, тафаккур, рабт (мурид қалби билан шайх қалби ўртасидаги алоқа) ва мудом тахоратда юрит.

Халватида асосий эътибор хилватга чиқиш амалиётига қаратилади. Хилват уч кундан қирқ кунгача давом этади. Мурид-нинг хилватдаги ҳар бир хатти-ҳаракати батафсил чизиб берилган. Кубравиядаги синтари халватияда ҳам хилватдаги зикрдан кейин муриднинг тушлари таъбирига катта аҳамият берилади. Тариқатда жаҳрий зикр жорий бўлган. Кўпчилик бўлиб қилинган халватий зикрга «зарби асмо» дейилади. Бу зикрда аҳли тариқат зикр халқасининг ўнг тарафида, тариқатга кирмаганлар чап томонда жойлашадилар. Шайхнинг бошқаруви остида тик туриб ва ўтириб зикрдан кейин давр қиладилар. Давр тик туриб, кўпчилик билан чапга-ўнга юриб ижро этилади. Халватиянинг бешинчи пири Яҳё Ширвоний томонидан тузилган «Вирду-с-саттор» дуосини жамоанинг умумий йиғилишида баланд, товушда ўқишга алоҳида эътибор қаратилади. Гарчи халватий жамоаларнинг нафл намоз, рўза, тунги бедорлик, хилватга чиқиш амалиётлари бир-биридан фарқлансада, аммо айнан «Вирду-с-саттор»ни ўқиш борасида тариқатнинг барча жамоалари якдилдир. «Вирду-с-саттор» уч қисмдан иборат бўлиб, унда Аллоҳга ҳамд, сўнгра пайғамбарларга наът, чоҳорёрларнинг тавсифлари дуолар билан уйғун ҳолда келтирилган. «Вирду-с-саттор»ни бир киши жамоанинг умумий йиғилишида ўқийди, қолганлар эса қалб билан зикр қилиб, жим муроқаба ва мушоҳада этадилар. Бу ҳолатни айримлар хафий зикрга нисбат берадилар. Айнан жамоавий зикрда иштирок этаётган мурид жамоадаги барака ва файз туфайли Аллоҳни мушоҳада эта олади, деб ҳисобланади. Ваҳоланки, нақшбандияда мурид шайхининг бевосита назорати остидагина Аллоҳни мушоҳада қилиш даражасига етади. Кўплаб халватий шайхлар Ибн Арабийнинг ваҳдату-л-вужуд таълимотидан таъсирлангани уларнинг асарларида сезилиб туради. Аммо айрим халватий шайхлар бу таълимотга шубҳа билан қараганлар.

Ташкилий тузилма нуқтаи назаридан халватия тариқати шаҳобчалари раҳбари тариқат асосчисининг халифаси (ўрин-

босари) ҳисобланган. Улар жойларда ўз вакиллари – нойибларга, уларнинг қўл остида эса жамоа раҳбарлари – муқаддамлар бўлган. Туркиядаги халватия шаҳобчаларининг зовиялари раҳбарлиги мерос бўлиб ўтган. Сурияда жамоаларда сайлов асосида тайинланган. Йирик халватий шаҳобчаларининг раҳбарлари жойларга халифа, нойибларни тайинлаб жўнатганлар. Миср ва Сурияда халватийларда тариқатнинг маъмурий-молиявий масалалари бўйича масъул – вакил лавозими таъсис этилган бўлса, Сурияда халватийларда само ва ҳадра мажлисларида мусиқа жўрлигини назорат қилувчи накиб вазифаси жорий қилинган эди. Умуман олганда, халватияга кириш учун муайян қаттиқ талаблар қўйилмаган, фақатгина аҳмадия тармоғи саводи йўқларни ўз сафига қўшмаган.

Халватия тариқати аъзолари асосан яшил ёки қора рангдаги тўртбурчакли қалпоқ кийиши билан ажралиб турган. Аммо халватий жамоаларга қараб бу кийим ўзгариши мумкин. Масалан, шаъбоний тармоғида махсус чўпон кийилган, катта салла ўралиб, унинг учи орқа томондан белгача осилиб турган.

Қаландария. Қаландарийлик тариқатининг келиб чиқиш тарихи, унинг таълимот сифатида намоён бўлиши Марказий Осиё ҳудудига тўғри келади. XIII асрларга оид манбаларда дар-бадар юрт кезувчи дарвеш-қаландарлар атамаларини учратиш мумкин.

Қаландарийлик тарихидаги икки босқич ажратиб кўрсатилади:

1. Қаландарийлик ҳаракати XI аср бошларида Марказий Осиёда маломатия таълимоти таъсирида вужудга келган. Бу босқичда қаландарийлик мукаммал ташкилот кўринишига эга бўлмаган. Баъзи тарихий манбаларда қаландарийлик ўз даврида «тоифа» бўлгани ҳам келтирилади. Бу эса, унинг яхлит бир уюшма тарзида ўз фаолиятини олиб борганини англатади. Дастлаб оғчиликни ташкил қилган қаландарлар қисқа вақт ичида кўплаб тарафдорларга эга бўлдилар ва машҳурликка эришдилар. Шарқда Фарғонагача, ғарбда эса Ироқ ва Суриягача етиб бордилар.

XIII асрга келиб қаландарийлик йўналиши тушкунликка учраб, фаолияти бироз сусайгани кузатилади. Бу даврда уларнинг ҳаракатлари унчалик кўзга ташланмайди. Бу тариқатнинг кей-

инги вакилларидан бир қисми унга содиқлигича қолиб, унинг анъаналарини сақлаб қолишга уринган бўлсалар, баъзилари бошқа мусулмон жамоаларига қўшилиб кетдилар. Қаландарлар ўзларининг амалиётлари жараёнида несториан, буддист ва монахларнинг услубларидан фойдаланганликлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

2. Қаландарийликнинг бу босқичи эронлик Жамолиддин Муҳаммад ибн Юнус Савий (вафт.1223 й.) номи билан боғлиқдир. У 1220 йили мўғуллар босқини даврида Саводан Дамашққа кўчиб келади. У ерда қаландарийлик ҳаракатига ташкилий тузилма тусини беришга интилди ва бунга маълум муддатда эришди.

Қаландарийлик тариқатига хос ахлоқий ва ирфоний қоидалар ҳақида гапирганда биринчи навбатда фақирлик тушунчасига тўхталиш зарурдир. Фақирлик ушбу тариқатнинг асосини ташкил этади. Бу нарса ўз-ўзидан вужудга келган эмас. Ҳадисда фақирлик бир улуғ даража сифатида қайд этилади. Зеро, асл фақир инсон руҳий иллатлардан қалбини тозалаган, дунё лаззатларига нисбатан қаноқ, нафс истакларидан юқори турувчи кишидир.

Қаландарийликдаги фақр тушунчаси Абу Толиб Мир Обиднинг «Ойини қаландарий» китобида ҳам ёритилади. Унга кўра, қаландарлик тўрт асосий таълимотни ўз ичига олади:

1. Тажрид. 2. Фақирлик. 3. Ишқ. 4. Маломатийлик.

1. Тажрид. Тажрид холи бўлиш, узилиш маъносини англатиб, орифлар наздида барча дунёвий нарсалардан воз кечиш демакдир. Тажрид айтган риёзат атамасига тўғри келиб, қаландарийлик тариқатига кирган мурид учун илк босиб ўтиши керак бўлган босқичлардан биридир. Бу ҳақда Мавлоно Убайд Закоий ўзининг «100 ўгит» номли рисоласида шундай ёзади: «қаландарийлик ва мужаррадлик шодликнинг асоси ва ҳаётнинг мазмунидир».

Қаландарийлар тажрид масаласида ғулувга кетиб, уйланиш, фарзандли бўлиш ва уй-жойга эга бўлишни дунёвий ҳавас деб билганлар. Абдураззоқ Кошонийнинг «Футувватнома» асарида ҳам қаландарларнинг тажрид борасида хаддан ошганлари та-

свирини учратиш мумкин. «Чиройли нафс эгаси Иброҳим (а.с.) бўлган. У тажрид йўлига кирган 1 лк киши эди. У дунё ва унинг лаззатларидан четланиб, унинг шубҳаю шуҳратидан узоқлашди. Ўз ота-онаси, қавму қариндошларидан ажралиб, яқинларидан айрилиб ўзга юртга ҳижрат қилди. Бу нарса қаландарларда ҳам мавжуд бўлиб, улар бир жойда муқим турмайдилар».

Иброҳим (а.с.)нинг бу сафарлари маълум муддатга мўлжалланган эди. Бунда Яратганнинг буюк ҳикмати бор эди. Аммо у зот оила қуриш масъулиятидан бўйин товламаганлар.

2. Фақирлик. Фақирлик ёхуд дарвешлик қаландарийлик таълимотининг арконларидан бири бўлгани боис луғатларда «дарвеш» ва «қаландар» сўзлари маънодош бўлиб келади. Қаландарийлик таълимоти зоҳиран ҳам маънан фақир бўлишга чорлайди. Фақирлик Ҳаққа муҳтож бўлиш маъносини англатади. Чунки, беҳожатлик ва эҳтиёжсизлик Яратгангагина хосдир.

3. Ишқ. Қаландарийликка оид рисолаларда шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат борасида кўплаб баҳс юритилади. Қаландарийлар ўзларини шариат ва тариқат босқичини ўтаб бўлган кишилар, деб ҳисоблайдилар ва ҳақиқат водийсига қадам қўйган маърифат эгаларимиз, деб даъво қиладилар. Ақл билан иш кўриш шариат ва тариқат эгаларига хос бўлиб, уларни ақлни тарк этиб Яратганга ошиқ бўлишдан бегоналар деб биладилар.

4. Маломатийлик. Гарчанд қаландарийлар маломатийлар каби ўз ботинларини халқдан пинҳон тутмаган бўлсаларда, одамлар орасида айрим нодатий ҳаракатларини намойиш этиш билан уларнинг эътиборларини жалб этиб келганлар. Аммо маломатийлик билан ўзаро алоқасини ҳам рад этиб бўлмайди. Масалан, гўзал хулқ эгаси бўлишга интилиш қаландарийликда қадрланган. Аммо фаолиятлари давомида кўпинча бунинг акси бўлиб чиққан.

Қаландарлик суфийлик-зоҳидлик ҳаракати сифатида XI аср бошларида маломатия ғоялари таъсирида Хуросон ва Ўрта Осиёда пайдо бўлди. Ўз тараққиёти давомида бир неча босқични босиб ўтди. Дастлаб, у аниқ ташкилий тузилмага эга эмас эди. Лекин ўша давр манбаларида қаландарлик «уюшма» маъносини берувчи тоифа сифатида тилга олинади. Дастлаб оз тарафдорларга эга бўлган қаландария тезда машҳур бўлиб, шарқда

Фарғона, Ҳиндистон, ғарбда Ироқ ва Сурия ва ҳатто Марокашгача тарқалди. Туркияда ушбу ҳаракат XIII асрнинг биринчи ярмида пайдо бўла бошлади ва у ерда XVIII асрнинг охирларигача давом этди. Истамбулда эса Султон Муҳаммад (1451-1481) даврида уларга юксак эҳтиром кўрсатилган ҳамда қаландарларга махсус мақсад, масжид ва мадраса қурилган.

Деҳлилик султон Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) даврида улар ўзларининг махсус дарғоҳларини барпо этганлар. Ушбу тариқат аъзолари Макка ва Мадинага борадиган карвонларни қўриқловчи махсус тузилма шаклида ҳам фаолият олиб борган. Улар бошқа тариқат вакилларидан фарқли равишда харбийлик санъатини ҳам яхши билган.

Айрим қаландарий гуруҳлар бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, қурол-яроғ ишлатиш ва харбийлик санъатини ҳам яхши билганлар. Бу эса уларнинг савдо-сотиқ ишларида фаолият юритишларини ҳам таъминлаган. Яъни, мазкур тариқат аъзолари Макка ва Мадинага борадиган карвонларни қўриқловчи махсус тузилма шаклида ҳам фаолият олиб борган.

Қаландарийлар Ҳиндистон, Ироқ ва Марказий Осиёда дарвешлар деб ҳам аталган. Хусусан, юртимизда «қаландар» атамаси «дарвеш» сўзи билан синоним сифатида ҳам ишлатилади. Алишер Навоий кўплаб асарларида қаландарлар ва уларнинг одоби ҳақида сўз юритади. Шунингдек, сохта ва бангги қаландарларни қаттиқ танқид остига олади. У «Лисону-т-тайр»да бир бангги қаландарнинг харобада кўкнори чекиб, мубҳам ва саводсиз ҳаёлотларга берилиб, карахт, аласираб, хом ғояларга ғарқ бўлган бир пайтда чаён чақиб ўлдирганини тафсилотлар билан ҳикоя қилади. У қутлар дилидан қиссадан ҳисса чиқариб шундай дейди: «Сен ҳам ўшанга ўхшаш аҳволга тушгансан, миянгни бўлмағур ҳаёллар чулғаб олган. Аммо бир кун ажал нишини сб сескангнингга ғафлат уйқусидан уйғонасан. Бироқ у пайт қанча зору фиғон кўтарма, қилча нафъ етмайди. Ўшанда ўзингни кимдан йироқ тутганингни яхши англабсан, лекин жонингда айрилик дори мухрланиб қолади», дейди. Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубу-л-қулуб» асарининг 40-фаслини «Дарвешлар зикрида» деб номлаган. Унда дарвешларга хос художўйлик, камтарлик,

саховатлилик каби бир қатор хусусиятларни сашаб ўтган. У асл қаландарларни шоҳлар даражада ҳурмат қилган. Хондамир «Макориму-л-ахлоқ»да Навоийнинг қаландарлар маҳалласида ҳовуз ва Қаландарон деган кўприк қурдиргани, шунингдек, «Боғи Зоғон» ичида масжид маҳаллаи қаландарон бино қилдиргани ҳақида маълумот беради.

Қаландария тариқати таъсирининг баъзи унсурлари ҳозирги кунда ҳам Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг баъзи ҳудудларидаги тариқатлар амалиётида, халқ урф-одатларида намоён бўлади.

Мавзу бўйича саволлар

- Тариқатларнинг вужудга келиш омиллари нималарда намоён бўлади?
- Ўн икки тариқат тушунчаси нимани англатади?
- Дастлабки тариқатларнинг хусусиятлари нимада кўринади?
- Тариқатларнинг бир-биридан фарқлари нимада?

Мустақил иш топшириқлари: *Тариқатларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Отв. ред. А.П.Болдырев. Сост. М.Н.Османов. - Москва: Наука, 1965.
2. Каримов Э. Кубравийский вакф XVII-XIX вв. – Ташкент: Фан, 2008.
3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Энигма, 2000.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
6. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.

2-§. Марказий Осиёда тариқатлар шаклланиши: Кубравия тариқати

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Марказий Осиёда илк вужудга келган кубравия тариқатининг тарихи ва асослари тўғрисида маълумот бериш

Режа:

1. **Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди.**
2. **Кубравия тариқати ўзига хос жиҳатлари**
3. **Кубро асарлари ва таълимоти**

Таянч иборалар: *кубравия, латоиф, усули ашара, самоъ*

1, Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди. Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад, Хивақий Хоразмий 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. У зот «Кубро», «Томмату-л-кубро», «Нажмиддин», «Абулжаннаб», «Валийтарош» деб улуғланган. Отаси ўз даврининг зиёли кишиларидан бири бўлган. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс» асарида Нажмиддин Кубро Хоразмнинг кўзга кўринган уламоларидан ўниб кетиб, илмий баҳсларда голиб чиқиши ва унга «Томмату-л-кубро», яъни уламоларнинг етуги, улуғвори ёки «улкан бало» деган лақаб берилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Нажмиддин Кубро ўз фаолиятини муҳаддис ва мутакаллим сифатида бошлайди. Илмга чанқоқ Нажмиддин Кубро мадрасани тугатгач, ўн олти ёшларида ўз билимини ошириш мақсадида Эрон, Миср, Шом ва Ироқ мамлакатларида бўлиб, ҳадис ва фиқҳ илми билимдонлари суҳбатида бўлади, номдор олимнинг овозасини эшитиши билан йўлга тушиб, ундан сидқидилдан сабоқ олган.

Нажмиддин Кубро Багдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул шаҳарларида ўз даврининг мутакаллим ва алломаларидан шариат илми, ҳадис ва тафсирни чуқур ўзлаштириб, донишманд бўлиб етишади. Лекин эгаллаган илмларидан қониқмасдан, ўз қалбида кечаётган руҳий изтироб ва ғалаённи англашга ҳаракат қилади. Шариат илмларини ўрганиш баробарида Нажмиддин

Кубро тариқатдан хабардор бўлишга интилиб, қатор шайхлар, дарвешлар суҳбатидан баҳраманд бўлади. Чунки шайхнинг маънавий камолот илми, ғайб асрори, каромат ва кашфу ҳол илми бўлган тасаввуфга иштиёқи баланд эди. Унинг устозлари Шайх Рўзбеҳон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасриялар ҳам унинг бу интилишини англаганлар ва зимдан қувватлаганлар.

Кубравия тариқатининг силсиласи. Нажмиддин Куброга устозлик қилган уч пири комиллар – Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасриялар Шайх Абуннажиб Суҳравардийнинг шогирдлари бўлиб, улар қалб саховати билан бирга мурид тарбиясида қаттиққўл бўлиш, ботиний кўз билан мурид нинг хаёллари, руҳиятини ўқиб олиш ва руҳий таъсир ўтказишга қобилиятли илми ҳол эгалари бўлганлар. Нажмиддин Кубро маърифат илмидан тўла баҳраманд бўлгач, унда валийлик аломатлари кўринади. Шайх Исмоил унга «иродат хирқаси»ни кийдириб, Хоразмга қайтишни ва у ерда тарикатни жорий этишни буюради.«Иродат хирқаси»сини олгач, Нажмиддин Кубро Мисрга, Шайх Рўзбеҳон ҳузурига боради. Шайх уни яна бир марта имтиҳон қилиб, тариқат одобининг нозик жиҳатларигача ўзлаштирганига қаноат ҳосил қилади. Нажмиддин Кубро пирининг маслаҳатига кўра 1185 йилда оиласи билан Хоразмга келади. Бу вақтда у кирқ ёшларда бўлиб, йигирма беш йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган, оғир ва машаққатли сўфилик ва комиллик йўлини босиб ўтган эди.

Хоразм аҳли Шайх Нажмиддин Куброни ихлос билан қабул қилиб, тарикатга эътиқод қўяди. Нажмиддин Кубро Хоразмда катта хонақоҳ қурдириб, тариқатда янги бир йўналиш – кубровийлик силсиласини асослайди. Унинг қўли остида юзлаб мурид лар тарбияланиб, ислом маърифати, ирфон илмидан баҳраманд бўладилар. Нажмиддин Кубро шогирдларини эзгулик, илм, саховат ва мардликка даъват этди. Мурид лари орасидан Шайх Мажиддин Багдодий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Рукниддин Алоуддавла сингари мусулмон оламига номи кетган валий инсонлар етишиб чиқдилар.

2. Кубравия тариқати ўзига хос жиҳатлари. Шайх Нажмиддин Кубро асос солган тариқатнинг ўзига хос жиҳатлари унинг

дунёқарашида ҳам, амалий ишларида ҳам кўзга ташланади. Нажмиддин Кубро кишиларнинг руҳияти, ботиний оламини чуқур тадқиқ этган. Унинг фикрича, инсон «олами асғар», яъни кичик олам бўлиб, унда «олами акбар», яъни катта оламнинг барча хусусиятлари мужассамдир. Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий-важдий қобилиятига юксак баҳо беради: «Валоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, ботиний нур берган, уни кулли мавжудотдан афзал қилиб яратган». Мана шу фикр тариқат куброси бўлган Нажмиддин Кубронинг қарашлари мағзини ташкил этади.

Нажмиддин Кубро тариқат аҳлининг зайф кишилар олдида тоат-ибодатни безаб кўрсатиши, ўз ишига катта баҳо бериб, риё ва мунофиқлик қилиши, халқ томонидан кўрсатилган ихлосни ёқтириб, қўлни ўпгириши, ўзининг табаррук саналиши ва зиёрат қилишларини хуш кўриши, одамлар олқишини исташи, само' мажлисларида ҳозир бўлиб, фавқулодда ҳодисалар кўрсатишга интилиши, сунъий суратда рўза тутиб, оз овқатланишни кўрсатиши, ёлғондан йиғлаши, лаблар билан тамшаниб, кўз билан ишора қилиши, Аллоҳга озаки ёлвориши, ямоқли либослар кийиши, тушлар кўриб ўтмиш ва келажак ҳақида ҳукм юритиши, оддий кишиларни кўриш билан тоат-ибодатда муболаға қилиши, аммо хилватда (ёлғиз қолганда) ибодатда дангасалик қилиши, мажлисларда тўрга ўтиб, само' мажлисларида ҳаддан ошишини ташқид қилган.

Маноқибларда ёзилишича, мўғуллар истилоси арафасида шайхнинг тўрт юздан ортиқ муриди бўлиб, улар орасида номлари тарихда қолган, ўзлари ҳам катта шайх даражасига кўтарилган шайх Мажиддин Бағдодий, шайх Саъдиддин Ҳаммавий, шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх Айн уз-замон Жамолиддин Жилий, шайх Бибо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Рязий Дая, шайх Розиддин Алй Лоло, шайх Жамолиддин Аҳмад Журфоний ва бошқалар. Бундан ташқари, шайх Нуриддин Абдураҳмон Исфароиний, Абул Маконим Рукниддин Алоуддавла, Аҳмад ибн Муҳаммад Бийобоний ҳам бевосита бўлмаса-да, бироқ нисба бўйича Нажмиддин Кубро муридларидир. Уларнинг ҳар бири тасаввуф

тарихида ўз мавқеига эга бўлган кубровийлик тариқатининг давомчилари хисобланадилар.

Шайх Нажмиддин Кубро мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиққан. Унда ўн талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш, покланиш ва маърифатга эришиш йўллари кўрсатилган. Шайх «Рисолату-т-туруқ» («Тариқатлар рисоласи» ва «ал-Усулу-л-ашара» («Ўн усул») асарларида суфийлар тарбиясида тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжуҳ, сабр, муроқаба, ризонинг аҳамиятини эътироф этган: «Иродали кишилар ўн асддан ташқарига чиқмаслар, чунки бу ўн асл бошқача вужуд бўлиб, иродали шахслар бундай камолотли вужудга эришадилар. Мабодо бирор киши «Аллоҳнинг муқаддас сирларидан воқиф шайхларнинг йўли нега метиндек мустаҳкам бўладию, бошқа кўпрок ва озроқ минглаб мақомларга эга бўлган кишилар бу ўн асдга етиб кела олмайдилар?», деб сўраса, бунинг жавоби шуки, «машойихлар қўллаган иродали ўлиш йўли бошқалардан фарқ қилиб, унда барча мақомлари холатлар ўша ўн асдда ўз ифодасини топган».

Нажмиддин Кубронинг «ал-Усулу-л-ашара» асарида мурид тарбиялашнинг ўнта босқичи қайд этилиши: Тавба, Зуҳд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжуҳ, Сабр, Муроқаба, Ризо.

Тавба – барча амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, ахлоқини ўзгартира бошлайди, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

Зуҳд фи-д-дунё – тақво, парҳез. Тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиб, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

Таваккул аллаллоҳ – ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак.

Қаноат – камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Мадомики, инсон фаришта билан хайвон орасида турувчи махлуқ

экан, унда рух ва жисм қуввати муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият безаги билан безатади.

Узлат – инсоннинг руҳи, агар у покланишига мойил бўлса, табиий равишда яккаланиш ва гўшанишни бўлишни талаб қилади. Инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлгизланиш) босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди. Узлат – суфийларнинг чилла ўтиришлари, хилватлари билан амалга ошади.

Таважуҳ илаллоҳ – кураш, нафси билан кураш. Солик ҳамма вақтЯраттанга юзланиб, ундан мадад сўраб, унинг сари қалбан интилмоғи даркор.

Сабр – соликнинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, унинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Тариқат йўловчиси сабр манзилидан ўтса, ажиб бир руҳий довондан ўтган, янги куч-қудрат топган бўлади.

Мурақаба – кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш. Тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан ўзининг маърифатини ошириб борган солик, бира-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллох дийдори ёдида тафаккурга ғарқ бўлади, оламларни рухан сайр қилиб чиқади, кўз олдига Ҳақ таоло жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли кенгаяди, ғайб асрори эшиклари юзига очилади.

Мулозамату-э-зикр – суфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги билан қалбига Аллох таоло сифатлари ва зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди.

Ризо – солик Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳаққа ақидалашади.

3. Кубро асарлари ва таълимоти. Нажмиддин Кубронинг асосий қарашлари уч асарида акс этган: «Фавоиҳу-л-жамол ва фавотиҳу-л-жалол», «ал-Усулу-л-ашара», «Рисолату-л-хойфи-л-ҳим мин лавмати-л лоим». Бу асарларда соликнинг маънавий даражасини намоён этувчи руҳий кечинмалари, кўрадиган тушлари, ранглар муҳокамасига катта ўрин берилган. Булардан ташқари, у араб тилида тафсир китобини ёзишни бошлайди, вафотидан кейин эса мурили Нажмиддин Доя Розий, сўнгра Алауддавла Симноний тафсирни давом эттирдилар. Нажмиддин Кубро асарларида соликка таъсир кўрсатадиган ўйлар ва тимсоллар – хавотир мавзуси ҳамда руҳий сезги аъзолари ҳисобланувчи латонф мавзусига алоҳида аҳамият беради. Кубронинг энг таниқли асари «Фавоиҳу-л-жамол»ни муаллифнинг руҳий кундалик дафтари ҳамда тариқат йўлига янги киришлар учун йўл кўрсатувчи сифатида баҳолаш мумкин. Асарда Кубро суфийлик йўлидаги суфий кечирадиган барча руҳий ҳолатларни тасвирлайди. Бунда у асосий урғуни риёзат вақтида суфийга намоён бўладиган тимсол ва товушларга қаратади. Куброга кўра, Аллоҳнинг ар-Раҳмон ар-Раҳим даражасидан бошқа барча сифатларни инсон ўзлаштириши мумкин. Бу илоҳий сифатлар осмондаги муайян манзилларда жойлашгани боис, суфий ўз руҳий-маънавий уруҳида ушбу сифатларни касб этиб боради. Зеро, қалб латиф жисм бўлиб, у осмон қаватлари орасидан ўта олади. Аммо бунинг учун солик аввал ўн босқичли йўлни собитқадамлик билан босиб ўтиши лозим. «ал-Усулу-л-ашара» асарида мурид тарбияланишнинг мана шу 10та босқичи тасвирланган.

Зикр услублари. Кубравия тариқатида аввалида зикри жаҳр амал қилиниб, кейинчалик зикри хафийга ўтилган. Зикр суфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги, калима, дуони мунтазам такрорлаб туриши билан қалбга Аллоҳ таоло сифатлари ва Зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди. Нажмиддин Кубро «зикри хуфия», яъни қалб зикрини афзал билган. Унинг фикрича, зикр жараёни инсоннинг нафас олиш жараёни билан боғлиқдир. Ҳайвоннинг нафас олиши табиий зарурат туфайли юз беради, инсон ҳам айни ўша зарурият юзасидан нафас олган ҳолда, нафас олиш жараёнида ғойибона Яраттаннинг номини зикр этади.

Латоиф. Нажмиддин Кубро руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ «латоиф» назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса. У шундай позикки, уни илғаб олиш ҳам

мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латиф» марказларнинг аҳамияти катта. Суфий айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу «латоиф» инсоннинг илоҳий хислатидир. Суфий риёзатлар, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашиниши тарзида тасаввур қилади. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доира ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира – фалак доираларининг айланиши, дог – дунё тимсоли ва нуқта – вахдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

Мурид руҳи, шунингдек, ҳаяжон ва ҳайратлар ичра турли рангларга ҳам дучор бўлади. Ҳалиги доира, дог ва нуқта айланиши ва алмашиниши ранглар алмашинишини ҳам қамраб олади: руҳнинг ҳислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўриниб, илоҳий оламнинг яқинлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ранглар суфий руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридаги даража-босқичларини билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашиниб туриши соликнинг аҳволини, шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний-тафаккурий ўй-кечинмаларнинг турли-туманлигини англатади. Руҳнинг рангдан-рангга кўчиши ривожланишдан нишонадир. Умбу жараён охир-оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкинга олиб келади. «Тамкин» ҳолатига кирган суфий «талаввун»дан (ранг-баранглиқдан) қутулиб, вахдат оламига қўшилган бўлади. Чунончи, зангори ранг соликнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади. Бу ҳолатда у шариат доирасида бўлади, мантиқий-далилий билишдан ҳали қутилмаган, ҳали кўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади. Солик қалбида муҳаббат кўзгалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил рангда соликнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англагани маълум қилинади. Аммо бу босқич ҳали ҳирс кутқусидан халос бўлмаган бир

ҳолатдир. Оқ ранг кўракнинг покланишига нисбатдир ва ундан ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошидан кечиради. Шундан кейин келадиган яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятга етишаётганини ҳам англатиши мумкин. мазкур ранглар соликнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англаттан бўлса, олтинчи ранг – қора ранг Аллоҳдан халқ сари сафарини билдириб, «канзу-л-асрор» сирлар хазинасини эгаллашни ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариатнинг маъно – ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қирғиғи бир доғ рангига ўралади. Ва, ниҳоят, солик руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зотан кулл даражасини эгаллаган солик бир хиллик ҳолатида мақсадига эришади.

Нажмиддин Кубро рангларнинг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг – исломни, сариқ ранг – имонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итминон (ишончни)ни, кўк ранг – икон (тўлиқ ишонч)ни, қизил ранг – ирфонни, қора ранг – ҳаяжон (ҳайратни)ни англатган. Солик руҳи ҳолатлари, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганидан пирига огоҳ этиши, пир мурилнинг қайси босқичдалигига қараб, янги вазифалар юклаши керак.

Кубровийлик тариқати ривожи. Кубровийлик тасаввуфининг Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжирини Маъруф Кархий (вафт. 816 й.) орқали Абу Бакр ёки Али ибн Абу Толибга етказадилар. Нажмиддин Кубронинг издошлари унинг йўлини кучли иерархик тузилмага айлантиришга уринмадилар. Аввалида бу тариқат у ёки бу кўбравий шайх атрофида жамлашган кичик-кичик суфий халқалардан иборат бўлди. Уларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган.

Ўз тараққиётининг дастлабки даврларида кубровия Ўрта Осиё сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, минтақада кучли мавқега эга бўлган. Бинобарин, кубровия тариқати, айниқса, Нажмиддин Кубронинг илк шогирдлари Ўрта Осиёни босиб олган мўғулларни XIII асрнинг иккинчи ярмидан

бошлаб исломлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутдилар. Олтин Ўрда ҳукмдори Беркахоннинг ислом динига айнан Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий (вафт. 1260 й.) киритган. Кейинчалик кубровиянинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт соҳасидаги тажрибалари минтақадаги бошқа тариқатлар томонидан ўзлаштирилди. Сайфиддин Бохарзий мўғул ҳукмдорларига яқин бўлган ва бир қатор туркий қабилаларни исломлаштиришда муҳим ўрин тутган. Шунингдек, шайхул олам Бохарзий Мовароуннаҳр тасаввуфига ишқ мавзусини олиб кирган суфийлардан ҳисобланади. Унинг даврида Мовароуннаҳрда Калободий (вафт. 990 ёки 995 й.) таърифлаб берган мумтоз тасаввуфдан фарқли бўлган ишқ тасаввуфи шаклланган эди. Сайфиддин Бохарзий Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида Нажмиддин Кубро номи билан аталган хонақоҳ ташкил этган. Айнан шу хонақоҳда Беркахон мусулмон бўлганини эълон қилган. Бохарзийнинг шогирдлари Кубро қарашларини шарқ мамлакатларида ёйдилар. Масалан, Бохарзийнинг мурили Бадриддин Самарқандий Хиндистонда кубровийлик фояларини тарғиб қилиб, кейинчалик кубавийликнинг тармоғи ҳисобланган фирдавсияга асос солди.

Саъдуддин Ҳаммавайҳ (вафт. 1252 ёки 1260 й.) Хуросоннинг Баҳробод деган жойда хонақоҳ ташкил этган. Мана шу ҳаракатлар асосида кубровия тариқати Мовароуннаҳр, Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонга кириб боради ва бир канча мустақил шаҳобчалари вужудга келди. Булар – фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, олия, ишқишония, заҳабия, нурбахшия. Булар ичида Алоуддавла Симноний орқали ўтадиган силсила узоқ ва фаол ҳаракат олиб борди. Симноний Нажмиддин Кубронинг латоиф ҳақидаги қарашларини ривожлантирди ҳамда Ибн Арабийнинг «ваҳдату-л-вужуд» таълимотини қайта ишлаб, ўрнига «ваҳдату-ш-шуҳуд» таълимотини тақдим этди. «Ваҳдату-ш-шуҳуд»ни ҳиндистонлик нақшбандийлар жуда яхши қабул қилдилар ва янада ривожлантирдилар. Яна бир кубровий шайх Али Ҳамадоний Бадахшон ва Хутталон (ҳоз. Кўлоб)да тариқат таълимотини тарқата бошлади. Ҳамадоний ўзининг Али авлодидан эканига кўп аҳамият қаратган. Унинг авлодлари кейинчалик турли шиа тариқатларига ўтиб кетганлар. Али Ҳамадонийнинг издошлари

кейинчалик Муҳаммад Нурбахш асос солган нурбахшия ва Абдуллоҳ Барзишободий асос солган заҳабия шиалик тариқатларига бўлиниб кетдилар. Аммо кубровийликнинг Кашмирлаги тармоқлари ҳамон суннийликни маҳкам тутадилар. Ўрта Осиёда кубровийлик суннийликда эканини исботлашга қаратилган мустақил рисолалар асрлар давомида топ этиб турилгани ҳам минтақада сунний кубровийлар кам бўлмаганини кўрсатади. Аввалида тариқатда жаҳрий зикр амалда бўлиб, самоʻ мажлислари ҳам ўтказилар эди. Вақт ўтиши билан кубровийликнинг айрим шоҳобчалари жаҳрий зикрдан воз кечдилар. Бухоро яқинидаги Соктаридаги кубравий хонақоҳида XVIII аср охирига қадар иккала тур зикр амалда бўлди.

Шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубровийлик тариқати нафақат Мовароуннаҳр, балки Эрон, Миср, Ҳиндистон, Ироқ ва Афғонистон ҳудудига ҳам кириб борган. Кубровийлик тариқатидан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, ишқишония, нурбахшия, неъматуллоҳия каби янги тариқат шаҳобчалари ўсиб чиққан.

Вақт ўтган сайин ушбу тариқат тарқалган ҳудуди таъсирига кўра шиалик тусини ола борди. Али тимсолини ҳаддан зиёд улуғлаш, валийлик масаласида шиалик қарашлари намоён бўлиши каби бир қатор омиллар тариқатнинг айрим тармоқлари шиаликка ўтиб кетганини намоён этди.

Ушбу фикрларнинг тасдиғи сифатида қуйидаги олимнинг сўзларини келтириш кифоя. Ж.Тримингэмнинг фикрича, шиа тариқатлари ривожи Эрон ҳудудида шиа ҳаракатларининг кучайиши билан боғлиқ. Бу шиа раҳбарларини ўзларини кубравия таълимотида намоён бўлган суфийлик мактаби ўринбосарлари, деб ҳисоблатларилар ҳам кўриниб турибди.

Суфийлик либосидаги шиалик кубравия, халватия, бектошия, байрамия тариқатлари ичида мустаҳкам оқимга айланди. Усмонийлар империясида у яшириН фаолият юритган бўлса-да, бироқ форс ўлкасида суфий шиаларнинг турли ҳаракатлари мавжуд эди.

Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (вафт. 1341 й.) исломни қабул қилгач, шайх Нажмиддин Кубро қабр устига улуғвор мақбара қур-

дирган. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (вафо. 1377 й.) бу ҳақда шундай ёзган: «Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. Уни энг буюк авлиёлардан бўлмиш Нажмиддин Кубро кабри узра бунёд этишган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади».

Кубровийликнинг Ўрта Осиёдаги кейинги фаолияти ҳақида маълумотлар кам учрайди. Ҳатто бу тариқатнинг Ўрта Осиёдан бошқа тариқатлар томонидан сиқиб чиқарилиб, йўқ бўлиб кетгани ҳақида тадқиқотлар учрайди. Мавжуд вақфномалар кубровийлар XVI асрдаги каби XVIII асрда ҳам фаол бўлганини тасдиқлайди. Аммо сўнгги тадқиқотларга кўра, XX асрга қадар Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида (аниқроқ Хоразм) кубровийликнинг «хусайния» тармоғи фаолият олиб борган. Хусайниянинг асосчиси шайх Ҳусайн Хоразмий ҳисобланади. Умуман ҳусайния тарихида Ҳусайн Хоразмий номи билан фаолият юритган уч шайх тилга олинади. Шулардан биринчиси Нажмиддин Кубронинг шогирди бўлган Бобо Камол Жандий [вафо. 1273 й.]нинг издоши Хўжа Абулвафо Хоразмийнинг (вафо. 1431-32 й.) шогирди ҳисобланади. Кубровиянинг тасаввуф тарихидаги ўрни илк тасаввуфий қарашлар ва вахдатул-вужуд тасаввуфи ўртасидаги боскич вазифасини ўтагани билан белгиланади. XX аср бошларида Тошкентнинг Чорсу бозори яқинидаги «Ҳазрат Уккаша» масжидида кубравия жамоалари фаолият юритгани ҳақида маълумотлар бор. Ўзбекистонда Нажмиддин Кубронинг 1995 йилда 850 йиллиги нишонланди.

Мавзу бўйича саволлар

- Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
- Нажмиддин Кубро ишлаб чиққан таълимот моҳияти?
- "Усули ашара" асарини таҳлил қилинг.
- Кубравия тариқати ривожи кейинги даврларда қандай кечди?

Мустақил иш топшириқлари: Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва таълимоти.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов Э. Кубравийский вакф XVII-XIX вв. – Ташкент: Фан, 2008.

2. Акимушкин О. Кубравийа / Ислам: энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991.

3. Жўжиний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.

4. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.

6. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.

3-§. Яссавия тариқати

Дарснинг мақсади:

Талабаларда Аҳмад Яссавий ва яссавия тариқати ҳақида зарурий билимларни шакллантириш.

Режа:

1. Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди

2. Яссавиянинг ўзига хос жиҳатлари

3. Яссавия тариқатининг ҳозирги ҳолати

Таянч иборалар: *яссовия, зикри арра, пир, мурид, муршид*

1. Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди. XII асрда Марказий Осиёда вужудга келган илк тасаввуфий тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий 1105 йилда Сайрамда, Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Қул Хожа Аҳмад, Қул Аҳмад, Султону-л-орифин каби тахаллус ва унвонларга эга бўлган. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўлёзма манбаларда 1166/67 йил, деб берилган.

Аҳмад Яссавийнинг отаси Шайх Иброҳим жавонмардлик таълимотига мансуб нуфузли зотлардан бўлган. Онаси эса Муsoftware Шайхнинг қизи Ойпа Хотун эди. Ахмад туғилгач, кўп ўтмай онаси вафот этади. Етти ёшида у отасидан ҳам ажралади. Унинг тарбияси билан Гавҳар Шахнос исмли опаси машғул бўлади. У етимликни бошидан кечиргани боис ўз ҳикматларида мана бундай фикрларни баён этади:

Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим ковла.
Дунёпарст пожинслардан бўюн товла,
Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Аҳмад опаси билан Яссига кўчиб боргач, биринчи устози Арслон боб билан учрашади ва ундан таҳсил олади. Ҳикматлардан бирида бу ҳақда:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,
Ҳар сир кўриб, парда бирла букуб ёбти, – дейди.

Яссавий Яссида чоғларидаёқ руҳий тарбия сирларини анча пухта ўзлаштирган, буни унинг қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди:

Саккизимда саккиз ёндан йўл очилди,
Ҳикмат айт, деб бошларимда нур сочилди.

Аҳмад дастлабки таълимни Яссида машҳур олим Шаҳобиддин Исфижобийдан олади. Сўнгра бобоси Арслонбоб кўрсатмаси билан Бухорога боради. Ўша замонларда илм-маърифатнинг ўчоғи бўлган Бухорога Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йиғилар эди. Бухорода Яссавий араб тили билан бир қаторда форс тилини ҳам чуқур ўрганади. Форсийда яратилган тасаввуф адабиёти билан танишади. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андокийлар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадоний муридлари қаторидан ўрин олади. Аҳмад Яссавийнинг ўзи «Устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ҳузурига 23 ёшида борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига нойил бўлганлигини» айтади. У ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтади, ўз таълимотини тарғиб этиб, шогирд ва муридлар тайёрлай бошлайди.

Ривоятларга кўра, Яссавий 63ти (Пайғамбар ёшига) етгач, ер остида ҳужра ясатиб, «чилла»га кирган, қолган умрини тоат-ибодат қилиб, қимматли ҳикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида ўтказган. Бир ривоятга кўра, у 125 йил, бошқа ривоятга қараганда, 133 йил умр кўрган. Яссавий тарихда илк туркийзабон суфий шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг халққа яқинлиги ва оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетган. Алишер Навоий Аҳмад Яссавий ҳақида: «Туркистон мулкининг улуғ шайхул-машойихи ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий жуда кўп суфий донишмандларни тарбиялаб вояга етказган», деб келтиради.

Яссавия тариқатининг мазмун-моҳияти «Девони ҳикмат» шеърий асарида баён этилган. XII асрдаги туркий шеъриятнинг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган мазкур асарда поклик, тўғрилик, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол касб-ҳунар эгаллаш, нафсни

тийиш, имон-эътиқодли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар мақталган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган.

Аҳмад Яссавий ўзининг пири шайх Юсуф Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлақо қизиқмаган, камбағалпарвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаган. Мол-дунё, бойлик ва давлат орттириш пайидаги хасис ва очофат кишиларни Яссавий беаёв танқид қилади:

Бешак билинг бу дунё барча халқдан ўтаро,
Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро,
Ота, она, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун сенга етаро.

Алишер Навоий Яссавий тўғрисида янг: «Мақомати олий ва машҳур, каромоти мутаволий ва номахсур эрмиш. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси достонида шиҳоятсиз эрмиш»,– дейди. Бу фикр Яссавийнинг Ясси шаҳрига қайтиб келиб, янги бир тариқатга асос солган муршид сифатида шуҳрат топган даврларига тегишлидир. Хожа Аҳмад Яссавий туркий халқларни исломга янада кенгроқ жалб қилиш ва тасаввуф ғояларини омма кўнглига чуқур сингдириш мақсадида шеъриятдан кенг фойдаланган. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутган йўлидир... Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти эталган шеърлар билан баробар».

Дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат – яссавиянинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мавриунаҳр, балки туркий халқларнинг маънавий тарихидаги суфий донишманд, инсонпарвар шоир ҳисобланади.

Аҳмад Яссавийнинг Туркистон шаҳридаги (Қозоғистон ҳудудида) қабри муқаддас қадамжога айлантирилган. Дастлаб Аҳмад Яссавий қабри устига XII асрда кичик мақбара қурилган бўлиб, уни зиёрат қилган Соҳибқирон Амир Темур қайта қуришга фармойиш беради ва 1395-1397 йиллар давомида Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара қуриб битказилади. Ёзма манбаларга кўра, мақбара биносининг лойиҳасини ишлаб чиқишда

Амир Темурнинг шахсан ўзи катнашган, қурилишни Мавлоно Убайдуллоҳ Садр бошқарган.

Марказий Осиёга хос тариқатлар пайдо бўлиши Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) номи билан боғлайдилар. Юсуф Ҳамадоний Марв ва Бухорода хонақоҳ ва мадрасалар қурдириб, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Улар орасида Ҳасан Андоқий, Абдуллоҳ Баррақий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний алоҳида ажралиб турлди. Улар Юсуф Ҳамадоний мактабини муваффақият билан давом эттирдилар. «Яссавия» ҳамда «нақшбандия» тариқатлари Юсуф Ҳамадоний таълимоти асосида шаклланди. Сўнгги тадқиқотларда Аҳмад Яссавий дастлаб суҳравардия сулукини эталлаганини ва суҳравардиядан ҳам силсиласи борлигини аниқланди.

Асарлари. Бугунги кунда Аҳмад Яссавийга нисбат берилувчи ўндан ортиқ асарлар маълум. Хусусан, улар орасида янги топилган асарлар ҳам бор. Уларнинг тил хусусиятларини ўрганган тадқиқотчилар бу асрлар тилига даврлар ўта ўзгаришлар кириб борганини қайд этганлар. Кўп ўринларда муаллиф тили сақланиб қолганига шубҳа билан қаралади. Уларни тартиб бўйича бирма-бир кўриб чиқиладиган бўлса:

1. «Дафтари аввал» (Биринчи дафтар) – Аҳмад Яссавийга нисбат берилувчи насрий асар бўлиб, у анъанавий асарларга хос тарзда ҳамд ва наът билан бошланади ва "Хожа Аҳмад Яссавий шундай деб айтти..." дея Яссавийнинг сўзлари бошланиб кетади. Асар сохта суфий шайхларнинг чиқиши ҳақида огоҳлантириш билан бошланиб, сохта шайхларни ҳақиқийсидан қандай ажратиш, риёкорлик иллати, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат, фақирлик мақоми, суфий одоби кабилар баён қилинган. Зуннун Мисрий, Ҳасан Басрий, Шаҳобиддин Суҳравардий, Аҳмад Кубро, Сарий Сақатий, Жунайд Бағдодий, Шақиқ Балхий, Аҳмади Жом, Луқмон Сарахсий каби бир қатор шахсиятлар сўзларидан иқтибослар келтирилган. Бир неча ўринда "Хожа Аҳмад Яссавий айтти" жумласи қайтарилади. Бу ҳолат анъана билан изоҳланиши ҳам мумкин, чунки бошқа кўпгина асарларда ҳам бундай услуб кўп учрайди. Ёки бу асарнинг тузувчиси ёки котибининг Яссавийга тегишли сўзлар бошқа шайхлар сўзлари иқтибослари-

га аралашиб кетмаслиги учун киритган қайдлари бўлиши ҳам эҳтимолга яқин. Асарнинг ўртасида "дўстлар" радифли "ҳикмат" жанридаги шеърий қисм ҳам бўлиб, у "Толибларга дурр-у гавҳар сочтим, дўстлар", деган мисра билан тугайди. Айни ҳикмат "Девони ҳикмат"да ҳам учрайди. Ушбу асар 2000 йили Қозоп шаҳрида замонавий татар тилига мослаштириб "Девони ҳикмат" билан бир жилдда нашр қилинган[99].

2. «Девони ҳикмат» номи билан машҳур «Дафтари соний» (Иккинчи дафтар) асари. Ушбу ўзига хос шеърий услуб – "ҳикмат" жанрида ёзилган асар бўлиб, унинг муаллиф даврига яқин нусхалари аниқланмаган. Асар номи айнан "Дафтари соний" экани илк мисралардан маълум бўлади:

Бисмиллоҳ деб баён айлай ҳикмат айтиб,
Толибларга дурр-у гавҳар сочтим мано.
Риёзатни қаттиғ тортиб, қонлар ютуб,
Мен "Дафтари соний" сўзин очтим мано.

Ушбу мазмундаги мисра яна бир бор қайтарилади:

Қул Ҳожи Аҳмад, мен "Дафтари соний" айттим...

Яссавий ҳикматларини талқин қилган олим Н.Ҳасан томонидан эълон қилинган янги топилган ҳикмат намуналарида ҳам айнан шу ном учрайди:

Мен "Дафтари соний" айдим, солғил қулоқ,
Кон ёш тўкуб йиғламаслар масал булоқ...

Демак, ишонч билан айта оламизки, асарнинг шуҳрат қозонган номи "Девони ҳикмат", асл номи эса "Дафтари соний" бўлиб, у "Дафтари аввал"нинг назмий давоми дейиш мумкин. Чунки "Дафтари аввал"да учрайдиган ягона шеърий ҳикмат "Толибларга дурр-у гавҳар сочтим, дўстлар", деган сўз билан тугайди, "Дафтари соний" эса илк мисралардан "Толибларга дурр-у гавҳар сочтим мано", деган сўзлар билан бошланади. Айтиш мумкинки, ушбу мисралар орқали ҳар икки асар ўртасида муайян боғлиқлик юзага келган. Мазкур асар Аҳмад Яссавийнинг ҳаётлик

99. Ясави, Хужа Ахмат. Хикмәтләр / Китапны тәкъдим һәм кереш мәкалә мәтеннәре өчен Фәрит Якин, фәнни мәкаләләрне язучы Салим Гыйләҗетдинов / Хужа Ахмат Ясави. – Казан: Иман, 2000.

пайтида китоб холига келтирилмаган, кейинроқ Яссавийнинг мурид ва издошлари устозларининг ҳикматларини бир жойга жамлаганлар ва унга «Девони ҳикмат», деб ном берганлар. Унинг таркибига ҳикматлар, газаллар, тўртликлар, маноқиб ва "Меърожнома" деган алоҳида асар ҳам киритилган.

«Девони ҳикмат»да илоҳий ишқ гояси ва маърифий мазмун етакчилик қилади. Ҳикматлар маъно ва моҳиятан Қуръони карим ва ҳадисларга чуқур боғланган. Асарда илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш, тасаввуф сирлари ва тариқатнинг одобу талаблари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Ҳикматлардаги нафсни поклаш орқали ахлоқ гўзаллигига эришиш, кўнгил ва руҳ поклигига (тазкия) комилликнинг олий натижаси сифатида қарашга чорловчи фикрлар барча даврлар учун ҳам бир хилда аҳамиятлидир. Яссавия тариқатига кирганлар учун «Девони ҳикмат»даги шеърларни ўқиб ёд олиш, ҳатто шундай шаклда шеърлар ёзиш тариқатнинг талабларидан ҳисобланган. Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида меҳрибонлик, инсоф, тўғрилик, мурувват каби ғоялар акс этган.

«Девони ҳикмат»нинг йигирмадан ортиқ нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланади. Асар қўлёзмаларидан энг қадимийси XVII асрга оиддир. Туркман олими Курбонтурди Гелдиевнинг берган маълумотларига кўра, Туркманистон Фанлар Академиясининг қўлёзмалар институтида «Девони ҳикмат»нинг юздан ортиқ нусхалари мавжуд. Олимнинг таъкидлашича, Аҳмад Яссавийнинг кенг маъноли ҳикматлари туркман шеъриятининг буюк вакили, оташнафас санъаткор Махтумқули ижодига ҳам сезиларли таъсир ўтказган. У Яссавий шеъриятидан илҳомланиб ўзининг халқчил ва таъсирчан, ҳаётий мазмунга эга шеърларини ёзган.

«Девони ҳикмат» асари XIX асрдан бошлаб Тошкент, Бухоро, Коғон, Қозон, Истанбул шаҳарларида бир неча бор нашр этилган. Асарнинг мавжуд қўлёзма ва босма нусхалари бир-биридан фарқ қилади. Яссавия тариқати кўплаб шоирларнинг шаклланишида ўзига хос мактаб вазифасини бажарган. «Девони ҳикмат»даги ҳамма шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошла-

рининг ижод намуналари ҳам киритилган. Асар поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқин, шу боис у халқ орасида кенг тарқалган. Натижада Яссавий ҳикматлари оғиздан-оғизга кўчиб, китобдан-китобга ўтиб, ўз асл тилини ва услубини ўзгартирган, аммо уларнинг асосий ғоявий мазмуни сақланиб қолган.

Яссавийшунос олим Н.Жабборов Аҳмад Яссавийга нисбат берилувчи яна бир қатор асарларни санаб ўтади:

3. «Рисола дар одоби тариқат» (Аҳмад Яссавийга мансуб форс-тожик тилидаги ягона асар бўлиб, унга кўлёзмаси ЎзР ФАШида сақланади);

4. "Ҳикояти меърож" юқорида қайд этилган "Меърожнома" асари;

5. "Муножотнома";

6. "Қиссаи Пўъмон ибн Собит";

7. "Фахрнома" (издошлар томонидан тўлдирилгани қайд этилган);

8. "Қиёматнома";

9. "Нажоту-з-зикрийн" (Тожиддин Ёлтиғул зикр этган);

10. "Танбеҳу-з-золлин" (Шайх Худойдод ўз асарида зикр этиб, иқтибослар келтирган)[10];

11. "Тафзилу-с-солиҳин" (ушбу янги топилган асарни тадқиқотчи А.Турдиалиев 2017 йили "Жаҳон адабиёти" журналининг 3-сонида эълон қилди.

Аҳмад Яссавийга нисбат берилувчи асарлар борасида қисқача айтиш мумкин бўлган хулоса шуки, ушбу асарлар муаллиф яшаган даврга оид қўлёзма нусхалари маълум эмас. Аҳмад Яссавийга тегишли ҳикматларнинг ҳозирда энг қадимий қайд этилган нусхалари 1503-йилларга тўғри келади. Мазкур асарларнинг тил хусусиятлари ўтган вақт мобайнида ўзгаришларга учраб борган, издошлар томонидан тақлидан ёзилган шеърий парчалар ҳам асар таркибига кириб аралашиб кетган. Санаб ўтилган айрим асарларнинг эса фақат номларигина маълум холос. Шундай бўлсада, уларнинг ғоявий сарлавҳаси Аҳмад Яссавийга тақалиши аҳамиятли катта. Хоссатан, "Дафтари аввал" ва "Дафтари соний" ("Девони ҳикмат") асарларида ғоявий яхлитликни илғаш мумкин. Бу албатта келажак тадқиқотларнинг мавзуи бўлиб қолади. Яссавийнинг форс тилидаги асари эса алоҳида эътиборга лойиқ, чунки бу унга нисбат берилувчи форс тилидаги ягона маълум асари ҳисобланади.

[10] Жабборов Н. Хожа Аҳмад Яссавий // Тасаввуф атамалари – изоҳли луғат. Тошкент: Movarounnahr, 2015. –B. 320.

2. Яссавия тариқатининг ўзига хос жиҳатлари. Яссавия тариқатида шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат кенг тарғиб этилган. Унга кўра, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат йўқ. Буларнинг ҳар бири алоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва такомиллаштиради. Мурид ўз пири раҳнамолигида мазкур босқичлардан ўтиб, илоҳий ишқ сари интилиши, камолотга эришиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Мазкур тариқатда мурид риоя этиши шарт ҳисобланган одоб қоидалари мавжуд бўлиб, уларга биноан, мурид ҳеч кимсани ўз ширидан афзал кўрмаслиги, унинг ҳамма топшириқларини сидқидилдан, бекаму кўст адо этиши, панд-насиҳатларига сўзсиз амал қилиши зарур. Яссавия тариқатида зикрга самоъга ҳам катта эътибор берилган. Зикрнинг жаҳрий (овоз чиқариб айтиш) усули қўлланилган. Пир ва муридлар куйдалик ўқиб ирқиладиган махсус калима ва дуоларни баланд овоз чиқариб айтишган. Шу боис бу тариқат жаҳрийлик деб ҳам аталади.

Туркий халқларнинг ислом дини ва анъаналарини қабул қилишида яссавия тариқатининг ўрни катта бўлган. Аҳмад Яссавий оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари – шеърлари билан атрофдагиларни инсонийлик, одоб-ахлоқ, тўғрилик, ҳалоллик, адолат, инсоф-виждон ва дину-диёнатга чақирган. Унинг ҳикматлари кейинчалик «Девони ҳикмат» номи остида китоб ҳолига келтирилган. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг ёйишга ҳаракат қилган. Яссавий риёзат, чилла, зикр ва мужоҳадага кучли аҳамият бериб, ҳаётининг асосий қисмини чиллахонада ўтказган ва Яссида (ҳозирги Туркистон) вафот этган.

Тариқатда зикр амалиёти. Зикри арра, бошқа номлари – зикри миншорий, зикри ғалоний ёки зикри жаҳрий. Яссавия тариқатидаги жаҳрий зикр маросимининг тури. Номланиши сабаби – зикр давомида қайтариладиган калималарнинг тезлашиши натижа-

сида ўзига хос халқум товуши вужудга келади ва бу ҳолда «арра-нинг ип жараёнидаги товуши»га ўхшаб кетар экан.

Зикр жараёнини қуйидагича тасвирлаш мумкин. Агар зикр тушувчи ёлғиз бўлса, зикр калималари, «ҳа-ҳу» товушларини такрорлаш тарзида аста-секин бошланиб, тезлаша борган сари зикр этувчининг холати ўзгара бошлаши кузатилади. Айни дамда «жазба» яқинлашиш арафасида «ҳа-ҳу» талаффузи анча тезлашиб, юқорида айтилган «халқум товуши» юзага келади. Мазкур, калималарнинг маъноси турлича талқин қилиниб, кўпинча Аллоҳнинг исмларидан бири «ал-Ҳайй» (ёки «ал-Ҳаққ» ҳам қўлланилиши мумкин) ва тасаввуфда Аллоҳни назарда тутиб, истифода этилиб келинган «Ҳува» олмоши бирикмасидан иборат «Ҳайй-Ҳува»– «Абадий Тирик зот Удир» деган маънони акс эттиради дейилади.

Баъзи фикрларга кўра эса, бу товуш кўпгина тариқатларда зикрнинг ажралмас қисми бўлган «лā илāҳа илл-Аллоҳу» калимасининг ярим ошкора ярим пинҳона тарзида тез-тез такрорланиши натижасида юзага келган. Яъни калиманинг охирги бўғинларинигина ошкора талаффуз қилиш орқали «ҳа-ҳу» товушлари вужудга келган дейилади.

Яссавия тариқатида мурид риоя қиладиган олоблар:

- ўз шайхини афзал кўриш;
- мурид заковатли ва идрокли бўлиб, шайхнинг ишораларини тез англаб олиши;
- шайхнинг ҳар бир сўзига сидқидилдан ишониш;
- шайхнинг барча хизматларини данғасалик қилмай, эҳтиром билан бажариш;
- сўзда содиқ, аҳдга вафоли, динда собит ва ҳеч шак-шубҳага бормаслик;
- мол-мулкини шайх учун аямаслик;
- шайхнинг сирларини сақлаб, уларни ҳеч қачон фош этмаслик;
- шайхнинг ўгитларини доимо ёдда сақлай билиш;
- мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутиб, унинг ўрнини енгил қилиб, панду насиҳатларига амал қилиш;
- мурид Худонинг висолига етишиш йўлида ўз шайхи учун

бутун молу жонини фидо этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшаш.

3. Яссавия тариқатининг ҳозирги ҳолати. Бугунги фан-техника жадал ривожланиб, турли мафкуравий ва ғоявий таҳдидлар ҳамда инсон онгини эгаллашга бўлаётган уринишлар тобора кучайиб бораётган мураккаб даврда тасаввуф ва унинг замонавий тариқатлари ҳам инсон ҳаётига сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, қўшни Қозоғистон Республикасида ўзларини яссавия тариқатининг давомчилари дея даъво қилаётган «жаҳрия» суфий жамоасининг жонланиши кузатилмоқда. Ушбу гурух ўз атрофига аҳолининг турли ижтимоий қатламларига мансуб кишиларни тўплаб, илмсизлиги, содда ва ишонувчанлигидан фойдаланиб, ўзларининг сохта ғоя ва мақсадларини кишилар онгига сингдиришга уринмоқдалар.

Юртимизнинг баъзи вилоятларида ҳам бир неча йил аввал юқоридаги каби сохта тариқатчи жамоалар пайдо бўлиб, гаразли ниятларини амалга оширишга уриндилар. Уларга эргашганлар асосан тажрибасиз, ғўр ёшлар, аёллар ва ишсиз кишилар бўлиб, улар таркидунёчилик, ўз пирларини ҳаддан зиёд улуғлаш, меҳнатга лаёқатсизлик каби иллатлар таъсирига тушиб қолганлар. Бунинг натижасида сохта тариқатларга кирган ёшлар илм олишга умуман қизиқмай қўйгани, оилали тариқатчилар пирдан вазифа олганлик баҳонасида ўз оилаларини моддий таъминламаслик, замонавий тараққиёт ютуқларига салбий муносабатда бўлиш каби ижтимоий пизоларга сабаб бўлган ҳолатлар юзага келган. Жамиятимиздаги бундай салбий ҳодисалар кенг ёйилишининг ўз вақтида олди олинди.

Аслида буюк аждодларимиз хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий қолдирган бой маънавий мерос минг йиллардан бери кишиларни эзгулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, поклик, меҳр-оқибат, ростгўйлик, имон-эътиқод, инсоф-диёнат каби умуминсоний фазилатларга чорлаб келмоқда. Бугунги мураккаб глобал ахборот ва технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда ҳам ушбу маънавий мерос ўз қадр-қимматини асло йўқотгани йўқ. Аксинча, Яссавий ва яссавия тариқатини янада чуқур ўрганиш, унинг пурмаъно ва ҳаётий ҳикматлари кишиларни айниқса, ўсиб кела-

ётган ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишишида муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Сўнгги йилларда асосан мусулмон аҳоли яшайдиган Қозоғистон жанубида жаҳрий зикрга асосланган яссавия тариқатининг қайта жонланиши кузатила бошлади. Бу жонланиш ҳозирда «жаҳрия» деб номланаётган суфий гуруҳларнинг етакчиси шайх афғонистонлик этник қозоқ Исматуллоҳ тақсир фаолияти билан бевосита боғлиқ. Исматуллоҳ тақсир ва унинг издошлари томонидан амал қилинадиган расм-русумлар жаҳрий зикрнинг 3-4 тури бирлашмасидан иборат бўлган. Дастлаб, Исматуллоҳ тақсир бошчилигида қайта тикланаётган суфийлик анъаналари билан бирга ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик тушунчалари ҳам қайтадан мазмун касб этаётгандек, деб билинарди. Тариқат аъзолари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, ҳомийлик, бегараз ёрдам, хайр-саховат тушунчалари синдириб борилиши баробарида, зикр ёрдамида гиёҳвандликдан даволаш усулларини қўллаш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Аммо воқеаларнинг салбий ривож топиб бориши бир неча йилдан кейин юз берди ва баъзи нохуш ҳолатларнинг мавжудлиги кўзга ташланди.

2011 йилнинг августида Исматулла Абдуғаффар ва унинг 30тача издошлари «диний экстремизм», «шпионаж», «миллатлараро ва конфессияларараро адоват қўзғаш» каби моддалар бўйича айбланиб, қозоқ-киргиз чегараларини ноқонуний кесиб ўтишга уринаётганида қўлга олинган. 2011 йилнинг октябрида Қозоғистон суди Исматулла Абдуғаффарни 14 йилга озодликдан маҳрум этди.

Қозоғистоннинг даштли табиий иқлим шароитида тасаввуфий тариқатларнинг фаолияти учун иқтисодий имкониятлар старли бўлмаган. Марказий Осиёнинг ўтроқ ҳаёт тарзи тарқалган ўлкаларда эса суфийларнинг вақф ерлари асосий даромад манбаи бўлган. Имомлар Волгабўйи татарлари ёки ўртаосиёлик муллалардан тайинланганлар. Исматулла Абдуғаффарнинг фаолияти бу масалада ўзига хос феномен бўлди. Жаҳрий зикр, эзотерик амалиётни тарғиб этган мазкур шайхнинг муридлари орасида маҳаллий аҳолининг олий табақа вакиллари, машҳур

зиёлилар бўлганлар. Узоқ йиллардан бери кескин курашлар давом этаётган Афғонистонда таълим олиб келгани бу пирнинг ноанъанавий фаолияти ҳуқуқ-тартибот идораларининг эътиборини тортди.

Мавзу бўйича саволлар

- Яссавия тариқатининг вужудга келиш тарихи?
- Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди?
- Тариқатдаги зикрнинг ўзига хослиги?
- "Девони ҳикмат" мазмун-моҳияти?

Мустақил иш топшириқлари: *Яссавия тариқоти тарихи ва дунё бўйлаб ёйилиши.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Иброҳим Ҳаққулов. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
2. Trimingham J. S. The Sufi Orders in Islam. Oxford 1971.
3. Жўжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
4. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
6. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар. Усманов И. ва бошқалар. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.
7. Тасаввуф атамаларн изоҳли лугат. Муаллифлар жамоаси. - Тошкент: Movarounnahr, 2014.

4-§. Хожагон-нақшбандия тариқати

Дарснинг мақсади:

Хожагон-нақшбандия тариқатининг тарихи ва маънавий асослари ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Юсуф Ҳамадоний ва хожагон тариқати юзага келиши.

2. Хожагон-нақшбандиянинг ўзига хос жиҳатлари.

3. Нақшбандиянинг мужаддидия тармоғи.

Таянч иборалар: *хожагон, мужаддидия, рашҳалар, Ҳаким Термизий.*

1. Юсуф Ҳамадонийнинг ва хожагон тариқати юзага келиши. Умуман олганда XI-XII асрларга келиб, мўғуллар босқинидан кейинги таназзул ҳолатга тушиб қолган мусулмон ўлкаларга суфийларнинг кўчиб бориши кучайганини кўрамиз. Улар қаторида суҳравардия сулукининг вакили Шайх Зайниддин Кўҳи-ориф оний отасининг тавсиясига кўра Бағдоддан ташриф буюриб Тошкентнинг Кўҳи орифон мавзеида ўрнашган бўлса, айримлар Сайрам, бошқалар Кеш воҳасига, Юсуф Ҳамадоний эса Бухорога ўрнашадилар. Мазкур зотларнинг ташрифдан мақсади тасаввуф таълимотини ёйишдан ташқари, мўғуллари босқинидан кейин инкирозга юз тута бошлаган исломий билимлар ва шариат аҳкомлари, ақидавий масалаларни қайта жонлантириш, аҳоли орасида тарғиб қилишдан иборат эди. Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан устози хотираларига бағишлаб ёзилган "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний" таҳлилий назар билан ўқилса, Юсуф Ҳамадонийнинг асосий иши шариат аҳкомларини мустаҳкамлаш, илмий баҳс-мунозаралар муҳитини тиклаштириш, ўлкада исломий ҳаётни қайта жонлантиришдан иборат бўлгани кўринади. Шунинг учун Юсуф Ҳамадоний шахсиятини ўрганиш тариқат мавқеини англашда ўта муҳимдир.

XI аср бошларида Юсуф Ҳамадоний Бухорода тасаввуф таълимотини тарғиб қилиш учун ташриф буюрди. Унинг ўринбосарларидан бири Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний хожагон тариқатида устозига давомчилик қилган. Бунга қадар юртимизда Нажмиддин Кубро асос солган кубравия тариқати кенг тарқалган эди. Тасаввуфнинг йирик намояндаси Абу Яъқуб Юсуф ибн Ҳусайн ибн Айюб Ҳамадоний, 1048 йилда Ҳамадон шаҳрининг Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. Шаръий илмларни Абу Исҳоқ Шерозийдан, тасаввуф илмини Абу Али Фирмадий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симноний сингари орифлардан ўзлаштирган. Замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Жилоний (Ғавсу-л-аъзам), Шайх Ҳамидуддин Мўлтоний, Ҳужжату-л-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий билан мулоқотда бўлган. Эрон, Туркия, Бағдод, Мовароуннаҳр шаҳарларига сафар қилиб, илм таҳсил қилган, асрдош машойихлар каби илмий-маърифий йиғинлар, тасаввуфий суҳбатлар уюштирган.

Юсуф Ҳамадоний умри мобайнида кўп мамлакатларга сафар қилган. Қурьонни ёд олган. "Мақомот"ида айтилишича: "... Алар (Юсуф Ҳамадоний) ёлғончи, ҳудбин, порахўр, мақтанчоқ қаззобларни, ноҳақ қон тўкувчиларни, золимларни ниҳоятда ёмон кўрардилар. Ҳаромхўр, порахўр, муттаҳам, фосиқларни, обрў орттириш учун шариатни никоб қилувчиларни ва бошқа хил мунофиқларни олдиларига чорлаб, кечирим сўрашга, тавба қилишга мажбур қилардилар. Улар кўнмасалар, шайхимиз дашном бериб, ҳузурларидан қувиб солар ва уларни ўзларига душман билардилар. Кўпинча ёвғон хўрда истеъмол қилиб, сув билан пошш кам ер эдилар. Ҳеч кимни сўймас, ҳақорат сўзларни ишлатмас ва дуои бад қилмас эдилар..."

Юсуф Ҳамадоний қўйидаги рисолалар муаллифидир:

1. «Рутбату-л-ҳаёт»
2. «Кашф»;
3. «Рисола дар одоби тариқат»;
4. «Рисола фи анна-л-кавна мусаххарун лил-инсон»;
5. «Рисола дар ахлоқ ва муножот».

2. Хожагон-нақшбандиянинг ўзига хос жиҳатлари. Хожагон тариқати: «Дил – ба ёр-у, даст – ба кор», деган ғояни ўзига бош шиор қилиб олган. Бу ўша давр учун жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга туб бурилиш эди. Бу шиорнинг бугун учун

қам аҳамияти асло камайган эмас. Мазкур ғоя амалда тасаввуфни ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилган. Тасаввуфнинг бошқа айрим йўналишларида таркидунёчилик кайфияти устунлик қилар, Ҳаққа етиш йўлидаги суфий дунё ишларидан батамом қўл силкишга даъват этилар эди. Аммо хожагон тариқати ана шу шиор орқали масалани: «Бу дунё деб у дунёни, у дунё деб бу дунёни унутмаслик керак», – деган мўътадил, ягона ўрта йўлни танлади ва бу ақолининг турли қатламлари ўртасида кенг ёйилишига олиб келди.

Тариқатнинг рашҳалари. XII-XIII асрларга келиб шаклланиб бошлаган тариқат бирлашмалари ва суфий жамоаларида дастлаб ўзига хос ноанъанавий амалиётлар кўзга ташлана бошлаган эди. Тинимсиз "жазба" қидириш, ақл-ҳушдан айрилиб девонанамо кўриниш касб этиш, шаҳардан-шаҳарга кўчиб юриш, таркидунёчилик кайфияти авж олиши, узлатга чекиниб хилватнишинлик билан хайр-эҳсон ҳисобига кун кечириш авж олиб бошлади. Хожагон-нақшбандия тариқати вужудга келган даврдан бошлаб тасаввуфий ҳаётга жўшқин ислоҳот билан кириб келди. Хожагон тариқатининг асос ғояларини қисқа шиорлар ("рашҳа" – кўпл. "рашаҳот" – араб. томчи, қатра) орқали баён қилиб қилинган. Хожагон силсиласини Мовароуннаҳрга олиб кирган Юсуф Ҳамадоний ушбу тариқатнинг дастлабки тўрт "рашҳа"сини тақдим этди. Хусусан, "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний" асарида у киши: "Ҳуш дар дам", "назар бар қадам", "сафар дар ватан", "хилват дар анжуман", – дер эди[102]", дейилган. Тариқат асослари бу қисқа шиорлар орқали баён қилиниши сабаби у зот "туркийни билмас эдилар", деган иборага бориб тақалса керак. Чунки, Мовароуннаҳр диёрида форсий ва туркий қатлам қадимдан жипс яшаб келган ва форсийзабон бўлмаганлар учун тариқат асосларини қисқа – ёдлаш учун қулай шаклда ўргатиш муҳим эди.Ну шиор – "рашҳа"лар ҳозирги кунда бир қадар содда ва кўпроқ амалий жиҳатдан шарҳлансада, ўз давридаги тасаввуфий ҳаёт учун инқилобий фикрларни ўз ичига олган эди. Аслида бу рашҳалар хожагон тариқатининг бошқа тариқатларга нисбатан

[101] Ғиждувоний, Хожа Абдухолиқ. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тарж. С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 27.

тутган мавқеини кўрсатиб бера олади. Юсуф Ҳамадоний илгари сурган рашҳаларни таҳлил қиладиган бўлсак:

– "Ҳуш дар дам" (ҳар нафасда ақл-ҳушни ўзда сақлаш) – ўша даврдаги кўпгина суфий доираларда "жазба" (жазавага тушиш), ўзни йўқотиб девонасифат кўринишда ҳаёт кечириш, ақл-ҳушдан айрилиш фазилат ўлароқ талқин қилина бошлаган эди. Бундай ҳолатни ҳозирда ҳам Ҳиндистон ва Шимолий Африка ҳудудларида тарқалган тариқатларда сақланиб қолганини кўриш мумкин. Хожагон-нақшбандия "ҳуш дар дам" шиори билан аввалбошданоқ "жазба"га интилмаслик сиёсатини эълон қилди. Бу машҳур айтган соф ислом нуқтаи назарини ифода этиб, Қуръон, ҳадислар ва шариат манбаларида ақлсизлик ёки онгсизликка доимо салбий муносабат билдирилган. Мажнунлик ва девоналик асло фазилат ҳисобланмаган. Қуръон оятларида кетма-кет "...шоядки ақлингизни ишлатсангиз" ибораси келиши бежиз эмас[103]. Имом Газзолий "Иҳё улуми-д-дин" асарида ҳам ақл мадҳига алоҳида боб бағишлаб, ақл фазилатига тегишли ҳадисларни санаб ўтган[104]. Юсуф Ҳамадоний шахсиятига келсак, Абдулхолиқ Ғиждувоний у зот ҳақида: "Тафсир, ҳадис, фиқҳ, усул, фуруъ ва каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз ўн уч нафар машойих билан суҳбат тутган... Янги ой кирганда Самарқанд пешволарини чақирар, улар билан тарнат илмидан баҳс ўтказарди... мадрасада талабаларга дарс берар эди[105]", – деган таърифларни келтирган. Айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадоний бу "рашҳа"да ўзи ўрнак бўлиб, ҳаётига жирий қилган эди:

– "Назар бар қадам" (пёқ остига қараб юриш) – ўша давр суфийлари орасида "гўзал юз истаги" шиор даражасига чиққан эди. Айрим қаландар ва дарвешлар пошахрамларга қарашдан тийилмас, улар орасида ҳар қандай гўзал нарсани томоша қи-

[103] Бақара сураси 73, 242; Анъом сураси 151; Юсуф сураси 2; Нур сураси 61; Ғофир сураси 67; Зухруф сураси 3; Ҳадид сураси 17. // Қаранг: Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржимаси ва тафсирлари. А.Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2015.

[104] Газзолий, Абу Ҳомид Муҳаммад. Ихё улуми-д-дин. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2014. – Б. 190-204.

[105] Ғиждувоний, Хожа Абдулхолиқ. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тарж. С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.– Б. 16-18-25.

лиш Аллоҳнинг тажаллийсини мушоҳада қилиш, деб талқин қилина бошлади. Юсуф Ҳамадоний хожагон тариқатига "нигар бар қадам"ни киритиш орқали бу ҳолатга кескин жавоб қилди. Бу ҳам ислом таълимоти билан ҳамоҳанг бўлиб, Қуръонлаги "Мўъминларга айтинг, нигоҳларини қуйи тутсинлар[105]" оятига асослангандир. Мақомотда келишича, Юсуф Ҳамадонийнинг ўзи ҳам номаҳрамларга тикилиб қарамас, юрганда оҳиста қадам ташлар, жумладан оёқ кийимга ҳам эътиборли эди;

– "Сафар дар ватан" (ишаб турган жойида ўзни мусофирдек тутиш) – замондош суфийлар шаҳарма-шаҳар кезиб қаландарлик қилиб юришни тасаввуфнинг ўзига хос белгиси сифатида кўраётган бир даврда, хожагон тариқатида ўтроқлик тартиб қилиниши, тариқатнинг дарбадарликка қарши қатъий ва муросасиз мавқеда туришини кўрсатиб берди. Сабаби, қаландар жойдан-жойга кўчиб юришда одамларнинг қўлига қарам бўлиб, кайф-эҳсон ҳисобига яшашга мажбур бўлади. Бу эса тариқатнинг инсон ўз меҳнати билан кун кечириш борасидаги талабига зид келади. Мусулмон киши том маънода эмас, кўчма маънода, яъни ўткинчи дунёда мусофир эканини англаб етиши муҳим экани таъкидланган. Бу рашҳанинг асосини "Дунёда гарибдек ёки йўловчидек бўл (Бухорий ривояти)" деган мазмундаги ҳадисда кўрамиз. Хусусан, ушбу ҳадис нақшбандия тариқатининг машҳур пиромандаси Алишер Навоийнинг муҳрига ҳам ўйилган[106].

– "Хилват дар анжуман" (одамлар ичида қалбан холи бўлиш) – тасаввуф аҳлининг асосий хусусияти таркидунёчилик ва узлатга чекиниш, хонақоҳ ва зовияларда яшаш деб тушунила бошлаган, хилватнишинлик тариқат аҳлининг шиорига айлана борган бир пайтда хожагон тариқатида бунинг акси ўлароқ ижтимоийлашув ва жамоадан ажралмай ҳаёт кечиришга чақириқ янгради. Зотан, хилватда яшашда ҳам бошқа одамларга муҳтожлик, тирикчилик юкини ўзгаларга ташлаш ҳолати юзага келади. Бошқа тарафдан хилватга чекинган ва таркидунё

[105] Нур, 30. // Қаранг: Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржимаси ва тафсирлари. А.Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2015.

[106] Навоий девонлари. Нашрга тайёрловчи ва кўрсатгич муаллифи С.Ғанисева. Тошкент: Фан, 1991.

нё қилган кимса одамлар орасида "суфий", "зоҳид" деган ном олиши риёга йўл очади, яъни тоатни холис эмас, одамларнинг кўзи ва сўзи учун бажаргандек ҳолат юзага келади. Баҳруддин Нақшбанд ҳам "Бизнинг йўлимиз суҳбатдир. Хилватда шуҳрат, шуҳратда эса офат бордир. Яхшилик жамоат билландир", деб таъкидлаган. Боз устига бундай ҳаёт кечириш роҳибликка ўхшаб қолади. Исломда эса роҳиблик йўқ экани қатъий таъкидланган. Қуръонда "Роҳибликни эса ўзлари ўйлаб топганлар, уларга буни буюрганимиз йўқ[107]" дейилган.

Юқоридаги тўрт "рашҳа" тариқатнинг шаклланиш босқичида мустаҳкам мавқега эга бўлиш, бошқа тариқатларга нисбатан қандай позицияда эканини кўрсатиш учун самарали хизмат қилган. Тариқат оёққа туриб олгач, унинг амалий жиҳатларини қарор топдириш, суфий амалиётининг назарий асосларини ишлаб чиқиш долларб бўла бошлади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун Абдулхолиқ Ғиждувоний қуйидаги тўрт "рашҳа"ни киритган дейилади. "Рашҳа"лар амалиётга доир бўлгани учун қисқа тўхталиб ўтамиз:

– "Ёд карл" – (ёд этиш, эсга олиш) тасаввуфда "зикр" деб номланган амалиётнинг бажарилиш шартларини ифода этади. "Рашаҳот"да келишича зикр тил билан қалб бирлигида амалга ошади, қуруқ тил билан эмас. Аммо зикр тилсиз, қалбнинг ўзи билан бажарилиши мумкин. Баҳруддин Нақшбанд айтганидек, "зикрдан мақсад қалбнинг доим Ҳақ таолони севиш ва улуғлаш билан ҳозир бўлишидир, чунки зикр ғафлатни кетказади".

– "Боз гашт" – (қайтариқ, қайтадан бошлаш) хожагон-нақшбандия зикр амалиётида "ла илаҳа иллаллоҳ" калимасини олиш бўлиб, бунда "ҳабси нафас"да (нафасни ушлаб туриб) тоқ марта қайтарилади. Ҳар сафар муайян саноқ бажарилгач, "Илоҳий анта мақсудий ва ризока матлубий" (Худойим, сен мақсадимсан, розилигинг эса талабимдир) деб, саноқли бошдан бошланади[108];

[107] Ҳадид, 27. // Қаранг: Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржимаси ва тафсирлари. А.Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2015.

[108] Кошифий, Ҳусайн ибн Али. Рашаҳот айн-ул-ҳаёт (араб тилида). Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1971. Б. 60-61

– "Нигоҳ дошт" – (сақлаш, кўриқлаш) зикр калималарини қайтарайтганда хаёлидан бошқа нарсалар ўтишига йўл қўймаслик, фикр-у хаёлини зикрдан чалғитувчи нарсалардан кўриқлаб, жамлаб туриш;

– "Ёд дошт" – (ёлда тутиш) ёд этишдан ("ёд кард"дан) фарқли равишда, эслашни эмас эслаш чиқармасликни назарда тутади[109].

Абдулхолиқ Ғиждувоний киритган сўнгги икки "рашҳа"нинг номи Ҳаким Термизийнинг "Жавобу китоб мин ар-Рай" ("Рай шаҳридан келган мактубга жавоб" асарида учрайди. Ҳаким Термизий "нигоҳ дошт"ни арабча "ҳифз", "ёд дошт"ни эса "зикр" сўзи билан теңлайди ва бирор ўринда маъно беради. "Ҳифз" яъни "нигоҳ дошт" амалларга ўта хассослик билан ёндошиш, уларни "кўриқлаб-сақлаб" юришни, ҳар бир шаръий амални пухта бажариш ва буйруқ-қайтариқларга қатъий риоя қилишни англатади. "Ёд дошт"да эса ёд этиш ва ёдда тутиш (зикр) жамланади[110]. Бундан кўринадики, хожагон тариқати назарий асослари Юсуф Ҳамадоний гоялари билан бир қаторда ўз заминимиздан чиққан алломаларимиз мероси билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этган ва бунда Ҳаким Термизий илмий мероси муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Абдурахмон Жомий ўзининг "Нафаҳоту-л-унс" асарида келтиришича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Ҳаким Термизий фикр-қарашлари ва асарларидан кенг фойдаланган, ўзини унга издош деб билган. Баҳоуддин Нақшбандининг: "Ҳар қачон азиз авлиёларининг пешвоси Хожа Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг руҳиятига таважжуҳ тушганда, менга таъриф ва тавсифга ижоз тасаввуф намоён бўлади", – деган эътирофи маълум ва машҳур. Нақшбандининг хос шогирди Муҳаммад Порсо ҳам Ҳаким Термизий меросидан самарали фойдаланган маълум[111]. Аммо, Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган даврда, яъни хожагон-нақшбандиянинг шаклланиш давридаёқ тариқатга Ҳаким Термизий таъсири кучли бўлгани

[109] Хаджи Абдулгафур Раззак Бухари. Поведение в суфизме (по основе учения Накшбандия). Москва: Инсан Пресс, 2010. – С. 65.

[110] ат-Термизий, Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким. Жавобу китоб мин ар-Рай. // Салосату мусаннафат ал-Ҳаким ат-Термизий. Нашрга тайёрловчи Б.Радтке. Байрут: 1992. – С. 184.

[111] Қаранг: Усмонов Н. Наводир ал-усул ҳикматлари. Тошкент: Фан, 2009. – П. 125.

ақимолдан холи эмас. Хожагон силсиласини Юсуф Ҳамадоний олиб кирган қолда, тариқат шаклланишида маҳаллий таъсир мавжудлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бунинг учун тариқатнинг Баҳоуддин Нақшбандга қадар шаклланган анъаналарини ўрганишда "рашаҳот" тизимини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Қуйидаги "рашҳа"ларни эса Баҳоуддин Нақшбанд киритган улар ҳам амалий ҳам назарий аҳамиятга эга:

– Вуқуфи замоний – (вақтга қатъий риоя қилиш) амалий жиҳатдан муайян зикр, вирд, вазифаларнинг ўз белгиланган вақти ва муддатига риоя қилишини шарт. Бу соликлар учун қатъий тартиб-интизомни шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Бу қоида ҳам ислом дини талабларига асосланган бўлиб, ҳар бир фарз ва суннатда келган нафл ибодатларининг белгиланган вақти бор. Масалан, фарз намозлар вақти киргандагина ўқилиши фарз бўлади, вақтидан олдин ўқилгани қайта ўқилади. Нафл намозларни ишрок, зуҳо, аввобин, таҳажжуд кабилари ҳам муайян вақтларда ўқилиши белгиланган. Яъни зуҳо намози аслида нафл бўлсада, у ҳам ўз вақтида ўқилгандагина зуҳо намозига ўтади. Зикр ва вазифлар ҳам ибодат ниятида бажарилгани жиҳатидан уларнинг ҳам муайян вақтларига риоя қилиш тариқат талабларига киради. Бундан ташқари солик доимо ўз вақтини сарҳисоб қилиб туриши лозим. Умрининг қай қисми яхшиликка, қайси қисми ёмонликка ва қайсиписини беҳудага сарфлаётганини билиши лозим.

– Вуқуфи ададий – (саноққа қатъий риоя қилиш) Солик ҳамиша зикр чоғида ададга риоя қилиши лозим. Чунки зокир ададга риоя қилгандагина, ўз фикр ва хаёлини идора эта олади. Бунинг устига бунда "Ҳуш дар дам"га риоя қилиш осон кечади, зокир зикр вақтида ақлини жамлаб туради, ўзини йўқотиб жазбага берилиб кетмайди. Зикрда саноққа риоя қилиш ҳам бир қатор ҳадисларда келган. Масалан, фарз намозларидан кейин ҳамд, тасбеҳ ва такбирлар айнан 33 мартадан қайтарилиши, фарз ибодатлар таркибидаги ҳаракатларнинг саноғи ва тартиби қатъий белгиланиши тариқат талабларига ҳам асос сифатида хизмат қилган.

– Вуқуфи қалбий – (қалб ҳозирлиги) бу қоида зикрнинг асосий талаби дейиш мумкин. Зеро, зокир ўз вақтида ва саноққа

риоя қилган ҳолда зикрларни ало этиб борса-ю хаёли жойида бўлмасдан бошқа нарсаларга чалғиб бажарса у "ниғоҳ дошт" талабига амал қилмаган бўлади. Шунинг учун солик доимо Аллоҳ таолони ёдда тутиши, унинг қалби ҳамиша Аллоҳ ёди билан банд бўлиши лозим, дейилади.

Шу тариқа Абдулхолиқ Гиждувоний асослаган хожагон тариқати Баҳоуддин Нақшбанд хизмати билан янги бир даража касб этди. Шунинг учун манбаларда энди бу тариқат хожагон-нақшбандия деб атала бошлади. Хожагон-нақшбандиянинг XV асрдаги йирик вакили, Алишер Навоийнинг пири ва устози Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414-1492) илк бор бу тариқатни тўғридан-тўғри «нақшбандия» деб атади.

Шуни айтиш керакки, бу рашҳалар – аслида, соликларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалари. Аммо уларнинг яна қанчадан-қанча рамзий, фалсафий ва ҳаётий маънолари бор. Бу қоидаларга амал қилиш солиқнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат этиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Мазкур шиорларнинг тор маънодагина зикр амалиёти билан боғлиқ. Уларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга эгаки, суфий нафақат зикр пайтидагина, балки, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Нақшбандия таълимотининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, унинг ислом таълимотига, аҳли сунна ақидасига, шариат асосларига боғлиқлиги, халқатга муносабати, жумладан, маломат қилувчининг маломатидан кўркмаслик, эл қатори ҳаёт кечириш, тариқат белгисини билдирувчи махсус кийим киймаслик ва шуҳратдан сақланиш, маънавий ҳолни яшириш, риё бўлмаслиги учун карамотни изҳор этмаслик, рақсу самоъ ва жаҳрий зикрдан воз кечиш, хизмат аҳлидан ва фидоий бўлмоқ, ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш ғояларига қатъий амал қилган.

Тариқатда зоҳир ва ботин масаласига муносабат. Бу масалани тўлиқ тушуниб олиш учун нақшбандияни унга энг яқин ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган яссавия билан қиёслашга тўғри келади. Бошқа тариқатлар, жумладан, яссавиядан фарқли ўлароқ, Нақшбандияда зоҳир ва ботин ўзаро ажратилди. «Зоҳир юзидан халқ билан, ботин юзидан Ҳақ билан», – деган қоида

замирида жуда катта маъно-мазмун – ширин. Бу суфийликни халқ орасида ошкор этмаслик, пеш қилмаслик, бошқалардан ажралиб турмаслик, хилватга чекинмаслик, меҳнат қилиб кун кўришдан воз кечмаслик, оила, бола-чақа бокиш масъулиятини бўйинга олиш, бошқаларнинг (қул ва чўрилар) меҳнатидан фойдаланмаслик ва ҳоказо каби эзгу тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишни талаб этар эди.

Тариқатда меҳнатга муносабат масаласи. Баҳоуддин Нақшбандинг муридликка келган ҳар бир шогирддан аввал: «Нима касбу коринг бор? Кўлингдан қандай иш келади?» деб сўраши, агар ҳеч бир касби бўлмаса, тариқатга киришдан аввал бориб бирон касбни ўрганиб келиши учун қайтариб юборгани ҳақида ҳикояту ривоятлар бор. Бу бежиз эмас эди. Нақшбандин дунёвий ишлардан ажралмаган ҳолда ҳам суфий бўлишнинг йўлини тутган тариқат эди.

Нақшбандиянинг кенг тарқалишига асос бўлган омиллар. Нақшбандия тасаввуфнинг ислом оламида катта ҳудудларда тарқалган ва ҳозиргача издошларига эга тариқати ҳисобланади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида нақшбандия тариқати давомчилари бор.Ушбу тариқатнинг замон талабларига мослиги, унинг барчага маъқуллиги унинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Нақшбандиядаги дунё ишларидан воз кечмай туриб ҳам Аллоҳни таниш мумкинлиги ҳақидаги қараш мусулмон оламида машҳур бўлиши тариқатнинг кенг аҳоли қатламлари орасига кириб боришини таъминлади.

Ўша вақтларда Мовароуннаҳрда, шу жумладан, Бухорода ҳам кўплаб дарвеш-қаландарлар бор эди. Уларнинг асосий иши дарбадарлик саналиб, бирор иш қилмас, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага мухтожлик сезмай, тиланчиликда яшашни фахр деб билардилар. Нақшбандия уларнинг ҳаёт тарзини том маънода ўзгартиришга чақирди, «Дил – ба ёр у даст – ба кор», дея уларни меҳнатга чорлади. Бу борада дастлаб нақшбандия мавойихларининг ўзи ўрнак кўрсатдилар. Натижада нақшбандия таълимотига амал қилувчилар сони кундан-кунга, йилдан-йилга ортди. Қаландарлар турғун ҳаётга қайтдилар. Улар Ҳақ таоло йўлида маърифат ҳосил қилиш билан бирга, ўз меҳнатлари билан кун

кечириш мумкинлигини англаб етдилар.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган «Нақшбандия» таълимоти ўрта Осиёдан Афғонистонга, Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига тарқала бошлади. Нақшбандия таълимоти Амир Темурнинг мўғуллар истилосига қарши кураш, марказлашган мустақил давлат барпо этиб, унда маданий-маънавий ривожни таъминлашга интилишда, Темур ва темурийлар даври умуман аҳамиятда катта ижобий аҳамият касб этди.

Айнан ана шу XV асрдан бошлаб нақшбандия ислом оламининг жуда кенг ҳудудида ёйилди. У географик тарқалиши жиҳатидан амалда қодирийдан кейинги тариқатга айланди. Нақшбандия тарқалган минтақаларда унинг мустақил йўналишга айланиб кетган бир қанча тармоқлари ҳам юзага келди.

Нақшбандиянинг Марказий Осиёда ёйилиши. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин нақшбандия вакилларининг жипслашуви, бу тариқатнинг таъсири кенгайиши ва ташкилий тузилмалари мустаҳкамланишида унинг халифаси ва вориси Алоуддин Аттор (1400 йили вафот этган), Яъқуб Чархий (1363-1447) айниқса, Хожа Муҳаммад Порсо (1345-1420) хизматлари катта бўлди. Нақшбандия, асосан, шаҳарликлар, яъни ҳунарманд ва савдо-сотиқ гуҳаси вакиллари тариқати эди. Шунинг учун Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳар ва шаҳарчаларида мазкур тариқат хонақоҳлари вужудга келди. Бу тариқат секин-аста ўз таъсирини кўчманчи туркий қабилаларга ўтказа ҳам бошлади.

XV асрда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (1404-1490) замонасига келиб нақшбандия ўз сиёсий ва иқтисодий таъсирининг энг юксак чўққисига эришди, шуфузи ҳаддан зиёд ошди, атрофига деҳқонлар, савдогарлар ва ер эгалари доираларини бирлаштирди, уларнинг қўллаб-қувватлашига таянди. Хожа Аҳрор темурийлар салтанати сиёсий фаолиятига дахлдор билан фаол аралашди, амалда деярли қирқ йил мобайнида минтақанинг ҳукмрон сиёсий раҳнамосига айланди. У темурий мирзоларга мактублар ёзар, кўрсатмалар берар, улар ўртасидаги ўзаро низоларни бартараф этиш, урушларнинг олдини олиш, ёвлашган қариндошларни яраштиришга интилар ва кўпинча бу борада кўзланган мақсадга эришар эди. Унинг қарашига кўра, бу дунёда

руҳий-маънавий вазифани адо этмоқ учун сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш керак эди.

Алишер Навоийнинг 1483 йили битилган «Ҳайратул-аброр» достонидаги бир бобни махсусан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан Хожа Аҳрорга бағишлайди[42]. Хожа Аҳрорни, жумладан, «жаҳон сининг деҳқони», «жаҳон мамлакатининг нигаҳбони (кўриқчиси)» деб таърифлайди ва давомидан шундай ёзади:

Йўқки мамлакка нигаҳбон йўқ,
Барча салотин ўза султон йўқ.

Руқъаларин етса не шоҳ қошиға,
Иш ани қўймоғлиғ ўлуб қошиға.

Шоир талқинига кўра, Хожа Аҳрор мамлакатларга нигоҳбонгина бўлиб қолмасдан, балки, барча султонлар орасида султон бўлди. Агар кайси шоҳга унинг мактублари етиб борса, улар уни ўпиб қошига қўядиган бўлди. Яъни ҳукмдорлар унинг хатларида билдирган фикрларига амал қилар эди. Нақшбандиянинг сиёсий хаётдаги алоҳида ўрни ва мавқеи кейинги асрларда ҳам сақланиб қолди. Бошқача айтганда, Мовароуннаҳрда подшоҳларнинг нақшбандий пирларга мурид тушиши ва ўз фаолиятида ана шу улуғ зотлар маслаҳатига амал қилиши одат тусини олди. Кўп ҳукмдорлар айнан нақшбандий пирлари қабри ёнида дафн этилгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

1500 йилдан Мовароуннаҳрда ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтгач, Хожа Аҳрор хонадони сиёсий ҳаётдан чекинди. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида нақшбандия тариқатига Маҳдум Аъзам Дақбедий Косоний (ваф. 1543 ёки 1549 й.) раҳнамолик қила бошлади.

Маҳдум Аъзам вафотидан кейин нақшбандиянинг маркази яна Бухорога кўчди. Бухоро шаҳрининг ғарбида жойлашган Чорбакрда макон тутган Маҳдум Аъзам муридлари бўлган бухоролик шайхлар (улар «Жўйборий шайхлар» ёки «Жўйбор шайхлари» номи билан тарихга кирган) таъсири кучайди. 1920 йилгача ҳукм сурган Бухоро амирлигида Жўйбор шайхларининг ҳам муайян сиёсий таъсири сақланиб қолган эди. Амир чиқарган

[42] Бу ҳайтда Хожа Аҳрор халк хаёт эди.

фармонларининг халқ орасида қандай қабул қилингашини айнан Жўйбор шайхларидан сўраб, олиб борар эди. Шайхлар аҳоли ўртасидаги муносабатдан келиб чиқиб фикр айтар эди.

3. Нақшбандиянинг мужаддидия тармоғи. XVI аср охири ва XVII аср бошларида нақшбандия тариқати тараққиётининг янги юксалиш даври бошланди. Бу даврда «нақшбандия» тариқатининг бир тармоғи сифатида «нақшбандия-мужаддидия» тариқати юзага келди. Бунда нақшбандия тариқатининг назариётчиларидан бири, айни пайтда юртимизда фаолият олиб борайтган деврли барча тариқатларнинг силсиласида номи зикр қилинган. XVI аср охири ва XVII аср бошларида Ҳинд диёрининг Сирҳинд шаҳрида туғилган Имом Раббоний Аҳмад Сирҳиндий Фарукийнинг (1564-1624) ўзига хос ўрни бор. Сирҳиндий ўзининг «Мактубот» номли асарида нақшбандия назарияси ва амалиётига, хусусан, «зикр», «вақфат», «пир ва мурид одоби» масалаларига кўпгина ўзгаришлар киритган.

Аҳмад Сирҳиндийнинг отаси Шайх Абдуаҳад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор қаратади. Хат-саводини чиқариш учун уни бошланғич мактабга топширади. Ўзи ҳам унга чиштия ва қодирия тариқати одобларидан таълим бериб борган. Аҳмад Сирҳиндий ёшлигида ниҳоятда тиришқоқ ва ғойгда истеъдодли бўлиб, Қуръон тиловатини дастлаб отасидан ва Камол Кашмирий, ҳадис илмини Шайх Яъқуб Кашмирий, тафсир ва баъзи усул илмларидан эса, Қози Баҳлул Бадахшонийдан таълим олади.

Отаси вафотидан кейин Аҳмад Сирҳиндий Макка зиёратидан қайтиб, Ҳасан Кашмирийнинг васиясига кўра, Шайх Муҳаммад Боқийдан таълим олади. Имом Раббоний икки ой ичида алломадан илм сирларини эгаллаб, нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида иш бошлади.

Аҳмад Сирҳиндийнинг нақшбандия тариқатидаги фаолияти XVII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бу даврда Ҳиндистон бобурий Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1551-1605) ва Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ (1605-1627) ҳукмронлиги остида эди. Аҳмад Сирҳиндий билан мазкур ҳукмдорлар ўртасидаги муносабат гоҳо кескинлашиб, гоҳо илиқлашиб турган. У Акбаршоҳнинг динларни қориштириш сиёсатига (диний син-

кретизмига) ва Жаҳонгир шоҳнинг шиаликка мойиллигига қарши бўлган.

Аҳмад Сирҳиндий «Имом Раббоний» ва «Мужаддиду алфи соний» яъни «иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси» каби шарафли номлар билан шуҳрат қозонган. Бу аввало, «Аллоҳ ҳар юз йилда битта ўз динининг янгиловчисини юборади», – деган ҳадисдан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, Имом Раббоний замонасининг энг кўзга кўринган уламоларидан бири сифатида «мужаддиди алфи соний», яъни «ҳижрий иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси» деб эътироф этилганига ишора эди. Нақшбандия тариқатининг «мужаддидия» деб аталиб кетишига ҳам Аҳмад Сирҳиндийнинг мазкур унвони сабаб бўлган эди.

Тарихий манбаларда, Аҳмад Сирҳиндийнинг шогирдлари тўрт юздан ошиқ, деб келтирилган. Ундан нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига улкан ҳисса қўшган бир қанча мовароуннаҳрлик шайх-алломалар таълим олиб, юксак мақомларга эришганлар.

Имом Раббоний номи билан машҳур бўлган Аҳмад Сирҳиндий ўз замонининг машҳур давлат ва сиёсат арбоблари, буюк олимлар ва мутасаввифлар билан кенг алоқада бўлиб, уларга мактублар ёзиб турган, турли мавзулардаги мураккаб масалалар ва янги топилган фалсафий, тасаввуфий ва ақидавий муаммоларни ечиб беришга интилган. Мазкур мактублар кейинчалик унинг шогирдлари томонидан тўпланиб, «Мактуботи Раббония» номи билан мустақил асар сифатида ташилган.

Имом Раббонийнинг 536та мактуби тўпланиб, «Мактуботи Имом Раббоний» номли китобда жамланган. "Мактубот-и Раббоний" ёки қисқагина "Мактубот" номи билан машҳур асар – ҳиндистонлик машҳур мутасаввиф, нақшбандия тариқати силсиласининг шайхларидан, мужаддидия тармоғи асосчиси Имом Раббоний (Аҳмад Сирҳиндий, 1563-1624) мактублари тўплами. Асар аввалбошидан 3 жилддан иборат бўлиши кўзланган бўлиб, улар ўз ичига Имом Раббонийнинг 536та мактубини жамлаган.

Биринчи жилд 1616 йилда Имом Раббонийнинг шахсий кўрсатмасига биноан шогирди Ёр-Муҳаммад Жадиди Бадахший-То-

пиқоний томонидан тузилган бўлиб, ундаги мактубларнинг сони ривоятда келган расул-пайғамбарлар ва Бадр жангида қатнашган саҳобийлар сонига ўйғун тарзда 313та бўлиши ихтиёр қилинган. Иккинчи жилддаги мактублар 1619 йилда Имом Раббонийнинг яна бир шогирди Абдулҳай Лутфий томонидан тўпланган бўлиб, бунда мактублар сони "ал-асмоу-л-ҳусно" ададига мувофиқ равишда 99та деб белгиланган. Учинчи жилд Имом Раббонийнинг вафотидан кейин 1630 йилда, унинг яна бир шогирди Муҳаммад Ҳошим Кешмий томонидан тўпланиб, ундаги мактублар сони Қуръони карим суралари ададига мос қилда 114тани ташкил этди. Учала жилдда умумий ҳисобда 526та мактуб жамланиб, учинчи жилдга Имом Раббонийнинг охирги 10та мактуби ҳам илова қилинди. Натижада мактублар сони 536тага етди. "Мактуботи Раббоний" асари умумий мазмунида Имом Раббонийнинг шариат, ақоид, тариқат одоблари, турли билъат-хурофотларга муносабат ва бошқа бир қатор ўз даврида долзарб бўлган масалалар атрофидаги фикр-мулоҳазалари, тавсиялари, чақириқларини ўзида жамлаб олган. Китобнинг асосий мавзуси турли маҳаллий таъсирлар ва ташқи ғоялар натижасида ўзгаришларга учраб бораётган нақшбандия тариқатининг турли тармоқлари вакилларига, уларнинг сиймосидаги мусулмон жамоаларига мурожаатлардан иборат бўлиб, уларни ёт ғоя ва амалиётлардан четланиш ҳамда соф сунний ақида мусаффолигини сақлаб қолишга ундовлардан иборат. Бу айниқса, ўша даврда Ҳиндистонда янги диний ислоҳот ўтказиш орқали барча мавжуд динларни бирлаштириш ғояси билан чиққан Жалолиддин Акбар даврида маҳаллий мусулмонларнинг ўз эътиқодларини сақлаб қолишларида муҳим ўрин тутган. Асар Моваройуннаҳрда жуда ҳам ардоқланган ва ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Асар кейинчалик Тошкент, Қозон, Ҳиндистон матбааларида бир неча марта нашр қилинган ва нақшбандия тариқатида ёзилган энг катта ҳажмли китоблардан бири бўлган. Асар араб, форс, турк тилларида тўлиқ нашрдан чиққан. Айрим қисмлари (тўлиқ эмас) рус, инглиз ва бошқа тилларга ўгирилган.

Нақшбандия-мужаддидия шайхлари XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ҳудудлари

ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган. Айниқса, XVIII асрда ҳукмрон табақалар томонидан олиб борилган диний ислоҳотлар ва сиёсий тадбирларда мужаддидия шайхларининг фаол иштироки яққол кўзга ташланади. Бухоро амирлиги XVII аср охири XVIII аср бошларида мангитлар сулоласи вакилларидан Муҳаммад Дониёл (ваф. 1785 й.), Амир Шоҳмурод Маъсум (ҳукм.й. 1785-1800) ва Амир Ҳайдар (ҳукм.й. 1800-1826) ҳукмронлиги даврида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар бевосита ёки билвосита ушбу тариқат намоёндаларининг раҳнамолиги ва аралашуви остида кечган.

Моваройуннаҳрлик алломалардан Мусохон Дақбедий, мавлоно Абдулғофур Самарқандий, мавлоно Юсуф Самарқандий, шайх Абдулҳай Саҳниёний, мавлоно Солих Кўлобий, мавлоно Муҳаммад Силдиқ Кешмий, шайх Тоҳир Бадахшоний, хожа Муҳаммад Ҳошим Кешмий ва Бадриддин Сирҳиндийлар ҳам нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Моваройуннаҳрга кириб келиши ва тарқалишига катта ҳисса қўшганлар.

Аҳмад Сирҳиндийдан 1,5 аср кейин яшаган Валиюллоҳ Деҳлавий (1703-1762) унинг таълимотини давом эттириб, амалдаги мужаддидий анъаналарини янгилди, ўзининг шариатга бўлган шарқ ва тушунчаларини киритди.

Нақшбандия-мужаддидия тариқатининг кенг ёйилишида тариқат шайхларининг ўрни беқиёс бўлган. Аҳмад Сирҳиндийнинг учинчи ўғли шайх Муҳаммад Маъсум (1599-1668) нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Ҳиндистондаги энг кўзга кўринган вакилларидан бири ҳисобланади. У кўплаб валийларни тарбиялаб камолга етказган. Айниқса, ундан моваройуннаҳрлик бир қанча шайх-алломалар таълим олиб, нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Моваройуннаҳрда кенг ёйилишига ўз ҳиссасини қўшганлар. Шайх Муҳаммад Маъсум ўз даврининг илғор шайх-алломалари билан ёзишмалар орқали мулоқотда бўлиб турган. Бу ёзишмалар асосида «Мактуботи Маъсумия» китоби юзага келган. Мазкур китоб уч жилддан иборат бўлиб, унда муаллифнинг 652та мактуби тўпланган. Бу китоб 1976 йили Покистоннинг Карачи ва ундан ташқари олинган мактублар 1979 йили Истанбулда нашр этилган. Унинг Истанбул нашри нусхаси

1807, 1808, 1860 рақамлари остида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланмоқда.

Ўрта Осиёнинг кўплаб мужаддидия шайхлари орасида эшон-хожи номлари билан машҳур бўлган, хожи Ҳабибуллоҳ Бухорий (вафт. 1700 й.) муршиди Муҳаммад Маъсум Сирҳиндийдан ақоид илмининг сир-асрорларини Ҳиндистон ва Макка сафари пайтида ўрганади. Шу боис ҳам уни, Шоҳмурод нинг ўғли бўлган Мир Ҳусайн «қижрий XII (милодий XVIII аср) ислом асрининг мужаддиди» деб атайди ва шу тариқа хожи Ҳабибуллоҳни XIII ислом асри (милодий XIX аср) мужаддиди Шоҳмурод ва II минг йиллик мужаддиди Аҳмад Сирҳиндий билан боғлайди.

Нақшбандия-мужаддидия тариқатининг ривожланишига сабаб бўлган омиллардан бири, тариқат шайхларининг илм-фан соҳаларида кенг фаолият олиб борганлари ва бу минтақада таълим соҳасининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганларидир. Мужаддидия шайхлари ханақоҳлардан ташқари мадрасаларда ҳам таълим берганлар. XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият, айниқса, манғит ҳукмдори Бухоро амири Шоҳмурод Маъсум (ҳукм.й. 1785-1800) даврида ҳукмрон табақаларнинг нақшбандия-мужаддидия тариқатини қўллаб-қувватлаши тасаввуф арбобларининг жамият ҳаётига сезиларли таъсир ўтказишларига ҳам қулай шарт-шароит яратди. Айниқса, эски мадрасаларни қайта очиб, янгиларини қуришга Шоҳмурод Маъсум ва Амир Ҳайдар (ҳукм.й. 1800-1826)ларнинг жонбозлик кўрсатгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мужаддидия шайхларининг мадраса таълими ўзига хос бўлиб, Ўрта Осиёда маънавий-маърифий соҳалар ривожига катта ҳисса қўшган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Аҳмад Дониш (1827–1897) каби йирик уламолар ва маърифатпарварлар Бухорода ислом динини ислоҳ қилиш фикри билан чиқиб, муайян дастурлар тузганлар. Аҳмад Дониш мужаддидия таълимоти билан жуда яхши таниш бўлган. Одил ҳукмдорларидан бири ҳисобланган Амир Шоҳмуроднинг ўтмишда юритган сиёсати Аҳмад Дониш каби илғор фикрли ўзбек маърифатпарварлари учун ўрнак ҳисобланган.

XVIII асрнинг II ярмидан бошлаб, Ўрта Осиёнинг мужаддидия шайхлари ушбу таълимотни Марказий Осиё ва Волга Урал

минтақасида тарқалишига салмоқли ҳисса қўшадилар. Мужаддидиянинг кўплаб шайхлари Ўрта Осиёда ушбу таълимотни мустаҳкамлаб, бу ердаги аввалдан мавжуд бўлган нақшбандий жамоалар билан бирга аста-секинлик билан бошқа тариқатларни сиқиб чиқарган маҳаллий таълим марказларига асос соладилар.

Нақшбандия-мужаддидия тариқати вакиллари бошқа тариқат аъзолари билан ҳам алоқада бўлган. Жумладан яссавия, қодирия, халватия тариқатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда ўзларини ушбу тариқат намояндалари деб юритувчиларни ҳозирда Фарғона водийсида кўпроқ учратиш мумкин. Мазкур тариқат анъаналари, расм-русумлари ҳозирга қадар ҳам Ўзбекистон ва Қозоғистон суфий жамоалари амалиётида қўлланиб келинади.

Мавзу бўйича саволлар

- Юсуф Ҳамадонийнинг хожагон тариқати вужудга келишидаги ўрни?
- Нақшбандия-хожагоннинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
- Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?

Имом Раббоний ва мужаддидия тармоғи хусусияти?

Мустақил иш топшириқлари: *Нақшбандия тариқати рашҳалари.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад Сирҳиндий. Ал-Мактубот ар-Раббонийя. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-илмийя, 2004.
2. Trimingham J. S. The Sufi Orders in Islam. Oxford 1971.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. - Москва: Диля, 2004.
6. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Энигма, 2000.
7. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.

5-§. Нақшбандия таълимотида «етти пир» илмий мероси ўрни

Дарснинг мақсади:

"Етти пир" тушунчаси ва нақшбандия тариқатида Етти пирнинг илмий-маънавий мероси аҳамияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Режа:

1. Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий ҳаёти ва фаолияти

2. Маҳмуд Анжир-Фағнавий ва Али Ромитаний

3. Муҳаммад Самосий, Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд.

Таянч иборалар: *Етти пир, Бухоро, пир, мурид, муршид*

1. Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий ҳаёти ва фаолияти. Етти пир – Абдухолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд хожагон-нақшбандия тариқати «олтин силсила»сининг ҳалқаларидир. Улар кўнгилни нафсу ҳирсдан поклаш, ҳалол меҳнат ила умр кечириш, Аллоҳни сидқидилдан севиш ғояларини тарғиб қилган. Ушбу азиз-авлиёларнинг асарлари, қилган ишлари замонлар ошса одамларни тарбиялаб, уларга дину диёнат, одоб-ахлоқ, эзгу ғоя ва амалдан сабоқ бериб келмоқда.

Бугунги кунда Етти пирнинг муқаддас қадамжоларини янада обод қилинмоқда. Зиёратгоҳлар таъмирланиб, зиёратчилар учун мазкур барча зарурий шарт-шароитлар ҳозирланмоқда. Айни дамда "Етти пир"нинг бой илмий-маънавий, ахлоқий меросини чуқур ўрганиш, уни одамларга танитиш тобора долзарб аҳамият касб этиб боради. Зеро, бутун олам эътироф этаётган аждодларимизнинг таниш ва танитиш улкан маънавий бурч ҳисобланади.

Биринчи Пир – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (тахм. 496/1103–575/1179). Бухородаги етти пирнинг биринчиси, Мусулмон

Шарқида машҳур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний тахминан 496/1103 йили Бухоро яқинидаги Ғиждувонда дунёга келган. Манбаларда келтиришича, унинг отаси Имом Абдулжамил Имом Молик авлодидан бўлган. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ота-онаси асли Рум (Византия)лик бўлиб, вазият тақозоси билан Мовароуннаҳрга кўчиб келади. «Матлабут-т-толибин» ва «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарларида келтирилишича, Абдулжамил бир кеча ўн уч ёшида ҳам фарзандсиз бўлиб, узоқ йиллик илтижоларидан сўнг Аллоҳ таоло унга ўғил фарзанд ато этади[11].

Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс», «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» ва яна ўнлаб муаллифларнинг тазкира китобларида бошқа улуғ машойихлар қатори, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам юксак эҳтиром билан тилга олинган. Бу асарларда Хожаи Жаҳоннинг тутган йўли тариқатда ҳужжат ва намуна ҳисоблангани, Ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адолатли кишилар назарида мақбул ва мўътабар бўлиб, ҳамиша садоқат ва софлик йўлида юргани, шариат ва сунналга риоя қилгани, турли бидъат-хурофотларга қарши тинимсиз курашгани қайд этилади.

Шу каби манбаларга таянган ҳолда Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаёти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, Хожа Абдулхолиқ илк таълимни отасидан олган. Беш ёшга тўлганда Бухорошинг олимларидан бири бўлган Имом Садриддиндан Қуръони карим, тафсир илмларини ўрганади. У тўққиз ёшида Қуръонни ёд олади, ўн ёшидан бошлаб эса суфийларнинг зикр мажлисларида иштирок эта бошлайди[12]. Ёш Абдулхолиқда суфийликка бўлган қизиқиш унинг Имом Садриддин қўлида таълим олиб юрган чоғларида янада ёркинроқ намоён бўлади. «Рашаҳот айнил-ҳаёт»да келтирилишича, Абдулхолиқ тафсир дарсларининг бирида устози Имом Садриддиндан «Раббингизга зорланиб ва хуфёна дуо қилингиз! Зеро, У [дуода ва бошқада] ҳаддан ошувчиларни

[11] Муҳаммад Тоҳир Ҳусайний Сиддиқий. Матлабут-толибин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №9270. – Б. 20а-21а.; Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: Бинокор, 2003. – Б. 13-14.

[12] Эргаш Очилов. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – нақшбандий тариқати асосчиси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2003 й. №30. – Б. 3.

ёқтирмагай»[115]оятидаги «хуфёна дуо қилиш» маъноси тўғрисида сўраб: «Банда баланд овозда дуо ёки зикр қилганида бу нарса бошқаларга маълум бўлиб, қаддан ошиш ҳисобланса, ичда дуо ёки зикр қилганида эса шайтон ундан воқиф бўлиб, унга халал берса, унда нима қилиш керак?», деган маънода савол берганида устози бунга жавоб беришдан ожиз қолиб: «Ну ладуний илмдир. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хохласа, аҳлуллоҳдан бўлган бирор киши сенга учраб, бу борада йўл кўрсатади», дейди[116].

Абдулхолиқ 22 ёшга тўлган, Бухорога келган ўша даврнинг машҳур шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) билан учрашиб, унга шогирд тушади. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг Абдулхолиқ Ғиждувонийдан ташқари, Хожа Абдуллоҳ Барракий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий каби ислом олами ва тариқат тарихида машҳур шогирдлари ҳам бўлган. Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний Хуросонга қайтиб кетгунига қадар унинг хизматида бўлиб, хожагон тариқатининг усулларини мукамиал эгаллайди ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тасаввуф олимига айланади. Юсуф Ҳамадоний Мовароуннаҳрдан Хуросонга кетганидан сўнг Абдулхолиқ Ғиждувоний бир муддат риёзатга берилиб, нафс тарбияси билан шуғулланади ва натижада сохиб-карамат валий даражасига етишади, бироқ ўз валийлиги ва кароматларини бошқалардан яширади[117].

Манбаларда келтирилишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний ўлимидан олдин ўзидан кейин унинг ўрнига Хожа Абдуллоҳ Баракий, ундан кейин Хожа Ҳасан Андоқий, ундан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий халифа бўлиши, Хожа Аҳмад Туркистонга кетгач эса унинг ўрнини Абдулхолиқ Ғиждувоний эгаллаши лозимлигини васият қилади[118]. Ҳамадонийнинг васиятига мувофиқ Хожа Аҳмад Яссавий маълум муддат Бухорода тариқат раҳбарлигини амалга оширгач, Яссига қайтаркан, устозликни Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга топширади. Абдулхолиқ Ғиждувоний шогирдлари сафига оддий халқ қатори, кўплаб амалдорлар, ҳатто Бухоро ҳукмдорларидан Муҳаммад Умар Садр ҳам қўшилади. Хожа Абдулхолиқнинг обрў-мартабаси фақатгина Ўрта Осиё ҳудуди билан чекланмайди. У Шом диёрида ҳам хонақоҳ барпо этиб, муридлар тарбияси билан шуғулланган ривоят қилинади.

«Орифнома» асарида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бир марта уч йиллик ҳаж сафарига кетгани, бу муддатда унинг кўрсатмасига кўра шогирди Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тариқат раҳбарлигини амалга оширгани тўғрисида маълумот келтирилади[119].

Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуф тарихидаги буюк хизмати ўлароқ, тариқат аҳли суннатларга мувофиқ тарзда яшаши ва турли бидъатлар ва ботил қарашлардан нутлақи узоқ бўлишини исботлаб бердилар. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантирилди. Тарқидунёчилик ва хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйилди. Луқма ҳалоллиги – ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериб машҳур бўлган «Дил ба ёру даст ба кор!» – «Кўнглинг ёрдаю қўлинг ишда бўлсин!» шиори ҳам гоя сифатида дастлаб Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан илгари сурилгани бежиз эмас. Хожагон-нақшбандиянинг ҳаётий шарт-шароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланган унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканидан далолат беради. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Шариат андозасига солинган, бидъат ва нуқсонлардан холи йўли асрлар давомида тариқатда ҳужжат ва барча гуруҳларда мақбул, деб эътироф этиб келинаётгани ва Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, ҳатто Шимолий Африкада кенг тарқалган хожагон-нақшбандия тариқатининг ҳозирги кунда ҳам дунёнинг

[115] Қуръони карим. Аъроф сураси, 55-оят // Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маънолари таржимаси ва тафсири. – Т.: Тошкент ислом университети, 2017.

[116] Фахриддин Али Сафий. Рашаҳату айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 35-36.

[117] Рашаҳот айнил-ҳаёт. – Б. 36.

[118] Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Б. 8.; Рашаҳот айнил-ҳаёт. – Б. 20.

[119] Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. – Бухоро: Дурдона, 2014. – Б. 22-23.

кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатаётганининг сабаблари шунда.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўзидан ҳаммаси бўлиб бир неча асар қолдирган бўлиб, уларда хожагон-нақшбандия тариқатининг Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган давридаги боскичи назарий асослари, суфийлик мақомлари ва ҳоллари ҳамда ушбу тариқатдаги суфийлар риоя қилиши лозим бўлган шартлар ва одоб-ахлоқ меъёрлари баён этилган. Мазкур асарлар қуйидагилардан иборат:

1. «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» («Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомлари»). «Рисолайи Соҳибия» («Соҳибия рисоласи») деб ҳам аталувчи ушбу асар биринчи навбатда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг пири Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти, фаолияти ва таълимотига бағишланган бўлса-да, унда Ғиждувонийнинг насаби, ташаллуди, ҳаёти ва фаолияти, жумладан, суфийлик йўлига кириб, Ҳамадонийга шогирд тушиши тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

2. «Одоби тариқат» («Тариқат одоблари»). «Васиятнома» ва «Рисолайи васоё» («Васиятлар риоласи») номлари билан ҳам машҳур бўлган бу асар Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Хожа Авлиёйи Кабир номи билан машҳур бўлган ўз халифасига атаб ёзган насиҳатномаси бўлиб, унда суфийлик тариқатида бўлиш одоблари баён этилган.

3. «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» («Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганларидан»). Номаълум муаллиф томонидан тартиб берилган ушбу асарда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг сайру сулук босқичлари ва шартлари тўғрисида айтганлари баён этилган.

4. Рубоийлар. Абдулхолиқ Ғиждувоний гўзал суфиёна рубоийлар муаллифи сифатида ҳам машҳур бўлса-да, уларнинг жуда оз қисми – 15та рубоий бошқа муаллифларнинг асарлари, жумладан, «Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий», «Тазкирайи нақшбандия» тазкиралари ва бошқа асарлар таркибида бизгача етиб келган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимоти кейинги давр йирик суфийлари томонидан ўрганилган ва шарҳ қилинган. «Маҳдуми

аъзам» унвони билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўрт васиятини «Рисолаи чаҳор калима» («Тўрт сўз ҳақида рисола») асарида шарҳлаган. Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфга оид таълимотининг асосий қисми Абдураҳмон Жомийнинг устози Мавлоно Саъдуддин Кошғарийнинг «Рисола» асарида баён этилган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний тахминан 575/1179 йили ўзи туғилиб ўсган Ғиждувонда оламдан ўтади ва ана шу ерда, оиласининг ёқ томонида дафн этилади. Соҳибқирон Амир Темур Хитой урушидан қайтгандан сўнг Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг шарафига атаб мадраса ва мақбара қурдиришни ният қилади, аммо ниятини амалга оширишга улгурмайди. Ёш бўлишига қарамасдан бобосининг ўнида юрадиган Мирзо Улуғбек бу эзгу ниятни амалга оширади ва 1433 йилда Ғиждувон шаҳрида «Улуғбек» номли мадраса, кутубхона ва тоҳхаммом қурдиради. Бухоро амири Абдуллахон эса Абдулхолиқ Ғиждувоний шарафига атаб масжид, минора ва ҳовуз барпо этади.

Мустақилликдан сўнг юртимиздаги масжид ва мадрасалар таъмирланиб, кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Абдулхолиқ Ғиждувоний қабри атрофидаги ҳазира қайта тикланди. Мақбара ёнида янги жоме масжид ҳам қуриб битказилди. Шўролар даврида кўмиб ташланган ҳовуз ва қудуқ қайта очилди.

Иккинчи Пир – Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожагон силсиласининг иккинчи пири, «Моҳитобон» лақаби билан шуҳрат қозонган Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тахминан 1165 йили Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғида дунёга келган. Хожа Ориф Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифалари ҳисобланади. Хожа Муҳаммад Орифнинг нисбаси ҳам турли манбаларда турли кўринишда келтирилган. Ҳозирги замон тадқиқотчилари Хожа Муҳаммад Орифнинг таваллуд топган қишлоғининг номи Ревгар бўлгани, унинг ўзи «Орифнома» асарида нисбасини «Ревгарий» кўринишида келтирганидан келиб

чиқиб, уни Ревгарий шаклида беришади. Айтишларича, Хожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, қошлари камон, бутун вужудидан мушку анбар қиди таралиб турадиган зот бўлган. У бир умр боғбонлик билан шуғулланган.

Ориф Ревгарий узоқ йиллар давомида Абдулхолик Ғиждувонийдан тасаввуф таълимотини ўрганган. Улар Гиждувон билан Шофиркон ўртасидаги Рўйибинон қишлоғида учрашиб, суҳбатлашиб турганлар. Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси (ўринбосари) сифатида устоз вафотидан сўнг хожагон силсиласини бошқарган. У «Силсилан шариф»да «ўн биринчи халқанинг пири» сифатида зикр этилади. У Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тоат-ибодати, маърифати ва ришватларининг моҳиятини теран англаб, уларни пухта ўзлаштирган ва устозининг таълимотини янада такомиллаштириб, инсонни қутқарадиган ва гўзал қиладиган фазилатлар ҳақида ўз қарашларини баён қилган пир ҳисобланади. Шунингдек, Хожа Ориф Ревгарий ўз қарашларини «Орифнома» асарида баён қилган ва тасаввуфнинг асосларини белгилаб берган. Унинг «Тадбирга боғлиқ, тақдирга мункир киши дўзахий, илоҳий тақдирга таслим бўлган киши эса жаннатийдир» деган ҳикмати машҳур.

Хожа Ориф Ревгарий чин дилдан қилинган тавбага алоҳида тўхталиб, «Агар киши йўл қўйган гуноҳларига чин дилдан тавба қилиб, кейинги умри давомида гуноҳдан йироқ юрса, унинг тавбаси ижобат бўлади», деган фикрни илгари сурган. Шу боис, у «тавба исломнинг туғидир», деб ҳисоблаган. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир инсонни гуноҳлардан халос бўлиб, ботинан поклашишга ундайди.

Хожа Ориф Ревгарийнинг карамотлари билан боғлиқ кўплаб ривоятлар бугунги кунгача етиб келган. «Рисолаи Сигноқий» асаридаги ривоятда баён этилишича, кунлардан бир кун Хожа Аҳмад Яссавий таом пишираётиб, мурид Хожа Дуғийни Ғиждувонга бориб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан қатиқ олиб келишни буюради. Хожа Дуғий Гиждувонга етиб бормасданоқ, Ғиждувонийнинг халифаси Хожа Ориф Ревгарий Аҳмад Яссавий ҳузурига қатиқ олиб келади. Бундан хабар топган Хожа

Дуғий: «Орифнинг ҳоли мендан устун келди», деб Хожа Орифнинг камолотини эътироф этади.

Хожа Ориф Ревгарий Абдулхолиқ Ғиждувонийдан иршодга ижозат олгач, Гиждувонийдан кейин тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган Хожа Аҳмад Сиддиқ вафотидан сўнг Хожа Авлиёйи Кабир билан бир замонда ўз муридларини тарбиялаган[120].

Хожа Ориф Ревгарий ўлидан «Орифнома» номли бир асар қолдирган. 1225 йили Ревгарийнинг муридларидан бири, Хожа Наим илтимоси билан Нур қасабасида (ҳозирги Навоий вилояти, Нурота тумани.) ёзилган. Асар тариқат аҳлларига мурожаат ва насиҳат тарзида ёзилган. Унда муаллифнинг сайру сулук босқичлари, маърифат, орифлик ва валийлик одоблари хусусидаги қарашлари акс этган. Бундан ташқари асарда Хожа Ориф Ревгарийнинг устози Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, тасаввуф тарихининг илк даврларида яшаб ўтган машҳур суфийлар ҳаёти ва қарашлари тўғрисида ривоятлар келтирилган.

Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тахминан 1262 йили ўзи туғилиб ўсган Ревгар қишлоғида оламдан ўтади ва ана шу қишлоқнинг ўзида дафн этилади. Унинг мақбарасига турли даврларда ер-мулклар вақф қилиб келинган. Жумладан, Амир Темур томонидан Шофиркон туман Чорвадор ерларидан 1030 таноб ер Хожа Ориф Ревгарий мақбарасига вақф қилинган[121]. 1562 йилда эса Абдуллахон мазкур мақбарага Шофиркон тумани Сурокдан 115 таноб ерни вақф қилган. Ҳужжат кўчирилган нусха бўлиб, Бухоро амири Амир Маъсумнинг битта, Амир Ҳайдарнинг 11та муҳри билан тасдиқланган[122].

Истиқлолдан сўнг зиёратгоҳда намозхонларнинг таклифлари билан масжид қурилиш ишлари бошланиб, 1997 йилда қурилиб, намозхон ва зиёратчилар ихтиёрига топширилди. «Хожа Ориф Ревгарий Моҳитобон» жоме масжиди 1998 йил 10 августида давлат рўйхатидан ўтиб, диний ташкилот мақомини олди.

[120] Малоқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. - Б. 20; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. Б. 50-59.

[121] ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 858/1-иш.

[122] ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1290/12-иш.

Сўнгги йилларда яъни, 2018-2019 йиллар давомида Хожа Ориф Ревгарий зиёратгоҳи ҳам янгидан таъмирланиб, «Моҳитобон боғи» барпо этилди. Шарқ меъморчилиги анъаналарига мос ҳолда барча қулайликларга эга масканга айлантирилди.

2. Маҳмуд Анжир-Фағнавий ва Али Ромитаний. Ушбу икки шахсият хожагон-нақшбандия тариқати ривожида улкан ҳисса қўшган етук пирлардан ҳисобланади. Маҳмуд Анжир Фағнавий хожагон тариқатида жаҳрий зикрни жорий қилиб уни маҳаллий тариқатлар билан бир қадар яқинлаштиришга эришди ва бу анъана то еттинчи пирга қадар амалда бўлди.

Учинчи Пир – Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий тахминан VII/XIII аср бошларида Бухоро яқинидаги Вобкент тумани Анжир Фағна қишлоғида дунёга келган. Вобкентда яшаган ва ўша ерда вафот этган[123]. Маҳмуд Анжир Фағнавий ўрта бўйлидан баландроқ, қомати келишган, оқ тан-ли, бурни ингичка, кўзлари қора, кенг оғизли, кўркам соқолли, очиқ, пуроғий юзли эди. Кўпинча бошига оқ салла ўраб юрар, кароматлари кўп инсон бўлган, дейилади[124].

Маҳмуд Фағнавий сокин табиатли, ҳақиқатгўй ва тақводор бўлиб, кўпинча масжидда эътикоф ўтирган. Яъни бир ёки бир неча кун давомида масжиддан чиқмасдан фақат зикр ва ибодат билан машғул бўлган. Хожа Махмуд меъморчилик, иморат қуриш билан шуғулланиб, шу касб орқали тирикчилик қилган. Айрим ривоятларга кўра, у богдорчилик билан ҳам шуғулланган. Маҳмуд Фағнавий саййидлар табақасига мансуб бўлиб, Маҳмуд Фағнавийнинг Саййид Умар ва Мавлоно Пажмиддин Ҳожиб номли икки ўғли бўлган[125].

[123] Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Аъламул-ахёр. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №2929. – В. 240а.; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Сиддиқий. Тазкираи Муҳаммад Боқир. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №1846. – В. 178б.; Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғиноний Чимкий. Тазкиратул-атқия. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №9037. – В. 108б.

[124] Ахмад ибн Сулаймон Нақшбандий. Шамоилн силсилан нақшбандия. Турция: M.Ü.İ.F. Kütüphanesi, №770. В. 24б.

[125] Қаранг: Матлабут-толибин. – В. 24.; Тазкираи Тожир Эшон. – В. 90а.; Тазкиратул-авлиё. – В. 62б.; Мақомоти Саййид Амир Хурд Вобкандий. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №7065.; Силсилаи Нақшбандия. –В. 103.; Ҳужжатул-соликин. – В. 98б.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий бухоролик етти пирнинг иккинчиси –Хожа Ориф Ревгарийнинг халифаси (пирнинг ўринбосари даражасига етган) эди. Хожа Маҳмуд қол (эшитиш, ўрганиш, дарс олиш орқали ҳосил бўладиган билим) ва ҳол (Худо томонидан берилган билим) илмларини жамлаган, олий мақомот соҳиби бўлгани айтилади. У Ревгарийдан зоҳир ва батин илмларини ўрганган. Устози ҳузурида тариқатнинг сайру сулук (Худога етишиш мақсадида руҳий камолотга эришиш учун йўл юриш) босқичларидан ўтиб, етук халифалардан бирига айланган. Маҳмуд Фағнавий устози таълимотини тартиб этиш билан биргаликда хожагон-нақшбандия тариқати қоидаларидан бири бўлган зикри хафий (яширин зикр) ўрнига зикри жаҳрий (ошкора зикр)ни жорий этган. Хожа Ориф Ревгарийнинг вафоти яқинлашгач, Хожа Маҳмудга: «Бу замонда толибларнинг маслаҳати жони (манфаати) учун «зикри жаҳр» айтмоқ керак», дейди[126]. Маҳмуд Фағнавий устозидан иршод (устозлик қилиш)га изожат олгач, бир неча йиллар Вобкентдаги масжидда шогирдларини тарбиялаш ҳамда жаҳрий зикр таълими билан шуғулланган. Жаҳрий зикрнинг том маънода кенг қўлланилиши ва хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий қоидаларидан бирига айлантирилиши айнан Хожа Маҳмуд Фағнавий даврида бошланган.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг халифаларидан бўлган Хожа Авлиёйи Кабир Маҳмуд Фағнавийнинг «хафий зикр» ўрнига «жаҳрий зикр»ни қўллаётгани учун билдирган эътирозига жавобан устози Хожа Ориф Ревгарий вафоти олдидан унга жаҳрий зикрга рухсат берганини маълум қилади[127].

«Силсилату-л-орифин» асарида келтирилишича, Хожа Маҳмуднинг вафоти яқинлашганда шогирди Хожа Али Ромитаннийга жаҳрий зикрга изожат беради. Ромитаний ҳам умрининг сўнгида Бобойи Самосийга зикри жаҳрийдан таълим беришга изожат

[126] Раҳбарту айниал-каст. – Б. 55.; Тазкираи Муҳаммад Боқир. – В. 178б.

[127] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Манозири Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний / Форс тилидан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний [Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний]. Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 20.

беради. У ҳам охират сафари яқинлашганда бу вазифани Саййид Амир Кулолга топширади. Хожа Маҳмуддан то Саййид Амир Кулолгача бўлган пирлар хафий зикр билан жаҳрий зикрга баравар амал қилишган. Хожа Баҳоуддин эса жаҳрий зикрни тарк этиб, хафий зикрни давом эттирган[128]. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд бу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, ўз устозларидан олган таълимотлари асосида хафий зикрни устун кўряди ва хилватда бўлса ҳам, жамоатда бўлса ҳам махфий зикр қилган афзал дейди.

Маҳмуд Фағнавий муридларининг тарбиясига жиддий эътибор қаратиб, уларнинг комил инсон бўлиб етишишига ҳаракат қилган[129]. Муридларини эзгуликка, покликка чорлаб айтган ўгитлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг:

«Барча хайрли ишлар калити – отоҳлик, поклик, кўнгил бедорлик, Ҳақдан хабардорликдалир».

«Аллоҳнинг розилигига эришиш йўли – тилни ғийбат, ёлғон ва бўҳтонлардан сақламоқдалир».

«Бизнинг илм фақат дунёни ўрганувчи эмас, балки бутун борлиқ (коинот)ни ўрганувчи илмдир», деган ҳикматли сўзлари бугунги кунда ҳам муаммолли масалалардан бўлган гийбат, ёлғончилик сингари ёмон иллатлардан қайтариш билан бирга ислом динининг асл моҳиятини англаш, дунёда содир бўлаётган ақидавий ихтилофлар, сохта тариқатлардан отоҳ бўлишга чорлайди.

Таҳлиллар, изланишлар шундан далолат берадики, манокиб (ёднома) китобларида Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳаёти ва каромати ҳақида турли ривоятлар баён этилган. Пакл қилинишича, кунларнинг бирида Хожа Муҳаммад Порсонинг катта боболари Мавлоно Ҳофизиддин Шамсу-л-аимма Ҳалвоийнинг кўрсатмаси билан Бухорода кўплаб уламолар иштирок этаётган мажлисда Хожа Махмуд Анжир Фағнавийга қуйидаги саволни беради: «Сиз жаҳрий зикрда қандай нинг қиласиз? Хожа Маҳмуд: «Уйқудагилар уйғонсин, ғофиллар отоҳ бўлиб, тўғри йўлга

[128] Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад Кози. Силсилатул-орифин ва тазкиратус-соддиқин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №5432. – В. 526.; Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки отти пир. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 12

[129] Тухфатул-авлиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №5432. – В. 285.

кирсинлар. Чин дилдан қилинган тавба барча яхшиликларнинг калити ва барча саодатларнинг аслидир», дея жавоб қайтаради. Мавлоно Ҳофизиддин: «Сизга бу ишни қилиш ҳалолдир», дея, Хожа Маҳмуддан илтимос қилади: «Жаҳрий зикрга бирор чегара қўйинг, у билан ҳақиқат мажоздан, бегона танишдан фарқлансин».

Хожа Маҳмуд: «Жаҳрий зикрни тили ёлғон ва ғийбатдан, луқмаси ҳаром ва шубҳадан, қалби риё ва сохтакорликдан, сири эса Ҳазрат Рубубиятдан бошқага қарашдан пок бўлган кишигина бажариши керак», дейди[130].

Манбаларда Маҳмуд Фағнавийнинг нафот этган санаси турлича берилган. Жумладан, «Сафинату-л-авлиё», «Тухфату-л-ансоб»да 1315[131] йил, «Хазинату-л-асфиё»да эса 1317[132] йил кўрсатилган. Садриддин Салим Бухорий 1286 йилни ҳақиқатга яқин деб билади[133]. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий тахминан 1286 йили Вобкентнинг Анжир Фағна қишлоғида дунёдан ўтади ва шу қишлоқда тупроққа қўйилади. Вафотидан сўнг унга зиёратгоҳ – мақбара, қаламжо ва хонақоҳ бунёд этилган.

Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг авлодлари ҳам нақшбандия тариқатида бўлиб, муридлар тарбияси билан шуғулланган. Улардан бири Хожа Муҳаммад Ширин Хожа Шоҳ Аҳсавийнинг (ваф. 1601 й.) мурид бўлган. Устозининг вафотидан сўнг муридларнинг раҳбари сифатида фаолият юритган. Хожа Муҳаммад Ширининг қабри Бухоро вилояти Коракўл туманида[134]. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, XVIII-XIX асрларда Маҳмуд Фағнавийнинг авлодлари ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Хатми хожагон»[135] ўқишган.

[130] Али Акбар Ҳусайний Урдустоний. Мажмаъул-авлиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №1333. – В. 470а-б.; Аъламул-ахёр. – В. 240б.; Тазкират Муҳаммад Бокир. – В. 178б.; Силсилатул-орифин ва тазкиратус-сиддиқин. – В. 52.; Мақсабут-толибин. – В. 23а.; Тазкират Тоҳир Эшон. – В. 90б.

[131] Гулом Сарвар Лоҳурий. Сафинатул-авлиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Тошбосма. №3528. – Б. 77. Тухфатул-ансоб. – В. 285а.

[132] Тарокима Хазинатул-асфиё. – В. 165б.

[133] Хазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий. – Б. 16.

[134] Хазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий. – Б. 17.

[135] «Хатми Хожагон» ҳақида 1-боблада тўлиқ маълумот берилган.

Мустақиллик йилларида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳи обод этилиб, бир неча маротаба таъмирланди. Бу ерда янги жоме масжид, мақбара, ҳовуз, минора, дарвозахона, бог, меҳмонхона барпо қилинди. Сўнги йилларда яъни, 2018-2019 йиллар давомида Хожа Маҳмуд Фағнавий зиёратгоҳи ҳам янгидан таъмирланиб, шарқ меъморчилиги анъаналарига мос ҳолда барча қулайликларга эга масканга айлантирилди.

Тўртинчи Пир – Хожа Али Ромитаний. Хожагон силсиласининг тўртинчи пири, Хожа Али Ромитаний Ромитаннинг Кўргон қишлоғида таваллуд топган. «Ҳазрат Азизон» ва «Хожайи Азизон» лақаблари билан машҳур бўлган шайх ўрта бўйли, нуроний юзли, барча аъзолари бир-бирига мутаносиб, хушсурат киши бўлган. Али Ромитаний фақирлик йўлини танлаган, мато тўқиш билан шуғулланар эди. У зоҳирда халқ билан, ботинда эса Ҳақ (Аллоҳ) билан бирга бўлиш йўлини тутган. Али Ромитаний юксак маънавий ахлоқ соҳиби бўлиб, карометлари кўп эди.

Хожа Али Ромитаний ўз даврида инсонларни илм-у маърифатга, сахийликка, одамийлик, адолат ва меҳр-муҳаббатга чақирган, ҳалол меҳнат қилиб, пок луқма истеъмол қилиш, бировларга юк бўлмаслик, етим-есирларнинг бошини силашни ташвиқ қилган. Ромитаний устози Маҳмуд Фағнавийнинг хизматини ихлос билан қилган энг садоқатли, улуғ шогирдларидан бири бўлиб етишди. Шу сабабли унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. «Силсилаи шариф»да ўн учинчи халқа пири ҳисобланади.

Унинг Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз, Хожа Муҳаммад Ҳаллож Балхий, Хожа Муҳаммад Бовардиий ва Хожа Муҳаммад Бобо Самосий номли тўрт халифаси бўлган. У ўлими олдидан Хожа Муҳаммад Бобо Самосийни ўз ўрнига қолдириб, барча муридлар ва халифаларни унинг тобелигига топширади.

Хожа Али Ромитанийдан «Хожайи Хурд» («Кичкина Хожа») лақаби билан машҳур бўлган Хожа Муҳаммад ҳамда Хожа Иброҳим исмли икки ўғил қолган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи диний илмларда олимлик, тасаввуфда эса орифлик ва валийлик

даражаларига етган эдилар. Ромитаний вафоти олдидан кичкина ўғли Хожа Иброҳимга иршод рухсатини беради[126].

Хожа Али Ромитанда бир неча йил илм тарқатгач, сўнгра Бовардга (Боврд, Обиврд – Ўрта асрларда бугунги Туркманистон ҳудудининг жанубий-шарқий қисмида мавжуд бўлган қадимий шаҳар) кўчиб боради, у ерда ҳам муридларни тарбиялайди. Ниҳоят, Хоразмга бориб, ўша ерда муқим қолади. Бу ҳақда ўғли Хожа Иброҳим таснифқилган китобида отасининг Бовардда яшаган вақтда хонақоҳ ва уй бино қилгани, шу сабабли уни «Хожа Али Бовардий», хоразмликлар «Хожа Али Хоразмий», бухороликлар эса «Хожа Али Бухорий Ромитаний» деб аташганини эслатиб ўтади. Муҳаммад ибн Низом Хоразмий Арзангий ҳам Ромитаний яшаган манзилларини яъни, Ромитан, Бовард ва Хоразмдаги уйларини бориб кўрганини ёзади.

Ромитанийнинг Хоразмда хожагон-нақшбандия тариқатини кенг ёйиш борасидаги фаолияти муваффақиятли кечади[127], Фахриддин Али Сафийнинг ёзишича, Ромитаний бир гўшада ўтирганича, ўзига мурилдар жалб қилиш орқали хожагон таълимотини тарғиб қила бошлайди. Натижада бу даврда унга эргашганлар сони кўпайиб кетади.

Хожа Али ўзи суҳбат қурган кишиларга «азизон» («азизлар») деб мурожаат қилгани сабабли унга "Хожаи азизон" (азизларнинг хожаси) номини берилган[128]. Маноқиб китоблари муаллифлари Хожа Али Ромитанийнинг том маънода улуғ суфийлардан бўлганини исботлаш мақсадида Жалолиддин Румий қаламига мансуб бўлган қуйидаги байтни айнан Ромитанийга бағишлаб ёзилганини таъкидлашади[129]:

Гар ко илми ҳол фавқи қол будий, кой шудий
Банда аъёни Бухоро Хожайи Нассожро?

Маъмуни: Ҳол илми қол илмидан устун бўлмаганида эди, Бухоро аъёнлари Тўкимачи Хожага қуллик қилган бўлармидилар?

[126] Матлаб ут-толибин. – В. 24.; Хужжатус-солихин. – В. 106б-107а.

[127] Муҳаммад Толиб Ҳусайний Сиддиқий. Матлабут-толибин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №9270. – В. 236., 236-24а.; Муҳаммад ибн Низом Хоразмий Арзангий. Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. Асосий. Қўлёзма. №858. – В. 2а.

[128] Матлаб ут-толибин. – В. 238.; Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. – В. 2а.

[129] Тазкиратул-атқиё. – В. 110б.

Манбаларда Хожа Али Ромитанийнинг валийлик даражасига етганининг тасдиги сифатида унинг кароматлари борасида кўплаб ривоятлар келтирилган. Баҳоуддин Нақшбанд доимо муридларига Али Ромитанийнинг ҳикматлари, кароматлари ва ҳаётлари ҳақида гапирган[140]. «Силсилаи шариф»даги ўн саккизинчи ҳалқанинг пири, олим, ориф инсон Мавлоно Яъқуб Чархий (ваф. 1447) мурид бўлишни истаб Баҳоуддин Нақшбанд ҳузурига келади. Ҳазрат Баҳоуддин: «Нега устозликка бизни танладингиз?», деган саволни берганида, Чархий: «Чунки сиз бениҳоя буюк ва тариқатингиз ҳаммага машҳурдир!», деб жавоб беради. Баҳоуддин бу жавобга эътироз билдириб: «Мабодо бу гапларни шайтон васваса этиб кўнглингизга солган бўлсачи? Бундан асослироқ далилингиз йўқми?», деганда, Яъқуб Чархий: «Саҳиҳ ҳадисда келибдурким, Аллоҳ севган бандасини ўзгаларга ҳам севдиргайдир», дея жавоб қайтаради. Бу жавобдан Ҳазрат Баҳоуддин қониқиб табассум қилиб: «Биз Ҳазрати Азизон фарзандларимиз!» дейди. Бу гапни эшитиб Ҳазрати Яъқуб Чархийнинг ҳоли ўзгаради, чунки бундан бир ой олдин тушида «Сен Ҳазрат Азизоннинг мурид бўл!», деган овозни эшитган эди.

Хожа Али Ромитанийнинг мажлисида шариат олимларидан бири уни мақтаб: «Сиз мағизсиз, биз эса пўстлоқ», деди. Али Ромитаний ҳазиржавоблик билан: «Мағиз пўстлоқнинг ҳимоясида», дедилар. Унинг бу сўзини ноҳуш олган Муҳаммад Арзангий, ёнғоқ пўстлоғини шариатга, мағзини эса тариқатга ўхшатиши, пўстлоқсиз мағиз чириб кетишини баён этади. Яъни, мағиз пўстлоққа муҳтож бўлгандек, тариқат аҳли шариат олимларига муҳтождир.

«Тазкирату-л-атқиё» ва «Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон» номли китобларида келтирилишича, Шайх Рукниддин Хожа Али Ромитанийдан: «Сиз ва биз келгувчи ва кетгувчига хизмат қиламиз, сиз таомда такаллуф этмассиз ва биз такаллуф этурмиз. Одамлар сиздан ноҳолалик этарлар ва бизлан гинада турурлар. Сабаб не турур?», деб сўрайдилар. Ҳазрат Азизон: «Хизмат этиб миннат қилувчилар кўпдир ва хизмат кўра туриб миннатдор бўлгувчилар камдир. Жаҳд қилинг-ким, хизмат эта

[140] Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012. – Б. 183-184.

туриб, миннатдор бўлувчидан бўлинг, то ҳар киши сиздан гинада бўлмасин», дедилар.

Али Ромитанийнинг «Рисолайи Ҳазрат Азизон» («Ҳазрат Азизон рисоласи») бор бўлиб, унда Хожа Али Ромитанийнинг тасаввуф борасидаги қарашлари жой олган. Унинг қитъалар ва рубоийлари ҳам бор бўлиб, улардан айримлари манокиб китобларида келтирилган.

Муҳаммад ибн Низом Хоразмий Арзангий Азизон вафотидан сўнг ўғли Хожа Иброҳим отасининг ўрнига ўтириб, ҳанузагача унинг вазифалари ва вирдларини давом эттираётгани, муридлардан бири Мавлоно Жамолиддин Саррроф Хожа Иброҳимдан отасининг, у тўғрисида айтилган сўзларни ёзишни илтимос қилгани ва Хожа Иброҳим унинг илтимосини инобатга олиб, отаси ҳақида эшитганларининг барчасини тазкира сифатида жамлагапини эслатиб ўтади. Шунингдек, Муҳаммад ибн Низом Балх шаҳрига борганда Хожа Азизоннинг сўзларини топиб ўқигани ва ўзининг асарини ёзганини баён этган. Асар икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Хожа Иброхимнинг рисоласидан, иккинчи бобда Иброҳим рисоласида киритилмаган сўзлар ва воқеалардан ташкил топган[141].

Манбаларда Али Ромитаний 130 йил умр кўргани айтилган[142], «Равзахот»да ёзилишича, Ромитаний 1310 йил, «Ҳужжату-с-соликин» ва «Матлабу-т-толибин»да 1315 йил, «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да таъкидланишича, 1321 йили Хоразмдаги Тошҳовузнинг (ҳозирги Туркманистон ҳудуди) Кўҳна Урганчида оламдан ўтган ва ўша ерда дафн этилган. «Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон» муаллифи Муҳаммад ибн Низом Хоразмий Арзангий бу тўғрида шундай ёзади: «Ҳозирда ул ҳазратнинг муборак қабрлари Хоразм шаҳрида[143] бўлиб, ушбу қабр узра мақбара, [унинг ёнида эса] хонақоҳ бино этилган. [Суфийлар машкур хонақоҳда] кунлик вазифаларини бажариш асносида вирдлар айтиб, зикр қиладилар»[144].

[141] Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. Б. 3а.

[142] Матлабу-т-толибин. – Б. 216.; Тазкиратул-атқиё. – Б. 115б.

[143] Ўша даврда Кўҳна Урганч деб номланган бу шаҳар бугунги Туркманистон ҳудудида жойлашган.

[144] Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. Б. 2а.

Истиқлол йилларида Хожа Али Ромитаний мақбараси обод зиёраттоҳга айлантирилди. У ерда дарвозахона, жоме масжиди, мақбара ва миллий услубда қурилган айвон, ҳовуз ва тошқудуқ, меҳмонхона ва ошхона бунёд этилди. Ҳозирги кунда президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қайта ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

3. Муҳаммад Самосий, Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд. Ушбу уч тариқат пешволари бевосита бир-бирига боғлиқ бўлиб, Бобо Самосий Баҳоуддин Нақшбандининг маънавий отаси, Амир Кулол эса бевосита устозидир.

Бешинчи Пир – Хожа Муҳаммад Бобо Самосий. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан VII/XIII аср ўрталарида Бухоро яқинидаги Самос қишлоғида дунёга келган. У бутдойранг, нуроний, назари таъсирли, қатъий фикрли зот эди. Бобойи Самосийнинг касби деҳқончилик бўлган. У ихлос билан умрининг охиригача Хожа Али Ромитанийнинг хизматида бўлиб, устозининг боғидаги дарахтларга ўзи боғбонлик қилган. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий хожагон силсиласининг бошқа пирлари каби касб-корли – боғбон бўлиб, ўз ҳалол меҳнати орқали кун ўтказган. У ўзининг Самос қишлоғидаги боғида ўзи меҳнат қилиб, турли мевалар, жумладан, узум етиштирган[145]. Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмийнинг айтишича, Самос қишлоғида Бобо Самосийнинг токлари бўлиб, қачон дарахт шохини кесса, қўлидан арра тушиб, ўзидан кетиб беҳуш бўлар, бир оздан сўнг ўзига келар эди[146].

Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг отаси Саййид Абдуллоҳ Мусо Козим (р.а.) наслидан бўлган[147], «Матлабу-т-толибин»да Самосийнинг дастлаб ўз қишлоғида таҳсил олгани, кейин эса отасининг кўрсатмаси билан Бухорога келгани эслатилади. Мазкур манбада айтилишича, у Бухорога келиши билан ўзига муршид излаб хожагон силсиласининг учинчи пири Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳузурига боради, Хожа Маҳмуд эса унинг

[145] Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 66.

[146] Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмий. Ҳужжатус-соликин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №856. – В. 109а.

[147] Муҳаммад Толиб Ҳусайний Сиддиқий. Матлабут-толибин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №9270. – В. 246.; Ҳужжатус-соликин. – В. 106б.

тарбиясини Хожа Али Ромитанийга топширади[148]. Самосий доимо ўз пири ёнида бўлиб, у билан бошқа жойларга, жумладан, Хоразмга ҳам боради[149]. Охир-оқибат Ромитанийнинг етук ўринбосарларидан бирига айланади. Хожа Али Ромитаний ўлими олдидан Хожа Муҳаммад Бобо Самосийни ўз ўрнига қолдириб, барча муридлар ва халифаларни тарбиясини унга топширганидан[150] кейин ўзи туғилиб-ўсган Самос қишлоғида муридлар тарбиялашга киришади.

У зот кўп шогирдларини ўзи излаб топар эди. Бир куни кураш майдони олдидан ўтиш асносида Амир Кулол номли паҳлавонни кўриб қолади. Майдон ўртасидан ўтиб кураш тушаётган полвонга назар солади ва уни маънавий майдонга тортади. Шундан сўнг Амир Кулол курашни ташлаб, ҳазратнинг хизматига киради. Бобойи Самосийнинг Амир Кулолдан бошқа яна кўплаб мурид ва издошлари бўлиб, машҳурлари Хожа Муҳаммад Суфий Сухорий, Хожа Маҳмуд Самосий (Бобойи Самосийнинг ўғли), Ҳазрат Мавлоно Али Доний мандлардир.

Манбаларида ҳикоя қилинишича, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳали Баҳоуддин Нақшбанд туғилмасидан туриб унинг дунёга келиши ва «замона пешвоси» бўлишини сезиб, тавалуд топганидан кейин эса уни маънавий фарзандликка қабул қилиб, тарбиясини Саййид Амир Кулолга топширади. Бу воқеа манбаларда қуйидагича келтирилади: «Ҳазрат Муҳаммад Бобо Саммосий ҳузурига янги туғилган Баҳоуддин Нақшбандни олиб келганларида, чақалоқни кўрсата туриб, Амир Кулолга қуйидагиларни айтган: «Ну бизникидир. Бури маънавий фарзандликка қабул айладик. Аввал айтганимиз, тариқатимиз келажаги бўладиган шахс, иншааллоҳ, шудир. Бу қишлоқ бундан сўнгра Қасри Орифон бўлажак. Эй Амир Кулол! Бу йўргак ичидаги ўғлим Баҳоуддинни сенга ҳавола этаман. Бунинг зоҳир ва ботин тарбиясида ҳеч камчиликка йўл қўймагин!»[151]

[148] Матлаб ут-толибин. – В. 246.

[149] Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азиз Марғиноний Чорёрий. Тазкират ул-аттқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №9033. – В. 116а.

[150] Рашахоту айнил-ҳаёт. – Б. 65.

[151] Тазкират ул-аттқиё. – В. 116а.

Жомийнинг «Нафоҳату-л унс» китобида таъкидланишича, Бобойи Самосий ўз кулоҳини Баҳоуддин Нақшбандга инъом қилган. Баҳоуддин Нақшбанд уйланиши арафасида совчиликка боришини сўраш мақсадида Самосий билан учрашади. Бобо Самосий ўшанда Нақшбандинг валийлик даражасига эришганига гувоҳ бўлади.Бундан ташқари Хожа Муҳаммад Бобо Самосийда юз берган суфиёна ҳоллар тўғрисида ривоятлар ҳам мавжуд. «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» ва «Матлабу-т-толибин» асарларида ёзилишича, Самосий ўз боғида ишлаб турган чоғларида унда ғалаба ҳоли юз бериб, бир муддат ўзини билмай қолади[152].

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги «Қушбеги» фондида сақланаётган ҳужжатда Бобо Самосийнинг авлодлари ҳусусида маълумот мавжуд. Ҳужжат қози Мулло Мирзо Ҳикматуллоҳнинг амирга ёзган хати бўлиб, унда Бобо Самосий мозорига берилган вақф шартининг бажарилиши акс этган. Яъни, Самосий авлодидан бўлган Мирак Хожа Бобо Самосий мозорига берилган вақфга мутаваллий этиб тайинланган. Унинг вафоти сабабли, Бобо Самосийнинг авлодларидан бўлган Хожи Абдураҳим Хожа, Абдурасул Хожа, Нўлот Хожа, Руҳуллоҳ Хожа ва бошқалар Мирак Хожани ўрнига ўз авлодларидан бўлган Аҳмад Хожани мутаваллий, Абдурасул Хожани имом ва Почо Хожани муаззинликка тайинлашлари илтимос қилинган[153].

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан 736/1335 йили ўзи туғилиб ўсган Самос қишлоғида оламдан ўтади ва ана шу ернинг ўзида дафн этилади. Қабри устидаги мақбара, атрофдаги масжид ва тошқудуқ мустақиллик йилларида обод масканга айлантирилди. Ҳозирги кунда зиёратгоҳ Бухоро вилояти Ромитан тумани, «Бобойи Самосий» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. 2018-2019 йиллар давомида Хожа Бобо Самосий зиёратгоҳи ҳам янгидан таъмирланиб, шарқ меъморчилиги ана-ъаналарига мос ҳолда барча қулайликларга эга масканга айлантирилди.

Олтинчи Пир – Саййид Амир Кулол. «Амир Калон» лақаби билан машҳур бўлган Саййид Амир Кулол ибн Амир Ҳамза ибн

[152] Рашаҳот айни-л-ҳаёт. – Б. 66.

[153] ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 954-иш.

Амир Иброҳим[154] тахминан 1281 йили Бухоро атрофидаги Сухор (ҳозирги Когон туман, Янги ҳаёт қишлоғи) қишлоғида дунёга келган[155].

Амир Ҳамза Ҳижознинг Мадина шаҳридан бўлиб, Мовароуннаҳрга кўчиб келгач Бухоро атрофида яшаган. Амир Ҳамза ясавия шайхларидан бири Саййид Отанинг дўсти бўлган. Саййид Ота ҳар сафар Бухорога келганида Амир Ҳамза билан учрашарди. Саййид Ота бир сафар келганида унинг хонадонида бир етук ўғлон дунёга келиши хушхабарини айтиб, унинг отини Амир Калол деб қўйишни тавсия қилади[156].

Саййид Амир Кулол ривоятларга кўра узун бўйли, бугдойранг, кўкраги кенг, қўллари узун, чатмақош, соқолига оқ оралаган, жисмонан бақувват, пахлавон келбатли киши сифатида таърифланади. У табиатан жуда камтарин инсон бўлиб, эътироз ва қайсарлик нималигини билмас эди[157]. У кулолчилик билан шуғулланган сабабли «Амир Кулол» номи билан машҳур бўлган. Амир Кулол кулолчилик сирларини мукаммал эгаллаб, шу ишдан топган даромад эвазига оила тебратган. Қолган муридларига ҳам ҳалол луқма орқали умргузаронлик қилишни тавсия этган. Айтишларича, Амир Кулол 15 ёшга тўлгунига қадар кураш билан шуғулланган. Унинг биринчи устози ясавия тариқатининг пири, турк машойихидан бўлмиш Саййид Отадир.

«Рашаҳот»да келтирилган ривоятга кўра, кунларнинг бирида Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ёш Амир Кулолнинг кураш тушаётган ердан ўтаётиб, унинг келажакда буюк суфий бўлиб етишишини сезади ва уни ўз тариқатига жалб этади[158]. Шу тариқа Амир Кулол 15 ёшидан хожагон тариқатининг йирик намояндаларидан Муҳаммад Бобо Самосийга шогирд тушиб, 20 йил давомида Хожа Муҳаммад Бобо Самосийга хизмат қилади.

[154] Матлабут-толибин. – В. 25а.; Хужжатус-солихин. – В. 111а.

[155] Айрим жойларда Бухоро атрофидаги Афшона қишлоғида дунёга келган, дейилган. Шаҳобиддин ибн Амир Ҳамза ибн Амир Кулол. Мақомоти Амир Кулол. Ўзр ФАШИ. Алоҳида. Қўлёзма. №9667. – В. 21.

[156] Мақомоти Амир Кулол. №9667. – В. 21б.

[157] Матлабут-толибин. – В. 25а-б.; Тазкиратул-аткиё. – В. 118б.; Хужжатус-солихин. – В. 111б.; Мақомоти Амир Кулол. №9667. – В. 21а.

[158] Тазкиратул-аткиё. – В. 119.; Матлабут-толибин. – В. 25б.; Мақомоти Амир Кулол. №9667. – В. 25б., №96. – В. 96-10. Житие Амира Кулала. С. 47; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. Б. 76; Матлаб ут-толибин. Б. 27.

мида ундан Қуръони карим, хадиси шариф, тасаввуф илмларини ўрганиб, ўз замонасида «султону-т-тариқат» (тариқат султони), «шайху-ш-шуюх» (шайхларнинг шайхи), «муршиду-с-соликин» (ҳақ йўлга кирганларнинг пири), «саййиду-л-орифин» (авлиёларнинг саййиди) унвонларига эга бўлган.

Саййид Амир Кулол силсила омонатини Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан олиб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асос солган хожагон тариқатининг давомчиси сифатида фаолият юритган. Аллома тасаввуфда мўътадиллик гояларнинг тарафдори бўлган. Уҳожагон силсиласининг ўзидан олдин ўтган пирлари таълимотини таргиб этиб, жумладан, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий даврида бошлаб жорий этилган зикри жаҳрийни қўллашда давом этади[159].

Манбаларда унинг шогирдлари сони бир юз ўн тўртта бўлиб, уларнинг барчаси камолга етганлари тўғрисида маълумот берилган[160]. Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсиддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Ориф Деггаронийлар уларнинг энг машҳурларидир. «Мақомоти Амир Кулол» муаллифи унинг Марказий Осиёнинг Туркистон, Ҳижозининг Макка ва Мадина шаҳарлари ҳамда Рум ўлкасида ҳам кўплаб шогирдлари бўлганини эслатади[161]. Узоқ умр кўрган Саййид Амир Кулол умрининг асосий қисмини Сухор қишлоғида ўтказган, сўнгра ўз таълимотини ёйиш мақсадида бир муддат Насаф шаҳрига бориб яшаган[162].

Саййид Амир Кулолнинг Амир Бурҳон, Амир Шоҳ, Амир Ҳамза ва Амир Умар номли тўрт ўғли бўлиб, уларнинг барчаси отасининг изидан бориб, суфийлик йўлига кирган[163]. Отаси ўз ўринбосарларига ушбу тўрт ўғлига раҳнамолик қилишга буюраркан, Амир Бурҳоннинг тарбиясини Хожа Баҳоуддин Нақшбандга, Амир Шоҳнинг тарбиясини Шайх Ёдгорга, Амир Ҳамзанинг тарбиясини Хожа Ориф Деггаронийга ва Амир Умарнинг тарбиясини Жамолиддин Дехи Осёбийга топширади[164].

[159] Қаранг: Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Б. 54.

[160] Житие Амира Кулала. С. 267; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. Б. 77; Матлаб ут-толибин. Б. 27.

[161] Житие Амира Кулала. С. 54–56, 80-81, 110–112.

[162] Қаранг: Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Б. 31, 40, 41.

[163] Житие Амира Кулала. С. 143; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. Б. 77–85.

[164] Житие Амира Кулала. С. 143.

Ривоятларга кўра, Ҳазрати Амир 25 йил узлуксиз душанба ва жума кунлари шом намозини Сухорда, хуфтон намозини эса Самосда ўқиган. Қисқа вақт ичида узоқ масофани босиб ўтиши ҳам Амир Кулолнинг кароматларидан бири бўлган. Бундан ташқари у ваҳший ҳайвонларни ўзига бўйсундириш қобилиятига ҳам эга бўлган. Масалан, бир куни Амир Кулол сафдошлари билан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг қабрини зиёрат қилиш мақсадида йўлга тушади. Йўлнинг бир қисмини босиб ўтгач, тунда олдиларидан бир шер чиқади. Сафдошлари қўрқиб Амирга бўлган воқеани айтадилар. Шунда Амир Кулол шернинг бўйнидан олиб йўлнинг чеккасига чиқариб қўйди. Йўлдан ўтган сафдошлари қарасалар, шер худди таъзим қилгандек, бошини қуйи солиб турган экан. Улар Амирдан буни қандай қилганини сўрашганда у: «Эй, дўстларим! Инсон ҳам зоҳиран ҳам ботинан Аллоҳ таолодан қўрқиши керак. Шунда Аллоҳ таоло барча нарсани ундан қўрқитиб қўяди. Кимки Аллоҳдан қўрқмаса, Худо уни барча нарсадан қўрқадиган қилиб қўяди», дея жавоб қайтарди[165].

Ҳазрат Амир Кулолнинг кучи кетиб, заифлашганда, яқинларига қуйидагича насият қилади: «Эй, ёронлар! Сизлар илм талаб қилишдан ва Муҳаммад (а.с.) келтирган шариатга итоатдан бир қадам ҳам чиқманглар. Барча саодат ва давлат шунинг воситасида бўлади. «Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир». Биринчи – имон илми, иккинчи илм – намоз, учинчи илм – рўза, тўртинчи илм – агар моли бўлса закот, бешинчи илм – ҳаж илмидир. Олтинчи илм – ота-онага мулозамат илми бўлиб, агар Аллоҳ таоло сиздан рози бўлишини истасангиз, Ҳазрат расулуллоҳ (а.с.) айтадиларки: «Аллоҳнинг розилиги – ота онанинг розилигидадир». Бас, уларга ризо қилиш муҳим. Еттинчи илм – силаи раҳм, қўшнининг ҳаққига риоя этиш, савдо илми, ҳалол ҳаромни билиш илми. Шундан сўнг Аллоҳ таоло зикри билан машғул бўлинг», деди[166]. Саййид Амир Кулол 1370 йилда Бухорода ўзи тиклаган Сухор қишлоғида оламдан ўтиб, шу ерга дафн этилади. Унинг васиятига асосан, Мавлоно Ориф Деггаро-

[165] Мақомоти Амир Кулол. №96. – Л. 16б-17б.

[166] Мақомоти Амир Кулол. №96. – Л. 55а.

ний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд устозининг муборак жасадини тупроққа қўядилар.

Мустақилликка эришилганидан сўнг 1994 йилда «Саййид Амир Кулол» жоме масжиди ҳашар йўли билан қайта қурилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1998 йил 10 августда қайта рўйхатдан ўтказган. Масжид ўз фаолиятини ҳозирги кунга қадар давом эттириб келмоқда. 2007–2008 йилда қайта реконструкция ишлари олиб борилганидан сўнг зиёраттоҳ янада обод гўшага айлантирилиб, мақбара ҳам қайта тикланди.

Еттинчи Пир – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Хожагон силсиласининг еттинчи пири Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд Бухорий 1318 йилда Бухоро атрофидаги Қасри Ҳиндувон (ҳозирги Бухоро вилоятининг Когон туманида жойлашган Қасри Орифон қишлоғи) қишлоғида ҳунарманд оиласида дунёга келган. У «Хожайи Бузург» («Буюк Хожа»), «Шоҳ Нақшбанд» номлари билан шуҳрат қозонган.

У баланд бўйли, бугдой рангли ва пуроний юзли бўлган. Нихоятда хушмуомала, сўзлари жозибадор эди[167].Отаси тўқувчи ҳамда нақш босиш –нақшбандлик билан шуғулланган ва қариган чоғида тариқатга кириб, ўғлига эргашган. Айрим манбаларда Хожа Баҳоуддин ёшлигидан отаси билан бирга нақшбандлик (матога гул босиш) ҳунари билан машғул бўлгани сабабли «Нақшбанд» лақабини олгани таъкидланади. Одатда кўплаб машҳур шахсларга ота касби нисба қилиб берилгани тарихдан маълум. Имом Газзолийнинг ҳам отаси ғаззоллик – матто тўқиш, Умар Найсабурийнинг отаси эса хайёмлик – чодир тикиш, Ҳусайн ибн Мансурнинг отаси эса ҳалложлик – яъни пахта титиш билан шуғулланган. билан шуғулланган. Бироқ кейинги даврлардаги манбаларда ёзилишича, Баҳоуддиннинг кўнгил зикри билан узлуксиз равишда шуғулланиш натижасида унинг қалбига Аллоҳнинг исми нақшланиб қолгани унга шу лақабни беришларига сабаб бўлган. Бундан ташқари у дин йўлидаги хизматлари туфайли «Баҳоуддин» («Динниинг жилоси») унвонини олган.

[167] Золотая синьсиля. – С. 113.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У суфийлар билан яқин алоқада эди. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотди. Баҳоуддин бобосининг саъй-ҳаракатлари билан, бошланғич таълимни ўзи туғилиб-ўсган жойда олиб, етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд олади. Унинг тариқатдан биринчи пири – устози Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳисобланади. Баҳоуддин туғилганидан кейин – ҳали уч кунлик чақалоқ бўлган пайтда – бобоси уни Қасри Ҳиндувонга келган Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳузурига олиб борганида хожагон тариқати пири уни маънавий фарзандликка қабул қилиб, унинг келажакда «замона пешвоси» бўлиб етишишини айтади. Бобо Самосий ўшандаёқ Баҳоуддиннинг тарбиясини халифаси Саййид Амир Кулолга топширади[168]. У тариқат бобида билганларини ўргатиб бўлгандан кейин шогирдлига ижозат беради.

Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида бевосита суфийлик таълимини ола бошлашидан олдин тушида хожагон силсиласининг Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийдан тортиб Хожа Муҳаммад Самосийгача бўлган пирларининг руҳларини кўради ва Ғиждувоний руҳидан шариат ва суннатга қаттиқ амал қилиш, бидъатдан қочиш, Саййид Амир Кулол ҳузурида тариқат одобларини ўрганишга кўрсатма олади. У айнан ана шу тушида зикри хафийни қўллашга кўрсатма олган бўлиб, Саййид Амир Кулол ҳам унга зикрнинг ана шу турини ўргатади[169]. Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида тариқат одоблари ҳамда зикр қоидаларини ўрганиш билан бир пайтда уламолар ҳузурида ҳадис илмини ўрганишга киришади. «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд»да унинг ҳадис илмидаги устозларидан бири – Мавлоно Деггароний экани таъкидланади. «Газкирату-л-атқиё» асари муаллифининг таъкидлашича, Баҳоуддин Нақшбанд ва хожагон тариқатидагиларнинг барчаси ҳанафий мазҳабида бўлганлар[170].

[168] Тазкиратул-атқиё. – В. 116б.; Хазинат ул-асфиё. – В. 266б.; Нафаҳатул-унс. – В. 296а.; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 256.

[169] Салоҳ бин Муборак Бухорий. Анисут-толибин ва уддат ас-соликин. – Истанбул: Ҳақиқат, 2010. – Б. 93.

[170] Тазкиратул-атқиё. – В. 124а.

Манбаларда Нақшбандинг юқорида келтирилган туши да Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийни кўриб, таълим олгани учун унинг увайсий шогирдига айлангани, шунинг билан бирга ҳа стининг турли даврларида яссавия тариқати шайхлари Халил Ота ва Қусам Шайхлардан ҳам суфийлик таълимини олгани эслатилади. Масалан, Баҳоуддин яссавия тариқати шайхларининг машҳур вакилларидан бўлган Қусам шайх олдига, Нахшаб, яъни ҳозирги Қарши шаҳрига ҳам бориб, уч ой ундан таълим олади. Баҳоуддин Нақшбандинг бу пирга ихлоси баланд бўлган, айни чоғда Қусам шайх ҳам уни ўз ўғлидек билиб, муридига чексиз ҳурмати туфайли умрининг охиригача Бухорода яшаб, шу ерда вафот этади.

Баҳоуддин Нақшбанд турли ўлкаларга сафарлари давомида бошқа суфийлик тариқатлари таълимотлари ва тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилган. У ўзининг 1370 ва 1388 йилларда амалга оширган ҳаж сафарлари давомида Марв, Ҳирот, Сарахс, Майхон, Мозандарон, Бағдод каби шаҳарлар ва ўлкаларда бўлиб, Хожа Муайяд, Сайфиддин Абқарий, Зайниддин Абу Бакр Тойбодий каби уламолар ва шайхлар билан учрашади ва қодирия тарикатининг асосчиси Шайх Абдулқодир Жилонийнинг Бағдоддаги қабрини зиёрат қилади. Бундан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд ҳаж сафарларининг бирида Ҳиротда Куртлар давлати ҳукмдори Малик Муизиддин Ҳусайн ибн Ғиёсиддин билан учрашади ва Ҳирот уламоларининг ушбу ҳукмдор иштирокида бўлиб ўтган йиғинида қатнашади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз меҳнатига таяниб яшаган, мол дунёга меҳр қўймаган инсон сифатида ҳам халқнинг меҳрига сазовор бўлган. Унинг ҳаёти, гўзал сифатлари, ҳукмдорларнинг совғасини қабул қилмай ўзи яшаётган ҳаётдан мамнунлиги борасида бир қанча ривоятлар етиб келган. Жумладан, у сафар асносида Абдуллоҳ Ансорийнинг хонақохига боради. Баҳоуддиннинг келганидан хабар топган Малик Муизиддин Ҳусайн мулозимлари билан бир қанча совғалар бериб юборади ва юборган совғаларини қабул қилишини илтимос қилади. Аммо Нақшбанд ушбу совғаларни қабул қилмайди. Ўша куни тунда ҳукмдорнинг хотини ҳам Баҳоуддин учун кийим-кечак совға қилиб жўнатади.

У бу ҳадяларни ҳам рад этади. Ўшанда Ҳиротга борган Нақшбандинг эгнида бир пўстин, салла ва эски ковушидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган.

Хожа Алоуддиннинг айтишича, Баҳоуддин фақирликни хуш кўрар ва: «Биз нимага эришган бўлсак, шу сифат сабабли эришдик», дер эди. Қишда хашак, ёзда эса бўйрада ўтирган. Луқмага ниҳоятда эътиборли бўлган. Доим халол луқма ер, шубҳали нарсаларни емаган. Ким унга ҳадя келтирса, Пайғамбар (а.с.)нинг суннатларига амал қилиб, унга ҳам ҳадя улашар эди. Агар уйига бирор дўсти ёки меҳмон келса, уйда ейдиган бор нарсасини меҳмон олдига қўяр, тунда меҳмон овқатланиб олгунча унга чироқ тутар эди. Ҳаво совуқ кунларида ўзининг бир дона тўнини ҳам меҳмонга улашар эди.

Баҳоуддин Нақшбанд пирлари каби ўз меҳнати билан кун кўришни афзал билиб, касб-кор билан шуғулланган. У дастлаб отаси билан бирга кимхоб тўқиш ва матога гул босиш ҳунари билан машғул бўлган, кейинчалик эса деҳқончилик қилиб, ҳар йили арпа ва мош стиштирган. У экин экишдан тортиб йиғиб олгунча барча ишларни ўзи бажарар эди. Олим ва улуғ инсонлар билан суҳбатлашганда, улар еган таомлардан табаррук деб тановул қилган. У аксарият вақтларда ўзи таом пиширар, овқатланиш вақтида муридларига ғафлат билан овқатланмасликни насиҳат қилар эди. Агар таом ғазаб, кароҳат билан пиширилган бўлса ўзи ҳам емас, шогирдларига ҳам едирмас эди. Баҳоуддин Нақшбанд: «Қайси иш ғазаб, ғафлат ва кароҳат билан қилинса, у ишда хайр ва барака бўлмайди. Унга нафс ва шайтон йўл топган», дер эди. Агар бирор кишининг уйига меҳмонга борса, уй эгасининг фарзандлари, хизматкорлари, уйда ким бўлса, барчасининг ҳолини сўрар эди[17].

Манокиб китобларида Баҳоуддин Нақшбандниинг валийлиги ва каромatлари тўғрисида кўплаб ривоятлар келтирилган. «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да нақл қилинишича, бир киши келиб Баҳоуддинга Бухорода сувсизлик оқибатида полиз кароб бўлиш арафасида турганини билдиради. Ҳазрат Хожа полиз бошига бориб: «Полизга сув бериш маҳали бўлибди, сув йўллари

[17] Анисут-толибин. Б. 42-43.

ни тузат», дедилар. Мен у киши буюрганларидек қилдим. Аммо ларё қуриган, арикда ҳам сув йўқ эди. Хожа дедилар: «Ҳақ субҳонаху ва таоло сув бермоққа қодир». Тонгда қарасам, полия сероб бўлибди, ёнидаги сабзи, пиёз экилган ерлар ҳам сувдан тўйибди. Мушоҳада этиб кўрилса, на арик, на дарёда бир қатра сув бор эрди.

Манбаларда Хожа Баҳоуддин Нақшбандинг бирор бир асар ёзгани қайд этилмаган бўлса-да, унинг муридлари ва издошлари унинг турли ўринларда тасаввуф тўғрисида, тариқат одоблари ҳамда тасаввуфнинг асосий тушунчалари борасида айтган гапларини ёзиб бориб, кейинчалик бир неча тўпламларда акс эттиришган. Улар «Қудсия», «Аврод», «Авроди сағир», «Воридот», «Далилу-л-ошиқин», «Ҳаётнома» ва рубоийларидир.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг нақшбандия тариқати кенг ёйилди. Абдурақмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби шоирлар ҳам нақшбандия тариқатида эдилар. Улар ижодида нақшбандин гоялари кенг ва атрофлича тарғиб этилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида, унинг таълимоти хусусида, нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг ўзида нақшбандия тариқатига оид 200 га яқин манба мавжуд.

Баҳоуддин Нақшбанддан Бибича Хотун Калон, Бибича Робиа Хотун ва Бибича Сарвар Хотун номли уч қиз қолган бўлиб, уларнинг барчаси Баҳоуддин Нақшбанд издошларига турмушга чиқишган. Жумладан, Бибича Хотун Калон Алоуддин Аттарнинг ўғли Ҳасан Аттарга, Бибича Робиа Хотун Мавлоно Фазлуллоҳга, Бибича Сарвар Хотун эса Абулхайр Туркистонийга турмушга чиққан[172].

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кўпгина шогирдлар етиштирган бўлиб, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Яъқуб Чархий ва Хожа Алоуддин Ғиждувоний унинг энг машҳур ўринбосарлари жумласига киришади. «Рашаҳот айни-л-ҳаёт» асарларида келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан олдин Хожа Муҳаммад Порсога тариқат раҳбарлигини

[172] Мактубот тожибий. Б. 28а.

топшириб, бошқа издошларини унга бўйсунишга ва эргашишга чақиради[173].

Хожа Алоуддин Аттарнинг айтишича: «Ҳазрати Хожанинг вафотлари чоғида «Ёсин» сурасини ўқишни бошладим. Сурашинг ярмига келганда, осмондан нурлар зоҳир бўла бошлади. Дархол калимаи шаҳодатга машғул бўлдим. Шундан сўнг Ҳазрат вафот этдилар»[174].

Хожа Баҳоуддин 1389 йилнинг 1 мартида етмиш тўрт ёшида оламдан кўз юмади ва туғилиб ўсган қишлоғи Қасри Орифонда дафн этилади. Аштархонийларнинг бешинчи хони Абдулазизхон (1614-1683) у ерда хонақоҳ ва мақбара қурдирган. Бухоро амирлари ҳам тахтга ўтиришдан аввал Баҳоуддин Нақшбандинг мозорига зиёратга борганлар[175]. Бухоро хон ва амирлари, ерли аҳоли бу ерни табаррук билиб, ер, мол-мулкларидан вақфлар ажратишган. Вақф мулкидан ташқари Нақшбанд хонақоҳига амирлар томонидан ҳам совғалар бориб турилган.

Мустақиллик йилларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи обод этилиб, бир неча маротаба таъмирланди. XXI аср обидалари барпо қилинди. Сўнги йилларда яъни, 2018-2019 йиллар давомида етти пирларнинг зиёратгоҳлари қаторида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ҳам янгидан таъмирланиб, шарқ меъморчилиги анъаналарига мос ҳолда барча қулайликларга эга масканга айлантирилди.

Мавзу бўйича саволлар

- Етти пир деганда кимлар тушунилади?
- Етти пирга тегишли қандай асарларни биласиз?
- Етти пирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?
- Етти пир илмий-маънавий меросининг нақшбандия тариқатида тутган ўрни қандай?

[173] Рашаҳот айнил-ҳаёт. – Б. 84.
[174] Рашаҳот айнил-ҳаёт. – Б. 85.; Ҳужжатуз-солиқин. – В. 124.
[175] Маданий мерос департаменти архиви. №4687. Проект реставрации хонако Бохоуддина Бляз г. Бухары. Книга-1. – Т.: 1981. – С. 9.

Мустақил иш топшириқлари: Етти пир илмий-маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. - Т.: Абу Али ибн Сино. 2004.

2. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012.

3. Усмон О. Бухоройи шарифнинг етти пири – Тошкент: 2003

4. Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. – Бухоро: Дурдона. 2014.

5. Эргаш Очилов. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – жаҳоний тариқат асосчиси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2003 й. №30.

6. Салоҳ бин Муборак Бухорий. Анисут-толибин ва уддат ас-соликин. – Истанбул: Ҳақиқат; 2010.

7. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2014.

ИСЛОМ ДИНИ

1. Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисларга кўра дин учта таркибий қисмдан ташкил топади.

2. Ҳаким Термизийнинг "Наводир ал-усул" асари қўлёзмаси (Буюк Британия, Оксфорд XII аср).

3. Бухородаги Нодир Девонбеги хонақоҳи.

4. Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси

5. Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбараси.

6. Қасри Орифондаги Баҳоуддин Нақшбанд дахмаси ва қабртоши.

7. Қаландарлар жамоаси. XX аср бошлари, Қўқон.

8. Қаландарлар жамоаси. XX аср бошлари, Самарқанд.

Навоий ва Жомий жаҳрий зикр тушаётган суфийларни кузатмоқда. Ўрта аср миниатюраси. Камолиддин Беҳзод. Метрополитен Арт музейи (АҚШ).

Масжид ўқитувчиларининг дарсларни тайёрлаш ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган хоналарнинг бири. Кембриж, Сақлаш музейи (Б.Британия).

Мусаввир ўқитувчиларининг дарсларни тайёрлаш ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган хоналарнинг бири. XIX аср охири. В.Верещагин чизган суврат.

Суфий шайх (муршид). Ўрта аср миниатюраси.

6-§. Қодирия тариқати

Дарснинг мақсади:

Қодирия тариқати тарихи ва Марказий Осиё тасаввуфий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. **Абдулқодир Жилоний ҳаёти ва фаолияти.**
2. **Қодирия тариқати зикри ва маросимлари.**
3. **Марказий Осиё қодирийларнинг ўзига хос жиҳатлари.**

Таянч иборалар: *ғавс, зикр, қодирия, хатми ёздаҳум*

1. **Абдулқодир Жилоний ҳаёти ва фаолияти.** Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Мусо Жангидўст ибн Абдуллоҳ Жилоний (Гилоний) (1077-1166) – суфийлар томонидан «султону-л-авлиё», «ал-ғавсу-л-аъзам» номлари билан улуғланган ҳанбалий мазҳаби фақиҳи, қодирия сулуки асосчисидир. Баъзи манбаларга кўра Эроннинг Гилон (араб манбаларида Жийлон ёки Ғайлон – қадимда Дайлам) вилояти Найфа қишлоғида дунёга келган. Бошқа манбаларга кўра Бағдод шаҳридан 40 км. жанубда жойлашган қадимги Мадоин (Ктесифон) шаҳри яқинидаги Жийлону-л-Ироқ қишлоғида дунёга келган. Хусусан, Бағдодда истиқомат қилувчи Жилоний авлодлари кейингги фикрни ёқлайдилар. Келиб чиқиши форслардан бўлган Абдулқодир Жилоний 18 ёшида Бағдодга келиб, кўплаб олимлардан сабоқ олган. Ҳанбалий фиқҳини Абу л-вафо ибн Ақил (ваф. 1119 й.) ва Абу Саид Муборак Муҳаррамийдан ўрганган. Аввалига суфийлар билан ҳеч қандай алоқала бўлмаган, ҳатто суфий Ахмад Газзолий (ваф. 1126 й.) дарс берган Низомия мадрасасига боришдан ҳам бош тортган. Бирок, кейинчалик суфий Абу-л-хайр Ҳаббоснинг (ваф. 1131 й.) маърузаларига қатнай бошлаган. Ҳажга бориб қайтганидан сўнг Ироқ жанубидаги чўлларда узоқ муддат узлат ва зуҳдга берилиб яшаган. 50 ёшида Бағдодга қайтиб, одамлар орасида маъруза қила бошлайди ва тез орада катта шуҳрат ва нуфузга эга бўлади. Устози Абу Саид Муҳаррамий

ушга хирқа кийдиради ва кейинчалик у устозининг халқасини бошқара бошлайди. Мухлислари Абдулқодир Жилоний ва унинг оиласи яшаши учун янги мадрасани ҳам ўз ичига олувчи работ қуриб берадилар. Жилоний бу ерда муфтий сифатида фаолият юритиб, Қуръон тафсири, ҳадис илмлари, фиқҳдан дарс берар, шунингдек, ислом ахлоқига оид маърузалар қилар ва ўз маърузаларида суфиёна мавзу ва атамаларни қатъиян қўлламасликка ҳаракат қилар эди. Унинг бу чиқишлари пихоятда кўп жамоат йиғар, турли ўлкалардан шогирдларни жалб этар эди. Жилоний ўзи ҳанбалий мазҳабига қатъий амал қилиб, суннатларга риоя қилишни талаб қилган ва суфийларнинг жазавага тушиш амалиётларини мутлақо рад этган, зуҳд эса кишининг ижтимоий масъулиятлари билан қатъий чегараланиб туриши керак, деб ҳисоблаган.

Абдулқодир Жилонийнинг «Китобу-л-Ғуния ли-толиби тарийқ ал-Ҳаққ» (Ҳақ йўлини изловчиларга етук китоб) номли асаридан маълум бўладики, у замондош суфий мактаблар ҳақида чуқур билимга эга бўлган. Устози Муҳаррамийдан хирқа олгани ва унинг халқасига раҳбарлик килгани унинг тасаввуфга бевосита алоқадорлигининг белгиси бўлсада, аммо Абдулқодир Жилоний ҳеч қандай тариқатга асос солмаган. Унга нисбат берилувчи қодирия тариқати унинг издошлари ва авлодлари саъй-ҳаракати билан XIII асрга келиб шаклланган. Абдулқодир Жилоний ҳунарманд, савдогар, турли даражадаги амалдорлардан иборат мухлислари томонидан фаолияти учун йўналтирилган катта моливий маблағ ва туфузини камбағалларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий далда бўлиш, турли зўравонлик, зулм ва таҳдидлардан ҳимоялаш учун сарф этгани боис тириклигидаёқ оддий халқ кўз ўнгида Худонинг мадади – «Ғавс» сифатида гавдалана бошлаган. Кейинги авлодлар даврида эса, Абдулқодир Жилоний ҳаёти тарихан бир-бирига зид, ўта муболағали – гўё ўликларни тирилтириш даражасидаги каромагларга эга бўлгани ҳақидаги ҳикоятлар билан "тўйиниб" борган. Бу ривоятлар авом халқнинг ўз раҳнамоси ва ҳимоячиси сиймосида гайритабиий бир шахсиятни кўриш илинжи натижасида юзага келган бўлиб, Абдулқодир Жилоний бунинг акси ўлароқ ўта вазмин, мулоҳазакор, ҳақиқий ёрдам ва чоралар кўришни афзал биладиган шахс бўлган. Қодирия тариқатининг Ҳиндистон, Шимолий Африка ва курдлар орасида тарқалган тармоқларида Абдулқодир Жилонийни илоҳийлаштириб юбориш, ундан тўғридан-тўғри мадад тилаш каби амалиётлар ҳам юзага келган.

Абдулқодир Жилонийнинг 49 нафар фарзанди бўлган. Уларнинг 10 нафари отасидан таҳсил олиб, фиқҳ, ҳадис, тасаввуф каби илмларда олим сифатида танилган. Абдулқодир Жилонийнинг Боғдоддаги қабри ислом оламидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Мақбара йил давомида зиёратчилар билан гавжум бўлиб, бу ерда ҳар йили муайян санада махсус байрам – «урс» ўтказилади.

Абдулқодир Жилоний усул, фуруʻ, тасаввуф, ахлоқ, илми ҳолга доир кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, «Аврору-л-Жилоний», «Инсату-л Орифин ва ғоят мина-л-восилин», «Одобу-т-тариқат ва-т-тавассул ила манозили т-тариқат», «Туҳфату-л-муттакийн ва сабилу-л-орифийн», «Рисола фи-л-асмои-л-азима ли-т-тарики илаллоҳ», «ал-Ғуния ли-толиби тарики-л-Ҳаққ», «ал-Ваъз ва-л-иршод», «Футуҳу-л-ғайб», «ал-Фузоту-р-Раббония», «Меъроҷ латифи-л-маоний», «Сирру-л-асрор фи т-тасаввуф», «ат-Тарикилаллоҳ» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, Жилоний бир неча рисолаларни араб тилидан форс тилига таржима қилган. Бундан ташқари, ундан Муҳий таҳаллуси билан араб ва форс тилларида битилган шеърларни ўз ичига олган «Девону Гавси л-Аъзам» номли китоби ҳам бизгача етиб келган.

Абдулқодир Жилоний бошлаб берган тасаввуф йўналиши кейинчалик «қодирия», деб аталди. Унинг ўрнига вафотидан сўнг ўғли Абдулваҳҳоб ўтирган. Ундан сўнг укаси Абдуссалом, кейин Абдурраззоқ жамоага бошчилик қилган. Бу тариқатнинг гояси ва ақидаси «Аҳли суннат ва-л-жамоа» эътиқоди асосида шаклланган. Хулли нақшбандия тариқатида бош дастури амал: «Дил ба ёру даст ба кор» (Дилинг ёр – Аллоҳда, қўлинг ишда – меҳнатда) бўлганидек, қодирия тариқатида ҳам Шайх Абдулқодирнинг «Машғуллик ила фориғлик» (Ўзинг дунё ила машғул бўлган ҳолда, дилинг ундан фориғ бўлсин) фикри етакчи ғоя бўлган.

2. Қодирия тариқати зикри ва маросимлари. Қодирия тариқатида зикр маросими уч турга бўлинади: 1. «зикру-л-авқот» – кундалик, куннинг муайян вақтларида бажариладиган зикрлар; 2. «аз-зикрул хафий би-л-жалола» – ихтиёрий, махфий, якка ҳолда бажариладиган зикрлар; 3. «зикру-л-ҳадра» – оммавий зикр маросими бўлиб, айни зикрни «давроп» (араб. – «айлана») ёки «лайлийя» (арпб. – тунги), деб ҳам аталади. Зикр бир неча босқичларда амалга оширилади. Бунда қатнашувчилар аввалига Қуръон қироат қилиб, сўнг саловот айтишади, сўнгра тик турган ҳолда, доира шаклида айлана бошлайдилар. Доиранинг ўртасида шайхнинг ўзи зикрни бошқариб туради. Мусиқачилар алоҳида гуруҳни ташкил қилиб, шайхнинг ишорасига кўра, маълум вақтда мусиқа чалишилар. Ҳадра жума (пайшанба куни кеч тунда) кечалари, мавлид, тариқатнинг махсус тақвими бўйича белгиланган кунларда зовия ёки тойфа аъзоларидан бирининг уйида мунтазам ўтказилиб туради. Зикр маросимига бегона-томошабинларнинг киришига ҳар доим ҳам рухсат берилмайди. Тариқатнинг зикр мажлисларида баъзан мингга яқин киши иштирок этади.

Қодирия тариқати ашрафия, румия, ҳолисия, ғарибия, хилолия, асадия, акбария, ёфия тармоқларига бўлинади. Ўз навбатида, ҳар бир тармоқда ҳам ўзига хос амалиётлар шаклланган бўлиб, улар умумий амалиётнинг ё соддалашган ёки бир қадар мураккаблашган кўринишларидан биридир. Шунингдек минтақавий жиҳатлар ҳам зикр амалиётларининг кўринишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Зикрда қўлланиладиган чолғуларнинг турланиши (ёки умуман қўлланилмаслиги), амалиётларнинг бажарилиш кетма-кетлиги ва бошқалар ҳам минтақавий хусусиятга боғлиқ. Марказий Осиёдаги қодирий жамоалари одатда доира, баъзи ҳолларда дутор (мас. Ҳазиний) каби минтақага хос чолғулардан фойдаланганлар. Кичик Осиё, Яқин Шарқ минтақалари зикр давомида қўлланиладиган чолғу турлари кўплиги ва маросим пухта тизимлаштирилгани билан ажралиб туради. Шимолий Кавказдаги қодирийларни маҳаллий аҳоли «зикрийлар» деб атайди. Уларда жаҳрий зикр «Қасидаи Барзанжий», зикр калималарини баланд овозда қайтариш, мадоих – тариқат асосчисини жўр овозда куйлаб мадҳ этиш билан якун топади.

Қодирия тариқатида мусиқасиз жаҳрий зикр қуйидаги тартибда адо этилади: Авваламбор, ўн уч марта Фотиҳа сураси ўқилади. Кейин Бақара сурасининг бошидан «Уланка ҳумул муфлиҳун»гача бўлган қисми, «Ояту-л-курсий» ва «Оманар расул» ўқилади ва уч марта «Ҳасбуналлоҳу ва нъма-л-вакил, нъма-л-мавла ва нъма-н-насир» дегач, уч дафъа Ихлос ва Ихлос суралари, бир мартадан «Муаввизатайн» ва Фотиҳа суралари ўқилади. Саловат айтилади, кейин тик туриб, овоз чиқариб 166 мартадан калимаи тавҳид ва лафзи жалол (Аллоҳ) қайтарилади, кейин уч марта «Фотиҳа», кейин Аҳзоб сурасининг 56-ояти ўқилиб, саловат келтирилади, охири шайх дуо қилади ва шу аснода зикр ниҳоясига етади. Абдулқодир Жилоний зикр борасида шундай дейди: «Зикрлар ё жаҳрий (овоз чиқариб) ёки хафий (овоз чиқармай) қилинади. Зикр илк дафъа тилдан бўлади. Кейин нафсга, сўнгра қалбга, ундан руҳга ўтади. Кейин қалбдан ҳам ичкари сир оламига ўтади. Улар етти даражага бўлинади. Зикр бошлаётган киши тахоратли бўлиши ва зикр жумлаларини ифода этаётганда, қувват билан сўзламоғи лозим. Бу шаклдаги зикр нурлари зокирларнинг қалбидан ўрин олади».

Қодирия тариқатида зикр асносида маърифатуллоҳга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун зикр чоғида «Исми Аъзам» дуолари ўқилади. Маърифатуллоҳ бу – «ал-асмоу-л-ҳусно» («Аллоҳнинг гўзал исмлари») орқали Яратганни англашдир. Қодирияда зикр амалиёти ўтирган, тик турган, айланган ҳолда ижро этилади. Ўтирган ҳолда бажариладиган зикр тури «қу'удий зикр», пёкда туриб амалга ошириладигани «қиёмий зикр»дир. Жаҳрий зикр намоз ўқиладиган ҳамма жойда бажарилиши мумкин. Қодирия тариқатида зикр қилинадиган жой «само'хона» ёки «тавҳидхона» дейилади. Зикр тушиладиган доирани «майдони ажмо'» ёки «муқобала» деб аталади. Зикр учун махсус вақт тайин қилинмайди, куннинг хоҳлаган вақтида бажариш мумкин. Зикрни муршид ёки у изн берган бирон киши бошқаради. Зикр вақтида най, қадум ва шу каби мусиқа асбоблари билан оҳанг маромини бериш жоиз саналади.

Алоҳида равишдаги махфий зикр (зикри-хафий) қуйидагича бажарилади: оёқларни чордона қурган ҳолда (мураббаʻ) гавда

тик тутилади, кўзлар юмилади, бармоқлар билан «Аллоҳ» сўзи ясалган ҳолда тизза устига қўйилади, суфий хаёлан Фотиҳа ва Ихлос сураларини ўқийди, Аллоҳнинг етти сифатини айтишдан иборат бўлган зикрни айтади. Ушбу зикр вақтида белгиланган нафас маромн сақланиши ва бошни қимирлатиш тартибига (ўнг-чап-олди-орқа) амал қилиниши лозим.

Бу тариқатнинг Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсида фаолият юритувчи вакиллари орасида «хатми ёздаҳум» зикри ҳозирга қадар адо этиб келинади. «Хатм» сўзи луғатда «бир ишнинг охирига етказиш, тугаллаш» маъносини билдиради. Тасаввуфда эса йилнинг ёки ойнинг ё ҳафтанинг муайян кунида оят, дуо ва зикрларни адо этиб, ниҳоясига етказишга «хатм», деб аталади.

«Хатми ёздаҳум» сўзи, аслида «хатми рузе ёздаҳум ёки ёздаҳум» бўлиб, форс тожик тилида «11-кун хатми», деган маънони билдиради. Яъни ҳижрий-қамарий йил ҳисоби бўйича ҳар ойнинг 11-куни бу хатм, яъни зикр маросими адо этилади. Ушбу зикрнинг адо этилиши тартиби «хатми ёздаҳум» номли муаллифи номаълум қўлёзмада араб-форс тилида батафсил баён этилган[176].

Қодирия тариқати зикр амалиётига доир яна бир манба сифатида «Хатми Ҳазрат Гавсул Аъзам» асарини мисол келтириш мумкин. «Хатми Ҳазрат Гавсул Аъзам» асари Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида 209-рақам остида сақланади. Ушбу қўлёзма турли асрларга оид тасаввуфий тариқатларга оид асарлар мажмуи бўлиб, у 50га яқин асарни ўз ичига олади. Бу қўлёзма XIX асрда кўкон (шарқ) қоғозига кўчирилган. 575 варақ (1150 саҳифа)дан иборат. Ҳар бир саҳифа пойгирлаган. Настаълиқ хатида ёзилган. «Хатми ҳазрат Гавсу-л-Аъзам» асари эса қўлёзманинг 65б саҳифасига, яъни 1 варақка ёзилган. Асар араб-форс тилида битилган. Муаллифи номаълум. Бу қўлёзманинг 66а саҳифасига битилган «Хатми Ҳазрат Хожа Нақшбанд» асарида хам нақшбандия тариқати амалиётида бажариладиган хатм, яъни, оят, дуо ва зикрлар келти-

[176] Қаранг: Мажмуа. Қўлёзма. Шахсий кутубхона. 1962 (1382 к). – В. 30б-306-31а-316

риб ўтилган. «Хатми Ҳазрат Гавсу-л-Аъзам» асарида хатмнинг юқорида келтириб ўтилган хатмдан фарқи, ундаги сура, дуо ва зикрларнинг ўқилиши миқдори билан боғлиқ. Масалан, «Хатми Ҳазрат Гавсу-л-Аъзам»да хатм Фотиҳа сурасини 14 марта ўқиш билан бошланади. Кейин ўқиладиган салавот, муножот ва дуолар сони бир хил 111 марта ўқилади. Фақатгина Иширох сураси 140 марта ва Ёсин сураси 1 марта ўқилади[177].

Зикр хусусида Абдулқодир Жилоний «Мактубот» китобида қуйидагича келтиради: «Зикрдан мақсад эса асло тил ҳаракати эмас, балки қалб ҳузур-ҳаловатидир. Бундаги давомли зикрдан мақсад ҳам хилват аҳлининг тилдаги доимий зикридир. Мулдао эса калбий зикрнинг бардавомлигини таъминлашдир. Тил зикрининг овоз (зикри жаҳрий) чиқарилиб қилинишида катта таъсири бор. Овозли зикрдан мақсад уни Аллоҳга эмас, балъакс, кўр-у кар нафсга эшиттиришдир. Чунки Аллоҳ учун зикрнинг садоли ва салосиз, узоқ ва яқинлиги аҳамиятсиздир. Зеро, барча ашёда таажалли қилгувчи Удир».

Қодирия таълимотига кўра, муршид қалби пок ва нурли киши бўлмоги керакки, ундан муридларнинг қалби ёришсин. Мурид ўз муршидидан илҳом, фаросат ва илм олмоғи лозим. Бунинг учун мурид муршидинга кўл бериб байъат қилиши керак. Бу боғланиш робита деб аталиб, қалбдан қалбга йўл очувчи кўприк вазифасини ўтайди. Ундан сўнг мурид бирмунча фурсат эътикофда ўтириб, дунёдан кўнгил тортмоғи, ундан сўнг дунёга ва унинг ишларига ружу қўймасдан, ундан ўзига керак миқдордагина насибасини олиб, бошқаларни яхшиликка бошламоғи лозим. Мурид бутун борлиғи билан Аллоҳга боғланади.

Қодирия тариқатининг тарқалиши ва тариқат пешволари. Манбаларда Абдулқодир Жилоний муайян тариқатга асос солмагани ҳақида маълумотлар учрайди. Аммо Жилонийнинг издошлари томонидан унинг қарашлари, адо этиб юрган вирдлари, шогирдларига берган кўрсатмалари, шайхнинг атрофида йиғилган жамоатда шаклланган ўзига хос муҳит ва расм-русумлар амалий ва назарий жиҳатдан умумлашиб, муайян тизимга кириб бориши натижасида XIII аср охирларига келиб алоҳида

[177] Қаранг: Мажмуа. Қўлёзма. ЎзХИА Манбалар хазинаси. № 209. XIX. – В. 65б.

қодирия тариқати шаклланди. Қодирия тариқати Узоқ ва Яқин Шарқ минтақаларида, Шимолий Кавказ, Кичик Осиё, қисман Марказий Осиё, Шимолий Африка ҳудудларида ўз издошларига эга. Тариқатга раҳбарлик ворисийлик асосида (Жилоний авлодларига) ўтади. Тариқатнинг марказий даргоҳи ва тариқат раҳбари қароргоҳи Бағдод шаҳридаги Абдулқодир Жилоний мақбараси атрофида шаклланган меъморий мажмуада жойлашган (марказ сифатида фақат ироқлик ва покистонлик қодирийлар тан оладилар). Тариқат рамзи – уч қатор гулбаргли пушп раш-ли атиргул бўлиб, марказий қатордаги 5 гулбарг исломнинг беш арконини, ўрта қатордаги 6 гулбарг имоннинг 6 арконини, чекка қатордаги 7 гулбарг таҳлил калимасидаги сўзлар (ла илаҳа илла Аллоҳ, Муҳаммад расул Аллоҳ) миқдорини англатади.

Тариқат Жунайд Бағдодийнинг «саҳв» (ҳушёрлик) таълимотига асосланган учун жазавага тушиш, ҳол қидириш, турли фалсафий қарашларга берилиб кетиш кабилардан сақланган ҳолда тасаввуфнинг маънавий-ахлоқий тарафларига кўпроқ урғу бериши билан ажралиб турган. Тариқатда кескин тарки дунёчилик таъқиқланган. Тариқатга кириш муршидга байъат қилиш орқали амалга ошади. Солиққа қодирия тариқатида жорий этилган зикр калималарини қайтариб юриш вазифа (вирд) қилиб топширилади. Қодирия тариқати жаҳрий зикрга асосланган бўлиб, зикр маросимлари оммавий тарзда бажарилади. Якка ҳолда махфий зикр ҳам адо этилади.

XII асрда қодирия тариқатининг фаолияти Бағдоддаги мадраса ва работлар доирасидагина бўлган (1134 йилда қурилган мадраса ва работ; кейинроқ Абдулқодир Жилонийнинг мақбараси олдида қурилган масжид). Дамашқда XV асрнинг бошларидагина қодирийлик хонақоҳи қурилган бўлиб, Мисрда эса мутлақо машҳур бўлмаган. Ҳиндистонда ҳам бугунги кунгача кўзга кўринган тариқатлар сирасига кирмаганини кўришимиз мумкин. Кейинчалик унибу тариқат бутун мусулмон оламида кенг тарқалди. 1300 йилга келиб Ироқ ва Суриядa, XIV асрда Яманда, XV асрда Ливан, Фаластин, Миср ва Ҳижозда, XVI асрда Тунис, Жазоир ва Марокашда зовия ва работлар ўз фаолиятларини олиб бордилар. Шу асрда тариқат аъзолари Судан, Сенегал, Гвинея, Нигер ва Мавританияга кириб бордилар. Туркиядаги қодирия шаҳобчасини эса Исмоил Румий (вафо. 1631й ёки 1643й.) номи билан боғлайдилар. Туркиядаги ушбу шаҳобча жуда машҳур бўлган (XIX асрнинг охирида Истамбулда 33 та такия фаолият олиб борган). XVI асрда қодирия тариқати Афғонистон ва Ҳиндистонга (Синд ва Декан) кириб келди, Ямандан Индонезия (XVIII асрда) ва Малакка ярим оролига етиб келди. Қодириянинг илдизлари Эронга бориб тақалса-ла, унинг Курдистондаги уч тармоғи ҳозирги кунгача фаолият олиб бормоқда. Тариқат қатор давлатларда муҳим сиёсий аҳамиятга эга: XIX асрда тариқат аъзолари қўлларида қурол билан мустамлакачиларга қарши чиққанлар, Жазоирда Шайх Абдулқодир шу асрда мустамлакачи французларга қаршилик ҳаракатларига бошчилик қилди. Ҳозирги кунда ҳам қодирия тариқати Гарбий Африкада жиддий сиёсий ва диний кучга эга экани билан ўз нуфузини сақлаб қолган.

Тариқатнинг силсиласи икки йўл билан Али ибн Аби Толиб (р.а.)га ёки Абу Бакр (р.а.)га бориб тақалади. «Миръоту-з-Замон» («Замон кўзгуси») китобида қодирия тариқати силсиласи ҳақида шундай айтилади: «Шайх Абдулқодир Жилоний тариқат хирқасини Абу Саъид Махзумийдан, у шайх Али ибн Муҳаммад ал Қурайшийдан, у шайх Абул Фараҳ Тартусийдан, у шайх Абул Фазл Абдулвоҳид Тамимийдан, у отаси шайх Абдулазиздан, у Абу Бакр Шиблийдан, у Жунайд Бағдодийдан, у тоғаси Сирий Сақатийдан, у Маъруф Кархийдан, у Довуд Тойдан, у Ҳабиб Ажамийдан, у Ҳасан Басрийдан ва у киши Ҳазрат Али (р.а.) дан олган».

Тариқатнинг бошқа силсилалари ҳам мавжуд бўлиб, ҳар бир тариқат пешвоси ўз силсиласига эга бўлган. Улар орасидаги асосий фарқ Абдулқодир Жилонийдан кейинги силсила тартибида кўзга ташланади. Айрим тариқат силсилалари бир-бирига ўхшаш бўлиб, бунга бир шайхнинг иккита, учта, тўртта ёки ундан ортиқ тариқатлардан иршод қилишга ижозат олгани ва ҳар бир тариқатда ўз муридларини тарбиялаб боргани сабаб бўлган. Бунга қодирия ва нақшбандия силсиласининг ўхшашлиги мисол бўлади.

Қодирия тариқатининг глобал миқёсдаги фаолияти. Бугунги кунга келиб қодирия тариқати вакиллари фаолияти глобал миқёс касб этмоқда. Бунга уларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалгани ва ўз фаолиятларини глобал тармоқ – интернет орқали олиб бориши натижасида тариқатга нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда. Шунингдек, айрим ўлкаларда тариқат вакилларининг сиёсий ва маданий ҳаётдаги мавқеи дунё оммасини ўзига жалб этмоқда. Тариқат етакчилари олдин турли гуруҳ ёки халқлар ташкил этиб, ўз тарафдорларини шакллантирган бўлса, ҳозирда улар замонавий ижтимоий ҳаёт ютуқларидан фойдаланиб, турли жамиятлар, ташкилотлар, хайрия фондлари, маданият марказлари очиш ва ерларда суҳбат ҳамда дарслар ташкил этиш орқали ўз фаолиятларини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳолат айрим ҳудудлардаги тариқат вакилларига хос бўлса, айрим ҳудудларда фақат ўпа ўлка миқёсидагина фаолиятини кучайтиришга уринишлар кузатилмоқда. Қодирия тариқати қуйидаги ҳудудларга тарқалган:

- Марказий Осиё: Ўзбекистон, Афғонистон ва Қозоғистон;

- Жанубий-шарқий Осиё: Индонезия, Малайзия, Хиндистон,Покистон, Эрон, Яман;

Яқин Шарқ: Сурия, Ироқ, Туркия;

- МДҲ давлатлари ва Шарқий Европа: Россия, Дағистон,Чеченистон, Шимолий Кавказ, Ингушетия, Курдистон, Татаристон, Бошқирдистон, Украина, Қрим(Шимолий Кавказдаги қодирийлар нақшбандийларга нисбатан рақобатли муносабатлари билан ажралиб туради. Тарихан олганда, нақшбандинга эргашган Имом Шомил (1797-1871) Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашиб, Шимолий Кавказда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, маҳаллий қодирийларга нисбатан муросасиз мавқени эгаллади. Натижада бир тарафдан Шомил, бошқа тарафдан руслар-нинг таъқибига учраган маҳаллий қодирия вирдлари (вирд – маҳаллий қодирия ҳалқаларининг номи) бир қадар ёпиқ, хатто тажовузкор хусусиятга эга бўлиб борди. Аммо руслар Имом Шомил ҳукмронлигига чек қўйгач, аҳоли ўртасида нақшбандияниг нуфузи пасайиб кетди ва кўпчилик қодирияга эргаша бошлади. Ҳозирда ҳам қодирия тариқати минтақадаги энг йирик

тариқат бўлиб келмоқда. Чеченистондаги қодирия вирдлари (вирд – маҳаллий суфий ҳалқаларининг номланиши) чечен жамиятида катта нуфузга эга ҳисобланади. Ингушетияда ҳам Чеченистондаги каби қодирия тариқати нақшбандияга қараганда катта таъсир кучига эга. Кўпчилик ингушлар силсилий шажарага кўра ўзларини фақат қодирияга эмас, чечен шайхи Кунта ҳожи анъанасига тегишли деб санайдилар. Қодирия шайхи Ҳаммат-гирей ҳожининг издошлари Чеченистонда ҳам, Ингушетияда ҳам топилади. Ингушетияда фақат Дени шайхнинг издошларигина нақшбандия анъаналарига эргашадилар).

- Африка: Мавритания, Сенегал, Ливия, Мали, Нигер, Сомали,-Мадагаскар, Судан, Миср, Мозамбик, Занзибар, Конго, Руанда;

- Европада: Германия, Буюк Британия,Франция ва Испания.

Тариқатнинг Европа ва бошқа қитъаларга тарқалиши асосан, Африка ва Жанубий-шарқий Осиёдаги мусулмонларнинг кўчиши натижасида юзага келмоқда. Улар қитъалар бўйлаб ўз марказ ва жамиятларига асос солишмоқда. Бунда маҳаллий урф-одат ва анъаналар билан уйғунлашиши ва тариқат амалиёти маҳаллий маросимлар билан бирга амалга оширилиши каби ҳолатлар юзага келади. Аммо қодирия тариқати чиштия, суҳравардия тариқатлари каби таълимот асосларини ўзгартирган эмас. Лекин тариқат вакиллари кўпайиши ва уларнинг турли ҳудудларда жойлашгани маълум одатларнинг тариқат амалларига қўшилган. Масалан, зикр амалиёти адо этилишидаги рақслар, мусиқа асбоблари ва кийимларда маҳаллий урф-одатлар намоён бўлади. Бу айниқса, Африка халқларида яққол намоён бўлади.

3. **Марказий Осиё қодирийларинг ўзига хос жиҳатлари.** Марказий Осиёдаги қодирийлар нақшбандийларга нисбатан камроқ издошларга эга бўлсада, айрим қодирия шайхларининг аҳоли орасида фаоллиги мазкур тариқатнинг мавқеини сақлаб туришда катта аҳамиятга эга эди. XIX асрнинг охирларида бирғина Тошкент шаҳрида 12 нафар қодирия шайхи фаолият юритган бўлиб (нақшбандиядан кейин иккинчи ўринда), уларнинг энг нуфузли вакили – Мухйиддинхон эшоннинг миридан ортиқ муриди Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона водийси, Авлиё-ота шаҳарларида истиқомат қилган. Эшоннинг отаси Фарғона во-

дийсида 30 нафар халфага эга бўлиб, ўзининг Ўш ва Марғилон шаҳарларида халфалари, Чуст ва Наманганда халфалар назоратидаги хонақоҳлари мавжуд бўлган. Мухйиддинхон бошчилигидаги зикр маросими ҳар пайшанбадан жумага ўтар кечаси Илё маҳаласининг масжидида ўтказилган. Зикрда 40-50 киши, тариқатга тўла кирмаганлар билан қўшганда 200 киши атрофида иштирок этган. 1893 йилда ҳаж қилиб, Афғонистон орқали отда кайтиб келаётганида Занги-ота тарафга 400 нафар киши чиқиб кутиб олган, шаҳарда эса кутиб олувчилар сони 2-3 минг киши атрофида бўлган. Бу биргина халқнинг таъсир доираси қай даражада бўлганини кўрсатиб турибди.

Қодирийларнинг ана бир йирик жамоаси Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуасида фаолият юритган. Маҳаллий қодирийлар орасида Шоҳи Зинда билан боғлиқ ўзига хос маросимлар шаклланган. Улар ҳар пайшанбадан жумага ўтар кечада Қусам ибн Аббос мақбарасига йиғилиб, пайжара ортидаги хонада зикр тушишган. Шоҳи Зинда мажмуасига олиб чиқувчи зина билан боғлиқ алоҳида жаҳрий ва махфий кўринишдаги зикрлар ҳам адо этилган. Жаҳрий зикрда суфий ҳар куни битта погонага чиқиб, Қурьондан муайян оятларни ўқиган ва зикрга киришган. Махфий зикрда суфий ҳар куни Шоҳи Зиндага келиб, зинанинг кунига бир поғонасидан чиқаётганини фикридан ўтказган ва хафий зикрга чўмган. Суфий фақат маросимни тўлиқ бажаргачгина Шоҳи Зиндага қадам босган. Маҳаллий қодирийларда Қусам ибн Аббос мақбарасининг дахмасида чилла сақлаш одати ҳам бўлган.

Қодирия тариқатини Марказий Осиё ҳудудига ким томонидан олиб келингани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Лекин тариқат вакилларининг силсиласидан қачон ва кимнинг воситасида тариқат бу ўлкага кириб келганини тахмин қилиш мумкин. Бундай тариқат силсилаларидан бири тариқат вакили, мутасаввиф шоир хожа Ҳазиний Хўқандийга (1867-1923) тегишли. Тариқат силсиласи билан танишганда, қодирия тариқати Марказий Осиёга тахминан XV-XVI асрларда кириб келганини кузатиш мумкин.

Фарғона водийсида қодирия ва нақшбандия тариқатлари XVIII-XIX асрларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, айниқса Қўқон

хонлиги даврида жуда ривожи топган. Тариқат аҳли орасида етук шоирлар, адиблар, фозил инсонлар кўп бўлган. Улар орасида Машраб, Ҳувайдо, Умархон, Нодира, Увайсий, Хозиқ, Адо, Фаялий, Азимхўжа Эшон, Мажзуб Наманганий, Ҳазиний, Корий Хўқандий, Муқимий, Фурқат, Ражий Марғиноний бороди. Фарғона водийсидаги қодирия тариқати пирларидан бири шоир Ҳазиний Хўқандий бўлган.

Ҳазиний Хўқандий. (тахаллуси; асл исми Зиёвуддинхон Каттахожа ўғли Ҳазиний тўра) (1867-1923) шоир ва шайх. Қўқон яқинидаги Катта Конагас қишлоғида таваллуд топган.Қўқондаги Жоме мадрасасида таҳсил олган. Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, адабиёт илмларини чуқур ўзлаштирган. Тасаввуф таълимоти билан изчил шуғулланган. У 30 ёшида муршидидан иршод (тариқат раҳнамолигига рухсат) олган, "Ҳазиний тўра" ва "Эшонбува" номлари билан халқ орасида эъзозланган, ўз даврининг етук қодирия тариқати шайхи сифатида эътироф этилган ва "Муршиди Фарғона" номи билан танилган. Деҳкончилик билан кун кечирган. Боғлар барпо қилган, бинолар қурдирган. Қабри ўз қишлоғида бўлиб, бугунги кунда унинг мақбараси меъморий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида кўчирилган кўплаб қўлёзма баёзлар ва мажмуалардан Ҳазиний шеърлари ўрин олган. 1910-1915 йилларда Тошкентнинг Орифжонов, Порцев ва Лахтин матбааларида "Баёзи Ҳазиний" тўпламлари бир неча бор нашр этилган. Фарғона шаҳрида уй-музейи ташкил қилинган.

Ҳазиний тариқат иршодини Муҳаммад Ҳакимхондан олган. У киши XIX аср тасаввуфининг Туркистондаги йирик намоёндаси, қодирия тариқати шайхи бўлган. У ўз навбатида тасаввуф иршодини Мажзуб Наманганийдан олган.

Мажзуб Наманганий (асл исми Абдулазиз, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Қарши (айрим манбаларда Қўқон)да туғилган. 1849 (1857) йилда Наманганда вафот этган) – шоир. Ўзбек тасаввуф адабиётининг йирик намоёндаларидан бири. Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Шу ерда Халифа Ҳусайн Янгиқўрғонийдан тасаввуф таълимини олади. Мазкур шайх хонақоҳидаги

хизматидан сўнг, тариқат (баъзи маълумотларга кўра икки – қодирин ва нақшбандия, айримларига кўра ҳатто тўрт тариқат) пешволигига иршод олади. Фарғонага қайтгач, Қўқонда яшайди. Сўнгра Наманган шаҳрига бориб, муқим бўлиб қолади. Муридларга тасаввуф сирларидан таълим беради.

Мажзуб тасаввуфда зикри жаҳрия йўлининг ўзига хос услубини татбиқ этган. Унинг қаламига мансуб «Девон»га кирган «Соқийнома» (181 саҳифа) суфийларнинг суҳбатларида махсус мақом билан ўқилган. Бу эса, ўз навбатида, зикр вазифасини ҳам ўтаган. Унга эргашувчиларни мажзубийлар деб атаганлар. XIX асрда Туркистонда мажзубхонлик кенг тарқалган[178].

XV-XVIII асрларда Фарғона водийси, шунингдек, Шарқий Туркистон ҳудудларида Гавсул Аъзам, Баҳруддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Имом Раббоний, Маҳдуми Аъзам издошлари – Хожа Муҳаммад Юсуф, Хожа Исҳоқ валий, Хилоятуллоҳ Офоқхожа кабилар фаолияти тариқатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Марказий Осиёда қодирин тариқати вакилларига атаб кўплаб маноқиблар ҳам битилган.

Ҳозирга келиб Марказий Осиёда қодирийларнинг кам сонли вакиллари Фарғона водийси ва Тожикистоннинг айрим ҳудудларидагина фаолият юритиши ҳақида маълумотлар бор. Фарғона водийсининг айрим жойларида (Қўқон Фарғона ва Андижон шаҳарларида, вилоятларнинг баъзи туманларида). Бухоро ва Самарқандннинг чекка ҳудудларида ўзини қодирия тариқатига мансуб, деб билувчи вакиллари сақланиб қолган. Уларнинг фаолияти бошқа ўлкалардаги тариқат вакиллари фаолияти каби нуфузли ўринга ва сиёсий аҳамиятга эга бўлмай, балки оз сон-

[178] Мажзуб асарлари ўз даврида ва кейинчалик ҳам кўплаб қўлёзма манбалардан ўрин олган, тўпламлар ҳолида бир неча бор нашр этилган ва кенг тарқалган. Мажзубнинг ўзбек ва форс тилларида алоҳида-алоҳида «Девон»и бўлиб, уларнинг асосий қисмини ғазал, мухаммас, қасида, сокийнома ташкил этади. Бундан ташқари, Мажзубнинг форс тилида яратилган «Тазкираи Мажзуб Наманганий» номли асари ҳам бор. Бу тазкира XVII – XIX асрларда яшаган тасаввуф шайхлари ва суфиёна аламалар жамоасига бағишланган. «Девони Мажзуб», «Тазкираи қарияи Мажзуб Наманганий» асарлари ТошДШИ ШҚМ қўлёзмалар фондида сақланади (инв. №1618; 2662, 2125,2567, 1481). Мажзуб Наманганийнинг ўз таржимаи ҳоли ёзилган форс тилидаги «Ҳуруфи Роқимий» қўлёзма асари мавжуд.

ли аъзоларнинг (қариндош-уруғ, маҳалла доирасидаги йиғилишларда) мавлид кунлари, диний байрамларда, баъзи вакилларининг хижрий йил ҳисобида ойнинг 11 куни тўпланиб, Қуръон тиловати, тариқатда тарғиб этилган Аллоҳ таолонинг «улуғ исмлари»ни зикр қилиш, салавот ва қасидалар ўқиб дуо қилишларидан иборат. Юртимизда Гавсу-л-Аъзам номи билан боғлиқ бир нечта зиёраттоҳлар мавжуд бўлиб, уларда тариқат шайхининг рамзий қабрлари жойлашган. Улар Самарқанд шаҳридаги Шоҳи-Зинда меъморий мажмуаси, Гавсу-л-Аъзам зиёраттоҳи – Оҳангарон тумани Ўрғов қишлоғида, Пири-Дастгир масжиди – Пири дастгирнинг иси Шайх Муҳиддин Абдулқодир Жилонийбўлиб, Бухоро вилоятидаги ушбу зиёраттоҳ, муқаддас қадамжо бўлиб, ҳазратнинг рамзий қабрлари ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний зиёраттоҳи – Хоразм вилояти, Шовот туманидаги Бешмерган қишлоғи ҳудудида жойлашган.

Мавзу бўйича саволлар

- Абдулқодир Жилоний ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
- Абдулқодир Жилонийнинг асарларини санаб бера оласизми?
- Қодирия тариқатининг ўзига хос хусусиятлари?
- Марказий Осиё ва дунёдаги қодирия тариқати фаолияти?

Мустақил иш топшириқлари: *Қодирия тариқати манбалари таҳлили.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
2. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Энигма, 2000.
3. Trimingham J. S. The Sufi Orders in Islam. Oxford, 1971.
4. Sirriye E. Sufis and Anti-Sufis. Curzon: Curzon Press, 1999.
5. Киш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
6. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат: Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моваройннаҳр, 2014.

3-БОБ. МУМТОЗ ТАСАВВУФНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ

1-§. Марказий Осиёда футувват

Дарснинг мақсади:

футувват тушунчасининг моҳияти ва унинг тасаввуфда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Футувватнинг мазмун-моҳияти

2. Футувват бирлашмалари тарихи ва фаолияти

3. Манбаларда футувват тушунчаси таҳлили

4. Ўзбек урф-одатларида жавонмардлик намуналари.

Таянч иборалар: *футуввот, фато, ахий, жавонмардлик*

1. Футувватнинг мазмун-моҳияти. Асрлар давомида тариқатлар бири-биридан ажралиб турувчи ва аксинча, ўхшаш хусусиятларга эга бирлашмалар тарзида ривож топиб борди. Айни вақтда тариқатларга ўхшаш тузилмага эга, ўхшаш тамойилларни илгари сурувчи бошқа ижтимоий-диний бирлашмалар ҳам вужудга кела бошлаган. Шулардан бири «футувват» уюшмаларидир. Футувват уюшмаларининг тарихи ва ривожини ўрганиш тариқатлар тарихида ўзига хос параллеллик юзага келтирган бошқа қарашлар ҳам бўлганини ва улар ўртасида ўзаро таъсирлашув нуқталарини кузатишга имкон беради. Бундан ташқари, нега айнан тариқат бирлашмалари ҳозирги кунга қадар етиб келиб, унга мукобил таълимотлар кейинчалик ё уларга қоришиб, ёки бутунлай йўқ бўлиб кетиш сабабларини аниклаштиришга ва тариқатларнинг яшовчанлик омилларини кўрсатиб беришга имкон беради.

Футувват (араб. – йигитлик, мардлик) – тасаввуфдаги мардонаворлик яъни, бошқаларни ўзидан устун кўриш, фақат яхшилик қилиш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, пиру устозлар, дўст-биродарлар шарафини ҳимоя қилишга ўзини бағишлаш, олижаноб одоб ва хислатларни ўзида камол топтириш. Футувват гояларининг пайдо бўлиши илк тасаввуф даврига бориб тақалади. Футувват арабча «фато» – «йигит» сўзидан олинган. Ушбу сўз Қуръони каримнинг бир неча марта келади. Юсуф (а.с.) ва Иброҳим (а.с) (Юсуф сураси 30, Анбиё сураси 60), шунингдек, Юсуф (а.с.) билан бирга зиндонга кирган икки йигит (Юсуф сураси 36) "фато" сўзи билан васф қилинган. Каҳф сурасидаги Гор эгалари "фитя" (10-13 оятлар) – йигитлар, Мусо пайғамбарнинг сафдоши ва ҳамроҳи ҳам "фато" (60-62 оятлар) – йигит деб номланган. Машҳур суфий Жунайд Бағдодийнинг таърифига кўра, футувват – «Саховатпешалик, бировга зарар етказмаслик ва шикоят қилмаслик (ношукр бўлмаслик)». Шиа суфийларида Али ибн Абу Толиб футувват маёғи ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларда «Зулфикордан бошқаси қилич эмас, Алидан бошқаси «фато» эмас» деган ибора кенг тарқалган эди. Футувват аҳлини жавонмардлар (форс. ёш йигит), ахийлар (араб. биродар) деб ҳам атаганлар. Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, қизиқчилар, синохийлар ва жамиятнинг бошқа аъзоларидан ташкил топган эди. Улардан ҳар бирининг ўз жамоаси, пири ва йиғиладиган жойи бўлган. Агиографик манбаларда «жавонмард» сўзи кўплаб суфийларга, айниқса маломатийларга нисбатан кенг қўлланган. Чунончи, «Маломатия ҳақида рисола» муаллифи Суламий (ваф. 1021 й.) футувватга бағишлаб алоҳида бир рисола битган. Ушбу асарида ҳақиқий жавонмарднинг 212та таъриф ва сифатини келтиради. Суламий йўлидан борган яна бир тасаввуф тарихнависи Қушайрий (ваф. 1072й.) «Қушайрий рисоласи» асарининг бир бобини айнан футувват мавзусига бағишлайди. Кайковуснинг (XI аср) «Қобуснома»сидаги «Жавонмардлик зикрида» деб аталган 44-бобида футувват одоби, бу тур инсонларга хос гўзал ахлоқ намуналари ҳақида сўз боради. Ҳиротлик атоқли олим Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) «Футувватноман султоний» асарида футувватнинг етмиш бир шартини санаб ўтиб: «Кимдаки, мазкур шартлардан биронтаси топилмаса, у футувватдан бебаҳрадир», деб таъкидлайди. Кошифий футувватни тариқатнинг таркибий қисми, деб қарайди. Ваҳоланки, баъзи манбаларда гарчи тариқат ва футувват ўзаро тамбарчас боғлиқ бўлса-да, аммо улар алоҳида тушунчалар

сифатида талқин этилган. Чунончи, футувват тасаввуфий қарашларнинг амалий татбиқи сифатида эътироф этилади.

2. Футувват бирлашмалари тарихи ва фаолияти. Жавонмардлар хулқи суфийлар муридга мураққа' ёки хирқа кийдиргани сингари ўз сафларига янги қўшилганларга ажратиб турувчи махсус шалвор кийдирганлар. Манбаларда сарбадорлар ҳам футувват аҳли сифатида эътироф этилади. Аббосий халифа Носир (1180-1225) ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун биринчи бўлиб футуввatга расмий ташкилот тусини бериб, Али ибн Абу Толибни эса футувватнинг энг ёркин мисоли сифатида тарғиб қилди. Ҳатто ўзи ҳам футувват шалзорини кийиб,«саййиду-л-фитён» лақабини олади. Шундай йўл тутиш орқали у Бағдод аҳолисининг қўллаб-қувватлашига эришиб, салжуқийларнинг таъсиридан қутулишни ҳамда рофизийларни тугатишни мақсад қилган эди. Ушбу мақсадини амалга оширишда халифага суҳравардия тариқати асосчиси Абуннажиб Суҳравардийнинг (ваф. 1160 й.) жияни Абу Ҳафс Суҳравардий (1145-1234) футувват қарашларини аҳолининг кенг қатламлари орасида ўзининг оташин ваъзлари билан тарқатиш орқали ёрдам кўрсатади. Абу Ҳафс Суҳравардий «Суфийлик йўли оддий мусулмон учун машаққатли ва оғир бўлгани сабабли омма учун футувват тариқатининг бир қисмидир» деб эътироф этди. Абу Ҳафс Суҳравардий мақсадли равишда футуввatга хос шараф кодексини тасаввуфнинг маънавий кўрсатмалари билан боғлашга уринди.

Футувват концепцияси тасаввуфдаги ийсор – ўзгалар манфаатини ўзиникидан устун қўйиш ғоясини энг юқори даражага олиб чиқди. Футувват уюшмалари кўп даврлар мобайнида жамиятда юксак ахлоқ, саховат, мардлик ва адолатпарварликнинг олий намунаси сифатида эътироф этиб келинди. Футувват ғоялари Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалгани ҳақида ўрта аср араб сайёҳи ибн Баттута (вафо. 1368й.) «Сафарнома» асарида жуда тўлқинланиб хабар беради. Араб сайёҳининг қайд этишича, хонақоҳ ва зовияларнинг аксари жавонмардлар ихтиёрида бўлган.

Айниқса, Онадўлида жавонмардлик харакати «ахийлар» номи билан кенг тарқалиб, уларнинг сардорлари султонлар ҳузурида ҳам муайян обрў эътиборга эга бўлган. X асрларда пайдо бўлган

«айёр»лик ҳаракати ҳам аслида футувват билан боғлиқ. «Айёр» сўзи ўша даврда салбий маънода эмас, балки «топқир», «зукко», «доно», «эҳтиёткор», «ҳозиржавоб» каби маъноларда қўлланган. Улар турли ҳийла-найрангларни қўллаш орқали душманларга зарар етказганлар, дўстларни оғир ҳолатлардан чиқаришга ёрдам берганлар. Аммо ҳеч қачон ўз ҳийла-найрангларини хиёнат ва гуноҳ ишларга қўлламаганлар. «Қобуснома»да ҳам айёрлик жавонмардликнинг ахлоқат жиҳатдан юксак намунаси сифатида акс эттирилади. Футувват тасаввуф билан қўшилгандан кейин жавонмардларга нисбатан «айёр»ни қўллаш урфдан қолди.

Тариқатларда пири муршид бўлганидек, футувват уюшмаларининг мақсатига мос равишда пайғамбарлардан таълаб олинган пирлари бўлган. Чунончи, Одам (а.с.) – деҳқонлар пири, Шис (а.с.) – пахтакорлар, Илрис (а.с.) – тикувчи ва хаттотлар, Нуҳ (а.с.) – савдогарлар, Солиҳ (а.с.)– туякашлар, Иброҳим (а.с.) – сутчи ва дурадгорлар, Исмоил (а.с.) – овчилар, Исҳоқ (а.с.)– чўпонлар, Зулкифл (а.с.) – поччойлар, Лут(а.с.) – тарихчилар, Узайр (а.с.) – боғбонлар, Илёс(а.с.) – тўқувчилар, Довуд (а.с.) – темирчилар, Луқмон – ҳакимлар, Юнус (а.с.) – баликчилар, Исо (а.с.) – сайёҳлар, Муҳаммад (а.с.) – боғбон ва савдогарлар пиридир.

Футувват аҳлини Мовароуннаҳр диёрларида «жавонмардлар» (форс. ёш йигит) деб атаганлар. Жавонмардлик X асрда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ва бир мазмунда тасаввуфнинг юксак ахлоқий нормалар ҳақидаги назарий жиҳатининг амалий татбиқи бўлган дейиш мумкин.

3. Манбаларда футувват тушунчаси таҳлили. Гарчи илк ўрта аср Мовароуннаҳр адабиётларида «футувва» ёки «жавонмардлик» деган терминлар учрамасада, уларга хос бўлган сифатлар кўпроқ тасаввуфий асарларда учраб туради. Жумладан, Ҳаким Термизий (вафо. 932 й.), Абу Бакр Калабодий (вафо. 990 й.), Мустамлий Бухорий (XI аср) ва бошқа олимлар ўз асарларида жавонмардлик ахлоқларини тарғиб қилганлар.

Ҳаким Термизий (вафо. 932 й.) ҳам ўз услубига кўра, футувватга оид хулқларни ўз асарларида муҳокама қилган. Айрим тадқиқотчилар томонидан Аё Софиядаги № 2049 рақамли қўлёзмалар мажмуасида тўпланган 10га яқин футувватнома асар-

лардан бири Ҳаким Термизийга нисбат берилади. Жумладан, мисрлик олим Муҳаммад Жуюший Лё Софияда Ҳаким Термизийга мансуб «ар-Рисола фи-л-футувва» асарининг ягона нусхаси сақланишини ҳамда бу асар футувватга доир илк асарлардан эканини қайд этади[179]. Тасаввуфга оид мўътабар манбаларда Ҳаким Термизийнинг футувват ҳақида айтган гаплари келтирилади. Жумладан, «ар-Рисолату-л-Қушайрия» асарининг «Футувват» бобида Ҳаким Термизийдан ривоят қилинади: Муҳаммад ибн Али Термизий деди: «Футувват бу – Роббинг учун нафсингга душман бўлмоғингдир». Муҳаммад ибн Али Термизий деди: «Футувват бу сенинг наздингда муқим одам ва тўсатдан келиб қолган меҳмонни бир хил кўришингдир»[180]. Ҳаким Термизий «Наводиру-л-усул» асарининг «Арабларнинг фазилати»га бағишланган 67-бобида Иброҳим алайҳис-саломдан Исмоил алайҳис-салом энг яхши фазилатларни ўзлаштириб олганини айтади: саховат, кенгбағирлик, шижоат, улфатчилик. Араблар орқали бу фазилатлар умматга мерос бўлиб қолди. Ҳаким Термизий футувватга хос бўлган хислатларни Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг ҳаётлари мисолида таҳлил қилади: «Хайбар фатҳ этилганда ўлжалар фақатгина маккалик муҳожирларгагина тақсимланди. Зеро, муҳожирлар Мадинага мол-мулксиз кўчиб келган эдилар, ансорлар уларга уй-жойларини бердилар, оғуқаларини баҳам кўрдилар ва ҳаттоки ансорлардан бири ўз аёлини муҳожирга никоҳлаб ҳам бермоқчи бўлди[181]. Аллоҳ таоло ансорларни мадҳ этди:

"(Ансорлар) ўзлари (ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суйгайлар ва дилларида уларга берилган нарса (ўлжалар) сабабли ҳасад сезмаслар ҳамда ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар (Ҳашр, 9)".

Яъни муҳожирларга берилиб, ансорлар маҳрум бўлган нарсага қалбларида ҳасад, бахиллик, рақобат ҳис этмайдилар. Ал

[179] Қаранг: Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий дирасат ли асарихи ва афкарихи. – Қоҳира: Дор ал-ақода ал-Арабийя, 1980. – Б. 96.

[180] Абулқосим Қушайрий. Ар-Рисолатуль-Қушайрийя. – Ҳимс: Дорул-ибраб – Б. 390-391.

[181] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Дор ар-райён, 1988. – Б. 444-471.

сорларнинг ўзларида ҳам фақирлик ва ўлжага эҳтиёж бор эди, аммо улар ўзларидан муҳожирларни афзал билдилар)[182]».

Яна Термизий ёзади: «Бизга етиб келган хабарларга кўра, Кинона[183] бир ўзи таом ейишни ёқтирмаганидан, агар таомланишга шерик топа олмаса, рўпарасига тош қўйиб, бир луқмани ўзи еса, яна бир луқмани унга қўяр экан. Пайғамбар алайҳис-саломнинг боболари Абдулмуттолибнинг дастурхони доим тузалган турар, ундан ҳаттоки тоғлардаги ҳайвонлар ва қушларга ҳам егулик улашилар эди»[184]. Шундан сўнг Ҳаким Термизий бу сифат ва хулқлар ажамларда бўлса ҳам, аммо фазилат арабларда эканини айтиб ўтади.

«Наводиру-л-усул»нинг «Энг гўзал хулқлар» номли 190-бобида Пайғамбаримиз (а.с.)дан қуйидаги ҳадисни келтиради: «Макоримул ахлоқ – энг яхши хулқлар ўттадир. У отада бўлади ўғлида бўлмайди, ўғилда бўлади отасида бўлмайди, қулда бўлади хожасида бўлмайди. Аллоҳ таоло бу хулқларни бахт-саодатли бўлишини ирода қилган бандасига беради. Улар: ростгўйлик, қийинчиликда ҳам содиқ бўлиш, муҳтожларга эҳсон қилиш, берилган ҳадя эвазига ҳадя қайтариш, омонатдорлик, қариндошлик ришталарини боғлаш, қўшни ҳақига риоя қилиш, дўст ҳақига риоят этиш, меҳмондўст бўлиш, буларнинг бошида ҳаёли бўлиш турадир», дедилар.

Ҳаким Термизий бу бобда машҳур Ҳотим Тойнинг асирга тушиб қолган қизининг Пайғамбарга мурожаатини келтиради: «Эй Муҳаммад, агар «ҳўп» десангиз, арабларга менга пулгу қилмай, ўз йўлимга жўнатиб юборсангиз. Чунки, мен қавм бошлиғининг қизиман. Отам қийналганларга ёрдам берар, бечораларни ҳимоясига олар эди, меҳмондўст бўлиб, очларни тўйдирар, мусибатзадаларга кўмак берар, мискинларга таом улашар, ўзаро салом беришни канда қилмас ва ҳеч бир ёрдам сўраб келган хожатманд кишининг қўлини қуруқ қайтармас эди. Мен мана шу сифатларга эга бўлган Ҳотим Тойнинг қизиман. Шунда Пайғам-

[182] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Дор ар-райён, 1988. – Б. 463-464.

[183] Араблар шажарасидаги улуғ аждодлардан бири.

[184] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Дор ар-райён, 1988. – Б. 470.

бар (а.с.): – Эй қизгина! Бу ҳақиқий мўминнинг сифатларидир. Отанг мусулмон бўлганида эди, биз унга раҳмат сўраган бўлар эдик. Уни қўйиб юборинглар»[105]. Яъники, Ҳотим Тойи гарчи мусулмон бўлмасада, унда топилган олийжанобхулқлар туфайли Расулуллоҳ алайҳис-салом у ҳақда яхши фикр билдирдилар, ҳаттоки қизини озод қилдилар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар жоҳилият давридаги футувватнинг гўзал намуналарига ҳам эътибор қаратадилар[106].

Ҳаким Термизий асарларида маломатийларга берилган тавсиялар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида катта таъсир доирасига эга бўлган маломатийлик ҳаракати ва футувват ғоялари ўзаро уйғунлиги асарларда қайд этилган. Хусусан, футувватга доир махсус «Китобу-л-футувва» асарини ёзган Суламийнинг маломатийларга бағишланган «ар-Рисолату-л-маломатия»си бу ҳолат яққол кўринади. Шуни эътироф этиш керакки, маломатийларнинг аксар ғояларига футувват таълимотлари намуна бўлиб хизмат қилган. Ҳаттоки айтиш мумкинки, футувват ташкилотларининг маломатийлар билан алоқалари аввалида суфийлардан кўра кучлироқ бўлган. Суламий ҳам маломатийларни хос сифатлар билан тавсифлаганда айнан фатийларга хос сифатлар билан мадҳ этган. Маломатиянинг илк асосчилари ҳам уни футувватнинг бир кўриниши сифатида тасаввур қилганлар ва ўзларига «фитиян» исмини қўллаганлар[107]. Тарих китобларида маломатийлар раҳбарлари ва Ҳаким Термизий ўртасидаги ёзишмалар сақланиб қолган. Маломатийларнинг саволларига Ҳаким Термизий ўз услубига кўра жавоблар йўллаган.Уларнинг таълимотидаги нафсни ислоҳ қилиш борасидаги камчилик ва нуқсонларини очиб, уларни ислоҳ этиш йўлларини ҳам кўрсатиб берган[108].

[105] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. –Қоҳира: Дор ар-рейся, 1980. Т.2. – Б. 112.

[106] Қаранг: BayramM . «Anadolu Ahiliğinin teşekkülünde' ki rolü açisindan Fütüvvet bfarcketi ve tarihi». Selçuklu Medeniyeti Araştirmalari Dergisi 1: 51-73.

[107] Абул Ало Афифий. Ал-Маломатия, ас-суфия ва ахл ал-футувва. – Байрут-Бағдод: Машурот Жамал, 2015. –Б. 30-31.

[108] Кенгроқмаълумотучунқаранг: Spiti S. Hakim Tirmidhi and the Malamati Movement in Early Sufism.The Heritage of Sufism vol.I, ed. L. Lewisohn. Oxford:Oneworld Publications; 1999.

Бухоролик машҳур олим Абу Бакр Муҳаммад Калободийнинг «Таъарруф» асарида футувватнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган «ийсор» – «бошқани ўзидан афзал кўриш»га алоҳида ўрин берилади. Жумладан, Калободий мазкур асарнинг «Тасаввуф ўзи нима» деган 32-бобида тасаввуфнинг арконлари 10га эканини қайд этиб, шулардан 4-си «ийсорул ийсор» эканини зикр қилади. Сўнгра «ийсору-л-ийсор» нима эканини шарҳлайди: «ийсор билан ўз нафсига бошқани афзал кўрсатиш, токи бу ийсорнинг фазли бошқада бўлсин»[109].

Ушбу давр адабиётида футувват мазмун жиҳатдан мавжуд бўлган, унинг ахлоқий тамойиллари намоён бўлган, диний асослари кўрсатиб берилган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг «ал-Жамоҳир фи маърифати-л-жавоҳир» (Минералогия) асарида футувват ва мурувват мавзусига алоҳида боб ажратган. Унда Беруний ёзади: «Мурувват – инсоннинг ўзи, қўл остидагилари ва ўз ҳолати билан чекланади. Футувват эса булардан ошиб ўтиб, бошқаларга ҳам ҳиммат қилишдир. Мурувватли киши фақат ўзи ва ҳеч ким лаҳа қилмайдиган молигагина эгадир. Агар у одамларнинг қарзларини ўз зиммасига олса, уларнинг розилиги учун машаққатларига чидаса, Аллоҳ унга бериб бошқалардан маҳрум қилган нарсаларини беришда бахиллик қилмаса, у «фатий»дир. У бу ишларга қодирлиги билан ном қозонган, ҳалимлик, олижаноблик, вазминлик сабр-бардошлилик ва эътиборлилиги билан бирга камтарлиги билан танилгандир. У энг олий мақомларга эришади, гарчи (насаби жиҳатидан) унинг аҳлидан бўлмасада. Бу нарсаларга насабининг олийлиги билан эмас, балки ҳақлилиги билан эришади. Жаҳза Бармакий ҳикоят қилишича, Басрада бир киши бўлиб, энг сара кийимларини кийиб, энг учқур отларини миниб одамларнинг ҳожатларини чиқаришга бел боғлаган эди. Ундан нега бундай қилишини сўраганларида, шундай деб жавоб қилди: «Мен энг яхши саюнларда жанбтовур қушларнинг оқангидай куйлайдиган канизаклар куйларидан ҳузурланиб олийнаб майларни хумдонлардан ичдим. Лекин мен бирор кимсага яхшилик қилганимда, биродарларим олдида миннат-

[109] Калободий. Таъарруф. –Қоҳира: Хонжи, 1994. –Б. 61.

дорчилик биллириши каби сурур ҳиссини туймадим». Шунинг учун ҳам футувват – ёқимли хушхабар, саховат билан берилган ҳадя, яхши фазилат, бартараф этилган азият деб васф этилган. Бир олийнасаб оила вакилларидан бири Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга аждодлари номини ўртага қўйиб мурожаат қилди. Исмоил Сомоний унга жавоб қилди: «Исмоил (ўз куч-иқтидори билан йўл топувчи) бўл, исмоил (судқчи) эмас», яъни ўз хаёт йўлингни ўзинг йўлга қўйгувчи бўл, ўтиб кетган аждодларинг билан эмас.

Фатий баъзан мол-мулк борасида бошқаларни афзал кўришда муболага қилади. Ҳатто фатий ор-номусни юқори қўйиб, адолатсизликни бартараф этиш, меҳмонга ҳомийлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўзини фидо қилиши мумкин. Ўз меҳмони ёки ёрдам сўраган кишисини ҳимоя қилиб жонини фидо қилган араб қароқчилари каби жасорат кўрсатиши мумкин. Улардан баъзилари эса гентаклик даражасида иллар қилиб, ҳатто чодири атрофига қўнган чигирткани тутиб олмасликлари учун жанг қилганлар. Бошқалари эса Хотам Тоий каби ўз жонини таҳликага қўйиб саховатпешалик қилганлар. Бир куни жони халқумига келган душман ўлим яқинлигини билиб, ҳийла қилади: Хотам Тоийдан пайзасини ҳадя қилишни сўрайди. Хотам эса саховат юзасидан унинг илтимосини рад эта олмай, унга найзасини бериб юборади. Ёки Каъб ибн Муаммо Иёлий каби қуръа ташлаш билан олган сув улушини дўстига бериб, ўзи ташналикдан вафот этган. Бир шоир айтганки, саховатнинг энг олий нуқтаси – ўзини фидо қилишдир. Бошқаси шундай деган:

Фатийларнинг фатийси тонгда эрталабки ва оқшомда кечки шарбатни ичадиган киши эмас,

Балки фатийларнинг фатийси эртаю-кеч душманга зарар етказиш ва дўстга манфаат келтиришга бел боғлаган кишидир»[100].

Яна Беруний футувват ва мурувват ҳақида шундай ёзади: «Мурувватни Умар ибн Хаттоб (р.а.), кийимдаги покизалик дир, деган. Бошқа бир киши айтганидек, «ал-муруʼату-з-зоҳира фи-с-сиёби т-тоҳира», яъни кўриниб турган зоҳирий

[100] Абу Райҳон Беруний. Ал-Жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир. Электрон нашр. – Б. 6-8.

мурувват пок либосдадир. Зеро либосни пок тутиш тана тозалигидан бошланади, токи тана билан либосни ичидан кир қилмасин. Сўнгра у хонадони, мажлис жойларини тоза тутади. Демак буларнинг барчасига пок кийим билан эришилади. Баъзи ахли тафсирлар «Ва либосингни тоза тут» (Муддассир, 3) оятини «қалб ва ниятингни пок тут» деб шарҳлайдилар. Бу ҳам эҳтимолдан холи эмас. Оятнинг зоҳири ҳам ботини ҳам ақл сиғдирадиган даражада ғоятда яхшидир. Бу мурувватнинг энг тор чегарасидир. Гарчи кимдир буни «раҳбарликка рўжу қўйиш» деб шарҳласа, раҳбарликка вазминлик ва сабр-ҳаракат сарфлаш билан эришилади. Бу эса мурувватнинг эмас, балки футуввatнинг сифатидир»[101].

IX асрдан бошлаб футувват ва жавонмардлик ҳулқлари диний адабиёт доирасидан четга чиқа бошланди. Марказий Осиё ёлда футувват ғоялари футувватнома, пандномалар бир қаторда халқ ҳикоялари ва достонларида ҳам тараннум этилди.

Футувват бўйича энг қадимги манбалардан бири Унсурулмаолий Кайковус ибн Искандар (XI аср) томонидан ёзилган «Қобуснома»дир. Ушбу китоб гарчи Мовароуннаҳр ҳудудида таълиф этилмаган бўлсада, ундаги панд-насиҳатлар миллатқа аҳолиси томонидан доим севиб ўқиб келинган, тарбия жараёнларига жалб этилган, ҳатто 1860 йили Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Ушбу китобнинг энг сўнгги бобида жавонмардлик ҳақида гап боради. Муаллиф бу билан гўёки барча эзгу хислатлар ва гўзал ҳулқлар қайд этиб ўтилгандан кейин ушбу ҳулқларнинг энг сарасини охирида зикр этади. «Қобуснома»нинг тушунчаларидан келиб чиқиб, ўша вақтларда илк футувват таълимоти жамиятнинг турли хил соҳаларида ахлоқий амалиёт сифатида кенг тарқалган. Айнан ҳунармандлар ва савдогарлар жавонмард киши хатти-ҳаракатларининг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқишган.

Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, сипоҳийлар, паҳлавонлар, савдогарлар ва бошқа тоифалардан тайинкил топганлар. Уларнинг ҳар бирининг пири, ўз жамоаси, йиғи-

[101] Абу Райҳон Беруний. Ал-Жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир. Электрон нашр. – Б. 12-13.

ладиган жойлари бўлган. Пирга қўл бериб, мардлик белбоғини боғлаган жавонмард, ўз аҳдига содиқ бўлган. Жавонмардлик уюшмаларида аъзолар ака-ука, биродар каби бўлиб, бир-бири учун моли ва жонини фидо қилишга тайёр турганлар[192].

Ибн Баттутанинг «Сафарнома» асарида Марказий Осиё юртларида футувватга доир хусусиятларнинг намоён бўлиши. Аббосий халифа Носир ли-Диниллаҳдан (1158-1225) кейин келган халифалар унинг футувватни тарғиб қилиш ва сиёсий истиқ тутга айлантириш йўлини давом эттирдилар. Носирнинг набираси Мансур Мустансир б-Иллоҳ (1192-1242) ҳам мўғуллар ҳукмронлиги даврида футувватни фаол ёйишга ҳаракат қилди. У мўғулларга қарши кураш олиб бораётган Жалолиддин Мангубердининг талабига мувофиқ ўз вакилларини юбориб, унга футувват шалворини кийдиришга муваффақ бўлди[193].

Мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё халқларининг жавонмардлиги мағриблик машҳур сайёҳ Ибн Баттутанинг ушбу мингтақага қилган сафари асосида ёзилган «Сафарнома» асарида «тирик» намоён бўлади. Ушбу сафар Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги энг мураккаб ва оғир вақтларга – мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Араб сайёҳи бу ерларга мўғуллар босқинидан юз йилча кейин келган бўлса ҳам, бир замонлар яшнаб ётган элларнинг оғир яралари батамом тузалганича йўқ, шаҳар вайронлари ҳар қадамда билиниб туриши «Сафарнома»да аниқ ифодаланган эди. Шу билан бирга XIV асрнинг 30 йилларига келиб, Ўрта Осиё халқлари вақтинчалик истило оқибатларини бир қадар енгиб ўтиб, собиқ савдо ва маданият марказларини қайта тиклашга улгурган эдилар. Ибн Баттутта Марказий Осиёга келганда ҳудуд уч мўғул давлатига бўлинган эди: Олтин Ўрда, Ҳулагулар давлати, Чиғатой улуси. Ибн Баттутта Ўрта Осиёда Султон Тармаширин ҳукмронлиги даврида етиб келади[194]. Тармаширин ҳукмронлиги даврида мўғул ҳукмдорлари ислом динини расмий дин деб эълон қилган эдилар. Тармаширин ҳам «Сафарнома»да тасвирланганидек жуда ҳудожўй

[192] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.114.

[193] Мустафо Жавод. Ибн Меъморнинг Китаб ал-футувва асари қилинш қисми. – Байрут: Ал-варрақ лил-нашр, 2012. – Б. 76-77.

[194] Ибрагимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сафарлари. – Тошкент: Шарқ нашр., 1993. – Б. 5-9.

мўғул ҳукмдорлари бўлган. Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга сафарлари қайдларини ўқисак, у ерда халқ оғзига сингиб кетган жавонмардлик намуналарини топамиз.

1333 йилда Ибн Баттутта Марказий Осиёнинг Хоразм (уч ҳафта туради), Бухоро, Нахшаб, Самарқанд, Термиз, Ҳирот шаҳарларига боради. У ердаги тарихий шароитни тасвирлаш баробарида ижтимоий муносабатларни ҳам тасвирлаб ўтади. Жумладан, сайёҳ Хоразмга борганда шаҳар ташқарисидаги Нажмиддин Кубро мақбараси ҳузуридаги зовияни кўради. У ерда барча келиб кетувчи мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом ҳозирланганини қайд этади. Шунингдек, Ибн Баттутта Хоразм амирининг аёли барпо этган яна бир зовияни зикр қилиб, унда ҳам барча келиб кетувчи мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом улашинишини қайд этади. Ушбу зовияда меҳмон шарафига шаҳарнинг фақиҳлари ва обрўли шахслари таклиф қилиниб, амирнинг аёли Тўрабека зиёфат беради. Ибн Баттутта ушбу аёлни «энг афзал, энг солиҳа ва энг сахий аёл» деб тавсифлаб, унга қимматбаҳо пўстин ва яхши от тақдим этганини қайд қилади. Шу билан бирга зиёфатдан чиқиб кетаётган Ибн Баттутта йўлда учраган уникқан кийимдаги Тўрабекани ҳодималари билан кўради, Тўрабека унга салом ҳам беради, аммо амирнинг саховатли аёли бундай камтарин либосда бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмай, унга эътибор қилмай ўтиб кетади. Ибн Баттутага ҳолатни тушунтиришганда, ўз қилган ишидан пушаймон бўлади ва Тўрабекага узрини айттириб юборади[195].

Ибн Баттутта Хоразмдан Нахшаб (Қарши)га йўлга чиқиб тўрт кундан кейин Қиёт шаҳрида тўхтаб ўтди. У ерда ҳам унга кўрсатилган меҳмондўстликни тавсифлаб ўтади. Шаҳар қозиси ўз талаблари ҳамда тақводор шайх Маҳмуд Хивақий билан меҳмоннинг келганини эшитиб, у тушган жойга келадилар. Шунда шайх Маҳмуд ажойиб бир илтифот билан «Келган меҳмон зиёрат қилиниши керак, агар ҳиммат қилсак шаҳар амирини ҳам бу ерга олиб келамиз» деди. Бир оз вақтдан сўнг шаҳар амири ўз

[195] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. – Б.332-335.

мулозимлари билан меҳмон зиёратига келди. Амир шаҳарнинг олим, сипоҳий ва кўзга кўринган шахсларини йиғиб меҳмон шарафига зиёфат берди ҳамда тўй ва сафарини қулай давом эттириши учун нақши от тортиқ қилди[196].

Бухорода Ибн Баттута Фатҳобод маҳалласига тушади. «Бу ерда улуғ авлиёлардан бири аллома зоҳид Сайфиддин Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайхга нисбат берилган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари бесҳисоб, ундан мусофир ва зиёратчилар учун бепул таом улашилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, ҳожи Яҳё Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан тиловат қилдилар, воиз эса мавъиза қилди. Қўшиқчилар форсий ва туркий тилларда ажойиб қўшиқлар ижро этдилар. Бу энг ажойиб кечалардан бири бўлди» – деб қайд этади Ибн Баттута[197].

Ибн Баттута Бухородан чиқиб, Нахшаб орқали ўша даврдаги Мовароуннаҳр мўғул ҳукмдори Султон Алоуддин Тармаширин ўрдасига бориб етади. Бу ерда Ибн Баттута Султон Тармаширин ва унинг ҳузуридаги олим жоме масжидининг имоми Ҳисомиддин Ёғий муносабатларини жуда қизиқарли тасвирлайди: «Бир куни мен пешин намозини адо этиш учун масжидга бордим, аммо султон ҳали йўқ эди. Унинг маҳрамларидан бири намоз ўқиладиган гиламчани келтириб, одатда султон ибодат қиладиган жойга ёйиб қўйди ва Ҳисомиддин Ёғийга мурожаат этди: «Султонимиз таҳоратни тугалламагунига қадар намозни бошламай кутиб турар экансиз, у шундай деб буюрди». Имом ўрнидан туриб, деди: «Намоз Худо учун ўқиладими ёки Тармаширин учунми?» У муаззинга намозни бошлашни буюрди. Султон масжидга кириб келганда икки ракат намоз ўқиб бўлинган эди. Шунда у икки ракат намозни қолган жойидан адо этди. У намозни одамлар ўз пойабзалини ечиб қолдирган пойгакда, масжид остонасида ўтириб ўқиди, намознинг ўқилмай қолган қисмини

[196] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. – Б.337.

[197] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. – Б. 339.

ҳам тугатиб ўрнидан турди, имомга яқин келиб, у билан қўл олишиб сўрашмоқчи бўлиб жилмайди. Мен эса имомнинг ёнгинасида турар эдим. Сўнгра султон менга қараб шундай деди: «Сен ўз мамлакатингга қайтиб боргапингда ҳатто энг фақир форс ҳам туркlар султонига қандай муомала қилишини айтиб бергил». Ушбу имом жума намозларида ҳам Султонга амри маъруф қилар, зулмдан қайтарар, унга қаттиқ-қаттиқ гапираверар эди. Султон ҳам унинг сўзларини жим эшитиб, йиғлаб ўтирар эди[198].

Араб сайёҳи бу ҳикоя орқали Ҳисомиддин Ёғийнинг эътиқодни, шариатни пок сақлашдаги жасоратини кўрсатиш баробарида султоннинг мардлиги, камтарин ва олийжаноблигини ҳам таъкидламоқчи бўлади. Султон имомга ғазаб қилиш, уни қатл этиши ҳам мумкин эди, лекин Тармаширин ҳам жаҳонгирлар каби иш кўради, қақгўй шайхга озор бермайди. Ушбу шайх, Ибн Баттутанинг ёзишига қараганда, «султондан ҳеч бир совға олмасди, ҳеч қачон унинг таомини тановул этмасди, у тухфа қилган кийим-кечакни киймасди, у Аллоҳнинг тақводор бандаси эди». Шунга қарамай, султон Ҳисомиддин Ёғийни ҳурмат қилган, унинг орқасида туриб намоз ўқиган[199].

Тармаширинниинг ўрдасидан чиқиб Самарқандга етиб борган Ибн Баттута Қусам ибн Аббос мақбараси ва ундаги зовияни тасвирлайди. Зовияда меҳмон ва зиёратчилар яшайдиган мусофирхона ташкил этилганини, у ерда мусофирлар ва ходимлар учун пафақа қилинишини қайд этади[200].

Самарқанддан Насаф орқали Термизга етиб келган Ибн Баттута Шайх Азизон зовиясига тушганини қайд этади. Бу зовияда ҳам келган-кетган мусофирларга ифтор қилиб юборилишини эслаб ўтади[201].

Жайҳун дарёсидан ўтиб, Балхга кириб борган ибн Баттута у ердаги жоме масжиди билан боғлиқ бир воқеани зикр қилади: «Бир йили аббосий халифа Балх аҳолисининг қандайдир

[198] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. –Б. 342.

[199] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. Б. 127.

[200] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. –Б. 347.

[201] Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. –Б. 349.

ишидан норози бўлиб, уларни жазолаш мақсадида катта хирож ундириш учун амирини юборди. Амир Балхга етиб келганида шаҳардаги аёллар болалари билан Балх волийсининг хотини ҳузурига келиб, ўз холатларидан, бу жазо машаққатидан арз қилдилар. Шунда аёл хирож ундиришга келган амирга ўзининг қимматбаҳо жавоҳирлар билан безалган кўйлагини бериб юборди. Бу кўйлакнинг баҳоси ундириладиган хирож миқдоридан ҳам энёд экан. Аёл амирга: «Сен бу кўйлакни халифага олиб бор, Балх аҳолисининг аҳволи танг бўлгани учун улар номидан садака қилдим» – дебди. Амир қимматбаҳо кўйлакни олиб бориб халифа олдида ёйиб кўйди ва бўлган воқеани сўзлаб берди. Халифа ҳижолат чекиб: «Нахотки бир аёл биздан кўра химмат-лироқ бўлса!?», деб, Балх аҳолисидан жазони кўтарди, кўйлакни аёлга қайтаришга амр берди ва Балх аҳолисини бир йиллик хирождан озод қилди. Амир Балхга қайтиб келиб, халифа ҳузурида бўлган гапни аёлга айтиб берди ва кўйлагини қайтарди. Аёл амирдан сўради: «Бу кўйлакка халифанинг кўзи тушдими?» Ҳа, деди амир. Шунда аёл «Номаҳрамнинг кўзи тушган кўйлакни асло киймасман». Аёл кўйлакни сотишга буюрди. Ушбу маблағга масжид, зовия, унинг рўпарасига работ қурилди. Работ ҳамон обод бўлиб турибди. Кўйлак пулининг ортган учдан бир қисмини аёл масжид устунларидан бирининг остига кўмишга буюрди. Токи зарурият бўлганда ундан фойдаланиш осон бўлсин, деб. Балхни эгаллаган Чингизхон бу воқеани эшитиб, масжиднинг учдан бир устунларини буздириб, лекин барибир ҳеч нарса топа олмади[202]».

Юқорида келтирилган маълумотларда Марказий Осиё халқларининг оғир шароитда ҳам жавонмардларга хос бўлган меҳмондўстлик, мардлик, ийсор, мусофирпарварлик каби хусусиятлари давом этганини тасдиқлайди. Бу хусусият аёлларда ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлганини Ибн Баттута бир неча аниқ мисоллар орқали қайд этади.

Ибн Баттута ўз асарининг «Ҳирот шаҳри ва унинг султони» деган бобда хуросонлик сарбадорларни тасвирлаб ўтади. Уларни ироқлик шуттор ва мағриблик суқурлар билан баробар де-

[202] Ибн Баттута. Тухфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. –Б. 349-350.

йди. Уларни аввал йўлтўсарлик қилганларини, ўзлари рофизий эканларини қайд этга туриб, ҳалоллликка ҳам мактаб қўйди: «Уларнинг (сарбадорларнинг) карвонида динор ва дирҳамлар тушиб қолса, эгаси келиб олмагунча ҳеч ким тегинмас эди[203]».

Амир Темур ва Темурийларнинг футувват ташкилотларига муносабати. Амир Темур давридаги футувват ташкилоти сифатида сарбадорларни қайд этиш мумкин. Сарбадорлар ҳаракати Хуросонда XIV асрнинг 30 йилларида мўғул босқинчиларининг жабр-ситамларига қарши пайдо бўлган ҳаракатдир. «Сарбадор» сўзи ҳам айнан озодлик йўлида «бошини дорга тиккан»лар деган маънони англатиб, шу йўлда жонини фидо қилиш йўлини танлаганларга нисбатан қўлланган. Хуросонлик сарбадорлар пойтахти Сабзавор шаҳри бўлган мўғуллардан мустақил давлат ташкил этишга муваффақ бўлганлар. Бу давлат ҳаттоки 45 йил яшаган (1337-1381). Яқин Хуросондаги бу ҳаракат Мовароуннаҳрга хусусан, ўрта асрларда бу минтақанинг энг нсёнчи шаҳарларидан бўлган Самарқанд аҳолисига ҳам куч берган эди. Натижада 1965 йил Самаркандда мўғулларга қарши сарбадорлар ҳаракати авж олди. Сарбадорлар Самарқанд аҳлини бостириб келаётган босқинчиларга қарши сафарбар қила олдилар. Халқ озодлик ҳаракатига сарбадорлар – Маҳмоназода Самарқандий, Мавлоно Хўрдак ва Абу Бакр Каландийлар раҳбарлик қилдилар. Сарбадорлар бошчилик қилган халқ қўшини мўғулларни енгиб, уларни кетишга мажбур қиладилар ҳамда шаҳарда ўз ҳукмронликларини ўтказадилар. 1466 йил баҳорда Мовароуннаҳр амирлари Амир Ҳусайн ва Амир Темур сарбадорлардан Самарқанд шаҳрини олиб қўйдилар. Кейинчалик Амир Темур Хуросондаги сарбадорлар давлатига ҳам барҳам беради. Ҳозирги кунда Самаркандлик сарбадорлар Самарқандда қандай давлат бошқаруви фаолиятини амалга оширганлари тўғрисида манбалар топилмаган[204]. Темурийлар даврида ҳам сарбардорлар мавзуси кўп ҳам муҳокама қилинмаган.

[203] Ибн Баттута. Тухфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. –Б. 353.

[204] Бартольд В. В. Народное движение в Самарканде в 1365 г. Соч., т. 2, ч. 2, М., 1964. - С. 362-375.

Бухоро олуфталари – маҳаллий фатийлар. Футувватнинг кейинги даврда, хусусан XIX асрда Бухородаги кўриниши – «олуфталар» ҳақида бухоролик машҳур ёзувчи Садриддин Айний (1878-1954) ўзининг «Эсдаликлар» китобида зикр этади.

Олуфталар – қунарманд, олдий хизматчи тоифа бўлиб, содда, кўнгли очиқ, сахий ва мард бўлганлари тасвирланади. Ўзлари билан улфатчилик киладиган кишининг хурматини жойига қўйиб, зиёфат чўзилиб кетса, узоқроқда турадиган меҳмонни биров хафа қилмаслиги учун уйигача кузатиб қўядилар. Агар ким биландир дўст тутинсалар, дўст учун жонини фидо қилишга тайёр эдилар. Улардан бирига кимдир ноҳақ қўполлик қилса, уни алмай жазолар эдилар. Уларни ташқи кўринишларидан таниб олиш мумкин эди: пошпали пойабзал, салла текис ўралиб, унинг пеши орқага калта туширилиб қўндилар, белга қийиқча боғлаб, унга қинли иккита пичоқ осиб юрадилар. Кўйлакларининг олди ёпиқ, четлари кашта билан тикилган. Олуфталар уюшмасининг раҳбари «марду мардон» деб юритилар эди. У сариқ очки терисидан ишланган пошпасиз учли ковуш кияр, кичик салла ўраб, афгончасига пешини узун туширib қўяр, қишин-ёзин чакмон кийиб, қийиқчасига кичик қинли пичоқ осиб олган эди. Олуфталар учун «саттор» деган қасам сўзи жуда муқаддас эди. Зеро кимдир қаттиқ қасам ичмоқчи бўлса: - Саттор, мен бу ишни амалга ошираман!, дер эди. Уларда ичилган қасам ҳар қандай ҳолатда, жонни фидоқилиб бўлса ҳам бажарилар эди. Узрли сабабларсиз амалга ошмаган қасам эгасига «номард» деган ном берилган.

Олуфталар пайшанба куни кечқуруп ўзларидан бир кишининг уйида тўпланишар, зиёфат қилишар, жума куни эса шаҳар айланишар ёки шаҳар ташқарисига чиқишар эди.

Садриддин Айний яшаб тасвирлаган XIX аср Бухоро шаҳрида Бухоро олуфталари раҳбари –марди мардон – Моркуш мавзесидан Мақдум Муҳаммадий номли 50 ёшлар чамасидаги тикувчи-ҳунарманд бўлган. Садриддин Айний Мақдум Муҳаммадий билан содир бўлган бир воқеани кайд қилади. Бир куни қосиблар сардори ўз укасига бозор ичида ҳурматсизлик кўрсатган олуфатлардан шикоят қилиб марди мардонга мурожаат қилади.

Мақдум Муҳаммадий унга укасини юборишини айтади. Мақдум Муҳаммадий Бухоро кўча ва расталарини айланиб чиқади, ҳақорат қилинган шахс эса унинг ортидан эргашиб юради. Марди мардон Чорҳарас, Говкушон, Сису, Саррофон мавзелари, чойхоналар, ипчилар, тўқувчилар расталаридан ўтдилар, ундан майизчилар ва қовоқ бозорларидан ўтиб Хожа Муҳаммад Паррон мақбарасига чиқдилар. Чилангарлар растасидан ўтиб, Сиёҳгарон ваМародихон, янги бозор, Муҳаммад Ғаззолий ва Даббиёндан ўтиб Гозиён ховузи олдига қайтиб келди. Шу айланиб чиқишнинг ўзидаёқ Бухоро олуфталари ўртасида «марду мардон»нинг сайири овоза бўлди. Бутун шаҳар косиблар сардорининг укаси Мақдум Муҳаммадий ҳимоясига олинганини тушуниб етди. Шундан сўнг ҳеч бир кимса унга нисбатан тажовузкорлик қилмади[205].Футувватнинг бундай маҳаллийлашган алоҳида кўриниши ҳақида бошқа минтақаларда маълумотлар учрамайди.

Ўзбек урф-одатларида жавонмардлик намуналари. Кейинги давр адабиётларида футувват ғоялари таъсирида ҳунармандчилик ва касб-ҳунарга оид махсус адабиётларнинг шаклланиши ва аҳоли орасида кенг тарқалиши кузатилади: деҳқоннома, чорвадорнома, сайёднома, мерганлик рисоласи, мусаввирнома ва бошқа. Бу асарларда касб ҳунар пирлари, касбнинг пайдо бўлиш тарихи, касб жараёнида ўқиладиган дуолари, ўша касб шуғулланган пайғамбарлар ва авлиёлар, касбга доир савол-жавоблардан ташкил топган. Масалан «Мерганчилик» рисоласида милтиқ отиш кимдан қолгани, милтиқни қўлга олганда, бўйинга илганда, киссани боғларда, нишонга олганда, кигурганда, пилтани тўқиганда ва ўқ жойлаётган вақтда қанақа дуолар ўқилиши ёзилган. Бундан ташқари мерганчиликнинг 12 та шарти ва 5 та ҳукми баён қилинган. Милтиқнинг ўнг ва чап ёпини ажрата олиш, мерганчилик фазилатларига доир ривоятлар, тўртта хакиқа тири, тўртта мазхаббошилар, тўртта маърифат ва тўртта рукн пирлари каби масалалар батафсил ёритилган. Рисола савол-жавоб услубида ёзилган[206]. «Деҳқончилик» рисоласи эса

[205] Айний С. Эсдаликлар. [Повесть].— Ташкент: Ўздавнашр, 1953.

[206] Қаранг: Мерганчилик рисоласи (Муаллифи номаълум). Ўзбекистон

Аллоҳга ҳамд, Пайғамбар алайҳис-саломга наът билан бошланган. Сўнгра, силсиласи Одам алайҳис-саломга бориб етадиган ўн саккизта пирнинг номлари санаб ўтилган. Шундан кейин қора мол ва омочнинг қаердан пайдо бўлгани, қўш қўшиш, қўш ҳайдашдаги қоидалар, экин экиш тартиби, экинни суғориш қоидалари, шунингдек, экин экишда, суғоришда, қўш қўшганда, йиғим-теримда, ғарам қилганда, хирмон қилганда ўқиладиган дуолар батафсил ёритиб берилган. Рисола савол-жавоб услубида ёзилган"[207]. Ушбу адабиётлар бевосита ҳар бир касб-ҳунарга оид анъана, одоб ва қоидалар шаклланишига хизмат қилган.

Мавзу бўйича саволлар

- Қуръонда кимларга нисбатан "фатий – йигит" сўзи қўлланган?
- футувват уюшмаларининг сиёсийлашув жараёнлари қандай кечди?
- Мовароуннаҳрда жавонмардлар мавзусида ёзилган қандай асарларни биласиз?
- Ибн Баттута "Сафарнома" асарида жавонмардларни қандай тасвирлаган?

Мустақил иш топшириқлари: *Ахийлик – жавонмардлик – футувват жамоалари ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатлар.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий дирасат ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳза ал-Арабийя, 1980.
2. Ҳаким Термизий. Паводир ал-усул. –Қоҳира: Дор ар-райён, 1988.
3. Ибн Баттута. Туҳфат ан-нуззор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011.

халқаро ислом академияси қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 241/III.

[207] Қаранг: Деҳқончилик рисоласи.(Муаллифи номаълум). Ўзбекистон халқаро ислом академияси қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 241/II.

4. Тримингам Дж.С. Суфийский ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989.
5. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.
6. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
7. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон // Сино. – 2002. – № 8. –Б.10-13.
8. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.
9. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XVвеках. – Лен-л: Издательство Ленинградского университета, 1966.
10. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

2-§. Тасаввуф ва санъат

Дарснинг мақсади:

Тасаввуф ва ўрта асрлар мусулмон маданияти ўртасидаги боғлиқлик ҳақида маълумот бериш

Режа:

1. Тасаввуф ва бадиий сўз санъати.

2. Тасаввуфнинг адабиёт ва шеъриятга таъсири.

3. Тасаввуфнинг санъатнинг бошқа турлари билан муносабати.

Таянч иборалар: *шеърият, мусиқи, тасвирий санъат, адабиёт*

1. Тасаввуф ва бадиий сўз санъати. VIII-IX асрларда Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож сингари йирик суфийлар ижоди билан боғланган суфий шеърият, X-XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образ ва тимсоллар, рамзлар ва усуллар олами пайдо бўлди. Тасаввуф адабиёт билан бир қаторда бошқа бадиий ижод йўналишларига таъсир кўрсатди. Зеро, тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати ва рақсини вужудга келтирди. Чунончи, само мажлислари кўпинча сахналаштирилган томошага айланиб кетар, хатто аёллар ҳам уни кўришга келар эди. Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги муштарак жиҳатларни суфийлар ва ижод аҳли руҳий яқинлигидан излаш тўғрироқ бўлса керак. Зеро, ижод завқи ва суфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан умумийликка эгадек гўё. Тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урган соликлар кўпроқ муваффақиятга эришганлар. Ибн Арабий ҳам суфий шоир бўлиб, машҳур «Фусусу-л-хикам» ва «ал-Футуҳоту-л-Маккийя» асарларида баъзи ўринларни бадиий безак бериш учун наъмда ифода этган. Чунки, тасаввуфнинг нозик масалаларини ақлий-назарий усуллардан кўра қиссий-образли тафаккур воситаси билан ифода этиш ўзига хос самара касб этади. Шеър ва мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир кучини сезган тасаввуф шайхлари ҳонақоҳлардаги йиғинларда улардан кенг фойдаланганлар. Айниқса, самоъ йиғинларида рақс билан

бир қаторда шеър ва мусиқа соликлар эс-хушини йўқотиб қўядиган даражада таъсир қувватига эга бўлган.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатлари ривожида Аҳмад Ясавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор каби намояндаларнинг хизматлари катта бўлган. Тасаввуф ғоялари кўплаб шеърий асарларда ҳам ўз ифодасини топди. Суфийликнинг рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Санойи, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Аттор, Низомий), шунингдек, маълум даражада араб шеърияти ҳамда турқий халқларнинг (Аҳмад Ясавий, Суфи Аллоҳёр, Алишер Навоий), Болқон ярим ороли, шимолий Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фольклорига сингиб улгурди.

Яна таъкидлаш лозимки, давр ўтиши билан тасаввуфнинг махсус атамалари, рамз ва тимсолларини ифодалайдиган шеърий адабиёт шаклланди. Натижада суфиёна яширин маъноларни ифодаловчи махсус тил шаклланиб, бу тилда ёзилган ғазал ва рубоийлар адабиётни фақатгина «хос кишилар» англайдиган бўлиб қолди. Иккинчи томондан эса, Аҳмад Ясавий, Суфи Аллоҳёр каби суфийлар томонидан суфиёна панд насиҳатлар жуда содда ва халқчил усулда ифода этилган тасаввуфий шеърлар ҳам битилди.

Тасаввуфий адабиётни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин: тасаввуф тарихи ва таълимотини баён этган, суфий атамалар воситасида тушуниладиган асарлар: Абу Бакр Калободийнинг «ат-Таъарруф», Жомийнинг «Шарҳи рубоёт», Суфи Аллоҳёрнинг «Саботу л-ожизин», Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз», Беданинг «Муҳити аъзам» асарлари. Иккинчиси, тасаввуф ғоялари кечинма ва хаяжонлар, сийқа ва тимсоллар орқали тасвирланиб талқин қилинадиган адабиёт. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи-йи маънавий», Фаридуддин Атторнинг «Илоҳийнома», Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Лисону-т-тайр» каби асарлари. Тасаввуф адабиёти турли адабий жанрлардан унумли фойдаланди. Чунончи, рубоий, ғазал, қасида ва маснавий каби жанрлар суфий адабиётига янги руҳ киритиб, ўзгача талқин билан ривож топди.

2. Тасаввуфнинг адабиёт ва шеъриятга таъсири. Мовароуннаҳр ва унга қўшни Хуросон ҳудудларида XV асрлардан бошлаб нақшбандия тариқатининг нуфузи ошиб борди. Ўша даврнинг энг пешқадам кишилари ушбу тариқатга эргашдилар. Жомий, Навоий, Беҳзод ҳам ушбу тариқатга эргашдилар. Шарқ адабиёти мусаввирлар мурожаат этадиган чексиз манбага айланди. Тасаввуфдаги «комил инсон» тушунчаси, уни ифода этиш учун адиблар яратган Фарҳод ва Ширин, Лайло ва Мажнун, Баҳром Гўр, Искандар каби образлар кўплаб миниатюраларга сюжет вазифасини ўтади. Тасаввуфдаги «Дил ба ёр даст бакор» шиори эса, ушбу даврда чизилган миниатюраларда меҳнат, муҳаббат, ҳаёт ва мамот ҳақидаги чизгиларда ўз аксини топди. Олдий ҳунармандлар, қурувчи, паҳлавонлар, суфий ва дарвешлар, ошиқлар мавзуси Марказий Осиё ҳудуди миниатюрасида кенг тарқала борди. Зоҳид, дарвеш ва пир образлари эса алоҳида аҳамият касб этиб, бош мавзуларнинг бирига айлана борди. Жумладан, шоҳ ва дарвеш, дарвеш портрети, суфийлар зикри, дарвеш масжид остонасида, подшоҳ зоҳид зиёратида каби лавҳалар миниатюраларда кўпроқ тасвирлана бошлади. XV-XVII асрлардачизилган миниатюраларга юзаки назар солганда ҳам, XV асрнинг ўрталаригача, мумтоз адабиёт намуналарини бевосита шикор, боғдаги кўнгилхушлик, жанг саҳналари кўпроқ акс этганини кўриш мумкин. Кейинги даврларда Низомий, Навоий, Жомий, Саъдий асарларига ишланган миниатюраларда тасаввуфий қарашлар кўпроқ ўрин тута бошлагани кўзга ташланади. Айниқса, одил шоҳ, ҳунармандлар, муҳаббат, сулук йўли, зикр мажлислари ва суфийлар портрети мавзулари тасвирида тасаввуф таъсири яққол сезилади.

«Одил шоҳ» мавзуси тасвирида ҳукмдорларнинг суфийлар, ҳакимлар билан мулоқоти тасвири кўпроқ учрайди. Зеро, ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги ҳукмдорларнинг ҳам ўз пирлари бўлиб, уларнинг маслаҳатига беноан иш тутганлар. Умуман, Ўрта Осиё минтақасида суфий шайхларининг подшоҳ ва волийларга таъсири тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланади. Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа суфийларнинг хаёт йўли буни намоён этади. Ўрта асрда «одил шоҳ ал-

батта суфий пир билан мулоқотда бўлиб туради», деган қараш адабиётда ҳам, олдий одамлар онгида ҳам мустаҳкам. Бу эса ўз навбатида миниатюралар тематикасига ҳам таъсирини ўтказмай қолмаган. Айниқса, Навоийнинг «Садди Искандарий», Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» асарларига яратилган миниатюраларда Искандарнинг одил ҳукмдор сифатида зоҳид ва алиёлар билан суҳбат қуриб ўтириши турли шаклларда чизилган тасвирларда намоён бўлади. «Искандар ва зоҳид» тасвири мусаввирлар энг кўп мурожаат қилган мавзулардан ҳисобланади.

Бу вақтга келиб, миниатюра санъатида тасаввуф мавзусига алоҳида эътибор берилиши нақшбандия тариқатининг «дил ба ёр-у даст ба кор» шиорининг кенг тарқалиши билан изоҳлаш мумкин. Ўрта Осиёда ҳунармандлар кўпинча футувват уюшмаларига жамланганлари маълум. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонларида ҳам ҳунармандчилик улуғланади. Айниқса, Навоийнинг Фарҳод образи ва унга ишланган миниатюраларда одил ҳукмдор ва меҳнатсеварлик ғоялари суфиёна чизгиларда тараннум этилади.

3. Тасаввуфнинг санъатнинг бошқа турлари билан муносабати. Тасаввуфнинг тасвирий санъатга таъсири ҳам сермаҳсул бўлди. Марказий Осиё XV аср миниатюраларида баъзан суфиёна унсурлар алоҳида кўзга ташланиб турмаса ҳам, аммо суфий қарашларни ифодаловчи рамзийлик мавжуд бўлган. Тасаввуф миниатюрага янги мавзу, қаҳрамон, ғоя ва рамзларни олиб кириб, уни мазмунан бойитишга хизмат қилган.

Суфийлар тасвири акс эттирилган миниатюраларда чизилган либослари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар турли вазиятларга мос либосларда тасвирланган. Зоҳид суфийлар кўпинча бош кийимсиз, ярим ялонғоч, ялангоёқ ва баъзан пўстин, хирқа ва муракка кийиб қўлида қашқул тутган суфийлар тиланчи киёфасида, суфий мажлислардаги суфийлар салла, тўн ва кавушларда тасвирланган.

Марказий Осиё миниатюраси Навоий, Жомий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз шеърияти билан уйғун равишда ривожланиб борди. Улар яратган асарлардаги суфиёна руҳият миниатюрага кўчиб

дирилган. Моҳият ўзгармас, доимий белгилаб қўйилгани учун унинг ифодаси ҳам барқарор, қатъий хусусиятларга эга бўлиши керак эди. Тасвирга туширилаётган воқеалар кўтаринки, гоҳо мажозий талқин этиларди. Тасаввуфдаги мажозий мазмунни ифодаловчи бадиий муайян қолиплар яратилдики, улар миниатюрадан миниатюрага кўчиб ўтиб юраверди.

Навоий асарларидаги ғоялар темурийлар қўл остида бўлган бошқа юрт рассомларини ҳам илҳомлантирган. Навоийнинг хаттот Султон Али Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган "Хамса" ва "Терма девони" нусхалари ҳозирда Англиянинг Виндзор қироллик кутубхонасида сақланади. Қўлёзмадаги расмларнинг бири (20-а варақда) "Ҳайрату-л-аброр" асаридаги машҳур балиқлик суфий Иброҳим Адҳам ва Робиа Адавия қиссасига бағишланган. Навоий "Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз билан боргани ва Робиа Адавияга Каъбанинг ниёз билан келгани" сарлавҳаси остида қиссанинг шеърий талқинини келтиради. Қиссага кўра Иброҳим Адҳам ҳаж қилиш ниятида ўн тўрт йил ҳар қадамида икки ракаат намоз ўқиб Маккага келса, Каъба ўрнида йўқ. Шунда фиғон чекиб нола қилса, хотифдан Каъбанинг Робия ҳузурига кетгани хабари келади.

Бу қиссага ҳиндистонлик рассом Говардҳан сурат ишлаган. Расмнинг паст қисмида Аллоҳга мурожаат қилаётган оқ саллали Иброҳим ибн Адҳам қўлларини Робия томонга чўзиб турибди. Юқорида қўлларини дуога очган Робия ва Каъба тасвири туширилган. Миниатюра остида "амали Говардҳан" ёзуви бор. Навоийнинг "Хамса"сига ишланган расмлар Жаҳонгир ҳукмронлиги даврига (1605-1627) йилларга тўғри келади. Расмда ишланган қиёфалар, уларнинг либослари, ўзларини тутишлари Марказий Осиё халқларига хос тарзда ишланган. Навоийнинг "Наводиру-ш-шабоб", "Фарҳод ва Ширин", "Бадоиу-л-васат", "Ғаройибу-с-сиғар", "Мажолису н нафоис" асарларига ҳиндистонлик мусаввирлар Фаррухбек, Лаъл, Дхарамдас, Мукунд, Говардҳан, Манохар расмлар ишлаганлар.

Тасвирларнинг диний асосига урғу берилган асарлардан яна бири Ҳиротлик машҳур хаттот Ҳ(ўстмуҳаммад Ҳиротий томонидан 1544-45 йилларда форс тилида ёзилган, "Ҳолоти ҳунарвар-

рон" деб аталган асардир. Асарда хаттотлик ва тасвирий санъат асослари ёритилган.

Мовароуннаҳр ва унга қўшни Хуросон ҳудудларида XV асрлардан бошлаб нақшбандия тариқатининг нуфузи кескин ошиб борди. Ўша даврнинг энг пешқадам одамлари ушбу тариқатга эргашдилар. Жомий, Навоий, Бехзод ҳам ушбу тариқатга интисоб этдилар. Шарқ адабиёти мусаввирлар мурожаат этадиган чексиз манба эди. Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси, уни ифода этиш учун адиблар яратган Фарҳод ва Ширин, Лайло ва Мажнун, Баҳром Гўр, Искандар каби образлар кўплаб миниатюралар учун сюжет бўлди. Тасаввуфдаги "Дил ба ёр даст бакор" шиори эса, ушбу ҳудудларда чизилган миниатюраларда меҳнат, муҳаббат, ҳаёт ва мамот ҳақидаги чизгиларда акисини топди. Оддий ҳунармандлар, қурувчи, паҳлавонлар, суфий ва дарвишлар, ошиқлар мавзуси Марказий Осиё ҳудуди миниатюрасида кенг тарқала борди. Зоҳид, дарвиш, пир образлари эса алоҳида аҳамият касб этиб борди. Жумладан, шоҳ ва дарвеш, дарвиш портрети, суфийлар зикри, дарвиш масжид остонасида, подшоҳ зоҳид зиёратида каби кўринишлар миниатюраларда кўпроқ тасвирлана бошлади. XV-XVII асрлар миниатюраларига юзаки назар солганда ҳам, XV аср ўрталаригача, классик адабиётларни безашда шикор, боғдаги кўнгилхушлик, жанг саҳналари кўпроқ бўлганини кўриш мумкин. Кейинги даврларда Низомий, Навоий, Жомий, Саъдий асарларига ишланган миниатюраларда тасаввуфий ғоялар кўпроқ акс этганини кўриш мумкин. Айниқса, одил шоҳ, ҳунармандлар, муҳаббат, сулук йўли, зикр мажлислари, суфийлар портретлари мавзулари тасвирида тасаввуф таъсири кўзга ташланади.

"Одил шоҳ" мавзуси тасвирида ҳукмдорларнинг суфийлар, ҳакимлар билан мулоқоти тасвири кўпроқ учрайди. Зеро, ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги ҳукмдорларнинг ҳам ўз пирлари бўлиб, улар билан маслаҳат билан иш тутганлар. Умуман, Ўрта Осиё миниатюрасида суфий шайхларнинг подшоҳ ва қолийларга таъсири тарихий фактлар билан тасдиқланади. Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа суфийларнинг ҳаёт йўли буни намоён этади. Ўрта асрда "одил шоҳ албат-

та суфий пир билан мулоқотда бўлиб туради", деган тушунча адабиётда ҳам, оддий одамлар онгида ҳам мустаҳкам ўрин олган. Бу эса ўз навбатида миниатюралар тематикасига ҳам таъсир этган. Айниқса, Навоийнинг "Садди Искандарий", Низомий Ганжавийнинг "Искандарнома" асарларига яратилган миниатюраларда Искандарнинг одил ҳукмдор сифатида зоҳид ва авлиёлар билан суҳбат қуриб ўтириши турли шаклларда чизилган тасвирларда акс этган. "Искандар ва зоҳид" тасвири мусаввирлар энг кўп мурожаат қилган мавзулардан ҳисобланади.

"Ҳунармандлар" мавзусига классик адабиётда, унинг ортидан миниатюра санъатида алоҳида эътибор берилиши нақшбандия тариқатининг "дил ба ёр даст ба кор" шиорининг тарқалиши билан изоҳлаш мумкин. Ўрта Осиёда ҳунармандлар кўпинча футувват ташкилотларига жамланганлари маълум. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарига Беҳзод томонидан ишланган "Самарқандда Бибихоним масжиди қурилиши" миниатюрасида турли йўналишдаги ҳунармандларнинг қурилиш жараёнидаги фаолиятлари акс этган. Уларнинг кийими, анжоми, қиёфасининг хусусиятлари жуда моҳирона тасвирланган. Низомийнинг "Хусрав ва Ширин", Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонларида ҳам ҳунармандчилик улуғланади. Айниқса, Навоийнинг Фарҳод образи ва унга ишланган миниатюраларда одил ҳукмдор ва меҳнатсеварлик ғоялари суфиёна рамкаларда тараннум этилади. Умуман, оддий ҳунармандлар тасвирининг миниатюра санъатида кенг тарқалиши Беҳзод бошчилигидаги Ҳирот мусаввирлар мактабининг катта кучи бўлди ва бу мавзу бошқа мактабларга ҳам таъсир кўрсатди. Деҳлавийнинг "Ҳашт биҳишт" асарида Баҳром Гўр кийик ови билан қизиқиб кетиб, чоҳга қулаши ва кўр бўлиб қолиши эпизоди тасаввуфий гояни ўз ичида ифода этади. Яъни нафсга эргашиш қалбни кўр қилади ва инсонни маънавий тубанликка етаклайди.

XV аср охири ва XVI-XVII асрларда классик адабий асарларга ишланадиган миниатюраларда матн билан узвийлик бажарилмайдиган алоҳида тасвирлар пайдо бўлди. Шулардан бири сифатида зикр мажлислари тасвирларидир. Бу йўналишда икки миниатюрани кўриб чиқиш мумкин. Биринчи Деҳлавийнинг "Хамса"сига ишланган

тасвир, иккинчиси Беҳзод чизган миниатюра. Биринчи миниатюрада зикр хонақоҳда бўлиб ўтади. Хонақоҳ марказида шайх, ёнида қаввол, атрофда суфийлар турибди, шеър ва куйдан завқ олмоқдалар. Най ва доира куйларига суфийлар рақсга тушмоқдалар.

Беҳзод эса зикр жараёнини табиат қўйнида тасвирлайди. Рақсга тушаётган суфийларнинг ҳолати моҳирона тасвирланган. Яъни ягона бир лавҳада суфийларнинг зикр бошида ва охиридаги жазба вақтидаги ҳолатлари акс эттирилган. Ёки Жалолиддин Румий заргарлар мавзесидан ўтаётиб, болғачалар зарбасидан ҳосил бўлган оҳангга рақсга тушиш тасвири "Мажолису-л-ушшоқ" асари қўлёзмасига ишланган. Суфий Зуннун Мисрийга балиқлар марварид келтириб бериши тасвири Фаридуддин Атторнинг "Тазкиратуу-л-авлиё" асарига чизилган.

Беҳзод даври миниатюраларида суфий ва дарвешларнинг портрети акс эттирилиши кўпая борди. Илгари иккинчи планда бўлган қаландар, дарвеш ва суфийларнинг алоҳида портретлари ишлана бошлади. Беҳзод ўзининг миниатюра санъатига ноанъанавий бўлган портретлар туркумини яратди. Жумладан, Тўпқопида сақланаётган миниатюрада қаландар тасвири Беҳзод томонидан чизилган. Дарвеш пўстин ташлаб олган, олдида пул йиғадиган кашкул ва бўш қоп. Яна бир Беҳзод томонидан 1500 йилда ишланган ва Тўпқопида сақланаётган "Бағдодлик дарвеш" миниатюрасида зоҳид суфий тасвирланади. Оқ салла кийган зоҳид устига жундан ишланган тўн ташланган. Зийрак ва маъноли кўзлари билан томошабинга осойишта ва сирли қараб турибди.

ЎзР ФА ШИда 3000дан ошиқ миниатюра сақланади. Қўлёзмалар ичида энг кўп миниатюра чизилган асарлардан бири Низомий Ганжавийнинг "Хамса"сидир. Абдураҳмон Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо" асарига, Навоийнинг қўлёзмаларига кўплаб миниатюралар ишланган. Бу ерда сақланаётган машҳур суфий адиб Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарига ишланган 20дан зиёд миниатюра устидан нақшлар чизиб бўяб юборилган. Бу даврлар ошиқ тасвирий санъатга муносабат кескинлашиб борганини кўрсатади.

Тасаввуфнинг Шарққа кенг тарқалишига боис, унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир шеъриятни вужудга келтир-

ганидир. VIII–XI асрларда Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож сингари суфийлар ижоди билан бошланган суфиёна шеърият X–XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланди. Олимлар тасаввуфнинг адабиёт билан яқинлашиш сабабларини кўпроқ суфийларнинг рақсу самоʻ мажлислари билан боғлайдилар. Бироқ, айтиш керакки, сабаб фақат шундан иборат эмас. Тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубоий, ғазал каби кичик шеърий жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари суфиёна тонларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оҳанги ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларга янги маъно бериб, суфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар. Бу – масаланинг бир томони, яъни тасаввуфнинг адабиётга интилиши. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гап шундаки, адабиёт ҳам тасаввуф томонга қараб интилган. Тасаввуф ғоялари кенг тарқалгандан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. Тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, Ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги ғоялари шеърият ғояларига айланди –шоирлар қизғин бир руҳ, кўнгил амри билан ирфоний ғояларни куйлалилар, ҳисобсиз лирик шеърлар, жаҳонга машҳур достонлар, қиссалар яратилди. Тасаввуфнинг бекаёллик ва ишқ концепцияси, софлик, адолат ва ҳақиқат тимсоли – шоирларни оҳанрабодай ўзига тортиб, ҳис ҳаяжонга тўла ажойиб шеъриятни вужудга келтирди.

Тасаввуф ва балий ижод деганда фақат сўз санъатини назарда тутмаймиз.Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва, ҳатто, суфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоʻнинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам қўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоʻ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат суфийларнинг ўзи эмас, атроф жавонибдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, «Нафаҳот ул-унс» асарида Шайх Абу Саид Абул Хайр мажлисларига ҳатто аёллар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.

Бунинг баробарида машҳур шайхларнинг аксари ажойиб рубоий ва ғазаллар ёзгани, шеърий девонлар мерос қолдиргани ҳам тарихдан бизга маълум. Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди, балки шу учундир у шоирлик ва дарвешлик истеъдодини мужассам этган кишиларнинг кўпини «Мажолису-н-нафоис» асарида келтириб, махсус таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, ҳар бир эътиборли зоҳирий илмлар (дунёвий фанлар) билан бирга, ботиний илм (тасаввуф)ни ҳам эгаллаши лозим, бу унинг фазлу камолини оширади, хушахлоқ, ҳалим ва одамшавандa бўлишга кўмаклашади. Буни у Паҳлавон Муҳаммад, Сайиид Ҳасан, Мавлоно Мукимий, Мавлоно Ғуржий, Хожа Юсуф Бурҳон, Хожа Ҳасан Хирқоқ ва бошқа бир қанча дарвешваш фақир одамлар мисолида кўрсатиб ўтган. Чунончи, Хожа Юсуф Бурҳон «фақр ва фано тариқида сулук қилур эрди жамики аҳли туруқнинг соҳибтариқи эрди ва мусиқий илмни ҳам яхши билур эрди, кўпроқ ўз шеърига мусиқа боғлар эрди». Амир Қосим Анвор бўлса, «рутбаси шоирлик нисбидан юқорироқ», яъни валийлар зумрасига мансуб, аммо айни шу хусусият унинг «равишини пок ва ашъорини оташнок» этган. «Ер фариштаси» деб эъзозланган Абул Вафо Хоразмий «кибори авлиёндандур», шу билан бирга у тасаввуфга оид китоб таълиф этган, ажойиб куйлар чалган, рубоийлар ёзган. «Турк ва сорт орасида» фақру фанода тенгсиз Саййид Ҳасан ҳақида: «Тасаввуфда табъи хўб эрди», – деб ёзади Навоий. У Хожа Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий ва Алишер Навоийнинг ўзининг ашъоридан юзлаб байтларни ёдбилган, нозик ва латиф табиатли киши бўлгани, кўнгли юмшоқлигидан «дардмандона сўздин ва назмдин ва нағмадан мутаассир» бўлиб, атрофдагиларни ҳаяжонга келтирган. Алишер Навоий суфий қалби билан шоир қалбининг бир-бирига йўлдош ва ҳамроз эканини кўп кузатган, суфийларнинг табиати, ботиний дунёси шеъру нағма, куй-мусиқага ташналигини кўрган.

Суфиёна завқу сурур, важду самоʻ ижод аҳлининг илҳомли дамлари, яратиш завқи қайнаб тошган даврига ўхшаб кетади Дарҳақиқат, ижод завқи ва суфиёна завқ инсон руҳий ҳола-

ти нуқтаи назаридан бир хил нарса. Бежиз эмаски, тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урганлар кўпроқ муваффакият қозонганлар. Шоирлик истеъдоди билан соликлардa бу дард шеър бўлиб қуйилиб келган – ҳақиқий валийлик юзберган. Жалолиддин Румийнинг ҳаётини эслаш: у тариқат сулукини бекаму кўст бажарган бўлса-да, лекин то Шамс Табризий билан учрашиб, суҳбат қурмагунга қадар шеър ёзмаган, холбуки унинг ёши қиркка яқинлашган эди. Шамс Табризий таъсирида унинг қалб кўзи очилиб, буюк шоир ва буюк суфийга айланди. Аттор, Машраб ҳам аслида мажзуб одамлар эдилар. Уларнинг ғайриодатий, мажнунона хулқ-атвори атрофдагиларни ҳайратга соларди (Машрабнинг «девона» лақабини олгани шундан).

Нақдату-л вужуд таълимотининг асосчиси шайх Ибн Арабий яхши шоир ҳам эди, у «Фусусу-л ҳикам» («Ҳикмат гавҳарлари») ва «Футуҳоту-л Маккия («Макканинг очилиши») номли машҳур асарларининг кўп қисмини шеър билан битган, яъни ўз назарий фикрларини фалсафий атамалар орқали тушунтиришга қийналиб қолганда асосий муддаони шеърий сатрлар ёрдамида изҳор этган. Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Саид Абул Хайр, Паҳлавон Маҳмуд ҳам шу усулдан фойдаланганлар. Хайём, Румий, Жомий, Бедил, Иқбол тасаввуфининг жуда кўп нозик назарий масалаларини жаҳоншумул шеърий асарлар воситасида баён этган. Чунки тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра хиссий-образли тафаккур билан тушунтириш осон.

Суфий само' йигинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда қўл келарди. Маълумки, жамоа-тоифа бўлиб яшаш, пир-муридлик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар қуриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги бахсу мунозара мусулмон Шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақох ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоҳларда «само'» мажлислари уюштириш, шеър ва рақс бачмини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, сукр – бехудлик концепциясини ёқлаган суфийлар бунга ўч эдилар. Улар: суфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, само' шу руҳий иштиёқ маромини

кучайтиради, деб ҳисоблардилар. Суфиёна бастлар бағрида кўп миқдорда истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглар яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг мумтоз шашмақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди.

Аммо шеърхонлик фақат само' мажлисларига хос эмас эди; оят, ҳадис ва шеърий ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш само'ни ёқтирмайдиган ёки унга бепарво қарайдиган хилватнишин шайхлар суҳбатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқат мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти хусусида ваъз-насиҳатлар қилаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърий парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисол келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан руҳланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англар эдилар. Тазкира ва манокибларда ҳикоя қилинишича, Робиа Адавия (713–801), Мансур Ҳаллож (857–922), Боязид Бистомий (вафт. 874), Абу Саид Абул Хайр (957–1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006–1088), Абул Ҳасан Харақоний (вафт. 1034), Нажмиддин Кубро (1145–1226), Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) ва бошқа бир қанча атоқли шайхлар ўз суҳбатларида кўплаб шеърий парчаларни истифода этганлар.

Тасаввуф ва бадиий рамзлар[30]. Тариқат шайхлари дастлабки даврларда дунёвий мазмундаги шеърларга суфиёна маъно бериб, ўз ғояларига хизмат қилдирган бўлсалар, бора-бора улар учун тасаввуфнинг махсус атама-тушунчалари, рамз-тамсилларини ифодалайдиган асарлар ёзила бошланди. Натижада шеъриятда яширин маъноли, тасаввуф тушунчаларига мўлжалланган махсус тил пайдо бўлди, «лисону-л-ғайб» усулида ёзилган газал ва рубоийлар кўпайди. Энди адабиёт тасаввуфга хизмат қиладиган иллюстратив материал бўлиб қолмай, балки ўзи тасаввуф ғояларини баралла тарғиб қила бошлади, ашиқроғи, тасаввуф ғоялари шеърият ғояларига айланди. Рамзийлик, су-

[30] Мазкур бўлимнинг ушбу қисми Н.Комилованинг «Тасаввуф» китоби асосида тайёрланди. Қаранг: Н.Комилов. Тасаввуф. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

фиёна тил билан ёзиш адабиётни бир қадар мураккаблаштирди, натижада «хос кишилар» англайдиган шеърлу газаллар яратилди. Аммо, қизиғи шундаки, иккинчи томондан, тасаввуфий шеърият орасида баъзан содда тилда ёзилганлари ҳам кўп. Бу жиҳатдан, масалан, Аҳмад Яссавий ижоди, Суфий Аллоҳёр асарлари яхши мисол бўла олади.

Бу шоирлар диний-суфиёна ғояларни халқчил бир усулда баён этадилар, уларнинг ўгит-насиҳатлари, ташбеҳ-истиоралари ҳам содда ва гўзалдир. Чунки мақсад тасаввуфни ва ислом ҳақиқатларини кенг саводсиз оммага етказиш эди. Дарвешлик сулукини эл орасига ёйиш, дарвешларни мукаррам ва маҳбуб қилиб кўрсатиш эди. Айниқса, туркий тилдаги суфиёна адабиёт ўзининг оғзаки ижодга яқинлиги, бевосталиги билан ажралиб туради. Бежиз эмаски, Моваройуннаҳрнинг ўзбеклар билан бирга яшайдиган тожиклари ҳам «Қиссаи Машраб», «Бобо Равшан», «Қиссаи Ҳасан-Ҳусан» сингари ўзбекча асарларни кўпроқ мутолаа қилганлар.

Энди суфиёна адабиётнинг мураккаблиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, шоирлар бунга мажбур эдилар. Зеро тасаввуфни шеър билан баён этиш – фалсафани, илоҳшуносликни шеърга солиб чиқиш демак. Шу боис биз тасаввуфий адабиётни том маънодаги фалсафий адабиёт деймиз. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий, Жомий, Бедиллар Шарқнинг буюк файласуфлари, лекин уларнинг барча ирфоний асарлари шеър билан ёзилган. Ирфоний асарларни ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: бир қисми тасаввуф таълимотини баён этган, суфиёна атамалар билан фикр юритадиган асарлар. Чунончи, Абулмажд Саноийнинг «Ҳадиқату-л-ҳақиқат», Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз», Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт», Бедилнинг «Мухити аъзам», Сайид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома», Суфий Аллоҳёрнинг «Саботу-л-ожизин», Бобожон Саноийнинг «Кашфу-л-маориф» асарлари бунга мисолдир. Бу асарларни тасаввуф дарсликлари сифатида қабул қилса бўлади. Чунки муаллифлар ушбу таълимотни назм орқали тушунтиришга мақсад қилиб олганлар. Иккинчи қисм адабиётда тасаввуф ғоялари кечинма ва ҳаяжонлар, тимсол ва тамсиллар орқали тасвирланиб, талқин қилинади.

Бу асарларни тасвирий талқил ёки бадиий тафсир (интерпретация) дейиш мумкин. Абулмажид Саноийнинг «Сайру-л-ибод», Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома», «Булбулнома», «Уштурнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлау-л-анвор», Навоийнинг «Ҳайрату-л-аброр» ва «Лисону т-тайр» асарлари шу хилдаги асарлардир. Бу асарларда суфиёна-фалсафий маънолар шеърий сатрлар, бадиий-ифодали тил билан талқин этилишдан ташқари яна жуда кўп масал ва ҳикоятлар, рамзий ташбеҳлар келтирилиб, китобхонга шарҳлаб берилган. «Мантиқу-т тайр» ва «Лисону-т-тайр» каби достонларда иштирок этувчи персонажлар ҳам рамзий: Ҳудҳуд – пир тимсоли бўлса, ўттиз қуш солик мўридлар тимсолидир. Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий эса солик руҳининг етти хил товланувчи манзараси – Илоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади.

«Лисону-т-тайр»да олтмишдан ортиқ хар хил ҳикоятлар бор. Уларда тариқат ва шариат, ирфоний билиш масалалари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, инсон ахлоқига оид масалалар устида фикр юритилади. Ҳикоятлар халқ ижодиёти хазинасидан олинган. Аммо улардан келиб чиқадиган ибратли хулосалар («қиссадан ҳисса») суфиёна маънолар талқинига мослаштирилади. Масал ва ҳикоятлар ахлоқий мавзулар, чунончи, нафснинг ёмонлиги, дунёга меҳр қўйишнинг арзимаслиги, хасислик фазилати, саховатшарофати, садоқат, вафо ва ҳоказолар ҳақида баҳс этади. Умуман, суфиёна адабиётда ўгит оҳанги, панду насиҳат етакчилик қилади. Бу табиий, зеро шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали, насиҳат қилиш билан тарбиялаганлар. Айнан ана шу суҳбатларда ҳикоятлар, шеърий парчалардан фойдаланилган. Насиҳат адабиётининг ўзига хос жозибаси, таъсир кучи ва услуби бор. Тасаввуфий адабиётнинг «маноқиб», «қисса», «мақомот» каби жанрлари ҳам шаклланган эди. «Маноқиб»нинг маъноси бировни таъриф-тавсиф этиш демак. Яъни бундай асарларда ном чиқарган шайхи муршидларининг карамат ва ҳолатлари, муридларга муносабати таърифланади, аниқроғи, бадиийлаштириб, муболағали қилиб тасвирланади.

Натижада, шайхнинг ўзига хос образ-тимсоли гавдалантирилган. Мақсад – шайхнинг фаолияти, сўзи ва ишларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш эди. Бунда накл, ривоят ва хикоятлар келтириш усулидан кенг фойдаланилади. Баъзи хикоятлару ривоятларни турли «манокиб»ларда учратиш мумкин. Ривоятлар тарихий воқеалар билан қўшиб юборилган манокиблар ҳам бор. Масалан, «Манокиби хазрати Хожа Баҳоуддин Накшбанд» (Муҳаммад Бокир асари) номли манокиб тўрт қисмдан иборат: 1) Шайхнинг таваллуди ва тарбияси, пирлари; 2) фаолияти, сўзлари, насиҳатлари; 3) каромат лари; 4) мурид тарбиялашдаги усули. Асарда реал тарихий воқеалар ҳам, қўшимча бадиий тўқимага хизмат қилувчи хикоятлар ҳам акс этган. Аммо тарихий воқеалар ҳам бадиий усулда баён этилган. Натижада, асарда ҳазрат Баҳоуддин Накшбандининг ўзаро сиймоси, улуғвор руҳоний раҳбар сифатидаги хислатларини кўриш мумкин.

Қиссалар халқ китоблари руҳида битилган. Бунга «Киссаи Машраб», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам» номли асарларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яна шуни ҳам айтиш керакки, суфиёна хикоят китоблари ҳам анчагина. Шу каби тазкираларда ҳам нақлу ривоятлар кўп келтирилади. Муҳим жиҳатлардан яна бири ҳар бир шайх хислатларига қараб накл ва ривоятларнинг гуруҳлантирилганидир. Масалан, Робиа Адавия ҳақида гап кетганда ишқ-муҳаббат мавзусида, Иброҳим Адҳамга нисбатан тақводорликка оид, Боязид Истомий ҳақида сўз борса, бехудлик ҳақида ривоятлар келтирилади.

Тасаввуф адабиёти ўзигача бўлган шакл ва жанрлардан ҳам кенг фойдаланди, чунончи, лирик жанрлардан рубоий, газал, китъа, таржеъбанд, қасида; эпик жанрлардан маснавий тасаввуф адабиётининг ҳам асосий жанрларига айланди. Суфий шоирлар бу жанрларни ривожлантириб, уларга янги руҳ бағишладилар. Шоирларнинг асарларини суфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширинган. Масалан, маҳбуб деганда Худони, Пайғамбарни, пирни ва севган кишисини англаш, соқий деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани зътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини,

илоҳий файзни, кош деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон хаёлини, ингичка бел деганда комил инсон хаёлининг нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд. Бу тимсолларни батафсил англамай, суфиёна шеърни англаш мумкин эмас. Ана шу тимсоллар орқали Навоий ва Машраб лирикасида солик образи гавдалантирилади. Тариқат йўлидаги мусофир, яъни соликнинг кечинма ва ҳаяжонлари, Маҳбуб ёдидаги талпиниш, сархушлиги ва хумори, васл дамларидаги поклиги тасвирланади. Умуман Навоийда инсоннинг Илоҳ томон кўтарилиши (уруж) асосий ғоядир. Шоир шу йўл изтироби ва мартабаларини турли воситалар билан тасвирлайди. «Хамса» достонлари, «Лисону-т-тайр» ҳам уруж-меърожни тасвирловчи асарлардир. Оддийликдан мураккабликка, дағаллиқдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка ўсиб чиқиш. Бошқача айтганда, камолот касб этиш. Навоийнинг ижодида мутлақийлик ҳукмрон: мутлақ яхшилик (эзгулик) ва мутлақ ёмонлик (ёвузлик). Унинг учун ёмон – бу мутлақ қора рангда кўринадиган ёмонлик. Яхши – мутлақ яхшилик, у нурли ранглар билан жилоланади. Шоирнинг ҳаётга муносабати ҳам ана шундай. Унинг учун ёмон шоҳ барча ёмон хислатларни жамлаган одам, яхши шоҳ эса барча ижобий хислатларни жамлаган шахс. Яхши одам – хушахлоқ, одил ва оқилдир. Яхшиларнинг яхшиси – еру кўкни бир назар билан қамраб олган Баҳоуддин Нақшбанд ёки орифлар арифи Абдураҳмон Жомий. Булар уруж даражаларидан илдамлашиб кетган валий инсонлар. Комиллик тимсоли. Улар Навоий назарида реаллик билан нореаллик ёхуд дунё билан гайб олами орасидаги кишилардир. Икки оламни боғловчи комил инсоннинг бир неча типини Навоий «Хамса» асарида кўрсатиб беради.

Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил хилқат бўла олади. Демак, улуғ Алишер Навоийнинг ўзи комил инсоннинг ёрқин тимсолидир. Комил хилқат бўлган инсон барча нарсада такомиллик, етук мутаносиблик ва музайянликни кўрмоқчи бўлади. Унинг олий орзуси – оламни ҳам, ўзини

ҳам нуқсонлардан холи ҳолда тасаввур этиш, инсонни нуқсонлардан халос этиш.

Инсон руҳи нафсатга ташна, санъат ва адабиёт эса шу чанқоқни бостириш учун хизмат қилиб келган. Инсон рухининг мавжларини, фарах ва хуррамлигини ифодалаган. Инсон руҳи санъатдан озиқланиб яйрайди ва барча қудратини санъатда кўрсата олади.

Мавзу бўйича саволлар

- Тасаввуфий шеъриятнинг ўзига хос хусусияти нима?
- Тасаввуфдаги рамзий ишораларнинг адабиётга таъсири нималарда намоён бўлади?
- Бадиий адабиётда тасаввуфий унсурларни қандай илғаш мумкин?
- Суфиёна адабиёт намуналаридан мисоллар келтира оласизми?

Мустақил иш топшириқлари: *Навоий ижодида тасаввуфий рамзлар талқини.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Отв. ред. А.Н.Болдырев. Сост. М.П.О.Османов. – Москва: Наука, 1965.
2. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари / Н.Комилов, А.Куронбеков ва бошқалар. – Т.: ТошДШИ, 2010.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
5. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моварауннаҳр, 2014.
6. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.

3-§. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф

Дарснинг мақсади:

Ўзбек мумтоз адабиёти тасаввуфий гоялар билан чамбарчас боғлиқ экани тўғрисида маълумот бериш.

Режа:

1. **"Девону луғоти-т-турк", "Қутадғу билиг" ва "Ҳибату-л-ҳақоиқ"да тасаввуф, ахийликка доир тушунчалар.**
2. **Навоий асарларида футувват тушунчаси таърифи.**
3. **Навоий ижодида тасаввуф талқини.**

Таянч иборалар: *шеърият, футувват, ахий, адабиёт, ғазал*

1. "Девону луғоти-т-турк", "Қутадғу билиг" ва "Ҳибату-л-ҳақоиқ"да тасаввуф, ахийликка доир тушунчалар. Ўрта асрлар турк мусулмон оламида тасаввуфий таълимотнинг ёйилиши аксар ҳолда анча содда, футувват (жавонмардлик) ва зуҳд ҳамда бир қадар зикр ва маросимчиликларни ўз ичига олувчи амалий суфийлик кўринишида бўлган. Туркий ўғузлар орасида ушбу тоифа тарафдорлари «ахийлар» деб номланган. Араб сайёҳи ибн Баттута (вафт. 1368й.) қайд этишича, хонақоҳ ва зовияларнинг кўпи «ахийлар» ихтиёрида бўлган. Айниқса, Кичик Осиёда «ахийлар» кенг тарқалиб, уларнинг сардорлари султонлар ҳузурида ҳам муайян обрў-эътиборга эга бўлган.

«Ахий» сўзи арабча «биродарим», «оғайним» деган маънони англатиб, тоифа аъзолари ўзаро ва бошқалар билан мулоқотга киришганда шундай мурожаат қилганидан келиб чиққан. Хусусан Ибн Баттута ҳам бу сўзни арабий асосга эга, деб тушунган ҳолда китобида шундай таърифлаган: «Ахийя»нинг бирлиги «ахий» арабча «ал-Ах»(биродар) лафзидан олинган бўлиб, унга биринчи шахс эгалик олмоши қўшилган кўринишилар»[29].Шу билан бирга бу сўз қадим туркий тилда ҳам ўз илдизларига эгалиги қайд этилган. Марказий Осиёда яратилган туркий адабиётлар – «Қутадғу билиг», «Ҳибату-л-ҳақоиқ» («Атабату-л-ҳақо-

[29] Ибн Баттута. Тухфат ан-нузор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011. Б. 257.

нк»).» Девону луғоти т-турк» асарларида айнан футувват ёки жавонмардлик сўзлари қўллашмасада, ушбу 3 манбада «ақи» сўзи ва унинг ҳосилалари (ақилик, ақилар) орқали футувват-жавонмардлик-ахийликка оид тушунчалар ифода этилган. «Қутадғу билиг»да ушбу сўз «ақи», «ақи бўл», «ақилик» кўринишида 61 ўринда келтирилган; «Атабатул ҳақоиқ»да «ақи бўл», «ақи эр», «ақилик» кўринишида 14 ўринда келади[210]. «Девону луғоти т-турк»да эса «ақи» сўзи қуйидагича изоҳланади: «ақи – қўли очиқ, сахий»[211]. Ақидан ясалган «ақилади» – сахий ҳисоблади. «Ул мени ақилади» – у мени сахий деб ҳисоблади. Ақилар, ақиламақ[212].

Қозғил менга ақилиқ бўлсун манга оёғи,
Ишғил мани тўқишғо, ювғил манга улоғи.

(тарж. Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахийлик номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин)[213]. Лйрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан «ақи» сўзи кейинчалик «ахий»га айланиб, арабий талаффузга яқинлашган, деб «ахийлик» атамасининг келиб чиқишини туркий асосга боғлайдилар.

XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг энг қадимий ҳисобланадиган туркий бадиий адабиёт намунаси бўлмиш «Қутадғу Билиг»да ҳам жавонмардликка хос бўлган сифатлар мадҳ этилган[214]:

Ҳиммат ҳақида:	Замонавий ўзбек тилида:
Керак эрга ҳиммат, мурувват янги	*Жами эрга ҳиммат, мурувват зарур.*
Йўғуз, қонуғ ондин дираса ўнги.	*Ёвузни ўўқ отмакка қўлдан зарур.*
Қошғарлиққа ҳиммат, мурувват керак	*Қошғарлик ҳиммат, мурувват керак.*
Юнши қадғи ҳиммат, мурувват менги.	*Кадрлига ҳиммат мурувват зарур.*

[210] Yakup Karaskaoğlu. Ahi Kelimesi ve Türk kültüründe Ahilik /. Konya, 2003. Türkiyat Araştırmaları Dergisi, 14. sayı, 1-23. sayfa

[211] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / С.Мутталибов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1960. Т.1. Б.116.

[212] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Б. 302.

[213] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк . – Б. 187.

[214] Матнлар қуйидаги нашрдан олинди: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу биллиг. – Тошкент: Ғафулом, 1971.

Сабр-қаноат ҳақида:	
Шакартлиг единг сан ушбу ноъмата,	*Шокар-ла единг сен жақи неъмати,*
Қўғуқ, тул едим ман, ўлум тақати.	*Кўтак нон едим мен, тугиб тақатим.*
Экигу тўбдўб тенг кечи ятмажиз	*Икковлон тўйиб тенг кеча ётдиғиз,*
Кечиб борди, келмиш ўлўм саати.	*Кечо ўтди, кўр келди ўлим соати.*
Тўғрисўзлик ҳақида:	
Сўғи чин керик бег, қийиқсиз, тўғи	*Сўзи чин бўлиши керак бек киши,*
Ўғиндан аниглат, тема эр ани.	*Бериб отда тонмоқ, эмас эр иши.*
Тилин сўзламиш сўзда яхшы эрон	*Киши мерди тонмас деган сўзидан.*
Сўзиндан аниғи ишларлар яғо.	*Сўзидан тонувчи жафолар яши*
Адолатга тавозе қилиқда:	
Ая бег, қатығлақ бу тақат тенги,	*Тенгсиз бўлғин, эй бек ва қилғил тақат,*
Тўру қил будунқа, тегирмиш ўнги.	*Адолатли бўл, халққа қил марҳамат.*
Қали тушса тақсир ани узи қил,	*Хато тушса дарҳол сўр узрини,*
Тилин тегмада, тавба қилғил янги.	*Тилингдан бу тавбани қўйма фақат.*

XII асрда яшаб ўтган мовароуннаҳрлик Адиб Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақоиқ» ёки «Атабату-л-ҳақоиқ» номли панднома асарида ҳам айнан фатиёларга хос сифатларни касб этиш ҳақида сўз боради, жавонмардлик маъмури синглириб борилади. Асарда тавозу, саховат, карамлик, ҳилм, билимдонлик, аҳдга вафодорлик, адолат, тўғрисўзлик, сабр, раҳм шафқат, лутфлик, меҳрибонлик хулқ ва сифатларини касб этишга тарғиб қилиниб, ҳасислик, кибр, очкўзлик, ёлғончилик, нодонлик, сергаплик, зулмкорликдан қайтарилади[215]. Асар ҳомийси Дод Сипоҳсолар мадҳида унинг мурувват ва футувват соҳиби экани мақтаб тилга олинган:

Яна мажд, мурувват, футувват Утин,
Ато қилди шоҳимға бу жумлаги.

Худо шоҳимга улутворлик, мардлик, йигитликнинг барчасини ато қилди.

Юғнакий жумладан "ахийлик" ҳақида шундай ёзади:

Ай дўст билигли изин ишлагил,
Холи сўзласанг сўз, билиб сўзлагил.
Ахий эрни ўггил, ўғар эрсасин,

[215] Қаранг: Neslihan Başkal. Atebetü'l-Hakayik inceleminde ahlâk kavramı ve tipolojisi. Eskişehir Osmangazi Üniversitesi. Анкара, 2013.

Бахилға киттиг ё ўкун кезлагил.

Эй дўст, билимли киши изидан бор, агар сўзласанг, ўйлаб, билиб сўзласин.

Мақтасанг сахий кишини мақтагин, бахил кишига қаттиқ ўқ ёйини сақлаб қўйгин.

Қамуғ тил ахий эр санасин айур,
Ахийлиқ қамуғ айб кирғин йуйур.

Ҳамманинг тили саховатли кишининг мадҳини қилади, сахийлик кишиларнинг барча камчиликларини ювиб кетади.

Ахий бўл, санга сўз сўкунч келмасин,
Сўкунч келгу йўлни ахийлиқ тийур.

Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, лаънат йўлини саховат беркитади.

Ахий эр билигин ети билди, кўр,
Анинг сотти молин сино олди, кўр.

Сахий кини билимнинг қадрига ета билганини, шунинг учун бутун молини сотиб мақтов, олқиш олганини кўр.

Бу будун тулуси ахий эр турур,
Ахийлиқ шараф, жоҳ, жамол орттирур.

Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради"[116].

Гарчи замонавий изоҳларда "ахий" сўзи сахий, саховатли деб берилган бўлсада, "ахийлик" футувватга доир тушунча эканини англаган ҳолда ўқисак, мазмунан бу жумлалар жавонмардлик, йигитчилик деган маънони англатаётгани аниқ-равшан кўриниб турибди.

2. Навоий асарларида футувват тушунчаси таърифи. Темурийлар даври адабиётида футувват ташкилот сифатида очиқ-ойдин ифода топмаган бўлса-да, унинг қонлари илғор шоирлар асарларига сингган эди. Алишер Навоий (1441-1501) ҳам ўз асарларида «ахий» сўзидан фойдаланган:

Бирта ўтмакни ихлос бўлуб, ярмин бир очи берганни сахий де,
Ўзи емай барин муҳтожго бергани ахий де

[116] Асар матни арабча транскрипт матнга кўра тикланди, матн ва замонавий тилдаги изоҳлар қуйидаги манба асосида берилди: Қ.Маҳмудов. Ахиға Юсакийнинг Ҳибатул ҳақойиқ асари ҳақида. Тошкент. 1972.

(Маҳбубга қилуб, Танбеҳ 11, Саховат ва ҳиммат бобида).

Алишер Навоийда «ахий» сўзи бу ўринда «Девону луғоти-т-турк»да келтирилган мазмунидан ҳам олийроқ мазмунни касб этган. Инсоннинг энг юқори кўринишини «ахий» деб атайди.

Алишер Навоий «Назму-л-жавоҳир» асарида ҳазрат Алининг жамланган ҳикматларидан 139-ҳикматни шарҳлашда «ахий» сўзини қўллайди:

Залла ман ба'а-л-дина бид дунйа (Динни дунёга сотганлар адашдилар)

Дунё сори ким майл ўқи отиқ, ахий,
Анинг нақдина белиқ ботти, ахий,
Умроҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёга бировки дунёни сотти, ахий.

АлишерНавоий бу масала борасида, айниқса, 1484 йили ёзиб тугалланган «Хамса»нинг тўртинчи «Сабъа сайёра» достонида муҳим фикрлар айтади. Навоий достон ҳикоятлари қаҳрамонларида футувват эгаларининг хислатларини кўрмоқчи бўлади ва шу сабабли улар инсон сифатида комилликка яқин туради. Достондаги «аввалги иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг фасона демаги» бобида келтирилган Ахий ҳақидаги ҳикоят барча ҳикоятларнинг маъно-мазмунини ўзида жамлаган ҳикоятдир, яъни саховат ва ийсорнинг энг олий намунаси ҳақидадир. Бу ҳикоятлар ахийликка хос бўлган барча фазилатлар куйланади. Жумладан, Ахий отининг ўзи ҳам футуватли киши, дўст демакдир.

Футувват йўли биринчи ҳикоят қаҳрамони Ахий учун ҳаёт йўли эди. У ҳар бир ишини футувват аҳлининг қонун-қоидалари асосида бажаради. Шуниси аҳамиятлики, Навоий қаҳрамонлар номларини аташда ҳам рамзийликка эътибор қаратган.Шоир асардаги Ахий образи орқали айнан Кичик Осиёдаги футуввачининг гўзал намунасини ифода этган.

Ҳикоя қуйидагича: Ҳинд мамлакати подшоси Жасратхоннинг ақлу ҳушида тенгсиз ўғли шаҳзода Фаррух тушида бир париваш-ни кўриб, севиб қолади. Ўша санамга етишиш ишқида сафарга чиққан шаҳзода Ҳалаб шаҳрида тушида кўрган маҳбашни учратиб, ҳушидан айрилади ва тақдир тақозоси билан биргина палосга ўраниб, оғир аҳволда қолгашида унга саховати билан ном

қозонган Ахий ёрдам кўрсатади. У билан суҳбатда бўлган Ахий Фаррухнинг заковатига қойил қолади ва шаҳзоданинг дардига даво топишни чин дилдан хоҳлайди. Ниҳоят Фаррухнинг ишқи тушган гўзал ўз аёли (турмуш ўртоғи) эканини билиб олади ва жуфти ҳалолини талоқ қилиб, Фаррухга никоҳлаб беради:

Деди фикр айлабон мурувват ила,
Топти бу нуқтаи футувват ила.

Суюкли ёри деб ўйлаган бу аёл ўша соҳиби хонадоннинг хотини эканини шаҳзода юртига қайтаётганда – йўлда билиб қолади. У ҳам мардликка мардлик қайтаради: «омонат»га хиёнат қилмайди. Фаррух Ахийнинг мардлигидан ҳайратга тушади, аёлни ўзига сингил каби тутади ва дўстини излайди. Фаррух ўз юртига қайтиб ва вафот этган отаси ўрнига тахтга ўтиради. Ҳайт тақозоси шундай бўладики, йиллар ўтиб шу яхшиликларни Фаррух Ахийга қайтаради – Фаррух синглим деп Ахийнинг ўз аёлини катта тўй билан никоҳлаб беради.

Алишер Навоий «Сабъа сайёра»даги юксак ахлоқ намуналарини намоён этган Ахий образини яратишни ҳам бежиз эмас. У айнан ахийларнинг энг юксак маънавиятли ва ўзгани ўзидан афзал кўриш тамойилининг энг олий ифодасини Ахий образи орқали ифода этади. Ахий образида айнан камдан-кам одамга насиб этадиган саховат, олижаноблик, аҳиллик, мурувват, ўзга киши учун жонини беришга ҳам тайёр турган ахий-жавонмард тасвирланган:

Бир анга бу қадар мурувват бор,
Бизда ҳам шаммайин футувват бор.

Бу ҳам Ахий саховатининг муносиб баҳоланиши эди. «Шоир саҳийликни – мурувват, ахийликни – футувват санайди».

Умуман, Алишер Навоий ўзининг асарларида футувват таълимотининг қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни тасвирлашга ҳаракат қилган. Шоир тасвирлаган ижобий қаҳрамонлар табиатида футувватли кишиларга хос бўлган эзгуликларни кўришимиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат яхшилик қилиш Навоий қаҳрамонларининг бош мақсадидир.

«Сабъа сайёра»нинг IX боби Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Навоий ўзининг дўстини таърифлашда футувват ғояларининг бадиий талқинидан кенг фойдаланади. Унинг нақадар олийжаноб ва олийҳиммат эканини айтиб ўтади. Бу боби ўқиганда китобхонда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарода футувватли кишиларга хос барча фазилатларни кўрмоқчи бўлганини пайқаш мумкин.

Алишер Навоий ахийлик ҳақида махсус ҳикоя яратгани ҳолда, ўз ватани Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг шуҳрат қозонган ва шаҳар ҳунармандларининг катта қатламини қамраб олган – жавонмардликни четлаб ўтгандай туюлсада, аслида шоир асарларида «футувват», «жавонмард» атамалари комил инсонларга хос ижобий хусусиятларни тасвирлашда кўп тилга олинади.

Алишер Навоий, гарчи жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам Фарҳод, Мажнун, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини ифодалайди. Алишер Навоийнинг бу борадаги эҳтиёткорлиги жавонмардлар сифатида тилга олинадиган «сарбадорлар» ҳаракати билан темурийлар ўртасидаги салбий муносабатда бориб тақалади. Навоий асарларини таҳлил қилиш асосида унинг жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини англаш мумкин. Зеро у ўз асарларида жавонмардлик мавзусини тапкилот сифатида эмас, балки юксак ахлоқий меёрларнуқтаи назаридан кўриб чиққан.

Қуйида Алишер Навоий асарларида «футувват» ва «жавонмардлик» сўзларининг қўлланилиши тақдим этилади:

БАДОЕУ-Л-БИДОЯ

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

ЛАЙЛО ВА МАЖНУН

Пайғамбар алайҳис-саломга нисбатан асарнинг наът бобида қўлланган.

Эй зотинг номи футувват,
Оркосида хатами нубувват,

Навфал Лайлининг отасига Мажнуннинг мақтовини келтиради.

Мундоқму бўлур мурувват охир,
Мардумлиг ила футувват охир.

Мажнуннинг ўз отасига эҳтиромли тавсифланади.
Мажнунки футувват аҳли эрди,
Эҳсону мурувват аҳли эрди.

Навфал Мажнун учун чора воситаси сифатида ўз қизини никоҳлаб беришга қарор қилади. Навфалнинг қизи бошқа инсонни севишини айтиб, Мажнунга ака-сингил бўлишни таклиф қилади:

Бу навт мурувват ўлса сендин,
Изҳори футувват ўлса сендин.

ЛИСОНУ-Т-ТАЙР

Амирул-мўминин Усмон Зуннурайн розияллоху анху шаънида

Ул ҳаё коники нурул-ойн эди,
Ўйлаким айнайи зул-нурайн эди.
Сидқ конию мурувват махзани,
Хилм баҳрию футувват маъдани.

ҲАЙРАТУ-Л-АБРОР

Нушируонинг ҳаёси ҳақида

Айни ҳаё бирла футувват онга,
Бермади ул амрда қувват онга.

САДДИ ИСКАНДАРИЙ

Пайғамбарга бағишланган наът

Гунҳ ўлди тажи футуввит мунга,
Далил ўлди муҳри нубувват мунги.

НАЗМУ-Л-ЖАВОҲИР[217]

Ҳазрат Алининг ҳикматлари жамланган «Наср ул-лаолий»даги ҳикматларнинг туркий назмга солиниши:

Ла дийа ли-ман ла мурувата лоху
(Муруввати йўққа дин ҳам йўқ)

[217] Алишер Навоийнинг 268 рубойидан иборат «Назмул жавоҳир» асарида ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари шарҳланган. Милодий X асрда Шарҳ Ғозий ўғлонган Али ибн Абу Толибнинг ҳикматли сўзлари «Наҳжул балоға» деб номланади. XI асрда «Наҳжул балоға»ни янада кухаммаллаштирган олим Жомиа (Амр ибн Бақр) асарни «Насрул лаолий» (Қимматбаҳо гавҳарларни сочиш) деб номлаган. Кейинчалик ушбу асарнинг маълум қисмларини Рашидиддин Ватвот, Ғиёсий Ардабил Хиёбоний форс тилида шарҳлаб, назмга солади. Алишер Навоий илҳомланиб, «Насрул лаолий» асарини турк тилида рубоий жанрида шарҳлайди ва уни «Назмул жавоҳир» деб номлайди.

Ҳар кимсаки, дин ичинда қувват йўқ анга,
Жизя айлаки, айини футувват йўқ анга
Дин аҳли била расми ухувват йўқ анга,
Ул кимсада йўқ динки, мурувват йўқ анга.

ХАМСАТУ-Л-МУТАҲАЙЙИРИН

Навоийнинг таклифи билан Жомий «Шавоҳиду-н-нубувват ли-тақвияти яқини аҳли-л-футувват» китобини ёзади. Бу мавзуда ҳам бир китоб таълиф этиш аввалдан Жомийнинг режасида бўлган. Бироқ шогирднинг лаъвати билангина у бу улуғ ишга киришган. Ушбу асар Пайғамбар алайҳис-салом сийратларига бағишланган. Шу билан бирга Алишер Навоий асрларида «жавонмардлик» сўзи ҳам кўп қўлланилган.

ФАРҲОД ВА ШИРИН

Анга деб: «К-ей шаврингга кину новард,
Қилурда қотил тиғингдек жавонмард.
Қиличинг айлабон қонимга рангин,
Тирикликдин етур жонимга тангин.

ДЕВОНИ ФОНИЙ

(Муқаттаот)

Асл форсий	Таржима
Жавонмарде аз карам мубҳис нагардад,	*Жавонмард ҳиммат-ли қилпоқ бўлмагай.*
Сахийро аз ато чин нест дар чеҳр.	*Сахийнинг бергандан кели бурилмас.*
Бо покидан чи нуқсоне бо дарё,	*Сепгандан денгиздан нима камаяр?*
Бо афшондан чӣ камардад зари мехр?	*Сочгандан қуёшнинг нури озаймас.*

Шунингдек, Навоийнинг суфийлар ҳаёт тарзига бағишлаб машҳур «Насойиму-л-муҳаббат мин шамоими-л-футувват» деб асар ёзиб, унга футувват нисбат бериладиган 770 валийнинг таърифини келтирган. Ушбу асарида муаллиф 105. Заҳрул Маърибий; 190. Муҳаммад ибн Ҳомил Термизий, 202. Иброҳим ибн Довуд Қассор; 302. Жаҳм Раққий; 340. Абу Абдуллоҳ Мукрий; 378. Амир Алий Абуларни «жавонмард» деб мактаган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоий атрофида тўпланган аллома, шоир ва донишмандлар орасида машҳур ва қомусий талант эгаларидан бири Воиз Кошифийдир (1442-1505). Коши-

фий ҳам ўз асарларида футувват-жавонмардлик масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, «Футувватномаи султоний» Ҳусайн Воиз Кошифийнинг шу йўналишдаги махсус асари ҳисобланиб, уни таълиф этишда ўзидан олдин шу жанрда ижод қилган Қушайрийнинг «Рисола», Меъморий Бағдодий «Китобу-л-футувват», Абдураҳмон Суламийнинг «Китобу-л-футувват», Ҳужвирийнинг «Кашфу-л-маҳжуб», Абдуллоҳ Ҳусайн Кошийнинг «Туҳфату-л-ихвон» асарларига эргашган. Шу билан бирга Газзолийнинг «Кимиёи саодат», Абу Саид Абулхайрнинг «Асрору-т-тавҳид», Кайковуснинг «Қобуснома» ва бошқа асарлардан истифода этган. Асарда Кошифий Абу Ҳомид Газолийнинг «Ихёу улуми д-дин» асаридан ҳам кенг фойдаланади. Жумладан, меҳмонлўстлик, таомланиш, қўшничилик каби фасларни мисол қилиб келтириш мумкин.Шунингдек муаллиф Ҳужвирийнинг «Кашфу-л-маҳжуб» асаридан ҳам унумли фойдаланган[218].

Ўз асарида Ҳусайн Воиз Кошифий футувватни тариқатнинг бир бўлаги сифатида кўради. Унга кўра жавонмард суфийлик ахлоқини ўзида мужассам қилган, тасаввуфий ғояларни амалий татбиқ қилган кишидир. Шунинг учун ҳам асарда тасаввуфга доир кўп назарий масалалар ҳам китобда ўз аксини топган. Асар футувватга доир форс тилидаги энг мукаммал асарлардан ҳисобланади.

Асарда жавонмарднинг шадд – аҳду вафо белбоғини боғлаш маросими, шадд ва унинг турлари, шадд боғлашнинг Салмони Форсийга етиб борадиган силсиласи, жавонмардликка қабул қилиш маросимидаги моддий ва маънавий унсурлар, хирқа кийиш одоблари, унинг матолари ва ранглари маъноси, кулоҳ ва унинг салласига доир масалалар, етти аъзони сақлаш одоблари, таҳорат, таом ейиш ва сув ичиш, кийим кийиш, меҳмондорчилик одоблари, касб-кор ва тижорат одоби, уруш силоҳ-аслаҳаларини тутиш қоидалари, қассобларнинг ўз касбига оид ўгитлар ўрин олган.

Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий», «Рисолаи Ҳотамия», «Ахлоқи Мухсиний» номли асарларида ҳам жавонмард кишиларнинг хислатлари тасвирланади. «Футувватномаи султоний»

[217] Муҳаммад Жаъфар Маҳжуб. «Футувватномаи Султоний» асари нашрининг муқаддимаси. Электрон нашр (форс тилида) – Б.113.

асарида эса футувват тариқатнинг бир қисми сифатида жавонмардлик удумлари, анъаналари тасаввуф билан уйғун ҳолда батафсил баён қилинади. Ҳусайн Воиз Кошифий футувватга доир 71 та шартни кўрсатган. Ана шуларнинг барчаси иккита сифатда мужассам бўлади: саховат ва шижоат. Аслида 12 бобдан иборат бўлган китобнинг ҳозирда 7 бобигина сақланиб қолган. Эронлик тадқиқотчилар Кошифийнинг «Футувватнома» асарида қадимий эътиқодларга оид урф-одатлар мавжудлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар[219].

3. Навоий ижодида тасаввуф талқини. Алишер Навоий улкан шахсият, буюк шоир, шеърият илми билимдони, туркий тил пазариётчиси ўлароқ танилган ҳолда ўз замонасининг етук мутафаккири ва мутасаввифи сифатида ҳам маълум ва машҳур. Навоийнинг «Муножотномаси» мурид нинг Парвардигорга нисбатан шахсий кечинмаларини очиб берувчи поёб адабий манба бўлса, «Насойиму-л-муҳаббат» илк туркий тилдаги агиографик (авлиёнома) энциклопедия мақомидаги асар ҳисобланади. Навоийнинг тасаввуфга муносабати унинг газалларида ҳам уфуриб туради. Лекин ҳозирги кунда айрим доираларда урф бўлаётган барча газаллардан диний ёки тасаввуфий мотивларни қидириш нотўғри. Балки, тасаввуфий ва диний сиёқдаги газалларни аниқлашнинг ўзига хос услуби ва йўллари бўлиб, бунинг учун девон тузилишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш керак бўлади. Одатда, Аллоҳга ҳамд ва Пайғамбар наътига оид газаллар девоннинг бошида ёки алиффо ҳарфларига оид бўлимларнинг аввалида жойлаштирилади. Девоннинг ёки бўлимнинг ўртасидан диний мазмундаги ғазални топиш мушкил масала. Газалларда эса ҳамма ерда ҳам мажоз ишлатилмайди. Шеърий тўпламларда соф ишқий мазмундаги газаллар ҳам жой олиши диндор инсон учун айб ҳисобланмайди. Зеро, Пайғамбаримиз ҳам «Менга аёллар ва хуш бўй маҳбуб қилинди, кўзимнинг қувончи эса намоздир» деганлар. Тўғри, ғазалларда мажоз қўлланилган жойлар етарли даражада топилади. Шундай бўлсада, мажоз ва истиорадан холи, тасаввуфнинг назарий асосларига

[219] Қаранг: Муҳаммад Жаъфар Маҳжуб. «Футувватномаи Султоний» асари нашрининг муқаддимаси. Электрон нашр (форс тилида).

бағишланган ёки бирор воқеий аллюзияларга нисбатан қилувчи ғазаллар ҳам бор. «Ҳазойину-л-маоний»нинг тўртинчи девони «Фавоиду-л-кибар»да «фа» ҳарфига ажратилган бўлимидаги тўртинчи ғазал тасаввуфнинг мўъжаз ва содда таърифига бағишланган:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф-ки, зотида мавжуд эмастур таҳаллуф.

(Тасаввуф ичкн зиддиятлардан холи бўлган кишигагина ўз йўлини очади).

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши аҳлоқ-Эрур, истилоҳоти веб-у таклуф.

(Тасаввуф Аллоҳнинг тақдирига розн бўлганларнинг яхши ахлоқи бўлиб, гўзал ва такаллуфли атамалари бор)

Тасаввуф эмас зуҳд-у тақво-ю тоат-Ки, анда риё йўл топор бетаовақуф.

(Тасаввуф тўхтовсиз риёкорлик йўл толган «зухд»-у «тақво» ва «тоат» эмас)

Эрур маҳз тақво-юлекин риёсиз Убудият, сарф уайна талоттуф.
(Тасаввуфнинг моҳияти тақво бўлгани ҳолда, риёсиз бандалик, тўлиқ бориниш ва бошқаларга илтифотли бўлишдир)

Не эл қавлу феълига андин тадди,

Не Ҳақ амру наҳйига андин тасарруф.

(Бунда элнинг сўзи ва қилмишига ҳам, Ҳақ таолонинг буйруқ ва қайтариқларига ҳам тажовуз йўқ)

Ўзин ўйла беихтиёр онгабон ким, Не қолиб тараддуд анга, не тавассуф.

(Шунда киши беихтиёр ўзини англаб, иккиланиш ва афсуланишдан асар қолмайди)

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин, Навоий, мунг бил тариқи тасаввуф.

(Шунингдек, бу ўз борлиғини Ҳақ таолонинг Борлиғида йўқ қилиш бўлиб, Навоий, юқоридагиларнинг барчаси тасаввуф йўли деб бил).

Алишер Навоий тариқат сулукида нақшбандияга эргашган. Навоий даврида бошқа кўплаб тариқатлар қатори нақшбандия тариқатида Ибн Арабий гоялари катта шуҳрат қозонган,

жумладан тасаввуфий қарашлари ўрта асрлар Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган «вахдату-л-вужуд» таълимотига асосланган. Бунга кўра бутун борлиқ Яратганнинг тажаллиёти ҳисобланиб, Аллоҳ ўзи Ботин (Яширин) қолгани ҳолда, модднй борликда Ўзини намоён – тажаллий қилади. Моддий борлиқ барчаси Яратганнинг гўзаллиги, қудрат ва сифатларининг зоҳир бўладиган ўрни саналади. «Бадоеу-л-бидоя» девонидаги биринчи мустазоднинг илк мисраларига эътибор қаратсак,

Эй, ҳуснунгга заррати коинот ичра тажалло – маҳар санга ашё,

Маъноси: Эй ҳуснинг олам зарралари ичра жилоланиб турувчи Зот! Сенинг зоҳир бўладиган ўринг «ашё» – барча мавжуд нарсалардир. Навоий ғазаллардаги хусусиятлардан бири шуки, одатда «Эй» деган мурожаат лафзидан кейин мурожаат қилинувчининг исми алоҳида зикр қилинмаса, бу мурожаат ғолиб ҳолатда ё Аллоҳ таолога, ёки Пайғамбарга қаратилган бўлади. Бу ўрин Аллоҳга мурожаат қилинаётганини мисрада қўлланилган хос атамалардан англаб олиш мумкин. «Тажаллий» сўзи жилоланиш маъносини англатиб, вахдату-л-вужудда Аллоҳ Ўз сифатларини табиат-борликда намоён этишига айтилади. Аллоҳ жамол – гўзаллик сифати борликдаги гўзал яратиқларда, гуллар, мавжудотларнинг ранг-баранглигида, лутф – илтифот кўрсатиш сифатида унинг ато этган неъматларида, жалол – буюклик сифатида бандаларнинг турли табиат офатлари – зилзила, тўфонлар олдида ожизлигида, қудрат сифати ҳар қандай заиф ҳолатдан буюк даражаларга чиқаришида намоён қилади деб эътиқод қилинган. Бу Унинг Ботин (Яширин) бўлгани ҳолда Зоҳир (Ошкор) эканини билдиради.

Сен лутф била кавну макон ичида Мавло – олам сенга мавло.

Маъноси: Сен лутф этиб борлиқ ичра Мавлосан (Хожасан), олам эса сенга мавлодир (дўст тутишингга, валоятингга муҳтож бандаларинг). Мавло сўзининг араб тилида икки хил маъноси бўлиб, ўзаги «валоят» – дўст тутинмоқдир. Биринчи маъноси Хожа, Эга деган мазмун касб этади, иккинчиси эса айни маънога зид равишда Хожадан қимоя истаб, паноҳ тиловчини англатади. Мавлолар тушунчаси ўрта аср араб жамиятига хос ривож топган бўлиб, араблар одатда эгаси томонидан озод этилиб, ҳомийлик

ва васийлик ҳуқуқи эгасида сақланиб қолган қулларга нисбатан қўлланилган. Бундай қул «мавло» — яъни дўстлик ҳуқуқига эга, яқинликка сазовор деб аталган ва собиқ эгаси ҳам ўз навбатида унга шу ҳуқуқни берувчи «мавло» бўлган. Илтифот юзасидан бир-бирига «мавлоно» [мавломиз, хожамиз] деб мурожаат қилиш ҳам шундан келиб чиққан. Мисрада Аллоҳ оламга нисбатан Мавло – яъни Хожа, олам эса Аллоҳга нисбатан Хожанинг паноҳига мухтож ихтиёрий бандалик мавқеида туради.

Алишер Навоий юқорида айтилганидек, нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб, устози ва пири Абдураҳмон Жомий орқали Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга мурид тушган эди. Абдураҳмон Жомий ўз «Хамса»сининг илк достони "Туҳфату-л Аҳрор"ни Хожа Аҳрорга бағишлаб, унинг васфига алоҳида бўлим ажратган бўлса, Навоий «Ҳайрату-л-аброр»да Хожа Аҳрорни Баҳруддин Нақшбанднинг ўз замонасидаги мутлақ ўринбосари деб таърифлаган:

«...Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумуллоҳга ниёз арзиким, ул ҳазратка (Хожа Баҳруддин Нақшбандга) халафи мутлақ, балки халифаи барҳақ дурур».

Навоий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сиймосида комил пири муршид, тасаввуфнинг ҳақиқий етакчи раҳбарини тасвирлайди. Унинг темурийлар даврида мавқеи ва шуҳратини юксак пардаларда куйлайди. Хожа Аҳрорнинг маънавий раҳнамолиги инсонларни камолотга элтиши, у шоҳу гадога тенг муносабат билдира олиш иқтидорига эга эканини тасвирлайди. Қуйида баъзи қисқартиришлар билан берилган мисраларда Навоийнинг баркамол муршидини кўришимиз мумкин:

Ҳаки бу офоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.

(У яъни Хожа Аҳрор бу олам ичра тенги йўқ зот бўлиб, бу оламнинг муршидидир)

Юз кўкбон қуллуғига шоҳлар,
Беҳмидо бехуд ўлуб огоҳлар,

(Унинг олдида шоҳлар қуллуқ қилиб турадилар, баъзида ақли ҳуши жойида инсонлар ҳушини йўқотади)

Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Барчи гадо маъно ила шоҳ ўлуб.

(Унинг хизматида ҳар қандай киши ақлини топади, гадо бўлса ҳам маъно жиҳатидан шоҳ бўлгай)

Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай «яшурун ошкор».

(Узлатга чекинмай, «яширин ошкорлик»дан сақланди. «Яширин ошкорлик»нинг маъноси шуки, узлатга чекиниб, тарки дунё қилган кишини барча «бу одам тарки дунё қилган экан», «бу олам суфий экан» деб гапиради. Бунда эса риё юзага келади. Нақшбандиянинг «Хилватда шуҳрат бор» дегани бежиз эмас. Навоий шуни назарда тутмоқда)

Мулки жаҳон мазрии деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки шаҳаншоҳи ул.

(У жаҳон мулки экинзорининг деҳқони, балки, жаҳон мулкининг кўрикчисидир. Бу ўринда Навоий «жаҳон мулки» деганда темурийлар давлатининг турли чеккалари ва Хожа Убайдуллоҳга мурид тушган усмонийлар давлатини назарда тутмоқда. Ушбу ҳудудларда бир қатор майда ва йирик амирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар вужудга келган бўлиб, уларнинг барчаси Хожа Аҳрорни маънавий раҳнамо деб билар эди. Қуйидаги мисраларда ҳам ушбу ҳукмдорларнинг Хожа Аҳрорга муносабати тасвирланган)

Йўқки мамлакка шаҳаншоҳ ўлуб,
Барчи салотин уза султон ўлуб.

(У барча мамлакатларга посбон бўлиб, барча султонлар узра султон бўлди)

Рукъалари етса не шоҳ қошиға,
Иш ани тўймоғлиғ ўлуб бошиға.

(Унинг мактублари қайси шоҳнинг қошига етиб борса, уни олгач, ўпиб бошига кўтарадилар)

Англаб они бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин.

(Ушбу мактубни улар бошларига ҳақиқий тож деб биладилар, ундаги ҳар бир сўзни йирик жавоҳирларга тенг кўрадилар)

Шоҳға демә, лутф чоғи тож бахш,
Балки гадоларға доғи тож бахш.

(У алтифот кўрсатиб шоҳларга эмас ҳатто гадоларга тож кийдиради)

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб олида шоҳу гадо.

(Эл олдида тўғри сўз айтса шоҳу гадони тенг кўради)

Борча сулук аҳлиги раҳбар бўлуб,
Йўл элига тийра тун ахтар бўлуб.

(У барча тариқатлар аҳлларига раҳбар бўлиб, тасаввуф йўлидагиларга қоронғу тунда юлдузлик вазифасини ўтайди. Ўз даврида Хожа Аҳрорни бошқа тариқат вакиллари ҳам муршиди комил деб тан олганлар)

Барчи тижорат бўлуб ойинлари,
Бўлмади бир мулкда таскинлари,

(Киладиган ишлари тижорат бўлсада, кўнгилларининг таскини бирор молу мулкда эмас. Яъни Хожа Аҳрор тижорат аҳлларидан бўлганига ишора қилинмоқда. У зот хайр-эҳсон ёки ҳадялар ҳисобига эмас, балки барча нақшбандия пирлари каби ўз меҳнат ва иқтидорлари ортидан кун кечиришни тарғиб қилиб, ўзлари бу ишда ўрнак бўлганлар. Аммо у зотнинг тижоратлари кўнгил таскини учун эмас, балки кўнгиллари таскини Ҳақ таолонинг розилигида эди)

Юкларида туҳфаи нақди фано,
Ҳар бири ул нақддин истаб гино.

(Унинг карвон юкларида бу дунёнинг эмас, охиратнинг маблағи ортилган, боз устига ортилган юклар ҳам ушбу охират маблағидан умидвордир. Яъни ушбу тижорат моллари ортилган юклар муҳтожлар, камбағаллар, йўқсиллар таъминоти учун аталгани учун бундан дунё эмас охират фойдаси кўзланганлар)

Ҳимматидин бизни ҳам этсун,
Худой Фақр йўлида ғани, имонға бой.

(Худо бизни ҳам бу фақирлик йўлида Хожанинг ҳиммати билан бадавлат ва имонга бой қилсин)

Алишер Навоий ҳаққоний пирлар зикри билан бир қаторда риёкор шайхларни ҳам эслаб ўтиб, уларнинг иллатларини фош килади. Хусусан, «Хазойину л-маоний»нинг биринчи девони «Гаройибу-л-сиғар»да «хо» ҳарфига ажратилган бўлимидаги ол-

тинчи ғазал риёкор сохта пирлар ҳақида фикр юритади.

Хонақоҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини ягмо қилди шайх.

Бир «шайх» хонақоҳда зикр ҳалқасининг ичида ғавго қилиб, ҳақиқий кўнгил кишиларининг вақтини увол қилди.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким ажзи табиҳу мусалло қилди шайх.

Тасбеҳ ва намоз учун шайланганида эса аслида одамларни тузоққа илинтиришни мақсад қилди.

Ё хаёли банг ёхуд хонақоҳ фикри эди,
Ҳар карамоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Унинг «карамот» ва «мақомот» даъвосидаги хатти-ҳаракатлари ё бангилик натижасидаги алаҳсираш ёки хонақоҳни эгаллаш мақсадида онгли равишда килинган ишлар эди. Яъни бу шайх ё эси огиб қолган банги ёки мансабпараст товламачи.

Кайф сочиб, фирдд этиб, секриб, паривашларни сайд
Килгали, девоналиглар ошкоро қилди шайх

Чапак чалиб, бақир-чақир қилиб сакраб, гўё париларни тутмоқчидек ҳаракатлари билан ўзининг тентаклигини ошкор қилди.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Беркиниб корнини тўйғизиб олиб, жохилларга ўзини рўзадор қилиб кўрсатди ва кўп нодонларни ўзига эргаштиришга эришди.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроққа шайдо қилди шайх.

Ўзи буткул билимсиз оми бўлгани ҳолда, мурид йиғиш учун ўзидан ҳам нодонрок кимсаларни кўпайтириб ташлади.

Дайр пирининг муридимеки фойзи ом эрур,
Хонақоҳда фойзи ом элдин таманнo қилди шайх.

Мен омманинг файзи бўлмиш ушбу хонақоҳнинг ҳақиқий пирига муридман, бу «шайх» эса мана шу файздан баҳраманд бўлган кишиларни менсимади. Дайр ара тинди қулоғим, роҳибо, зикрин бахайр Киём, сахар зикр айтурида кўп "алоло" қилди шайх.

Хонақоҳда қулоғим тиниб кетганининг сабаби, бу «шайх» сахар

пайтидаги зикрда кўп «алоло» қилди.

Бу ўринда «алоло» зикр калималарини бузиб, мазмунини тушунмасдан қуруқ бақир-чақир қилишга айтилади. Эй Навоий, хирқасин берди, карамат айлади Ким, манга тартиб важқи рақси саҳбо қилди шайх.

Хирқасини менга тортиқ қилиш билан «карамат» кўрсатди. Бу иши билан гўёки ўзига оғдириб,ошоларимдан айирмоқчи бўлди.

Бу ғазалда Навоийнинг кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеа тасвирланаётгани маълум бўлади. Ўша даврда ҳам тасаввуф ғояларини суистеъмол қилиб, уларни ўзларининг тор ва ғаразли мақсадларига хизмат қилдирмоқчи бўлган кимсалар мавжуд бўлгани, шулардан бири «шайх»лик даъвосида хонақоҳга кириб келиб, турли хил намойишкорона ҳаракатлар билан имкони ўзига жалб қилмоқчи бўлганини тасвирлайди. Навоий бу шахс ё банги, ё хонақоҳни эгаллаб олмоқчи бўлган товламачи ёки эсини йўқотган ҳақиқий тентак бўлса керак, дейди. Асосийси бу шахс хонақоҳ аҳлидан бир қанчасини ўзига эргаштиришга ҳам эришиб, ҳатто Навоийни ўзига оғдириш учун ўз хирқасини тортиқ қилади.

Навоийнинг «Арбаин ҳадис» (қирқ ҳадис) ёки қисқа «Арбаин» деб номланган асарида ҳам зухд мавзусини кенг ёритишда хизмат қилувчи бир қатор ҳадислар танлаб олинган. Ушбу асарнинг вужудга келишига ўз навбатида Жомийнинг «Чиқил ҳадис» асари асос бўлган. Хусусан, бу ҳақда Навоий «Арбаин»нинг ёзилиш сабабида алоҳида тўхталиб ўтган. Демак, айтиш мумкинки, Жомий ва Навоий «Арбаин»ларидаги ҳадислар арабча матни бир, унинг бадиий талқинлари эса бири форсий, иккинчиси туркийда. Жомий ҳам Навоий ҳам нақшбандия тариқатига мансуб бўлганларини ҳисобга олсак, ҳадисларнинг танланишида соликлар тарбиясига таъсир қилиши лозим бўлган мавзудагилари саралаб олингани кўзга ташланади. Масалан, дунёга муҳаббат қўймасликка чақирувчи ҳадислардан бири:

«лъина абду-д-дирҳами ва лъина абду-д-динори»

(Дирҳамнинг қулига ҳам, динорнинг қулига ҳам лаънат бўлсин)

Жомий:	Навоий:
Ғарқи ҳаст офтоб раҳмати Ҳақ, Шомили зарра зараи олам. Бод аз он дур бандаи динор, Бод аз он дур бандаи дирҳам.	Раҳмат озодагаким ул олмас. Динор у дирҳамин жаве ғамга. Тек лаънат айтаки, қул бўлгай, Хоҳ динор-у хоҳ дирҳамга.

Юқоридаги ҳадиснинг икки бадиий талқинида Навоийнинг тўртинчи асл матнга имкон қадар яқинлашганини кўрамиз. Чунки Жомий Аллоҳнинг раҳмати офтоб нурлиғ бепоён бўлсада, дирҳам ва динорнинг қули ундан узоқ бўлсин, деб талқин қилмоқда. Ҳадис матнида эса маъно жиҳатдан ниддатлироқ «лаънат бўлсин» ибораси қўлланилган. Бу ўринда Навоийнинг «...лаънат айтаки, қул бўлгай, хоҳ динор-у хоҳ дирҳамга» жумласи арабий матн маъносини сўзма-сўз очиб берган[20]. Бу Навоийнинг таржимонлик маҳорати билан бирга матнга хассослик билан эътибор қаратишидан далолат қилади. Яна бир ҳадис зухднинг икки олтин қоидасидан бирини очиб беради:

«ал ғина-у ал-йъасу мин-ма фий айди-н-наси»

(Бойлик – одамларнинг қўлидаги нарсаларга боқмасликдир)

Навоий ушбу ҳадиснинг бадиий талқинини қуйидагича ифодалайди:

Бойлик истар эсанг, ал илгида,
Ҳар не кўрсанг боридан ўл ноумид.
Бу ғино, баски, халқдин кечибон,
Тутсанг умид, Ҳақдин – ўқ эсовид.

Навоий ушбу тўртликда ҳадиснинг сўзма-сўз маъносини бериб, унга Ҳақ таолодан умидворлик қисмини ҳам қўшиб кетади. Қизиғи шундаки, Навоийнинг таржимаси, ҳадиснинг «Арбаин»да келган эмас, балки мўътабар ҳадис тўпламларида келган матнига тўлиқ мос келади:

«алайка бил-йъаси ан-ма фий айди-н-наси, фаиннаху-л-ғино»

«...ал илгида ҳар не кўрсанг боридан ўл ноумид. Бу ғино...» - бойликдир.

Қаноат бобидан келган ҳадис:

«ал-қаноъату канзун ла йафна»

[20] Батафсил маълумот учун қаранг: Пўлатова М. Ҳадисларнинг ўгитилдаги талқини.// Шарқшунослик». – Т.: 2011. -№ 1. -Б.145-149.

(Қаноат туганмас бойликдир)
Хирсдин кечкин, ул камедурким,
Хадду ғолт эмас анга пайда.
Кил қаноатким, ул эрур моле,
Ки ниҳоят анга эмас пайда.

Демак, Алишер Навоий ҳақиқий тасаввуфдан сохтакорликни, ҳақиқий пирлардан риёкор товламачиларни қатъий ажратиб олишга чақиради. Кўр-кўрона эргашиб кетаверишни қоралайди. Навоийнинг дунёқарашида тасаввуф бу гўзал ахлоқий фазилатлар, чиройли сўзлар, риёдан сақланиш, самимият, зиддиятлардан халос бўлиш, кўнгил билан амалнинг мутаносиблигини таъминлаш бўлиб, ўзини Ҳақ таолога тўлиқ бахшида этиб, сидқ дил ва фидокорлик хислатини ҳосил қилишга интилишдир. Навоийнинг ҳаётига назар ташласак, у бу кунлари қурук китобий гаплар йигиндисдан иборат бўлмай, у ўз идеалларини ўз ҳаётига бардавом жорий қилиб боргапини кўрамиз. Навоий мулоҳазакор, тавозели бўлиш билан бирга, ўрни келганда ҳаммадан кўра журъатли ва жасоратли эканини ҳам кўрсатган. Навоий тасаввуфий қарашларини янада чуқурроқ англаб етиш учун унинг асарларини батафсил ўқиб чиқиш, таҳлил қилиш билан амалга ошади.

Матн бўйича саволлар

- Қадимги туркий адабиётда нак суфиёна ибораларда кўринади?
- Жавонмардлик ғояси кайси мумтоз туркий асарларда ёритилган?
- Навоий ижодида тасаввуфий ғоялар қандай акс этган?
- Навоий ҳақиқий ва сохта суфийларни қандай тасвирлайди?

Мустақил иш топшириқлари: *Навоий ижодида тасаввуфий рамзлар толқини.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибн Баттута. Туҳфат ан-нузор. / Ж.Жувайдий нашри. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрийя, 2011.

2. Yakup Karasoy. Ahi Kelimesi ve Türk Kültüründe Ahilik /. – Konya, 2003.Türkiyat Araştırmaları Dergisi, 14. sayı, 1-23. Sayfa

3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / С.Муталибов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1960. Т.1.

4. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1971.

5. Қ.Маҳмудов. Аҳмад Югнакийнинг Ҳибатул ҳақойиқ асари ҳақида. Тошкент: Фан, 1972.

6. Муҳаммад Жаъфар Маҳжуб. «Футувватномаи Султоний» асари нашрининг муқаддимаси. Электрон нашр (форс тилида) Б.113.

4-§. Мумтоз тасаввуф намоёндалари сохта суфийлик ҳақида

Дарснинг мақсади:

Сохта суфийлик тушунчаси ва сохта суфийларнинг мумтоз тасаввуф намоёндалари томонидан танқид қилиниши ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Илк мутасаввифлар ва уламоларнинг сохта суфийларга муносабати

2. Тариқат намоёндалари асарларида сохта суфийлар танқиди

3. Сохта суфийликнинг маънавий зарарлари.

Таянч иборалар: *суфийлик, риёкорлик, мумтоз тасаввуф*

1. Илк мутасаввифларнинг сохта суфийларга муносабати. Инсон қалбини поклаш, уни руҳий-маънавий жиҳатдан юксалтиришни мақсад қилган тасаввуф таълимоти юртимизда кенг тараққий этиб келган. Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг ислом дунёсидаги адади чексиз бўлиб, шулардан бир қанчаси Туронзаминда туғилиб, вояга етган. Улар яратган таълимот ва илгари сурган ахлоқий-ирфоний, маънавий-маърифий ғоялар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу билан бирга, барча замонларга тасаввуфни ва унинг ички тармоқлари ўлароқ тараққий этган турфа тариқатларни тирикчилик манфаатлари воситасига айлантирган сохта «тассавуфчи»лар ҳам топилиб турган. Бугунги кунда ҳам сохта тариқатлар ва ўз атрофида шогирдлар тўплаётган нолойиқ пир-шайхлик даъвосидаги шахслар кўзга ташланмоқда. Кўр-кўрона таклид ёки жоҳиллик сабаб дуч келган одамнинг этагини тутиб, «комил шайх» билиб, уларга қўл берадиганлар ҳам бор. Бу эса ўзини ҳақиқий маънода тасаввуф вакили санаган ва унинг талабларига бўйсунишни бурч билган кишилар ва тасаввуфни шахсий манфаатлар воситасига айлантирган кимсалар ўртасидаги ғоявий ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган[221].

[221] Нақшбандия журнали,2010. №2.

Дастлабки даврлардаёқ баъзи гуруҳ-доиралар тасаввуфий кўринишлар остида Ислом ақидасига тўғри келмайдиган тамойиллар ижод қилганлар[222]. Бундай гуруҳларнинг ҳақиқий суфийларга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ўша давр уламолари томонидан эътироф этилиб, мавзуга доир асарлар ижод қилинган. Абу-л-Ҳусайн Малатий (ваф. 948й.) «ат-Танбеҳ ва-р-радд ʻало аҳли-л-аҳвоа ва-л-бидаʻ», Абу Наср Саррож Тусий (ваф. 988й.) «Китобу-л-лумаʻ», Абу Бакр Калободий Бухорий (ваф. 994й.) «Таʻарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф», Нажмиддин Умар Насафий (вафт.1142й.) «Китоб фй мавзоҳиби-л-мутасаввифа». Қушайрий (вафт.1074) «ар-Рисола», Абу-л-Ҳасан Али Ҳужвирий (вафт. 1077й.) «Кашфу-л-маҳжуб», Имом Газзолий (вафт. 1111й.) «Иҳёу ʻулуми д-дин» асарлари орқали суфийликни ботил қарашлар ва бидъатлардан тозалаш учун курашганлар. Мустамлий Бухорийнинг (вафт. 1043й.) «ат-Таʻарруф»ни шарҳлашдан кўзлаган мақсади ҳам халқни тасаввуф асрларидан воқиф этиш, турли ақида ва хурофотларга чек қўйиш, шариат ва тариқат ўртасида пайдо бўлган сунъий ғовларни йўққа чиқариш эди.

Абу Наср Саррож ат-Тусий «Китобу-л-лумаʻ» асари муқаддимасида шундай келтиради: «Замонамизнинг энг ёмон кишиси бу тоифа (тасаввуф аҳли – муал.) таълимотининг асослари, мақсад ва вазифаларини билиб олиши, уларга ўзини ўхшатадиган, улар каби қийфа касб этган, уларнинг номи билан аталадиган сохталарини ажратиб олиши даркор»[223] дея ўз асарини яратишдан мақсадни баён этади. Соф тасаввуф ғоялари баёнидан сўнг, бу майдонда адашиб қолган тоифалар ва уларнинг соф суфийлик таълимотидан орин нуқталарини кўрсатиб берган[224].

Абу Бакр Калободий ҳақиқий суфийлар билан ғулувга борган маърифатсиз суфийларни, мутасаввифман деб даъво қилган жоҳил суфийларни даъвоси пуч ва асоссиз эканини зикр этади

[222] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиқлол, 1999. –Б. 63.

[223] Абу Наср ас-Саррож Ат Тусий. Китоб ал-лума. Миср: Дор ал-кутуб ал-ҳадиса, 1960. –Б. 18.

[224] Батафсил маълумот учун қаранг: Абу Наср ас-Саррож Ат-Тусий. Китоб ал-лума. –Миср: Дор ал-кутуб ал-ҳадиса, 1960. –Б. 516–554.

ва айтади: «Улар тасаввуфга бидъатларни киргиздилар ва ноду-руст нарсаларни тасаввуфга нисбат бердилар»[225].

Тасаввуф аҳлининг ёркин вакили Ҳаким Термизий (вафо. 932й.) ўз даврида ўзини суфий деб даъво қиладиган, сохта, илм-сиз солиқларни, одамларнинг эшиклари остида тамаъ қилиб юрадиган зоҳидларни танқид қилган. Уларни риё ва ном қозо-ниш учун зоҳидликни даъво қиладиган, бунинг орқасидан дунё-қолдиқларини еб юришни кўзлайдиган ахмоқлардан ҳисобла-ган. У асарлари орқали меҳнат қилиш, касб-ҳунар эгаллаш ва шу орқали тирикчилик қилишга чақирган[226].

Абу Юср Муҳаммад Паздавий (вафо. 1099й.) Movoroунаҳрда тарқалган бидъат ва хурофот жамоалари таъсирини камайти-риш учун ёзган «Усулу-д-дин» асарида аҳли сунна ва жамоага мансуб суфий гуруҳлар билан бир каторда ундан оғишган «би-дъат ва залолат»га оид ботил суфий гуруҳлар ҳақида маълумот келтиркан, уларни номма-ном санаб ўтади, ҳамда соф ислом ақидаларига мухолиф бўлган бузуқ эътиқодларини баён этади ва ҳуббия, авлиёия, ибоҳия, ҳулулия, ҳурия, вокифия, мутажоҳи-ла, мутакосила каби ботил тарикатларни келтириб, айримлари бизнинг диёримизда, хусусан, Фарғонада кўпайиб кетди, деи таъкидлайди: – «Улар Бухорога ҳам келиб турадилар, уларни се-зиб қолсак чиқиб кетадилар», деи сўзида давом этади[227].

Паздавийдан илгари Мақбул Насафий (вафо. 930й.) ўзининг «Китобу р-радд 'ало аҳли л-аҳво ва-л-бида'» номли асарида ақи-дада тойилган ҳуббия гуруҳини жабарияга мансуб деб, 72 фирқа таркибида тилга олган[228].

Абу-л-Муин Насафий (1027-1114) ўзининг «Танҳру-л-калим» асарида «Муҳаббатнинг чўққисига етган бандадан намоз, за-кот, ҳаж каби зоҳирий ибодатлар соқит бўлади. Бундан кейинги ибодати тафаккурдан иборат бўлади» деган ақидада тойилган

[225] Комилов Н., Раҳимов К. Хожагон тариқати ва Бухорода ирфоний-фалса-фий илмлар ривожи (IX–XV асрлар). –Т.:Akademiya, 2011. –Б.76.

[226] Усмонов И. Наводир ал-усул хикоятлари. –Т.: Фан, 2009. –Б.39–40.

[227] Батафсил маълумот учун қаранг: Муҳаммад ал-Паздавий. Усул ад-дин. Миср: ал-Мактаба ал-Азхария ли-т-турос, 2003. –Б.259–261.

[228] Мақбул ан-Насафий. Китаб ар-радд 'ала ахл ал-ахвай ва-л-бида' / нашрга тай. Marie Bernand.Institut français d'archéologie orientale - Le Caire, 2006. –Б.102.

«ибоҳий» номли ботил гуруҳни тилга олади, ҳамда уларнинг ҳар бир гоясига аҳли сунна нуқтаи назаридан раддия беради[229].

Машҳур мутасаввиф Абдулқодир Жилоний (1077-1166) «Сир ру-л-асрир ва мазҳару-л-анвор фимо йаҳтожу илайҳи-л-аброр» асарида тасаввуф аҳлини ўп икки тоифага бўлиб, улардан фақат бир тоифа «суннийлар», қолган ўп бир тоифа «бидъатчилар» экапини таъкидлайди. Суннийлар – гап-сўз ва ҳатти ҳаракатла-ри шариат ва тариқатга уйғун бўлганлар, деб келтиради[230].

2. Тариқат намоёндалари асарларида сохта суфийлар танқиди. Хожагон нақшбандия силсиласининг асосчиси Абдул-холиқ Ғиждувоний (1103-1179) ўзининг «Мақомоти Юсуф Ҳама-дония» асарида устози Шайх Юсуф Ҳамадоний (1048–1141)ҳаёт фаолияти ҳақида маълумот келтирар экан, унинг сохтакор, ўзи-ни халқ орасида зоҳид, диндор, суннатга боғлиқ, дарвеш, тақво-дор, обид бир инсон сифатида кўрсатувчи риёкор, дунёвий мақ-садлар билан ўзини омма орасида яхши ва зоҳиран шариатга риоя қилувчи киши қилиб намойиш этувчи кимсаларга сухбат-ларида тавба қилишни тавсияэтгани, акс ҳолда ўзига душман тутиб ўз мажлисидан қувиб юборгани ҳақида ёзади[231]. Шунингдек, у бирон касб-кор билан шуғулланмай, ханақоҳда ўтириб олиб, ўз ризқини нонга тамаккулга, аслида эса халқ бўйнига ҳаво-ла этган кўпчилик шайхлар ва тариқат аҳлига карши бўлиб, деҳқончилик орқидан куч кечирган[232].

Аҳмад Яссавий (вафо.1166) ўз ҳикматларида сохта суфийни ҳақиқий суфийдан ажратиб турувчи хусусиятларни баён қилган:

Сўфи бўлуб нафс учун ҳар дам эшикка боқисен,
Нозр олиб келдиму деб ҳар дам кишиги боқисен,
Аллоҳнинг лаънатин бўйнунгга ҳар дам тоқасен,
Сўфинаҳи бўлдинг воле қорнинг мусулмон бўлмадинг.

[229] Батафсил маълумот учун қаранг: Абу-л-Муин ан-Насафий. Бахр ал-ка-лом. – Сурия: Дор ал-фарфур, 2000. –Б.297–301.

[230] Абдулқодир Жилоний. Сирал-асрор. –Дамашқ: Дорас-саниёбил, 1993. –Б.140.

[231] Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний / таржимон, нашр-га тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: С.Ғайбуллоҳ, Н. Ҳасан, – Т: Янги аср авлоди, 2003 –Б.10.

[232] Садри Сиддиқ. Хожа Абдулхолиқ таълимотининг манбаи // Сино (Техрон), 2004. №14.

Сўфи бўлиб мол кас олмоқ учун қилдинг жадал,
Зоҳирингг сўфинамодур, ботининг дуру доғил.
Эй бехабар, эй бехабар, шармандасен рўзи азал.

Сўфинақш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг[231].

Улуғ мутафаккир ва мутасаввиф шоиримиз Алишер Навоий (1441–1501) ҳам ўз асарларида қаландарчилик руҳи ва тарки дунё чилик йўналишларига танқидий ёндошади, авлиёлик даъвосини қилиб юрган илмсиз, жоҳил ва текинхўр кимсаларни аёвсиз фош этади. Масалан, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг «Риёий шайхлар зикри» фаслида шундай келтиради: «Шайхи риёий – раъноликҳ жилвапамойи. Миседур, олтун била рўкаш. Ташқи хушнамо ва ичи нохуш. Сурати дарвешваш ва маъниси саросар ғаш[232]». Тасаввуф ва тақво эталлаган жойда тасаввуфга дахлдорлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди буюк маърифатпарвар:

Тасаввуф эмас зуҳду тақвоғ тоат, –
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Тасаввуф тарихида Абдурахмон Жомий (1414–1492) асл суфийларни сохта суфийлардан ажратиш мақсадида, уларнинг сифат даражаларини батафсил таснифг этиб берди. Жомий «муташаббихун мубаттал» табақасига мансуб риёкор соликлар тасаввуф аҳлининг ҳар бир тоифаси орасида учрашини таъкидлаб, уларнинг белгиларни кўрсатиб берган. Жумладан, зоҳидларнинг риёкори ҳақида шундай келтиради: Халқнинг назарига тушиш учун дунё зийнатларидан воз кечадилар. Жамиятдан кўз ўгирадилар. Шу орқали халқ орасида обрў-эътибор қозонишга интиладилар. Кўп ҳолларда халқни ишонтира оладилар ҳам. Улар мол тарки эвазига обрў сотиб олувчилардир. Фақирнинг риёкори шундайки, зоҳирда расмий фақирни бўйнига олган, ботини эса фақирдан йироқ. Унинг муроди – фақир бўлиб кўриниш орқали халқ олқишига сазовор бўлишдир[233]. Қайд қилиш

[231] Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: ғ.ғулом нашриёти,1992 йил. –Б. 141. 143.

[232] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўпламн. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: ғ.ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2011. 11К. – Б.480.

[233] Ш.Сирожиддинов. Манба матншунослиги муаммолари ва ёндашувлар / Шарқ юлдузи, 2011. №2. – Б.133.

керакки, ҳақиқий суфийлар риё ва зоҳирпарастликни кичик ширк ҳисоблаганлар[234].

Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Яъқуб Чархий (вафт.1447й.) ўзининг тафсирида ўз даври ва ундан илгари тасаввуф майдонида «мазҳакий», «мубоҳий»[235] номлари билан пайдо бўлган ботил суфий гуруҳларни ҳам тафсир қилиш асносида зикр этиб, улардан ҳушёр бўлишга ундайди. Улар ўзларини пайғамбар авлодига мансуб «саййид» деб эълон қилиб, «қаландар», «абдол»[236] номлари остида халқнинг мол-мулкини бешдан бирига ҳақдорлик даъвоси билан чиққан, асл муддаоси текин мол-мулкни қўлга киритиш бўлган, шайтон измидаги бу каби фирқаларни «зоҳируҳум ар-рафз ва ботинуҳум ал-куфру-л-маҳз» («уларнинг зоҳирлари рад этиш ва ботинлари ҳақиқий куфр» – муал.) деб гилга олиб, халқни улардан огоҳликка чақиради: «Мулҳидлар-у мубоҳийлар ва аҳл-и бидъат-ким, ҳаромдин ҳар не берсалар олғай. Кўп вақтларда ўзларини саййидуҳум ҳдарурлар ва айтурлар халқ молининг хумуси бизнинг, яъни бешда бири ва барча дунё Фотима-и Заҳронинг кобини (маҳр; хисса – муал.) турур розияллоҳу анҳо[237]». Кўриниб турибдики, муаллиф яшаган даврда ўзини саййид, яъни пайғамбар авлоди деб эълон қилган текинхўр сохта суфий гуруҳлар фаолият юритган. Чархий буларни «Ишиқи» сурасининг «Ўзини ҳеч качон (Парвардигор ҳузурига) қайтмасман деб ўйлар эди» мазмунидаги 14-оят шарҳи давомида тилга олиши, уларнинг «куни келиб қилган бу ишларини ҳисоботини бермаслик» мазмунидан келиб чиққанидир. Аниқроғи, охиратга ишончи бор одам бу ишларни қилмайди, демоқчи бўлади муаллиф. Бунн унинг «Анлар қиёматга мункир

[234] Абулқусайр Зарринқўб. Суфийлар таъқиди («Эрон тасаввуф оламидаги изланишларнинг давоми» китобидан) // Сино (Теҳрон), 2002. № 6.

[235] «Ҳаққа нисил бўлган мукаллифдан барча таклиф соқит бўлади, энди у шариатга риоя қилиши жавбур эмас», деган сўз тарафдорлари бўлиб, «мубоҳий» ва «мазҳакий» номини олганлар. Қаранг: Фахриддин ар-Розий. Эътиқодот фирақ ал-муслимин ва л-мушрикин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2001. – Б.74

[236] Яъқуб Чархий. Тафсир-и Чархий. ЎзҲИД манбалар хазинаси. Тилбосма №80. – Бомбей: Матбаъа Каримий, 1908. Б. 176 (Бундан кейин: Тафсир-и Чархий).

[237] Ҳамадоний Ҳожа. Тержамаи тафсири Чархий. ЎзР ФА ШИ кўлёзмалар фонди. Инв. №7180. 147б варақ. (Бундан кейин: Таржама-и тафсир-и Чархий).

бўлғайлар. Ҳақиқатда қиёматга мункир турур»[240] деган фикрларидан ҳам билиш мумкин. Чархий фикри давомида қуйидаги тарихий фактни келтиради: «Бу тойифага «маздакий» десалар бўлур ва бағоят мазҳабларини киши билмаслар. Султон Маҳмуд Ғазнавий тўшинда (давр – муал.) кўпайиб эрдилар. Султон аларни қирип тугатди. Султон Санжар Мозий[241] раҳматуллоҳи алайҳи замонинда яна зуҳур қилди. Шайхулислом Аҳмад Жомий қаддасаллоҳу руҳаҳу л-азиз[242] аларни танин, султонга айди. Султон аларни барандоз қилип (барҳам бермоқ – муал.) ер юзиндин кетарди[243]». Бу тарихий воқеадан тасаввуф аҳли унинг номи билан иш юритадиган нотўғри гуруҳларга нафақат ўз асарлари орқали кескин тандиқ қилгани, балки уларга қарши жиддий кураш олиб борганлари маълум бўлади. Муаллиф уларнинг ҳатти-ҳаракати аҳли суннат ва жамоатга зид эканини таъкидлар экан, уларни «аҳли бидъат ва залолат» номи билан тилга олади. Уларнинг бу маслагида нуру сафо йўқлигини қайд этар экан, чўллаги саробга қиёслайди: ялт этиб кўринади, лекин синчиклаб кузатилса пуч бўлиб чиқади. Муаллиф фикри давомида ўз шайхи (яъни Баҳоуддин Нақшбанд)нинг сўзига асосланиб, аҳли суннат ва жамоатга мувофиқ қилинган озгина тоат бидъат ва залолат билан қилинган кўп амаллардан устун эканини келтириб ўтади[244]. Демак, тарихда сохта суфий гуруҳлар «аҳли суннат ва жамоат»га зид қўйилар экан, «аҳли бидъат ва залолат» номи билан аталиб келганлар.

XVII аср охири XVIII аср бошларида Сўфи Аллоҳёр ўзининг асарлари орқали бу мавзуга диққатни қаратишга чақирди: «Бул замонда бир пора гумроҳлар пайдо бўлубтур, ўз нафсларига шайдодурлар, ўзларини шайх олурлар, амллари ҳийла ва тазвир. Доим дунёни излаб ҳалок бўлғайлар[245]».

[240] Таржима-и тафсир-и Чархий. 147б-варак.

[241] Султон Санжар ибн Малакшоҳ – салжукийлар авлодининг энг сўнгги ҳукмдори бўлиб, 1118–1157 йилларда ҳукмронлик қилган.

[242] Аҳмад ибн Абўлҳасан Номиқий Жомий (Ахмад Жандалий) Хуросонлик машҳур ҳадисшунос ва мутасаввиф олим.

[243] Таржима-и тафсир-и Чархий. 147б-варак.

[244] Таржима-и тафсир-и Чархий. 62б-варак.

[245] Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин / таржимаси К.Ҳафизхўжа / нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Дониён. – Тошкент: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012. –Б.50.

3. Сохта суфийликнинг маънавий зарарлари. Дин, эътиқод эркинлиги яратилган юртимизда ислом аҳкомлари, муқаддас китоблар, оятларни бузиб талқин қилаётган сохта тариқатчилар томонидан динимиз шаънига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани барчамизни таассуфга солади[246]. Айни пайтда Республикамизда юзага чиқаётган турли хил таассуфий оқимлар, уларга раҳбарлик қилишни даъво қилаётган айрим шахслар фаолияти ва уларга эргашувчи шахслар хатти-ҳаракатлари замирида ислом динига зид бўлган қуйидаги ҳолатлар кузатилмоқда:

- саводсизликка тарғиб; «илм олиш шарт эмас» ғояси асосида илмни тарк этиш; таълимдан четлашиш;
- жамиятдан ажралиб турувчи ташқи қиёфада намоён бўлиш;
- муридлар томонидан пирини улуғлашда хаддан ошиб, муболағага йўл қўйиш;
- жаҳолатпарастлик; кўр-кўрона тақлид;
- тарқидунёчилик; оила ва фарзандлар нафақаси ва тарбиясига бепарволик.

Бугунги кунимизда «тариқатчилар» орасида илмнинг шарт эмаслиги ва ҳатто илмни тарк қилиш афзаллиги масаласи долзарбдир. Ҳаттоки, улар орасида фарзандларини мактабда дунёвий илм олишига монеълик қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу каби ғоявий илгари сурган тоифаларни тасаввуф тарихида ҳам учратишимиз мумкин. «Илхомия» номи билан тасаввуф саҳнасида намоён бўлган бидъатчи тоифанинг эътиқоди – илмни тарк этиш, таълим олишга монеълик қилишдан иборат эди. Ўзини аҳли сунна ва жамоага мансуб деб иддао қиладиган бу тоифа, аслида, бу бузуқ эътиқоди туфайли ҳалокатга юз тутганлар сифатида қайд этилган[247].

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, шунингдек, улуғ аллома аждодларимизнинг қимматли манбаларида илм олишнинг аҳамияти ва фазилати ҳақида келган кўрсатмалар ҳақида

[246] Уватов У. Бидъатга йўллайдиган ибодат // «Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 22 май.

[247] Абдулқодир Жилоний. Сирр ал-асрор. Дамашқ: Дор ас-санобил, 1993. –Б.141.

ҳар қанча сўз айтилса, шунча пайлик қилади. Жумладан, Қуръони каримда Тоҳа сураси, 114-оятда: «Айтинг: Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!» дейилса, Мужодала сураси, 11-оятда: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даражa (мартаба)ларга кўтарур» дейилади.

Қуръони каримдан кейин динимизнинг бирламчи манбаси бўлган ҳадиси шарифларда илмга тарғиб масаласи етакчи ўринда туради. Улардан баъзи намуналар келтириш билан чекланамиз. Расулуллоҳ (а.с.) айтганлар: «Ким илм талабида бир йўлга кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Дарҳақиқат, фаришталар илм толибининг бу қилган ишидан рози бўлиб, ўз қанотларини унинг оёқлари остига тўшарлар. Дарҳақиқат, олимга осмонлару ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги худди ойнинг қолган юлдузлардан афзаллиги кабидир»[249]. Узоят дедилар: «Илм олиш ҳар бир мусулмон учун фарздир»[240].

Ўтмиш буюклар ҳам илм ва унинг фазилатлари ҳақида кўплаб ибратли сўзларни айтишган. Ибн Аббос (р.а.) дедилар: «Илм билан бир соат шуғулланиш кечани бедор ўтказишдан яхшироқдир. Кун давомида илм билан машғул бўлиш уч ой рўза тургандан яхшидир»[250]. Имом Шофеий (р.а.) дедилар: «Илм ўрганиш нафл ибодатдан афзалдир»[251]. Тобеий ибн Шиҳоб Зуҳрий (р.а.) дедилар: «Аллоҳ таолога ибодат қилишда илмдан устун нарса бўлмас»[252].

Суфийлар «илм» деганда, зоҳирий ва ботиний илмга ажратадилар. Илмнинг зоҳирий ва ботиний деб бўлинишини илк суфийлардан тортиб бутун мутасаввифларгача қабул қилганлар[253]. Касбий, яъни ўқиб-ёзиб ўрганиш орқали қўлга киритиладиган зоҳирий илм билан бир қаторда ваҳбий, яъни риёзат чекиб, тажрибада яшаш билан эришиладиган ботиний илм тушунчалари мавжуд. Соф тасаввуфда зоҳир илми билан ботин илми бадан билан руҳга қиёсланиб, бир-бирини тақазо этиши, тўлдириши таъкидланади. Ана шу зоҳир, ботин мувозанатни тўғри англаб етмаслик тарихда ҳам, айни кунимизда тариқатчилар орасида ҳам «илм» тўғрисида нотўғри салбий фикрлар шаклланишига олиб келмоқда. Машҳур тасаввуф шайхлари ҳар доим илм ва унинг аҳлига катта аҳамият бериб, ўзлари ҳам бу борада ўрнак бўлиб келишган. Шу мақсадда, тасаввуф аҳлининг илм борасида айтган сўзларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Суфён Саврий деди: «Илм изламдан кўра афзал амални билмайман»[254].

Шамс Табризий деди: «Илмсиз жасад, сувсиз шаҳарга ўхшайди».

Машҳур тасаввуф арбоби Хожа Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида шундай келтиради:

Тариқатга шариатсиз кирганларни,
Шайтон келиб имонини олар эрмиш.

Абдулхолиқ Гиждувоний шундай деганлар: «Илм ўрганмоқни бир нафас бўлса-да тарк этма. Хусусан фиқҳ, тафсир илмларини пухта эгалла. Жоҳил суфий, тақлидчи мутасаввуфлар суҳбатига асло яқинлашма. Зеро улар дин йўлидаги ўгри ва мусулмонларни йўлдан адирувчи каззоблардур»[255].

Абдулқодир Жилоний «ал-Фатҳу-р-раббоний» асарида шундай насиҳат қилади: «Эй жоҳил! Илм ўрган, илмсиз ибодатда ҳам, илмсиз ишончда ҳам яхшилик йўқ. Илм ол ва унга амал қил. Шунда дунё ва охиратда нажот топасан. Агар сенда илм олишда ва унга амал қилишда сабр бўлмаса, қандай қилиб нажот топасан?... Илм ҳаёт, илмсизлик ўлимдир»[256].

Юқорида тилга олинган сатрлар ислом таълимотининг илм-маърифатга нақадар юксак эътибор қаратганидан дарак беради. Ўзбекистон асосланган дунё илм-фани тараққиётига бе-

[249] Ушбу ҳадис Термизий, Аҳмад, Ибн Мажа, Абу Довуд ва Дорамий томонидан ривоят қилинган.

[240] Ибн Мажа. Сунани ибн Мажа. – Байрут: Дор ал-фикр, йили кўрсатилмаган. Т.1. Б.80.

[241] Жалолиддин ас-Суютий. ал-Жомеъ ас-сағир. Байрут: Дор ал-фикр ли-т-тибоа ва-я-нашр. Т.III. –Б.132.

[242] Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий. Муснад аш-Шофеий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. –Б.240.

[243] Муҳаммаджад Заҳабий. Тазкира ал-Хуффоз. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. Т.I. –Б.85.

[244] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. –Б. 142.

[245] Дорамий. Сунани Дорамий. Тақриз 107 бет Байрут: Дор китаб арабий

[246] С.Г.Бухорий, С.Азимов. Буюк ғиждувонийлар. «Бухоро» нашриёти, 2006. –Б.26.

[247] Абдулқодир Жилоний. ал-Фатҳ ар-раббоний. –Миср: Дор ар-найён ли-т-турос, 1988. Б.155.

мисл ҳисса қўшган, ўз номларини тарих битикларига муҳрлаган олимлар юрти саналади. Дарҳақиқат, аждодларимиз илмнинг юксак чўққиларига эришдилар. Юртимизда тиб, ҳандаса, ҳисоб-китоб, фалакшунослик, география, фалсафа, мантиқ, тарих каби дунёвий илмлар, тафсир, ҳадис, ақида, фиқҳ каби диний илмларда минглаб бебаҳо асарлар яратилди. Шундай экан биз бошлар вақтимизни ғанимат билиб, илмнинг аҳамиятини англаган ҳолда, бизга яратилган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда бор куч-ғайратимизни илм олишга, маърифат ҳосил қилишга интилиб қолишимиз лозим бўлади.

Замонавий тариқатчиликнинг жамиятдан ажралиб турувчи белгиларидан бири уларнинг ўзларига хос ва бошқалардан ажралиб турувчи кийимларидир. Тариқатчилар йилнинг барча мавсумида салла, чакмон, махси-кавуш кийиб юришлари улар учун одат тусига кирган. Баъзи мутаассиб вакиллари томонидан кийимларига нимоқ тушириб олиш ҳоллари ҳам учраб туради[257]. Албатта, олдинги суфийлар мураққаʼни зарурат юзасидан киар эдилар. Улар бу билан ўзларини яхши кўрсатмоқчи эмас эдилар; ҳеч қачон ранг-баранг матоларни йиртиб, гўзал тарзда бичиб, тикмаслилар[258]. Динимизнинг бирламчи манбаларида шуҳрат, обру-эътиборни кўзлаган либосларни кийиш қораланган. Ҳадисда шундай келтирилади, Расулуллоҳ (а.с.) дедилар: «Либосни шуҳрат учун кийган кишига Аллоҳ қиёмат кунида хорлик либосини кийдиради»[259], «Аллоҳ шуҳрат учун кийим кийган кишидан то очмагунича юз ўгиради»[260], «Ер риё учун кун кийганлардан Аллоҳга шикоят билан юзланади»[261].

[257] Йўлдошходжаев Ҳ. Замонавий тариқатчиликда либос ва либос масаласи // Диншуносликнинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент, 2013. Б.254.

[258] Абулҳусайн Зарринкўб. Суфийлар танқиди («Эрон тасаввуфидаги пала-нишларнинг давоми» китобидан) // Сино (Теҳрон). 2002. – № 8. –Б.12.

[259] Ибн Можа. Сунани ибн Можа. – Байрут: Дор ал-фикр, йили кўрсатилмаган. Т.II. –Б.1192. №3606 рақамли ҳадис; Пасоий. Сунани Пасоий. – Байрут: Дор ал-кутуб ул-илмийя. Т.VI. –Б.482. №9560 рақамли ҳадис.

[260] Ибн Можа. Сунани ибн Можа. – Байрут: Дор ал-фикр, йили кўрсатилмаган. Т.II. –Б.1192. №3608 рақамли ҳадис.

[261] Жалолиддин Суютий. Ал-Жомеъ ас-сағир. – Байрут: Дор ал-фикр ли-т-тибаа ва-н-нашр. Б.299. №. 1949 рақамли ҳадис.

Суфийларда учрайдиган баъзи қиёфа ва кўринишлар ўз даврида ёқ риё аломати сифатида қаралган. Риёдан қутулиш воситаси сифатида зоҳиран жамиятдан ажраб турувчи қиёфа ва ҳатти-ҳаракатлардан тийилишга интилинган. Жумладан, Ҳаким Термизий ўзининг «Наводиру-л-усул» асарида бу хусусида қуйидагича келтиради: «Жун-пўстак ёки эски-тускі, жулдур кийинишдан мақсадлари зуҳдни ошкора қилиш, қалблари дунё истаклари билан қопланган, дин ниқоби остида дунёга интилганлар»[262], «Жамиятдан узилиб, мол-дунёга нафрат изҳор қилиб кўрсатганлар, аслида, уларнинг бойликка истак-майли мисоли улкан тоғлардек»[263].

Суфийлик таълимоти баён этилган дастлабки манбалардан бўлган «Кашфу-л-маҳжуб»да Али Ҳужвирий (ваф. 1077й.) ўз даврида мақсади халқ орасида шон-шуҳратга эгалик қилиш бўлган бундай гуруҳларни қуйидагича танқид қилади: «Замонамизнинг баъзи кишилари мураққаʼ ва жулдур кийишдан мақсадлари халқ орасида обрў эътибор қозонишдир. Уларнинг диллари ташқи қиёфаларига уйғун эмас[264]. Бундай либосни Аллоҳга хос бандаларидан эканингни билдириш учун кийсанг, у сени либоссиз ҳам танийди. Агар бу билан халққа Аллоҳнинг хос бандаси эканингни билдириш учун қилаётган бўлсанг, бу риёдир. Йўқса, нифоқдир (яъни усти сиртига тескари, бу эса нифоқ-иккиюзламачилик – муалл.)[265]. Муаллиф ўз замонаси суфийларининг жун (суф)ни кам кийишиларига сабаб сифатида бидъатчи гуруҳлар жун кийишни ўзларига шиор қилиб олгани, бидъат аҳли шиорига қарши туриш суннатдир, дея келтиради[266]. Ҳужвирий шундай хикоя қилади: «Вақти вақти билан Озарбайжондаги шайхим ҳузурига бориб турардим. Мураққаʼ кийиб юрадиган бир неча киши бугдой хирмони олдида турар эди. Улар деҳқон бугдой

[262] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул фи маърифати ахадис ар-расул. –Байрут: Дор ал-жийл, 1992. Т.I. –Б.15.

[263] Ўша асар. Т.II. –Б.148.

[264] Али Ҳужвирий. Кашф ал-маҳжуб. Дирося, таржума, таҳқиқ док. Исъод Қандил. Миср, 1974. Б.243.

[265] Ўша манба. – Б.245.

[266] Қаранг: Али Ҳужвирий. Кашф ал-маҳжуб. Дирося, таржума, таҳқиқ док. Исъод Қандил. Миср, 1974. –Б.248.

солиши учун кийимлари этакларини тутиб турардилар. Шайх уларга қарата бу оятни ўқиди: «Ҳидоят (тўғри йўл) ўрнига залолатни (нотўғри йўлни) сотиб олганлар ўшалардир, (лекин уларга) бу савдолари фойда қилмади ва (улар) ҳидоят йўлига юрувчи ҳам бўлмадилар»[267]. Мен: Бу не хорлиқки, булар дучор бўлдилар, жамият орасида шарманда бўлдилар? – дедим. Шайх: Уларнинг пири мурид тўплаш билан овора, булар эса дунё илинжида сарсон, деб жавоб берди[268]. Ҳужвирий ушбу ҳаётий мисол орқали муридчиликка муккасидан кетган шайхлар ҳамда муридликни ўзига кун кечириш учун касб қилиб олган шогирдларини тасвирлаб бермоқда.

Машҳур муфассир Қуртубий ўз тафсирида шундай келтиради: «Зоҳидликни кўз-кўз қилиш учун кийилган либос гўёки Аллоҳ таолодан шикоятчи тилга киёс, у эгасини хорликка маҳкум этади. Инсон гўзалликка интилади. Шунинг учун кўзгуга қарайди, сочини тўғрилайди, кўримсизини сиртидан, чиройлисини ташқидан кияди. Бунда ҳеч бир айб, гуноҳ йўқ. Маҳкул Оишадан (р.а.) ривоят қилади: Бир неча саҳобалар Расулуллоҳни эшикда кутиб турган эдилар. Расулуллоҳ (а.с.) улар ёнига чиқар экан лар ховлида туриб қолган кўлмак сувга қараб соч соқолларини тўғрилашдилар. Оиша (р.а.): Эй Расулуллоҳ, буни сиз қиляпсизми, деб сўрадилар. Расулуллоҳ (а.с.): Шундай, киши халқ олдига чиққанида ўзини тайёрлаши лозим. Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни хуш кўради, деб жавоб бердилар[269]». Муфассир «Сод» сураси тафсирида кийимларини атайлаб кесиб йиртадиган суфийларни танқид қилиб, тўғри бичимли кийимни мақсадсиз бузишни жоиз эмас деб келтиради[270]. Яъқуб Чархий суфийларнинг бу тоифасини «сохта тавозеъ ва иккиюзламачилик кийими орқали атрофига муридларни жалб қиладиган, ўзига солиҳона жилва берган фосиқлар[271]» дея таърифлар экан шундай келтиради:

[267] Бақара сураси, 16-оят. Мақолада Қуръон оятларининг маъно таржималари қуйидаги манбадан олинган: Қуръони Карим маъноларининг таржимаи ва тафсири / А.Мансур тарж. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.

[268] Ўша манба. – Б.253.

[269] Муҳаммад Қуртубий. ал-Жомеъ ли аҳком ал-Қуръон. – Ар-Риёз: Дор олам ал-кутуб, 2003. Т. VII. –Б. 197.

[270] Ўша манба. Т.XV. Б. 197.

[271] Мир Муҳаммад Фозил Тошкандий. «Тафсир-и Чархий»нинг туркий тар

«Ёлғон тавозеъ ва сохта кийим билан хийла-найранг орқали одамларни ўзига муридликка тортиб, уларни солиҳлар йўлидан адаштирадиганлардан бўлмаслар. Уларнинг дунёдан имонсиз кетиши хавфи бор[272]». Ушбу ибора орқали муаллиф бундай хатти-ҳаракатларга «имонсизлик» дея баҳо бермоқда. Нақшбандийликнинг энг муҳим асосларидан бири шуҳратдан қочишдир. Эл қатори бир инсон каби юриш, тариқат белгисини билдирувчи махсус кийим киймаслик ва шуҳратдан сақланиш тариқати сифатида намоён бўлган.

Айни кунимизда турли тортишув ва баҳс мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири «шайх» масаласидир. Бир томондан, тариқатни даромад манбаига айлантирган, саводсиз, жоҳил «пир-эшонлар» кўпайиб кетаётгани, иккинчи томондан мурид-шогирдлар томонидан пирни улуғлашда ҳаддан ошиб, муболағага йўл қўйиш, пирнинг сўзини шариат ҳукмидан ҳам устун кўйиш масаласидир. Тариқатчилар орасида зиридан бошқанинг сўзини, ҳақиқат бўлса ҳам, қабул қилмаслик, мўътабар китоблар, уламоларнинг сўзларини тан олмай, беписанд қараш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Улуғ мутасаввуф шоир Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуфни шон-шуҳрат ва манфаат воситасига айлантирган саводсиз «шайх»ларни ҳайвондан ҳам пасткаш дея тилга олади:

Они шайхлар қулоқ, думсиз химор бўлғой,
Химматлари дунё молин йигор бўлғой,
Холойиқни йўл озғуруб кетор бўлғой,
Ондоғ шайхлар баҳойимдин батар эрмиш[273].

Абу Язид Бистомий: «Агар бир киши ҳатто осмонга кўтарилаётганини кўрсангиз ҳам, то Аллоҳнинг буйруғи ва қайтарғини маҳкам тутганини, шариат ҳукмини бажараётганини кўрмагунингизча унга алданиб қолманг», деганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд: «Тариқатимиздан сизга тушунтирайлик, агар шариатга ва суннатга тўғри келса йўлимизда давом

жумаси. Шахсий кўлёзма. 1258-варақ.

[272] Яъқуб Чархий. Тафсир-и Чархий. ЎзҲИА манбалар хазинаси. Тошбос[ма] №80. – Бомбей: Матбаъа Кайюмий, 1908. – Б.228.

[273] Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Т.: Movarounnahr, 2004.

этаверамиз, агар тўғри келмаса воз кечамиз», – деб айтганлар.

Мавлоно Чархий шариатга хилоф қилган бидъатчилар билан ҳатто ҳамсуҳбат бўлиб ўтирмасликка чорлайди, акс ҳолда, имон нури ундан кочишини таъкидлайди. Шариат борасидаги фикрини қувватлаш учун қуйидаги шеърни келтиради:

Кўзумнинг ҳар кирпиги бир найза бўлсун дейдама,
Гар чевирсам юзими бир дам шариат бибидин[274].

Мазмуни: Агар бир лаҳза бўлса-да шариатдан юз ўгирсам, ҳар тола кипригим кўзимга найза бўлиб қадалсин.

Яъқуб Чархий биргина тафсирининг ўзида «сохта шайх» мавзусига такрор-такрор мурожаат қилиши, масаланинг ўз даврида ниҳоятда долзарб аҳамият касб этганини англатади. Унинг бу борадаги фикрлари ҳозирги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жумладан, муаллиф «Мулк» сураси 12-оят тафсирида шундай келтиради: «Билгинки, бу оятда донишмандлар ва улуғ шайхларнинг савоб ва амаллари қанчалик улуғ дейилмади, балки Худодан қўрқанларнинг савоби нечоғлик улуғ» дейилди[275]. Чархий бошқа ўринда ҳаром мол-давлат тўплайдиган, ҳийла-макр ишлатиб мурид йиғадиган риёкор хожагонларни кескин танқид остига олиб шундай дейди: «Қуръондаги барча яхши васфлар Худодан қўрққан бандалар учундир. Ҳаром олиб, макр билан одамларни ўзининг ўлжасига айлантирадиган «хожагонлар», шайхлар ва юқоридаги зоҳидлар учун эмас[276]». «Ўзи йўлда адашиб қолган шайх шогирдини қай мақомга йўналтириши аниқ» қабилида шундай келтиради: «Ўзи гумроҳ турур, муридга нечук йўл кўрсатур». Дуч келган одамга «қўл» бериб кетавермай, огоҳ бўлишга ундайди. Румийдан қуйидаги маснавийни келтиради:

Эй, басо иблис одам рўйи ҳаст,
Бас, ба ҳар дасти нашояд дод даст.
Дасти нокис дасти шайтон аст-у дев,
З-он ки, андар банди таклиф аст-у рев[277].

[273] Таржима-и тафсир-и Чархий. 31а-варақ.
[274] Тафсир-и Чархий. Б.17.
[275] Тафсир-и Чархий.–Б.36.
[276] Тафсир-и Чархий.–Б.176.

Мазмуни: Одам юзли қанча-қанча иблислар бор. Бас, (тўғри келган) ҳар қўлга (шайх, пир деб) қўл беравермаслик лозим. Ноқис шайхнинг қўли шайтон ва девнинг қўлидир. Чунки бу қул қилиб олиш таклифи ва хийладир.

Чархий фикри давомида қуйидагича тавсия беради: «Бу каби кишилардан хазар қилиб, улардан қочгин. Имонингни шамолга совуриб юбормагин. Ҳақиқий олим ва муҳаққиқ шайхларга эргашгин»[278]. Муаллиф «Фажр» сурасининг «Дунё молини ҳаддан ташқари севарлар» мазмунидаги 20-оят шархида асл мақсади қайси йўл билан бўлмасин, мол-дунё орттириш бўлган сохта шайхларга танқидий назар билан қарар экан, ўз фикрини шундай баён этади: «Билиб қўйки, замонамиз халқи, хусусан худодан қўрқмас шайхлар ва допишманлар учун семиз гўшт ёки мўмайгина даромад манбаи топилса бўлди. Уларни унинг ҳалол ё ҳаром экани қизиқтирмайди»[279]. Аксинча, ҳақиқий суфийнинг мақсади Ҳаққа етишиш бўлиб, осмонлару ер хазиналари оёғи остига тўкиб ташланса ҳам, кўз қири билан бўлса-да эътибор қилмаслиги қуйидаги тарзда ифодаланган: «Етти қат ердин етти кат кўккача аларға нисор қилдилар эрса, алар кўз учи бирла илтифот қилмадилар[280]».

Чархийнинг «Ифтитор» сурасининг сўнгги оятга шархида: «Бу дунёда ҳам у дунёда ҳам ҳукм Аллоҳдан бошқа ҳеч кимда бўлмайди, на авлиёларда ва на орифларда. Оддий халқ буни билмасдан, ҳар кимга ҳавола қиладилар[281], деб келтирган жумлалар айни кунимизда шайхи борасида «сиғиниш» даражасида муболағага кетган тарикатчилар учун айтилгандек, гўё.

Чархий ўз тафсирига нкун исар экан яна бу мавзуга қайта тўхталиши масаланинг ғоят жиддий ва мухим аҳамият касб этганини кўрсатади. Муфассир «Нос» сурасининг сўнгги оят шархи асносида сохта шайхларни «одамлар орасидаги шайтонлар» деб тавсифлаб шундай дейди: «Ўзини солих, зоҳид каби кўрсатиб, ҳаром мол-дунё олиб шайхлик қилганлар йироқ бўлсин. Улар ўз муридларни ҳаром ейиш ва олишдан ман этмайдилар. Ҳақиқат-

[277] Ўша манба. Ўша варақ.
[278] Тафсир-и Чархий.–Б.196.
[279] Таржима-и тафсир-и Чархий. 96-варақ.
[280] Тафсир-и Чархий. –Б.169.

да, булар дин душманларидир. Одамлар ичидаги шайтонлар – мана шулардир[282]».

Туркий тасаввуф адабиётининг йирик вакили Сўфи Аллоҳёр (ваф. 1721й.) «Маслаку л муттақин»да: «Бу замонда бир тоифа шайхлар пайдо бўлубтур, кирдорлари бошдин оёқ залолатдир. Кеча ва кундуз фикрлари тамадир[283]» деб келтирса, «Саботу-л-ожизин»да шундай келтиради:

«Шариатсиз киши учса хавога,
Кўнгил берма анингдек худнамога».

Демак, шайхлик мақоми иддаосини қиладиган шахслар фаолинги шариат ва тариқат меъёрларига нечоғлик мувофиқ экани аниқлаш, сохта пир-эшонлар найранг-фирибига алданиб тузоғига илиниб қолишдан огоҳ бўлиш лозим.

Тасаввуфда таркидунёчилик, оила ва фарзандлар нафақаси ва тарбиясига бепарволик қилиш йўқ. Улуғ шайхлар дангасалик, лоқайдлик, таркидунёчиликка қаттиқ қарши туришган. Улар инсонларни ҳаракат, ҳиммат ва ғайрат қилишга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишга чақиришган. Нақшбандийлик тариқати халқ билан бирга бўлишга, халқнинг оғирини енгил қилишга буюради. Абдулхолиқ Ғиждувоний «хилват эшигини ёп, суҳбат эшигини оч» дея хитоб қилган. Хазрат Баҳоуддин Нақшбандининг: «Бизнинг йўлимиз суҳбатдир. Хилватда шуҳрат, шуҳратда эса офат бор. Хайр жамоат биландир», деган ҳикматли сўзи барча нақшбандийларга дастуриламал бўлиб келган. Мавлоно Чархий шундай келтиради: «Бозорларда хуфя тарзда қилинадиган зикр – зикрларнинг энг афзалидир. Шу маънодаки, бозорда савдо қила туриб, хуфя зикрга машғул бўласан. Савдо-сотиқ билан машғул бўлиш сени Аллоҳ зикридан тўсиб қўймайди»[284]. Ушбу сатрлар, аввало, Нақшбандин тариқатининг «халқ орасида Ҳақ билан бўлиш» дея таърифланган «хилват дар анжуман» қоидаси моҳиятини очиб берса, иккинчидан, тариқат доирасида хуфя зикр амал қилганини кўрсатиб беради. «Даст ба кор-у дил ба Ёр»

[282] Тафсир-и Чархий. –Б.240.

[283] Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин / таржимон К.Ҳафизхўжа / нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Дониёр. Тошкент: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012. Б.52.

[284] Тафсири Чархий. – Б.92.

шиори ҳам айнан шуни тақозо этар эди. Сўфи Аллоҳёр ўғлига насиҳат қилар экан, ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топиш, бола чақани пешана тери билан боқишга ундаган: Ўтган пайғамбарларнинг ҳаммалари кифоя қилувчи бирор касб билан шуғулланганлар. Ҳақни таниган бандалар асло бировдан тамаъ қилмаганлар[285].

Демакки, мамлакат жотиржамлигини безовта қиладиган турли бузғунчи, сохта оқимлар, билағатчиларга муқобил равишда нақшбандийлик тариқати вакиллари она-юрт, халқ ва миллатнинг ҳар томонлама тараққиёт этиши учун курашганлар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, тасаввуф ўз тарихий тараққиёти давомида соф номига доғ бўлиб тушадиган кўплаб нодон ва жоҳил, текинхўр ва тамагир, сохта ва риёкор суфийларни, пуч даъволарни олға сурган бузғунчи гуруҳлар ва тариқатларни гувоҳи бўлиб келган. Тарих чархпалаги қайта айланиб келиб, бугунги глобаллашув даврида ҳам улар янгича қиёфа ва шаклларда намоён бўлмоқда. Саводсиз, гумроҳ сохта пир-шайхлар фақат ҳозирги кунимизда эмас, балки, ўтмиш даврларда ҳам соф тасаввуфга ўзларининг ноҳўя ҳаракатлари билан иснод тушириб келганлар. Шу сабабдан ўтмишда бўлгани каби бугунги кунда «тасаввуф» сўзи одамлар онгида салбий маъно касб этиб қолмоқда. Ҳақиқий тасаввуфни сохтасидан ажратиш, огоҳликка алоҳида эътиборли бўлиш ҳозирги давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мавзу бўйича саволлар

- Сохта суфийлик ва ҳақиқий тасаввуфнинг фарқи нимада?
- Мумтоз тасаввуф вакиллари сохта суфийларга қандай муносабат билдирганлар?
- Сохта суфийларнинг хосий хусусиятлари нималарда кўринган?
- Тарихда қандай оқимлар сохта суфийларга мисол бўлган?

Мустақил иш топшириқлари: *Сохта суфийликнинг тасаввуф адабиётида ёритилиши*

[285] Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин / таржимон К.Ҳафизхўжа / нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Дониёр. Тошкент: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012. –Б.21.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.

2. Абу Наср ас-Саррож Ат-Тусий. Китоб ал-лума. –Миср: Дор ал-кутуб ал-ҳадиса, 1960.

3. Комилов Н., Раҳимов К. Хожагон тариқати ва Бухорода ирфоний-фалсафий илмлар ривожи (IX–XV асрлар). -Т.:Akademiya, 2011.

4. Усмонов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. - Т.: Фан, 2009.

5. Муҳаммад ал-Баздавий. Усул ад-дин. – Миср: ал-Мактаба ал-Азҳария ли-т-турос, 2003.

6. Абдуқодир Жилоний. Сирру-л-асрор. – Дамашқ: Дор ас саноабил, 1993. –Б.140.

7. Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний / тар жимон, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллох, Н. Ҳасан, – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 –Б.10.

8. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Ғ.Гулом нашриёти,1992 йил. –Б. 141–143.

9. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғ.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2011. Т.IX. –Б.480.

4-БОБ. ТАСАВВУФ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

1-§. Мумтоз тасаввуф ва замонавий тариқатчилик

Дарснинг мақсади:

Талабаларда тариқатчилик тушунчаси ва унинг ҳақиқий тасаввуфдан фарқи тўғрисида билим ҳосил қилиш.

Режа:

1. Тариқатчилик тушунчаси.

2. Тариқатчиликнинг ташқи белгилари.

3. Тариқатчиликнинг ижтимоий зарарлари.

Таянч иборалар: *тариқатчилик, пирчилик, эшонлик*

1. Тариқатчилик тушунчаси. Тасаввуф таълимоти узоқ даврлар мобайнида жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини илдиз отишига замин яратган. Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати катта нуфузга эга. Чунки, мазкур тариқатда ислом шариати мезонлари бузилишига йўл қўйилмай, чин инсоний фазилатларни илгари сурган.

Аммо барча даврларда ҳам тасаввуфни ўзларининг тор доирадаги мақсадлари йўлида талқин этувчилар ҳам бўлганини унутмаслик керак. Абдуқодир Жилоний «Сирру-л-асрор» китобининг «Тасаввуф аҳли хусусининг баёни» деб аталган 23-фаслида тасаввуф аҳлини иккига бўлади: аввалги гуруҳ – «суннийлар», иккинчиси эса «бидъат аҳли» деб тилга олинади. Биринчи тоифа сўзда, амалда, шариат ваунинг маъноси бўлган тариқатда тамоман қоимдир. Уларни «аҳли сунна ва жамоа» номи билан атайди. Бидъатчилар тоифасига эса шариат ва тарикатга мос тушмаган ишларни қилишга одатланганларни киритади.

Ҳозирги кунда тасаввуф деганда тор маънодаги турли маросимбозлик, тариқатга ружу қўйиш, «пирпарастлик», худойинма-худойи ва эҳсонма-эҳсон юриш, бошқалардан ажратиб турадиган либослар кийиш, бошқалардан ажралиб турадиган турфа расм-русумларга берилиб яхлаш тушунилади ган бўлиб,

одамларга тариқатни шундай тушунтирадиган айрим тоифалар ҳам кўпайиб бормоқда. Шунингдек, бу тоифалар ҳақиқий мумтоз тасаввуф вакилларининг тасаввуфни комил мусулмон етиштиришдаги бир восита экани ҳақидаги ўгитларини унутиб, мусулмон кишиларнинг асосий мақсади тариқатга кириш, пирга қўл бериб, унинг хизматини қилиш экани ҳақидаги нотўғри талқин ва даъволарни илгари сурмоқдалар. Шу сабабли, соҳа мутахассислари томонидан бундай тоифаларни мумтоз тасаввуф намояндалари ва вакилларидан фарқлаб билиш ҳамда уларни бошқа турли оқимлардан ажратиб кўрсатиш мақсадида уларга нисбатан «тариқатчилар» атамаси истеъмолга киритилди.

Тариқатчилар деганда тасаввуфнинг фақат ташқи жиҳатларига, маросимчилик, турли зикр мажлисларига асосий эътиборни қаратиб, унинг фалсафий-ирфоний хусусиятларидан бехабар фаолият юритаётган, муайян бир кишини пир деб санаб, унинг этагидан тутувчи, жамиятнинг бошқа аъзоларидан четланиб, пир хизматини ҳаётдаги энг асосий мақсад деб биладиган кишилар ёки жамоалар, гуруҳлар тушунилади. Мазкур гуруҳ ва жамоалар орасида қабрларга сиғиниш, пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш, пирларнинг таҳоратидан ортган сувларни ичиш, дунёвий илмлардан, тараққиёт ютуқларидан четланиш каби турли зарарли ҳамда исломий нуқтаи назардан бидъат-хурофот деб баҳоланувчи ҳолатлар кенг тарқалган.

Мустақиллик йилларида юзага келган қулай диний муҳитдан маҳаллий тариқатчилик вакиллари ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг кескин фаоллашуви 2000 йиллардан бошлаб кўзга ташлана бошлади. Тариқатчиликнинг уйғонган шакли анъанавий тарзда «фазилатли» деб топилган турли етакчилар (пирлар) атрофига бирлашган муридлар жамоаларидан иборат эди. Бундай етакчилар «эшон», «шайх», «ҳазрат» каби унвонлар билан атала бошланди. Уларнинг орасида Иброҳим эшон (Иброҳим Маматқулов, 1937-2009, Фарғона вилояти), Мулла Ғўстмуҳаммад (Дўсамат Турсунов, 1935-2013, Сурхондарё вилояти) каби шахслар номи анча машҳур бўлган. Айни пайтда мазкур санаб ўтилган эшонлар ва уларнинг издошлари ҳамда муридлари орасида кескин рақобат

муҳити мавжуд бўлиб, ҳар бир гуруҳ айнан ўзи энг тўғри тариқатда эканини даъво қилади.

Тариқатчилик ҳаракатларида экстремистик унсурлар, сиёсий мақсадлар йўқ. Бироқ тариқатчилик тарафдорлари томонидан илгари сурилаётган илмнинг инсон ҳаётида шарт эмаслиги, пирни ҳадлан зиёд улуғланиши каби фикрлар, қиз болаларнинг таълим олишларига тўсқинлик қилиш, ижтимоий ҳаёт тарзида ўз замондошларидан катта фарқланиш, шаръий асосга эга бўлмаган фатволарга амал қилиш каби ҳаракатлар ҳар жиҳатдан ислоҳ қилиниши керак бўлган масалалар ҳисобланади.

2. Тариқатчиликнинг ташқи белгилари. Шу билан бирга тариқатчиларнинг ажралиб турувчи жиҳатлари ҳақида сўз борганда, уларни бирма-бир санаб чиқиш ҳам мумкин. Фарғона водийси, айниқса, Қўқон ва унинг ён-атрофларида фаолият юритувчи тариқатчилар орасида бир қатор ноанъанавий амаллар кузатилган:

- таҳажжул намозини ўқиш фарз (ёки вожиб), деб билиш;
- шукри вузу (таҳорат олгандан сўнг шукр намози) намозини қайси вақтда бўлса ҳам ўқиб олиш зарур, дейиш;
- пирга қўл берганнинг олдинги гуноҳлари кечирилади, қазо бўлган (ўқилмаган) намозлари зиммасидан соқит бўлади, деб билиш;
- тариқатчилардан бошқа кишиларнинг тўй-маракаларига бормаслик;
- расмий имомларнинг маърузаларини менсимаслик.

Бундан ташқари айрим муридлар томонидан ҳам мутаассибона хатти-ҳаракатлар намоён бўлаётгани маълум:

- пирнинг таҳоратидан ортган сувни табаррук деб билиб ичиш;
- пирнинг уйи томонга оёқ узатиш қиблага оёқ узатиш дек гуноҳ бўлади, деб билиш;
- доимий катта салла, узун оқ кўйлак ва махси-ковушда гуруҳ-гуруҳ бўлиб юриш.

Юртимизда фаолият юритаётган тариқатларчилардан айримлари масжидларда соқолсиз ва сунъий (тилла ва сариқ) тишлар қўйган имом-хатиб ва нойиб имомлар фаолият кўрсатаёт-

гани, бу ҳолат эса ислом динига зидлиги, аксинча улар ўрнига барча масжидларда соқол қўйган диндорлардан имом сайлаш лозимлигини тарғиб қилиб, ўзлари ҳам соқолсиз, сунъий тиш қўйган имом хатиблар фаолият олиб бораётган масжидларга бормайдилар. Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги айрим тарикатчилар орасида қуйидаги ноўрин ҳолатлар кўзга ташлананди:

- жамоат жойларида узун беўхшов соқоллар қўйиб олиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юриш;

- барча оила аъзоларини ҳам ўз пирларига хизмат қилишга мажбур қилиш;

- телевизор, радио каби ахборот воситаларидан фойдаланишни ман қилиш;

- ўз вояга етмаган фарзандларини амалдаги қонун ҳужжатларни қўпол равишда бузган ҳолда, давлат мажбурий таълимидан ажратиб олиб, пирлар қўлида диний таълим олишга бериш;

- ошаш жойларида оддий халқ билан умуман мулоқот қилмаслик;

- тилла тиш қўйган ёки соқолини қирдирган имомга иқтидо қилиш ножоиз дейиш.

Тарикатчилик вакилларида кузатилаётган ноўрин ҳолатларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- таркидунёчилик кайфияти;

- пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш;

- ибодат маросимларида ихтилофли масалаларга берилиб кетиш;

- эътиборни жалб қиладиган кийимда юриш (ёзда ҳам салла-чопон, махси-кавуш, узун жўйлак-нимча, беўхшов соқол қўйиш) орқали бошқалардан ажралиб туришга уриниш;

- ёш, мехнатга лаёқатли йигитларнинг пирлар этагидан тутиб ижтимоий сустлашиб кетиши, оилаларини тарк этиб, эртаю кеч пир хизматида – аслида эса худойи ва эҳсонларга қатнаб бекор юришлари ва ҳ.к.

3. Тарикатчиликнинг ижтимоий зарарлари. Тасаввуф деганда, оила, тирикчилик, масъулиятни унутиб, таркидунё қилиш тушунилмайди. Пайғамбар (а.с.): «Сизларнинг яхшиларингиз дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунёни тарк қилмайдиган ва одамларга малоллигини туширмайдиганларингиздир» деган ҳадисларидан ҳам шуни англаш мумкинки, мусулмон олам бошқаларга нафи тегадиган, оғирлиги тушмайдиган, оиласига ҳамхўрлик қиладиган бўлиши керак.

Баъзи кишилар тариқатга кирганларини пеш қилиб, ташқи қиёфа ва маросимларга катта аҳамият берадилар, аммо оилалари, фарзандлари олдидаги мажбуриятларини унутиб қўядилар. Улар оиласини ўзларича «Аллоҳга таваккал қилиб» мажбурий таъминотини тарк этиб, пир хизматини оила олдидаги вожиб масъулиятдан устун қўймоқдалар. Шу йўл билан, тасаввуфнинг асл моҳиятини англамаган ва ҳақиқатидан бехабар жоҳиллик отига минганлар тариқат аҳлига ҳам, тасаввуф номига ҳам доғ тушурмоқдалар. Тарикатчилар фаолияти туфайли ижтимоий низоларга сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳақида фикр юритар эканмиз қуйидаги ҳолатларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак бўлади. Тарикатчилар орасида:

- тариқатда бўлмаганларга нисбатан паст назар билан қараш кузатилади;

- илм олишга бўлган рағбатнинг сусайиши – гўёки «кўпгина авлиёлар ўқимасалар ҳам катта мақомларга етишганлар» каби лида иш тутиш;

- оилали тариқатчилар оилаларининг таъминотини «Аллоҳга таваккал» қилиб, пирдан вазифа олганлик баҳонасида оила моддий таъминотидан бош тортиш ҳолатлари;

- замонавий тараққиёт ютуқларига салбий муносабатда бўлиш, замонавий кийим кийиб юрганларга нисбатан яхши фикрда бўлмаслик ва ҳ.к.

Эҳтиёти пешин масаласи ҳам тарикатчилар томонидан илгари сурилаётган масалалардан бири бўлиб, бир қанча муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Юртимизнинг баъзи ҳудудларида жума намозидан кейин эҳтиёти пешин деб тўрт ракаатли намоз ўқиш одати мавжуд. Уламоларимиз фикрларига кўра бу иш бидъат ҳисобланади. Эҳтиётан пешин ўқилишининг Қуръон ва суннатда далили йўқ. Уламоларнинг фикрича ибодатнинг моҳияти Расулулоҳ (а.с.)нинг суннатларига мувофиқ бў-

лишдир. Жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш ҳақида эса Муҳаммад (а.с.) ҳеч нарса демаганлар.

Нурсафардия. Сапарбой Кушкаров 1952 йили Бахмал туманидаги Узунбулоқ қишлоғида туғилган. Маълумоти олий. Жаҳон тиллари институтини тамомлаган[285]. Бир неча чет давлатларда, жумладан, Ҳиндистон ва Тибетда сафарда бўлган. Ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида ҳеч қандай диний билимга эга бўлмаган ҳолда ва бирор бир тайинли тариқат вакилидан иршод-йўллама олмай туриб ўзини пир, шайх деб атай бошлади ва янги тариқат туғилганини эълон қилди.

Сапарбой Кушкаровга тегишли деб ҳисобланадиган бир қанча рисола ва китоблар нурсафардия тариқатининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилади. Унга нисбат берилаётган "асар"ларнинг ёзилиш услуби ҳам, мавзулар доираси ҳам яхлит эмас. Умуман мазкур китоб ва рисолалар бир киши томонидан ёзилганига ишониш қийин. Тилшунослик жиҳатидан ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланиб туришини қайд этиш лозим. Шунинг учун уларни шартли равишда муқовада кўрсатилган Сапарбой Кушкаров қаламига мансуб, дея оламиз, холос. Тасаввуф тариқатлари ўз-ўзидан, кимнингдир ихтиёри билан ташкил этиладиган (корхона очишга ўхшаш) иш эмас. Шариат илмларини тўла ўрганмаган, ёки етарли даражада эгалламаган Сапарбой Кушкаровнинг дабдурустдан янги тариқат – нурсафардияга асос солганини эълон қилиши, қўпол қилиб айтганда – тушуниб бўлмайдиган мантиқсиз ҳолдир.

Нурсафардия тариқатчилари томонидан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг диний таълим олиш хусусидаги банди бузилган. Қонунда айтиладики: "Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатидан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади... Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим. Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади". Нурсафардия марказларида суфийликни ўргатаётганларнинг махсус лицензияси ва диний таълим олгани ҳақидаги маълумотномаси йўқлиги аниқ.

Бугунги кунда юртимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган тариқатчилар умумий хавфсизликка таҳдид солмаяптилар, дейиш мумкиндир. Бироқ, бу – масалага доир бир неча муаммолар мавжуд. Шунингдек, тариқатчилар тарафдорларининг кўпайиши, моддий базасининг мустаҳкамланиши, тариқатлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг чуқурлашуви жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Тариқатчилар томонидан шариат талабларининг нотўғри талқин қилиниши, анъанавий ислом тамойилларига зид бўлган қоидалар ишлаб чиқилиши тариқат тарафдори бўлмаганлар ва расмий дин ходимлари ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари айрим тариқатчилар халқона табобат усуллари орқали даволаш, турли ўт дамламалар тайёрлаб сотиш, суфий табобати, суфий гимнастикаси, суфий жанг санъати каби марказларини очиб, шу орқали одамларнинг эътиборини жалб қилиш усулларидан ҳам фойдаланишмоқда. Бундай тариқатчилар ислом асосларини бузиб талқин қилиш, турли бошқа динларнинг таълимотларини ва амалиётларини тасаввуфга оид, деб тарғиб этиш, ислом динига алоқаси бўлмаган турли будда-вийлик ғояларини мусулмонлар орасида тарқалишига, уларнинг эътиқодлари бузилиши, соғлом ақидага путур етишига сабаб бўлмоқдалар. Ўзларининг ноқонуний фаолиятларини халқ табобати билан ҳаспўшлашга уринмоқдалар.

Тариқатчилар орасида учраб турадиган ўта гуруҳ аъзоларини пирига кўр бермаган бошқа оддий мусулмонлардан устун қўйиш, «пири йўқнинг – дини йўқ» қабилидаги гапларни тарғиб, ўзларича ибодат деб билаётган маросимбозликлар туфайли кибрга берилиб кетишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

[285] Комил Аюш. Нурсафардий. Ўзликни англаш хизбоси. – Тошкент: Муҳиба, 2007. – Б.8.

Тасаввуф одамларни турли табақаларга бўлиш, бировни бошқасидан устун қўйиш, одоб-ахлоқни қўйиб маросимбозликка берилиш, кимнингдир хизматига зўр бериб ўз ташвишларини ҳал этишдан четлашиб кетиш, ўзига ўхшаш бир инсонни бандага хос бўлмаган сифатлар билан улуғлаб, уни муқаддаслаштириб олишга чақирмаган. Тасаввуф кишилар орасида тенглик, биродарлик, ижтимоий адолат, жамиятга манфаатли меҳнат фаолияти билан машғул бўлишни тарғиб этган. Баҳоуддин Нақшбандининг «дил ба Ёру даст ба кор» шиори бунинг ёркин исботидир.

Мовароуннаҳр тасаввуфи мусулмон мамлакатлари ижтимоий-маънавий ҳаётига чуқур кириб борган, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатганини мутахассислар ҳам қайд этганлар. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиши ва кишилар ҳаётида муҳим воқеъликка айланишида мовароуннаҳрлик Ҳаким Термизий, Абу Бакр Колободий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Сўфи Аллоҳёр ва бошқа тасаввуф олимларининг араб, форс ва туркий тилларда битган асарлари ислом оламида ҳозирга қадар эъзозланади. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўрта асрларда энг кенг тарқалган уч тил – араб, форс ва туркийда асарлар бита олиш малакаси асосан Мовароуннаҳр уламоларида шаклланган. Зеро, минтақа аҳолисининг талаб ва эҳтиёжи ҳам айнан шуни тақозо қилган эди.

Алломаларимиз меросида фарзандни жисмонан бақувват, ақлан заковатли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашнинг йўллари илмий асослар, ҳаётий тажриба, муайян қарашлар тизимида чуқур таҳлил қилинган. Мана шу каби хусусиятлар билан бир қаторда фарзанд тарбиясида бағрикенглик, диний-ийлик ва дунёвийлик масалаларида мувозанат ҳиссини шакллантириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Марказий Осиё тасаввуфи ва тариқатчилик ўртасидаги номутаносиблик айнан ўша улкан илмий мерос ва анъанавийликдан узоқлашишнинг натижасидир. Мумтоз тасаввуфга хос гўзал ахлоқ, юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, комил инсон, нафс тарбияси, ватанпарварлик каби ғоялар халқимизнинг асрлар давомида такомилига

етиб борган маънавий бойлигини ташкил этади. Ҳозирги шароитда ҳам тасаввуфнинг ана шундай хусусиятларини кўрсатиб бериш, кишиларни турли асоссиз ғоялар ва маслакларга адашиб кириб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Мавзу бўйича саволлар

- Тариқат ва тариқатчилик тушунчалари орасида қандай тафовут мавжуд?
- Тариқатчиларнинг ижтимоий соҳада бекарорликни келтириб чиқарувчи қандай ҳолатлари кузатилади?
- Пурсафардининг ноўрин фаолияти айнан нималарда кузатилади?

Мустақил иш топшириқлари: *Тариқатчи гуруҳлар интернет сайтларидаги фаолияти таҳлили.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юлдашходжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

2. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар. Усманов И. ва бошқалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.

3. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.

4. Суҳравардий. Авориф ал-маориф / Иҳё улум ад-дин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. Т.5. – Б. 69-71.

2-§. Глобаллашув ва жараёнлари тасаввуф: бугунги кунда тасаввуфга муносабат

Дарснинг мақсади:

1. Ҳозирги замонда тасаввуфий ташкилотлар фаолияти ва глобаллашув шароитининг замонавий тасаввуфга таъсири тўғрисида маълумот бериш.

Режа:

1. **Тасаввуф ва глобаллашув жараёнлари.**
2. **Тасаввуфнинг Европага тарқалиш омиллари.**
3. **Халқаро Суфийлик Тариқати.**

Таянч иборалар: *глобаллашув, диний идентификация, "суфий клублар"*

1. Тасаввуф ва глобаллашув жараёнлари. Кундалик ҳаётда глобаллашув деганда, асосан умуминсоний аҳамиятга эга муаммоларни тушуниш кенг тарқалган. Бундай тушунча бирёқламалик бўлиб, тушунчанинг туб моҳиятини очиб бера олмайди ва унинг фақат салбий ҳодиса сифатида талқин этилишига олиб келади. Ваҳоланки, энг умумий маънода, глобаллашув бир томондан, муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканини англатади. Шу билан бирга, сиёсий глобаллашув ҳамда фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳамда ғоявий таъсир, тарғибот ва ташвикот билан боғлиқ мафкуравий глобаллашув ҳам содир бўлаётганини ёддан чиқармаслик зарур[287].

Замонавий халқаро муносабатларда дин омили тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу омилга асосан, кўпгина диний ташкилотлар ва бирлашмалар халқаро сиёсатда фаол иштирок этмоқдалар. Халқаро жараёнларнинг глобаллашуви ҳамда халқаро муносабатларнинг уйғунлашуви шароитида дин айрим давлатлар,

[287] Отажонов А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 113.

давлатлараро иттифоқлар ва тузилмаларнинг ўзини-ўзи англаши учун зарурий воситага айланди. Динлар ва диний жамоалар ҳудудий чегараларни тан олмаслиги сабабли, бир давлатда яшовчи бирор-бир дин вакиллари бошқа давлатда яшовчи диндошлари билан мунтазам равишда алоқа қилиб, халқаро муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатиб келадилар[288]. Шу билан бирга, диний омилнинг фаоллашуви натижасида фундаментализм, миссионерлик, прозелитизм каби ғояларнинг машҳудлиги ҳам халқаро майдондаги барқарорликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатувчи зиддиятларни юзага келтиради.

Бугунги кунда жаҳон маънавий муҳитини ғарб андозалари асосида шакллантиришга зўр бериб интилиш амалиёти уни мутлақ истамаётган халқлар ва цивилизацияларда улкан норозиликлар келтириб чиқармоқда. Таъбир жоиз бўлса, айнан уларнинг ўзларида қандайдир тескари куч, яъни ғарб цивилизациясини йўқ қилиб, дунёни аксилғарбий тарзда ўзгартиришга бўлган интилишлар ҳам шу тарзда кучаймоқда[289].

Замонавий тараққиётнинг муҳим хусусиятларидан бир ҳам дунё, ҳам ҳар бир алоҳида давлат сиёсати, қолаверса, цивилизациялар, маданият ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар тизимига мусулмон оламида рўй бераётган воқеаларнинг аниқ таъсирининг кучайиши десак, хато бўлмайди[290]. Шундай таъсирлардан бир кўриниши – тасаввуфий тариқатлар орқали кечаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, тасаввуфнинг ҳар қандай муҳитда яшовчанлиги унинг турли халқларнинг маданий ютуқлари ва миллий урф-одатларини ўзлаштириб, исломий кўринишда қайта тақдим эта олиш хусусияти билан белгиланади[291].

[288] Лукашук И., Саидов А. Ҳозирги замон ҳалқаро ҳуқуқи назариясининг асослари. –Тошкент: Адолат, 2006. Б. 353.

[289] Миллий манфаатлар ва бошқарув маънулияти. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. Б. 179-182.

[290] Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган диний. –Тошкент: Академия, 2008 – Б. 40.

[291] Қаранг: Аюшушкин О. Суфийские братства: сложный узел проблем. / Предисловие к Тримингем Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 3-17.

Тасаввуф тарихига назар солинса, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма-хиллиги суфийлар ҳаёти ва дунёқарашига таъсир этиб турганини кўрамиз[272]. Тариқатларнинг ривожига Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирларнинг хизмати катта бўлган. Улар томонидан бойитилган тасаввуф таълимоти халқни жипслаштириб, жамиятнинг турли қатламлари орасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталари илдиз отишига замин қолдирлаган.

Шарқдаги мусулмон давлатларда, қисман жанубий шарқий ва ғарбий Европа давлатларида ҳам XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, тариқатларнинг сиёсий ҳаётда фаоллашуви, тасаввуфнинг жамиятнинг турли қатламларига таъсири тобора ошиб бораётгани, юртимизда ҳам бу ходисанинг ўзига хос кўринишлари кузатилаётгани – бу жараёнларни чуқур тадқиқ этиб бориш лозимлигини кўрсатади. Чунончи, айрим Шарқ давлатларида тариқатларнинг манфаатларига хизмат қилувчи партиялар ва уларнинг етакчилари илгари сураётган ғоялар орқали тариқатларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, диний-фундаменталистик ғоялар кенг тарқалган айрим давлатларда тасаввуфга муносабат нисбатан салбий тус олгани намоён бўлади. Европа давлатларида ҳам тасаввуфий анъаналар ўзига хос ғарбона хусусиятлар касб этиб бормоқда. Тариқатлар замонавий ахборот коммуникацияси воситалари – Интернет, сунъий йўлдош орқали узатилувчи телеканаллар, даврий матбуот каби ОАВнинг турли соҳаларидан унумли фойдаланган ҳолда европаликлар ва мусулмон иммигрантлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

2. Тасаввуфнинг Европага тарқалиш омиллари. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда Европа давлатларида тасаввуф асосан, мусулмон муҳожирлари ҳисобига тарқала бошлагани кузатилди. Жумладан, Буюк Британияга ўзининг тасаввуф анъаналари кенг тарқалган собиқ мустамлакалари – Ҳиндистон, Покистон, Бангладешдан, Францияга эса, Туркия, Жазоир, Тунис, Марокаш каби давлатлардан келган муҳожирлар тасаввуфий қадриятларга содиқ қолган ҳолда янги муҳитда ўз диний анъана ва маросимларини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Натижада Европа давлатларида аста-секин янгича ҳаётга мослашган тариқатлар ҳам кўргак ёза бошлади ва уларнинг баъзилари туб аҳоли орасида ҳам муваффақият қозона олди.

[272] Комилов Н. Тасаввуф. , – Тошкент: Маънавият, 2009. – Б 15.

Шу ўринда Ғарбдаги муҳожирларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ғарб маданиятига таъсир доираси нечоғлик экани янада ойдинлашади. Миграцияга бағишланган тадқиқотларда муҳожирларни қабул қилувчи жамиятга миллий озчиликнинг интеграциялашувида асосий тўртта модель кўрсатилади: 1) – империалистик, унга кўра ягона этнос доминант ва имтиёзларга эга бўлган, мультиэтник жамиятга бошқа халқларнинг интеграцияси. 2) республикача, бу модель империалистик моделга зид бўлиб, унда миллат сиёсий ҳамкорлик сифатида намоён бўлади ва халқлар конституция, қонунлар ҳамда фуқаролик асосида бирлашади. 3) этник, яъни бирёқлама, ёпиқ жамият, унда фуқаролик ҳуқуқлари таъминланиши ва ижтимоий ҳаётдаги мавқе кабилар миллий асосга кўра амалга ошади. 4) мультимаданият, ҳар бир муайян давлатга нувофиқ тарзда, турлича бўлади. Унинг асосий жиҳати – муҳожирлар уларни қабул қилувчи жамиятнинг сиёсий тартиб-қоидаларига рози бўлган ҳолда, ўзларининг этно-конфессионал ва маданий ўзига хосликларини сақлаб қолишлари мумкин бўлади, ҳатто баъзи ҳолларда бунга рағбатлантирилади. Мазкур моделни ўзида татбиқ этаётган давлатлар қаторида Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Австралияни қайд этиш мумкин. Ўта либерал мультимаданият стратегияси баъзан салбий оқибатларга олиб келиши ҳам кузатилади. Масалан, Буюк Британияда оқ танли бўлмаганлар британияликлар қадриятларини қабул қилишга мажбур этилмаслиги, давлат миллий озчиликка тегишли диний ва маданий соҳаларни қўллаб-қувватлаши ҳақидаги талаблар янграй бошлади. Мультиэтник Британия кўплаб жамоалардан ташкил топиб, уларнинг барчасини бир-бирига боғлайдиган ва манфаатларини марказий ҳокимият олдида ҳимоя қиладиган миллатлар ҳамдўстлигига эга эмаслиги ҳам жамиятда этник бегоналашувни ҳамда ҳар бир этник қатлам-

нинг ўз кобиғига ўралиб колиб, сепаратистик кайфиятларнинг вужудга келишига олиб келмокда"[203]. Глобаллашув жараёнлари тезлашиб бориши, халқаро меҳнат тақсимоти ҳамда араб давлатларидаги иқтисодий ислоҳотларнинг салбий оқибати ўлароқ юзага келган жамиятдаги табақалашувнинг кучайиши каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар мусулмонлар томонидан вестернизация билан бир қаторда Ғарб мажбурлаб тиқиштираётган ёт ҳодиса сифатида нохуш қабул қилинмоқда. Шу жиҳатдан ҳам диний таассубнинг авж олиши – ислом цивилизациясининг замонавий дунёнинг чақириғига жавоби, деб баҳоловчи қарашлар ҳам вужудга келган. Дунёдаги талайгина мусулмонлар ислом дини ва маданияти, тарихий анъаналарининг сақланиб қолиши жамият ривожининг муҳим шарти деб ҳисоблайдилар[204]. С.Хантингтон ҳам машҳур америкалик диншунос Г.Вейгелнинг: "XX аср якунига кўра десекуляризация – энг доминант ижтимоий омилга айланди", деган фикрига қўшилади. Шунга асосан, бундай ҳолатда халқлар миллий давлатга мансубликдан кўра, диний идентификацияни кўпроқ ҳис эта бошлайдилар[205].

Мана шундай чигал вазиятда тариқатлар қайсидир маънода муҳожирларнинг ўз этноконфессионал идентикликларини сақлаб қолган ҳолда ғарб жамиятига интеграциялашувида воситачилик ва руҳий-маънавий тасалли вазифасини ўтаётгани кузатилади.

Ҳозирда Европада тариқатлар ўз фаолиятларини қуйидаги шаклларда ташкил этган: жамоавий зикр гуруҳлари, Шарқ давлатларидаги мавжуд тариқатларнинг Ғарбдаги бўлинмалари, умумий тасаввуфий қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда янгича тарғибот усулларидан кенг фойдалапувчи интеллектуаллашган тўгараклар кўринишида, Шарқ маданияти намуналари мухлисларини ўзига жалб этувчи "тасаввуф клублари" ва бошқа

[203] Қаранг: Плещунов О. Политика мультикультурализма в Великобритании и радикализация исламской молодежи страны // Восток (Orient) № 1. Москва: Наука, 2009. С. 100-103.

[204] Қаранг: Долгов Б. Арабский мир в начале XXI века: между демократией и исламизмом. // (Orient) № 5, – Москва: Наука, 2009. – С. 90.

[205] Тихонравов Ю. Геополитика. – Москва: ЗАО. "Бизес школа "Интел-Синтез", 1999. – С. 202-205.

маданий муассасалар кўринишида. Европада энг кенг тарқалган тариқатлардан шозилия, нақшбандия, исъматуллоҳия ва тижонияларни келтириб ўтиш мумкин.

Ғарбда шаклланган тариқатлар ўз тарғибот фаолиятларида ноанъанавий услублардан кенг фойдаланадилар, жумладан, дунёвий университетларда маърузалар ўқиш, семинар ва конференциялар ташкил этиш, хайрия кампанияларини уюштириш билан шуғулланадилар, шу билан бирга, улар ўз нашрлари ва телерадио тармоқлари, интернет сайтлари, даврий матбуоти чиқариш, ёшлар тарғиботи учун ёзги лагерлар уюштириш, боғча, мактаб ва ҳатто мехрибонлик уйлари ташкил этиш имкониятига эгадирлар.

Социалистик лагернинг қулаши натижасида Шарқий Европа давлатларида ҳам тариқатларнинг жонланиши кузатилди. Жумладан, Албаниядан XX асрнинг 90-йилларида тариҳан машҳур бўлган Бектошия тарикати "қайта тирилди". Мустафо Камол Отатурк даврида Туркияда, грек оккупантлари, кейинроқ коммунистлар даврида таъйиқларга учраб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасида қолган мазкур тариқат яна тикланди[206]. Шу билан бирга, XX асрда Шарқ давлатларида бошланган секуляризация жараёнлари ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Ҳатто динга ҳам, дин орқали тариқатларга ҳам бу жараёнлар ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Секуляризация таъсири деярли сезилмасдан, аммо муттасил равишда давом этди[207].

Мусулмон Шарқида тариқатларнинг қайта жонланиши. Ҳозирги кунда мусулмон дунёсининг деярли барча давлатларида турли тасаввуфий тариқатлар фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Ливия, Жазоир, Тунис, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон каби давлатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш қийин. Шу билан бирга, уларнинг кўпчилиги тасаввуфнинг илк сарчашмаларидан анча узоқлашиб кетгани кўзга ташланади. Хусусан, Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатлар буддавийлик, хиндуийлик

[206] Қаранг: Кныш А. Суфизм. – Москва: Дом, 2004. – С. 321.

[207] Тримингем Дж.С. Суфийские ордены в исламе. / пер. с английского А.Ставиской. – Москва: Наука, 1989. – С. 135.

диплари ва қадимги ҳинд фалсафасидан бир қадар таъсирланганини кўриш мумкин. Барлавия, мехманлия ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух, яъни руҳнинг кўчиб юриши гояси кенг ўрин олган. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўш қўядилар ва унга Муҳаммад пайғамбар руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Масжидларининг қибла тарафида эса ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабри жойлашган бўлиб, намоздан аввал ва кейин уни тавоф қиладилар[298].

Тасаввуфга нисбатан ижобий мавқени эгаллаган Осиё ва Африка давлатларида тариқатлар глобаллашув шароитида ўз аъзолари сонини кўпайтириш йўлида қўллаётган услуб ва воситалар, шу қаторда, МДҲ давлатларида ва хусусан, Ўзбекистонда фаоллашуви кузатилган тариқатларнинг баъзи ҳолатларда минтақа учун ноанъанавий бўлган амалиёт ва ғояларни қўллаши эътиборни жалб эта бошлади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, баъзи мусулмон давлатларда тариқатлар замонга мослашувчанлик намуналарини кўрсатиб, жамиятдаги янги функцияларни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Индонезияда айрим тариқат дарғоларида суфиёна машқлар, зикр ва медитация орқали гиёҳвандлик таъсиридан қутулиш ҳамда руҳий хасталикларидан даволанишни таклиф қилинмоқда[299]. Бу ҳам ташвиқотнинг ўзига хос кўринишни сифатида баҳоланиши мумкин.

Бугун тасаввуф тариқатлари Миср, Покистон каби давлатларда ҳамон сезиларли ижтимоий-сиёсий куч сифатида жамиятда салмоқли "вазн"га эга. Сенегал, Судан ва яна бошқа араб ўлкаларида сиёсий партиялар тегишли тариқатларнинг манфаатларини ифода этишини кўриш мумкин.

Африка ва Осиёдаги мусулмон давлатларда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб тариқатларнинг сиёсий ҳаётда фаоллашуви кузатилади. Бугунги мураккаб шароитда минтақанинг етакчи давлатлари тасаввуфга қаратаётган эътибор қўшни давлатлар-

[298] Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 3-8.

[299] Кныш А. Суфизм. – Москва: Диля, 2004. – С. 332.

да ҳам акс-садо бермай қолмайди. Зеро, жиддий ўзгаришлар бўсағасида турган бу мусулмон давлатлар учун диний асосдаги сиёсий жараёнлар катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда[300].

Марказий Осиё республикаларида диний қадриятларнинг тиклана бошлаши "қайта қуриш" давридаёқ бошланган ва совет исломшуносларининг орасида айнан тасаввуфга қизиқиш орта бошлаган эди. Турли илмий ва илмий-оммабоп журналларда ҳам ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳолат Собиқ Иттифоқ ҳудудида шаклланаётган "қайта исломлашув" жараёнларида кўзга ташланган эди[301]. Мана шу ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўлқинида МДҲ давлатлари ва хусусан, Ўзбекистонда анъанавий ва ноанъанавий тариқатлар фаолияти ҳам куртак ёза бошлади.

Глобаллашув жараёни нафақат иқтисодий, балки маънавий-ахлоқий, ижтимоий-маданий жабҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундай шароитда атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга хушёр ва теран назар билан қараб, уларга ўз вақтида тўғри ва холисона баҳо бера олиш даврнинг энг бирламчи ва долзарб талабига айланиб бормоқда.

Неосуфизм – ҳозирги иқтисодий глобаллашган дунёда транснационал корпорациялар шаклида иш юритувчи, тариқат хусусиятларини ўзида акс эттирган диний-фалсафий оқимларни ва кишлари фаолиятининг умумлашган номидир. Транснационал корпорациялар ҳақида сўз кетар экан, бу иқтисодий атамага қисқа бўлсада тушунча бериб ўтиш ўринли бўлади. Транснационал корпорациялар деганда ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш ҳамда интеграциялашув сиёсати, фирма, компанияларнинг бир мақсадни кўзлаб қўшилиши ҳисобига пайдо бўладиган йирик иқтисодий потенциалга эга ушбу корхоналар тушунилади[302]. Бундай корпорация бир неча ўлкаларда саноат бирлаш-

[300] Усмонов И. Глобаллашув шароитида замонавий тасаввуфий тариқатлар. // Давлат ва жамият бошқаруви. Тошкент: 2012. № 1.

[301] Бабаджанов. Б.М. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912-1998). Сост. и отв. редактор А.А.Хисматуллин. – Санкт-Петербург: Филологический факультет СПб ГУ, 2001. – С. 332.

[302] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий

маларига эга бўлади. Бошқа манбаларга кўра, халқаро фаолият асосий аҳамият касб этадиган бирлашмалар "Транснационал корпорациялар деп номланиши мумкин[303].

Ниҳоятда катта пул айланмасига эга бўлган бундай корпорациялар иҳтисослашувига кўра, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, банк, сугурта ва бошқа тармоқларда фаолият олиб бориб, асосий эътиборни қабул қилувчи давлатларда ўз ишўъба-корхоналарини очиб, шу йўл билан халқаро майдонни эгаллаш ва ўз мавқеини халқаро миқёсда мустаҳкамлаб боришга қаратади.

Глобаллашув шароитида иқтисодий интеграциялашувнинг асосий киёфаларидан бирига айланиб бораётган мазкур ҳодисанинг акс-садолари ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Дунёнинг турли чеккаларида юзага келаётган турфа хил инқироз ва тангликлар глобаллашув жараёнлари натижасида жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Шу билан бирга, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит кўринишга келтира бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи ўлароқ алоҳида миллат ва жамиятлар ҳаётида ўзликни англашга, ўзига хосликни сақлаб қолишга бўлган интилишлар ҳам юзага келмоқда. Бу эса, кишиларни яна турли диний жамиятларга ва этник жамоаларга бирлашишга ундамоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда диний характердаги турли гуруҳ ва маслаклар жаҳоний даражада бирлашгирувчилик вазифасини бажаришга даъвогар бўлиб чиқа бошлади. Бу ҳаракатлар умумлашган ҳолатда "Янги Давр" ("New Age") дини деб номланиб, аслида XX аср бошларида Ғарбдаги теософия жамиятлари таъсирида юзага келган[304]. Бунинг натижасида XX асрнинг кўплаб диний-фалсафий оқимларида ўзига хос ўзгариш ва тойилишлар, диний манзарада эса, коммерциялашишга мойилликлар кўзга ташлана бошлади. Яъни бошқача қилиб айтганда, Ғарбдаги айрим диний оқимлар – "Биз қавмимизга руҳий озиқ-

[303] Михайлушкин А. И., Шёмин П. Д. Экономика транснациональной компании: Учеб. пособие для ВУЗов — Москва: Высшая школа экономики, 2005. С. 24.

[304] Қаранг: Baer Randall N. Inside the New Age Nightmare. Huntington House. 1989. – P. 47.

ишталик ва таскин берамиз, улар эса, бунинг учун бизга ҳақ тўлайдилар", қабилида "янгича ёндашув" билан иш кўра бошладилар"[305]. Диний ташкилотлар ҳудудий чегарланишни тан олмаслиги жиҳатидан, ана шундай "янгича ёндашув"га эга бўлган айрим диний-фалсафий оқимлар том маънода халқаро миқёсдаги Транснационал диний корпорацияларга айланиб бора бошлади.

Ғарбдаги бу жараёнлар албатта у ерда ўрнашиб, ўзига хос шаклларга кира бошлаган тасаввуфий доираларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. XX аср охирларига келиб, тариқатлар ўзларининг минтақавий хусусиятларини йўқотиб, тобора қамровини кенгайтиришга бўлган уринишлар кўзга ташланмоқда. Бунда улар жаҳон динларига хос жиҳатлардан бири – "универсализм"га мурожаат қилиб, кишиларни миллатидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва хатто динидан қатъий назар ўз тариқатларига қабул қилишлари мумкинликларини даъво қилмоқдалар. Албатта, бунинг натижасида тариқатнинг мухлислари томонидан келиб тушадиган хайр-эҳсонларнинг кўлами янада кенгаяди, тингловчилар сони ҳам борган сари кўпайиб боради.

"Универсализм" ислом, христианлик, буддавийлик каби жаҳон динларига хос тушунча бўлиб, инсонларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар нажотга эришиш имконияти мавжудлиги ҳамда миллий ва уруғ-қабилавий динлардан фарқли равишда, бутун башарият учун мўлжалланганликни ифода этади. Исломдаги тариқатлар ёки христианликдаги роҳиблик орденлари эса, мазкур динлар таркибида вужудга келган ва таъбир жоиз бўлса, муайян ижтимоий доираларнинг маслак ва қарашлари асосида таркиб топган жамоалар ҳисобланади. Гарчи уларнинг баъзиларида ўта ўзига хосликлар ва диний асослардан узоклашувлар кузатилган бўлсада, тариқатларнинг ҳеч бири мустақил диний жамоа даражасида баҳоланмаган. Афтидан, "универсализм"ни даъво қилаётган айрим тариқатлар шу йўл орқали мақсадларига тўғанақ бўлиши мумкин бўлган барча диний "тўсиқ"ларни ҳам ошиб ўтиб, чегара билмас ташкилотларга айланишни мўлжаллаган кўринади.

[305] Қаранг: Дворкин А.Л. Сектоведение. Нижний Новгород, 2002 г. – С. 492.

Тариқатларнинг Транснационал уюшмаларга айланиб бориши ҳақида гап кетганда бир қатор ўзига хосликлар кўзга ташланишини ёддан чиқармаслик зарур. Бу ўринда молия-иқтисодий манфаатларгина эмас, балки мафкуравий, руҳий-маънавий устунликка эга бўлиш учун кураш жараёнлари ҳам майдонга чиқиши сир эмас. Муайян бир дин (ислом) вакиллари ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб бориш табиий равишда маълум чекловларга амал қилиш, маълум чегаралар доирасида фаолият юритишни тақозо этади. Бунинг устига, ҳозирда мусулмон оламидаги тариқатларнинг сони ниҳоятда кўплигини ҳисобга олсак, қайсидир маънода улар орасида рақобат муҳитининг мавжудлиги ҳам кўзга ташланади. Чунки, ҳар қандай тариқат ҳам ҳозирги замон кишисининг "нега айнан шу тариқат?" деган саволига жўнли жавоб топиб беришнинг имконини топа олмаслиги мумкин. Ҳозирда айрим тариқатларнинг нафақат географик, балки, диплараро чегараларни ҳам ошиб ўтишга ҳаракат қилаётгани:

– бир тарафдан тарғибот қамровини кенгайтириш, аъзолар сонини чексиз миқдорларга кўпайтириш, жаҳоний даражада нуфузга эга бўлишга интилиш деб баҳоланса;

– бошқа тарафдан, уларнинг ўз муҳитида, мусулмонлар орасида етарли нуфузга эга бўла олмагани, анъанадан четга чиқмаган тариқатлар билан рақобатлаша олиш салоҳиятига эга эмаслиги сабабидан ҳам ўз тарафдорларини бошқа дин вакиллари орасидан излашга олиб келган, дейиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида мазкур тариқатларнинг анъанавий тасаввуф сулукларидаги олдида бир қадар заифлиги, улар билан бир саҳнда туришга ожизлигини кўрсатади;

– учинчи тарафдан эса, моддий манфаат, ҳар қандай қулай вазиятдан фойда ундириб қолишга бўлган интилишнинг кучлилиги яққол кўзга ташланадиган бундай тариқатларда, тарғибот учун дуч келган услубдан тап тортмай фойдаланиш, ўрни келганда ёлғон маълумотлар, ваҳима хабарлар тарқатиш кабиларни ишга солиниши уларни нг анъанавий эътиқод вакиллари томонидан рад этилишига олиб келган.

Ҳозирда Европанинг кўпгина ҳудудларида аъзолар йиғинида фаоллик кўрсатаётган тариқатларнинг аксариятида юқорида келтирилган тамойиллар илгарилаб кетаётгани қайд этилмоқда. Миссол учун мавлавийларнинг мусиқа ва рақс жўрлигидаги йиғинлари европаликлар учун ўзига хос "шарқона экзотика" бўлиб туюлсада, шу ердаги тариқат шўъбаларининг молиявий таъминотини ҳам қоплаш баробарида, мусулмон бўлмаган ерли аҳолига визуал тарғибот воситаси вазифасини ҳам ўтамоқда. Шу ва бошқа йўллар билан жамланган тариқат мухлисларининг аксарига исломни қабул қилмай туриб ҳам суфийлик машқлари ва руҳий-маънавий кўникмаларини ўзлаштириши мумкинлиги тўғрисида қатъий ишонч сингдирилмоқда. Румийнинг ўзи эса, номусулмон европаликлар учун Шарқдан келган навбатдаги "маънавий раҳнамо" – "гуру" сифатида талқин этилмоқда[305]. Бу ҳолатларни Ғарбдаги бошқа бир қатор тариқатларда ҳам кузатиш мумкин.

Масаланинг моҳиятини ойдинлаштириш учун мазкур иддаони илгари сураётган тариқатлардан баъзиларининг фаолиятига назар ташлаш керак бўлади. Бу мақсадни амалга ошириш учун юқоридаги тамойилларни ўзлаштиришда анча илгарилаб кетган тариқат –Халқаро Суфийлик Тариқати фаолияти ва тарғибот услубларини кўриб чиқиш етарли бўлади. Айнан мазкур тариқатнинг танлаб олинишининг сабаби – уларнинг рус тили орқали мулоқот қилиш имконига эга МДҲ давлатлари аҳолиси орасида ҳам тарғибот бошлаганидир. Тарғиботлар аксар ҳолда жонли тарзда бўлмай, кўплаб Интернет сайтлари орқали олиб борилмоқда. Халқаро Суфийлик Тариқати кўпрок маҳаллий европаликларни (руслар) ўзига жалб этишни мақсад қилиб қўйган дейиш мумкин.

Умуман олганда, Ғарбда бу каби ғайриодатий-ноанъанавий тариқатлар анча ривожланган бўлиб, аслсан, XX аср бошларида ва ўрталарида Европа ва АҚШда урф бўлган Шарқ диний-фалсафий таълимотларига қизиқишнинг ошиб кетиши ва бу иштиёқнинг натижаси ўлароқ, Ҳиндистон ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидан турли шарқона дин вакиллари Европага ёпирилиб кириши, йога, медитация ва умуман, Шарқ фалсафасидан сабоқ

[305] Қаранг: Уинтер Ж. Тижати. XXI асрда ислом. – Тошкент: "Шарқ" НМАКЪ, 2005. – Б. 190.

берувчи «гуру» топишга қизиқаётган европаликларга ўзларининг «хизматларини» таклиф қилиши билан бир вақтда изга келган.

Ғарбдаги турли суб-маданиятларнинг синкретик синтези натижаси бўлган – "New Age" эътиқоли бу каби бехисоб "гуру" ва "пир"ларнинг рақамоси сифатида майдонга чиқди. Шарқдан кириб келган ҳар қандай ноанъанавий диний-фалсафий таълимотлар қисқа муддат ичида Европада катта шуҳрат қозониб, тўп-тўп мухлисларга эга бўлаётган эди. XX асрнинг 70-80 йилларида Европа ёшларининг "юлдузига" айланиб улгурган кўплаб замонавий мусиқа ва кино санъаткорларининг маълум бир шарқона таълимотга кириши ёки ўз гурусига эгалиги бу жараённи янада оммалашиб кетишига сабаб бўлди[307].

3. Халқаро суфийлик тариқати. Бугунги кунда Транспационал-диний корпорацияларга айланиб бораётган тариқатлардан яна бири – Халқаро Суфийлик Тариқати номи билан фаолият юритаётган тариқат аслида Ғарбга Чиштия тариқатининг кичик бир шохобчаси сифатида кириб келган эди. Бугунги кунда бу тариқат АҚШ ва Европада анча машҳур бўлиб, МДҲ давлатларида ҳам фаоллашуви кузатилмоқда. Хусусан, тариқат асосчисининг деярли барча асарлари рус тилига таржима қилиниб, 1997-2000 йиллар оралиғида Москвадаги «Сфера» нашриётида чоп этилган. Китобларнинг электрон нусхалари Интернет саҳифаларига жойлаштирилган бўлиб, баъзи вебсайтлар фақат асарларни онлайн тизимида ўқиш учун тузилган. Тариқатдаги тамойилларнинг вужудга келиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун албатта, унинг асосчисининг ҳаёт йўли ва тариқатнинг яқин ўтмишдаги тарихи ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш лозим. Асосчининг таржимаи ҳоли унинг психологик қиёфасини, у орқали эса, тариқат, унинг аъзоларининг руҳий ҳолатини очиб беришда хизмат қилиши мумкин.

Тариқат асосчиси Иноят Хон (инг. Inayat Khan, урду: 1882-1927 оралиғида яшаб, ижод қилган ҳиндистонлик суфий файласуф, мусиқанавис бўлиб, Ҳиндистоннинг Ғужарот вилояти Вададора шаҳрида зодагон мусулмон оиласида туғилган. Аввалига

[307] Қаранг: Дворкин А.Л. Сектоведение. Нижний Новгород: 2002 г. – С. 134.

Чиштия тариқатига мансуб бўлиб, ушбу тариқатнинг Низомин шаҳобчаси шайхи Муҳаммад Абу Ҳошим Мадаийдан баъиатлов олган. Шу билан бирга, у Суҳравардия, Қодирия, Нақшбандия тариқатларига ҳам кирган. Унинг силсиласи Абу Исҳоқ Шомийдан (ваф. 940 й.) орқали чиштия тариқати асосчисига, ундан Посириддин Чироғ Деҳлавийга (ваф. 1356 й.) бориб тақалади, дейилади.

Иноят Хон ўз шайхининг ундови билан 1910 йилда аввалига Европани, кейинроқ суфий пир сифатида уччала қитъани саёҳат қилди. Иноят Ню-Мехиколик Ора Рей Бейкер исмли аёлга уйланган, оиласи билан Париж яқинидаги Сюренда истиқомат қилди. У 1914 йили Ғарбда (Лондон) суфий тариқатига асос солиб, ўзи шундай номлаган "универсал суфийлик"дан сабоқ берди. У Ғарбга аввалига, ҳиндолий-ҳиндистонлик мумтоз мусиқачи сифатида борди, бироқ тез орада суфий тафаккури ва амалиётини сингдиришга ўтди. Кейинроқ, 1923 йилда Лондонда асос солинган суфий тариқати таркатиб юборилиб, Швейцария қонунларига мувофиқ тарзда, янги "Халқаро Суфийлик Ҳаракати" (International Sufi Movement) ташкил этилди. 1922 йилда Нидерландиянинг Катвейк вилоятида ёзги таълим вақтида ўзига хос "руҳий тажриба"ни[308] бошдан кечирди. У шу вақтгиёқ шогирдларига медитацияга киришишни ва ўша ерни муқаддас деб билишни буюрди. Бу ерда 1969 йили "Универсал суфий ибодатхонаси" (Universal Sufi Temple) қурилди. Иноят Хон 1926 йилнинг охирида Ҳиндистонга қайтди ва у ерда ўз қабрининг ўрнини танлади. Бу Деҳлидаги "Низомиддин Даргоҳ" мажмуаси бўлиб, Чиштия тариқати асосчиси Низомиддин Авлиё (ваф.1325 й.) шу ерга дафн қилинган. Иноят Хон тез орада – 1927 йилнинг 5 февралида вафот этди[309]. Унинг миссияси – муҳаббатга йўналтирилган таваҳҳуд, мутаносиблик ва тўғрилик тушунчаларига асосланади. Иноят Хон ҳаракатининг шўъбалари Нидерландия,

[308] «Spiritual experience», тариқат ўз вакилларини ифодалашда кўпинча арабча жўмлалар ишлатгани сабабли баъзи ўринларда янгича назарда тутилаётганини тушуниш мушкул. Эҳтимол, экстаз ёки галлюцинация ҳолатлари кўзда тутилаётган бўлса, бунг тасаввуфдаги "жазба" ёки "истиғроқ"га қиёслаш мумкиндир.

[309] http://en.wikipedia.org/wiki/Inayat_Khan

Франция, Англия, Германия, АҚШ, Канада, Россия ва Австралияда ҳам тонилади.

Иноят Хоннинг қисқача таржимаи ҳоли шулардан иборат. Қолган ўринларда асосан унинг мусиқа санъатига қўшган ҳиссаси ва дунё бўйлаб қилган сафарлари зикр қилинади. Фақат шуни қўшимча қилиб ўтиш керакки, Иноят Хон 1913 йилда Россияга ташриф буюрган ва етти ой давомида концерт ва маърузалар қилиб, зиёлилар билан яқин муносабатлар ўрнатган эди. Бу вақт ичида у Россияда "Руҳнинг эркинлиги ҳақида суфиёна нома" номли асар чоп этишга, "Суфий тариқати"нинг филиалини очишга улгуради. Айтиш жоизки, Иноят Хон мусиқа борасида анчагина истеъдодли бўлиб, рус санъат аҳли билан ҳамкорликда балет ҳам саҳналаштирди[314].

Иноят Хоннинг ўлимидан кейин унинг васиятига кўра тариқатга иккинчи ўғли Пир Вилоят Иноят Хон (1916-2004) раҳбарлик қилиши керак эди. Отаси ўлганида у 10 ёшда бўлиб, фақат 1957 йилга келиб тариқатга расмий равишда раҳбарлик қила бошлади. Унгача тариқатда Иноят Хоннинг акаси бошчилик қилиб, кейинчалик раҳбарлик унинг қариндошларига ўта бошлади. Тахминан шу даврлардан бошлаб тариқатда бўлиниш юзага келди. Пир Вилоят Иноят Хон "Халқаро Суфий Тариқатига" (Sufi Order International) асос солганини эълон қилди. Фаолиятига кўра эса, "Халқаро Суфийлик Ҳаракати" (International Sufi Movement) ёки "Универсал суфийлик" (Universal Sufism) ва "Халқаро Суфий Тариқати" (Sufi Order International) битта ташкилот бўлиб, фақат аввалгисига раҳбарлик Иноят Хоннинг қариндошлари қўлида қолди, унинг ўғли Пир Вилоятга эса янги тариқат тузишдан бошқа чора қолмади. Шундай қилиб иккала ташкилот параллель фаолият юритиб келаверди. Фақат 1985 йилга келиб "Халқаро Суфийлик Ҳаракатига" раҳбарлик қилаётган Муршид Фазал тариқатнинг расман шайхобчаларга бўлинганини эълон қилди[315]. Ҳозирда тарғибот ишларида фақллик айнан Пир Вилоят Иноят Хон асос солган "Халқаро Суфий Тариқатига" тегишли бўлиб турибди.

[314] http://ru.wikipedia.org/wiki/

[315] http://en.wikipedia.org/wiki/International_Sufi_Movement

Пир Вилоят Иноят Хон ҳам мусиқа соҳасини пухта эгаллади. 1950 йилларнинг бошларида Мэри Стейн деган келиб чиқиши европалик аёлга уйланди. Ундан бир қизли бўлди. Кейинроқ америкалик Тож Иноят Гланц билан эркин муносабатларидан икки ўғил – Зиё ва Мерлин туғилди. Пир Вилоят Иноят Хоннинг "New Age" ҳаракати йиғинларида мунтазам иштирок этиб боргани маълум[316]. 2000 йилнинг февралида Зиё Иноят Хонни ўзининг ўринбосари деб эълон қилди ва пирликка тайинлади. Зиё Иноят Хон отасининг вафотидан кейин, 2004 йилдан бошлаб тариқатга раҳбарлик қилиб келмоқда. Пир Вилоят Иноят Хон эса Деҳлига, отасининг ёнига дафн этилди. Тариқатнинг ғоявий асоси бўлиб Иноят Хоннинг ёзган асарлари, маърузалари ва ҳикматли сўзлари хизмат қилиб келмоқда.

Тариқат суфийликнинг исломга дахли йўқлиги ҳақидаги даъволарини ўз эргашувчиларига қандай тушунтириши эътибордан тортса керак. Зотан, тариқатлар бутун тарихи давомида ўзининг исломий илдизларга эга эканини уқтириб келган. Ҳар қайси тариқат ўз силсиласини Пайғамбарга тақашга ҳаракат қилиши ёки бу ишни аввалроқ амалга оширган бирон тариқат силсиласига бориб улаш одати ҳам айнан шу мақсадларни ифода этиб келган. Кўпгина тариқат намояндалари ҳозирда ҳам тасаввуф соф исломий таълимот бўлиб, исломдан илгари ўтган таълимотларнинг асл тасаввуфга тааллуқли ери йўқ, дейдилар. Иноят Хон эса, бу фикрдан анча йироқ. Айтиб ўтилганидек, унинг бир қанча асарлари рус тилига таржима қилиниб, нашрдан чиққан. Улардан бирини кўриб чиқсак. Китоб 1998 йили Москвада, "Сфера" матбаасида чоп этилган. Китобнинг номи "Таълимот" ("Учение") бўлиб, ўз номига кўра тариқатнинг асосий таълимотларига бағишланган асарлар тўпламини ташкил этади. Китобнинг илк саҳифасидаёқ қуйидаги сўзларга кўзингиз тушади:

"Суфийликнинг ҳеч қачон ибтидоси (бошланғич нуқтаси) бўлмаган ва у ҳеч қачон тарихий ҳодиса сифатида юзага келмаган. У ҳар доим мавжуд бўлган, чунки зиё ҳар доим нисоннинг

[316] Chittick W.C. Sufism. A Beginner's Guide. Oxford: Oneworld Publications, 2008. – P. 37.

ички моҳияти бўлиб келган. Бу нур ўзининг олий рўёбида Худонинг илми, илоҳий ҳикмат – суфийлик деб аталиши мумкин. Суфийлик ҳар доим амалда бўлган, унинг жарчилари эса, қалб кишилари эди. Шунинг учун ҳам, у муршид-асосчиларга ва шу жумладан, бошқа ҳаммага тегишлидир.

Ривоятда айтилишича, биринчи пайғамбар Одам бўлган, яъники, ер юзидаги биринчи инсон аллақачон донишмандликка эга эди. Инсоният ичра ҳар доим донишмандликка интилувчи кишилар топиларди. Улар узлатга чекинган руҳият кишиларини излашар, уларга садоқат билан хизмат қилиб, улардан доно ишмандликни ўрганишар эди. Худонинг танланган бандалари нимани ўргатаётганини камдан-кам киши тушуниши мумкин эди, аммо улар шахсиятининг улуғлиги кўпчиликни ўзига жалб қиларди. Кишилар пайғамбарга: "Биз сен билан бориб, хизматингни киламиз, сенга ишонамиз ва бошқаларга эргашмаймиз", дейишар, авлиёлар эса уларга: "Болаларим, сизларни дуо қиламиз. Ундай қилинг, бундай бажаринг. Ҳаётда мана бундай яшаш керак", деб жавоб берар эдилар. Шундай қилиб инсонларга камтарлик ва инсонийликни тарбиялайдиган аҳд ва қонунлар берар эдилар. Шу йўсинда динлар вужудга келди[113].

Кўриниб турибдики, Инойят Хон суфийлик аллақандай аълий илоҳий таълимот бўлиб, у барча динлардан олдин ҳам бор эди, пайғамбарларнинг барчаси аввало суфий бўлган, бевустига динларнинг ўзи суфийликдан келиб чиққан, деган ғояни илгари суради. Албатта, бошқача ғоя билан тариқатнинг анъанавий динлардан устунлигини тушунтириш қийинчилик тугдирарди. Шунинг учун мана шундай спекулятив усуллар қўлланилади. Эътибор берилса, матнда савол пайғамбарга берилгани ҳолда жавоб "авлиёлар"дан олинмоқда. Шу йўсиндаги нопоик савол-жавоблардан аллақандай динлар вужудга келиши ҳақидаги ривоятлар донишмандликдан кўра кўпроқ содда-жўн ёки эътиборсиз фикрлаш маҳсули дейилиши мумкин. Бошқа тарафдан пайғамбар ва авлиё ўртасидаги фарқли атай орадан кўтариб юбориш – ўзини валий деб билувчи муршидларнинг мақомини

[113] Хазрат Инайят Хан. Учение суфиев. Сборник. – Москва: «Сфера», 1998. http://www.futura.ru/hazrat/002_02_000.htm

муридлар ўртасида пайғамбар даражасига кўтариб олишга кўшимча тирғак вазифасини ўтайди.

Инойят Хоннинг руҳий маънавий эркинликка алоҳида урғу беришни кўпгина гарбликларга унинг суфийлик унвони моҳиятига кўра ислом билан боғлиқ эмаслигини англатди. Гарчи, унинг издошлари янги тушунча, давом этсалар ҳам. Чиштия пирлари ва баъзи тариқатларда ўз эргашувчилардан исломни талаб қилмаслик одати мавжуд. Бироқ, XX асргача мусулмон суфийларнинг сони одатда нисбатан кам бўлиб келган[114].

Лекин "Халқаро Суфий Тариқати" фаолиятида бунинг мутлақо тескариси кўзга ташланади. Россиянинг замонавий диннусослик муаммоларига бағишланган Religo.ru сайтининг тарҳловчиси А.Галашина "Шимолий Америка Суфий Тариқати" (тариқатнинг яна бир шаҳобчаси) бош котиби Ҳасан Сухравардий Гебел билан суҳбатида тариқат аъзолари контингенти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли маълумотлар берилган. Суҳбатда тариқатнинг асосий эътиборни тортадиган жиҳатлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган бўлиб, ундан келиб чиқадиган хулосалар қуйидагичадир:

– Халқаро Суфий Тарикати (Sufi Order International) аъзолари одатда, ҳар бири алоҳида ўзларини суфий деб атамайди. Уларга нисбатан "неосуфий" атамаси ҳам қўлланилади, бироқ улар бу атамани анъанавийликдан оғиш деб баҳолайдилар. Улар ўзларини Муинуддин Чиштий ва Низомиддин Авлиё каби Ҳиндистоннинг баъзи кўзга кўринган авлиёлари билан боғлиқ Чиштия суфийлик тарикати давомчилари деб ҳисоблайдилар.

– Тариқат 70-йилларда "New Age" ҳаракатининг бир қисми сифатида фаолият юрита бошлаган. Лекин, тариқатнинг ўша пайтдаги етакчиси Пир Вилоят "New Age" аксар юлаки ва ўткинчи шаклларни олаётганини ҳис қилгани учун аста-секин тариқатни ундан ажратади. Тариқат вакиллари аввалига, "New Age" ҳаракатининг мақсадлари кўксак, у улкан миқёсларда кишилар онгини уйғотиш имкониятига эга эди, деб ҳисоблайди.

[114] Ernst, C., Lawrence B. Sufi Martyrs of Love. New York: Palgrave Macmillan, 2002. – P. 142.

– Тариқатга кириш учун ислом динини қабул қилиш шарт эмас. Бу ҳолат – аъзоларни ўз динларига эргашишларини рағбатлантириш анъанавийликнинг бир қисми, дея талқин қилинади. Далил сифатида Ҳиндистонга XI асрда суфийликни олиб кирган Муинуддин Чиштий ҳиндуийликка эътиқод қилувчилардан исломга киришларини талаб қилмасдан тариқатга қабул қилаверган, у эса уларни ўз динлари анъанасида ўргатиб, уларнинг гурусига айланди, деган фикрлар келтирилади.

– Ибодатларда Қуръондан фойдаланиш шарт эмас. Ибодат маросимлари "Универсал Ибодат" деб номланиб, унда барча муқаддас китоблар эътироф этилади. Асосий муқаддас китоб – Табиат китоби (атроф-муҳит, табиатнинг ўзи) бўлиб, у эшитишга сабри етадиган ҳар бир киши билан гаплашади, дейилади.

– Намоз ўқиш шарт қилинмайди. Тариқатнинг ҳар бир аъзоси ўз анъанаси бўйича ибодат қилиши тақозо этилади. Мусулмонлар мусулмонча ибодат қилишади. Шунингдек, ҳар куни бажариладиган махсус вақтлардаги ибодатлар ҳам бор.

– овқатланишда диний тақиқларга эътибор қилинмайди. Ҳар ким ўз диний қарашларидан келиб чиққан ҳолда истаган нарсасини ейиши ёки емаслиги мумкин.

– Тариқатнинг АҚШ ва Канададаги кўплаб марказларидан ташқари Англия, Франция, Германия, Голландия, Белгия, Дания, Норвегия, Швейцария, Австрия, Литва, Греция, Испания, Россия, Покистон, Малайзия, Австралия, Янги Зеландия ва Чилида ҳам марказлари мавжуд.

– Суфий тариқати сараланган инсонлар гуруҳи сифатида ҳар доим камчиликни ташкил қилади. Бошқа тарафдан, Мурожаат барча инсонларга мўлжалланган. Тариқат иложи борича кўпроқ тарафдорларни жалб этишга интилади. Уларнинг иши – уруғ сепиш. Ҳосил – вақти келганида, келажакда олинади[315].

Маълумотларга кўра тариқатнинг учдан икки қисмидан ортиғи мусулмон бўлмаган аъзоларни ташкил этади. Тариқат XX асрнинг етмишинчи йилларида "New Age" ҳаракати таркибида бўлгани учинг характери қандай бўлишини ойдинлаштириб турибди. Йигирмадан ортиқ давлатда ўз марказларини очиб,

[315] http://religio.ru/journal/11824

жўшқин фаолият олиб бораётган тариқат фақат Африка қитъасидагина ўз шўъбасини жойлаштирмаган бўлиб чиқмоқда. Балки, бу ҳам вақт масаласи бўлиб, транснационал корпорация хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб улгурган тариқат, бу қитъага ҳам эртами-кечми ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиши тайин. Фақат, ҳозирда ўз муаммоларига ўзи қоришиб ётган Африка давлатларидаги анъанавий тариқатлар билан рақобатлашиш "ғарбона ривожланган тариқат" учун унчалик истиқболли кўринмаётгандир. Шўъбалар асосан иқтисодий жиҳатдан тараққий топган, ижтимоий муаммолари кам, европалашган жамиятга эга давлатларда очилгани эса, буни яққол кўрсатиб турибди. Албатта, тариқатга хос кескин ғарблашган "ўта бағрикенглик" хусусияти барқарор жамиятларнинг шаклланган менталитетига ҳар доим ҳам мос тушавермаслигини унутмаслик керак. Нима бўлганда ҳам, тариқатнинг ҳозирги эришган натижалари – сезиларли даражада катта.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тариқат Ғарб менталитетини яхши ўзлаштирган бўлиб, ўз фаолиятида очиқдан-очиқ пул йиғимлари, саёз ташвиқот ҳамда товламачилик усулларини қўлламайди. У прагматик Ғарб жамиятининг типимсиз маиший ташвишу ғалваларидан чарчаган кишилари учун ўзининг "руҳий-маънавий мувозанатга эришиш", дунё ташвишларини бир муддат бўлса ҳам унутиш борасидаги маслаҳатларини ва хизматларини таклиф қилади холос. Бунда тариқат ўз "мижоз"ларининг диний мансублигининг мутлақо аҳамияти йўқлигига алоҳида урғу беради ва уларни динийликдан "юқори" даражада бирлаштиришга ҳаракат қилади. Албатта, капиталистик жамиятда ҳар қандай хизмат тури хизмат ҳақига эга. Лекин диний корпорация бу сиёсатни эҳтиёткорлик билан олиб бориши керак. Биринчи навбатда, "истеъмолчи"ларга ташкилот аввало, уларга тегишли экани, уни ҳар тарафлама, жумладан, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар бир аъзонинг виждоний бурчи экани сингдирилади. Аста-секин аъзолар ташкилотнинг манфаатлари ўз манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканини "англашганида" пул маблағлари ўз-ўзидан оқиб кела бошлайди. Умуман олганда, бу ҳолат "New Age" феноменига тегишли барча диний ҳаракатлар-

га хос тушунчадир. XX асрда вужудга келган яна бир секта "Сайентология Черкови" асосчиси, собиқ фантаст ёзувчи ва психолог Рон Хаббард ўз вақтида айтганидек, "Пул топишни истайсанми? Диний ташкилот оч!" қабилида иш кўриш бундай оқимларнинг асосий шиори бўлиб келган[316]. Юқорида айтилганларнинг барчаси тариқатнинг "исломсиз тасаввуф" тамойилларини тўлиқ ўзлаштириб, ўзида ҳар томонлама намоён қила олганини кўрсатади.

Глобаллашув – ўтмишда қолган ёки келажакда юз бериши кутилаётган жараён эмас. Глобаллашув бу – кечаётган, ҳар бир кишининг ҳаётида ўзи сезса-сезмасада, эътибор берса-бермасада чуқур из қолдираётган жараёндир. Ғарб давлатларининг чегарасиз эркин муҳитида тариқатларнинг фаолияти, жамият ҳаётига таъсири, секуляризация жараёнларига мослашув кўринишлари, улардаги ғоявий асосларнинг ўзгариши ва аслиятдан оғиш жиҳатлари бугунги кун тадқиқотчиларининг нигоҳидан четда қолмагани мақсадга мувофиқ. Нега деганда, глобаллашув элкини тез фурсатда Ғарбда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда диний ва руҳий-маънавий ўзгаришларни барча келтириб чиқарувчи оқибатлари билан биргаликда бугун дунёга ёйиб юбориши мумкинлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланиб бўлди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бир қарашдаёқ келиб чиқадиган барча хавф-хатарларни тўлигича англаб олиш ўта қийин бўлган глобаллашув шароитида хушёрликни йўқотмаслик тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, бузғунчи уйдирма ғоялар, сохта ақидалар билан қуролланиб, кишиларнинг диний эътиқоди ва қадриятларидан ўзларининг тор доирадаги мақсад-манфаатлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлган тарафлар, гуруҳлар ва кимсалар бирлигини эсдан чиқармаслик ҳозирги таҳликали замоннинг энг асосий талабидир. Шу жиҳатдан ҳам жаҳондаги диний жараёнларни ўрганиш билан бир қаторда замонавий тасаввуф ва тариқатлар фаолиятини ўрганишнинг аҳамияти кундан кунга ошиб боришига шубҳасиз. Зеро, ҳозирда жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий, ижтимоий-маданий глобаллашув билан бир қаторда ғоявий таъсир тарғибот ва ташвиқот билан боғлиқ мафкуравий глобаллашув ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Бу ҳодисаларда дин билан боғлиқ жараёнлар ҳам ўз таъсирига эга бўлиши муқаррар, деган хулосани айтишга етарли асослар бор.

316 Қаранг: Дворкин А.Л. Сектоведение. Нижний Новгород: 2002. – С. 137.

Мавзу бўйича саволлар

- Тариқатлар глобаллашув шароитида тарғиботнинг қандай замонавий усулларидан фойдаланмоқдалар?
- Европа давлатларида тасаввуфнинг тарқалишига қандай омиллар хизмат қилмоқда?
- Марказий Осиё давлатларидаги исломлашув жараёнларида тариқатларнинг ўрни қандай?
- Глобал миқёсда фаолият юритаётган тариқатларнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

Мустақил иш топшириқлари: *Глобаллашув жараёнларига тортилган нео-тариқатларни ҳамда анъанавий тариқатларни ўзаро муқояса қилинг.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Sufism and the modern in Islam. Martin Van Bruinessen, Julia Day Howell. – London-New York, I.B.Tauris, 2005.
2. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001
3. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар. Усманов И. ва бошқалар. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2014.
4. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2014.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004.
6. Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. – Москва: Ансар, 2007.

3-§. Тасаввуфнинг минтақалар бўйлаб ёйилиши

Дарснинг мақсади:

1. Тасаввуфий қарашларнинг минтақалар бўйлаб фарқланиши ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. МДҲда тариқатлар. Кичик Осиёда тасаввуф

2. Шимолий Африкада тариқатлар фаолияти

3. Ҳиндистон субконтитентида тасаввуф

Таянч иборалар: замонавий тариқатлар, вирдлар, суфилар, шайхлар, минтақалар, Осиё, Африка, Ҳиндистон, Покистон ва ҳк.

1. МДҲда тариқатлар, Кичик Осиёда тасаввуф. М/Ҳ ҳудудида тариқатлар фаоллашуви. МДҲ давлатларида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мусулмон жамоалари орасида кечган қайта исломлашув жараёнида тасаввуфий лойраларнинг ҳам фаоллиги кузатилди. Россия мусулмон ҳамжамиятида қайта-исломлашувнинг бир-биридан сезиларли даражада фарқланиб турувчи иккита асосий ижтимоий-маданий ҳудудий бўлинмаларни ажратиш қабул қилинган: булар маркази Волгабўйи бўлган Россиянинг Европа қисми ва Шимолий Кавказдир. Албатта, бу икки минтақаларнинг ичида ҳам жиддий ички-минтақавий бўлинишлар, масалан, Дағистон ва Шимоли-Ғарбий Кавказ республикалари, Татаристон ва Бошқирдистон ўртасида бўлгани каби бўлинишлар ҳам мавжуд. Кавказда кечган исломлашув жараёнлари Волгабўйи халқларига қараганда анчагина кескин кўзга ташланади[317]. Волгабўйи, Урал, Ғарбий Сибир ва Крим мусулмонлари ушбу минтақадаги нақшбандия тариқатининг сўнги ҳақиқий суфийси сифатида Зайнулла эшон Расулев (1835-1917) таъ оладилар. Гарчи бу ҳудудда асрлар давомида Ўрта Осиёдан кириб келган ясавия тариқати тарқалган бўлса-

[317] Макаров Д. Радикальный исламизм в российских регионах: общее и особенное (на примерах Дагестана, Кабардино-Балкарии, Карачаево-Черкессии и Татарстана). // Ислам в советском и постсоветском пространстве. Сост. и науч. ред. Р.М. Мухаметшин. Казань: 2004. – С. 47–48.

ла, XVIII асрнинг охиридан бошлаб нақшбандия ёйила бошлади. Тариқатнинг нақшбандия мужаддидия йўналиши Фаизхон ал-Кобулий (вафт. 1802 й.) ва унинг муридлари томонидан совет даврига қадар ривожлантирилди[318]. Шунга қарамай, асрлар давомида маҳаллий аҳолига радикал кайфиятдаги турли мутаассиб гуруҳларнинг ва тариқатчилик вакилларининг таъсири кузатилмаган.

Шимолий Кавказ ҳудудида эса, айни бунинг акси кўзга ташланади. Тасаввуфнинг мазкур минтақадаги таъсир даражаси нисбатан эмас. Шиа Озарбайжонида баъзи этник озчиликларнинг диний ҳаётида нисбатан амалий тасаввуф сезиларли ўринга эга эмас. Ислом тоғлари Дағистон, Чеченистон, Ингушетия, Қорачой-Черкессияда кучли таъсирга эга, аммо Шимолий Кавказнинг бошқа республикаларида нисбатан паст даражада. Умуман Шимолий Кавказ минтақасида учта тариқат анъаналари – нақшбандия, қодирия, шозилия ёйилган[319].

Чеченистондаги қодирия вирдларининг сони 5-6та атрофида бўлсада, айнан улар чечен жамиятида катта нуфузга эга хисобланади. Ингушетияда ҳам Чеченистондаги каби қодирия тариқати нақшбандияга қараганда катта таъсир кучига эга. Кўпчилик ингушлар оиласий анъанага кўра ўзларини фақат қодирияга эмас, чечен шайхи Кунта ҳожи анъанасига тегишли деб санайдилар. Қодирин шайхи Баммат-гирей ҳожининг издошлари Чеченистонда ҳам Ингушетияда топилади. Ингушетияда фақат Дени шайхнинг издошларигина нақшбандия анъаналарига эргашадилар.

Фақат Дағистонда тарқалган шозилия анъанаси нақшбандия шайхи Сайфуллох (Сайпулла) қози Бошларовга бориб тақалиб, у Бошқирдистонга сургун қилинганда бунга тегишли ижозатни олган. Дағистон мусулмонлари Диний идораси вакилларининг фикрига кўра республикада тўрттагина "асл" шозилия шайхла-

[318] Мухетдинов Д. Суфизм в Европейской России и Сибири. //Место и роль суфизма в Исламе. Международная исламская конференция. 23 августа 2011 года. Грозный.

[319] Алискеров А.К. Современный суфизм на Кавказе. http://islamica.ru/sufism/?uid=126

ри бор. Улар: Саид афанди Чиркавий, Надриддин (Кодиров) Ботлихий (1919 й.), Арслонали (Ҳамзатов) Параулий (1954й.) ва Абдулвоҳид Какамахинй. Шимолий Кавказдаги суфий тариқатлар ўртасида оппқдан-очиқ зиддиятлар мавжуд[320]. Улар этник тангликлар, урут-аймоқчилик, маҳаллийчилик, ўзгача фикрловчилар билан чиқишмаслик, етакчилар ўртасидаги рақобат, таъсир доиралари учун кураш, имом, муфтийлик лавозимлари учун кураш ва ҳоказолар билан боғлиқ[321].

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Доғистон ва Чеченистонда қодирия, нақшбандия ва шозилия тариқатлари фаоллашуви кузатилди. Доғистон мусулмонлари идораси ҳамда асосий исломий таълим муассасалари тариқатчилар томонидан бошқарилди, бундан ташқари улар маҳаллий диний мутаассиб гуруҳлар – "ваҳҳобийлар" билан доимий кураш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, бу даврда Шимолий Кавказда турли туман мусулмон таълимотлари вакиллари фаол ҳаракат қила бошлади. Уларнинг орасида шайх Муҳаммад Нозим Ҳаққоний асос солган нақшбандия-ҳаққония тариқати алоҳида эътиборга лойиқ. 1997 йилнинг ёзида шайх Нозим Доғистонда бўлади. Маҳаллий матбуот уни "нақшбандия тариқатининг олий муршиди" деб номлади. У Доғистон ва Қорачойда ҳамфикрлари учун тариқатининг маънавий тўгараклар шаклидаги бўлимларини очди. Шайх Нозим доғистонлик шайхларнинг шогирди хисобланиб, у Абдуллоҳ Доғистонийдан (вафт. 1973 й.) ижозат олган.

Шунингдек, Кафказда "мурйдчилик" ҳаракати ҳам ўзига хос тарихга эга. Шимолий Туркия орқали Кавказга кириб келган нақшбандия-мужаддидия тариқати мурйдчиликнинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилди. Мурйдчилик XIX асрнинг 20-йилларида Холид Багдодий, ширвонлик шайх Исмоил ва бухоролик уламо Хос Муҳаммад орқали Шимолий Кавказга тарқалди. Мурйдчилик Доғистон ва Чеченистонда ташкил топган давлат — имомлик (имомлар: Ғози Муҳаммад, Ҳамзатбек, Шомил)нинг

[320] Қаранг: Кудрявцев А.В. Ислам на Северном Кавказе. – Постсоветское мусульманское пространство. Религия, политика, идеология. М., 1994. С. 134–175.

[321] Алиқберов А.К. Современный суфизм на Кавказе. http://islamica.ru/sufism/?uid=126

диний-сиёсий ва ҳарбий асосини ташкил қилиб, Кавказ уруш лари даврида тоғликларнинг Россия империясига қарши олиб борган курашларида ғоявий мафкура сифатида хизмат қилди. Бу курашлар 1813 йилги Гулистон шартномаси тузилиб, Жанубий Доғистоннинг суфий шайхларидан бири Муҳаммад афанди ибн мулла Исмоил томонидан "газот"га (муқаддас уруш) чақирилгандан сўнг бошланган[322]. Маълумки, Усмоний турк империяси ва Эрон билан Россиянинг манфаатлари Кавказда тўқнашганлиги бу ердаги кураш жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Кавказдаги халқлар Россия босқинига қарши миллий озодлик ҳаракатини авж олдирдилар. Бу харакатга 1830 йилларда Ғози Муҳаммад, Ҳамзат, 1834 йилдан имом Шомил бошчилик қилди. Шомил ўзига хос диний давлат — имомат барпо этган, ундаги дунёвий ва диний ҳокимият имомнинг қўлида бўлган. Шу каби вокеалар Марокашда ҳам рўй берган. Абдулқодир ўз тариқати вакиллари билан французларга қарши харбий харакатлар олиб борган[323].

Доғистонлик тадқиқотчи М.Гаджиев мурйдчилик ҳаракатини изоҳлаб қуйидаги фикрларни билдиради: "Кавказ урушларининг асосий мақсади Кавказни мусулмонлардан холи ҳудудга айлантириш бўлган. Айнан шу мақсадга эришиш учун Россия империяси уч миллиондан ортиқ мусулмонларни ўз ерларидан кўчириб юборган..."[324]. Тадқиқотчи тасаввуф намояндалари доим ҳукумат қонунларини хурмат қиладиган фуқаролар бўлганлиги, улардан давлатнинг яхлитлиги ва барқарорлигига зарар етмаганлигини айтиб, "Айрим кимсалар суфийлар бошчилигидаги миллий-озодлик ҳаракатларини бугунги кун билан

[322] Қаранг: Аликберов А.К. Эпоха классического ислама на Кавказе: Абу Бакр ад-Дарбанди и его суфийская энциклопедия "Райхан ал-кака'ик" (XI-XII вв.). – М.:Восточная литература, 2003. – С.084.

[323] Мазкур икки ҳолатни кейинги ўринларда француз арабшуноси Мариус Канар (Canard) 1956 йилда ўзининг тадқиқотини чоп этган. Бу ҳақда қаранг: Фритц Майер (Голель, Швейцария).Учитель и ученик в ордене Накшбандийа // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санк-Петербург. 2001. – С. 276.

[324] Қаранг: Гаджиев М.М. Суфизм в современных публикациях // Суфизм как фактор сохранения мира и стабильности: Материалы Республиканской научно-практической конференции (29 мая 2004г.) – Махачкала, 2005. – С. 84.

боғлашга уринмоқдалар. Уларнинг айтишича, тариқат шайхларидан бўлган Шомил ўз муридлари билан Россияга қарши курашган бўлса, демак, бугунги шайхлардан ҳам шу каби ҳаракатларни кутиш мумкин..." мазмунидаги фикрларини асоссиз, деб билади. У Чеченистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланган дастлабки кунларда маҳаллий аҳоли вакиллари орасида Россияга қарши "жиҳод" эълон қилиш ва шариатга асосланган мустақил давлат тузиш ғояси тарқалганда, айнан суфий шайхлари бунга қарши чиққанлигини эслатиб ўтади. У бугунги кунда давлат хавфсизлигига раҳна солаётган ваҳҳобийликка қарши курашда тасаввуф Россиянинг "стратегик шериги"дир, зеро, бу соҳада ҳар икки томоннинг манфаатлари, ҳаракатлари бир мақсадга қаратилганини қайд этади[325].

Россиядаги тариқат вакиллари замонга мослашувчанлик кўрсатиб, жамиятдаги янги функцияларни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилмоқда. Москвада турли суфий жамоалари, мутаассиб диний гуруҳлар, шиа оқимлари вакиллари мавжуд бўлиб, улар ўзаро тўқнашишдан сақланадилар. Ушбу шаҳарда тасаввуф илмидан сабоқ берувчи ҳақиқий пирлар учрамасада, турли давлатлардан келган мурид-лар, ўзларини чиштия тариқатига мансуб деб билган дарвешлар, тиббий-жисмоний машқлар (медитация) орқали суфийликни тарғиб этувчи шахслар истиқомат қиладилар. Улар ўз марказларида суфиёна машқлар, зикр ва бошқа амалиётлар орқали гипнотандлик таъсиридан қутулиш, соғлиқни тиклаш, турли касалликлардан ҳамда руҳий хасталиклардан даволанишни таклиф қилмоқдалар.

Украинада эса асли касби шифокор-терапевт бўлган Музаффар ҳожи Усмонов томонидан бошқариладиган "Суфий фалсафаси ва амалиёти академияси" (Академия Суфийской философии и практики) фаолият юритмоқда. Ушбу академия интернет сайтлари орқали рус ва инглиз тилларида ўз тарғибот ишларини олиб боради[326]. Академиянинг аъзоларига суфиёна машқлар,

[325] Қаранг: Гаджиев М.М. Суфизм в современных публикациях //Суфизм как фактор сохранения мира и стабильности: Материалы Республиканской научно-практической конференции (29 мая 2004г.) – Махачкала, 2005. – С. 83.

[326] http://www.muzasufy.ru; www.youtube.com/user/muzasufyOrg

зикр ва медитация орқали даволаниш билан бирга турли зиёрат-сафарлари (выездной курс) таклиф қилинади. Жумладан, сайтда нақшбандия тариқати ватани бўлган Ўзбекистонга қилинадиган сафар Бухоро, Самарқанд, Жиззах каби шаҳарларда уюштирилиши, Сайид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ва зиёратгоҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳақида ташвиқот материаллари ўрин олган. Маълумотларга кўра, Россия (Санкт-Петербург, Екатеринбург), Ўзбекистон, Украинада бу каби семинарлар ташкил қилинган. Бундан ташқари Музаффар ҳожининг "Суфий таёғи" (Посох суфия), "Қалб билан ўқиш дарслари" (Уроки чтения сердцем), "Саломатлик сирлари" (Суфийские секреты здоровья), "Қандай қилиб 112 йил умр кечириш мумкин?" (Как прожить 112 лет?) ва бошқа китоблари, шахснинг маънавий, руҳий ва жисмоний тарбияси, кўриш қобилиятини яхшилаш, бизнесда муваффақият қозониш ва бошқа шу каби мавзулардаги видео ёзувлари акс этган DVD дисклар ҳам кенг тарғиб қилинади. Бу ҳам ташвиқотнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин.

Бугунги кунда Кипрдаги турк жамоалари, Туркия, Болқон давлатлари ҳамда Европа ва Яқин Шарқ мусулмонлари орасида тарқалган шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Кубрусий ал-Ҳаққоний (1922 й. Кипр – Ларнак) асос солган Нақшбандия ҳаққония тариқати МДҲ давлатларида ҳам анча фаол ҳаракат қилмоқда. Ушбу тариқатни Шайх Нозимнинг вафотидан (2014 йил 7 май) сўнг унинг ўғли Шайх Маҳмуд (Мехмет) бошқариб келмоқда. Глобал тармоқ – Интернетда рус тилида бир қатор сайтлар орқали тинимсиз тарғибот ишларини олиб борилмоқда[327]. Ушбу сайтларнинг араб ва инглиз тилларидаги кўплаб ўринбосар-нусхалари ҳам мавжуд. Сайтлардаги маълумотларга кўра, 2010 йилдан бошлаб қўқонлик пир Иброҳимнинг издоши бошқирдистонлик Шайх Абдурафиқ МДҲ давлатлари бўйича Шайх Нозимнинг ўринбосари, бош суфийси этиб тайинланган. Шайх Абдурафиқнинг ушбу "лавозим"га тайинланишига оид видео лавҳалар интернет тармоқларига жойлаштирилган. Шу билан бирга,

[327] Қаранг: http://www.saltan.org; http://sheikhazim.ru; http://ru-sufism.ru; http://www.nqsm.ru/sufi-2012.htm; sultannehimet.moy.su.

М/Ҳ "бош суфий"сининг рус тилидаги алоҳида сайти (http://www.abdurafik.muy.su) тарғибот ишларини бошлаб юборган. Сайтда Шайх Абдурафиқнинг биографик маълумотлари ҳақида маълумот берилмасада, унинг яшаш манзили, яъни Бошқирдистоннинг Мелауз райони Тошликул қишлоғига боришни хоҳловчилар учун аниқ ва батафсил маълумот, йўлда адашганларга боғланиш учун телефон рақами берилган. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан кейин қабул ўтказадиган ушбу Шайх зиёратига келувчилар ўзлари билан "лам солдириш учун" чой, шакар, туз олиб келишлари мумкинлиги айтилган.

МДҲ давлатлари ҳудудида ҳам, айниқса, мусулмон аҳоли анъанавий тарзда истиқомат қилиб келаётган давлатларда тасаввуф тариқатларининг фаоллашуви ва ички жараёнлардаги ўрни тобора ошиб бораётган минтақалар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар тасаввуфнинг маҳаллий урф-одат ва анъаналарга нисбатан бағрикенглиги ҳамда мойиллиги туфайли мутаассиб-радикал кайфиятдаги турли гуруҳлар томонидан ишдан чиқарилаётган диний вазиятни юмшатишга хизмат қилиши, маҳаллий аҳолининг «халқона» удумларини ўзида мужассам этган мукобил диний таълимот сифатида майдонга чиқиши мумкинлигини қайд этмоқдалар.

Айтиш мумкинки, Марказий Осиёда суфий тариқатларнинг фаолияти, тўғрироғи қайта жонланиши илмий нашрларнинг мавзуси сифатида нисбатан яқинда ёритила бошлади. Собиқ совет ўлкаларида «маънавий уйғониш» деб ном олган ўзликни англаш мўлжалларининг ўзгариши бу ҳудудда маҳаллий анъаналар, жумладан, тасаввуфга ҳам бошқача нигоҳ ташлашга ундади. Унинг баъзи ахлоқий қадриятлари ва маънавий тарбиотлари янги миллий руҳиятни шакллантиришда айни муддао бўлиб чиқди. Бир қатордa суфий етакчилари муридлар тўпланишда фаолларни бордилар ва аҳолининг турли қатламларида амалий тасаввуфга бўлган қизиқиш тезда ортиб борди. Натижада, харизматик етакчи ва унинг ўринбосарлари (халфалар) атрофига тўпланган суфий халқалар вужудга келди. Суфий гуруҳларнинг изга колиши минтақанинг кўпгина ҳудудларида ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Бир қарашда, минтақадаги замонавий тасаввуф гарчи, ҳам-

мадан кўра кўпроқ маънавий қадрият, анъана ва маросимлар ҳамда миллий маданиятга содиқликни намойиш этса-да, аввалги қиёфасидан анча фарқ қилади. Шундай бўлсада, минтақа давлатлари мустақиллигининг илк даврида суфий жамоаларининг кўпчилик аъзолари учун мусулмончиликка қайтиш анъанавий «суфийча» шаклга эга маросим анъаналарини (зикр, мавлиддаги жамоавий расм русумлар) қайта тиклаш кўринишида намоён бўла бошлади. Бироқ, бутунга келиб суфий гуруҳларнинг ҳақиқий руҳан уйғониш, ҳатто кичик жамоавий ўзликни англаш жиҳатидан маҳаллий жамиятларда ўз таъсир доирасини кенгайтириши ҳақида гапиришга асос бор.

Марказий Осиёда асрлар давомида шайх мурид институти яхши ривожланган, шайх атрофида турли уюшмалар ташкил қилиниб, унга янги инсонларни жалб қилишга харакат қилинган. Шайхлар ўлка ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаганлар. Улар ўзларининг алоҳида хонақоҳлари бўлишига қарамасдан кўп вақтларини узлатда кечирганлар ва жамиятда катта нуфузга эга бўлганлар. Уларнинг ажарияти маърифатли, билимли инсонлар бўлиб, ташкилотчилик қобилиятига эга эдилар. Шайхлар Худога яқин инсонлар сифатида улуғланиб, карамат кўрсата оладиган, ҳақиқатга «эришиш» йўлига далолат киладиган кишилар сифатида қаралган.

Қозоғистон даштларига ислом дини айнан суфийлар орқали тарқалган. Улар илгари сурган гоялар ва диний амаллар маҳаллий урф-одатлар билан қоришиб кетиш жараёни осон кечган. Шаръий масалаларда урфнинг инобатга олиниши, аждодлар руҳини ёд этиш, уларнинг мақбараларини зиёратгоҳларга айлантириш билан боғлиқ ҳолатлар маҳаллий аҳоли томонидан диний қабул қилиш жараёнларини тезлаштирган. Шу боис, узоқ йиллардан бери қозоқ халқида Хожа Аҳмад Яссавий, Аристан (Арслон) боб ва бошқа авлиёларнинг мақбаралари улуғланади. Айрим тадқиқотчилар яссавия тариқати вакиллари нақшбандия тарафдорларидан фарқли ўлароқ 600 йиллик тарихи давомида бирон марта ҳам сиёсий жараёнларга аралашуви кузатилмаганини таъкидлаб, Қозоғистонда суфийларнинг сиёсийлашувига асосли сабаб йўқ, деган фикрни берган эдилар.

Тариқатлар тарихи, суфийлар фаолиятидаги сиёсийлашув жараёнлари ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли бўлиб, уларни ҳар томонлама ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга молик бўлган масалалардандир. Тадқиқотчилар, суфийларнинг турли кўринишдаги амалиётлари, уларнинг ташкилий асослари ва сиёсий ҳаётдаги иштироклари давлат бошқаруви институтларининг фаолиятига боғлиқ. Агар давлат ҳокимияти, яъни бир-бири билан ўзаро боғлиқ муайян тузилмага бирлашган давлат фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизими кучли бўлса, тариқатлар фақат диний амалиёт билан машғул бўладилар. Аксинча, давлат бошқаруви муайян сабабларга кўра суст ишласа, суфийлар ўзларининг мустаҳкам жамоалари билан аксарият ҳолларда сиёсий кучга айланадилар, деб таъкидлайдилар.

Сўнгги йилларда асосан мусулмон аҳоли яшайдиган Қозоғистон жанубида жаҳрий зикрга асосланган яссавия тариқатининг қайта жонланиши кузатила бошлади. Бу жонланиш ҳозирда «жаҳрийя» деб номланаётган суфий гуруҳларнинг етакчиси шайх Исматуллоҳ тақсир фаолияти билан бевосита боғлиқ. Исматуллоҳ тақсир ва унинг издошлари томонидан амал қилинадиган расм-русумлар жаҳрий зикрнинг 3-4 тури бирлашмасидан иборат.

Шайх Исматуллоҳ (Исматулла Абдугаппар) Афғонистоннинг қозоқ диаспораси вакили бўлиб, бир гуруҳ қозоқлар Октябрь инқилобидан кейин кўп ўтмай у ерга кўчиб ўтган. У ҳам ўтмишда Покистонда истиқомат қилган. 1996 йил Қозоғистонга қайтиб, Олма-ота шаҳрида яшайди. Қозоғистон ва Қирғизистоннинг турли шаҳарларида кўплаб муридларга эга бўлади. Ўз силсиласини яссавия ва қодирия тариқатлари билан боғлаб юборсатади.

Дастлаб, Исматуллоҳ тақсир бошчилигида қайта тикланаётган суфийлик анъаналари билан бирга ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик тушунчалари ҳам қайтадан маъмун касб этаётгандек, деб билинарди. Тариқат аъзолари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, ҳомийлик, беғараз ёрдам, хайр-саховат тушунчалари сингдириб бориш баробарида, зикр ёрдамида гиёвандликдан даволаш усулларини қўллаш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Аммо воқеаларнинг салбий ривож топиб бориши бир неча йилдан кейин юз берди ва баъзи похуш ҳолатларнинг мавжудлиги кўзга ташланди. 2005 йилда тариқат марказида гиёвандликдан даволанишни истаган К.Нурджан исмли кимса тушкунликка тушиб ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабар тарқади. Бу хабарлар қай даражада асосли бўлишидан қатъи назар тариқатнинг нуфузига жиддий путур етказди. 2011 йил 25 августда Kazakhstan Today расмий ахборот агентлиги хабар беришича, 2010-2011 йиллар давомида олиб борилган кенг қамровли тергов ишлари натижасида Исматуллоҳ тақсир жамоаси экстремизмнинг барча хусусиятларига эга деб топилди. Исматуллоҳ тақсир нейролингвистик дастурлаш, трансга тушириш усулларини қўллаб, эргашувчиларининг онгини бошқарган ва ўзига бутқул итоат қилишишга эришган.

2011 йилнинг августида Исматуллоҳ Абдугаппарнинг издошлари «диний экстремизм», «шпионаж», «миллатлараро ва конфессиялараро адоват қўзғаш» каби моддалар бўйича айбланиб, қозоқ-қирғиз чегараларини ноқонуний кесиб ўтишга уринаётганида қўлга олинган. 2011 йилнинг октябрида Қозоғистон суди Исматулла Абдугаппарни 14 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ушбу тариқат ҳақиқий мумтоз тасаввуфий тариқатлар каби фаолият юритмасада, пир-устознинг авторитети юқори бўлган жамоалардан ташкил топганди. Мазкур суфий жамоасининг яшириш фаолият юритиши, тарафдорларини кўпайтириш мақсадидаги сатҳий ҳаракатлари ҳукумат идораларининг шубҳа остига олинишларига сабаб бўлган. Аввалги тариқатчилардан фарқли ўлароқ қозоқ миллатига мансуб бўлган Исматулла Абдугаппар Афғонистондан ҳам мафкуравий, ҳам ташкилий жиҳатдан «тобланиб» келган.

Қозоғистоннинг даштли табиий иқлим шароитида тасаввуфий тариқатларнинг фаолияти учун иқтисодий имконият етарли бўлмаган. Марказий Осиёнинг ўтроқ ҳаёт тарзи тарқалган ўлкаларда эса суфийларнинг вақф ерлари асосий даромад манбаи бўлган. Имомлар Волгабўйи татарлари ёки ўрта оспёлик муллалардан тайинлашганлар. Исматулла Абдугаппарнинг фаолияти бу ўзига хос феномен бўлди. Жаҳрий зикр, эзотерик амалиётни

тарғиб этган мазкур шайхнинг муридлари орасида маҳаллий аҳолининг олий табақа вакиллари, машҳур эшёлилар бўлганлар. Узоқ йиллардан бери кескин курашлар давом этаётган Афғонистонда таълим олиб келгани бу пирнинг фаолияти ханфсизлик идораларининг шубҳаларига сабаб бўлди, дейиш мумкин. Бундан ташқари замонавий радикал гуруҳлар рахбарларининг аксарияти дастлаб муайян тариқатларнинг аъзоси бўлганлар.

Кичик Осиёда тасаввуф[248]. Тариқатлар, хусусан нақшбандийлик Усмонийлар империяси даврида, кейинчалик Туркия тарихида муҳим аҳамиятга эга эди. Чунончи, усмонийлар давлатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий жабҳалари тасаввуф ва тариқатларнинг таъсири остида эди. Шунга қарамай, XX асрнинг бошларига келиб усмоний давлатининг сўнгги йилларида тасаввуфга қарши айрим танқидлар бошланди. Бу каби муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида усмоний Туркиясидаги мутасаввифлар матбуот ва нашриёт ишларига кенг эътибор бера бошладилар. Чунончи, 1911 йилдан бошлаб «Жаридаи суфия», «Тасаввуф», «Муҳиббон» каби тасаввуф мавзусидаги журналлар нашр этила бошлади. Айни пайтда ижтимоий ҳаётда тасаввуфнинг ўрнини кўрсатувчи бир қанча уюшма ва жамиятлар хам ташкил этилди. Чунончи, Шайх Поилий Бадавий томонидан тақя ва тасаввуф таълимотини ислоҳ қилиш учун «Жамияти суфияи иттиходия» ташкил этилади. Жамият «Жаридаи суфийя» билан ҳамкорликда иш олиб бориб, кўпроқ тасаввуфий ҳаётни ислоҳ этиш мақсадида китоблар чиқаради, конференция, семинар, суҳбат ва ижодий кечалар уюштириш каби маърифий-маданий фаолиятларга эътибор каратади. Тасаввуфий ҳаётни қайтадан жонлантириш истаги билан чиққан уюшмалардан яна бири «Мадрасату-л-машойих» бўлиб, кўпрок шайхларнинг фарзандларини таълим тарбиялаб етиштиришга эътибор қиларди. «Мажлиси машойих» тасаввуфий ҳаётни ни-

[248] Ушбу бўлим Н.Ҳасаннинг Туркияда тариқатлар (XX аср) номли мақаласи асосида тайёрланган. Баъзи ўринларда янги маълумотлар киритилган. Ушбу киритилган янги маълумотлар бошқа муаллифларга тегишли эканини билдириш мақсадида ҳаволалар билан таъминланган. Қаранг: Н.Хасан. Туркияда тариқатлар (XX аср) // Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва усуллар, тақдир ва ҳусусиятлар. Тошкент: Movarounnahr, 2014. – Б. 81-111.

зомга солиш ва назорат қилиш мақсадида усмоний давлатининг шайхулисломлик мақоми қошида барпо этилган расмий давлат муассасаси эди. Аср бошида ташкил этилиб, қонун ва фаолият жиҳатидан «Мажлиси машойих» билан деярли бир хил бўлган «Машихату-т-туруқи-с-суфийя» эса шайхларни тайинлаш, зикр қилиш шакли, тариқатга кириш шартлари, мавлуд ва ҳоказо диний йиғинлар учун қўйилган талаблар каби масалаларни тартибга солувчи бир жамият бўлган. Тасаввуфий ислоҳотга йўналган бундай фаолиятларга қарамай, жумҳурият ташкил этилиши билан хонақохлар ёпилгач (1925 й.), тасаввуф ва тариқат билан боғлиқ барча расмий фаолиятлар ўз-ўзидан тўхтатилди. Шунга қарамай, тасаввуф ва тариқатлар Туркиянинг жумҳурият даврида муҳим из қолдирган эди. Хусусан, биринчи жаҳон урушидан кейинги миллий истиқлол курашидаги аҳамияти диққатга моликдир.

Истанбулнинг Ускудар мавзесида жойлашган нақшбандийларга мансуб ўзбеклар такяси миллий истиқлол жангларига жуда катта ёрдам кўрсатган. XVIII асрда усмоний ҳукмдорлари томонидан Ўрта Осиёлик мусофирлар, ҳожи ва умрачилар учун алоҳида эҳтиром билан барпо этилган ўзбеклар тақя-хонақоҳи Ўрта Осиёдан келган ҳаждан меҳмонларга мезбонлик хизмати кўрсатиб келган. Ҳатто тақянинг шайхлари Ўрта Осиёдан олиб келингани қайд этилади. Шу жиҳатдан ўзбеклар такяси Туркистон тасаввуф маданиятини, хусусан, ясавийликка хос тариқат анъанасини давом эттириб келган бир марказ сифатида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, адабиётларда қайд этилишича, такядаги йиғинларда туркий тилда "илоҳий" жанридаги қўшиқлар куйланар, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари ўқилар, жўшқин ва равон ҳикматлар жўрлигида эса зикри арра ижро этилган. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ўзбеклар такяси Ўрта Осиё маданиятининг усмоний давлатидаги бир вакили эди. Унингча, ўзбеклар такяси усмоний турк халқининг нафақат диний ҳаётида, балки, илм-маърифат, касб-ҳунар тарихида ҳам муҳим ўрин тутиб келган.

1920 йил Истанбул душман давлатлар томонидан ишғол этилгач, Истанбулдан Онадўлига, янги Туркиянинг ички қисми-

га бориб миллий истиқлол жангларида қатнашмоқчи бўлган зиёли ва эобитлар яниринча бу такяга келишган экан. Айни пайтда такя Истанбулдан Онадўлидаги миллий истиқлол жангларига қурол-яроғ етказиб берувчи бир база вазифасини ўтаган, ярадорлар бу жойда ётиб даволанишган. Маякур хизматлари туфайли бўлса керак 1925 йил давлат фармони билан такялар ёпилганида ҳам ўзбеклар такяси ёпилмай очиқ қолган экан.

Туркияда жумҳурият даврида кўп такялар фаолияти тўхтатилди. Шунга қарамай айрим тариқатлар ўз фаолиятларини давом эттирдилар. 1950 йиллардангина тасаввуфга бир қадар эркинликлар берилиб, тасаввуф мухитидаги кишилар ижтимоий, маърифий, таълимий ва маданий сохаларда тасаввуф анъанасини давом эттира бошладилар. Китоб ва мақолалар нашри ва устоз-шогирд муносабатларига эътибор берилди.

Юқорида айтилганидек Туркияда тариқатлар фаолияти тақиқланиши натижасида, тариқат бирлашмалари ўзларини бошқача ном билан аташларига тўғри келди. Натижада тариқатларнинг шўъбалари деб аталиши мумкин бўлган бирлашмалар "жамоат"лар номини олди[320]. Бу ҳолат кўпроқ тариқат шўъбалари бошлиқларининг муайян бир масжидда имомлик қилишидан келиб чиққан. Масалан, Искандарпошо масжиди тариқат шайхи Мехмед Зоҳид Кўтқунинг шу номли масжидда имомлик қилиши натижасида шундай номланган, Исмоил ота жамоаси эса Маҳмуд Уста Усмон ўғли шу номли масжид имоми бўлганидан шундай аталган.

1970-80 йилларда Туркияда нақшбандия тариқати фаолияти Муҳаммад Зоҳид Кўтқунинг фаолияти билан боғлиқ. Бу даврдан эътиборан тасаввуф аҳли орасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик сезилди. Нажмиддин Эрбакон ва унинг сафдошлари Миллий Низом (Миллий Саломат) партиясини ташкил этдилар. Бу партиянинг муассислари ва аъзолари орасида тариқат мухлислари ҳам бор эди. 1983 йил ҳукуматни эгаллаган «Она Ватан» партияси раҳбари бош вазир Турғут Ўзал ҳам нақшбандий мух-

[320] Сметов И. Вызов модерну из центра Стамбула: Движение "Исмаил Ага" в общественной жизни Турции // Ученые записки Казанского Университета. 2/3/133/2013. – С. 90.

лиси бўлган. Тўзалпинг раҳбарлиги даврида диний ва тасаввуфий фаолиятлар нисбатан эркинлашди.

1990-2000 йилларда Европа Иттифоқи мезонларига кўра инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги масаласи қайта кўтарилди. Натижада Туркияда «такя» номи билан эмас, «Жам ва маданият уйи» номи билан бектоший такялари очилди, ҳатто давлат бюджетидан маблағ ажратилди. Мавлавий тариқатига оид баъзи такялар (мавлавийхоналар) давлат томонидан таъмирланиб жонлантирилди, мавлавий шайхлари томонидан самоʻ йигинлари ўтказиш тартиб этилди. Бошқа тариқатлар учун бевосита бундай ёрдам берилмаса ҳам фаолиятлари чекланмади. Бундан мақсад Европа Иттифоқи мезонлари билан бир қаторда, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби ўлкалардан кириб келадиган кескин радикал оқимлардан кўра, Туркиядаги маҳаллий ва мўътадил тасаввуфий гуруҳларнинг, айниқса, нақшбандийликнинг кенг таркалиб ривожланиши кўзда тутилгани эҳтимолдан холи эмас.

2002 йилги сайловда Раҳаб Тоййиб Эрдўғон бошчилигидаги «Адолат ва тараққиёт» партияси (АҚ партия) ҳукумат тепасига келгач тариқат фаолиятлари янада кенгайди. Бугун Туркияда нақшбандийлик, қодирийлик, халватийлик, ушшоқийлик, жаррохия, бектошия ва мавлавия сингари тариқатлар ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Буларнинг аксари ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётга сезиларли таъсир кўрсатиш билан бирга инсонларнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатдан камол топишига ҳам ўзларининг самарали хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Туркиядаги нақшбандия жамоалари. Туркияда энг кўп тарқалган ва таъсир кўламига эга тариқат нақшбандийликдир. Мамлакатдаги нақшбандийларнинг аксари Холид Бағдодийдан (ваф. 1827 й.) кейин давом этган нақшбандий-холидий тармоғига мансубдирлар. Ўлканинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатган нақшбандий гуруҳлари қуйидагилардир:

Искандарпошо жамоати. Халқ орасида Искандарпошо жамоати номи билан машҳур бўлган бу нақшбандий жамоаси унинг охирги йилларини Истанбулдаги Искандарпошо жоме-масжидининг имоми ўларок ўтказган нақшбандия-холидия

тармоғи шайхи Меҳмед (Муҳаммад) Зоҳид Кутку Бурсавийнинг (1897-1980) издошларидан таркиб топгандир. М.З.Кутку 1880 йил Доғистондан Онадўлига кўчиб келиб, Бурсада кўним топган саййид оиласида дунёга келади. Асли бухоролик бўлган Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий тақсида хизмат қилаётган Шайх Умар Зиёвуддин Доғистонийга мурид бўлади. Унинг вафотидан кейин ўринбосар (халифа) бўлган Мустафо Файзи Тақиргогийнинг ҳузурида сайру сулукини давом эттириб, йигирма етти ёшида шайхлик ижозатини олади. Мустафо Файзининг иснати билан турли музофот ва қишлоқларга бориб диний хизматларда қатнашади. Тақиллар ёпилгач, Бурсага қайтиб имомлик қилади. 1952 йили Кумушхонавий даргоҳидаги дўсти ва ҳамфикри (шайхдоши) шайх Абдулазиз Баккина Қозоний вафот этгач, муридларни тарбиялаш учун Истанбулга жойлашиб, Фотиҳ туманидаги Искандарпоша жоме масжидига имом этиб тайинланади ва умрининг охирига қадар бу даргоҳда имомлик билан бир қаторда муршидлик фаолиятини ҳам давом эттирали. Устози шайх Абдулазиз Қозонийнинг атрофига йиғилган зиёли шахслардан иборат йирик бир халқани бошқарали. М.З.Кутку атрофига зиёли ёшлар тўплана бошлайди. Улар орасида Кўркут Ўзал (Турғут Ўзалнинг укаси), Тоғай Қорамуллаўғли, Жалолиддин Ўктам, Сабоҳиддин Зоим, Эрсин Гурдўған, Нажмиддин Эрбакан, Нуриддин Тўпчу, Ўрхон Ўкай, Кўкхон Аллиёўғли, Мазҳар Ўзман, Усмон Чатоқли, Маҳмуд Асъад Жўшон сингари таниқли шахслар бор эди.

М.З.Куткунинг қарашлари унинг «Тасаввуфий ахлоқ», «Жаннат йўллари», «Ота-она ҳақлари», «Хос суҳбатлар», «Аҳли суннат ақоиди», «Нафс тарбияси», «Ҳадислар билан насиҳатлар», «Мўминларга ваъзлар», «Зикруллоҳнинг фазилатлари» каби ўнлаб асарларидан ўрин олган. Шунингдек, у Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё» асарини ҳам туркчага ўгирган[330].

[330] Унинг айрим асарлари ўзбекчага ҳам таржима қилиниб, юртимизда нашр бўлган (Қаранг: «Тавоират ул-авлиё» [Тошкент, 1997], «Аҳли суннат ақоиди» [Тошкент: Моварауннаҳр, 1999], «Рўза руҳ шифоси» [Тошкент, 1999], «Имон қувончининг икки қаноти» [Тошкент, 2000], «Мўминларнинг сифатлари» [Тошкент, 2006].

М.З.Кутку 1980 йил вафот этгач, ўрнига куёви ва шогирди илоҳиёт/филология фанлари доктори, Анқара университети исломий туркий адабиёт кафедраси профессори Маҳмуд Асъад Жўшон шайх этиб тайинланади. Унинг ўзи диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган олим бўлиши билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардан ҳам яхши хабардор бўлган, хорижий тиллардан араб, форс, инглиз ва немис тилларини яхши билган. Унинг кўп илмий, адабий, маърифий, диний-тасаввуфий асарлари, мақолалари нашр этилган[331]. Тафсир, ҳадис ва тасаввуф илмларидан, чунончи, Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавийнинг «Ромузу-л-аҳодис», Абу Абдурраҳмон Сулламийнинг «Табақоту-с-суфия» номли китобларидан дарс берди. М.А.Жўшон нақшбандия тариқатидан ташқари қодирия, кубравия, суҳравардия, чиштия, халватия, жалватия, шозилия ва мавлавия тариқатларидан ҳам иршод қилиш ижозатини олган.

М.А.Жўшон устозининг тавсияси билан ташкил этилган «Ҳайрул вақф»нинг фаолиятларини бошқаради. Таълим-тарбия, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдамлашув ишларини кенг йўлга қўяди. Таълим, маданият, санъат, матбуот, нашриёт, тиббиёт, тижорат ва хоказо соҳалар билан боғлиқ ишларни олиб бориш мақсадида жамғарма, нашриёт ва ширкатлар очади. Кенг жамоатчиликка мурожаат қилиш ниятида «Ислом», «Лёл ва оила», «Илм ва санъат», «Гулчўжуқ», «Панжаҳар» каби илмий, маърифий ва оммабоп журналлар чоп эттира бошлайди. Мазкур нашрларда ўша даврининг долзарб масалаларига бағишлаб ўз мақолаларини эълон қилиб туради. Радио ва телевидение каналлари ишга туширилади. Уларда нафақат диний-тасаввуфий, балки илмий, тарихий, фалсафий, адабий ва маърифий кўрсатувлар ҳам мунтазам бериб борилади. Бу жамоанинг ташаббуси билан таълим-тарбия соҳасига ҳам қўл урилади. Турли шаҳарларда болалар боғчала-

[331] Олимнинг асарлари ўзбекчага ҳам ўгирилган. Қаранг: «Тасаввуф ва нафс тарбияси» [Тошкент, 1998], «Зикруллоҳнинг фазилатлари» [Тошкент, 2000], «Ҳожа Бектош Вали. Мақолот» [Тошкент, 2000] «Ислом, тасаввуф ва ахлоқ» [Тошкент, 2001], «Тасаввуф ва гўзаллик» [Тошкент, 2004], «Юнус Эмро ва тасаввуф» [Тошкент, 2003], «Ҳақнинг возиҳлари» [Тошкент, 2001], «Ризқ ва тақво» [Тошкент, 2004], «Ўқув ва сўз маъракаси» [Тошкент, 2011], «Бебаҳо мерос» [Тошкент, 2012] каблар.

ри, бошланғич ва ўрта мактаблар, коллеж ва лицейлар таъсис этилади. Туризм соҳасида халққа хизмат кўрсатиш учун туристик фирмалар очилади.

90-йилларда мазкур жамоа аъзоси бўлган Нажмиддин Эрбакон ўзини мамлакатнинг ягона сиёсий йўлбошчиси, деб эълон қилгани боис жамоада бўлиниш юз беради. Жамоанинг бир қисми унга, бир қисми эса М.А.Жўшоннинг изидан кетади. Шунга қарамай М.А.Жўшон иршод фаолиятини давом эттиради. У нафақат Туркия, балки ўлка ҳудудларидан ташқарига чиқиб Европа, Америка, Осиё ва Австралияда кўплаб шогирдлар орттиради. У ерлардаги турли илмий, маърифий, адабий конференция, семинар ва мажлисларда фаол иштирок этади. М.А.Жўшон 2004 йил Австралияда автохалокатга учраб вафот этади. Отасининг васиятига кўра тариқат раҳнамоси сифатида шайх этиб тайинланган Муҳаррам Нуриддин Жўшон бугунги кунда жамоанинг фаолиятларини кенг миқёсда олиб бормоқда. 1963 йил Анкарада таваллуд топган Нуриддин Муҳаррам Жўшон Саудия Арабистонидаги Қирол Фаҳд университетида ҳамда Нью-Йоркдаги Санта Риза коллежининг менеджментлик коллежида таҳсил олган. Инглиз ва араб тилларини яхши билади. Отасининг илмий, маданий меросини халққа етказиш ва фикр-қарашларини тадбиқ этиш мақсадида М.А.Жўшон номли талқиқот ва таълим марказини ташкил этган.

Туркиядаги нақшбандийларнинг тариқат силсиласини билиш нуқтаи назаридан қуйида нақшбандий-холидий тармоғига мансуб Искандарпоша жамоасининг силсиласини Холид Бағдодийдан Маҳмуд Асъад Жўшон ва унинг ўғли Муҳаррам Нуриддин Жўшонгача етиб келган.

Эренкўй жамоати. Эренкўй жамоати, деб танилган яна бир нақшбандий жамоасиШайх Маҳмуд Сами Рамазонўғли афандининг издошларидан таркиб топгандир. Сами афанди тариқат фаолиятини узоқ вақт мобайнида Истанбулнинг Эренкўй туманида олиб боргани учун Эренкўй жамоати номи билан машҳур бўлган. 1092 йил Адапазда дунёга келган Сами афанди Истанбулдаги Шайх Муҳаммад Асъад Ирбилийдан (вафт. 1931 й.) тариқат ижозатини олган.

М.С.Рамазонўғли тасаввуфий таълим-тарбия фаолиятларини дастлаб уйда, кейинчалик жоме масжидларда олиб боради. Унинг суҳбат ҳалқаларида турли касб-ҳунар эгалари иштирок этдилар. Хусусан, тижорат ва савдо аҳли, ишлаб чиқарувчилар унинг суҳбатларида кўпчиликни ташкил этади. 1984 Мадинада вафот этиб ўша ерга кўмилади. Муридлари томонидан ташкил этилган «Эркам яйинлари» нашриёти Сами афандининг асарларини чоп этган. Сами афандидан кейин Эренкўй жамоатига Мусо Тўпбош афанди раҳбарлик қила бошлади. «Содиқ Доно» лақабини қўллаган Мусо афанди даврида жамоат жуда кенгаяди. «Олтинўлук» номли ойлик маърифий журнал чоп этилади. Азиз Маҳмуд Ҳудоий номли вақф таъсис этилади. Бу вақф воситасида фақир, муҳтож, бева-бечора, етим-есирларга ёрдам кўрсатилади, талабалар ётоқхона, кексалар қариялар уйи билан таъминланади, бир қатор таълим-тарбия муассасалари ташкил этилади. Жамоатнинг бир хусусияти шуки, у доимо ўзини сиёсатдан четга тортиб келади. Чунончи, Мусо Тўпбош сиёсатга аралашгандан кўра ёшлар тарбияси билан шуғулланган афзалроқ, деб насиҳат қилар экан.

Мусо Тўпбош 1999 йил вафот этгач, унинг ўрнига фарзанди Усмон Нури Тўпбош ўтади. Бу янги даврда жамоат Ўрта Осиё ва Болқон ҳудудларида исломий таълим-тарбия фаолиятларига эътибор қаратмоқда, бир қанча ўқув муассасалари очган. «Шабнам», «Олтинчўжуқ», «Шафқат» каби илмий, маърифий ва оммабоп журналлар чоп этилади[332].

Манзил жамоати. Нақшбандиянинг холидия тармоғи вакили Шайх Саййид Муҳаммад Рашид Эрол афанди (1930-1993) тариқат фаолиятини Адияманнинг Кахта туманидаги Манзил (бугун Дурок дейилади) қишлоғида олиб боргани учун бу жамоага «Манзил жамоати» дейилади. Тариқат ижозатини отаси Абдулҳаким Ҳусайнийдан олади. 1972 йил отаси вафот этгач, иршод этиш фаолиятини бошлайди. Унинг даврида тариқат фаолияти янада кенгайиб, муридлар сони анча кўпаяди. Муҳаммад

[332] УНЎбосининг «Маснавий» шарҳига бағишланган бир асари Мавлоно Жалолиддин Румий юбилейи муносабати билан ўзбекчага таржима қилинган (қаранг: УНЎбош. «Маснавий» боғчасидан бир кўза сув», Тошкент, 2007).

Сулаймончилар. Сулаймон Ҳилмий Тунахон афандининг (вафоти 1959 й.) муридларидан таркиб топган нақшбандия жамоати халқ оммаси томонидан Сулаймончилар номи билан танилган. Сулаймон афанди мадрасада ўқиб юрган пайтлари Туркистонлик нақшбандий-мужаддидий шайхи Мавлоно Сироҷиддин ўғли Салоҳиддин Ўшний (машҳур мутасаввиф шоир Ҳувайдо Чимёнийнинг набираси) ҳазратларининг иршод ҳалқасига киради. Унинг қўлида таълим-тарбия топгач, 1936 йил тариқат ижозатини олади ва нақшбандий шайхи сифатида иршод фаолиятини бошлайди. Сулаймон афанди шогирдларига Қуръон, араб тили, мумтоздиний илмлардан дарс беради. 1949 йилда «Қуръон курслари»нинг очилишига расмий рухсат берилиши билан Сулаймон афандининг ташаббуси билан Туркиянинг кўплаб жойларида Қуръон ўқитиш курслари очилади.

Сулаймон афанди 1959 йил вафот этган унинг ўринбосари қолмаган бўлса-да, куёви Камол Қочар жамоа ишларини бошқаради. Уч сафар кетма-кет Адолат партияси Кутаҳя депутати этиб сайланган Камол Қочар айни пайтда Европа кенгаши қошидаги турк парламентар ҳайъати аъзоси ҳам бўлган.

Камол Қочар бошчилигидаги бу жамоат Туркиядаги фаолиятлардан ташқари Европадаги турк ишчилари орасида ҳам биринчи бўлиб исломий тарғибот фаолиятини бошлаган. Дастлаб Қуръон курслари, 1974 йилдан эътиборан эса Ислом маданият марказлари ва бу марказларнинг ушмаси ташкил этилди. 1990 йилдан бошлаб Германияда бу жамоатнинг 150дан зиёд жоме масжиди очилган.

Сулаймончиларнинг МДҲ давлатлари, жумладан, Марказий Осиё давлатларида ноқонуний фаолият юритгани, бир қатор қонунбузарликларни амалга оширгани маълум. Шунингдек, айрим МДҲ вақтли матбуотида ушбу тариқатга экстремистик оқим сифатида баҳо берилганини айтиб ўтиш лозим.

Усмон Хулусий афанди (1915-1990). Нақшбандий-холидий тармоғи шайхи бўлган бу зот Малатянинг Доранда туманида таваллуд топган. Ёшлик йилларида нақшбандий-холидий шайхи Эҳромчизода Сивасий Исмоил Ҳаққий Тупроқ афандига мурид бўлган «Хулусий жоме»да имомлик қилади. Шу билан бир қатор

да дорадғорлик, теричилик, ўймакорликбилан шуғулланади. Устозининг вафотидан кейин унинг халифаси сифатида фаолият бошлайди. Дорандада турли ушмалар, жоме масжид, кутубхона, имом-хатиб мактаби, Қуръон курси, лицей, саноат маслак лицейи ва илоҳиёт факультети очишда фаоллик қилади. 1986 йил ўзининг номига жамғарма («Сайиид Усмон Хулусий афанди вақфи») ташкил этади. 1990 йил вафот этган Хулусий афандининг насли насаби сайиидлардан бўлиб, Сўмунжу бобо исми билан машҳур бўлган Ҳамиди валийининг (Ҳожи Байрами валийининг муршиди) ўн иккинчи бўғин авлодидир. Адабиёт мухлиси бўлган Хулуси афанди барча мутасаввифлар каби шеърни иршод учун бир восита деб билган. Буни унинг «Девони Хулусий Дорандавий» номли девонидан (Истанбул, 1986) ўрин олган мумтоз газаллари, илоҳий, қўшма ва бармоқда ёпилган мапзумаларида кўриш мумкин. Унинг кўплаб шеърлари машҳур хонандалар томонидан басталанган ва халқ орасида жуда машҳурдир. Хулуси афандининг мактублари вафотидан кейин тўпланиб «Мактуботи Хулуси Дорандавий» номи билан чоп этилган (нашрга тайёрловчи Мехмет Оққуш. Анқара, 1996).

Муҳаррам Ҳилми Кўсатуркман (1878-1964). Яна бир нақшбандий-қодирий шайхи Туркиянинг Элазиғ (ал-Азиз) вилоятида таваллуд топган М.Ҳ.Кўсатуркман ёшлигида нақшбандий-қодирий шайхи Арабкирли Умар Ҳудоий Бобога шогирд тушади, кейин кубравий шайхи Муҳаммад Куфравийга интисоб этиб, унинг назоратида хилватга кириб ижозат олади. Шунингдек, Абдулбоқи Битлисийдан нақшбандия, Чўрумли Ҳожи Мустафо афандидан шозилия, Сайиид Али Ризо Ахискавийдан акбарин, Аҳмад Бобо Санамирийдан рифоия тариқатлари бўйича ижозат олади. Мадрасада ишлайди. 1964 йил Элазигда вафот этади. Суҳбатларида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Тариқи пайғамбари мо ишқ аст» (Пайғамбаримизнинг йўли ишқ йўлидир) сўзини бот-бот ифодалайдиган М.Ҳилми афанди шеърларида тассуб ва жаҳолатни, сохта шайхларни қаттиқ танқид қилади. У «Мақомоти азкори илоҳия ли солики тариқат ил-қодирия», «Ҳадияту-з зокирин», «Девони Сиррий» каби асарларни қаламга олган.

Муҳаммад Саид Сайдо (1890-1968). Яна бир нақшбандий-холидий шайхи Муҳаммад Саид Сайдо Жазарий афанди Жизрада холидий шайх Умари Занғоний оиласида таваллуд топган, наслу насаби саййидлардан бўлган Мардинлик Пири Қурайшга мансуб. Отасининг вафотидан кейин Муҳаммад Саид отасининг шогирди шайх Ҳусайн Басратийнинг ҳимоясида вояга етади. «Сайдо» тахаллуси берилган Муҳаммад Саид тоғаси Муҳаммад Нурий Дершавий ва отасидан кейинги халифа Абдулҳаким Дершавийдан таҳсил олади. Кейин мадрасада акаси шайх Сирожиддин қўлида таълим олиб, унинг ижозатини олади. 1920 йил акаси вафот этгач, мадрасани бошқаради. Мударрислик чоғида Сайдога тоғаси шайх Муҳаммад Нури Дершавий томонидан тариқат ижозати берилади. Шу аснода тоғасининг ҳузурида ҳамда мадраса таълими билан бирга тариқат фаолиятини бошлайди. 1924 йил тоғасининг вафотидан кейин бешинчи муршид сифатида тариқат халқабошиси бўлади. Камолга етишган Сайдо илк мадраса ижозатини Мулла Сулаймон Хусарий билан Муаммад Саид Рамазон Бутийнинг отаси Мулла Рамазонга беради. Кўплаб шогирдларини ўша минтақадаги хойларга мадраса ва даргоҳ ишлари учун масъул қилиб тайинлайди. Тасаввуф ва фиққа доир «Тасаввуф», «Аҳком», «Робита фи-р-робита», «Маҳмумот», «Мажмау-с-сағир», «Тиббу-н-набавий» каби ўнлаб асарлари чоп этилган. Сайдо 1960 йил Жизрада вафот этади.

Жизранинг Қалъа маҳалласидаги шайх Сайдо мақбарасидаги даргоҳда Сайлонинг издошлари чилдирма чалиб илоҳий қасидалар куйлаб, зикри жаҳрий маросими ўтказиб келадилар. Бу эса тақя-хонақоҳ ва классик девон адабиёти анъанасининг давом этаётганини кўрсатади. Сайдо даргоҳи ожизу бечоралар, мусофирлар ором топадиган, руҳий беморлар шифо топадиган, қийналганларнинг ҳожатлари ҳал бўладиган муқаддас бир марказ ҳисобланади. Сайдодан кейин фарзанди Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо илмий, адабий, тасаввуфий фаолияти билан хизмат қилиб, ўндан ортиқ асар нашр эттиради. Унинг «Тасаввуф сирлари-1» (Тошкент, «Моваройуннаҳр», 1999) рисоласи ўзбекчага таржима қилинган. 1985 йил вафот этган бу зотдан кейин тариқат халқасини бугунги кунда унинг укаси Умар Фарук Сайдо

Жазарий афанди давом эттирмоқда. Унинг тасаввуфий суҳбатлари жамланган «Тасаввуф сирлари» (иккинчи китоб) (Тошкент, «Моваройуннаҳр», 2001) рисоласи ҳам ўзбек тилига ўгирилган.

Алварли Муҳаммад Лутфий афанди (1868-1956). Яна бир нақшбандий шайхи ва мутасаввиф шоир Алварли Муҳаммад Лутфий афанди Арзирум шаҳрида таваллуд топган бўлиб, дастлаб отасидан, кейин шаҳарнинг таниқли олимларидан илм олган. Арзирумнинг Ҳасанқалъасидаги жоме масжидида имомлик қилган. 1891 йил нақшбандий шайхи Муҳаммад Пири Куфравийга мурид бўлди. Унинг халифаси сифатида Ҳасанқалъада иршод фаолиятини олиб боради. Биринчи жаҳон урушида иштирок этади. Арзирум душмандан озод этилгач, нақшбандия-холидия шайхи сифатида иршод билан машғул бўлади. 1956 йил вафот этган Алварли афанди араб, форс ва туркийда шеърлар ёзган. Мазкур шеърларни унинг ўғли Сайфиддин Мазлумўғли «Хулосату л ҳақойиқ» номи билан нашр эттирган (Истанбул, 1974). Бу девонида турли жанрдаги етти юздан ортиқ шеъри ўрин олган. Бармоқ вазнидаги содда ва равон шеърларининг айримлари басталанган.

Юқорида тилга олинганлардан ташқари Туркияда таъсир кучи оз бўлган яна бир қанча нақшбандий шайхлари ва жамоалари бор. Чунончи, Эҳромгирзода Исмоил Ҳаққий Тупроқ афанди (вафо.1973 й.), Муҳаммад Эҳсон Ўғуз афанди (вафо. 1991 й.), Дада Пошо Мусо афанди (вафо. 1974 й.) каби нақшбандий сиймоларнинг шогирдлари ҳам диний тасаввуфий асарлар нашр эттириш, талабаларга таҳсил бериш сингари хизматлар юргизиб келмоқдалар.

Булардан ташқари, Шайх Нозим Кубрусий (вафо. 2014 й.) гуруҳи ҳам ўзини нақшбандийлардан деб билади. Бироқ бу гуруҳ амалиётида нақшбандийлардан кескин фарқланиб турувчи жиҳатлар кўп.

Халватия тариқатининг тармоқлари. Туркияда халватия тариқатининг (XIV асрда Сирожиддин Умар Хилватийтомонидан таъсис этилган) жаррохия, шаъбония ва ушшоқия тармоқлари фаолият кўрсатади.

Жаррохийлар. Жаррохия тариқати XVIII асрнинг бошида Шайх Нуриддин Жаррохий (вафо. 1721 й.) томонидан халвати-

нинг бир тармоғи сифатида Истанбулда барпо этилган. Истанбулнинг Қорагумрук маҳалласидаги Нуриддин Жаррохий мақбарасида жойлашган тақя жаррохийларнинг маркази ҳисобланади. Жумҳурият даврида тақида энг фаол хизмат қилганлардан шайх Музаффар Ўзак (1916-1985) бўлган. Истанбулда дунёга келган М.Ўзак ушшоқий шайхи Абдураҳмон Сомий Сарухонийнинг химматида таҳсил олади. Абдулҳаким Арвосий ва Шафиқ афанди каби шайхларнинг суҳбатларида бўлади. Нафис санъат академиясидаги хаттотлик ва безак дарсларини олган М.Ўзак жоме масжидларда муэззинлик, воизлик ва саҳҳофлар бозорида саҳҳофлик (китобфурушлик) қилади. Ҳофиз Исмоил Ҳаққидан мусика бўйича сабоқ олади. Халватия шаъбония шайхи Марашли Аҳмад Тоҳир афандига мурид бўлади. Қодирия тариқатидан иршод ижозати бермоқчи бўлишганида, қабул қилмай, хилватий-жаррохий шайхи Фахриддин афандига мурид бўлди. Ниҳоят 1965 йил бу тариқатдан халифалик берилган М.Ўзак устозининг вафотидан (1966) кейин жаррохий тақясининг ўн тўқизинчи турбадори ва муршиди сифатида фаолият бошлади. Истанбулнинг йирик хомеларида, қаҳвахоналарда, жаррохий тақясида ва ўзининг саҳҳоф дўконида ҳар турли савиядаги кишиларга ислом ва тасаввуф ҳақида маъруза қилади. Қуддус, Багдод, Шом ва Қоҳира сингари йирик шаҳарларда тасаввуфий суҳбатлар ўтказади. М.Ўзакнинг ваъзу хутбалари, тарғибот услуби хорижликларнинг эътиборини тортди. Америка, Германия, Англия, Голландия, Бельгия ва Франциядаги бир қатор маданият ва санъат ташкилотлари томонидан таклиф этилган М.Ўзак хорижликлар билан тасаввуфий суҳбатлар ўтказади. Бу суҳбатлари ва Ишқий тахаллуси билан ёзган Юнус Эмро услубидаги шеърлари таъсирида кўплаб европаликлар унга мурид бўладилар. Унинг тасаввуфий фаолияти ва ғарб ўлкаларига қилган саёҳатлари натижасида бу тариқат Америка ва ғарб давлатларида ҳам тарқалади. М.Ўзакнинг «Иршод», «Анвору-л-қулуб», «Зийнату-л-қулуб», «Ишқ йўли вуслат йўли», «Гулзори орифон», «Муҳаббат – шароб» каби асарлари Нью Йорк, Истанбул, Москва ва Тошкентда[334] чоп этилган.

[334] Музаффар Хилватий, «Муҳаббат – шароб», таржимон – Ўзбекистон халқ

М.Ўзак 1985 йил вафот этгач унинг ўрнини Сафар Дал афанди эгаллади. Сафар Дал афандининг вафотидан кейин эса жаррохийларга Умар Туғрул Ипончар шайхлик қилаётир. Бу тариқатнинг фаолияти Қорагумруклаги Нуриддин жомесидаги «Турк тасаввуф мусиқасини тадқиқот ва жонлантириш жамияти» воситасида амалга оширилмоқда. Ҳафтада икки маротаба – душанба ва пайшанба оқшом вақтида бу ерда суҳбат мажлислари ўтказилади. Бирида нашидалар ўқилса, иккинчисида зикр ҳалқаси қурилади. Жамоатнинг Туркиядаги аъзолари жуда кўп бўлмаса-да, ораларида шоир, ёзувчи ва санъаткорлар кўпчиликни ташкил этади. Жамоатда тақи одоби ва мусиқасига алоҳида аҳамият берилади. Сиёсатга аралашмайдилар. Шунингдек, бугунги кунда психолог олим, профессор Роберт Фростер «Рағиб бобо» тахаллуси билан Америкада, маданият тарихи мутахассиси профессор Саъдиддин Ўктем эса Туркияда хилватийлик моҳиятини ташитмоқдалар.

Шаъбонийлар. Халватия тариқатининг муҳим бир тармоғи бўлган шаъбония XVI аср хилватий шайхи Кастамонулик Шайх Шаъбони Валий (вафо. 1569 й.) томонидан ташкил этилган. Бу тармоқнинг илғор шайхларидан бири бўлган Меҳмед Думлу бугун Кутаҳяда яшайди. Бу шахс ва тариқати тўғрисида интернет саҳифасида (www.halveti.net)маълумотлар мавжуд. Яна бир шаъбоний шайхи Мустафо Ўзэрен афанди (вафо. 1982 й.) 1911 йил Истанбулга кўчиб келган ва шаъбоний шайхларидан Аҳмад Тоҳир Мемиш афандидан (вафо. 1934 й.) иршод ижозати олган.

Ушшоқийлар. Туркияда бир нечта ушшоқий шайхлари фаолият юргизади. Меҳмед Нусрат Тура афанди (вафо. 1979 й.) охирги даврнинг илғор ушшоқий шайхларидан бўлган. Бир қанча диний-тасаввуфий асарлари чоп этилган. Вафотидан кейин ўрнига Наждатбек билан Сиддиқ Нажий Эран деган зотлар ўтганлар. Лосан Ушшоқий вақфи номли саховат ташкилоти фаолият юргизади.

Қодирия тариқати. Милодий XII асрда Абдулқодир Гийлоний (вафо.1166 й.) томонидан асос солинган қодирия тариқатининг Туркияда бир нечта тармоқлари мавжуд. Улардан бирининг

шоири Жамол Камол. Тошкент: «Адабият учқунлари», 2014.

шайхи Мисбоҳ Арманқул бўлиб, бу зот Истанбулнинг Тўпхане маҳалласидаги Қодирийхона (расмий номи Исмоил Румий жомеси) тақясида шайхлик қилади. Жума куплари пешин билан аср орасида жамоа бўлиб зикр қилдирали. Муҳаррам ойида тақяда ашуро таоми пиширив тарқатилади. Қодирийлик анъаналарини жонлантиришга ҳаракат қилаётган бу жамоанинг аъзолари унчалик кўп эмас.

Рифоия тариқати. Милодий XII асрда Ироқда ташкил этилган рифоия тариқатининг XX асрда Туркиядаги йирик шайхларидан бири Канъон Рифоийдир (ваф. 1950 й.). Вафотидан кейин ўрнига халифаси Самиҳа Ойверди хоним (ваф. 1993 й.) бўлган. Самиҳа хоним тарих, адабиёт ва тасаввуфга доир бир қанча асарлар ва романлар ёзган. Самиҳа Ойверди ва яқинлари «Қуббаолти» номли вақф очиб, унинг қошида нашр ишлари билан шуғулланиб келадилар. Чунончи, «Қуббаолти академи мажмуаси» (журнали) шулар жумласидандир. Маданият ва санъатга аҳамият берувчи бу жамоа тарқибида кўплаб илм ва санъат аҳлини кўриш мумкин. Самиҳа Ойвердидан кейин бир неча тармоққа бўлинган ушбу тариқатнинг бугунги йўлбошчиси Илҳон Ойверди хонимдир.

Арусия тариқати. Аслида келиб чиқиши Шимолий Африка бўлган бу тариқат, Умар Фавзи Марлин орқали Туркияга ҳам кириб борган. Ундан кейин Мустафо Азиз Чинар ва Мехмет Фоиқ Эрбил каби зотлар томонидан давом эттирилган.

Бектошийлик тариқати. Хожа Аҳмад Яссавийнинг издошларидан Хожи Бектош Валий (вафо. 1271 й.) томонидан асос солинган, бошқа бир қарашга кўра Абул Вафо Бағдодийга нисбат берилган вафоия тариқатининг бир тармоғи сифатида Онадўлида таъсис этилган бектошийлик тариқатига асрлар ўтгач шиа ва хуруфийлик таъсирлари ҳам ўтган. Натижада тариқат мансублари орасида диний қоидаларга лоқайдлик юзага келади. Жумҳурият даврига келиб 1925 йил тақялар ёпилганда бектоший тақялари ҳам тугатилган. Аммо диний қоидаларга амал қилмайдиган ва шиаликнинг таъсирида қолган алавийлик кўриниши билан синтезлашган бектошийлик давлат томонидан нисбатан муҳофаза этилган. Бунинг эвазига эса бектошийларнинг аксари жумҳурият халқ партиясини қўллаб-қувватлаб келганлар. Бошқа томон-

дан эса баъзи алавийлар йиллар ўтиб суннийлашганлар ёхуд ўз маданий ўзликларини муҳофаза қилиб жамиятга мослашганлар. Бошқа бир қисми эса сўлчи гуруҳларга қўшилиб кетган. Аслида бектошин бир тариқат, алавийлик эса бир мазҳаб бўлиб, бир-биридан алоҳида икки таълимот бўлган. Аммо жумҳурият даврида бир-бирига атайин яқинлаштирилиб жипслаштирилган. Сўнгги даврларда бектоший тақяларини «Жам ва маданият уйи» номи билан очишга расмий рухсат берилмоқда.

Мавлавия тариқати. Асли хоразмлик бўлиб, мўғул босқини пайтида Балхга, ундан кейин Онадўлига кўчиб кетган юртдошимиз Мавлоно Жалолиддин Румий (ваф.1273 й.) томонидан Онадўлида таъсис этилган мавлавийлик тариқатининг тақялари ҳам 1925 йил ёпилган. Лекин мавлавийларнинг зикри самоъ мажлислари 1950 йиллардан кейин маданият ва халқ анъанасига мансуб фаолият сифатида баҳоланиб, маълум вақтларда ижро этилишига давлат томонидан изн берилган ва қўллаб-қувватланган. 2000 йилларга қадар йиғилишларини тор доирада ўтказган мавлавий шайхлари сўнгги пайтларда давлатнинг кўмаги билан фаолиятларини бемалол давом эттирмоқдалар. Булардан бири бўлган ва Мавлононинг айрим асарларини туркчага ўгирган Шафиқ Жошқин (вафо. 2005 й.) ишларини Мавлоно тадқиқот марказида унинг шогирдлари давом эттиришмоқда. Мавлоно нафақат Туркияда, балки бутун дунёда фикр-қарашларининг инсонийлиги ва меҳр-муҳаббатга тўлалиги туфайли севиб ардоқланади, асарлари ихлос билан мутолаа этилади, шунга қарамай мавлавий тариқати аъзолари жуда камчиликни ташкил қилади[315].

XX аср бошида Туркия жумҳурият тизимига ўтиб, давлат диндан ажратилганига қарамай, жамият ҳаётидан дин, тасаввуф ва тариқатлар бутунлай йўқолиб кетмади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошига келиб тасаввуфий фаолиятлар шакл ва услубий жиҳатдан ўзгаришларга учраган бўлса-да, мамлакатда яна тасаввуф таълимотига кенг эътибор берилиб, тариқатлар замо-

[315] Жалолиддин Румийнинг айрим асарлари ўзбекчада нашр этилган («Ичингдаги ичингдадир», У.Абдулваҳоб таржимаси, Тошкент: 2001; «Маснавийи маънавий», Олти жилд. Ж.Комил таржимаси, Тошкент: 2004-2006)

навий кўринишда ривож топа бошлади. Туркияда тасаввуф ва тариқатларининг яшаб қола олганининг, албатта, муҳим сабаб ва омиллари бордир.

Шуни айтиш керакки, XX аср сўнггидан бошлаб нафақат Туркияда, балки дунёнинг бошқа ўлкаларида ҳам суфий ҳаракатлар жонлана бошлади. Туркияда тасаввуф ва хонақоҳ таълим-тарбия усули эски даврдагиларга қараганда сон жиҳатидан камайса-да, тасаввуфга нисбатан оммавий қизиқиш, тасаввуфий асарларга талаб, уларни тадқиқ этиш ва нашр қилиш ривожланди.

2. Шимолий Африкада тариқатлар фаолияти. *Тижония тариқоти.* Тижония тариқатига XVIII аср охирларида Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мухтор Тижоний (1737–1815 й.) томонидан ғарбий Африка минтақасида асос солинган. Тижония тариқатининг таълимоти ва унинг фаолияти бошқа тасаввуфий тариқат шайхлари томонидан илиқ кабул қилинмади. Шунга қарамасдан, ҳукумат тижония тариқати воситасида тобора ўз мавқеини кучайтириб бораётган қодирия ва шозилия тариқатларига зарба бериш мақсадида уларга Фос шаҳрида мустаҳкам ўрнашиб олишга кўмаклашди. Натижада, тижония тариқати ўзининг илк зовиясини бунёд қилди. Шу маркая орқали тижония тариқати ўз тарғибот йўналишини Жазоир, Тунис, Марокаш ва Мавритания давлатларига карата олди. Мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилаётган тижония тариқати ўз фаолияти жараёнида Франция ва Испонийлар давлатининг қуролли кучлари билан қонли тўқнашувлар ҳам олиб борган. Тариқат Мавританиянинг шимолий қисмида фаолият бошлаши Аҳмад Тижонийнинг шогирди Муҳаммад Ҳафизнинг (вафо. 1830 й.) сайй ҳаракатлари билан боғлиқдир. Ундан ташқари Ҳафизнинг раҳбарлиги остида тариқат фаолияти Сенегал ва Гвинеяга ҳам етиб борди.

Муҳаммад Ҳафизнинг шогирди Хожа Умар (вафо. 1864 й.) эса тариқат ривожига катта ҳисса қўшган шахсдир. XIX аср ўрталарига келиб, Хожа Умар раҳбарлиги остида тижония тариқати вакиллари Сенегал ва Нигерия дарё қирғоқларида яшовчи аҳолини исломга даъват қила бошлади. Хожа Умар ўзининг олий мақсади – тижонийлар империясини тузишга муяссар бўлди.

Бироқ бу давлат узоқ яшамади. Хожа Умарнинг ўлимидан сўнг империя таназзулга учради. Шундан кейин тижония тариқати вакиллари француз мустамлакачилари томонидан қаттиқ тазйиқларга учрадилар. Хожа Умарнинг жияни Муҳаммад Ҳошим ибн Аҳмад ибн Саид (вафо. 1931 й.) ҳам шундай босимлар туфайли мамлакатдан бош олиб, чиқиб кетди. Сўнгра эса ўзи каби ватанидан қувилган тижония тариқати аъзолари учун Ҳижозда бошпана бунёд этди. Кейинчалик бу бошпана дунёдаги тижония тариқат вакиллари учун ягона таълим марказига айланди.

Сенегал давлатида тижония тариқат шайхи Иброҳим Ниассен (вафо.1975 й.) тайинланган бўлиб, XX асрга келиб у нотиқлик маҳорати сабабли Сенегалдан ташқари Нигерия ва Гана давлатларида ҳам тарикат таълимоти янада кенгроқ ёйила бошлади. Ундан ташқари Иброхимнинг тарғиботдаги услуби Мавритания, Чад ва Ғарбий Африка аҳолисининг ҳам ўа таъсир доирасига торта бошлади. Натижада тижония тариқати дунё бўйлаб ёйила борди. Мисол учун Туркияда бу тариқат вакиллари кўпчиликни ташкил килмасада, унинг тарғибот фаолияти ҳатто II жаҳон уруши пайтида, яъни 1939-1945 йилларида ҳам тўхтамади. Анқарада эса 1942 йили тариқат аъзолари очиқ фаолият олиб борганлари маълум. Ваҳоланки, Туркияда Мустафо Камол Отатурк ҳокимият тепасига келиши билан бутун мамлакат бўйлаб, суфий тариқатлари фаолияти тақикланган эди.

Тижония тариқати бир нечта сулукларнинг ҳосиласидан пайдо бўлган тариқатдир. Тижонияга шозилия тариқати қаттиқ таъсирланганига қарамай, тариқат пойдевори халватия таълимоти асосида бунёд бўлган. Аҳмад Тижоний таълимотини бошқа тариқатларга нисбатан содда, оммабоп ва зоҳидликдан узоқлашган ҳолда тузишга ҳаракат қилган. У асосан жамоани бир ҳалқа ичига жамлаб, зовияда ибодат қилишларига муяссар бўлди. Тижоний ўзининг асосий мақсади сифатида эса Худо билан одамлар орасидаги кўприк вазифаси Пайғамбар Муҳаммад (а.с.) томонидан унга тайинлашганини даъво килган.

Тижоний бундан ташқари тасаввуфий силсилаши ва ундан олдинги ўтган валийлар билан алоқадорликни рад этади ва бунга далил қилиб, мен тарбияни шахсан воситасиз Муҳаммад

дир. Ибодат давомида сирли исмни фақат олий ҳақиқатни ҳис қилган тариқат аъзосигина топиши мумкин, деб эътиқод қиладилар. Тариқат шайхи Али Абдуссамаднинг рус тилидаги «Имя Аллаха и число 66» («Аллоҳнинг исми ва 66 рақами») номли китоби Аллоҳнинг 99 та исмларига бағишлаб ёзилган асардан биридир.

"Салату-л-фотиҳ ала-н-наби" ёки таслия — Пайғамбар Муҳаммад (а.с.)га саловат айтиш бўлиб, тариқат таълимотига кўра, "салату-л-фотиҳ"ни ўқиш Қуръон ўқишдан афзал ва қиёмагда сўроқсиз жаннатга киришга сабаб бўлади, деб ҳисобланади. Бу эса анъанавий ислом қарашларига зиддир. «Жавҳарату-л-камол» эса тариқатда доимий равишда жума кунлари амалга ошириладиган зикр шаклдаги асосий маросимлардандир. Зикрлар асосан араб тилида бўлиб, унинг мазмунини бошқа тилларга таржима қилинган бўлиб, уни тушуниш ва англаш ҳар бир тариқат аъзоси учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Тариқат асосчиси Аҳмад Тижоний мавлуд ҳақида гапириб ўтмаган. Шу боис тариқат аъзолари умуман мавлуд маросимларини ўтказмайдилар. Уларга мавлуднинг ўрнига мос келувчи «Жавҳарату-л-камол»ни ўқиш буюрилади. «Жавҳарату-л-камол» пок ҳолда ўқиладиган дуолар мажмуаси. Етти марта ўқилганда Пайғамбар (а.с.)нинг ўзи ўқувчининг ҳузурига келади, деб тариқат вакиллари эътиқод қиладилар. Тариқатнинг яна бир жиҳати шундаки, улар нетикликка катта аҳамият бердилар. «Сўз – асосий куч ва манба» шиори билан фаолият олиб борадилар.

Ҳозирги кунда, тижонин тариқатининг Европа ва Россия мингакасининг раҳнамоси шайхи Али Абдуссамад (Боллат Фреди) ҳисобланади. У 1935 йил Швецарияда яҳудий оиласида дунёга келган. Али Абдуссамаднинг устози шайх Абдураҳмон Яхё алавия (силсиласи халифа Алига бориб тақалади) тариқати вакили бўлган. Али Абдуссамад устозининг таълимларидан сўнг исломнинг асосларини ўрганишга киришди. Кўп йиллардан кейин охирги қарор ила исломни қабул қилди. Икки йилдан сўнг тижония тариқати шайхи Аҳмад Хампате Ба билан учрашиб, 1960 йили Абдуссамад тариқатга аъзо бўлади. Хампате Ба то умрининг охиригача унга муршид бўлди.

Абдуссамад бошқа тариқат шайхлари томонидан тан олинган ва тижония тариқати вакиллари орасида етакчи ўрин эгаллаган, устоз мақомига эришган шахс ҳисобланади. Маълумки, Али Абдуссамад нақшбандия тариқати шайхи Назим Кубрусий Ҳаққоний ва ҳиндуийлар вакили Бабажининг шогирди Шри Муниражи Махарадж билан ҳам яқин алоқаларни ўрнатган.

Ҳозирги кунда, тариқат аъзолари фаоллик билан ўзларининг таълимотларини жаҳон бўйлаб тарқатишга ҳаракат қилмоқдалар. Тариқат фаолияти ҳақида интернетдан махсус сайтлар www.tijaniya.org, (Шимолий Африка) ва www.tijani.org, (Сенегал) ҳамда тариқатнинг расмий сайти www.Tidganiya.com. (араб ва француз тиллари) орқали топиш мумкин. Россияда ҳам www.tijaniya.narod.ru номли ташкилот вебсайти рус тилида фаолият олиб боради. Сайтда тариқат аъзолари 100 мингга етгани келтирилган. Тариқат веб сайтида қуйидаги рукнлар ўрин олган: тижония уламолари; ислом ва тижония тариқати; тижония амалиёти; тижония таълимоти; қўшимча маълумотлар; янгиликлар.

Ҳар бир рукн остида алоҳида мавзуда рукнлар бўлиб, уларнинг ичида керакли маълумотлар жойлаштирилган. Сайтда ундан ташкари фойдаланувчи учун бевосита тариқат аъзолари билан боғланиш ва шайхга байъат бериш, зикр турлари, тариқатнинг ибодат маросимлари билиш имконияти яратилган. Сайтда тариқатнинг тарихи ва бугуни акс эттирилган бўлиб, маълумотлар инглиз, француз ва араб тилларида берилган.

Тижония тариқати қуйидаги давлатларда фаолият олиб боради: Африка қитъасида: Бенин, Чад, Эфиопия, Гамбия, Гана, Мали, Мавритания, Намибия, Нигерия, Сенегал, Шимолий Африка, Того; Яқин Шарқда: Жазоир, Миср, Ливия, Марокаш, Исроил, Саудия Арабистони, Сурия, Тунис, Туркия; Осиё давлатларида: Хиндистон, Индонезия, Малайзия, Покистон; Европада: Албания, Франция, Германия, Италия, Россия, Испания, Буюк Британия; Америка қитъасида: Бразилия, Канада, Колумбин, Пуэрто Рико, АҚШ, Тринидад - Табаго.

Тижония тариқати дунё бўйлаб тарқалган бўлишига қарамасдан, улар ўзаро бирлик ҳолда фаолият олиб борадилар. Мисол учун, 2007 йил 27-30 июль кунлари Марокаш – Фос шаҳри-

да халқаро тижонийларнинг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда «Ҳозирги кунда тижония тариқатининг ўрни» мавзусида тижоний уламолари томонидан маърузалар тингланди ва долзарб масалалар муҳокама қилинди. Ундан ташқари тижония тариқатини кўплаб хайрия масалан, табиий офат туфайли жабр кўрган давлат ва қишлоқларга моддий ва гиббий ёрдам бериш, масжид ва мадрасаларни қуриш, ёшларнинг илмга бўлган эътиборини кучайтириш ва рағбатлантириш ишларида ҳам кўриш мумкин.

Санусия тариқати. Санусия Шимолий Африкада кенг тарқалган тариқат бўлиб, ўз вақтида мустамлакачиларга қарши курашган фаол куч сифатида аҳоли орасида катта нуфузга эга бўлган. Санусийлик тариқатининг асосчиси саййид Муҳаммад ибн Али Санусий Кабир тахм. 1791 йил Жазоирда туғилган. Тариқат вакиллари унинг насаби Али ибн Абу Толибга бориб тақалишини эътироф этадилар. У ёшлигидан илм талабида турли жойларга сафар қилган. Марокашнинг Фос шаҳрида ўқиб юрган кезларидаёқ дарвешлар ва суфийлар фаолиятига нисбатан қизиқиб келган. У Шимолий Африкада бўлган вақтида қодирия, Фосда эса тойибия тариқатига интисоб этган эди. Унинг дастлабки қарашларига тижония тариқати катта таъсир ўтказган бўлса да, кейинчалик санусия вакилларида тижонийларга нисбатан зид кайфият шаклланган.

Муҳаммад ибн Али Санусий Ҳижозда таълим олиб юрган кезларида бир нечта тариқатларга аъзо бўлди. Идрисия тариқати шайхи Аҳмад ибн Идрисга шогирд тушган. Аҳмад ибн Идриснинг вафотидан сўнг унинг муридлари иккита тариқатга ажралдилар. Шулардан бири идрисия ҳамда Муҳаммад ибн Али Санусий асос солган санусийлик тариқатлари.

1829 йилдан бошлаб Муҳаммад ибн Али Санусий турли мамлакатларга сафар уюштирди. Кохира ва Маккада бир қанча тариқат вакилларидан таълим олди. 1837 йили Маккада санусийликка асос солди. Маккадаги моликий фақиҳларининг таъкибидан сўнг Муҳаммад Санусий ўз юртига қайтишга мажбур бўлади. 1848 йили Жазоирга қайтиб келган вақтида Франция Жазоирни мустамлака қилиш ҳаракатида эди. Муҳаммад

Санусий ватани Жазоирни аста-секинлик билан французлар қўлига ўтиб кетаётганини кўргач, ўзи истиқомат киладиган жой Киренаикани танлаб олиб, у ерда бир нечта зовиялар барпо этди. Улар орасида машҳури «Зовияту Байзо» эди. Бу зовияда шогирдларига қилган таъсирли ваъзлари натижасида унинг тарафдорлари сони тобора орта борди. 1856 йили Миср чегарасига яқин Ягбубада санусийлар зовинси иш бошлади. Бу зовия 1895 йилга қадар мазкур тариқатнинг қароргоҳи сифатида фаолият юритди. 1859 йилда Ливияда Муҳаммад Санусий вафот этди. Унинг вафотидан сўнг тариқат раҳбарлиги унинг ўғиллари Маҳди ва Муҳаммад Шариф қўлига ўтди.

XIX асрнинг охирларига келиб санусий зовияларининг сони Киренаикада 45та, Триполитанияда 28та, Фазоцда 21тани, дунё бўйлаб эса 146тани ташкил этган. Улар орасида Ягбубалаги зовия энг каттаси ва Муҳаммад Санусийнинг қароргоҳи бўлиб, диний-сиёсий марказ вазифасини ўтаган. Сабаби ушбу жой Магриб мамлакатлари, Ғарбий Судан савдо йўлларига туташ бўлиб, Миср орқали Маккага ҳаж амалини бажариш учун боручилар ҳам айнан мазкур ҳудуддан ўтганлар. Шу жиҳатдан ҳам Ягбубадаги зовия жуда машҳур бўлган.

Муҳаммад Санусий 1825 йили Ҳижозга келган вақтида 36 ёшда эди. Ҳижозда 15 йил мобайнида фаолият олиб боришга муваффақ бўлди. Санусий Маккада шайх Абдулқафия ибн Дарвеш Ужаймн қўлида таълим олиб, ундан ижозат олишга ҳам эришади. Ундан «Саҳиҳи Бухорий»ни ва Имом Моликнинг «Муватто» асарини ўрганади. Ужаймий ўз даврида «Кичик ҳанафий» номини олган олим бўлгани боис ўз даврининг таниқли уламоларидан бўлган. Шунингдек, Санусий яна шайх Маккий Умар ибн Карим ибн Абдулкарим Аттордан ҳам таълим олган.

Шу даврлар мобайнида Муҳаммад Санусий Маккада дастлабки муршиди бўлган Аҳмад ибн Идрисни учратишга муваффақ бўлган. Санусий ундан ҳадис илмини, шунингдек, идрисия тариқатининг (муҳаммадия-идрисия деб аталган) таълимотини ўрганган эди. Аҳмад ибн Идрис Санусийни ўзининг ноиби, этиб тайинлаб, унга нисбатан «сен биздансан, биз сендамиз» деб юксак эҳтиром билдирган.

XIX аср усмонийлар даврига келиб суфийлар Ҳижозда жуда эътиборда бўлганлар. Минтақада зовия ва такяхоналар жуда кўп бўлиб, суфий тариқатлар ҳам кенг тарқалган эди. Ҳатто айрим Ҳижозга хос янги тариқатлар ҳам шакллана бошлади. Масалан, маккалик суфий Аҳмад ибн Идрис асос солган идрисия тариқати. Аҳмад ибн Идриснинг ўзи шозилия-халватия тариқатига мансуб бўлган.

1826 йилда Сануси Абу Қубайс тоғида илк зовиясини қурдирмоқчи бўлганда, қурилишга маҳаллий зодагонлар томонидан рухсат этилмайди. Сабаби Абу Қубайс тоғидаги жой сатҳи Каъбанинг баландлигидан юқори бўлгани учун уни қуриш рад этилган эди. Аммо кейинчалик маҳаллий зодагонларга Сануси ўзи изҳор қилгач, улар томонидан қурилишга ижобий жавоб олади. Ҳатто улар зовиянинг барпо этилишида кўмак ҳам берганлар. Зовия қурилиши 1827 йилда бошланиб 1828 йили ниҳоясига етказилган.

Қисқа вақт ичида Ҳижозда 20дан ошиқ санусий зовиялари барпо этилди. Шулардан 8таси Муҳаммад ибн Али Сануси тириклик вақтида бунёд бўлган. Сануси зовиялари мактаб, карвонсарой, савдо маркази, қалъа, маҳкама, саррофхона, омборхона, фуқаролар учун бошпана ва бошқа вазифаларни бажарган.

Муҳаммад Али Сануси Имом Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал ҳамда Абу Ҳомид Газзолий қарашларидан таъсирланган. Сануси ибодат масаласига жуда жиддий қараган. Иб-ичиш ва кийинишга зоҳидона ёндашган. Ижтиҳодга чақириб, тақлидни қоралаган. Аллоҳнинг йўлига юмшоқлик, ширинсўзлик билан чақириш тарафдори бўлган. Қўл меҳнатини қадрлаган тижорат ва деҳқончилик қилишга чақирган. Юрт ҳимояси учун душманлар билан жанг қилишни шараф деб билган.

Таълимоти. Санусийларнинг қарашлари Шимолий Африка ва Судан саҳроларидаги кўчманчилар орасида кенг тарқалган. Сануслйлик таълимотига кўра, ислом ақидаларини қайта тиклаш учун келадиган Маҳдийни кутиш ҳам ушбу тариқат вакиллари орасида кенг тарқалган. Шунингдек, санусийлар маънавий бирликда мусулмонларнинг бирлашиши тарафдорилирлар. Улар ислом ақидасини асл ҳолатда сақлаб қолишга ҳаракат киладилар. Шундай бўлишига қарамай сануснйлар ҳеч қачон суфийлик

ақъидаларига қарши бўлмаган ва суфийликдаги «валиёлик» масаласини ҳам инкор этмаган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Нажд ваҳҳобийлиги ва Ҳижоздаги Санусия ўртасида айрим ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Уларнинг иккиси ҳам усмонийлардан норози кайфиятда бўлган, ислоҳотчилик мақсадларини кўзлаганлар, қабилаларни жанговарликка тарғиб қилишга эътибор қаратганлар. Аммо шу билан бирга қуйидагиларда улар ўртасида хилоф мавжудлиги кўзга ташланади. Санусийлар авлиёлар типг мақбараларига нисбатан бағрикенг муносабатда бўлиб, уларни зиёрат қилишни тариқат одатлари сирасига киритадилар. Санусийлар амирликни имомликдан ажратмаганлар. Уларнинг эътикодига кўра диний ва дунёвий ҳокимият бир сануснй шахс қўлида жамланиши зарур. Муҳаммад Абдулваҳҳоб эса амир Муҳаммад ибн Сауд билан иттифоқ тузиб, фаолият олиб боргани маълум.

Санусийлик тариқати вакиллари ўз қарашлари ва таълимотларида Муҳаммад (а.с.)нинг пайғамбарлик ҳаётини ўрнак килиб оладилар. У кишининг ҳаёт йўли тариқат вакиллари орасида намуна вазифасини ўтаган. Санусийлик таълимотидаги ўзига хос жиҳатлардан бири Муҳаммад (а.с.) тимсолини ниҳоят даражада улуғлаш ҳолатлари учраб туради. Улар ўзларининг аврод ва аҳзоб аталмиш ибодатлари пайтида 40 мартадан 100 мартагача Муҳаммад (а.с.) номини тилга оладилар. Шу сабаб санусийлик тариқати вакиллари ўзларини муҳаммадийлар деб ҳам атаганлар.

Санусийликнинг асосий ғоялари исломни турли бидъат ва хурофотлардан тозалашга қаратилган. Шунингдек, тариқат асосчиси фирқаларга бўлинишни, маст қилувчи моддалар истеъмол қилишни қаттиқ қоралаган. Улар мустамлакачилардан бошқа турли дин ва миллат вакилларига нисбатан бағрикенг ҳамда хушфеъл муносабатида бўладилар. 1837 йилдан бошлаб Муҳаммад Али Сануси мазкур тариқат аъзолари орасида «тариқат отаси» номини олди. Тариқат вакиллари – санусийлар эса унинг маънавий ўғиллари сифатида эътироф этиладиган бўлди. Санусийликда мураққа' кийиш, асо кўтариб юриш, бўйнига тасбеҳ осиб олиш таъқикланган.

Санусийнинг издошлари ҳамда тариқатдаги машҳур шахслар. Шайх Муҳаммад ибн Али Сануси (1791-1859), Шайх Маҳдий Муҳаммад ибн Али Сануси (1844-1902) ва Муҳаммад Шариф Сануси – Муҳаммад ибн Али Санусийнинг ўғиллари. Шайх Аҳмад Шариф Сануси (1873-1933 й.) – Маҳдийнинг амакисининг ўғли. Шайх Муҳаммад Идрис Сануси (1890-1983) – Муҳаммад ибн Али Санусийнинг набираси. Шайх Ҳасан Ризо Маҳдий Сануси (1969-1992), Шайх Муҳаммад ибн Саййид Ҳасан Ризо Маҳдий Сануси (тав. 1951 й.) 1992 йилдан ҳозиргача тариқат шайхи.

Зикр. Сануси тариқати Аҳмад ибн Идрисдан тарқалган тариқатлар қаторида хафий зикрни сақлаб қола олган ягона тариқатдир. Тариқат вакиллари зикр вақтида жазавага тушишни тақиқлайдилар. Зикр вақтида бошқа тариқат вакилларининг иштирок этишига рухсат этилган. Санусийликда зикр қўшиқ ва мусиқа асбобларисиз амалга оширилади. Зикр маросимида рақсга тушиш қатъиян қораланади. Лекин вақт ўтиши билан санусийлик бир қанча ўзгаришларга учраши натижасида зикр вақтида овозни баланд кўтариш (рифоийлар каби), тебраниб ўтириш (қодирийликдаги) каби ҳолатлар юзага келди.

Муҳаммад Али Сануси фиқҳ масаласида ўзини моликийлардан деб билсада, санусийлик билан моликий мазҳаби ўртасида намоз вақтида қўлни кўтариш ва қўлни қовуштирган ҳолда кўкрак устига қўйиш, руку ва сажда вақтида овозни баланд кўтариш масалаларида ихтилофлар мавжуд. Бу ҳолат баъзи моликий вакиллари томонидан бидъат сифатида баҳоланган ва қаттиқ танқид остига олинган.

Муҳаммад Али Сануси ўзининг қарашларини «ал-Фахраса» номли китобида баён қилган. Ушбу асар суфийликка оид 150 китобни ўз ичига олиб, Сануссийгача бўлган ровийлар силсиласини акс эттирган. «Салсабилу-л-маийн фи асониди-л-арбаин» китобида сануссийлар зикри таркиб топган қирқ тариқатнинг зикр хусусиятлари баён қилинган. «Шифоу-с-садр» китобида эса сунний-ликдаги муаммоли вазиятлар ўз аксини топган. Сануссийликка Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қарашларидан ташқари ваҳҳобийлик таълимоти ҳам катта таъсир ўтказган. Ваҳҳобийликдан таъсирланган сануссийлик таълимотида ҳар қандай бидъат, қимматбаҳо ва шойи

матодан либос кийиш, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, мусиқа тинглаш ва куйлаш кескин тақиқланади.

Сануссийларнинг фаолияти. Сануссийлар Ҳижоз, Миср ва Фаззанда ўз гояларини тарғиб қилиш учун кўплаб зовияларни тармоғини барпо этдилар. Тариқат вакиллари мазкур минтақаларда бемалол сафар қилиш, ўша зовияларда бир неча кунлаб туриш имкониятига эга бўлганлар. Сануссийлар Марказий Суданга элтадиган йўлда француз мустамлакачиларига қарши кураш ҳам олиб бордилар. Деярли ўттиз йил мобайнида италияликларнинг бостириб киришига қарши Ливияда, айниқса Киренаикада мустаҳкам турдилар. Босқинчиларга қарши курашда ҳам маънавий ҳам ҳарбий жиҳатдан жонбозлик кўрсатдилар. 1915 йилда италияликлар иттифоқчилар томонида туриб биринчилар қаторида биринчи жаҳон урушига кўшилиши, сануссийларни муқаррар равишда Туркияга қўшилиб кетишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Британия ҳукумати тахминан йигирма йил мобайнида Мисрда муҳожирликда бўлган Муҳаммад Идрисни (Муҳаммад ибн Али Сануснйнинг набираси) фақат диний раҳнамо эмас, сиёсий ва ҳарбий раҳбар сифатида ҳам Киренаикада сануссийларнинг раҳбари деб тан олди. 1951 йилда Муҳаммад Идрис (Идрис I) Бирлашган Ливия султонлигининг амири деб эълон қилинди. Бу султонлик таркибига Киренаика, Триполи ва Фаззан кирган. 1963 йили бу султонлик қўшма давлатга айланди. 1966 йилда сануссийлик тарафдорлари Ливия, Миср, Алжир, Нигерия, Чад, Судан ва Камерунда тахминан 6 миллион кишини ташкил этган. 1969 йил 1 сентябрдаги ҳарбий тўнтариш натижасида Идрис I тахтдан агдарилди ва Ливия араб республикаси деб эълон қилинди.

Ҳозирда Ливияда сануссия тариқатига Шайх Муҳаммад бин Саййид Ҳасан Ризо Маҳдий Сануси бошчилик қилиб келмоқда.

Шозилия тариқати. Шимоли-ғарбий Африкадаги Шозила қишлоғида туғилгани боис Шозилий нисбаси билан танилган ва Мисрни қароргоҳ сифатида танлаган Шозилия тариқатининг асосчиси шайх Абу Ҳасан Мағрибий Шозилий (вафт. 1258 й.) ёш-

лигидаёқ илмга қаттиқ берилган эди. Ҳатто илмга шу даража ташналигидан кўр бўлиб қолганини ҳам ривоят қилганлар. Кўзи ожиз бўлгач, тасаввуфга кирган. Шозилий, марокашлик машҳур суфий Лбду-с-Салом ибн Машишнинг таълим-тарбияси остида вояга етади. Ваъзу насиҳатлари таъсирли бўлганидан, тақиб остига олиниб, Искандарияга сургун қилинади, аммо унинг халқ орасидаги ҳурмат-эътибори тобора кучаяверади. Шозилий кўп жойларни кезган, олиму нашойихлар билан учрашган. Бир неча бор ҳаж сафарини адо этган. Сўнги дафъа хажга кетаётиб, Мисрда вафот этган. Шозилий сайру сулукда олоб ва аркондан, ташқи қиёфадан кўра кўпрок мустаҳкам эътиқод, ибодатларга қаттиқ риоя қилган ва гўзал ахлоққа аҳамият берган. Шу билан бирга хилватга ҳам эътибор килмай, тасаввуфни ижтимоий ҳаётда фаолият манбаи деб билган. У имом Газзолийнинг «Иҳёу улуми-д-дин», Абу Толиб Маккийнинг «Қуту-л-қулуб» асарилаги ахлоқий асосларига суниб, ўз тариқатини қуйидагилар асосида барпо этган:

1. Яширин ва ошкора, ҳар жойда Аллоҳдан қўрқиш;
2. Сўзда ҳам, амалда ҳам суннатга қаттиқ амал қилиш;
3. Роҳат-фароғатда ҳам, қийинчиликда ҳам инсонлардан тама қилмай, ҳар нарсани ёлғиз Аллоҳдан кутиш;
4. Катта-кичик ҳар бир масалада Аллоҳнинг иродасига таслим бўлиш;
5. Севинчли ва маҳзун лаҳзаларда Аллоҳдан паноҳ тиламоқ.

Шозилий муридларига дунё ва дин ишларини ҳар доим тенг олиб бориш кераклигини, ҳеч вақт тиланчилик қилмасликни тавсия қилган. Ўз замонасида ҳеч қандай хонақоҳ бунёд эттирмаган. Тасаввуфнинг гояси бўлган «фано» мартабасига маълум бир тизимга кўра, аврод ва азкор ўқиш орқали эришмоқ мумкин, деган. Ўзи белгилаган дуоларни «ҳизб» номи остида йиғган. Дастлаб Тунисда шакллана бошлаган Шозилия тариқати, аста-секин унинг халифаси Абу Аббос Мурсий воситасида Ғарбий Миср ва Жазоирга ёйилди. Ўрта аср тарихчиси Ибн Тағрибердий Мурсий ҳақида «У замонасининг етук исломий алломаси, таҳқиқ илми билимдони», деб ёзган. Унинг шогирдларидан бири Ёқут Арший (вафо.1332 й.) машҳур зоҳид эди. Искандари-

яда вафот этган ҳамда шайх Мурсий қабри ёнига дафн этилган. Уларнинг қабри ҳозирги кунгача зиёратгоҳ сифатида машҳур.

Шозилийнинг яна бир мурида «ал-Ҳикаму-л-'атоийя» асари муаллифи асли мисрлик Атоуллоҳ Сакандарийдир (вафо. 1309 й.). Бу тариқатнинг ёркин сиймоларидан бири шайх Аҳмад Заррук (вафо.1493 й.) бўлиб, у ҳам мазкур тариқатнинг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган. XIX асрда шайх Муҳаммад ибн Муҳаммад саъйи ҳаракати билан кенг тарқалган бу тариқат, Африкада исломнинг кенг ёйилишида ва ҳатто мустамлака бўлган шимолий Африка ўлкаларининг истиқлол курашларида фаоллик кўрсатган. Бу тариқатнинг Истанбулда атиги уч такяси бор. Усмонли подшоҳи султон Абдулҳамид II ўз даврида шозилий шайхига интисоб этган. Аста-секин ўн уч тармоққа бўлинган бу тариқатнинг энг машҳурлари шайхия, шайбия, заркавиндир. Асримизнинг биринчи ярмида Европа мамлакатларида, айниқса, Францияда исломнинг ёйилишида шозилия тариқатининг хизмати катта бўлди. Чунончи, машҳур француз мутафаккири Рене Генон (ҳоз. исми Абдулвоҳид Яҳё) ҳам мусулмон бўлгач, бу тариқатга кирган. Тариқатнинг заркокия тармоғига қарашли алавия шоҳобчаси Францияда «Лес Амис дель Ислам» (Ислом дўстлари) уюшмаси сифатида фаолият кўрсатмоқда, шу билан бирга Европанинг бошқа давлатларида ҳам бу уюшманинг қатор бўлимлари ишлаб турибди.

Тариқат ҳаётини ёритиб берувчи асосий манбалар Ибн Атоуллоҳ Искандарийнинг (вафо. 1309 й.) «Латоифу-л-минан» ва Ибн Саббоғнинг «Дуррату-л-асрор» ва Ибн Аббоднинг биографик асари «ал-Мафохиру-л-'олия фи-л-маосири-ш-шозилия» асарлари ҳисобланади. Унибу тариқатдан бошқа янги тариқат шоҳобчалари пайдо бўлган ва ёйилган. Ҳар йили муайян вақтларда Юқори Мисрдаги Шозилий мақбараси атрофида, маросимлар ўтказилади.

Шозилиянинг шоҳобчаларидан бири вафоия тариқатига мисрлик Шамсиддин Муҳаммад Аҳмад Нафо (1301-1359) томонидан асос солинган бўлиб, ўғли Али (1357-1404) мисрлик суфийлар орасида катта обрўга эга бўлди. Бу тариқат Мисрда ҳозирги кунгача ўз фаолиятини давом эттирган.

3. Ҳиндистон субконтинентида тасаввуф[20]. Гарчи ҳинд тасаввуфи тарихи тахминан VIII асрда араб савдогарлари билан бирга келган суфийлар таърифи билан бошланган бўлса-да, лекин уларнинг бу диёрда кўним топишлари санаси ва улар кимлардан иборат экани манбаларда турлича баён этилган. Абулфазл Алломийнинг «Ойин и Акбарий» асарига кўра, Ҳиндистонда йирик сулуклардан жами ўн тўртта бўлиб, уларнинг ичида халқ пасарига тушиб кенг тарқалганлари олтита бўлган: чиштия, суҳравардия, қодирия, шаттария, фирдавсия ва кейинчалик нақшбандия. Баъзан, баъзи нашрларда Мўлтондан то Лакнавгача ва Панипатдан то Девгиргача яна бир неча катта-кичик сулуклар фаолият кўрсатгани ёзилган.

Абулфазл асаридаги маълумотга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, Шиҳобуддин Оламарининг «Масолику-л-абсор» китобидаги қайди бўйича, XVI асрда Деҳли ва унинг музофотида икки мингга яқин хонақоҳлар бўлган. Шунга қарамай, тасаввуфнинг Ҳиндистонга кириб келиши ҳақида тадқиқотчи олимлар ҳали ҳам бир умумий тўхтамга келганларича йўқ. Ҳозирча диншуносликда мавзу юзасидан қуйидаги уч даврга тааллуқли маълумотлар мавжуд, яъни:

1.Арабларнинг савдо-тижорат сафарлари ва уларнинг илк Ҳиндистонга юриши даври.

2.XIII асрдан суфийларнинг Ҳиндистон ва Кичик Осиёга кўчиш даври.

3.Тасаввуфнинг ҳинд адабиётига кучли таъсир кўрсатган XIII-XIV асрлар даври.

Аммо сўнгги манбаларга қарағанда Ҳиндистонда дастлаб ўз фаолиятини бошлаган биринчи жамоа Ажмирдаги Чиштия сулуки бўлган.

Чиштия тариқати. Сулукнинг асосчиси Хожа Абу Исҳоқ Шомий бўлиб, у Кичик Осиёдан Хуросондаги Чиштга келгач,Миммшод Али Диноварийга мурид тушиб, таълим олган. Чиштия

[20] Ушбу бўлим Н.Низомиддиновнинг Ҳинд тасаввуфи тарихига назар номли мақоласи асосида тайёрланди. Қаранг: Н.Низомиддинов. Ҳинд тасаввуфи тарихига назар // Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар. Тошкент: Movarounnahr, 2014. Б. 245-291.

сулукини Ҳиндистонга олиб келган Мухйиддин Чиштий Санжарий 1142 йили Сайистоннинг Санжар шаҳрида туғилган. У ўн тўрт ёшида етим қолиб, отаси кўзи тириклигида мерос қилган бир тегирмон ва мўжазгина боғи орқасидан кун кўрган.

Мухйиддин балоғатга етгач, диний илмларни чуқурроқ эгаллаш учун олдин икки йил Самарқандда ўқиди, сўнг Бухоро шарифда Қуръони каримдан мукаммал илм олиш мақсадида Мавлоно Ҳусомиддин қўлида таҳсил кўрди. У шундан кейин тасодифан Нишопурнинг музофотида чиштий сулукининг таниқли намояндаси Хожа Усмон Ҳоруний билан учрашиб, йигирма йил унинг хизматини қилади. Хизматни ўтаб, Нишопурдан Ажмирга қилган сафарида жуда кўп нуфузли суфийлар билан мулоқатда бўлиб, қатор қадамжоларни зиёрат қилади. Сафар вақтида Мухйиддин Ҳамадон ва Табриздан ўтганида Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний ва Абу Саид Табризийлар билан учрашгани ҳам ривоят қилинади.

Шайхнинг Ҳиндистонга келиши қуйидагича қайд этилган. Мухйиддин олдин Лоҳурга келиб тушиб, шаҳарда маълум муддат яшаб, сўнг Деҳлига кетади. Шаҳарда унинг кўрсатган кароматлари шарофати билан жуда кўп ҳиндлар исломни қабул қилади. 1165 йили суфий Ажмирга кўчиб ўтгач, бу даргоҳ дунёдаги чиштия сулуки намояндалари учун асосий қадамжога айланади.

Шундан кейин нуфузи ортган сулук Ҳиндистоннинг Мўлтон, Лоҳур, Бадаун, Капаук ва Нагоре шаҳарларига ёйилади. Чиштия сулуки тарихидаги муҳим воқеалардан бири – чиштия сулукига ҳиндуийлик эътиқодидаги фуқаролар ҳам қизиқиб, ҳатто унга ўтганларидир. Зеро, чиштия сулукининг ўзига хос инсонпарвар жиҳатлари маҳаллий авом орасида машҳур ва матлуб бўлган.

Соликлар чилла ўтириш, хонақоҳда тақво ва муроқабада бўлиш, узоқ сукут сақлаш сингари амалиёт қатори «зикри само'»да ҳам донг тараттаплар. Лекин бундай зикр услуби шариат пешволарига маъқул тушмаган. Бундан ташқари, чиштия тариқати макон топган ерда рожалар ва суфийлар ўртасида баъзи келишмовчиликлар келиб чиққан.

Ҳиндистондаги чиштий сулукида Мухйиддиннинг етук шогирдларидан бири Қутбиддин Бахтиёр эди. Агиографларнинг

қайд этишича, унинг 1186 йили Фарғона водийсининг Ўш шаҳрида туғилган экан. Қутбиддин ўз бўлажак устози Муҳйиддинни Бағдодда таҳсил олиб юрган кезлари учратган эди. Ўша пайтда Бағдодда Шиҳобуддин Суҳравардий таълим берар эди. Муҳйиддинга мурид тушган Қутбиддин устози ортидан Ҳиндистонга равона бўлган. Деҳлида уни жуда катта иззату ҳурмат билан кутиб олганлар. Муҳйиддин мурили ҳақида хабар топгач, ўзи қисқа муддатга Деҳлига келиб, шогирдини Ажмирга чорлаб кетди. Шогирд устози сўзини ерда қолдирмай йўлга тушганида, шаҳар дарвозаси қаршисида тўпланган теварак атрофдагилар Қутбиддиндан Деҳлини ташлаб кетмаслигини ўтиниб сўрайдилар. Шаҳар аҳолисининг ўз мурдига кўрсатган ҳиммати ва иззатидан таъсирланган Муҳйиддин шогирдини Худонинг ҳимонасига ҳавола қилиб, унга ортига қайтишига рухсат беради.

Тасаввуф тарихида ўз номига тахаллус ва бошқа турли сифатлар қўшилган суфийларнинг учраб туриши табиий ҳол. Ундаги икки тахаллуснинг биринчиси «бахтиёр»ни устози Муҳйиддин, иккинчисини эса, сулукнинг нуфузли вакилларидан Низомиддин берган эди. Қутбиддин ҳам шулар жумласидан экани айниқса, унинг иккинчи тахаллусидан маълум, яъни «кокий». Ушбу суфий ҳақидаги Ибн Баттутанинг таърифича, «кокий» тахаллуси унинг бошқа бир фазилатига йўйилади, яъни:

«У муборак, камтар инсон бўлиб, «кокий» деб номланишига сабаб шуки, унинг олдига қарздорлар фақирлик ва муҳтожликдан ёки қизини узатиш учун ҳеч вакосн йўқлигидан шикоят қилиб келишса, уларга тилла ёки кумуш танга берарди. Шу сабабли у зот Кокий номи билан танилган. Аллоҳ уни раҳмат қилсин!»

Мазкур сулук фаолиятида само'га муҳим аҳамият берилган. Қайсидир суфий «Мусиқа товушини эшитиш Аллоҳга бўлган муҳаббатни оловлантиради», деган фикри илгари сурганн «само'» талабгорларига рағбат бағишлаган. Чунки Ҳиндистонда мусиқа, қўшиқ ва рақс ибодат учун диний этикоднинг қанчалик ажралмас қисми бўлса, муайян маънода биз танишган тасаввуфнинг баъзи сулукларида ҳам «само' тинглаш» жараёнига шунчалик аҳамият берилган. Ҳинд манбаларида ёзилишича,

само' вактида ҳатто Радҳа ва Кришнани улуғловчи қўшиқлар айтилган. Маҳаллий тилларни яхши билган Фаридуддин Шакарганж ўша тилларда ижод қилган. Малик Муҳаммад Жайсий эса ўзининг «Падмамат» асарида Рам, Сита ва Ҳанумон қиссасига мурожаат этган. Деҳлида оима руҳиятига сингиб улгурган ва қачонлардир ушанишалларда таъкидланган «Инсонни Аллоҳга энг яқин йўл билан элтувчи мусиқа»га бағишланган қўшиқлар байрами ҳафталаб давом этган.

«Муҳйиддиннинг вафотидан кейин унинг у қадар маълум бўлмаган икки нойби – бенгалиялик Абдулла Карамагий ва цейлонлик Пир Карим ўз сулукларини тузиб, ўз исмларига монанд «карамагия» ва «каримин» деб номлаганлар. Ваҳоланки, нойибларнинг пири ҳаётлик даврида унинг Бенгалия ёки Цейлонда бўлганини тасдиқловчи бирор маълумот йўқ. Муҳйиддин ҳаётининг сўнги кунларида шогирди Фаридуддин номини кўп тилгап олган ва ҳатто ўз дафни жараёнига тааллуқли маросимларни қандай ўтказилишини ҳам унга васият қилган.

Иштирок шўъбалари: «Фаридия». Ҳинд тасаввуфида «Бобо Фарид» номи билан танилган Фаридуддин Мансур Шакарганж устози Шайх Муҳйиддин ҳаётлигида унинг энг асосий вориси сифатида фаолият кўрсатиб, суфий вафотидан сўнг сулукнинг «фаридия» шўъбасига асос солган. У асли кобуллик бўлиб, бобоси Чингизхоннинг ҳужуми йиллари Панжобга келган, Мўлтон яқинидаги Катҳвал шаҳарчасида яшилик қилган.

Фаридуддин ёшлигидан диний муҳитда ўсиб, Баҳруддин Закариёнинг қўлида таълим олди. Ўн етти ёшида Шайх Қутбиддин ҳузурига бориб, унинг хизматига тушади. Ундаги иқтидор ва руҳоний такомилликни сезган одамларнинг Худо марҳаматларига ноил бўлиш умидида суфий даргоҳидан қадамлари узилмай қолади. Лекин табиатан ёлғизликка мойил Фаридуддин узлатда ҳаёт кечириш истаги билан Деҳлини ташлаб, Ҳансига кетади. Бироқ, бу ерда ҳам унга ташрифлардан холи яшаш насиб қилмайди ва у умрининг сўнги 16 йилини Мўлтон музофотида ўтказади.

Фаридуддин номига «шакар ганж»нинг қўшилиши тарихи болалигида онаси ўғлини ибодатга ўргатиш учун қўллаган бир

одатдан бошланган эди. Яъни, жойнамоз тагига оласи қўйган ширинликни ўғли фақат ибодатни тугатганидан кейингина олиб ўзига олиши мумкин бўлган.

Ўрта асрларда Панжобнинг машҳур суфийларидан бўлган Шайх Бобо Фарид ўзининг ирфоний камолоти билан Ҳиндистоннинг талай вилоятларида эъзозланди. Унинг панжобий шеърий мисралари ўз даврида сикҳларнинг бешинчи гуруси Аржун Дэв назарига тушиб, сикҳизмнинг муфузли диний манбаси «Грантх соҳиб» матнига киритилган. Бу каби суфийларнинг Ҳиндистон уйғониш давридаги «Бхактий харакати» ва сикҳизм тарихида катта роль ўйнагани чиштий сулукининг диний ва ижтимоий маърифий-маданий жабҳаларда ҳам кўрсатган хизматларининг бир кўриниши эди. Бобо Фарид узоқ умр кўриб, 93 ёшида дунёдан кўз юмган.

Ҳинд ўлкасида чиштия сулукининг машҳур бўлишига яна бир сабаб шуки, унинг «фаридия» аталмиш шўъбасидан кейинчалик икки «низомия» ва «собирия» йўналишлари келиб чиққан. Улардан бирининг асосчиси Низомиддин Авлиё – «Маҳбуби илоҳий» ва иккинчиси Алоуддин Али Аҳмад Собирий эди.

«Низомия». Чиштия сулукининг машҳур вакили Низомиддин Авлиёнинг аждодлари бухоролик бўлган. У беш ёшида отаси ўлимидан кейин ўз замонасининг илмли аёли бўлмиш онаси Зулайхо қўлида таҳсил олади. Низомиддин 21 ёшида Бобо Фаридга шогирд тушиб, маънавий камолотга эришгач, унинг нойиби сифатида Деҳлига боради. Лекин сарой муҳитидаги уддумлар унга ёқмайди. Хусусан, одатга кўра янги ой кўриниши билан ҳамма подшоҳни табриклаб бахт-саодат тилаганида, у оддий табрик билан чекланади. Бундай беписанд муносабатдан дарғазаб бўлган подшоҳ, башарти келаси ойда ҳам шу ин қайтарилса, суфийни жазолаши мумкинлигини билдиради. Аммо кейинги ойда наст табақалан чиққан бошқа бир ҳукмдор бу подшоҳнинг жонига қасд қилиб «Хусрав Хон» номи билан тахтни эгаллайди. Орадан кўп ўтмай Гиёсиддин Тўғлуқ тахтга чиқиб, янги сулола силсиласини бошлаб беради. Бироқ суфийнинг саройга муносабати аввалгидек ўзгармай қолаверади. Охири халқ ичида иззат ва ҳурматда бўлган суфийга Деҳлини ташлаб чиқиб кетиш бу-

юрилганида, у шундай деди: «Ҳануз Деҳлий дур аст!» – «Деҳли ҳали ҳам узоқда!» Ўз илми ва ибратли ҳаёти билан «Султон ул-авлиё» мақомига мулассар Низомиддин 91 ёшда вафот этиб, Гиёспурда дафн қилинади.

Суфийнинг энг машҳур муридларидан бири мутасаввиф шоир ва файласуф Амир Хусрав Деҳлавий бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики, «Мен ҳамма нарсадан ва ҳатто ўзимдан ҳам хафсалам пир бўлганида, фақат «Турк»дан (Деҳлавий назарда тутилган) ҳеч чарчамаганман», деган экан Низомиддин Авлиё. У зот шу боис Амир Хусравга «Туркуллоҳ» унвонини берган. Мумтоз шеъриятда «турк» севимли маъносини англатгани учун бу унвонни устоз «Маҳбуби илоҳий»га синоним сифатида шогирдига нисбатан қўллаган.

Тасаввуфнинг диний, ижтимоий, маданий ва маърифий мавзулардаги дунёқарашлари деганда Саъдий, Румий, Жомий, Навоий ва бошқа машҳур шоирлар ижоди зикрисиз фикр юритиш мумкин бўлмаганидек, «Ҳинд тасаввуфи» тўғрисида ҳам Низомиддин Авлиё ва Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди баёнисиз бирор тугал хулосага келиш қийин. Чунки шарқшунос олимлар алоҳида ургу билан таъкидлаганларидек, тасаввуф фалсафаси асосларини омма ичида тарғиб қилишда шеърият диний ва илмий манбалардан қолишмайдиган даражада муҳим вазифани бажарган. Бу борада зуллисонайн мутасаввиф шоир Хусравнинг асарлари тасаввуф тарғиботи соҳасида, айниқса, кўп миллатли Ҳиндистон шароитида жуда қўл келган.

Шу жумладан, Хусрав Деҳлавийнинг форсийдаги ашъоридан унинг араб, турк ва ҳиндчада ёзилган сатрлари ҳам бадиий жиҳатдан ҳеч қолишмаган. Адибнинг бадиятдаги беқиёс иқтидори ва имконини яхши билган Низомиддин Авлиё уни илк бор Низомий Ганжавий яратган «Хамса» руҳида асар ёзишига ундаган. Шоирнинг эса, янги ижод намуналарига қўл уришдан олдин Шайхдан фотиҳа олиш одати бўлган. Устоз шунда Қуръони каримдан оятлар ўқиб, шогирди ижодига барака ва машҳурлик тилаган.

Шайх узоқ умр кўргани учун ўз ҳаётида уч Деҳли султонлари даврида яшаганида ҳам сарой саховатларига даҳлсиз бўлган. «Барча даврлар учун энг улуғ ҳинд-мусулмон суфийси» сифатида тан

олинган Низомиддин Авлиёнинг бемисл фазилатлари унинг мурид и Амир Хусрав Деҳлавий томонидан махсус «қавволий» қўшиқ жанрида ёзилган ғазалларда куйланган. «Қавволий» одатда уч тилда ёзилган – форсий, ҳинд ва урдуда. Само' мусиқаси эса уч ёки тўрт толғу жўрлигида ижро этилган – табла, сарангги ва сетор. Қавволий гоҳ якка ва гоҳ жўровоз ҳофизлар томонидан ижро этилган.

Низомиддин Авлиёнинг муридлари кейинчалик бутун Ҳиндистон бўйича ёйилиб, улар орасида Шайх Носириддин «Чироғи Деҳли» номи билан танилган. У мурақаба илмида жуда пешқадам бўлиб, шунга яраша унинг мухлислари ҳам бўлган. Аммо суфий ёлғизликда умргузаронлик қилиш истагида устози дарғоҳидан кетиб, тоғу тошлардаги бирор ғорда яшашга рухсат сўраганида Авлиё унга доим одамлар ичида бўлишни маслаҳат берган. Шайх Носириддиннинг шаҳар аҳолиси ичида ортиб бораётган обрў эътибори султон Муҳаммад Тўғлоқ назарида тахтга хавф солаётган туюлиб, султон уни сарой ишига жалб қилиш орқали обрўсини тўкмоқчи бўлган. Аммо муроди ҳосил бўлмаган, ёлланма қотил орқали суиқасд уюштирган. Бу қутилмаган суиқасддан сўнг, муаррих тили билан ифодалаганда «Деҳли чироғи ўчган». Сўнг Саййид Муҳаммад Гэсудароз ўз устози жасадини Деҳлидаги «Шоҳжаҳонобод»га дафн қилган.

Агар суфий ҳаёти маълумотларига келсак, унинг қисқача мазмуни шундай. Султон Муҳаммад Тўғлоқ ўз пойтахтини Деккандаги Давлатобод шаҳрига кўчирганини эълон қилиб, Деҳли аҳолисини янги пойтахтга кўчиб ўтишига буйруқ берганида, энди 15 ёшга тўлган Гэсу Дароznинг отаси вафот қилади ва унинг онаси, буйруқдан бехабар икки ўғли билан Деҳлига келади. Йигитча бу вақтда Деҳлида яшаган Шайх Носириддин шахсияти ва фаолияти билан қизиқиб, унга мурид бўлишга қарор қилади. 1398 йили Амир Темур қўшинлари Антокия босиб олиб, Деҳлига юриш бошлаганида Муҳаммад Гэсудароз Феруз Шоҳ Баҳмоний ҳукмронлик қилаётган Декканга кўчиб ўтиб, Гулбарга деган мавзеда жойлашади. Бу ерда у 105 ёшга киргунича яшаб, ўттан йиллар мобайнида юздан ортиқ асар яратади. Муҳаммад Гэсудароз ўз асарларини асосан тасаввуф ва ислом фалсафасига бағишлаган.

«Собирия». Махдум Алоуддин Али Аҳмад Собир 1197 йили Хиротда таваллуд топган. Унинг отаси етти ёшлигида оламдан ўтган, онаси ўта камбағаллиги боис ўғлини акаси Бобо Фаридга ташлаб кетади. Бола балоғат ёшига етганида тоғаси уни ошхонага ишга беради. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Хиротдан қайтиб келган она ўғлини озиб-тўзиб кетганини кўриб, акаси Бобо Фаридга шикоят қилади. Тоғаси бу аҳвол сабабини сўраб суриштирганида жияни айтадики: «Мен ошхонага ишга кирганман, унда тайёрланадиган таомларни ейишга эмас!» Йигитнинг бундай сабр-тоқатли экани дан далолат берувчи жавобидан таъсирланган суфий унга «Собир» унвонини бериб, кейинроқ уни ўзининг ишончли вориси сифатида Калиарга жўнатади. Бу ерда у касалликка чалиниб, сўнг оёққа тургач масжидга жума намозини ўқишга кирганида уни намозхонлар ташқарига ҳайдаб чиқаришади. Агиографлар ишонтиришича, суфийга нисбатан қилинган нохақликка жавобан тўсатдан масжид қулаб тушиб аксарият жонига жабр етади. Шундан кейин Калиарда жазо сифатида вабо тарқалади, жони омон қолганлар шаҳарни тарк этишади. Аҳолисиз қолган шаҳар вақт ўтиши билан ўрмонга, харобалар эса нафақат жонворлар, балки суфий ва унинг Шамсуддин Турк номли муриди маконига айланади. Тахминан йигирма йил умрлатда яшаган суфий 1291 йили вафот этади.

Ҳамза Шоҳия. Шўъбага Мўлтонлик Баҳовуддин Закариёнинг шогирди Ҳамза асос солган. У суфий бўлишидан илгари қоровулчилик қилган. Бир куни тунда ўзига берилган жойни кўриқлаб турганида дафъатан хаёлини шундай фикр чулғаган:

«Менга Яратганни унутиш ўзи эмасми? Ахир мени ҳар лаҳза, ҳар куни, ҳар доим ҳимоялаётган қолиб, наҳотки шу жойни кўриқлаш билан умр ўтказсам!» У шу хулосадан сўнг ўз ишидан бўшаб, худди шу куни дарвешликни ихтиёр этгач, шундан бошлаб унинг ҳаёт йўли Гэсудароз ва Носириддин хонақоҳидан то Низомиддин Авлиё даргоҳигача етиб борган.

Чиштин шўъбаларининг тарихи тўғрисида нашр этилган рисолалардаги силсиланинг фаолияти даври, баъзи адабиётларда берилган маълумотларга қараганда «икки юз йиллик муддат» билан чекланмай ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам давом этган.

Чиштия силуки Гарбда. Пир Иноят Хоннинг чиштия силукига мансуб «Низомия шўбасини Европагача олиб келишидан кўзлаган мақсади европаликлар учун махсус «Тасаввуф таълим маркази»ни тузиш эди. У кейинчалик мистик мавзуларда Америкада ҳам маърузалар ўқиган.

Иноят Хон ёшлигидан хинд мусика санъатига қизиққан ва бу соҳада маҳорат касб этиб сашъаткор ва шоирлар анжуманларида қатнашиб, Типу султон қизига уйланган бобоси профессор Мавло Бахш тузган «Мусика академияси»да ҳам ишлаган. Профессор Мавла Бахш ўз набираси иқтидорини кўриб, уни ўн етти ёшида Маҳаража Санжий Рао саройига юборган ва у саройда мусика ҳамда лингвистика билан шуғулланиб, шунингдек, профессионал даражада араб, форс ва санскрит тилларини эгаллаган. Унинг Бирма, Цейлондан кейин Ҳайдарободга қилган сафари ҳаётида жуда муҳим ўрин тутган. Чунки у ерда илк бор ўз муршиди – Низомия шўъбасининг ўн саккизинчи вакили Хожа Саййид Муҳаммад Абу Ҳасан Маданийни учратган ва муршид уни ўз силукига олган.

Пир Иноят Ҳайдарободда бир неча йил яшаб, сўнг 1910 йили у ўз укаси Маҳбуб Хон ва қайниси Али Хон билан Америкага келади. Унинг хинд мусикаси мавзуидаги биринчи маърузаси Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университетида ўтади. Аммо унинг тасаввуф мавзуидаги маърузаси йиғилганларга жуда кучли таъсир кўрсатиб, тақсинларга сазовор бўлади. Шундан кейин Пир Иноят Хон Англия, Франция ҳамда Россияга сафар қилади. У 1923 йили Америкала ўқиган маърузаларидан кейин, 1925 йили яна Европага келиб, тариқат тарғиботи хусусидаги режаларини амалга оширгач, пихоят, 1926 йили ватанига қайтади. Маҳаллий аҳли уни жуда илиқ кутиб олади. Орадан бир йил ўтгач, у ўпка хасталиги билан оғриб, Деҳлида вафот этган. Иноят Хоннинг «самоъ» хусусидаги мусиқий иқтидори Гарбда тасаввуфга нисбатан катта қизиқиш уйғонишида катта ўрин тутган. Чунки унинг ўзи, таъриф жоиз бўлса, «сулук тарғиботида «энг яхши ва жарангдор чолғу сози» эди. Пир Иноят Хоннинг сафар даврида ва кейин ватанида ёзган илмий асарлари Голландияда чоп этилган.

Сухравардия силуки Ҳиндистонда. Сухравардия силукининг фаолияти бу ерга биродарлик Шиҳобиддин Сухравардийнинг шогирдлари Шайх Ҳамидуддин, Саййид Нуриддин, Шоҳ Туркмон ва Шайх Жалолиддин Табризийлар ташрифидан бошланган.

Тарихан силукнинг Ҳиндистонда тарқалишида Шайх Баҳоуддин Закариё Қурайшийнинг хизматлари жуда катта. Асли Қурайш кабиласидан чиққан Баҳоуддиннинг бобоси Муҳаммад ибн Қосим Қурайший исмли киши бўлиб, у Ҳажжож ибн Юсуф Ирокда волийлик қилган вақтида Синдга юборган аскарлари ичида жангда қатнашиб, Мўлтон шаҳрида яшаб колади. Шу боисдан 1182 йили Мўлтонда тутилган суфий учун Ҳиндистон ўз она ватани бўлган.

У ёшлигидаёқ Маккага сафар қилиб, Шиҳобуддин Сухравардийга мурид тушади. Баҳоуддин пири раҳнамолигида тез камол топиб, яна ватанига қайтади. Айтишларича, унга уч маротаба хирқа олиш насиб қилган: бир сафар тушида ва икки сафар узоги Шиҳобуддин қўлидан.

Суфийликда ўз замондошлари орасида жуда юқори нуфузга эга бўлган Баҳоуддин Закариё тахминан 1267 йили вафот этгач, Мўлтон шаҳрида дафн қилинган.

Баҳоуддин Закариёнинг энг кенжа ўғли Садриддин ўз силукининг пешқадам вакилларидан бири бўлиб, у ҳам отаси каби Мўлтонда фаолият кўрсатган. Отаси ўлимидан олдин жуда катта бойлигини мерос қилиб етти ўғилига тенг бўлиб берган эди. Садриддин ўзига тегишли етти минг пулни «мухр»ни олганида, ердан олинган ҳосил улушидан бўлак қолган меросини камбағалларга бўлиб беради. Садриддин 1285 йили вафот этиб Мўлтондаги отаси мақбараси ёнига дафн этилган.

Шайх Ахмад Маъшуқ силукда Садриддиннинг сипашта шогирдларидан бири бўлган. У аввал савдогар бўлиб, Қандаҳордаги ўз дўконидан молларини Мўлтонга келтириб сотиш ишлари билан шуғулланган. Шу гарздаги сафарнинг бирида у Садриддин билан учрашиб қолгач, унинг хаёти буткул ўзгариб кетган. Ахмад тезда Садриддинга мурид тушиб, унинг шогирдлари ичида ўзининг иқтидори билан силукнинг машҳур суфийлардан бири бўлиб етилган.

Силукнинг навбатдаги номдор суфийларидан бири Шайх Жалолиддин Табризий аввал Шайх Абу Табризий ва унинг вафоти-

дан кейин Шайх Шиҳобуддин Суҳравардийнинг муриди бўлган. Унинг туғилган ери ҳақида икки хил шаҳар номи қайд этилади: ҳозирги Уттар Прадешдаги Этаваҳ ва Эроннинг Табриз шаҳри.

Жалолиддин дастлаб Рамазон Хон номли савдогарнинг ёрдами билан билим олган. Сўнг у Бенгалиянда хонақоҳ қуриб, у ерда оч-яланғоч ва бева-бечораларга озиқ-овқат садақа қилиб турган. Суфийнинг инсонпарварлигидан таъсирланган маҳаллий подшоҳ Лакшман Сэн унинг шарафига махсус даргоҳ ва масжид қурдириб, суфийлар ва муридларнинг фаолияти учун маблағ ҳам ажратган.

Шайх Жалолиддин Табризий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ичида яна шундай қайдлар ҳам борки, уларда Пандуа шимолидан ўн беш мил узоқликдаги Деоталада чиллахонаси бўлиб, бу жой кейин Табризобод номи билан машҳур бўлган. Суфий ўз умрининг деярли ярмини ўтказган чиллахонага Жалолиддин Табризий вафотидан кейин унинг муридлари ҳам дафн этилган.

Суҳравардия силуки ҳақида сўз борганда яна шуни алоҳида уқтириб қайд этиш лозимки, силукнинг мусулмон оламида тутган ўрни ва моҳияти нуқта и назаридан ватандошимиз Шайх Нажмуддин Кубронинг номи нафақат ушбу таълимот тараққиётидаги хизмати, балки у зотнинг мўғулларга қарши курашда кўрсатган шахсий ва маънавий жасорати билан ҳам машҳур.

Суҳравардия шўъбалари: Жалолия. Шўъбанинг асосчиси Саййид Жалолиддин Шоҳ Мир Шукуҳ (1192–1291) бўлиб, у Баҳоуддин Закариёнинг Мўлтондаги нонби эди. Уни Саййид Бухорий ҳам деб атардилар. Жалолиддин Бухорода туғилиб балоғатга етгач, Ҳиндистонга келиб, Уч шаҳрида яшаган. Шўъбанинг мухлислари халқ орасида «жалолий фақирлар», дея аталган. Улар бошларига қора рўмол ўраб, билакларига тақинчоқ тақиб юрганлар. Шунингдек, улар ўзлари билан бирга сурнай ҳам олиб юрганлар ва уни доим зикр тушишдан аввал чалганлар.

Маҳдумия. Шўъбани Мир Саййид Жалолиддин Маҳдуми Жаҳониён Жаҳонгашт Бухорий тузган. Бу зот суфийлар ичида жуда катта обрўга эга бўлиб, жаҳонгаштлик бобида бемисл машҳур эди. Бундан ташқари, у ўз даврининг маълум ва улуғ зотлари билан мулоқатда бўлиб, барча силуклар ичра тан олинган суфий саналган.

У ҳақида Эрон ва Афғонистон шаҳарларида жуда кўп ривоятлар сақланиб қолгани зикр қилинади. Жалолиддин Маҳдумий 1383 йили вафот этиб, Уч шаҳрига дафн қилинган.

Миран Шоҳия. Миран Муҳаммад Шоҳ Манжи Дарё Бухорий, Жалолиддин Шукуҳпўш авлодидан эди. У Акбар даврида яшаган, подшоҳ уни жуда ҳурмат қилган ва унинг охирги Читор қалъасини эгаллаш, агиографлар маълумотича, суфийнинг дуоси билан амалга ошган. Бу воқеанинг содир бўлишига сабаб шу эдики, император ўз қўшини билан қалъани эгаллашига кўзи етмаганда унга кимдир Миран Шоҳга мурожаат қилишни маслаҳат берган. Шу бўйича, Акбар суфий ҳузурига хизматкорларини юбориб, ундан ўз қароргоҳига келиб, фатҳ учун дуо қилишини сўраган. Читор қалъаси ярга тонгда Акбар тасарруфига ўтади. Шоҳ бундан хурсанд бўлиб, Миран Шоҳийни марказга чорлайди. Суфий салтанат соҳиби марҳамтига биноан Лоҳур шаҳрини танлайди ва у Баталада уй-жой ва 9 лакх рупий билан сийлайди.

Миран Шоҳий 1604 йили вафот этган ва унинг ўғли отасини Баталадан Лоҳурга келтириб Анаркали қабри ёнига дафн қилган. Шундан сўнг Панжобнинг ҳокими Ранжир Сингҳ суфийнинг Лоҳурдаги мақбарасига қараб туришган масъул этилганларга ойига 40 рупия миқдорида маош тайинлаган.

Исмоил Шоҳия. Бу шўъбани ўз даврида Миён Валда номи билан танилган Ҳофиз Муҳаммад Исмоил тузган. 1585 йили туғилиб, отаси уни жуда ёшлик чоғидан Чинобдаги Пир Маҳдум Абдулкарим ҳузурига юборади. Абдул Карим табиатига хос комиллик нишоналари туфайли, у барча ишлардан озод бўлиб, пири фотиҳаси билан Лоҳурга жўнаб, у ерда Қуръони каримни тўғри ўқиш ва бошқа диний мавзулар бўйича мударрислик қилади. Унинг қўлида таҳсил топган шогирдлари жуда тез «Ҳофизи Калом» даражасига эришадилар. «Ҳаётининг сўнгги дамига қадар муттасил мазкур вазифа билан машғул Ҳофиз Муҳаммад Исмоил 1683 йили вафот этган.

Лавло Шоҳия. Шўъбанинг асосчиси силукда Баҳоуддин Закариёдан кейинги саккизинчи вакил эди. У 1591 йили туғилган. Унинг отаси Абдураҳим Хон Лўдий султон Иброҳим

Лўдийнинг авлодидан бўлиб, Баҳлул Шоҳ Лўдийнинг набираси эди. Ёшликда етим қолган Шоҳ Давла бир ҳиндга қул қилиб сотилган эди.

Гарчи мавжуд манбаларда Шоҳ Давланинг қуллик даврида бирор устоз қўлида ўқигани кўрсатилмаган бўлса-да, аммо унинг таҳсил олган даргоҳида илм-билимга берилиб камолотга етгани маълум қилинган. Кунларнинг бирида у қироатхонада ўтирганида дафъатан ҳаётини дарвешликда ўтказишга қарор қилиб, Сиалкотда Саид Носир Мастга шогирд тушади. Шоҳ Давла устоз ўринбосари бўлгач, унга устоз хирқаси берилади. Пири вафотидан сўнг, Давланинг борган сари таъсир доираси кенгайиб, масжид ва кўприклар қурдиради. Умрининг охиригача Гужаротда яшаган Шоҳ Давла камбағаллар-вар бўлиб, у ҳатто ўз мехрибончилигини жонворлардан ҳам дариғ тутмайди.

Унинг шогирдлар ичида мусулмонлар билан бир қаторда ҳиндулар ҳам бор эди. У 1676 йили вафот қилгач, Гужаротда дафн этилади.

Лаъл Шоҳбозия. Суҳравардия сулукининг навбатдаги шўъбасига асос солган – Баҳоуддин Закариёнинг шогирдларидан бири Саййид Лаъл Шохбоз (Шоҳаббос) қизил кийимни яхши кўргани учун «лаъл» лақабини олган эди. Гарчи у дастлаб ҳаётининг асосий қисмини қироатхоналарда ўтказган бўлса ҳам, аммо кундалик ҳаётда ислом қоидаларига амал қилмас, негаки, динда ман этилган маст этувчи парсалардан қайтмас эди. Унинг мухлислари ҳам диний масалаларда устоз каби яшашни маъқул кўрардилар. Бундай тарзи ҳаётга эътироз билдирганларга улар ўзларини оқлаш учун дерларкан, «Устознинг қўли тегиши билан сув ҳам шаробга айланади».

Саййид Лаъл Шоҳаббос 1324 йили вафот этган, унинг мозорига зиёрат учун ҳали ҳам одамлар келиб туришади, гарчи ҳозир бу шўъба соликлари кам бўлса ҳам, лекин улар ҳам қизил кийимда юриб пирлари одатига тақлид қиладилар.

Мухтасар баён этилган шўъбалардан ташқари суҳравардия сулукида яна «Суҳария» ва «Расулшоҳия» каби шўъбалар ҳам турли даврларда фаолият кўрсатган. Аммо уларда тарқиб қи-

линган ҳаёт тарзи исломий маънавият тақозоларию шариат аҳкомлари талабига жавоб бермаган.

Қодирия сулуки. Шайх Абдулқодир Жилонийнинг қодирия сулуки Ҳиндистонда унинг вафотидан уч юз йил ўтгач, ушбу силсиланинг ўнинчи вакили Саййид Муҳаммад Ғавс томонидан барпо этилган. У Ҳалабда туғилиб, ёшлик йиллари ҳинд ниҳоятларида кўп сафарлар қилган. Охири Лоҳурга қайтиб, ниҳоят Уч шаҳрида яшаб қолган. Қодирия асосчисининг шон-шуҳрати деярли бутун Ҳиндистонга таралган. Унинг атрофидаги муридлари каторида Деҳлининг афғон ҳокими Искандар Лўдий ҳам бўлган.

Ҳукмдор-мурид ўз тушида Шайх Абдулқодир томонидан олган буйруғи билан пири комилга қизини ҳам берган, аммо орада фарзанд бўлмаган. Шундан сўнг, Муҳаммад Ғавс фақат иккинчи бор уйланганида Абдулфаттоҳнинг қизи – хотини Фотимадан тўрт ўғил кўрган ва у 1517 йили Учда вафот этган.

Суфийнинг ўғиллари ичида Абдулқодир II ёшлигида жуда роҳат фароғатда яшаган. Лекин отаси вафотидан кейин падарига тақассуб қилган ўғил халифанинг ҳаёти буткул ўзгариб кетган. У дунёга қўл силтаб, қолган ҳаётини йўқчиликда кечирган. Ҳолбуки, унинг ака-укалари давлат ишларида юқори мансабларда ишлаган. Абдулқодир эса, давлат томонидан таклиф этилган имкониятларга ҳам бефарқ қараган. У 1533 йили Учда вафот этган.

Қодирия шўъбалари: Навшоҳия. Шўъба асосчиси Шоҳ Ҳожи Муҳаммад ўн оттига кирганида узлатга чекиниш учун чўлларда нишай бошлайди. Унинг ота опаси ўғлини ортига қайтариб, Панжобдаги Навшаҳрга олиб келиб, уни ерлик бир эътиқодли кишининг қизига уйлантирадилар. Шунда ҳам ёлғизликка мойил суфий тунлари дарё бўйида муроқабага берилиб, кундузлари масжидда Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлган. Орадан олти йил ўтгач, у машҳур Сулаймон Шоҳ Қодирий ҳақида хабар топиб, унга мурид бўлиб, тез орада тасаввуф илмида етуклик даражасига эришгач, пиридан Навшоҳ Ганжбахш тахаллусини олади.

Суфий жуда мехмондўст бўлиб, ғарибларга доим емак-ичмакла ёрдам берар, ўзида озуқа қолмаганида эса, эшикма-эшик

юриб тиламчилик билан емак тўплаб камбағалларга улашарди. Ҳожи Муҳаммад 1605 йили вафот этган.

Навбаҳорий шўъбаси Ҳожи Муҳаммад вафотидан кейин унинг шогирдлари Пок Абдурахмон ва Пир Муҳаммад «Сачқир» («сачқир» ҳақиқий дўст) ўртасида иккига бўлиниб кетади. Улар хар иккиси ҳам ўзига яраша суфиёна иқтидор ва каромат эга эдилар.

Миён Кўл. Бу шўъбанинг асосчиси Мир Муҳаммад халқ ичида Миён Мир номи билан танилган эди. У 1550 Сейистонда туғилиб, дастлаб таълимни қодирия сулуки аъзоси бўлган онасидан олган. Бола балоғатга етгач Хизр Сейистонийдан тасаввуф илмини ўзлаштирган. Суфий дарвешона узлатда ҳаёт кечирар ва йил бўйи бир рўдапо либосда юришни одат қилганди. Қиш фаслида кун бўйи йиғиб терган ўтин-чўплари оловида исиниб, тунларни бедор ўтказса, ёзда эса очиқ ҳавода яшарди.

Миён Мир устози Хизр Сейистонийдан яна озроқ таълим олгач, ўқишини давом эттириш учун Лоҳурга жўнаган ва ўқишини тугатиб, шу шаҳарда яшаб қолган. У Лоҳурга Акбар ҳукмронлигининг сўнгги йиллари келган ва асосий умрини Жаҳонгир ҳамда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик йиллари ўтказган.

Шаҳзода Доро Шукуҳ Миён Мирни жуда ҳурмат қилган ва ҳатто унинг таржимаи ҳолини ўзининг «Сакинату-л-авлиё» асарида зикр қилган. Доро ўз асарида Миён Мирни жуда қатъиятли зот сифатида таърифлаган, яъни у моддий манфаатни тан олмай, машҳурликдан кўз ўгириб, ҳаётини зуҳд йўлига буради.

Суфийнинг энг севган муридларидан бири Миён Натҳа бўлган. Миён Мир 1636 йили вафот этгач, уни Лоҳурда дафн қилишган. Доро Шукуҳ суфийга мақбара қурдириб, у ердан то қалъагача қизил тошдан йўлка солиш кераклигини буюрган. Лекин иш тугашидан аввал Доронинг укаси Аврангзеб уни ўлимга маҳкум этгач, бир йилдан сўнг ўша жойга тахт сохибининг ўзи бориб, тугалланмаган йўлкани битиришга буйруқ берган.

Миён Мирнинг таваллуди рабиу-с-соний ойининг еттинчи куни тунги билан нишонланади ва шу куни одамлар унинг мақбараси томон оқиб келади. Юзлаб йўлка юзида дўконлар қурилиб ишга тушади. Улар билан бирга бу ерга хофиз ва машшоқлар келиб куйлаб, рақс ҳам тушадилар.

Ҳусайн Шоҳия. Шўъба лоҳурлик Баҳлул Шоҳ Ларёний мурид ҳазрат Шоҳ Латъл Ҳусайнга тегишли бўлган. Аслида Баҳлулнинг отаси Дҳадҳа кабиласидаги раджпутлар хонадонидан бўлиб, унинг асл номи Дҳадҳа Ҳусайн Гулисарой эди. У султон Феруз Шоҳ Тўғлукнинг даврида мусулмончиликни қабул қилган.

Шоҳ Латъпнинг сийрати ва сурати ўзининг бир-бирига зид жиҳатлари билан қизиқ. Суфийнинг «латъи» лақаби унинг болаликдан қизил рангли кийимларни ёқтиргани учун берилган. У йигирма етти ёшида исломий илмларни ўрганган. Пиҳоят, ёши ўттиздан ошгач, лоҳурлик Шайх Саъдуллоҳдан Қуръони карим тафсири бўйича таҳсил олаётган вақтида негадир «Бу дунёнинг ҳаёти ўйин-кулги ва жисмоний машқлардан бошқа нарса эмас», деган хулосага келган. Шу-шу мадрасани ташлаб ўз умрини фақат кўнгилхушликда, яъни рақс, қўшиқ ва майпарастликда ўтказган.

Суфий ўзининг тасаввуф таълимотига терс одатлари билан ўз собиқ сулукдошлари орасида маломатга қолган. У 1599 йили вафот этган.

Муқим Шоҳия. Ҳаётул Мирнинг мурид бўлган шўъба асосчиси Сайёид Муқим Маҳкамуддин ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Маълуми шуки, унинг бобокалони қодирия сулукининг жуда кўзга кўринган намояндаларидан бўлган.

Кумизия шўъбаси. Шоҳ Кумиз сулукнинг ўн еттинчи вакили бўлиб, у отаси Абдулҳай билан сулукнинг Ҳиндистонда тарқалишида муҳим ўрин тутган. Суфий Бенгалиянда истиқомат қилиб, Акбар ва Ҳумоюнинг ҳукмронлиги даврида яшаган. У ўз фаолиятида сулук хизматларидан ташқари Лудҳиана ва Салҳаурада катта савдо расталарини ҳам ташкил қилиб бошқарган.

Баҳлул Шоҳия. Шўъба асосчиси Баҳлул Шоҳ Ларёний устоз Шоҳ Латиф Борийнинг шогирди бўлган. Унинг ҳаёти ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Лекин айрим манбаларда суфийнинг машҳур пири Шоҳ Латиф Борий ва унинг пирининг пири Ҳаётул Мир ҳақида жуда кўп турли ривоятлар сақланиб қолгани қайд қилинган.

Нақшбандия сулуки. Ҳиндистонда нақшбандия сулукини жорий этган Хожа Бокий Биллоҳ Беранг насаби бўйича Хожа Баҳоуддин Нақшбандинг еттинчи бўғини эди. У ўз пирининг

сулукини Хиндистонга олиб келган Муҳйиддин Чиштий Санжарий 1142 йили Сейистоннинг Санжар шаҳрида туғилган. У ўн тўрт ёшида етим қолиб, отаси кўйи тириклигида мерос қилган бир тегирмон ва мўжазгина боғи орқасидан кун кўрган.

Муҳйиддин балоғатга етгач, диний илмларни чуқурроқ эгаллаш учун олдин икки йил Самарқандда ўқиди, сўнг Бухорои шарифда Қуръони каримдан мукаммал илм олиш мақсадида Мавлоно Ҳусомиддин қўлида таҳсил кўрди. У шундан кейин тасодифан Нишопурнинг музофотида чиштий сулукининг таниқли намояндаси Хожа Усмон Ҳоруний билан учрашиб, йигирма йил унинг хизматини қилади. Хизматни ўтаб, Нишопурдан Ажамга қилган сафарида жуда кўп нуфузли суфийлар билан мулоқатда бўлиб, қатор қадамжоларни зиёрат қилади. Сафар вақтида Муҳйиддин Ҳамадон ва Табриздан ўтганида Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний ва Абу Саид Табризийлар билан учрашгани ҳам ривоят қилинади.

Шайхнинг Хиндистонга келиши қуйидагича қайд этилган. Муҳйиддин олдин Лоҳурга келиб тушиб, шаҳарда маълум муддат яшаб, сўнг Деҳлига кетади. Шаҳарда унинг кўрсатган каромат лари шарофати билан жуда кўп хиндлар исломни қабул қилади. 1165 йили суфий Ажмирга кўчиб ўтгач, бу даргоҳ дунёдаги чиштия сулуки намояндалари учун асосий қадамжога айланади.

Шундан кейин нуфузи ортган сулук Хиндистоннинг Мўлтон, Лоҳур, Бадаун, Канауж ва Нагоре шаҳарларига ёйилади. Чиштия сулуки тарихидаги муҳим воқеалардан бири – чиштия сулукига хиндуийлик эътиқодидаги фуқаролар ҳам қизиқиб, ҳатто унга эргашганларидир. Зеро, чиштия сулукининг ўзига хос инсонпарвар жиҳатлари маҳаллий аҳоли орасида машҳур ва матлуб бўлган.

Соликлар чилла ўтириш, хонақоҳда тақво ва муроқабада бўлиш, узоқ сукут сақлаш сингари амалиёт қатори «зикри самоъ»да ҳам донг таратганлар. Лекин бундай зикр услуби шариат пешволарига маъқул тушмаган. Бундан ташқари, чиштия тариқати макон топган ерда рожалар ва суфийлар ўртасида баъзи келишмовчиликлар келиб чиққан.

Ҳиндистондаги чиштий сулукида Муҳйиддиннинг етук шогирдларидан бири Қутбиддин Бахтиёр эди. Агиографларнинг

фатвоси билан Ҳиндистонга шогирдлари билан келиб, Деҳлида яшаган ва шу ерда дунёдан кўз юмган. Ундан кейин сулук фаолиятини шогирди Аҳмад Форуқий давом эттириб, тариқатни халқчил руҳ касб этишида жуда катта муваффақиятларга эришади. Оқибатда Ҳиндистондаги бошқа жорий сулуклар бамисоли нақшбандия соясида қолиб кетгандек туюларди. Тариқат тарғибига хос ғоявий маслак ва мақсадлар форсий ва урду адабиётида ўз аксини ифодасини топиши билан оммалашди. Чунки, бу тариқат Ҳақ таолонинг ҳузурида доимий ҳозирлик, аҳли сунна ва жамоа ақидасини мустаҳкамлаш ва Набий (а.с.) суннатларига эргашишни ёқларди.

Аҳмад Сирҳиндий нақшбандиянинг Ҳинд диёридаги кейинги тарихида муҳим ўрин тутади. Аҳмад Сирҳиндий 1598 йили отасининг вафотидан сўнг Деҳли орқали Макка зиёратига кетаётганида, йўлда дўсти уни Боқи Биллоҳ билан таништиради. Шунда бўлажак пир уни бир ҳафта Деҳлида қолишини сўраганида Аҳмад бу ерда нафақат қолади, балки пир таъсиридан унга мурид тушиб, берилган муддатдан анча узокроқ яшайди. Боқи Биллоҳ муддат тугагач, Аҳмадга Макка зиёратини ўтказиб, яна Деҳлига қайтиши кераклигини айтади. Белгиланган режа амалга ошгач, Боқи Биллоҳ икки ойдан сўнг Аҳмадни ўз ноиби сифатида Сирҳиндга кетишига фотиҳа беради.

Орадан тўрт йил ўтгач, Аҳмад яна пири ҳузурига келганида, пири унинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олади. Тез орада ўзи қатори суфийлар орасида пирининг алоҳида эътиборига сазовор бўлиб, сулукдаги мақоми улуғлашиб, унга қодирия хирқаси топширилади.

Аҳмад 1603 йили учинчи маротаба пири ҳузурига ташриф буюради. Пир унинг ташрифи муносабати билан йиғилган жамоада ўз шогирдини мақтаб, уни қуёшга, атрофидаги мурид ва мухлисларини эса сайёраларга қиёслаган.

Пир билан мулоқотдан кейин Деҳлидан қайтган Аҳмад Лоҳурга кетади. У шаҳар суфийлари томонидан ислоҳотчи сифатида қизғин кутиб олинади. Аҳмад шу ерда эканида пири вафотидан хабар келиб, у яна Деҳлига жўнайди. Дафн маросимидан сўнг бу ерда суфийнинг диний ислоҳотларини инобатга олиниб,

қайд этишича, унинг 1186 йили Фарғона водийсининг Ўш шаҳрида туғилган экан. Қутбиддин ўз бўлажак устози Муҳйиддинни Бағдодда таҳсил олиб юрган кезлари учратган эди. Ўша пайтда Бағдодда Шиҳобуддин Суҳравардий таълим берар эди. Муҳйиддинга мурид тушган Қутбиддин устози ортидан Ҳиндистонга равона бўлган. Деҳлида уни жуда катта иззату ҳурмат билан кутиб олганлар. Муҳйиддин мурид ҳақида хабар топгач, ўзи қисқа муддатга Деҳлига келиб, шогирдини Ажмирга чорлайди. Шогирд устози сўзини ерда қолдирмай йўлга тушганида, шаҳар дарвозаси қаршисида тўпланган теварак атрофдагилар Қутбиддиндан Деҳлини ташлаб кетмаслигини ўтиниб сўрайдилар. Шаҳар аҳолисининг ўз муридига кўрсатган ҳимояти ва иззатидан таъсирланган Муҳйиддин шогирдини Худонинг ҳимонсига ҳавола қилиб, унга ортига қайтишига рухсат беради.

Тасаввуф тарихида ўз номига тахаллус ва бошқа турли сифатлар қўшилган суфийларнинг учраб туриши табиий ҳол. Ундаги икки тахаллуснинг биринчиси «бахтиёр»ни устози Муҳйиддин, иккинчисини эса, сулукнинг пуфуали вакилларидан Низомиддин берган эди. Қутбиддин ҳам шулар жумласидан экани айниқса, унинг иккинчи тахаллусидан маълум, яъни «кокий». Ушбу суфий ҳақидаги Ибн Баттутанинг таърифича, «кокий» тахаллуси унинг бошқа бир фазилатига йўйилади, яъни:

«У муборак, камтар инсон бўлиб, «кокий» деб номланишига сабаб шуки, унинг олдига қарзлорлар фақирлик ва муҳтожликдан ёки қизини узатиш учун ҳеч вакоси йўқлигидан шикоят қилиб келишса, уларга тилла ёки кумуш танга берарди. Шу сабабли у зот Кокий номи билан танилган. Аллоҳ уни раҳмат қилсин!»

Мазкур сулук фаолиятида само'га муҳим аҳамият берилган. Қайсидир суфий «Мусиқа товушини эшитиш Аллоҳга бўлган муҳаббатни оловлантиради», деган ғояни илгари сургани «само'» талабгорларига рағбат бағишлаган. Чунки Ҳиндистонда мусиқа, қўшиқ ва рақс ибодат учун диний этиқоднинг қанчалик ажралмас қисми бўлса, муайян маънода биз танишган тасаввуфнинг баъзи сулукларида ҳам «само' тинглаш» жараёнига шунчалик аҳамият берилган. Ҳинд манбаларида ёзилишича,

само' вақтида ҳатто Радҳа ва Кришнани улуғловчи қўшиқлар айтилган. Маҳаллий тилларни яхши билган Фаридуддин Шакарганж ўша тилларда ижод қилган. Малик Муҳаммад Жайсий эса ўзининг «Падмават» асарида Рам, Сита ва Ҳонумон қиссасига мурожаат этган. Деҳлида омма руҳиятига сингиб улгурган ва қачонлардир упанишадларда таъкидланган «Инсонни Аллоҳга энг яқин йўл билан элтувчи мусиқа»га бағишланган қўшиқлар байрами ҳафталаб давом этган.

«Муҳйиддиннинг вафотидан кейин унинг у қадар маълум бўлмаган икки нойиби – бенгалиялик Абдулла Карометий ва цейлонлик Пир Карим ўз сулукларини тузиб, ўз исмларига мос ҳолда «карометия» ва «каримия» деб номлаганлар. Вақоланки, нойибларнинг пири ҳаётлик даврида унинг Бенгалия ёки Цейлонда бўлганини тасдиқловчи бирор маълумот йўқ. Муҳйиддин ҳаётининг сўнги кунларида шогирди Фаридуддин номини кўтарган олган ва ҳатто ўз дафни жараёнига тааллуқли маросимларни қандай ўтказилишини ҳам унга васият қилган.

Чиштия шўъбалари: «Фаридия». Ҳинд тасаввуфида «Бобо Фарид» номи билан танилган Фаридуддин Мансур Шакарганж устози Шайх Муҳйиддин ҳаётлигида унинг энг асосий вориси сифатида фаолият кўрсатиб, суфий вафотидан сўнг сулукнинг «фаридия» шўъбасига асос солган. У асли кобуллик бўлиб, бобоси Чингизхоннинг ҳужуми йиллари Панжобга келгач, Мўлтон яқинидаги Катҳвал шаҳарчасида қозилик қилган.

Фаридуддин ёшлигидан диний муҳитда ўсиб, Баҳруддин Закариёнинг қўлида таълим олди. Ўн етти ёшида Шайх Қутбиддин ҳузурига бориб, унинг хизматига тушади. Ундаги иқтидор ва руҳоний такомилликни сезган одамларнинг Худо марҳаматларига нойил бўлиш умидида суфий дарғоҳидан қадамлари узилмай қолади. Лекин табиатан ёлғизликка мойил Фаридуддин узлатда ҳаёт кечириш истаги билан Деҳлини ташлаб, Хансига кетади. Бироқ, бу ерда ҳам унга ташрифлардан холи яшаш насиб қилмайди ва у умрининг сўнги 16 йилини Мўлтон музофотида ўтказади.

Фаридуддин номига «шакар ганж»нинг қўшилиши, тарихи болалигида опаси ўғлини ибодатга ўргатиш учун қўллаган бир

олинган Низомиддин Авлиёнинг бемисл фазилатлари унинг мурид Амир Хусрав Деҳлавий томонидан махсус «қавволий» кўшиқ жанрида ёзилган ғазалларда куйланган. «Қавволий» одатда уч тилда ёзилган – форсий, ҳинд ва урдуда. Самъ мусиқаси эса уч ёки тўрт чолғу жўрлигида ижро этилган – табла, саранги ва сетор. Қавволий гоҳ якка ва гоҳо жўровоз ҳофизлар томонидан ижро этилган.

Низомиддин Авлиёнинг муридлари кейинчалик бутун Ҳиндистон бўйича ёйилиб, улар орасида Шайх Носириддин «Чироғи Деҳли» номи билан танилган. У муроқаба илмида жуда пешқадам бўлиб, шунга яраша унинг мухлислари ҳам бўлган. Аммо суфий ёлғизликда умргузаронлик қилиш истагида устози даргоҳидан кетиб, тоғу тошлардаги бирор ғорда яшашга рухсат сўраганида Авлиё унга доим одамлар ичида бўлишни маслаҳат берган. Шайх Носириддиннинг шаҳар аҳолиси ичида ортиб бораётган обрў эътибори султон Муҳаммад Тўғлоқ назарида тахтга хавф солаётган туюлиб, султон уни сарой ишига жалб қилиш орқали обрўсини тўкмоқчи бўлган. Аммо муроди ҳосил бўлмаган, ёлланма котил орқали суиқасд уюштирган. Бу кутилмаган суиқасддан сўнг, муаррих тили билан ифодаланганда «Деҳли чироғи ўчган». Сўнг Сайиид Муҳаммад Гэсудароз ўз устози жасадини Деҳлидаги «Шоҳжаҳонобод»га дафн қилган.

Агар суфий ҳаёти маълумотларига келсак, унинг қисқача мазмуни шундай. Султон Муҳаммад Тўғлоқ ўз пойтахтини Деккандаги Давлатобод шаҳрига кўчирганини эълон қилиб, Деҳли аҳолисини янги пойтахтга кўчиб ўтишига буйруқ берганида, энди 15 ёшга тўлган Гэсу Дарознинг отаси вафот қилади ва унинг онаси, буйруқдан бехабар икки ўғли билан Деҳлига келади. Йигитча бу вақтда Деҳлида яшаган Шайх Носириддин шахсияти ва фаолияти билан қизиқиб, унга мурид бўлишга қарор қилади. 1398 йили Амир Темур қўшинлари Аттокни босиб олиб, Деҳлига юриш бошлаганида Муҳаммад Гэсудароз Феруз Шох Баҳмоний ҳукмронлик қилаётган Деккапга кўчиб ўтиб, Гулбарга деган мавзеда жойлашади. Бу ерда у 105 ёшга киргунича яшаб, ўтган йиллар мобайнида юздан ортиқ асар яратади. Муҳаммад Гэсудароз ўз асарларини асосан тасаввуф ва ислом фалсафасига бағишлаган.

«Собирия». Маҳдум Алоуддин Али Аҳмад Собир 1197 йили Хиротда таваллуд топган. Унинг отаси етти ёшлигида оламдан ўтган, опаси ўта камбағаллиги боис ўғлини акаси Бобо Фарилга ташлаб кетади. Бола балоғат ёшига етганида тоғаси уни ошхонага ишга беради. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Хиротдан қайтиб келган она ўғлини озиб-тўзиб кетганини кўриб, акаси Бобо Фаридга шикоят қилади. Тоғаси бу аҳвол сабабини сўраб суриштирганида жияни айтадики: «Мен ошхонага ишга кирганман, унда тайёрланадиган таомларни ейишга эмас!» Йигитнинг бундай сабр-тоқатли экапидан далолат берувчи жавобидан таъсирланган суфий унга «Собир» упвонини бериб, кейинроқ уни ўзининг ишончли вориси сифатида Калиарга жўнатади. Бу ерда у касалликка чалиниб, сўнг оёққа турган мажжидга жума намозини ўқишга киргапида уни намозхонлар ташқарига ҳайдаб чиқаришади. Агиографлар ишонтиришича, суфийга нисбатан килинган ножоиз ноҳақликка жавобан тўсатдан масжид қулаб тушиб аксарият жонига жабр етади. Шундан кейин Калиарда жазо сифатида вабо тарқалади, жони омон қолганлар шаҳарни тарк этишади. Аҳолисиз қолган шаҳар вақт ўтиши билан ўрмонга, харобалар эса нафақат жонворлар, балки суфий ва унинг Шамсуддин Турк номли мурида маконига айланади. Тахминан йигирма йил узлатда яшаган суфий 1291 йили вафот этади.

Ҳамза Шоҳия. Шўъбага Мўлтонлик Баҳовуддин Закариёнинг шогирди Ҳамза асос солган. У суфий бўлишидан илгари қоровулчилик қилган. Бир куни тунда ўзига берилган жойни кўриқлаб турганида дафъатан хаёлини шундай фикр чулғаган:

«Менга Яратганни унутиш уят эмасми? Ахир мени ҳар лаҳза, ҳар куни, ҳар доим химоялаётган қолиб, наҳотки шу жойни кўриқлаш билан умр ўтказсам!» У шу хулосадан сўнг ўз ишидан бўшаб, худди шу куни дарвешликни ихтиёр этгач, шундан бошлаб унинг ҳаёт йўли Гэсудароз ва Носириддин хонақоҳидан то Низомиддин Авлиё даргоҳигача етиб борган.

Чиштия шўъбаларининг тарихи тўғрисида нашр этилган рисолалардаги силсиланинг фаолияти даври, баъзи адабиётларда берилган маълумотларга қараганда «икки юз йиллик муддат» билан чекланмай ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам давом этган.

Чиштия силсиласи Ғарбда. Пир Иноят Хонинг чиштия силсиласига мансуб «Низомия шўъбаси»ни Европага олиб келишидан кўзлаган мақсади европаликлар учун махсус «Тасаввуф таълим маркази»ни тузиш эди. У кейинчалик мистик мавзуларда Америкада ҳам маърузалар ўқиган.

Иноят Хон ёшлигидан ҳинд мусиқа санъатига қизиққан ва бу соҳада маҳорат касб этиб санъаткор ва шоирлар анжуманларида қатнашиб, Типу султон қошига уйланган бобоси профессор Мавло Бахш тузган «Мусиқа академия»сида ҳам ишлаган. Профессор Мавла Бахш ўз набираси иқтидорини кўриб, уни ўн етти ёшида Маҳаража Саяжий Рао саройига юборган ва у саройда мусиқа ҳамда лингвистика билан шуғулланиб, шунингдек, профессионал даражада араб, форс ва санскрит тилларини эгаллаган. Унинг Бирма, Цейлондан кейин Ҳайдарободга қилган сафари ҳақида жуда муҳим ўрин тутган. Чунки у ерда илк бор ўз муршиди – Низомия шўъбасининг ўн етинчи вакили Хожа Сайид Муҳаммад Абу Ҳасан Маданийни учратган ва муршид уни ўз силсилага олган.

Пир Иноят Ҳайдарободда бир неча йил яшаб, сўнг 1910 йили у ўз укаси Маҳбуб Хон ва қайниси Али Хон билан Америкага келади. Унинг ҳинд мусиқаси мавзуидаги биринчи маърузаси Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университетида ўтади. Аммо унинг тасаввуф мавзуидаги маърузаси йиғилганларга жуда кучли таъсир кўрсатиб, тақсинларга сазовор бўлади. Шундан кейин Пир Иноят Хон Англия, Франция ҳамда Россияга сафар қилади. У 1923 йили Америкада ўқиган маърузаларидан кейин, 1925 йили яна Европага келиб, тариқат тартиботи хусусидаги режаларини амалга оширган, пиҳоят, 1926 йили ватанига қайтади. Маҳаллий аҳоли уни жуда илиқ кутиб олади. Орадан бир йил ўтгач, у ўпка хасталиги билан оғриб, Деҳлида вафот этган. Иноят Хоннинг «самоъ» хусусидаги мусиқий иқтидори Ғарбда тасаввуфга нисбатан катта қизиқиш уйғонишида катта ўрин тутган. Чунки унинг ўзи, таъриф жоиз бўлса, силсилага тартиботида «энг яхши ва жарангдор чолғу сози» эди. Пир Иноят Хоннинг сафар даврида ва кейин ватанида ёзган илмий асарлари Голландияда чоп этилган.

Сухравардия силсиласи. Ҳиндистонда Сухравардия силсиласининг фаолияти бу ерга боғлодлик Шиҳобиддин Сухравардийнинг шогирдлари Шайх Ҳамидуддин, Сайид Нуриддин, Шоҳ Туркмон ва Шайх Жалолиддин Табризийлар ташрифидан бошланган.

Тарихан силсиланинг Ҳиндистонда тарқалишида Шайх Баҳоуддин Закариё Қурайшийнинг хизматлари жуда катта. Асли Қурайш қабиласидан чиққан Баҳоуддиннинг бобоси Муҳаммад ибн Қосим Қурайший исмли киши бўлиб, у Ҳажжож ибн Юсуф Ироқда волийлик қилган вақтида Синдга юборган аскарлари ичида жангда қатнашиб, Мўлтон шаҳрида яшаб қолади. Шу боисдан 1182 йили Мўлтонда туғилган суфий учун Ҳиндистон ўз она ватани бўлган.

У ёшлигидаёқ Маккага сафар қилиб, Шиҳобуддин Сухравардийга мурид тушади. Баҳоуддин пири раҳнамолигида тез камол топиб, яна ватанига қайтади. Айтишларича, унга уч маротаба хирқа олиш насиб қилган: бир сафар тушида ва икки сафар устози Шиҳобуддин қўлидан.

Суфийликда ўз замондошлари орасида жуда юқори нуфузга эга бўлган Баҳоуддин Закариё тахминан 1267 йили вафот этгач, Мўлтон шаҳрида дафн қилинган.

Баҳоуддин Закариёнинг энг кенжа ўғли Садриддин ўз силсиласининг пешқадам вакилларидан бири бўлиб, у ҳам отаси каби Мўлтонда фаолият кўрсатган. Отаси ўлимидан олдин жуда катта бойлигини мерос қилиб етти ўғилга тенг бўлиб берган эди. Садриддин ўзига тегишли етти минг олтин «мухр»ни олтинда, ердан олинган ҳосил улушидан бўлак қолган меросини камбағалларга бўлиб беради. Садриддин 1285 йили вафот этиб Мўлтондаги отаси мақбараси ёнига дафн этилган.

Шайх Аҳмад Маъшуқ силсила Садриддиннинг синашта шогирдларидан бири бўлган. У аввал савдогар бўлиб, Қандаҳордаги ўз дўконидан молларини Мўлтонга келтириб сотиш ишлари билан шуғулланган. Шу тарздаги сафарнинг бирида у Садриддин билан учрашиб қолгач, унинг ҳаёти бутқул ўзгариб кетган. Аҳмад тезда Садриддинга мурид тушиб, унинг шогирдлари ичида ўзининг иқтидори билан силсиланинг машҳур суфийлардан бири бўлиб етишган.

Силсиланинг навбатдаги номдор суфийларидан бири Шайх Жалолиддин Табризий аввал Шайх Абу Табризий ва унинг вафоти-

дан кейин Шайх Шиҳобуддин Суҳравардийнинг мурид и бўлган. Унинг туғилган ери ҳақида икки хил шаҳар номи қайд этилади: ҳозирги Уттар Прадеш даги Этавах ва Эроннинг Табриз шаҳри.

Жалолиддин дастлаб Рамазон Хон номли савдогарнинг ёрдами билан билим олган. Сўнг у Бенгалиянда хонақоҳ қуриб, у ерда оч-яланғоч ва бева-бечораларга озиқ-овқат садақа қилиб турган. Суфийнинг инсонпарварлигидан таъсирланган маҳаллий подшоҳ Лакшман Сэн унинг қарафига махсус даргоҳ ва масжид қурдириб, суфийлар ва мурид ларнинг фаолияти учун маблағ ҳам ажратган.

Шайх Жалолиддин Табризий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ичида яна шундай қайдлар ҳам борки, уларда Пандуа шимолидан ўн беш мил узоқликдаги Деоталада чиллахонаси бўлиб, бу жой кейин Табризобод номи билан машҳур бўлган. Суфий ўз умрининг деярли ярмини ўтказган чиллахонага Жалолиддин Табризий вафотидан кейин унинг мурид лари ҳам дафн этилган.

Суҳравардия силуки ҳақида сўз борганда яна шуни алоҳида уқтириб ўтиш лозимки, силукнинг мусулмон оламида тутган ўрни ва моҳияти нуқтаи назаридан ватандошимиз Шайх Нажмуддин Кубронинг номи нафақат ушбу таълимот тараққиётидаги хизмати, балки у зотнинг мўғулларга қарши курашда кўрсатган шахсий ва маънавий жасорати билан ҳам машҳур.

Суҳравардия шўъбалари: Жалолия. Шўъбанинг асосчиси Сайид Жалолиддин Шоҳ Мир Шукуҳ (1192-1291) бўлиб, у Баҳоуддин Закариёнинг Мўлтондаги нойиби эди. Уни Саййид Бухорий ҳам деб атардилар. Жалолиддин Бухорода туғилиб балоғатга етгач, Ҳиндистонга келиб, Уч шаҳрида яшаган. Шўъбанинг мухлисла ри халқ орасида «жалолий фақирлар», дея аталган. Улар бошларига қора рўмол ўраб, билакларига тақинчоқ тақиб юрганлар. Шунингдек, улар ўзлари билан бирга сурнай ҳам олиб юрганлар ва уни доим зикр тушишдан аввал чалганлар.

Маҳдумия. Шўъбани Мир Саййид Жалолиддин Маҳдуми Жаҳониён Жаҳонгашт Бухорий тузган. Бу зот суфийлар ичида жуда катта обрўга эга бўлиб, жаҳонгашталик бобида бемисл машҳур эди. Бундан ташқари, у ўз даврининг маълум ва улуғ зотлари билан мулоқотда бўлиб, барча силуклар ичра тан олинган суфий саналган.

У ҳақида Эрон ва Афғонистон шаҳарларида жуда кўп ғаройиб воқеалар содир бўлгани зикр қилинади. Жалолиддин Маҳдумий 1383 йили вафот этиб, Уч шаҳрига дафн қилинган.

Мирон Шоҳия. Миран Муҳаммад Шоҳ Мавжи Дарё Бухорий, Жалолиддин Шукуҳпўш авлодидан эди. У Акбар даврида яшаган, подшоҳ уни жуда ҳурмат қилган ва унинг охирги Читор қалъасини эгаллаши, агиографлар маълумотича, суфийнинг дуоси билан амалга ошган. Бу воқеанинг содир бўлишига сабаб шу эдики, император ўз қўшини билан қалъани эгаллашига кўзи етмаганда унга кимдир Миран Шоҳга мурожаат қилишни маслаҳат берган. Шу бўйича, Акбар суфий ҳузурига хизматкорларини юбориб, ундан ўз қароргоҳига келиб, фатҳ учун дуо қилишини сўраган. Читор қалъаси эрта тонгда Акбар тасарруфига ўтади. Шоҳ бундан хурсанд бўлиб, Миран Шоҳийни марказга чорлайди. Суфий салтанат соҳиби марҳаматига биноан Лоҳур шаҳрини танлайди ва у Баталада уй-жой ва 9 лакх рупий билан сийланади.

Миран Шоҳий 1604 йили вафот этган ва унинг ўғли отасини Баталадан Лоҳурга келтириб Анаркали қабри ёнига дафн қилган. Шундан сўнг Панжобнинг ҳокими Ранжир Синғ суфийнинг Лоҳурдаги мақбарасига қараб туришган масъул эгилганларга ойига 40 рупин миқдорида маош тайинлаган.

Исмоил Шоҳия. Бу шўъбани ўз даврида Мисн Валда номи билан танилган Ҳофиз Муҳаммад Исмоил тузган. 1585 йили туғилиб, отаси уни жуда ёшлик чоғидан Чинобдаги Пир Мақдум Абдулкарим ҳузурига юборади. Абдул Карим табиатига хос комиллик нишоналари туфайли, у барча ишлардан озод бўлиб, пири фотиҳаси билан Лоҳурга жўнаб, у ерда Қуръони каримни тўғри ўқиш ва бошқа диний мавзулар бўйича мударрислик қилади. Унинг қўлида таҳсил топган шогирдлари жуда тез «Ҳофизи Калом» даражасига эришадилар. «Ҳаётининг сўнгги дамига қадар муттасил мазкур вазифа билан машғул Ҳофиз Муҳаммад Исмоил 1683 йили вафот этган.

Давла Шоҳия. Шўъбанинг асосчиси силукда Баҳоуддин Закариёдан кейинги саккизинчи вакил эди. У 1501 йили туғилган. Унинг отаси Абдураҳим Хон Лўдий султон Иброҳим

юриб тиламчилик билан емак тўплаб камбағалларга улашарди. Ҳожи Муҳаммад 1605 йили вафот этган.

Навшоҳий шўъбаси Ҳожи Муҳаммад вафотидан кейин унинг шогирдлари Пок Абдурахмон ва Пир Муҳаммад «Сачяр» («сачпр»– ҳақиқий дўст) ўртасида иккига бўлиниб кетади. Улар ҳар иккиси ҳам ўзига яраша суфиёна иқтидор ва каромат га эга эдилар.

Миён Кҳел. Бу шўъбанинг асосчиси Мир Муҳаммад халқ ичида Миён Мир номи билан танилган эди. У 1550 Сейистонда туғилиб, дастлаб таълимни қодирия сулуки аъзоси бўлган онасидан олган. Бола балоғатга етгач Хизр Сейистонийдан тасаввуф илмини ўзлаштирган. Суфий дарвешона узлатда ҳаёт кечирар ва йил бўйи бир рўдапо либосда юришни одат қилганди. Қиш фаслида кун бўйи йиғиб терган ўтин-чўплари оловида исиниб, тунларни бедор ўтказса, ёзда эса очиқ ҳавода яшарди.

Миён Мир устози Хизр Сейистонийдан яна озроқ таълим олгач, ўқишини давом эттириш учун Лоҳурга жўнаган ва ўқишни тугатиб, шу шаҳарда яшаб қолган. У Лоҳурга Акбар ҳукмронлигининг сўнгги йиллари келган ва асосий умрини Жаҳонгир ҳамда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик йиллари ўтказган.

Шаҳзода Доро Шукуҳ Миён Мирни жуда хурмат қилган ва ҳатто унинг таржимаи ҳолини ўзининг «Сакинату-л-авлиё» асарида зикр қилган. Доро ўз асарида Миён Мирни жуда қатъиятли зот сифатида таърифлаган, яъни у моддий манфаатни тан олмай, машҳурликдан юз ўгириб, ҳаётини зуҳд йўлига буради.

Суфийнинг энг севган муридларидан бири Миён Патҳа бўлган. Миён Мир 1636 йили вафот этгач, уни Лоҳурда дафн қилишган. Доро Шукуҳ суфийга мақбара қурдириб, у ерлан то қалъагача кизил тошдан йўлка солиш кераклигини буюрган. Лекин ип тугашидан аввал Доронинг укаси Аврангзеб уни ўлимга маҳкум этгач, бир йилдан сўнг ўша жойга тахт соҳибининг ўзи бориб, тугалланмаган йўлкани битиришга буйруқ берган.

Миён Мирнинг таваллуди рабиу-с-соний ойининг еттинчи куни туни билан нишонланади ва шу куни одамлар унинг мақбараси томон оқиб келади. Юзлаб йўлка юзида дўконлар қурилиб ишга тушади. Улар билан бирга бу ерга ҳофиз ва машшоқлар келиб куйлаб, рақс ҳам тушадилар.

Ҳусайн Шоҳия. Шўъба лоҳурлик Баҳлул Шоҳ Ларёний муриди ҳазрат Шоҳ Лаъл Ҳусайнга тегишли бўлган. Аслида Баҳлулнинг онаси Дҳадҳа қабиласидаги раҳпутлар хонадонидан бўлиб, унинг асл номи Лҳадҳа Ҳусайн Гулисарой эди. У султон Феруз Шоҳ Тўғлуқнинг даврида мусулмонликни қабул қилган.

Шоҳ Лаълнинг сийрати ва сурати ўзининг бир-бирига зид жиҳатлари билан қизиқ. Суфийнинг «лаъл» лақаби унинг болаликдан қизил рангли кийимларни ёқтиргани учун берилган. У йигирма етти ёшида исломий илмларни ўрганган. Ниҳоят ёши ўтишдан ошгач, лоҳурлик Шайх Саъдуллоҳдан Қуръони карим тафсири бўйича таҳсил олаётган вақтида негадир «Бу дунёнинг ҳаёти ўйин-кулги ва жисмоний машқлардан бошқа нарса эмас», деган хулосага келган. Шу-шу мадрасани ташлаб ўз умрини фақат кўнгилхушликда, яъни рақс, қўшиқ ва майпарастликда ўтказган.

Суфий ўзининг тасаввуф таълимотига терс одатлари билан ўз собиқ сулукдошлари орасида маломатга қолган. У 1599 йили вафот этган.

Муқим Шоҳия. Ҳаётул Мирнинг муриди бўлган шўъба асосчиси Саййид Муқим Махкамуддин ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Маълуми шуки, унинг бобокалони қодирия сулукининг жуда кўзга кўринган намояндаларидан бўлган.

Қумизия шўъбаси. Шоҳ Кумиа сулукининг ўн еттинчи вакили бўлиб, у отаси Абдулҳай билан сулукнинг Ҳиндистонда тарқалишида муҳим ўрин тутган. Суфий Бенгалияда истиқомат қилиб, Акбар ва Ҳумоюннинг ҳукмронлиги даврида яшаган. У ўз фаолиятида сулук хизматларидан ташқари Лудҳияна ва Садҳаурада катта савдо расталарини ҳам ташкил қилиб бошқарган.

Баҳлул Шоҳия. Шўъба асосчиси Баҳлул Шоҳ Дарёий устоз Шоҳ Латиф Борийнинг шогирди бўлган. Унинг ҳаёти ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Лекин айрим манбаларда суфийнинг машҳур пири Шоҳ Латиф Борий ва унинг пирининг пири Ҳаётул Мир ҳақида жуда кўп турли ривоятлар сақланиб қолгани қайд қилинган.

Нақшбандия сулуки. Ҳиндистонда нақшбандия сулукини жорий этган Хожа Боқий Биллоҳ Беранг насаби бўйича Хожа Баҳоуддин Нақшбандниинг еттинчи бўғини эди. У ўз пирининг

фатвоси билан Ҳиндистонга шогирдлари билан келиб, Деҳлида яшаган ва шу ерда дунёдан кўз юмган. Ундан кейин сулук фаолиятини шогирди Аҳмад Форуқий давом эттириб, тарикатни халқчил рух касб этишида жуда катта муваффақиятларга эришади. Оқибатда Ҳиндистондаги бошқа жорий сулуклар бамисоли нақшбандия соясида қолиб кетгандек туюларди. Тариқат тарғибига хос ғоявий маслак ва мақсадлар форсий ва урду адабиётида ўз бадиий ифодасини топиши билан оммалашди. Чунки, бу тариқат Ҳақ таолонинг ҳузурида доимий ҳозирлик, аҳли сунна ва жамоа ақидасини мустаҳкамлаш ва Набий (а.с.) суннатларига эргашишни ёқларди.

Аҳмад Сирҳиндий нақшбандиянинг Ҳинд диёридаги кейинги тарихида мухим ўрин тутади. Аҳмад Сирҳиндий 1598 йили отасининг вафотидан сўнг Деҳли орқали Макка зиёратига кетаётганида, йўлда дўсти уни Боқи Биллоҳ билан таништиради. Шунда бўлажак пир уни бир ҳафта Деҳлида қолишини сўраганида Аҳмад бу ерда нафақат қолади, балки пир таъсиридан унга мурид тушиб, берилган муддатдан анча узокроқ яшайди. Боқи Биллоҳ муддат тугагач, Аҳмадга Макка зиёратини ўтказиб, яна Деҳлига қайтиши кераклигини айтади. Белгиланган режа амалга ошгач, Боқи Биллоҳ икки ойдан сўнг Аҳмадни ўз ноиби сифатида Сирҳиндга кетишига фотиҳа беради.

Орадан тўрт йил ўтгач, Аҳмад яна пири ҳузурига келганида, пири унинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олади. Тез орада ўзи қатори суфийлар орасида пирининг алоҳида эътиборига сазовор бўлиб, сулукдаги мақоми улуғланиб, унга қодирия хирқаси топширилади.

Аҳмад 1603 йили учинчи маротаба пири ҳузурига ташриф буюради. Пир унинг ташрифи муносабати билан йиғилган жамоада ўз шогирдини мактаб, уни кўшта, атрофидаги мурид ва мухлисларини эса сайёраларга қиёслаган.

Пир билан мулоқотдан кейин Деҳлидан кайтган Аҳмад Лоҳурга кетади. У шаҳар суфийлари томонидан ислоҳотчи сифатида қизғин кутиб олинади. Аҳмад шу ерда эканида пири вафотидан хабар келиб, у яна Деҳлига жўнайди. Дафн маросимидан сўнг бу ерда суфийнинг диний ислоҳотларини инобатга олиниб,

Тасаввуф аҳли пешволари ёзиб қолдирган асарлар, суфиёна руҳдаги шеъру достонларни мутолаа қилар экансиз, ёруғликнинг зулматга, хайрнинг шарга фойз камолнинг нокислик, қалтафахмлик ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Вокеан, тасаввуф пайғамбарлари, зулм ва қоронғулик лашкарига қарши маърифатни қурол қилиб олиб жангга кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар (Тўғарий: «Маърифат-жаҳолатга қарши жангдир»). Алишер Навоийнинг «Насойим-ул-муҳаббат» асаридан: «Исмоил Даббос деди-ким, ҳаж ниятин қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўъминни кўрдимки, ўлтуриб хирқасини ямайдур эрди, салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: Онанг борми? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор. Мен эллик ҳаж қилибмен – бори ялғон, ёлғон ялғон ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

2. Тасаввуфнинг Комил инсон тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши. Комил зотлар – жамиятнинг тирик виждони, кишилар уларга қараб хушёр тортар, дунё бехудлигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарру қилардилар. Уларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган. Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг мухтасар маъно шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймат ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор. Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Сайид Абдулкарим Жилий ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг «Инсони комил» номли рисолаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Мухйиддин Ибн Арабий (1165–1240) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир.

Ибн Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тимсоли Муҳаммад пайғамбардир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камо-

лот; дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбаримиз халқ ва Ҳақ муқобилида турардилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва ҳатто анбиё ва авлиёларни, дошмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак. Саййид Абдулкарим Жилий фикрига кўра, ҳар бир инсон иккинчисининг ўрнини босадиган нусхадир ва бир-бирининг қаршисида турган кўзгу кабидир. Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб турали. Аммо фарқи шундаки, бу акслашиш баъзиларда феъл-ҳаракат бўйича бўлса, баъзиларида эса қувват, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истеъдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра, бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб кўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлардан, балки бир-бирилан ҳам кескин фарқланиб турадилар. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми афзал, яна бир гуруҳи эса афзалу акмалдирлар. Саййид Абдулкарим Жилий мазкур таснифни айтиб, яна қўшиб қўяди: «Комил инсон, воқеан, Муҳаммад пайғамбардир ва қолган анбиёю авлиёнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидею».

Аммо Шайх Азизиддин Насафийнинг: «Комил инсон», «Мақсади ақсо», «Зублату-л-ҳақойиқ» номли ва бошқа рисолаларида комил инсон масаласи бир мунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар тоғиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломидаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади. Шунинг учун умумий

тушунчалардан аниқ тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида катта олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн Арабийга қўшилиб, инсонни "олами асғар" (кичик олам) ва моддий оламни биргаликда "олами акбар" (катта олам) деб атайди. — Улуг оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд, дейди у. Шу тариқа инсон –олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси хисобланади.

3. Комил инсонга хос ахлоқий хусусиятлар. Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва хақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги сифатлар камолга етган бўлсин: яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради. Унинг фикрича, тариқат йўлига кирган соликлар вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки «ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади».

Насафийнинг машкур таърифидан иккита хулоса келиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хулоса шуки, Насафийга кўра, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритиладиган юксак мартабадир.

Комил инсон ҳақида юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

- Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

- Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У ахлоқий-маънавий поклашиш жараёнида камолга эришади.

- Шунинг учун ҳар бир пок ахлоқли, тақводор шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

– Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, ниятги билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни йўлга солса, Ҳақ йўлида фидоий бўлса, у шунча комилдир.

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – мақтовга лойиқ ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўзликни англаш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, юксакахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўзини англамаган одамлар. Иккинчи, юксак ахлоқий хислатлар билан безанган; аммо ўзини англамаган одамлар. Учинчиси, юксакахлоқий сифатлар билан безанган ва ўзини англаган одамлар. Олимнинг назарида – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши юксак ахлоққа эга бўлиш ва ўзликни англаш билан амалга ошади».

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-истаги деб қаралган. Бундан яна шу маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар – бир томондан, жамики руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган улуғ бир зот тушунчаси, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон ҳисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъи назар, комил инсон хақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлди, инсонни шарафли, эзгулик руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилди. Ҳар замон, ҳар лаҳза инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ноўрин қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, имон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда жамиятимизда ҳар тарафлама етук ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилар экан, баркамоллик пафақат жисмоний ва ақлий, балки руҳий маънавий тўкисликни ҳам қамраб олишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Инсонни жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий, руҳий жиҳатдан комил қилиб тарбиялашда аждодларимиз меросининг ўрнини

эътироф этган ҳолда, мутасаввиф боболаримизнинг, жумладан Ҳаким Термизий, Абу Бакр Калободий, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Кубро, Ахмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби тасаввуф дарғаларининг асарларидан кенг истифода этиш мумкинлигини англаб етмоғимиз даркор. Соф тасаввуфий адабиёт, тасаввуфий мерос ҳар қандай мутаассиблик, ғулув ва жаҳолатга қарши курашда улкан маънавий хазина, туганмас ҳазина вазифасини бажара олади.

Мавзу бўйича саволлар

- Тасаввуфда комил инсон нимани ифода этади?
- Комил инсон деб кимга айтилган ва бу тўғрисида қандай фикрлар бор?
- Комил инсон қандай сифатларга эга бўлиши керак?
- Комил инсон ахлоқи деганда нималарни тушунасиз?

Мустақил иш топшириқлари: *Пировой ижодида комил инсон ғоясининг ёритилиши.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
2. Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
3. Тримингэм Дж.С. Суфийский ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989.
4. Тасаввуф атамалари изоҳли луғат. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Маънавият, 2014.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – Москва: Дилл, 2004.
6. Зарринкўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон // Сино. – 2002. – № 8. –Б.10-13.
7. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватнома султоний; Ахлоқи Муҳсиний. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.
8. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

ГЛОССАРИЙ

Авлиё – валийлар, дўстлар. Аллоҳнинг энг яқин дўстлари, севимли қуллари маъносида ишлатилади.

Бақо – фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий атамада қулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақога эришиш. Башарий иродадан илоҳий, энг олий иродага юксалиш.

Ботин – ички, пинҳон, сир, асрори илоҳия. Соликларнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

Важд – топмоқ, суфийликда ишқ ва иштиёқ ғалабаси натижасида ўзидан кетиш.

Вараʼ – тақвонинг юксакроқ босқичи, буюрилган ва манъ этилган барча диний амрларни мукаммал татбиқ этиш.

Васл – етишиш, эришиш, восил бўлиш. Ҳақ висолига етишмоқ. Васл ёки вуслат – тасаввуфий ҳаётдаги йўқчиликнинг пиҳоясига алоқадор.

Дарвеш – дарбадар суфий. «Гиёсу л-луғот»да изоҳланишича, дарвеш сўзининг асл маъноси эшиклардан парса тиловчидир. Дарвешнинг қадимги шакли даровеза – эшикларга осилувчи бўлиб, кейинчалик у дарвеш шаклини олган.

Завқ – тотмоқ. Илоҳий тажаллийларнинг бошланиши. Ҳақдан етадиган ирфон нури.

Зикр – эсламоқ, суфийликда Аллоҳни ёд этиш билан боғлиқ ибодат маросими.

Зуҳд – парҳезкорлик, дунёга қизиқмаслик. Аллоҳнинг зикридан чалғимаслик учун дунёдан ва ундаги нарсалардан эҳтиёт бўлиш.

Интибоҳ – қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, бедорлик, руҳий уйғониш.

Истиқомат– тўғрилик, тўғри ҳаракат этиш, рост йўлга етишиш.

Латифа – нозик хилқат, сезиш, ҳис этиш мумкин бўлган, аммо сўзда ифодалаб бўлмайдиган яширин, сирли ва нозик маъно, ишорат.

Мақом – турок, манзил, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Мақомга риёзат, мужоҳада билан эришилади.

Маърифат – кашф ва илҳом билан ҳосил бўлган воситасиз, маънавий ва ички тажриба билан ўрганиладиган илм, тасаввуфий ирфон.

Мужаррад – тоқлик, бўйдоқлик. Тасаввуфда тажаррул, ягёр ва мосиводан тамоман фориғ бўлиб, Ҳаққа таважжуҳ этишдир.

Мукаввин – таквин сифатига соҳиб бўлган зот. Борлиқ оламнинг мукаввини – Аллоҳнинг ўзи.

Мурид – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук мартабасини эгаллаган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эришиладиган бир даражадир.

Мурақаба – банда ўзига оид бирор қувват йўқлиги шуурига эга бўлиши «ла ҳавла ва вала қуввата илла биллаҳ» дейиши, уруғ экқан деҳқоннинг ёмғир кутиши каби Аллоҳнинг раҳмат ва файзини кутиш учун Ҳақ томонига юзланиш.

Муҳиб – севувчи, ҳақиқат, маъно, яъни ботин аҳлига мансуб шахс. Муҳиб «Ҳаққал яқин» босқичида Аллоҳ висолига восил бўлган.

Обид – кўп ибодат қиладиган, доимий машғулоти ибодат ва тоат бўлган, ибодат билан ғажот топишига ишонадиган киши.

Ориф – ирфон соҳиби, англаган ва таниган. Суфийларнинг нуқтаи назарида ирфон Аллоҳ туҳфаси бўлгани учун илмдан устун биладилар.

Ризо – розилик, хушнудлик, мамнунлик. Тасаввуфда Аллоҳ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Ризо – қайғу ва қадрнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ.

Робита – алоқа, шайхнинг сурат ва шаклини зеҳнда тахайюл ва тасаввур қилиш. Робитаи мавт – ўлимни эслаш, «ўлмасдан бурун ўлиш». Робитаи қалб ёки робитаи ҳузур — қалбга таважжуҳ қилиш, Аллоҳни «жон томири»дан ҳам яқин ҳис қилиш, ўйлаш ва хушёр тортиш.

Сабр – мужоҳада ва риёзат билан нафснинг роҳатини ва орзусини тарк этиш.

Сукр ва саҳв – сархушлик ва ҳушёрлик. Ғайбат ва ҳузур ҳолининг олий шакли. Сукр (ёки сукр) ўзини унутган, ўлидан кетган ошиқнинг ҳоли. Саҳв эса бунинг акси: ўзини унутганнинг ўзига келиш, ҳушёр бўлиш, тамкин ҳолати; ғайбат ҳолининг зоил этилиши. Сукр ҳолисиз саҳв ҳоли ҳам бўлмас.

Сама' – суфийларнинг мусиқа ёрдамида зикр тушиши (кўпинча мусиқа билан, қўшиқ билан).

Солик – бирорга тасаввуф маслагига мансуб шахс.

Сулук – йўлга кириш, нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига қадам босиш, бу йўлнинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук – усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик – юрувчи киши тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Таважжуҳ – юзланиш, зеҳнни диққат ила бир парсага қаратиш. Тасаввуфий моҳиятда таважжуҳ Аллоҳга юз бурмоқ, йўналмоқ ёки тушунчани хусни мутлақка тўлиқ тобе, айламоқ демак. Таважжуҳда солик ўзлигидан кечмаган бўлса-да, шунга ҳаракат қилиши керак. Таважжуҳ вақтдан аввал юз берадиган ҳол саналади.

Таваккул – Аллоҳга талпиб сабабни тарк этиш, Аллоҳни вакил қилиш, сабабга эмас, сабабни яратганга, Мусаббибга ишониш, ризқ қайғусида бўлмаслик.

Тавба – гуноҳлардан қайтиш, Аллоҳга қалби салим билан қайтиш,.

Тажрид – инсонлардан алоҳида, яшаш, дунё ташвишини ўйламаслик.

Таквин – бор этмоқ, ижод қилмоқ, бирор бир парсани йўқликдан борликка чиқармоқ. Аллоҳнинг хос сифатларидан бири. Аллоҳ ана шу сифат ила ҳар қандай парсани йўқдан бор, бордан йўқ этади.

Талвин – бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва рухий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.

Тасфия – қалбни соф ҳолга келтирмоқ, ҳақиқатни идрок этмоқ, мужоҳада ва риёзат поклиги

Таҳаммул – чуқур ва теран мулоҳазаларга берилиш, диққат ила мушоҳада юритиш.

Узлат – хилват ва узлатга чекиниш.

Фано – йўқ бўлиш, ўлиш. Тасаввуфда ўзликни йўқотиб, бутун борликдан кечишдир.

Харобат – башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир.

Хирқа – шайх, мурид ва дарвешлар киядиган махсус кийим. Бу сўзнинг луғавий маъноси ямоқ, парча ёки курпадан тикилган кийим демак. Атамада эса, пир билан мурид орасида алоқа ўрнатиш, «муриднинг нафс билан ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул айлаши»дир.

Ҳол – бир нишаб турган замон ва ҳолат, вақт, маълум бир пайтда келадиган (ворид) ва тушадиган, кечадиган маънавий ҳис ва ҳаяжонлар, шавқ, ҳузн, унс, мушоҳада, яқин, хавф, қабз каби ҳоллар. Суфийлар назарида ҳол – неъматдир, меҳнат орқали қўлга киритилмайди, мақомларга эса меҳнат риёзат билан эришилади.

Қаноат – қисматга рози бўлиш, сабр, қийинчилик ва маскан эҳтиёжини зарурат чегарасида сақлаш, очкўз бўлмаслик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Trimingham J. S. The Sufi Orders in Islam. Oxford 1971.

2. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnaxr, 2009.

3. Sufism and the modern in Islam. Martin Van Bruinessen, Julia Day Howell. – London-New York, I.B.Tauris. 2005.

4. Сухравардий. Авориф ал-маориф / Ихё улум ад-дин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. Т.5.

5. Эрнст К. Суфизм. — Пер. с англ. А. Горькавого. – Москва: ФАИР-ПРЕСС, 2002.

6. Khanam Farida. Sufism an Introduction. – New Delhi: Goodword books, 2009.

7. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) – СПб.: Филологический факультет СПб ГУ, 2001.

8. Milstein R. Sufi Elements in the late fifteenth century painting of Herat. -London-New York.

9. Рафик ал-Ажам. Мавсуа мусталаҳот ат-тасаввуф ал-ислами. – Байрут: Мактаба Лубнон ноширун, 1999.

10. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: «Шарқ», 2013.

11. Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.

12. Тасаввуф атамалари изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати И.Усмонов ва бошқ. – Т.: Movarounnaxr, 2015.

13. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар / масъул муҳаррир И.Усмонов. – Т.: Movarounnaxr, 2014.

14. Кныш А. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля, 2004.

15. Юлдашходжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

16. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.

17. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 52-57.

18. Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Тарж. ва нашр И.Ҳаққул, А.Бектош. –Т.: Movarounnaxr, 2004.

19. Юсупова М., Рахимова З., Ибрагимов О. Суфийские традиции в искусстве Мавераннахра XV-XVII вв. – Т.: Sanʼat, 2010

20. Аликберов А.К. Эпоха классического ислама на Кавказе: Абу Бакр ад-Дарбанди и его суфийская энциклопедия «Райхан ал-хака'ик» (XI-XII вв.). – Москва: Восточная литература, 2003.

21. Мухторов Б. Глобаллашув шароитида қодирия тариқати фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. – Т., ТИУ, 2016. Магистрлик диссертацияси.

22. Subhan A. Sufis and Sufism. Ed. by Neeru Misra. – Manohar, 2004.

23. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Лен-д: Издательство Ленинградского университета, 1966.

24. Бабаджанов. Б.М. Собрание фетв по обоснованию зикра джахр и сама'. – Алматы, 2000.

25. Аликберов А.К. Эпоха классического ислама на Кавказе: Абу Бакр ад-Дарбанди и его суфийская энциклопедия "Райхан ал-хака'ик" (XI-XII вв.). – Москва: Восточная литература, 2003. – С.684.

26. Каримов Э. Кубравийский вакф XVII-XIX вв. – Ташкент: Фан, 2008.

27. Муминов А. Суфийские группы в современном Казахстане. http://e-islam.kz/ru/qazaqstandagy-islam/vnutrennie-kategorii

28. Mustafa Kara, Metinlerle Günümüz Tasavvuf Hareketleri. Istanbul: 2010.

29. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндалир / УАбдулваҳоб таржимаси. - Тошкент: 2001.

30. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Олти жилд. / Ж.Камол таржимаси. – Тошкент, 2004-2006.

31. Sirtiye E. Sufis and Anti-Sufis. – Curzon: Curzon Press, 1999.

32. ат-Тасаввуф фи-с-Саудия ва-л-Халиж / Тадқиқотлар тўплами. – Дубай, 2011.

33. Сухравардий. Авориф ал-маориф. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. Т.5.

34. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари/ Тарж. А.Самад ва О. Шарофиддинов. – Тошкент: Фан, 2007.

35. Аҳмад Сирҳиндий. Ал-Мактубот ар-Раббонийя. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-илмийя, 2004.

36. Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) / Ф.Низомов тарж. – Тошкент: Шарқ, 2005.

37. Chittick W.C. Sufism: A Beginner's Guide. Oxford: Oneworld Publications, 2008.

38. Юлдашходжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

39. Абдулмунъим ал-Ҳифний. Ал-Мавсуа ас-суфийя. – Қохира.: Мактаба мадбулий.

40. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат: Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Т. 17. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзаахмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001.

41. ал-Калободий, Абу Бакр Муҳаммад. ат-Таарруф ли-мазҳаби аҳл ат-тасаввуф. Дор Содир, 2005.

42. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.

43. Ғарибий Н. «Қиссаи амолий» шарҳи ва тавҳид манзумаси. – Т.: ТИУ ИМБ, 2008

44. Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1991.

45. Шиҳобиддин Аҳмад ибн Иброҳим Тунисий. Нашрул лаъалий бишарҳи бадъил амалий. – Байрут, 2007.

46. Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ақоид ан-Насафий. – Қохира: Мактаба ал-Азҳарийя лит-турос, 2000.

47. Бобораҳим Машраб. Маблағи Нур / И.Абдуллоҳ нашрга тайёрлаган. –Т.: Фан, 1994.

48. Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-Хитоб.(Тошбосма). –Т.: Ғулом Ҳасан Арифжонов.

49. Тожуддин Ёлчиқул ўғли. Рисолаи аниса шарҳу саботул ожизин. – Тошкент: 2000.

50. Холид Нақшбандий. Ал-иқд ал-жавҳарий фи-л-фарқ байна қулрат ал-абд ва касбиҳи инда ал-Матуридий ва-л-Ашъарий / Аш-Шайх Холид Нақшбандий – ал-алим ва-л-мужаддид. Низор Абоза тадқиқи. Байрут, Дамашқ: – Дор ал-фикр ал-муосир, 1994.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

1-БОБ. ТАСАВВУФНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ 7

1-§. Илк ислом даврида тасаввуфий қарашлар: саҳобийлар ва тобеийлар ҳақида зуҳд 7

2-§. Тасаввуфнинг асосий мавзулари: валийлик, каромат, тариқат ва мақомлар 10

3-§. Тасаввуфнинг таълимот сифатида шаклланиши 32

4-§. Марказий Осиё тасаввуфи ва мотуридия эътиқоди 46

5-§. Тасаввуфга оид муҳим тушунчалар: зикр ва унинг турлари, силсила, хонақоҳ, халқа, пир ва бошқалар 80

2-БОБ. ТАРИҚАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА ТАСАВВУФДА ТУТГАН ЎРНИ 94

1-§. Тариқатларнинг вужудга келиши 94

2-§. Марказий Осиёда тариқатлар шаклланиши: Кубравия тариқати 114

3-§. Яссавия тариқати 126

4-§. Хожагон-нақшбандия тариқати 138

5-§. Нақшбандия таълимотида «етти пир» илмий мероси ўрни 156

6-§. Қодирия тариқати 185

3-БОБ. МУМТОЗ ТАСАВВУФНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ 200

1-§. Марказий Осиёда футувват 200

2-§. Тасаввуф ва санъат 220

3-§. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф 239

4-§. Мумтоз тасаввуф намоёндалари сохта суфийлик ҳақида 260

4-БОБ. ТАСАВВУФ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН 279

1-§. Мумтоз тасаввуф ва замонавий тариқатчилик 279

2-§. Глобаллашув ва жараёнлари тасаввуф: бугунги кунда тасаввуфга муносабат 288

3-§. Тасаввуфнинг мингакалар бўйлаб ёйилиши..... 310
4-§. Комил инсон тарбиясида тасаввуфий қарашларнинг ўрни 377
ГЛОССАРИЙ..... 386
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:..... 390

И.Усмонов

ТАСАВВУФГА КИРИШ

дарслик

Муҳаррир: А. БАБАДЖАНОВ

Техник муҳаррир: А. АНВАРОВ

Саҳифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ

«Yosh kuch» нашриёти,
Тошкент шаҳар, Содиқов-13
Нашриёт лицензия рақами AI № 001. 20.07.2016 йил.

Босишга 06.11.2019 да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32. Босма табоғи 24,75.
Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз. Адади 80 нусха.
Буюртма № 03.

Баҳоси келишилган нархда.
«Yosh kuch press matbuoti» МЧЖ да чоп этилди. Манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Ипакчи кўчаси, 258-уй.

ISBN 978-9943-5738-9-5